

ТўЛАГАН ҚОСИМВЕКОВ
ӨИНГАН ҚИЛИЧ
ТАРИХИЙ РОМАН



Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

ТОШКЕНТ—1980

84ҚИ
Қ 61

Редколлегия

В. БОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕН-
БОЕВ, В. Й. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚҰШЖОНОВ, МИРМУҲСИН,
Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕ-
ДОВ, О. ЁҚУБОВ, К. ЯШИН (Редколлегия раҳбари)

Қирғизчадан
Турсунбой Адашбоевнинг
эркин таржимаси

Тақризчи
Зухриддин Исомиддинов

К $\frac{70303-48}{352 \cdot 01}-80$ 127—80 4702280200

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1980 й. (Тарж.)

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

1865 йил.

Генерал Черняев бўзранг дўнгликда ёлғиз кўзли дурбин билан атрофни кузатиб турарди. Бу ердан унга бепоеън далагина эмас, олисда қорайиб турган бегона Тошкент девори, дарахтлар билан бурканган қишлоқлар, сой бўйларидаги шалдираган қамишзор ва ниҳоят мўр-малахдай бостириб келаётган бесаноқ аскарлар кўзга яққол кўринарди. Саф-саф отлиқлар кетидан орти кўринмай чуваланган пиёдалар келарди. Оёқ остидан кўтарилган чанг бир муддат кўкка ўрлаб, яна оҳиста майсаларга, яшил янтоқларга инарди. Узоқда от кишнади. Одамларнинг ғала-говури қулоққа чалинарди. Қўқонликларнинг бу қадар пухта тайёргарлик билан келишини генерал кутмаган эди. Бироқ унинг оқ-сариқ юзидан хавф-хатар сезилмасди, ғалабага эса шубҳасиз ишонарди. Қайтага ҳеч нарсани сезмаётгандай, жигарранг мўйлабини силаб такаббуруна қараб турарди. Бу эгри қилич тутганларни биринчи марта кўряптими? Тезотар милтиқ билан қуролланган бир ярим минг солдати, бу ер у ёқда турсин, ҳатто Европага юриш қилишга ярайдиган пухта артиллерияси бор. Нимадан хавф-сираши мумкин? Қандайдир бирор хатарга асос бўладиган сабаб йўқ.

Шу пайтда қўқонликлар лашкарбошиси ҳам қулай ерга етиб келганди. У оқ арғумоқ тизгинини тортиб бепоеън даланинг орқа-олдига, адирлар оралаб жой танлаб, бўлиниб кетаётган қўшинларнинг боши ва охирига назар ташлади. Кўзлари қонталаш, ранг-рўйи оқарган,

уйқусизлик туфайли ажинлари қуюқлашган эди. Бунинг устига эғнидаги енгсиз қора кимхоб авра чопон от сағрисида чуваланиб, жуссаси кичик қарияни янада кўримсиз қилиб қўйганди. Қушни йиртқич қилган тирноғи, одамни сирли қилган мансаби. Бу кўримсиз чол атрофида турган навкар ва удайчиларга кўз қирини ташлаб қўяркан, биров билан сўзлашмасди, битта-яримта билан маслаҳатлашмасди, у қўлини соябон қилиб чор атрофга тикилар, секингина имо-ишора билан ўнг ва чап қанотга зарур буйруқларни бериб турар эди.

Уч кундан буёнги тайёргарликлар тугаб, сир-асрори мутлақо яширин бўлган ҳар икки ёв аста-секин бир-бирига яқинлашиб келарди. Суворилар йўлни тез-тез ўзгартириб, гоҳо от ўйнатиб, гоҳо тин олиб олға силжирди. Генерал Черняевнинг айрим қисмлари ноғора садолари остида ўзининг куч-қудратини кўрсатиб қўйиш мақсадида кунботиш тарафдан ҳужумга ташланди, замбаракларнинг юракни титратувчи овозлари билан қўқонликларнинг чап қанотини ёриб ўтди. Бир текис оқ либос кийган солдатлар ўқ еткудай масофадан унча ўтмай, саф тортиб ёппасига жангга кирди.

Ияк эти тиришиб, қонталашган кўзлари чақчайган аскарбоши қўлидаги қамчинини пешонасига тираб хаёлга толди. Навкарлар лол бўлиб, буёғи энди нима бўлади, дегандай аскарбошига зимдан кўз югуртириб, мум тишлагандай унинг оғзини пойлаб туришарди. Аскарбоши ниҳоят деди:

— Чирнай пошшо қиличбозликдан қочиб ўқи етадиган масофадан туриб қирмоқчи шекилли?

Унга яқин турган Абдумўминбек бош ирғаб:

— Бу копирнинг фикри ўйи шундай шекилли, тақсир!— деди. Аскарбоши ўйланиб қолди. Қонталаш кўзлари чақчайган аскарбоши тобора ўтли ҳалқадай қисиб келаётган душманларни кўриб безовталанди. У аста буйруқ берди:

— Ҳужумга!..

У душманни замбаракларичан алаҳситиб, ёғилаётган ўққа қарамай сафлар ўртасидан ёриб кириб ҳаммасини бирма-бир қилич дамидан ўтказмоқчи эди. Шундай қилса генерал Черняев темир қуршовда қоларди. Шундай бўлармикин? Буни генерал фаҳмлаётганди ёки унга бу ҳақда биров шипшитгандай типирчилаб, ўзини

қўйгани жой тополмай қолди, жони ҳиқилдоғига келиб тоқати тоқ бўлди. У чап қанотга ёпирилди.

Генерал Черняев дурбинни кўзидан олди. Бирдам шунчаки қараб, оралиқни кўзи билан чамалаб олди-да, пистирмада турган отлиқ казак аскарларнинг икки қанотга бирийўла ўқ отиб ҳужумга ўтиши учун буйруқ берди. Унинг мақсади қўқонликлар кўплашиб бир йўла жангга киргудай бўлса, отиш билан бирга дарҳол ортга чекиниш ва сипоҳийларни замбаракларга ем қилиб бўлса ҳам фурсатни қўлдан бермай яна олға интилиш эди. Генерал дурбинни қайта қўлга олди. Қизил уст-бошли сарбозлар нари-бери югуриб хитойча деб аталмиш кичик замбаракларни дўнгламга ўрнатиш билан овора эди. Улардан берироқда, сипоҳийларнинг юқори қисмида эса мерганлар пилталик милтиқларидан тез-тез ўқ узиб туришарди. Қайси томонни нишонга олишяпти ўзи? Генерал пайқай олмади. У ўз олдидаги ўқчилар ротасининг сараланган сафини кўздан кечирди. Йиқилгани ёки қатордан ортда қолгани кўзга чалинмади. Шундан сўнг дурбинда қўқонликлар қўшинининг марказий қисми генералга яққол кўринди. Бўз адир... Бир тўп отлиқлар... Аста чап қанотга бостириб боришяпти... Генерал олдинда бораётган оқ отлиққа тикилди.

— Олимқул... Машҳур аскарбоши... Худди ўзи... — деди оқ-сариқ юзи, мовий тиниқ кўзи ёниб. — Ҳа... Олдинги қисмга ўзи келган экан-да...

Оқ тулпор минган аскарбоши ўз атрофидаги сараланган сипоҳийларни ўқдан олислатиб, бир оз ортга қайтишга буйруқ берди-да, ўзи бир талай удайчи билан генерал Черняевнинг олд қисмидаги кучлари йўлида тўхтади. Ўқ чийиллаб келиб яқин орага туша бошлади. Аргумоқ пишқириб, қулоқларини чимириб, яқинлашиб келаётган бегона кишиларни билгандай сувлиғини чайнаб, депсиниб безовта бўла бошлади. Нима учун? Аскарбоши қилични ўйнатиб, тизгинни бир оз бўшатди-да, узангига тираниб қийқириб ҳужумга ўтди. У душманларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Олишув қизиб кетди. Хитойча замбараклар тиним билмасди. Лекин у рус замбаракларининг олдида ҳеч нарса эмасди. Гарчанд мўлжалга бориб етмаса-да, сарбозлар устма-уст отишарди. Аскарбоши ҳамон дўнгда турарди. Шу маҳал унга яқин ердаги навкар-

нинг оти кишнаб, мункиб кетди-да, ағдарилиб тушди. Эгаси остида қолди. Атрофдагиларнинг қути ўчди. Фақат аскарбошигина ўлим излаб келгандай ўжарлиги тутиб, отини ўйнатди-да, шиддат билан жангга отилди.

Генерал Черняев ҳаммасини кўриб турарди. Аскарбоши унга ҳовлиқма йигитдай кўринди. У дурбинни кўзидан олиб мийиғида кулди.

— Ажабо! Шарқда ўққа қараб бориш ҳамон сақланган экан-да. Ўқ ботирни аярмиди? Аскарбоши ана шу боши билан ўлимга қараб келяпти-ку...

— Менинг билишимча, бу басиз деган кичик бир кўчманчи уруғдан чиққан киши, — деб эслатди генералга яқин турган ҳарбий кийимдаги шарқшунос. — Қўқон халқининг тиниб-тинчимаган, урушқоқ етакчиси, раҳбари ана шу. Ўша мункайган қария ўзаро жанжалларда келишмай тарқаб кетган уруғларни фаросат ва ақли, устмонлиги билан уч йил ичида иложи борича қайтадан бирлаштирди. Урушга лаёқатли қилиб тарбиялади.

Генералга бу гаплар ёқмади. У қарши томонга кўз югуртган бўлиб ўзича гудраниб қўйди:

— Энди бари бир кеч бўлиб қолди. Қанчалик уринмасин, қуруқ бақириб-чақириб, ўққа яланғоч тўшини тутиб бериш билан чекланади...

— Ҳа, бу-ку тайин гап.

Генерал ерга тупуриб, оппоқ дастрўмоли билан юзини артди-да, жигарранг мўйлабини силаб, оқ отли тўдага тўплар билан зарба беришни буюрди.

— Қани, ботирлигини кўрамиз...

У дурбинни яна кўзига яқинроқ тутди. Шу дамда тўпларнинг даҳшатли ядроси дўнгни чанг-тўзонга чулғаб, атрофни остин-устин қилишини, оқ арғумоқнинг пишқириб, қизиққон эгасини кўтариб қочишини томоша қилгиси келди. Йўқ... Оқ арғумоқ дўнгда йўқ! Генерал Черняев кўзини артиб, яна қаради. Ҳар ер-ҳар ерда кўк янтоқ билан отнинг ўлиги қорайиб ётибди. Худди шу кезде ўнг ва чап томондан кўп қўшин пайдо бўлди.

— Қари тулки алдамоқчи бўлибди-да. Ураб олмоқчи шекилли! — деди генерал Черняев. — Бир оз орқага! Тез!

Алоқачи буйруқни олдинги ўқчилар ротасига

етказди. Генералнинг ранги ўчиб кетди. Бироқ қароридан тезда қайтиб, ишонч билан гапирди:

— Тез! Тўпларга таяниб атрофни ҳимоя қилиб турайлик-чи. Ҳа, айтмадимми, буларнинг ўққа юзмаюз келадиган одати бор деб. Майли, олачопонларидан ўқ ўтмайдиган бўлса, яқинроқ келаверишсин!— дея генерал олдинги тўданинг яқинроқ келишини сабрсизлик билан кутиб, безовта бўла бошлади. Бордию қанотдаги отлиқлар тўпларнинг ортидан чиқиб қолса-чи?..

Худди шу ўй қўқонликлар аскарбошисининг юрагини ҳам таҳликага соларди. Кўздан олис қочирмай, душмanning бир қанотини қуюндай ишканжага олиб зарба бериш, мўлжалга олган йўналишидан алаҳситиб қиличбозлик қилишга мажбур этиш... Ҳа, буниг учун ўққа бардош бериш керак. Шунга чидаса, ё ғалаба қозонади, ё хасдай тўзиб қирилади. Қочиб қайга борасан? Қачонгача қочиб юрасан?.. У бир ерда туролмай, бўлажак тўқнашув дардида ёнарди, ҳар бир жангчисининг олдига илтижо билан боришга ҳам шай бўлиб, ич-этини еб, қўшинни ҳужумга сафарбар этарди.

— Ол, ҳа! Ол! Қашқир тузоққа илинди... Ўзи келиб тушди. Ол, ҳа! Ураб олинглар... Оёқ ости қилинлар...

Беҳисоб қўшин ёпирилди, сафлар бўрондай шиддат билан ўкириб, генерал Черняевнинг чап томонини ёриб кирди. Таваккалга кўникиб қолган сипоҳийлар арча ўтинидай сачраб, ажал қаноти остида қиличларини ўйнатиб, отлиқлардан анча олдинда боришарди. Ол, ҳа! Ол! Ур! Қийрат! Қичқирикдан еру осмонларзада. Отларнинг туғидан олов чақнайди. Генерал Черняевнинг баландликка ўрнатган замбараклари бир йўла олов пуркаб, йўлни тўса бошлади. Ўқ еган учқур аргумоқлар ўликларнинг устидан сакраб тумтарақай қочар, баъзи отлар эса чалажон жангчиларни узанги билан судраб кишнаб борарди. Қон иси, ўқ-дори ҳиди ҳавони тутиб кетди.

— Ол, ҳа! Ол! Қўршаб олинглар! Кунпаякун қилинлар! Ол, ҳа! Ол! Боболарнинг арвоҳи қўлласин. Ол, ҳа! Ол!..

Аскарбошининг овози гоҳо буйруқдай жарангларди, гоҳо нафасни бўғадиган жанг тўзонига аралашиб, заифлашиб кетарди, баъзан эса қаландарнинг ғамгин

ашуласидай қон ва порох ҳиди билан омихта бўлиб ҳавода янграрди.

Генерал Черняев атрофни муҳофаза қилди. Казаклар отдан тушиб, ер бағирлаб, солдатлар билан бирга ўзларини милтиқлар билан ҳимоя қиларкан, аста-секин чекинишга мажбур бўлишди. Қўқонликлар қиргинга қарамай, қайсарлик билан ҳамон селдай олға босиб борарди. Такаббурлик билан жилмайиб турган генерал Черняевнинг чеҳраси тундлаша бошлади. Уқ қанчага етаркин? Сипоҳийларнинг сабр косаси-чи?.. Унинг юрагини ҳапритиб сарбозларнинг кети тугамасди.

Аскарбоши жанг вақтида ёнидаги навкарларидан ажралган эди. Ёлғиз удайчиси қолганди. У соядек эргашиб юрарди. Унинг оти қора бўлиб, башараси ҳам қсра, совуқ бир кимса эди. У лабини қимтиб, кичик кўзларини аскарбошидан узмасди. Қўлида қора пилтали милтиқ. Пилтасидан сира чўғни ўчирмайди. Аскарбоши чанг-тўзон ичидан аргумоғини йўртириб, қиличини ўйнатиб, қор кўчкисидай даҳшат билан олға силжиб бораётган қўшинга қараб:

— Ол, ҳа! Ол!— дея қичқирди, сўнг ўзини босди. Удайчи икки томонга тез-тез кўз югуртирди. Унинг оқи деярли билинмайдиган кўзлари олисларга қадалди. Ўзи нима гап? У отидан ирғиб тушди. Унга ҳеч ким эътибор бермади. У ўзини қора отнинг панасига олди-да, милтиғини шоша-пиша отнинг ёлидан ошириб нишонга олди. Унинг юраги қаттиқ-қаттиқ урарди, у ўзидан-ўзи чўчиб, милтиқни яна туширди. Яна атрофга аланглади, энгашиб отнинг қора ёлига қуролини қўйиб тўғрилади... Дам ўтмай милтиқнинг варангланган овози эшитилди. Аскарбоши сулайиб оғиб бораркан, оҳиста қайрилиб, иягини сийпалаганича туриб қолди. Удайчининг кичик кўзлари ялтираб, қўллари қалтираб, бели букчайиб, от жиловини тортди, аста орқаси билан юрди. Аскарбоши от ўстида қалқиб, бир оз ҳушига келди ва орқасига қайрилиб қаради. Лабларидан қон сизиб, хириллаган овозда удайчини ёрдамга чақирди. Удайчи жавоб қайтармади, у қалтирай-қалтирай отига минди-да, елдириб, гўё бир соядай жуфтакни ростлаб қолди...

Аскарбошининг кўнгли озди, ярадор бўлганини билди. Қандайдир бир нима унга далда бериб, уйқу-

дан уйғотаётганга ўхшарди. Оқ арғумоқнинг кумуш ёлини маҳкам тутди. Қиличи тушиб кетди, энгашиб уни олмоқчи бўлди. Аммо дармони қуриб, эгардан оға бошлади. Арғумоқ бир айланиб депсинди-ю, тўхтаб қолди. У узангига тирмашди. Жонҳолатда чираниб, турмоқчи бўлди. Чаккаларидан қора тер қуйиларди. Лабларидан силқиётган қон кўкрагига сизарди, узанги қўлидан чиқиб кетиб ерга йиқилди...

Арғумоқ қон ҳидидан ҳуркиб кетдими, ҳайтовур тизгинига ўралиб аста юриб кетди.

«Оҳ, тақдирнинг ўйини... Ахир Олимқул хон оталиғи эмасмиди? Бутун бир аҳил юртнинг бошлиғиман демасмиди? Аҳли донишларни танлаб ёру биродар орттирмаганмиди?! Улар қайда? Қаёққа кетишди? Ҳолдан тойганда қўлтиғидан оладиган бирор кимса бўлмаса-я?...»

У таяниб, охирги марта бошини кўтарди. Қаноти қайрилган бургутдай олисга, ёруғ оламга армон билан тикилди. Кўзига ер олов босиб келаётгандай қип-қизил кўринди. Хору хас ва тошлар, суяклари бўртиб турган қора қўллари ҳам олов ичида эди. Уққа томон от елдириб бораётган жангчилар ҳам қочишга йўл тополмай, сарсон-саргардон, ўтда ёнаётгандай туюларди. Унинг кўзини қон босаётганди.

Навкарлар хийла орқада от ёлига энгашиб, жанг боришини кузатишаркан, бирдан тизгинига ўралиб юрган эгасиз оқ арғумоқни кўриб қолишди, атрофдагиларнинг авзойлари бузилиб, ранглари ўчди.

Шунда кимдир:

— Ё, ажабо!..— деб юборди.

Ҳамма кўрди. Ёпирилиб арғумоқни ушлашди. Шу маҳал улар турли ўйларга борди. Бир-бирига қўрқаписа гумонсираб, димоғ-фироқ билан қарашарди. Хон отаси қайда? Қандай ҳодиса рўй берди? Ҳамма оқ бедов келган тарафга йўл олди.

Олимқул икки туп янтоқ ўртасида юзтубан ётарди. Бир талай қон тупроққа сингиб кетибди. Чалқанчасига ағдаришди.

Унга энгашиб қараб турган энг яқин кишиси Абдумўминбек ўзини босолмади. Бирдан йиғи кўтарилиб, яна босилди. Нима қилишни билишмасди. Баъзиларнинг кўзидан ёш бетиним оқарди. Айримлар ич-ичидан ўксирди. Бошқа бировлар эса бу тўпдан бир илож

қилиб тезроқ чиқиб кетиш чорасини излаб, лабларини қимтирди.

— Ўқ орқасидан тегибди.

— Ўқ қайдан чиқди? Кимдан чиқди?..

Абдумўминбек ўзини тутолмай ер муштлади:

— Бир кўзинг иккинчисига ёв!.. Қандай кунларга қолдик?.. Удайчилар қаерда?.. Кўзингга чўғ тушгурларни ушланглар. Бирортасини ҳам қўймай тутиб келинглар!

Ҳа, фақат ўша ранги совуқ удайчи топилмади. Шу кезде у Тошкентга қараб чанг тўзғитиб қочиб борарди.

Бу шумхабар қўшинга шамолдек тез тарқалди. Ҳужумга шайланиб бораётган жангчилар беихтиёр тизгинни торта бошладилар. Мингбошилар, повоотлар саросимага тушиб қолди, бир-биридан гумонсирарди, ўзларини авайларди. Кимга қулоқ солишади? Кимнинг буйруғини бажаришади? Ҳеч ким бундай қилайлик, деб олдинга чиқмади. Еру кўкни тутган қўшин шундай долзарб пайтда аскарбошидан жудо бўлди...

Қўшиннинг олди генерал Черняевнинг ортига етиб қолганди. Шу паллада кўз очирмай келаётган отлик қўшин бехосдан сийраклашиб, шамол бошқа тарафга ҳайдаган тумандай жангдан четлаб борарди. Олдинги қисм кўмаксиз қолди. Тош отса еткудай масофадан өтилган ўқлардан жангчилар ерга тутдай тўкиларди.

Генерал Черняев вазиятни яхшилади, ўзини ростлаб, иккинчи ҳужумга шайланиб турди. Бу галги ҳужум қаёқдан бўларкин? У дурбин билан ҳужум қилиниши мумкин бўлган ерларни синчиклаб кузатди. Гумонга асос йўқ. Ҳар қайси дўнг ортидан майда туғ — байроқчалар кўзга ташланиб, дўлнинг бир маромдаги оҳанги эшитиларди. Генералнинг кўз ўнгида ҳозиргина қайтадан тўпланган қўшин туғлар ортидан юриб, номаълум тарафга бетартиб тарқала бошладди. Буларга нима бўлди? Бундай пайтда аскарбоши қўшинни ташлаб кетиши ақл бовар қилмайдиган иш-ку? Генерал ишонмасди. Қариган қашқир яна бир айёрлик қилмоқчи шекилли?..

— Буларга нима бўлди?— деди генерал Черняев қайта-қайта дурбиндан қараркан.— Мана сенга Шарқ. Ҳеч бир кутилмаган тасодифларга дуч келасан.

Ўйноқлаган оқ бедов негадир сира дурбинга илашмасди.

Яшил ўзан...

Бир-бирига туташиб кетган қалин қамишзор. Ранг-баранг кўкатлар қулф уриб, ёввойи бедалар нопармон тусда қийғос гуллаган эди, қоқи ўтлар шабадада тебранарди, эрманнинг боши мис рангда товланарди. Ўтўланнинг хушбўй ҳиди димоққа урилади. Катта-ничик оқ, сариқ капалаклар бир зумда кўкка кўтарилади, кейин аста қўниб, нимадандир ҳурккандай яна учиб, тоза ҳавода сайр қилишарди. Сукунатни чумчуқларнинг чирқиллаши бузади, холос.

Тангриберди яшил адир оралаб ёлғизоёқ сўқмоқдан қулунли зотдор биясини етаклаб, ўзан томонга тушиб келди.

Яшил ўзан четида йўловчи қўниб ўтадиган ёлғиз катта шотут тарвақайлаб кетганди. Нортуянинг бўйнидай йўғон, эгри-бугри шохлари қалин, сояси қуюқ эди. Шабада бўлса-бўлмаса япроқлари оҳиста тебраниб, ҳамиша шивирлаб турарди.

Тангриберди биясининг айилини бўшатиб, сувлигини чиқариб, ёввойи бедазорга қўяркан, унинг қанжиғасига боғлаб қўйилган қўлбола саночдаги қимизни ечиб олди, бамайлихотир тутнинг соясига келди ва уни бутоққа илди. Иккита чумчуқ тут шохининг орасидан қувалашиб чиқди-да, яна ўрнига қўниб, чирқиллай бошлади. Қария чумчуқларнинг хатти-ҳаракатига, парвозига ҳавас билан боқар ва ўз одатига кўра кексаларга хос бўлган қайфиятда умрига, турмушига шукрона келтириб, арпазорга нигоҳ ташлади. Қачон пишаркин? У бугун ҳам арпасидан хабар олгани келган эди.

Эрта ҳайдалиб, ўз вақтида сувга қонган, яхшигина бош олган арпалар бошини кўтаролмай, бири устига бири эгилиб қолганди, қилтириқлари олтин тусга кириб бсраётгани, дони эса хийла қотиб қолгани уни хушнуд этарди. Қариянинг чеҳраси ёришиб, кўзлари чақнаб, бир бош арпани узди-да, кафтида эзди, унинг йирик-йирик, кўм-кўк доналарини меҳр билан кузатиб бош ирғади:

— Ҳа! Тунов куну сут эди. Бугун думбул бўлибди. Кўпи билан яна бир ҳафтадан кейин бир чеккадан

Ўроқ солиб, ошлиққа ишлатсак бўлаверади, худо хоҳ-
ласа.

У донни ерга ташлагиси келмади. Қайтага тозалаб
нос чеккандай оғзига солди. Қариянинг нигоҳи олис-
ларга қадалди. Чол атрофги қўрғондай қуршаган қор-
ли чўққилар, кумушранг булутлар, тоғ томонга оғиб
бораётган баркашдек қуёшни кузатаркан, кафтида
қолган арпа қипигини қоқиб ташлаб, тузсиз дон шира-
сини тамшаганича қўлини белига тираб арпазорни
айланди.

У ориқ, новчадан келган киши бўлиб, соқоли ва
сочи мошкичири эди. Соқолига туташиб кетган сий-
рак мўйлаби оппоқ қировга ўхшарди. Бир оз йўғон,
бесўнақай ўсиқ қошларигина тимқора эди. Юзи сар-
ғиш, ажинлари ёқимли, мундоқ қараганда ақлли,
салобатли кўринади.

Нарёқдан отлиқ бир киши шотутга яқинлашди. У
ким экан-а? Қария кўзларини артиб, отдан тушаётган
одамга зеҳн солди ва шошилмай бу ерга келди. У
дастлаб боғланган отга қаради, танимади. Отнинг эга-
си қўлини орқасига қилиб сув тарафга қараб турарди,
қўлида букланган қамчин бор эди. У чолнинг оёқ
товушини эшитиб бурилди ва унга пешвоз юрди. Қария
сал чўчиброқ бир нави салом берди. Қўл олишиб
сўрашгач:

— Э, қушчи Сарибой экансан-ку! Кел, кел... Утир,
ўтир...— Сарибой кулди.— Қайси шамол учирди?—
Тангриберди қўққисдан келган меҳмонга шохга таш-
лаб қўйган қора эчки пўстагини солиб, ўзи ерга чўкка-
лади. Япроқлар орасидан тушган кун нурида қизи-
ган бир парча ер тафти чолнинг тиззасига хуш
ёқди.— Сарибойим... ҳеч келмасдинг, хўш, йўл бўл-
син?..

Сарибой сариқ соқоли сийрак, кўзининг усти бўр-
тиб чиққан қотма киши эди. Эғнида унниқиб кетган
қашқари чопони ҳамда гулли кенг чолвори ўзига
ярашган эди. Оёғида тумшуғи қайрилма этик, қўлида
кумуш сопли қамчи.

— Бекорчилик, Тангриберди ака. Бургутим тулаб,
овим бароридан келмаяпти...

— Бекорчи бўлсанг, яқинда тариғим бош олади,
келиб тариқ ўриша қол!— деб Тангриберди қария
қазиллашиб ҳиқиллаб кула бошлади.— Бургутингни

тутга қўндириб қўйсанг бўлди, чумчуқ зоти бу атрофга йўламайди.

Сарибой кулиб, у ҳам ҳазилга яраша жавоб қилди:

— Бургутимнинг тирноқ ҳақи қанчадан тушаркин, Тангриберди ака?

— Тенг шерик.

— Унда ҳар йили бургутимни тутингизни шохига қўндириб қўйиб, меҳнатингизга тенг шерик бўлаверман, Тангриберди ака!

— Майли...

— Ха-ха-ха! Унда от терлатмай, уйда ётиб олиб бола-чақа боқар эканман-да!

Биргалашиб кулишди. Кейин Тангриберди ўсиқ қора қошларини чимириб:

— Яхши, Сарибойим...— деди.— Тирикчилик осон эмас. Арпа эндигина думбул бўлди. Бир оз бўлса-да, болаларга қуйқалиб берсаммикин, деган хаёлда келган эдим. Ҳар кун кўриб турмасанг бўлмайди. Мол-қолдан чўчир экансан киши. Ўзинг биласан, нариги қора адирнинг нарёғи овул, бу ёғи бўлса тошлоқ. Э, шундай қилмаса иш юришмайди, болаларга егулик озиқ бўлсин деб...

— Ҳа, энди, Тангриберди ака, тирикчилик-да. Деҳқончилик ҳар қалай бир ёқламалик иш экан.

Чорва ортидан ем-хашакнинг гулини, сувнинг тинигини, ҳавонинг салқинини қидириб кўчиб юрган элатда камдан-кам одам деҳқончилик билан шуғулланади. Бу касбнинг қадрига ерни улуғлаган, доннинг мазасини билган кишигина етади. Ё бўлмасам, айрим менга ўхшаган кишилар итни эргаштириб, қопқон қўйишади, қуш билан ов қилишади, гоҳо қушни элат ва уруғларда буни замонанинг зайли деб тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Сарибой қушчи Тангрибердининг кўнгли учунгина шундай деди. Дала-туздан истаган нарсасини ўлжа қилиб, камлик кўрмай, чопони тўзимай, ҳамиша қувноқ ҳаёт кечирган устаси фаранг Сарибойдек овчининг айни вақтида деҳқондан ўзини анча паст тутишига асло тоқати йўқ. «Бизнинг ризқимизни парвардигор тоққа сочган», дейди. Бу унинг тирикчилик ўтқазиш йўлидаги фалсафаси. Ҳозирча бекамикўст яшаётган овчи қўлидаги кумуш қамчисини ўйнатиб кулиб ўтирарди.

— Сизнинг ёшингизга етган ҳам бор, етмаган ҳам.

Шу боисдан бир кўриб ўтайин дедим, Тангриберди ака.

— Худо хайрингни берсин, Сарим...

— Қўлим қуруқ бўлмасин деб... — Сарибой гулдор чарм жалтасини титқилаб, чиройли терини қариянинг олдига ташлади. — Тангриберди ака, учрашувимиздан хотира. Шу силовсинни телпак қилиб киярсиз.

Тангриберди силовсинга қўл узатишини ҳам, узатмаслигини ҳам билолмай ҳайрон бўлиб қолди. Сарибой синовчан тикилиб, совғаси билан чолни мамнун этгани учун ўзи ҳам қувониб кетди.

— Дастлабки қордан сўнг шикорга чиқувдим... Шу ўлжа илинди... Ёмон бўлса-да, яхшидай кўрарсиз, Тангриберди ака.

Тангриберди ўрнидан туриб, кулранг силовсин терисини тумшугидан силкитди, бўйи бўйи билан баробар экан, думи ерга тегиб турибди, кумушранг жунлари товланиб, тери янада кўркам тусга кирди.

— Ёмон деганинг шу бўлса! — деди Тангриберди кўзи ўйнаб. — Телпакка катталиқ қилади. Ҳа, мана кўргин... Жуда катта... Буни ичикка ёқа қиялдирсам бўларди. Телпакнинг ҳам иложи бўлиб қолар.

— Ҳа, майли, Тангриберди ака, телпакнинг давоси битта тулки!

— Бу бошқа гап, қушчим!

Тангриберди саночдаги қимизни ечди. Унинг оғзини ҳимариб дамодам ичишиб, яйраб алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Гурунгни соғиниб қолган Тангриберди қуёш оғиб кетгунга қадар Сарибойни ёнидан жилдирмади.

Кунботиш олдида Сарибой:

— Энди мен борайин, Тангриберди ака, — деб ўрнидан турди, — мана учрашдик, бу ҳам ганимат...

Тангриберди пайсалга толди:

— Оббо, Сарибойим, қайтасанми... Шу кўж чалопни ичиб, уйга кирмай кетаверасанми?

— Раҳмат! Емай-ичмай юрган ериммиди? Омонлик бўлса, ҳали кўп гаплашамиз, Тангриберди ака.

Тангриберди тишсиз иягини сийпалаб, хурсандлигидан оғзининг таноби қочди:

— Майли, энди Сарибойим... — деб меҳмонни қўлтиғидан олиб отга миндирди. — Бир қизим кўз тоғамиз бор эди, деб эслаб келганинг учун раҳмат, укам.

Худо ўзи қўлласин. Сен мени қўлласанг, оллоҳ сени ёрлақасин. Энди... Қуруқ қайтыпсан... Ғалла пишганича йўқ... Тагингда отинг бор, мана бу экинлар пишганда бир кел. Отингга ем, қишда бўза солгани арпа билан тариқ олиб кетасан.. Хайр, Сарибой!..-- деди.

— Омон бўлайлик... — деди Сарибой жўнар экан, — яхши қолинг, Тангриберди ака!..

Орқасидан Тангриберди овозини баландлатиб, яна бир бор берадиган нарсаси борлигини қулоқ қоқиштириб қўйди:

— Шундай қил, Сарибой! Бир келиб кетгин. Ёдингдан чиқарма, Сарибой!..

Тангриберди қайтиб келиб, тут шохида осилиб турган кўкимтир силовсинни ушлаб қайтадан кўра бошлади. Совғанинг ўрнини совға босади. Совға эса чакана бўлмаслиги керак. Совға-саломни қайтариш элатнинг азалий удуми. Тангриберди совғага бир улов дон мўлжаллаб, овчи шўғга рози бўлса керак, деб ўйлаб қўйди.

Қуёш тоғ ортига думалаб, яшил воҳага кечки салқин туша бошлади...

III

Дайди ўқлардан ҳуркиб, шундай нозик пайтда аскарбошидан жудо бўлган беш юз йигит инига овчи кирганини сезиб қолган бургутлардай тўзишиб, ота-она, севимли ёр, фарзанд ва она диёр қайдасан, деб куну тун тинмай от йўрттириб қайтиб келмоқда. Оп-поқ қорға бурканган тоғлар олисдан ўз жигаргўшасини интиқлик билан кутаётган оқ рўмолли оналарга ўхшайди. Яктаклари устухонларига ёпишиб кетган, тақимлари зўриққан, отлари қора терга ботган жангчилар Тошкентдан чиққанларининг еттинчи куни адир ёқалаб ёзги яйловларга етиб келишди. Эл қаёқда? Овуллар бўм-бўй.

Қишлоқлар, кимсасиз ўчоқларнинг қўри сўнган, эски ўтов ўрнида қозиқдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Сарин ел қовжираган хашакни шилдиратиб ўйнайди. Сой томондан зағизгоннинг шақиллаган овози эшитилади... Бундан бошқа жонзот йўқ. Атроф жимжит.

Бу ернинг аҳолиси серўт, серсув яйловларни қидириб кўчиб кетган эди. Жангчилар чарчаганларини

энди сезиб, отларини тушовлаб ўтга қўйиб юборишди, бирин-кетин пинакка кетишди...

Тун яримдан ўтиб қолганди. Гулкиши яшил ўзандан тонгда чиқиб, салқинда йўлим унади, деб шитоб билан келарди. Дўнгдан чиқаётганида йўлнинг икки томонидан одамларнинг шарпаси, отларнинг курт-курт ўтлаганини яққол эшитди. Ҳар ер-ҳар ерда олов кўзга ташланади. Бу эски яйловга келиб ўрнашган кимлар бўлди? Гулкишининг юраги шиг этди. Кўз ўнгига қароқчилар келиб, баданидан муздек тер чиқди.

Уни бир талай йигитларнинг ўртасида кўрпачада ёнбошлаб ётган кишининг олдига келтиришди. Ҳалиги киши еб юборгудай тикилди-ю, индамади. Ёши ўттизларда. Қовоғи солинган. Бошини қизил белбоғ билан танғиб боғлаган тўқ-яшил камзулли юзбошилар султонининг қизил булғори этиги, шундоққина белига осилган эгри қиличи уни салобатли кўрсатарди.

Гулкиши дарров таниди. Бекназар! Гулкиши салом берди. Бекназар уни овозидан таниди шекилли, ялт этиб унга қаради-ю, бир оз шаштидан тушди. Гулкиши ўзига келди:

— Бекназар! Қоқиндиқ... Йигит пири қўллаб, эсон-омон қайтдингларми?..

Бекназар қариндоши Гулкишининг қўлини маҳкам қисиб, уни бағрига босиб сўрашди.

— Гул ака! Мол-жон омонми? Эл тинчми?..

— Шукур! Шукур! Эл тинч. Ўзинглар саломат қайтганинглар яхши бўлди.

Бекназарнинг руҳи энгил тортиб, мулойим кулди:

— Гул ака, йўл бўлсин? Саҳарлаб қайга йўл олдингиз?

— Тирикчилик дарди-да, Бекназар, бозорга кетяпман.

— Арпа ўримга келиб қолгандир?

— Ҳа, яна бир ҳафтача бор. Пишай деб қолди. Болалар уёқда турсин ўзимиз ҳам қимизни соғиниб қолдик. Сабримиз чидамай тоғдан бир тўп арчани кесдим, икки-уч хўжаликка егулик оқишоқ топиб келиш учун кўмирини отга ортиб кетяпман.

— Тангриберди тоғамнинг уйлари қаерда?

— Булоқ бўйида. Бу йил ҳаммамиз ҳам ўша ердаямиз. Тангриберди ака арпасини кўриб, ўзан бўйида юрибди.

Бекназарнинг қовоғи солиниб, бир нуқтага тикилганича хаёл суриб қолди, сўнг деди:

— Гул ака, қайтинг. Шу ердан орқага қайтинг,— деди оҳиста.

Гулкиши суриштиради:

— Майли...— деди ижирганиб. Бекназар бир нуқтага тикилганича Гулкишига бошқа гапирмади.

Шундан кейин атрофда турган йигитлар Гулкиши билан қучоқ ёзиб кўриша бошлашди.

— Гул ака, бизнинг овул қайси томонга кўчди?

— Бизники-чи, Гул ака?

— Бу йил ўт қалай? Моллар семизми?

— Ишқилиб тинчлик, омонликми?

Гулкиши жавоб бериш билан ҳалак. Унинг кўнгли алағда бўлди. Бекназарнинг шу ердан қайтинг, деган гапи уни ўйлантириб қўйди. Атай йўлга чиқиб, қишлоққа қайси юз билан қуруқ бораман, деган фикр унга тинчлик бермасди. У йигитларнинг савол-сўроғидан зўрға қутулди. Оти ёдига тушди.

— Ҳой, менинг отим қаёқда қолди?— деб сўради Эшимдан хавотирланиб.— Аскарларнинг бирортаси миниб кетган бўлмасин тагин?

— Қаёққа ҳам миниб кетарди? Шу ўртада ўтлаб ордандир, қарайлик-чи.

Гулкиши сариқ отини катта йўл остидан топди. Ўстидаги кўмири оғиб, тизгинига илашиб, отни жилдирмай қўйибди. Аранг турган эканми, эгасини кўриб кишнаб юборди.

Кўк тоқида қилич синиғидай осилиб турган ой бир гўп увада булут ортига кириб кетди. Тонг оқариб борарди. Оловнинг кучсиз нури Бекназарнинг аламзада чехрасини баъзан ёритиб, баъзан соя ташлайди.

— Бекназар ака, сизни понсот кутяпти...— деди бир йигит ўтга яқинлашаркан, Бекназарнинг қовоғи яна солиниб, индамади, чақириб келган йигит жавоб кутиб бир оз турди, кейин бошқа сўз айтолмай аста изига қайтди.

— Отлар тайёрми?— деди Бекназар ўз йигитларига.

— Тайёр, Бекназар ака...

Бекназар ўрнидан турди. Эшим қора қашқа тулпорни олиб келди. Бекназар отга минмай нарироқда йилтиллаб ёнаётган олов томон тез-тез юриб борди.

Эшим бир қўлида ўзининг отини, бир қўлида қорақашқани етаклаб Бекназарнинг орқасидан кетди. Қолган йигитлар отлиқ ва пиёда бўлиб эргашди.

Бекназар келганда даврадагилар қўзғалиб йўл берди. Оловнинг тўрида кимхоб чопонни елкасига елвагай солиб ўтирган кишигина пинагини бузмади. У кўзлари чақчайган, ориқ киши бўлиб, мошқири соқоли сийрак эди. Каттакон телпаги майса устида ётарди. Бошида қизил бахмал дўппи. Қўқон хонлигининг Акси тарафдаги энг обрўли кишиси, ҳарбий соҳада понсот номини олган Абил бий шу эди. Атрофидагилар нафасларини ичларига ютиб жим ўтиришарди.

— Ассалому алайкум!

Бекназарнинг келганини энди билгандек Абил бий қувониб алиқ олди.

— Буёққа!.. Кел, ботир...— деб тиззасига урди.

— Чақиртирган экансиз, понсот ака?

Абил бий Бекназарга синовчан назар ташлаб, секин:

— Ботир...— дея айёрлик билан сўзлай бошлади.— Гап бор... Шундай оғир дамларда маслаҳатлашиб иш қилган яхши. Кенгашамиз...

Бекназар ўтнинг бу томонига тиз чўкиб ўтирди.

— Қулогим сизда.

Абил бий нимадандир хавотирланиб ўтирганга ўхшар эди. У Бекназарга яна бир сидра тикилди.

— Ноаҳил хонадондан файз кетар, дейдилар. Ота-си адолатсиз бўлгач, боласи номусини поймол қилади. Хотини бадбахт, келини эса ўғри бўлади. Иззат-ҳурмат қилиш йўқолиб, уйни бошқариш базифаси унутилади. Худди шу нарсани ўйлаб кўрмоғимиз даркор, Бекназар.

Қорачол ботир гапга қулоқ солмади. Унинг умри от ёлида ўтган, анча-мунча сўзларнинг фаҳмига бормайди. У Абил бийнинг буюрган ишини бажаришни шараф деб билади. Ҳозир ҳам у оловга қўлини тоблаб бамайлихотир ўтирарди.

— Мана, хоннинг оталиги ҳам дунёдан ўтди. Энди ўрдада торт-торт бошланади. Худо уриб, жанжал авжига минади. Бир томондан ўрислар қисиб келаётир. Шундай ноаҳил бўлсак, бир кунмас бир кун ё хон томонидан, ё ўрислар томонидан кишилар келиб, бизни хонавайрон қилиб кетса, аҳволимиз нима кечади?—

Абил бий тарашадай ориқ қўллари билан соқолини сийпалаб, ич-ичидан тавба деб қўйди.

— Ҳурдадаги торт-торт тугармиди!— деди Бекназар.— Бу ҳурда халқ бошига тушган бир бало бўлди.

Абил бий сал жилмайди:

— Ҳурда барчамизга тенг, ботир.

Бекназар гапирмади, Абил бий унинг нима демоқчи бўлаётганини яққол сезиб ўтирарди. Бекназар юз боши ўз йигитлари билан иссиқ-совуқни бирга кўриб, аввалгидан ҳам қадрдонлашиб қолганлиги учунми, кейинги вақтларда понсотга у қадар бош эгмай қўйганди. Нима бўпти? Унинг айтолмай юрган бирор гинаси ёки кеки борми? Олимқулнинг шаҳид бўлиши буларнинг ўртасига яна совуқчилик солди. Ҳамиша бефойда, бенаф жанжаллар, ҳурдадаги келишмовчиликлар туфайли Абил бийни Бекназар ёмон кўриб қолганди. Зотан уларнинг йўли бир бўлса-да, Тошкентдан чиққандан бери биринчи марта юзма-юз тортишмоқда.

Абил бий Бекназарнинг афтидан ҳамма нарсани тушунди. У, бир томондан, шундай оғир пайтда урф-одатга амал қилиб, уруғчиликни ҳисобга олиб ярашгиси келса, иккинчи томондан, бундай маҳалда ҳарнағам-ташвишдан олисроқ юришни, ўзини холисроқ тутишни ўйларди. Унинг ориқ юзлари дир-дир титраб, ҳорғин кўзларини Бекназардан узмасди.

— Биз аҳил бўлмоғимиз лозим.

Бекназар ниманидир кутиб, оловнинг қип-қизил чўғидан нигоҳини узмай понсотнинг охириги сўзига рози бўлиб бош ирғади.

— Ҳузингдан ўтар гап йўқ, сарув уруғига бош бўл, буни элга бориб, ёшу-қарини тўплаб ўзимиз айтишимиз керак эди, афсуски йигитларимиз чарчаб қолди. Ҳамма уйига тарқаб кетгач, қайта уларни йиғиш маҳол. Шундай бўлгач, бир киши элни бошқариб, тартиб ўрнатмоғи зарур.— Бий Бекназарга синовчан тикилиб сўзида давом этди:— Керак бўлса, ҳамиша тайёрмиз, биз каби ёши улуғ кишилардан маслаҳат олиб туришинг мумкин...— дея қўшимча қилди.

Понсот ўзича Бекназар бу гапдан қувониб, ирғиб туриб таъзим баъжо келтирса керак, деб умидвор бўлганди. Бекназар қайтага ҳеч нарса демади. Бий унинг кўзларидан: «Сенсиз ҳам, сенинг сўзларингсиз ҳам йигитларимга сўзим ўтади», деган маънони уқди. Бе-

худа айтдими? Ҳовлиқиб кетдими? Кўзлари ола-кула бўлиб, гаши кела бошлади. Бекназар ҳам понсотнинг ичидан зил кетаётганини сизди. Ана шу дард-алам тошга урилиб, акс-садо беролмай йўқ бўлиб кетаётганини ҳис қилди.

— Кўрамиз.

Комил ишонч билан айтилган бу гап Абил бийни музлатиб юборди. У ўзини зўрға босди. Майли, олса олсин. Бундай алғов-далғов маҳалда бунақа ишни ўз зиммасига олгани маъқул. Сийрак мўй босган нафис лаблари зўрға жилмайди.

— Унда маълум қилайлик.

Йўлга отланишга буйруқ бўлгани учунми, йигитлар шоша-пиша арғумоқларига эгар уриб, олов ёққан кишилар қўрларни ўчириб, йўлга тараддудланмоқда эдилар. Хушxabарни эшитиб юзбошилар ортидан эликбоши, ўнбошилар тўпланиб, понсотнинг оғзига қараб туришарди.

Абил бий ҳам, Қорачол ва Бекназар ҳам отга минишди. Кейин Бекназар белидаги ўрамани буклаб олди-да, Абил бий ёнига келди, унинг бетига қарамай сукут сақлаб турди. Бий буни пайқаб йигитларга кўз югуртириб чиқди-да, томоқ қирди. Одамлар жимиб қолди.

— Ботирлар, — деб мурожаат қилди понсот, — янгилик шуки, биз қишлоқ четида турибмиз. Бундан нари йўлимиз бўлиниб, ҳар бир уруғнинг йигитлари ўз элати томон кетиши мумкин. Бироқ йигитлар бир нарсани яхши билиб олишлари шарт... — Сўнгра у тоғликларнинг ўнг ва чап қанотини бириктириб турган азалий удуми, кичиклар боши осмонга етган тақдирда ҳам ёши улуг кишиларни иззат-ҳурмат қилиши ҳақида сўзлаб, буларни шарият йўли билан мустаҳкамлади, сўнг гапнинг индаллосини айтди: — Узингиз кўрдингиз, ўрда яна бузилди. Бир тарафдан ўрислар қисиб келяпти. Бундай маҳалда ўзбошимчалик мурсага футур етказди. Ёв олдида шарманда бўламиз. Шунга кўра, бир кишига бош эгмоғимиз даркэр. Мен қариб қолдим. Эсли-ҳушли, билагида кучи бор азаматлардан танлаб, ўзингларга саркор сайлаб олинглар. Бекназар ботирга шубҳа йўқ. Бунга нима дейсизлар? Нима бўлсанг бўлавер, деб ора йўлда ташлаб кетмайлик? Қаёққа бошласа, айтганига кўниб, қўлимиздан

келганича уни қўллаб-қувватлаб турмоғимиз шарт,— дея қўшиб қўйди.

Бу янгиликни йўлга шай турган йигитлар қизгин кутиб олишди. Баъзилар, энди буёғи нима бўларкин, деган мулоҳаза билан ўзаро мунозара қилишарди. Ҳар нечук Абил бий келажакни олдиндан аниқ сезиб, юраги орқасига тортди. Лекин сир бой бермади.

Бекназар кўпчиликка қараб таъзим қилди. Бир тўп йигитларнинг орасидан кимдир, «Бекназар», деб чақирди. Аммо Бекназар тонг қоронғисид а овоз келган томонга қанчалик қарамасин, қора от миниб, қамчисини ўйнатиб турган кишини яхши таний олмади.

— Йигитлар!— деди Бекназар, унинг шиддатли овози ғала-ғовурни босиб кетди.— Понсаднинг хоҳишини эшитдинглар. Агар шундай қалтис бир пайтда ўз тақдирларингни менга ишониб топшираётган экансизлар, мен айтган гапга, мен бошлаган йўлга, мен битказган шартномага розилик билдирган кишиларга шуни айтмоқчиман. Биринчи шартим шу...

Абил бий бу гап ўзига қарата айтилаётганлигини жуда яхши тушунаётган эди. Пихини ёрган ҳийлагар гезариб-қолди. Ҳурдада юз берган бир талай ҳийла-найрангларда иштирок этган жоҳил бий ҳозир пича алданиб қолганлигини сизди. Лекин юзбоши билан ҳали-ҳозирча орани бузмаслик кераклигини пайқаб, қаҳр-ғазабини ичига ютиб, шунчаки илжайиб турарди. Бекназарнинг юрагида дарди бор эди, у амални бировларга хизмат қилишдан иборат эмас, балки ўзгалар устидан ҳукм юргизишдан иборат, деб тушунган кишилардан эди. Абил бий буни ёқтирса-да, дастлабки эслатиб ўтган гапларидан пушаймон еса ҳам унга тан беришдан бошқа чораси қолмади.

Йигитлар Бекназарни қўллаб-қувватлашди, отличлар даврани тобора торайтириб кела бошлади.

— Йигитлар!— деди Бекназар яна.— Олти ой давомида тиним билмадик, яктагимиз устухонимизга ёпишди...

Барча бир овоздан маъқуллади.

— Дам олмоғимиз керак. Энди қишлоғимизга етиб тарқаламиз. Шаҳид ўлган дўстларимиз ҳақида уларнинг ота-оналарига хабар қиламиз. Шу бўйи бедарак

кетмаслик учун ҳар қишлоқдан бир йигит мен билан алоқани узмаслиги керак. Бу жуда зарур. Ҳар қандай балога тайёр турайлик. Бундан буёғи нима бўлишини кўрармиз. Ботирларим! Охирги шартим шуки...

— Яна қандай шарт? — Ғала-говур тинди.

— Айтган гапим икки бўлмасин! Сўзимни ҳеч ким қайтармасин. Ҳеч ким олдимга отда юлқиниб келмасин.

Кўпчилик бир овоздан унинг гапларини қувватлади. Бекназар қорақашқа арғумоқни аста йўрттирди.

— Кетдик!

Икки кун давомида нафас ростлаб, тиниқиб қолган арғумоқ ирғишлаб, ўйноқлаб, тўпдан биринчи бўлиб олға интилди.

Тонг ёришиб қолди. Йигитлар ўнта-ўнтадан бўлиб тоғ оралаб кета бошлади.

Бундай талатўпга бир-икки аралашиб кўрмаган Гулкиши боши айланиб, қаерга боришини билмай, ҳал-лослаганича отини аранг тоғди. Қаерга бориш керак? Кўмирини қайта отига ортишини ҳам, уни ташлаб кетишини ҳам билмай, серрайиб турарди. У мискар ўзбек дўстларининг дўконига кўмирни тушириб, эвазига бир-икки қадоқ туршак ё кийимлик бўз, рўзғор учун бир оз оқишоқ олиб, индинига қайтмоқчи эди. Шу билан бола-чақасини хурсанд қилиб, баҳонада ўзи ҳам ҳаво алмаштириб келганидан мамнун бўлиб шеър ёзмоқчийди. У ана шу мақсади тўсатдан амалга ошмай қолаётганидан ўкинди. Ҳеч нарса демай кетишга юраги дов бермади. Ниҳоят, кўмирни ерга ағдариб, иккита бўш қопни эгарнинг устига ташлади-да, тўпларнинг бирига қўшилиб йўлга тушди.

Бекназар олдинда. Қорақашқа бир маромда йўрғалаб борарди. Ортида Эшим.

Понсот хаёлга чўмиб, гоҳида Бекназар томонга назар солиб, ич-ичидан эзилиб, заҳрини сиртига чиқармай келарди. Понсот шу бўйи қолиб кетмайди. «Гапимни ҳеч ким икки қилмасин? Ҳеч ким олдимга от суриб келмасин?! Эҳ, аттанг, хонлар олдида ошиқдай олчи турган мингбошилар бундай сўзларни ҳеч оғзига олганмиди?» Шуларни ўйлаб понсотнинг юраги сиқилди.

IV

Ойзода қўлида икки челак билан сув олгани булоққа келди. Бир тўп йилқи чанқоғини қондиргач, қаерга боришини билмай турарди. Булоқдан чиқаётган муздек тиниқ сув ялпиззор оралаб эски ўзандан обиҳаёт элтарди. Турли-туман капалак ва ниначилар намиққан булоқ атрофида гужғон ўйнарди. Ойзода келган заҳоти йилқилар тепаликка қараб йўл олди.

Келинчак челакларни ерга қўйиб, чашманинг кўз-гудай тиниқ тубига, унинг бир маромда қайнаб чиқишига боқди. Сувда ўз аксини, оппоқ юзларини, бодоғи қоғоғини, қайрилма қошларини кўрди. У ҳамиша кулиб, гул-гул очилиб юрадиган гўзал жувон бўлгандан унга хафагарчилик асло ярашмасди. Шу дамда ўзига бир оз раҳми келди. У бўйни ва жағини силаркан, кейинги вақтда шунчалик озиб-тўзиб кетдимми, дея ўзича шивирлади-ю, оҳиста, юракни ошуфта қиладиган оҳангда хиргойи қила бошлади.

Келинчакнинг дилдаги орзуси майин сабо қанотида гуллар оралаб, қушлар овозига қўшилиб ҳавога сингиб борарди.

Темир уйланганига бир йил бўлмай хоннинг қўшинига олинди. Хон чорлаяпти, деб йигитларни отлантришди. Орадан бир йил ўтди, аммо ундан хабар йўқ эди. Аввалига унчалик билинмади. Кейинчалик ёш, баёв жувон бир нарса йўқотгандай ғамгин, паришон юрадиган бўлиб қолди. Гоҳо тунлари ит ҳурса, эшикка югуриб чиқади. Ҳар бир шарпани жон қулоғи билан эшитиб, алламаҳалгача нафасини ютиб ётади. Келиннинг аҳволини яхши ҳис қилган қайнона ҳам ўзини зўрға босиб юрарди, баъзида шунчалик йўталиб қўйиш билан чекланарди. Бу жувоннинг уйга тезроқ киришига ишора эди. Келини ижирғаниб уйга кириб, чимилдиқни суриб ёстиққа бош қўйгандан кейин:

— Ҳа? Мол ҳурқдимми?— деб мингирларди қайнона ва асл мақсадини айтмаса ҳам келинининг тунда тез-тез ташқарига чиқишига рўйихуш бермасди, уни бегона кўзлар оздириб кетмасин, деб кўз-қулоқ бўлиб юрарди.

— Йўқ, шундай...— деб қўя қоларди Ойзода қошларини чимириб. У хаёллар оғушида кампир билан чолнинг хириллаб нафас олаётганига қулоқ солиб,

ташқарида, дарахтда бетиним сайраётган сутоқнинг ноласини тинглаб, тунларни кўз юммай тонг оттирарди.

Ойзода кўз ёшини артиб, сув тўла челақларни кўтариб ўрнидан турганида, қишлоқ томондан йўл ёқалаб келаётган бир тўп отлиқ кўринди. Улар шамол ҳайдаган тумандай жадал келмоқда эди. Отларнинг дупур-дупури унга танишдай туюлди. Темирлармикин? У ҳам челақдаги сувнинг чайқалиб тўкилганига қарамай қадамини тезлатди. Отлиқлар яқинлашди. Бошқалар шекилли?! Темир кўринмади. Улар қишлоққа яқин келишлари билан шартта бурилиб, бирданига ўкириб йиғлаб юборишди.

- Қадр-до-ним!.. Ази-зим!..
- Дўстимиздан айрилиб қол-дик!
- Тенг-до-шим!.. Ази-зим!

Ойзоданинг қўлидан челақлар тушиб кетди. Унинг кўз олди қоронғилашди, наздида тоғлар бир текис бўлиб, арчалар қора кийган аёллардай ғамгиң кўринди. Ким? Ойзода ҳамон умидвор эди. Ким? У уйдан оппоқ сочларини тўзитиб дод солиб чиққан қайнонасини кўрди... Оёқлари қалтираб, томоғига нимадир тиқилди.

- Нима гап? Нима бўлди?!— деб Ойзода ўзини йўқотиб қўйди, уни кампирлардан бири ушлаб қолди.
- Бургутингдан бевақт айрилдинг, бека...

Ойзода ундан уёғини билмади. У беҳушлик билан: «Қўй! Ундай дема! Оғзингга қараб гапир! Шу ҳам ҳазил бўптими!» — дерди. Хотинлар кўз ёшларини артиб, нима дейишларини билмай Ойзодани ҳушига келтириш пайдан бўлишди. Кутилмаган фалокат Ойзодани эс-ҳушидан айирди...

Жамоат жам бўлди. Йиғи-сиғидан тоғлар титради. Бекназар бошлаб келган тўп ҳар жой, ҳар жойда тиз чўкиб ўтирарди. Фақат Эшимгина янги келганларга қўшилиб нола қиларди:

- Суянчиғим! Ма-дад-ко-рим-дан айрилдим!.. — дея сидқидилдан йиғларди.

Бекназар тиз чўкканича индамай ўтирарди. Тангриберди деворга, қиблага қараганича икки букилиб, ранги қув ўчиб, қўллари қалтираб ҳар замонда:

- О, кўрар кўзим! О, эркатойим!..— деб бўтадай бўзлаб қўяди.

Хотинлар Ойзодани уйга олиб киришди. Бошига

қора рўмол ўраб, сочини ёйиб, тескари қараб ўтирган қайнонасининг ёнига ўтқазишди. Келин ҳушига келмади.

— Оҳ, бебахт!.. Оҳ, бечора!— деб келиннинг ҳолига ачинган бир кампир унинг юзига сув урди. Ойзода кўзини очди, ўзига келиб:

— Оҳ... Мен нима қиламан...— деб ирғиб турди ва ушлаб турган кампирларнинг қўлидан чиқиб, додлаб, бетини юла бошлади. Икки бетидан тирқираб қон чиқди.

Йиғи сал босилгач, Бекназар оҳиста бошини кўтариб, Тангрибердига тасалли берди:

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, тоға!.. Иложимиз қанча...

Ўтирганлар далда беришга тушишди.

— Ҳа, энди... Етган ажал экан... Ундан қочиб қутулган борми... Энди Тангриберди ака, ҳадеб хафа бўлаверманг, ўзингизни бардам тутинг...

Боядан бери жим ўтирган Тангриберди ўзини тугатолмади.

— Эҳ, парвардигор! Ўзим қилтиллаб турганимда... Э худо, сенга нима ёзувдим?!

— Эсиз Темир... Қани энди уни йиғлаб топишнинг иложи бўлса. Шукур қилинг, Тангриберди ака. Тақдир экан, Темирингиз синган бўлса, Пўлатингиз омон бўлсин...

Саккиз яшар Пўлат ҳасса таяниб фиғон чекмоқда эди.

— Темирдан айрилдик. Вақти келиб ҳаммамиз ҳам кетамиз. Биримиз отдан йиқилиб ўламиз, биримиз тошдан, биримиз ўқдан ўламиз. Дунёга ким устун бўлибди? Ҳар қандай катта дарахт ҳам бир куни қуриб йиқилади, кўкда учиб юрган қуш ҳам ерга тушади. Тақдир дегани шу бўлса керак...— деди Бекназар ерга қараб ўтирганлардан нигоҳини узмай.— Темирга ўқ теккан куни Тошкент бўсағасида эдик. Уша кун аскарбошимиз ҳам қаза қилди. Шундан кейин ўртадан муроса қочиб, бировнинг сўзи бошқага ёқмай, қўшин бирин-кетин тарқаб кетди. Биз ҳам қараб турмадик. Буёғи энди нима бўларкин, деб сизлардан хавотир олиб, нобуд бўлган йигитларимизнинг дуои фотиҳасини ўқиб келавердик.

Бекназар ютиниб олди.

— Биз азалдан қиличга суяниб ухлаб, қилич билан уйғониб келаётган элмиз. Қиличсиз бизга кун йўқ. Бундан кейин ҳам керак бўлиб қолар, башарти керак бўлмаса, ботирдан қолган ёдгорлик сифатида шифтга илиб қўярсиз...

Эшим ирғиб турди-да, ўнг ёнбошига боғлаб олган Темирнинг қиличини ечди, тиз чўкиб, Тангрибердига эҳтиром билан топширди. Уртага жимлик чўкди.

Тангриберди қинида қон қотиб қолган қиличга қараб қўли қалтираб кетди.

— О, қулуним!.. О, чироғим!..

V

Ёв бешафқат! Кимнинг оёғига сажда қилдиради? Ўрда қаёқда? Ҳукмдор қайда? Замон юки ора йўлда қолган бир пайтда ким ҳукм чиқаради?! Оддий йигитлардан бўлганида бошқа гап эди. Ахир у Бекназар-ку! Ошиқмай кутиш керак. Давру даврон палласи қаёққа оғаркин?.. Ё у пайтда вақт кеч бўлиб, аттанг, деб ер чизиб қолармикин?..

Ана шундай ўй-хаёллар билан юрган вақтида Абил бийга ўрда тарафдан киши келди.

Кенгаш яйловда бўлди.

Бундан хабар топган бийлар, оқсоқоллар халқ тақдирини ўйлаб, шошилиш равишда ўз йигитлари билан тўп-тўп бўлиб кела бошлади.

Хондан элчи келганини эшитган яқин орадаги ёшу қарилар, остида оти, қўлида қамчиси бўлган эр-ўғлонлар тўпланишди. Йиғилганлар одатга кўра уруғ-уруғга бўлиниб, Абил бий томонидан олдиндан ҳозирлаб қўйилган жойларни эгаллашди. Кенг жилғага эл тўлиб, от боғлагани қозиқ етишмай қолди.

Ҳамма келиб бўлгач, айни чошгоҳда яшил яйловда карнай садолари янграб, Абил бийнинг ўтовидан бир тўп одам чиқди. Карнай овози тоғ бағрида акс-садо бериб, ажиб бир тантанага халойиқни чорларди. Бир гуруҳ одамлар орасида Абил бий билан яна бир бегона одам келмоқда эди. Узун бўйли, қора соқоли чўққи эди. Элчи шу эди. У янги келган кунлардагисига қараганда бир оз тўлишиб, пешонаси йилтираб қолганлиги шундоққина сезилиб турарди. Одамларнинг руҳи ва кайфиятини билиш учун зимдан қараб, чор атрофини

зеҳн билан кузатиб келарди. Элнинг нигоҳи умга қадалган. Биров қизиқиб, биров ҳайрон бўлиб қарарди, ўзгалар ўзаро шивирлашиб ўтирарди.

— Хоннинг элчиси шу экан-да!

— Басавлат экан...

— Хон билан юзма-юз гаплашармикин?..

— Юзма-юз гаплашмаса, буёққа келармиди... Хоннинг офтобачиси эмиш...

— А-а?..

Абил бий халқ ўртасида давом этаётган ана шундай гап-сўзларни эшитиб, уларни энгашиб томоша қилаётганларни кўриб келаётганди. У ҳамиша ўрдага борадиган бўлса, гулдор, ҳошияли қизид кимхоб чопонини, понсотлик белгиси тақилган оқ шойи бўркини кийиб оларди. Чеҳраси очиқ эди.

— Ассалому алайкум!

Оқсоқоллар қўлларини кўксига қўйиб, бор овозлари билан алик олишди:

— Ваалайкум ассалом!..

Хон элчиси билан Абил бий саломга алик олиб, сиполик билан бош ирғаб ўтишди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!..

Халойиқ уларнинг орқасидан юрди. Карнай садолари тоғларни янграйиб, хон элчиси дўнгга солинган гиламга ўтиргунгача тинмади.

Абил бий омонлик тилаб, қўл ёзиб фотиҳа ўқиди. Дўнг атрэфидан жой олган эл унга тақлид қилиб қўллари билан юзларини силашди.

Шундан кейин Абил бий қайта ўрнидан туриб, тўпланганларга қараб мурожаат қилди:

— Э, халойиқ,— деб сўз бошлади,— мана, ўрддан бу ерга элчи келди. Чакана киши эмас. Марҳум Мусулмонқул оталиқнинг ўғли Абдурахмон бўлади. Ўзингиз яхши биласиз, марҳум оталиқ уруғимизнинг туғишган қариндоши эди. Мана, Абдурахмон қароғим бизни ўзига яқин тутиб, ўрда билан элатнинг ўртасига тушиб, элчи бўлиб келибди. Шу баҳонада қариндош-уруғлари билан учрашиб кетмоқчи... — деб бий элчини кўпчиликка таништирди.

Халойиқ говур-ғувур қиларди.

Абил бий мулойим гапирди:

— Э, эл оғаси, аҳли донишлар, ботирлар!

Гап-сўз тиниб, ўзини доно ҳисоблаган кишиларнинг барчаси, ёшу қарилар бу сўздан руҳланиб, нафас ютиб қулоқ солди. Абил бий яна бир карра элнинг тинчиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, тез-тез гапира бошлади:

— Сизлардай асилзодаларнинг бахтига, меҳнат-каш халқнинг тақдирига дахлдор масалалар бор. Мана, элчи хабар топиб келди, Султонсайд ҳам хонлик даврини суролмай, бу дунёдан ўтибди. Э, яхшилар... — У овозини баландлатди, — тангри жиловдор бўлиб, Худоёрнинг кетган омади қайтди, ота арвоҳи ёр бўлиб, иши ўнгидан келиб, тахтга қайтадан ўтирди!

Ҳамма жим. Олимқул оталиқни жанг майдонида ўлдирган ўрдадаги яширин куч кейинроқ ошқора иш бошлаб, ёш Султонсайдни бўғизлашди. Бухородан амир аскарлари билан келаётган Худоёрни кутиб олиб тахтга қайтадан ўтқазилди. Тахтдан икки марта қулаб, яна тахтга ўтирган Худоёрнинг бахтига жамоат ҳеч қаршиликсиз бош эгиб рози бўлди.

— Халойиқ! Хоннинг элчиси келганига мана бир ҳафта бўлди. Юракдан сирлашдик, кўнгилдаги доғлар ювилди. Худоёрхон ўз амрининг бажарилишини сўрабди. Қани айтинглар-чи, маъқул демай бўлармиди? Хонсиз эл эгасиз уйга ўхшайди.

Шу дамда Абил бий бир чеккада отдан тушмай қамчисини тираб турган Бекназарни кўрди. У ёлғиз эмасди. Ёнида ўн чоқли йигити бор эди. Чоптириб келгани учунми, отлари қора терга тушиб кетганди. Афти қурсин, деб Бекназарни атайлаб кенгашга чақиртирмаган эди. Абил бий шунинг учун сира тап тортмай, хотиржамлик билан, «сен четда туравер», дегандай салобат билан сўзини давом эттирди.

— Э, ақлли кишилар, мундоқ ўйлаб кўринглар, шундай нозик замонда ҳазрат эл тақдирини ўйлаб, халқдан мадад сўрамоқда. Балки эшитмагандирсизлар? Тошкентга Чирнай пошшо кирди...

Ўтирганларни ваҳима босиб, ҳамма саросимага тушди.

— Э, парвардигор... Улар бизни нима қиларкин?..

— Қириб ташласа керак!..

— Э, яратган эгам, ўша кунни кўрсатмагин...

Абил бий жамоатчиликнинг кайфиятига қараб, гапини давом эттирди:

— Кеча элатнинг додхоҳлари жамики маҳаллий аҳолини, тоғликларни бошлаб бориб, ўрдада Худоёрнинг бошидан тожни юлиб олса, бир нима дермидик. Бизнинг йигитларимиз ҳам бирга юриб, бирга туриб қилич чопишган. Бу худога ҳам, Худоёрнинг ўзига ҳам маълум. Энди ўйлаб кўринглар, халқимизнинг аҳиллиги йўлида ўша гуноҳидан кечсак, вақтида ўздан ўтган анча-мунча айбини ҳам унутишни сўрабди, ҳаммамизга қадрли бўлган кишини ўртага солиб бу ерга йўллабди. Эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча, деб машойхлар беҳуда айтишмаган. Сўзимнинг охирида шундай демоқчиманки, ўрда бизники, шундай экан, унинг олдида тиз чўкмоқлик бизнинг бандалик бурчимиз...— деди Абил бий.

— Ҳақ гап!— дея Дўмбу ўрнидан қўзғалиб қўйди.— Тезроқ хат битиб, элчини жўнатиб, хоннинг кўнглини тинчитиб керак.

Худоёрхон яна тахтга келгач, вилоятлардан кўнгли тинчимай, чор тарафга элчи юбориб, кун сайин мудофаани мустаҳкамлаш пайига тушди. Бу ўрданинг энг муҳим ишларидан ҳисобланарди. Аммо ўрдадаги қора ниятли кишиларнинг ана шу иш баҳонасида бошқа муддаолари ҳам бор эди. Бордию ўрдага шу нарса лозим бўлиб қолса, Абил бий бу қадар кўпчиликни чақириб, дабдабали маъруза сўзламасди. Қайтага элчига от миндириб, тўн кийдириб, амирга қимматбаҳо совға ҳада этиб, меҳмонни иззат-икром билан кузатиб қўйган бўларди.

— Э, понсот иним... Э, яхшилар, бирор холис йўл борми?

Эл овоз келган ёққа қаради. Ўтирганларнинг орасидан бир одам кўзга ташланди. Тангриберди! Ҳассасага суяниб, донолар турган тарафга қалтираб зўрға қараб турибди. Бу мункиллаган чол нима демоқчи? Йиғинда унга нима борикин? Ўғлига аза тутиб уйда ўтирса бўлмайдими? Ҳамма жимиб қолди.

Тангриберди йўталиб олди:

— Элчи келибди, деган хабарни эшитиб... ўзимча... бошим оғиб келавердим.

— Э, отахон, гапингиз эшитилмаяпти, яқинроқ келиб айтақолинг!— деди Абил бий.

— Нима?...— деди қария хириллаган овозда, ёнидагилардан бийнинг сўзини англаб, аста олдинга юр-

ли.— Далада эдим. Арпа ва таригимдан хабар олиб юргандим. Улганнинг-ортидан ўлиб бўлмас экан...

Дўмбунинг қаҳри қайнаб, қорайиб кетди:

— Айниган чол!— деди у.— Бу ерда сен эжкан тариқнинг масаласи ечилаяқтими, айниган чол!..

Тангриберди шу гапни эшитиб, Дўмбуга заҳархандалик билан тикилган эди, унинг юзи олма қоқидай тиришиб, кўкариб кетди:

— Менинг гапим қисқа...— деб қария чираниб олдинга ўтди.— Бийлар... Худоёр ўша ўзимиз кўриб юрган Худоёр-да... Ўзи элатда туғилиб, элатда ўсган бола... Балки бахти кулгандир, икки марта хон бўлувди, мана энди учинчи марта худо муродига етказибди... Қуллуқ бўлсидан бошқа тилагимиз йўқ. Худоёр хон бўлгандан бери элга нима мурувват кўрсатди, айтинглар-чи?..

— Ҳой, тилингни тийиб гапир!— деди Дўмбу ўрнидан туриб.

Халойиқ жунбишга келиб, лолу ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Ҳой, Дўмбу!— деди Тангриберди бармоғини бигиз қилиб қаҳр билан:— Мен алжиган бўлсам, қаридим. Сен эса қаримай туриб алжияпсан, Дўмбу! Бу ерда кенгаш ўтмоқда, ўрдадан вакил келган. Шундай маҳалда гапирмай бўладими?

Дўмбу мулзам бўлди.

— Абил, отанг Қараш бий жаннати киши эди, сен ҳам ёмон эмассан, айт-чи, чироғим, бу Худоёр амрини вожиб тутган элга не яхшилик ваъда қилибди?..

Бу тўғри савол эди. Абил бий элу юртни, дини исломни ўртага солиб, йиғилганларни эритиб гапираётганда оғиз очолмай ўтирган одамлар энди гап эртанги кун қақида бораётганлигини ўйлашиб, бир оз ўзларига келишди. Ҳа-я! Рост гап, нима яхшилик ваъда қиптийкин? Қариянинг ақлли сўзлари жамоатнинг фикрини ўзгартириб юборди.

— Тўғри гап! Элчи айтсин!

— Бир маҳалда қипчоқларга кўрсатилган жаннат бўлса керак?!

— Элчи очиқ гапирсин!

Абдурахмон офтобачи ўрнидан турди. Элнинг қий-қириғи дарров тиниб, одамлар унинг оғзини пойлади. Элчининг қарашлари тунов куни Абил бийнинг ўтови-

га киргандагидай оддий эди, ўзини хотиржам тутарди, ҳеч нарсадан гумонсирамасди. У бургут сийгари дўнгликдан кенгашга келганларга разм соларкан:

— Биродарларим,— деб анча юқоридан гап бошлади,— қадрдонларим, мана, бий оғамиз очиқ айтди, хон билан халқ ўртасидаги аянчли ишларни яширмаймиз. Башарти йўқ десак, овора бўлиб бу ерларга келмасдик, биродарларим. Буларнинг барчаси ўтган иш, битган яра, ҳозир уларни эслаш зиёндан бошқа нарса эмас. Шундай экан, битмаган ярага малҳам қўйиб, уни тезроқ тузатсак бўлмасмикин? Ахир буни ҳаммага нафи тегади-ку. Бўлади, қадрдонларим, бўлади! Ўйлаб кўринглар, э, ақли бутун қариялар, сизлар ҳам ўйлаб кўринглар, э, қизиққон йигитлар... Мамлакат уёқда турсин, оддий оилада қанча келишмовчиликлар бўлади. Уни оила бошлиғи изга солади, ҳар кимни гуноҳига яраша тартибга чақиради, холис, одилона иш юритиб, ҳар қандай вазиятда ҳам хонадонни бошқаради. Шундагина оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини суяш каби фазилатлар кўртак отади. Акс ҳолда иш чаппасига кетиб, аҳиллик барбод бўлади, биродарларим. Хонадондан файз, хазинадан қут-барака ўчиб, уй бузилади.

— Ҳа, баракалла, шуни айтинг!— деб қувватлади Абил бий.

Абдурахмон ўнг қўлини кўксига қўйди.

— Мана, қадрдонларим, отамиз бир вақтда, оталиқ бўлиб турган пайтда шайтонларнинг касофати туфайли ўрда бузилиб, қанча бегуноҳ мусулмонларнинг қони сувдай оқди. Шўрлик отамнинг боши кетиб, қолмишига Худоёр тахтдан айрилди. Буни ким билмайди? Мен кек сақласам бўларди, кек ҳам сақладим, Олимқул билан Олимбек додхоҳга зидлашиб юриб нима топдим? Орага тушган совуқчиликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмадим. Шу бугун сизларни қалқон қилиб, мадад сўрасам, кўнглимни қолдирмай ёрдам беришинглар аниқ... Лекин мен Худоёр билан сарув уруғи ўртасидаги дўстликни қўлимдан келганича мустаҳкамлаб кетайин, деб атай келдим...

Кенгаш аҳли хаёлга ботди. Ҳақ гап! Аҳиллик, дўстлик бўлса, парвардигорнинг буюрган ризқ-насибаси топилаверади. Аҳилликдан юксак нима бор? Тўп-

данганлар маърузачининг кейинги гапларидан хурсанд бўлди. Абил бий хушнуд. Элнинг кўнгли бир оз ўрнига тушганидан қониқиб ўридан турди-да, икки қўлини баланд кўтарди.)

— Оллоҳу акбар! Худо битта, хон битта! Оллоҳу акбар!— деб юзига фотиҳа тортди. Бирваракайига бийга тақлид қилиб баланд овоз билан фотиҳа ўқиш алламаҳалгача давом этди.

Абил бий жамоатга мурожаат қилди:

— Юртдошларим!— деди у мулойим.— Худоёрхоннинг хонлик эркига иқрор бўлдик. Фотиҳа ўқидик. Энди амир ҳазратларига қарши фитна қўзғаган кишининг хотини талоқ, ўзи кофир!— деди. Абдурахмоннинг қўлидан хоннинг муҳри босилган бир ўрам қоғозни қўш қўллаб олиб, ҳурмат билан юқори кўтариб, пешонасига, лабига теккизиб тавоф қилди.— Э, халқ оғаси, яхшилар, шерюрак ботирлар, бу ҳазрати олийларининг бизга юборган ёрлиғи!

Адирда ўтлаб юрган отларнинг пишқириғи, майин шабаданинг гир-ғиридан бошқа нарса эшитилмайди. Одамларнинг кўзлари Абил бийнинг қўлидаги ёрлиқда.

— Аркони давлатимизнинг зарурати учун учқур арғумоқлар керак, ўша арғумоқларга миниб чопа оладиган чавандоз йигитлар керак. Иккиланиш бўлмайди. Хоннинг ёрлиғи битта! Собиқ жангчилар такрор отланади. Қўшимча равишда яна одам тўплаймиз. Бир йилга етадиган озиқ-овқати, оти, қурол-яроғи тўлиқ бўлсин! Мен ўзим бошчилик қиламан. Қайтадан кенгаш чақириб, маслаҳатлашиб ўтиргани фурсат йўқ. Йигитлар тезроқ шай бўлсин. Узоғи билан бир ойнинг ичида тўла-тўкис Қўқонга бориб, хоннинг ҳузурида таъзим қиламиз!

— Понсот ака! Элчига бир саволим бор.

Одамлар Абил бийнинг гапини бўлиб, баланд овоз билан сўзлаган кишига қаради. Бекназар! У от устида узангига оёғини тираб интилиб турган эди. Бийнинг кўзига қон тўлди.

— Биродарлар!— деди Бекназар қийқириб,— хоннинг бизга қилган яхшилиги шуми?! Эртага минглаб одамларни қайдаб бориб ўрисларнинг милтиғига рўбарў қилмоқчимиз? Яхши биламиз, ўрисларнинг милтиғи тўғри мўлжалга урадиган, тезотар бўлади. Ҳазрати

олийлари ўз фуқароларига яхшигина жаннат ҳозирлаётган эканлар-да?!.

— Ундай эмас, сиз билан бизнинг—аҳли мусулмонларнинг уйига чақирмай туриб кириб олган душманларни қувмоқчимиз. Шундай десангиз тўғри бўларди, ботир йигит...— деб тузатди Абдурахмон элчи.

— Шундай ҳам дейлик... Оғайнилар, ўрданинг амрига қулоқ осайлик дейман. Бироқ, қилич чопиб нима барака топдик? Бир ёққа бирваракай кўчиб кетмагач, аҳил бўлишдан ўзга чора йўқ. Кўряпсизки, хон амрига амал қилган кундан бошлаб, биз Чирнай пошшога қарши отланишимиз керак. Хўп, отланайлик ҳам. Ўрда Чирнай пошшоникидай тўғри, тезотар, мўлжалга тегадиган милтиқ берсин! Замбарак берсин! Эгри қилич ярамайди!— Бекназар қиличини суғуриб тепага иргитди-да, кейин чаққонлик билан сопидан тутиб олди.— Бу энди қароқчиларгагина яраши мумкин. Эшитдингизми, милтиқ берсин! Замбарак берсин!

Элчи хаёл суриб қолди. Жамоатчилик ундан бирор гап эшитиш илинжида.

— Худо хоҳласа, қурол топилар, ботир...— деди Абдурахмон анчадан кейин.— Биз ҳам худо деган қулмиз, нимаики бўлса, тангрининг ўзидан тилаймиз, қирқ йил қирғин бўлса, куни битган, ажали етган ўлади, ризқ-рўзли бандасини парвардигорнинг ўзи асрайдди, ол қулим деса, замбаракнинг ўрнини қамчи босиб кетиши ҳеч гап эмас...

Бекназар бошини сарак-сарак қилди:

— Қамчи қачон замбаракдан кучли бўлибди? Бу иложсиз кишининг гапи. Инсон ноилож қолган вақтда худони пеш қилишдан нарига ўтмайди.

Абдурахмон офтобачи нима дейишини билмай доддираб, ўтириб қолди. Абил бий куйиб кетди:

— Бекназар! Тўхтат! Бекназар!— деб қичқириб юборди у. Бекназар эса ҳамон тўхтамай элчига тик боқиб гапида давом этди:

— Биродар! Оғайнигарчилик қилиб биздан хонга бир оғиз дуои салом етказсангиз!— деди.— Ўрдадагилар овора бўлмасин, бир қарич ҳам жилолмаймиз! Узингиз биласиз, от бизнинг қанотимиз, қанотимиз қайрилса, судралиб юролмаймиз, йигитлар бизнинг юрагимиз, юрагимизни эса ўққа тутиб бергани сира

тоқатимиз йўқ. Шу омонатни яқин қариндошимиз сифатида ўрдага олиб кетсангиз...

— Юртбузар!— деди Абил бий қалтираб, унинг газаб тўла кичик кўзлари чақнаб кетди.

— Шу юрт бузганга кирадими, понсот ака? Йўқ! Мен данғал гапни айтдим. Йигитларни бевақт ўлимдан сақлашимиз керак. Майли, бораман деган кишининг йўлини тўсмайман. Мен эса бормайман. Энди розимиз?

— Бу қилиғинг бошингга бало бўлади. Айтиб қўяй, чопиласан, Бекназар! Қариндошликка қараб туриш йўқ, Бекназар. Ўзингга эҳтиёт бўл!

Бекназар парво қилмай деди:

— Чопасизми? Хоҳлаган вақтингизда боринг. Қишлоғимиз ўзингиз кўрган яшил ўзан бўйида!— Сўнг йигитларига юзланди: — Қани кетдик!

У йигитларини эргаштириб кетди. Унинг олдини тўсиб чиққани ҳеч ким ботинолмади. Элчи ҳам, Абил бий ҳам ўрнидан қўзғалолмай шалвираб ўтирарди. Йиғилишдан бўлиниб кетган бир тўп отлиқ кўздан олислаб борарди.

— Ҳап сеними, қон қусгурлар!— деди Абил бий қўли қалтираб, бели зирқираркан.

Яқин орадан кимдир:

— Энди нима қиламиз?..— деди. Шундан кейин сепояни ағдарган селдай эл тилга кириб, гувиллаб ўрнидан тура бошлади.

— Бормаймиз! Бориб елкамизга офтоб теккани йўқ!

— Падарига лаънат! От тугул унинг тезаги ҳам йўқ! Отдан айрилиш қанотимизнинг қайрилгани!

— Ботир тўғри айтди! Ўлгиси келган бораверсин. Овозлар осмонни тутиб кетди.

— Бизни аргумоқлардан айириб, кейин бошимизга кипчоқларнинг қора кунини солмоқчи шекилли...

— Ҳе, падарингга қусур!..

Одамлар селдай гувиллаб, қаҳру газабларини яширолмай, бирининг гапини иккинчиси эшитмай отларига яқинлашди. Абил бий бошчилик қилган бойлар, қишлоқ оқсоқоллари, Абдурахмон элчи бу воқеани ҳайрон бўлиб кузатмоқда эди. Бир маҳал тўпланганларнинг ярмиси отини миниб, яёвлари улови борларга мингашиб Бекназар кетган томонга йўл олди...

Кенгаш бир қарорга келолмай тарқалди.

Абил бий бу ерда қолган кишиларни уйига чақириб юрагидаги гина-қудуратини тўкиб солди:

— Билиб қўйинглар. Кейин эшитмаган эканман, деб юрманглар. Сўзим битта! Бекназарнинг ортидан борган киши менинг душманим. Отамнинг отаси бўлса ҳам уқиб олсин, тақимига темир қиздириб тамга ўйдираман...— деди қаҳр билан. Қишлоқ оқсоқоллари нима қилишларини билмай, уйларига қайтишди. У лоақал кўнгил учун ташқарига чиқиб кузатиб қўймади.

Абил бийнинг хафагарчилиги ўша куни ёзилмади. Натижада элчи билан ҳам бундоқ очилиб-сочилиб гап-лашолмади. Туни билан миужжа қоқмай, саҳар таҳорат олгани турди.

Намоздан кейин, Абдураҳмон ғудраниб бийга юзланди:

— Понсот ака... Сиз билан бизда нима айб. Бирови эл-юрт, бирови хон. Биз ўртага тушиб холис гапимизни айтдик, мусулмончилик бурчимиздан қутулдик, энди юзимиз ёруғ... Қолганини ўзлари билишсин...— деди чайналиб.

— Абдураҳмон...— деди Абил бий газабланиб.— Менга Андижондан икки юз сипоҳий тўплаб бер. Ушандан бирортаси нобуд бўлса, хунини тўлайман. Мен уларни пешкаш қилиб туриб.. Абдураҳмон! Менга икки юз сипоҳий...

Абдураҳмон Абил бийнинг титраётган лабига, кўкариб кетган юзларига қараб, уни юмшатмоқ ниятида тиржайди:

— Бундай қилиш ярамайди, понсот ака. Шайтонга ҳай беринг. Бу қовжираган хашакка гугурт чақин билан баробар. Олов чиқади, понсот ака!

Абил бий ҳайрон бўлди. Унинг афтидан, хўш, нима қил демоқчисан деган маънони ўқиш мумкин эди.

— Ҳазрати олийларининг қилт этгани мадори йўқ. Хоннинг номи-ю, қуруқ ғайрати бор, холос. Ҳазина бўш, қўшин тарқалиб кетган... Ҳозирча фуқаронинг юриш-туришига қараб, сен яхши, мен яхши қабилда иш тутмоқ даркормикин? Шундай қилмасак, понсот ака, бизга бошпана бўлиб турган сомонхона ҳам ёниб кетиши мумкин. Ҳа, ёмон сомонхона сиз билан бизга бир куни иш беради.

Офтобачининг сўзи Абил бийнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. У ерга қараб заҳархандалик билан кулди:

— Шартинглар кетиб, партинглар қолган экан-да?..

— Илож қанча, понсот ака? Бекназар ботирнинг саломини айтмасдан иложимиз йўқ. Бундай ҳақ гапларни элатдан кўп эшитдим. Ҳам ёқлаб, ҳам мақтаб айтмоқ лозим. Ҳазратга, қолаверса сиз билан бизга халқнинг мана шу қолгани ҳам ғанимат бўлиб қолди.

Юқоридаги суҳбатдан кейин улар жим бўлиб қолишди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Бир маҳал Абдурахмон мудраб бораётган кўзини аста очди-да:

— Дарвоқе... Сари-Узган-Чуй тарафга қатнаб турган кишилар борми?— дея чертиб сўради.

— Йўқ... Нимаиди? Керакми?

— Керак-пераги йўқ!— деди Абдурахмон.— Бизга ўша томоннинг касофати уряптимикин демоқчиман.

— Худо сақласин!

Яна жим бўлишди. Ўй-хаёллар ҳар икковининг тинкасини қуритдими, ҳайтовур улар бўшашиб ўтирарди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Бир минг саккиз юзу қирқ иккинчи йилнинг ёзи...

Шерали кенг яйловда ўтлаб юрган ғунон каби беғам эди. Эрталаб муздак қимрондан қорни тўйгунча ичди, йўрға байтални миниб, тунги яйловдан соғин бияларни ҳайдаб келди, йилқи бошини қайириб, қулунларни қуруқ билан ушлаб боғлади. Ҳар кунги иши шу. У ҳеч нарсадан беҳабар қулунларни арқонлаб бўлудди ҳамки, бир йигит чақириб келди.

— Шерали, додхоҳ отам чақиряпти, юр!— деди шошиб. Йил бўйи бирор марта йўқламаган додхоҳ нега ҳозир мени чақириб қолдийкин, деган ўй билан Шерали ҳалиги йигитнинг орқасидан юрди.

Оқ туғ боғланган серҳашам бўз ўтовнинг ўнг томонига узун ёғоч ўрнатилганди. Ундан хийла жойгача тортилган кўканда бегона отлар турарди. Бу ерга кечадан бери қўшни қишлоқлардан оқсоқоллар тўпла-

наётган эди. Шерали қаёқдан билсин. У Ҳожибой додхоҳга ихлоси баланд муридлари бўлса керак, деб ўйлаганди. Ичкаридаги кишиларнинг гала-говури асалариларнинг бир маромдаги ғинғиллашини эслатарди. Шералини ҳаё босди. Пешонасини қашиб, юрак ютиб, зўрага салом берди. Дастурхон атрофида Толаснинг қадрли қариялари, чапдаст мирзалари ўн икки қанотли катта ўтовда тамадди қилишарди. Тўрда қора кимхоб чопонни елвагай ташлаган Ҳожибой додхоҳдан бошқа ҳамма ўрнидан дув этиб туриб Шералининг саломига алик олди. Бу нимаси? Ҳеч қачон бундай иззат-икромни кўрмаган бечора Шерали ноқулай аҳволга тушди. Меҳмонлар унга ҳавас билан қараган сайн Шерали тортиниб, қисиниб-қимтинарди.

Жағ этлари қапишиб, боши қалтираб, ориқ тиззаларини букиб ўтирган Ҳожибой додхоҳ чўккан қари туяга ўхшарди, у бошини кўтариб:

— Шералимисан? Келдингми? — деди, кейин нурсиз кўзларини унга қадаб илова қилди: — Яқинроқ кел, чироғим.

Шерали эгилиб, чолнинг тарашадай қотиб қолган қўллларини ҳурмат билан секин ушлади:

— Келдим, амаки... Чақиртирган экансиз... — деди оҳиста.

— Шундай, ўтир, чироғим...

Шерали бир оёғида чўккалади-да, амакисининг озғин, сепкил босган юзига ўйчан боқди. Ҳожибой додхоҳ бир оз кўзларини юмиб тургач:

— Мана бу одамлар сени кутиб ўтирибди, — деди босиқлик билан, — чироғим, эшитяпсанми?

— Қулоғим сизда, амаки...

Ҳожибой додхоҳ оппоқ соқолини дармонсиз қўли билан силаб, қисқа йўталди:

— Яхши отанинг қошиқ билан тўплаган мулкани ёмон ўғил чўмич билан сочиб тугатар деганлари рост. Амир Темур Кўрагоний тузган бепоён қудратли давлат, вафотидан кейин лоақал юз йил яшамади. Ҳар бир шаҳар, ҳар бир элда яшаган меросхўр ўғиллари бир-бири билан чиқишолмай, чор тарафга тортиши оқибатида давлат парокандаликка учради. Амир Темур Кўрагонийнинг Мирон шоҳ деган бир ўғлидан Султон Муҳаммад, ундан Абусаид, ундан эса Умар Шайх дунёга келди. Фарғона ўша Умар Шайхнинг

хақи маҳрига тушган эди. Бир куни у ўзбошимчалик билан Самарқанддаги улуг амирнинг бири бўлиб олди. У пайтларда ҳукмдорлар шон-шухрат учун атрофига машҳур шоир, қўшиқчи, раққоса, созанда ва навозандаларни тўплар, ўрдада тўтиқуш, майна, оқ каптарларни боқиб, айшу ишрат сурарди. Бир куни у Ақси шаҳридаги сайргоҳининг бир четида оқ каптарларига дон сочиб ўтирганида тўсатдан каптархона босиб, Умар Шайх жарликдан қулаб ўлган экан. Ушанда тўнғич ўғли Бобир ўн икки ёшда эди. Бобир ўша йили, яъни 899 йилда (ҳижрий 1493 йили) отасининг ўрнига султон қилиб тайинланади. Етук ақл эгаси бўлмиш султон Бобир жуда ғайратли, абжир бўлиб, бобоси Амир Темурнинг тарқалиб кетган давлатини бириктириш учун бел боғлайди. Уша вақтда қадимги Сайнхоннинг (Ботухон демоқчи) иниси Шайбонийнинг уруғидан тарқаган, кейинроқ бобосининг номини олган Шайбонийхон деган паҳлавон чиққан эди, у бир ерда тинибтинчий олмагач, Эдил қирғоғидаги Кўк ўрдадан, ундан сўнг Оқ ўрдадан кунчиқишга қараб юриш бошлайди ва Самарқандга кириб келади. Ўз оға-инисининг мурасиси йўқлигига чидаса ҳам, бобосининг Самарқанддаги табаррук тахтини ўгай отанинг ўғли келиб эгаллаб олишига султон Бобир чидай олмай, Шайбонийхон билан қаттиқ олишди, уч марта уни Самарқанддан қувиб чиқарса-да, бироқ бу ерни бир йўла эгаллаб қолишга қудрати етмади. Оға-инилари эса ёрдам бериш ўрнига Шайбонийхонни орқа қилиб, Фарғона водийсини талашга тушди. Оқибатда Бобир Мирзо ўз бахтини бошқа элдан излаб, Афғон томонга бош олиб кетишга мажбур бўлди...

Ҳожибой додхоқ томоқ қириб шошилмай гапида давом этди. Шерали кипригини пирпиратиб, бошини ҳам қилиб, бу сўзлар нега, ким учун айтилаётганлигини фаҳмига бормай тингларди.

— Бобир Мирзо оиласини, ўзига яқин кишиларини олиб йўлга отланади. Бевафо дунё... Омад кетгач, йўлбарс ўз тўқайида очиқиб ўлади, деб айтишган экан. Киндик қони томган она юртида, ота-бобосининг диёрида оёқ қўйгани ер, кирай деса бошпана топилмади. Уша кезде Сейдафак деган хотинининг бўйида бўлиб, ой-куни яқинлашиб қолган эди. Тоғ тараф билан кетишаётган кезде хотинини тўлғоқ тутлади. Сейдафак

ўғил кўради. Нима қилиш керак? Тўхташ мумкин эмас, чунки орқадан душман қувиб келмоқда. Мурғак болани олиб отда қочишса, нобуд бўлиши мумкин. Ташлаб кетгани кўзлари қиймайди... Ҳар нечук улар гўдакни йўл бўйида қолдириб кетишни лозим топишади. Умри бўлса ўлмайд қолар, Сейдафак ўғлини эмизиб, йиғлаб-сиқтаб бешикка белади ва устига оқ шойи рўмолни ёпади. Султон Бобир эса отга миниш олдида норасиданинг манглайдан ўпиб, белидаги гавҳар қадалган камарини ечиб, бешик устига қўяди, тақдирга тан бериб она тупроқни тарк этишади.

Ўтирганлар ҳаяжондан қўзғалиб, яна Ҳожибой додхоҳнинг оғзини пойлашди.

— Худди ўша ерларда жамоа бўлиб яшаётган қипчоқ, қирғиз, қирқ, минг деган уруғлар Бобир Мирзо боласини ташлаб кетган жойдан яйловга кўчиб кетишаётганда ингалаб йиғлаётган гўдак товушини эшитишади, бир киши чопиб бориб, ёвшон соясида турган олтин бешикни топиб олади...

Меҳмонлар тўлқинланиб, бир-бирларига қарайди. Бу воқеанинг моҳиятига биргина Шерали эмас, ўзгалар ҳам унчалик тушунмасди.

— Э, қудратли улуғ тангри! Сақлашга келганда, қилнинг устида ҳам сақлайсан-а...— деб тингловчилар лол қолишди.

— Ўша одам болани олтин бешиги, гавҳар камари билан қишлоққа олиб келади. Оқсоқоллар тўпланиб, маслаҳатлар бериб, бу зоти улуғ кишининг фарзанди, дейишади. Олтин бешик... Гавҳар камар... Узоқ-яқинга хабар айтиб, унинг ота-онасини сўраб-суриштиришади. Лекин бу фойда бермайди. Ниҳоят, минг уруғ қишлоғидан бир аёлни топишади, гўдакни боқишни унга топшириб, норасидага Олтинбешик деган ном қўйишади. Шерали, эшитяпсанми, чирогим?..

Шерали анқайиб қаради.

— Сен ўша Олтинбешикнинг авлодисан. Эшитдингми? Уруғнинг султонларга бориб тақалади.

Уйда ўтирганлар ажабланиб, Шералини ҳозиргина кўриб тургандай унга ҳавас билан боқарди. Шерали ҳайрон бўлиб, гоҳ оқариб, гоҳ қизариб, қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай гангиб ўтирарди.

— Кейин... Ҳа, анча кейин султон Бобир Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб турганда бу ёққа элчи юбориб,

боласини сўратган дейишади. Элчилар излаб юриб охири Олтинбешикни топишади. Бироқ уни боққан эл бермайди. Олтинбешик балоғатга етганда унга тўрт уруғдан тўрт қизни олиб беришади. Катта хотини Қутлуқхон минг уруғнинг қизи бўлиб, у вақт-соати етиб Тангриёр исмли ўғил кўради...— Ҳожибой додхоҳ энтикиб бир оз тин олмоқчи бўлди. Унга косада қимиз узатишди. Додхоҳ қимиздан ҳўплаб, томоғини ҳўллаб олди-да, сўзида давом этди.

— Шайбоний уруғидан бўлмиш Бухоро ҳукмдори Абдилмўмин Фарғонани сўраб турган энг яқин қариндоши Узбекхонни қатл этиб, водийни ўзига қаратиб, Бухорога қайтиб кетаётганида йўлда уни айғоқчилар ўлдиради. Шу билан Шайбонийлар инқирозга юз тутади. Кейин аштархонийлар тахтга ўтиради. Тахт таллашиш узоқ давом этади ва бухороликлар Фарғонани қўл остида кўп сақлаб туролмайди. Фарғоналиклар амирликдан бўйин товлаб, султон уруғи Тангриёрни бий деб эълон қилади. Ушанда Тангриёр олтмиш ёшда экан. Айтишларига қараганда, бу пайғамбарнинг йил ҳисоби бўйича бир минг олтинчи йилга¹ тўғри келади. Шундай қилиб, Тангриёрдан тортиб Норбўтага қадар ўн уч бий ўтди. Уқиб ол, ўғлим! Олтинбешикнинг уруғидан ўн уч бий даврон сурди. Унинг тўрт хотинидан бино бўлган фарзандлари ҳеч кимга бош эгмай «ўзи бий», «ўзи бек» аталиб келинди. Уша вақтларда Шоди деган бий Марғилонга яқин тоғдан ов қилиб қайтиб келаётиб, қирғиз овуллари қандай яшаётганлиги билан қизиқади, кийимларини алмаштириб қишлоқни оралаб юрганида танибми, ё танимайми, уни ўлдириб қўйишади. У маҳалда бийнинг хунини тўлагани овулдагиларнинг кучи етмаган. Бир минг бир юзу етмиш тўртинчи йилларда хитойлар Қашқарни босиб олади, сўнг жунғор қалмоқларини аёвсиз қириб, биз томонга кўз олайтиради. Қалмоқларнинг омон қолгани бошпана излаб Фарғонага келади. Олтинбешикнинг фарзандлари қалмоқларга нисбатан қаттиқ таъсир ўтказиб, раҳнамолик қилиб, катта эътибор қозонишади. Энг охириги бий Норбўта ички ва ташқи душманларга бардош берадиган ўрда ташкил этиш ниятида бир минг

¹ Ҳижрий *мелодий 1597 йил*).

икки юзу ўн олтинчи йилда тўнғич ўғли Олимни оқ кигизга ўтқазиб, хонликка кўтаради.

Меҳмонлар кекса додхоҳнинг ҳикоясини қунт билан тинглаб, ўрта ёшлардаги ола кўз, қотмадан келган Шералига зимдан қараб қўйишарди.

— Шундай қилиб, Қўқон ўрда аталиб сарой солинди. Хоннинг номидан олтин, кумуш тангалар зарб этилиб, хазина ҳисобига аскар тўплаб, ҳукмронлик хоннинг қўлига ўтди. Ўшанда мен иттифоқо Олимхонни кўриб қолдим. У ишбилармон, ўта тадбиркор ва золим киши бўлиб, давлатни қилич билан қўлга олган. Бунинг учун арғумоқларнинг туёғини, йигитларнинг қонини аямади. Унинг даврида Қўқон гуллаб-яшнади. Шерали! Эшитяпсанми, чироғим? Олимхон анча-мунча кишига ишонавермасди. Норбўта дунёдан ўтгач, балонинг олдини олганим яхши, деб бийнинг яқин қариндош-уруғларини гумдон қилди. Дастлаб у сенинг отанг Ҳожи бийнинг калласини олган, ўғлим!..

Шерали ялт этиб қарияга қаради ва кўзлари ёниб кетди.

— Ҳожи бий билан Норбўта бийнинг отаси бир, онаси бошқа эди. Ҳожи бий узоқ вақт Чотқолда тоғаларининг қарамоғида яшаб, Толасдан уйланди. Норбўта бий қазо қилганида орият учун ўрдага бориб турди ва ўша ерда қолиб кетди. Кейинроқ Олимхон унинг бошига етди. Бу иш бир минг икки юзу йигирма учинчи йилда юз берди. Шунда мен ўрдада эдим. Шўримиз қуриб, ўз яқинларим билан сени отга мингаштириб кечаси шаҳардан чиқиб кетганмиз.

Шерали нима дейишини билмай ўтириб қолди. У ота-бобосининг ким бўлганлигини яхши билмасди. Шунинг учун бўлса керак, унинг кўзида ёш айлана бошлади.

— Ҳа, сен билмайсан... Унда сен гўр эдинг. Сени хонларнинг ёмон кўзидан асраб, қанотим остида тарбия қилдим. Олимхондан кейин иниси Умархон тахтга ўтирди. У тожу тахт талвасасида Олимхоннинг вояга етиб қолган ўғли Шоҳруҳнинг бошини олди. Умархоннинг ниятини тушунган Олимхоннинг хотини кичик ўғли Иброҳимбек билан Муродни Самарқандга олиб қочди. Сирасини айтганда, Умархон акасига қараганда анча тадбиркор бўлиб, ҳар қандай оғир ишни қилич

билан эмас, ақл билан ҳал қиларди. Айниқса шаҳарда масжид, мадраса қуриш ишларига, илму фанга, суз-сиз ерларга сув чиқаришга алоҳида эътибор берди.

Умархоннинг вафотидан сўнг, тахтни унинг ўғли Мадали эгаллади. Афсуски, бу бетавфиқ отасининг қошиқ билан тўплаган мулкани чўмич билан совурди. У ота-боболари катта меҳнат билан қурган ўрданинг пу-турини кетказди. Бухоро амири Насруллохон эса тў-сатдан ҳужум қилиб, Мадалини Хўжанд шаҳрининг ёнида тор-мор қилди. Қўқонни қўлга олиб, Мадалини ваҳшийларча қатл этди, шаҳарнинг тақдирини ўзи-нинг бекларидан бирига топширди... Шундай, чиро-ғим! Етим эдинг, етилдинг. Энди навбат сенга келди. Талашмасанг тахт бўлмайди, ўғлим! Давр бир марта келади. Ҳозир фурсат жуда қулай. Кейин доғда қол-ма...

Ҳожибой додхоҳ хир-хир йўталиб, косадаги қимиз-ни айлантириб, бир оз ичди. Айёр чолнинг фикр-ўйи Шералида. Унинг гапини интиқлик билан кутарди. Шерали тилга кирди:

— Амаки... Ёлғиз ўзим қайга ҳам борардим.

Ҳожибой додхоҳ бош ирғади:

— Буёғидан хотиржам бўл,— деди эркалатиб,— бу ердаги меҳмонлар ёлғиз ўзингни отга миндириб, қараб ўтирмайди. Буёғи Ақси, Толас, Чотқол сенинг қўлингда. От ёлига қўли етган кишилар измингда бў-лади. Хавотир бўлма! Бир бошга бир ўлим деганлар. Унинг эрта-кечи йўқ. Номус ўлимдан қаттиқ. Тоза қонинг бачканалашиб кетмасин, деб тагли-тугли, ту-бай уруғининг бийи Тўхтаназарнинг қизини олиб бер-дим. Тангрига минг қатла шукурким, уч боланг бор. Хавотир оладиган жойинг йўқ. Бу ерда сени қўллаб-қўлтиқлайдиган кишиларнинг бири Ақсининг ҳукм-дори Юсуф бий ўтирибди...

Сариқ соқолли кишига Шерали зимдан қараб қўй-ди. Тозининг кўзидай айёр кўзлар Шералининг кўзи билан тўқнашди. Ҳожибой додхоҳ чап ёнида ўтирган новча қора йигитни кўрсатиб:

— Буни танийсан, ўзимизнинг инимиз Сайдали-бек. Мана, чироғим, бири ўнг қўлинг, бири чап қў-линг.

Шерали тик қараёлмади. Сукут — аломати ризо, деганларидай, энгашиб амакисининг қора кимхоб чо-

пони этагини тавоф қилди. Ҳожибой додхоҳ ноилож йўталди:

— Э, бир кам дунё!.. Аввалгидай кўзимда нур, билагимда куч бўлганида... Чироғим, шу азамат кишиларнинг этагидан тутсанг, муродинга етасан. Ўзганинг ҳалол хизматини ҳалол меҳнатинг билан оқлай бил. Бундан нари эл сенинг пойингни тавоф қилади.

Шерали терлаб кетди. Оғзига бирор калима келмади.

Ҳожибой додхоҳ Юсуф бийга юзланди:

— Юсуф укам, бошлаган ишинг анча мушкул...— деди ўйланиб.— Аммо омад сен томонда, бунинг уддасидан чиқасан. Бўрон турса, кўл тўлқинланади. Эл ҳам кўлга ўхшайди. Чоғимда Насруллохонни бўрон ҳуркитиб қўйди шекилли. Тап тортмай отланавер. Бошқа кунда шунча элни овга ҳам олиб чиқолмайсан. Сафаринг беҳатар бўлсин! Ишинг бароридан келсин! Оталаримизнинг арвоҳи қўлласин. Омин!..—деб ориқ қўлларини базўр ёзиб, юзига фотиҳа тортди.— Шералини сизларга, сизларни худога топширдим... Оллоҳу акбар!..

— Оллоҳу акбар!..

— Оллоҳу акбар!..

Барча фотиҳа ўқиди: Юсуф бий ўрнидан туриб, таъзим билан Ҳожибой додхоҳнинг қўлини оҳиста ушлаб, тавоф қилди:

— Бизни ўзингиздай кўринг...— деди у.

Эртаси куни Юсуф Ҳожибой додхоҳ қўшиб берган етмиш йигит билан Шералини олиб тунда Қора Бувра довони орқали Ақси тарафга йўл олди.

II

Юсуф келган заҳоти маслаҳатгўй кишиларни чақириб, Шералини таништирди ва анчадан бери юрагида тугиб юрган ниятини ўртага ташлади.

— Қўқонга юриш қиламан!— деди у. Хайрли ишининг белгиси сифатида бетўхтов оқ отларнинг ёл ва думларини қизил қонга бўятди, унга жарчиларни миндириб, овул ва қишлоқларга хабар бердирди.

— Муҳтарам Юсуф бий Қўқонга юриш қилади. Отланингла! Урдани бухороликлардан тозалайдиган бўлди. Отланингла! Юсуф бийнинг қўлида тожу тахт

меросхўри. Отланинглар! Юсуф бий одил замон ўрнатилганга бел боғлади. Олтин тожу тахт олдида бандалик қарзингизни узингиз. Отланинглар! Отланинглар...

Ел ва думи қизил қонга бўялган оқ отни ширинсухан жарчилар икки сув орасидаги (Сирдарё билан Қорадарё) қипчоқ уруғига хабар берди. Эл қўзғалиб, ҳар жой-ҳар жойдан оқ, кўк туғ кўтарган қўшинлар кела бошлади...

... Оппоқ қордан салла ўраган баланд тоғ этагига ўтовлар тикилганди. Сувнинг икки томонида сон-саноксиз чодирлар тизилганди. Қўшиннинг ҳад-ҳисоби йўқ эди. Аскарларнинг кўпчилиги ўзан томонда ҳарбий машқ ўтказишарди.

Ўзандан унча олис бўлмаган дўнглик устида бошқа чодирлардан каттароқ ўтов қад кўтарганди. Қизил ҳошияли ана шу ўтов устида ой нусха кўк туғ шамолда ҳилпираб турарди. Эшиги очиқ. Икки томонда қилич тутган икки посбон шамдек қотиб турарди.

Бўсағадаги иккала йигит Юсуф бий ташқарига чиқиши билан таъзим қилиб йўл беришди. Юсуф қизил банорас тўн кийиб, бошига кўк салла ўраганди. Белидаги ўрамаси салласига монанд рангда бўлиб, унга бухоролик заргарлар жило берган чиройли шамширни тақиб олганди. Оёғида ўкчаси баланд ағдарма этик бор эди. Ёнида ўзига яқин маслаҳатгўй кишилар ҳозир у нозир эди. У вақтинча дам олаётган қўшинларга ўзига хос босиқлик билан кўз югуртириб, ҳали олдинда ғоят машаққатли йўл турганини хаёлидан ўтказди.

— Карнай чалинсин!— деди Юсуф босиқлик билан.

Икки карнайчи жони борича маҳорат билан ғат-ғутлатди. Тоғу тошлар карнай садоларидан янграб, эл ҳаракатга тушди. Ҳамма бир жойга тўплана бошлади. Йигитлардан бири отини елдириб, бийга пешвоз келди-ю, бироқ салом беришга улгурмади:

— Уёқ тайёрни, Кедейбой? Тезлатинглар!— деди Юсуф. Кедейбой отидан сакраб тушиб, тизгинни йигитлардан бирига тутқазди.

— Тайёр! Ҳаммаси тайёр, Юсуф ака...

Юсуфнинг чеҳраси ёришди.

— Унда ҳалигини олиб чиқинглар! Тезроқ! Қурол! Туғ!

Бийлар шошиб қолишди. Кедейбой чодирга кирганида Шерали ўзини қўйгани жой тополмай, юраги дукуллаб ўтирарди.

— Келинг, қайнаға!..— дея ўрнидан ирғиб турди. Кедейбой унга жавоб бериш ўрнига:

— Юр... Иш битди...— деб шивирлаб, Шералининг эски телпагини, тўзиб кетган чакмонини кийдирди, белини қасмоқ белбоғ билан маҳкам боғлади. Кедейбой Шерали поччаси бўлгани учунми, сал ори келиб, унинг кийимига аҳамият бермаган Юсуфдан хафа бўлди. Шаҳзоданинг турқи шу бўлдики? Халқ уни кўриб нима дейиши мумкин?

Шерали чодирдан чиқди. У қувончини яширолмай пешонаси терлаб, оғзининг таноби қочиб, нима дейишини билмай чор атрофга қарарди. Унинг бир ёнидан Кедейбей, иккинчи ёнидан қипчоқ уруғининг беги Мукулмонкул суяб олиб чиқди.

— Қурол! Туғ!

Қарсиллаб осмонга милтиқ отилди. Чодирнинг икки тарафида турган дўлчилар дўл уриб, карнай садоларидан еру осмон ларзага келди. Хотиржам ўтлаб юрган йилқилар сергакланиб, қулоқларини чимирди. Қўшин кўк туғ остига яқинлашди. Кўм-кўк майдон ўртасига оппоқ кигиз ёзилганди. Халойиқ ана шу оқ кигизнинг атрофига тўпланиб, дўнгликдаги чодирга аланг-жалам қарарди. Чодир билан майдонга тўшалган кигиз орасидаги масофа ўртасидан йўл қўйилиб, икки ёққа одамлар саф тортди.

— О... Қайси?.. Қайсиниси?..

— Наҳотки! Йўғ-е?!.

— Бўлмаган гап!..

— Оёғидаги чориқни қара... Тавба... Ямалавериб бутун жойи қолмабди-ку!..

— Ҳи-ҳи...

— Ҳа-ҳа...

— Секин!.. Яна ҳалқумингга шамшир қадалиб қолмасин...

Юсуф ўртадаги тор йўлдан савлат тўкиб ўтиб бораркан, элнинг шивир-шивир гапларини эшитиб, ўзига таскин берди. «Яхши бўлди. Халқ кўрсин. Шералининг ким эканлигини билсин. Уни қандай бақувват қўллар оқ кигизга ўтқазганидан огоҳ бўлсин», деб хаёлидан ўтказди.

Оқ кигизнинг ёнида турган оқ соқолли қариялар бекни эҳтиром билан қарши олишди.

— Ассалому алайкум, қадрли қариялар! — дея Юсуф қироат билан салом берди.

— Ваалайкум ассалом, ота ўғли! Оқ йўл! Хўжайи Хизр жиловдор бўлсин!.. — деб чоллар ҳурмат билан алик олишди. Юсуф пичоқ дамидай ўткир кўзлари билан атрофга бир қур назар ташлаб, оқ кигиз четида, қуроли кишилар ўртасида турган ўн беш ёшлар чамасидаги бола ёнига келди. Боланинг ранги рўйи кузги япроқдай сап-сарик. Лаби билинар-билинимас титрарди. Бир тиззасини сал букиб, бутун оғирлигини ўша ёққа ташлагани учунми, елкаси қийшайиб, қўллари эпақага келмай шалвираб турарди. Юсуф буйруқ берди:

— Бошланглар.

— Карнай ва дўллар тинди... Ҳамма яшил майдонга ўтирди. Кекса уламо қироат билан хутба ўқиди. Шералининг ҳурматига бағишланган хутба ниҳоясига етгач, фотиҳа тортилди. Яна бир муддат карнай ва дўллар чалинди.

— Қани! Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар!.. — деди уламо хириллаган овозда. — Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар...

Қуроли кишилар болани қўлтигидан суяб:

— Қўрқма... Қўрқма... — деб олдинга ўтказиб, оқ кигизга яқинроқ олиб келишди.

— Қўрқма, ҳеч нарса бўлмайди... Ҳеч нарса...

Одамлар жим бўлиб қолди. Ҳамманинг нигоҳи бегуноҳ бечора болада эди. У энтикиб, ўтирганларга мўлтираб, гўё безгак тутгандай қалтирарди. Карнай садолари остида:

— Оллоҳу акбар!.. Ёлғиз худонинг йўлига, оллоҳу акбар!.. Султонларнинг йўлига... Чилтонларнинг йўлига... Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар!.. — дея уламанинг овози бир маромда эшитилиб турарди.

Ногаҳон орқа томондан кимнингдир қаттиқ носаси қулоққа чалинди. Ҳамма ўша ёққа қаради.

— О, ёлғизим... Садағанг бўлай!.. — деб бўзлаб йиғларди кимдир. — Кўрар кўзим!.. Ёлғиз эдинг, садағанг бўлай!..

Бу аёл кишининг носаси эди. Юсуфнинг қош-қово-

ғи чимирилиб, юзларига қон тепиб, кўзи ўйнаб, бури-
либ қаради.

Ўтирган одамларни оралаб, йўлини тўсган киши-
ларни туртиб, қора кўйлак кийган новча хотин югу-
риб келмоқда эди. Уни тўхтатиб қолишга ҳеч кимнинг
ҳадди сиғмади. Қиров босган шувоқдай оппоқ сочла-
рини ёзган аёл болани ўртага олган қуролли кишилар-
нинг қаршилигига қарамай, ўжарлик билан боласини
бағрига босди. Бола онасининг бағрида дир-дир қалти-
раб:

— Ойижон... Ойи...— деб йиғлаб бошини яширди.
Зум ўтмай кучли қўллар икковини икки томонга аж-
ратди. Она болага талпиниб, бир-бирига ёпишди. Яна
уларнинг орасини ажратмоқчи бўлишди.

— Тўхта!

Юсуфнинг қўпол овозидан қуролли кишилар ҳуш-
ёр тортди. Унинг каҳрабодай сариқ соқоллари селкил-
лаб, нафрат тўла кўзларини қурбонлик қилишни зим-
масига олган уламоларга қадади. Сўнгра бурилиб:

— Кампир, бу сенинг ўғлингми?— деб секин сў-
ради. Кампир энтикиб, айюҳаннос солиб, Юсуфнинг
оёғига йиқилди.

— Шафқат қил!.. Раҳминг келсин, бекзода... Ўзи
бир ён боши шол, яримжон эди, бекзода!.. Худонинг бу
жазоси унга озмиди... Ёлғиз фарзандимдан қолган ту-
ёғим, бекзода... Отасининг мазорига қуръон ўқигани
кетсам, азадор келинимни зор қақшатиб, боламди
олиб келишибди... Э, бешафқат тангри, сенга нима ёз-
гандим...

Юсуф сал энгашиб, кампирнинг қулоғига шивир-
лади:

— Кампир, болангни бердим, кўп койима, олиб
кет. Вилмай қилишибди, олавер...

Кампир тушимми, ўнгимми, деб гангиб қолди Ҳа-
мон унинг кўзларидан ёш оқиб, юзларини юварди, эс-
ҳушини йиғиб ололмасди.

— Бор... Олиб кетавер, кампир...— дея шафқат
қилди Юсуф.

— Минг яша... Оллоҳ икки дунёда ҳам кам қилма-
син... Ғарибни қўллаганни тангри қўллайди... Минг
яша...— деб тисланди ва набирасини қора кўйлаги би-
лан яшириб, тўпланган оломон орасидан жадал чиқиб
кетди.

Оқсоқоллар мулзам бўлишди. Бийлар хижолатда эди. Шералининг дами ичида эди. Юсуфнинг газаби қайнаб, кимнинг бошида чақмоқ бўлиб чақилишини билмай, оқ кигизни ўраб турган кишиларга бир сидра қараб, жуда ўсал бўлди.

— Аввал кампирни тинчитиш керак эди. Ҳеч бўлмаганда, уни бу ерга келтирмаслик лозим эди,— деди фигони ошиб.

Бийларнинг қаторида турган Абил:

— Ашир!— деди ортига қараб.

-- Лаббай, бий оға...— деди шошиб Ашир, у Абилнинг ишорасига маҳтал бўлиб, буйруқ кутарди. Абил қўлини бигиз қилиб уни кўрсатди.

— Ушланглар!— деди. Ҳалиги йигитни икки киши шартта ушлади. У қаршилиқ кўрсатмади, қип-қизил юзлари дарров пахтадек оқариб кетди, негадир кўзини Абилдан узолмасди. Абил унга қайрилиб қарамади. Карнайлар қайтадан янгради, дўллар чалиниб, юракларни титратди. Улим! Улим! Ажабо! Қутилмаган ўлим билан юзма-юз келган йигитнинг афти ангори қув ўчди...

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Султонларнинг йўлига... Оллоҳу акбар!.. Чилтонларнинг йўлига... Оллоҳу акбар!— деган узук-юлуқ гаплар Аширнинг қулоғига чалинди.

— Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!.. Султонларнинг... Чилтонларнинг... Оллоҳу акбар!..

Икки киши уни етаклаб оқ кигизнинг бир четига олиб борди.

— Қўрқма... Қўрқма... Ҳеч нарса бўлмайди... Ҳеч нарса бўлмайди...

Бу майин сўз қулоғига калимадай ёқимли эшитилди. У секин кўзини юмди. Бақувват қўллар қаёққа итарса ҳам қаршилиқ кўрсатмай, тиз чўкди. Улим! Улим! Юрак типирчилади. Қўрқма! Ҳеч нарса бўлмайди! Унинг умид учқунлари гўё зим-зиё тун бағрида милтиллаб нур сочяпти. Урфу одат? Балки бирор еридан номига қон чиқариб қўйиб юборишар. Ноумид шайтон!..

Бақувват қўллар унинг икки билагини орқасига қайриб, маҳкам ушлади. Яна бир бешафқат қўл унинг ҳали мўй чиқмаган жағини сал юқори кўтарди,

ҳалқумига муздек кескир бир нарса урилиб, вужуди титраб кетди.

— Ойижон!..

Талпинди, икки елкасигина билинар-билинемас титради. Кўз очиб юмгунча муздак шамшир, бераҳм шамшир қизил юзли йигитнинг кекирдагини кесиб ўтди.

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Бир худонинг йўлига... Оллоҳу акбар! Султонларнинг йўлига... Чилтонларнинг йўлига... Оллоҳу акбар!..

Ғип-қизил қон ёзилган оппоқ кигизга бетиним оқарди... Қордай оппоқ кигиз қизил қонни эмарди... Шабада иссиқ қон ҳидини димоққа уфуларди.

Карнайлар тинмади. Дўллар қонли тантананинг даҳшатида даҳшат қўшиб, бир маромда гумбуралиди.

— Оллоҳу акбар... Оллоҳу акбар..

Беғубор оқ кигиз устида қон томчилари қизил гулдай товланарди. Шералини Юсуф бир қўлтиғидан, Мусулмонқул иккинчи қўлтиғидан олиб, аста-секин Аширнинг ерда айрилиб ётган боши узра ҳатлатиб, кигизнинг устига ўтқазди.

— Бахтимиз муборак!..— деди Юсуф кулимсираб.

— Бахтингиз қутлуғ бўлсин!— деди Мусулмонқул эркалатиб.

Шерали нима дейишини билмади. Карнай ва дўллар авж пардада эди. Шерали чор атрофдан келиб муборакбод қилаётган оқсоқолларга, бийларга тиржайиб қарарди.

— Қутлуғ бўлсин бахтингиз!.. Муборак бўлсин ярашиқли тахтингиз!.. Шаҳзодамиз, юрт ғамида ўтсин энди вақтингиз!..

Мусулмонқул қўш тиғли оғир қилични Аширнинг қонига булаб олди-да, учидан қонини оқизиб Шералининг белига тақди.

— Қуролингиз қутлуғ бўлсин! Душманлар ундан ўлсин!.. Элу юртни қўриқласин!.. Бадбахт душман сасин ўчирсин!..

Карнай ва дўллар садоси остида осмонга қарата милтиқлардан ўқ узилди.

— Кимнинг, кимнинг замони? Шералихоннинг замони!

Юсуф, Мусулмонқул бош бўлган аҳли донишлар, оқсоқоллар қонли кигизни бир чеккасидан ушлаб ердан дадил кўтаришди.

Шерали йиқилаётиб, Юсуфнинг елкасига суяниб қолди ва энгашганича кигиз устида икки бети қизариб, ишшайиб борарди. У худди туш кўраётган одамга ўхшарди.

— Кимнинг, кимнинг замони? Шералихоннинг замони!

Карнайлар тинмай ғат-ғут қиларди, одамлар шаҳзодага шон-шараф тилаб ўрнидан қўзғалди.

— Кимнинг, кимнинг замони?..

Маросим тугаб, Юсуф ўтовга келди. У негадир хафақон эди... Сарик мўйлабининг бир томонини бураб, ўнг тиззасини муштуми билан ерга қадаб хаёл суради. Ёнида ўтирган Шералининг хурсандчилиги ҳеч ерга сиғмасди:

— Энди нима қиламиз?— деб сўради у. Юсуфнинг гаши келди, ўзини эшитмаганга солиб, чурқ этмади. Шерали айтган гапига пушаймон еди.

Кедейбой иси бурқираган қора саночда қимиз келтирди. Юсуф уни кўриб тамшаниб олди.

— Қани қуй!..

Юсуф қўлидаги гулдор заранг косани Шералига узатди. Шерали эгилиб:

— Ича қолинг... Ичинг!..— деди. Юсуф қимизни дам олмай ичди ва бўғин-бўғинлари енгил тортиб, сархуш бўлди.

Бирпасдан кейин Юсуфнинг илтимосига кўра, ўтовга бийлар, оқсоқоллар, йигитлар тўпланди. Келганлар тиз чўкиб, Юсуфнинг нима демоқчи эканлигини кута бошлади.

— Бир кампирни тўхтатиш қўлинглардан келмади-а?— деди у киноя билан.— У қайси гўрдан етиб келди?.. Қурбонлик топилмай уят бўлаёздик-а? Тавба! Хон кўтариш шундай бўладими?

Мусулмонқул қошини кериб:

— Илгарироқ айтилганда ғамимизни еб келардик...— деди.

Мусулмонқулга рўбарў ўтирган патак соқолли бий ғудранди:

— Кампирнинг кўнглига қараб ўтирмай...— деб энди гап бошлаганди, Юсуф бақариб юборди:

— Тўхтат! Ҳой, найманнинг бийи, кампирнинг кўнглига қарамай, бўғизтаб қўядиган бақтми ҳозир? Қуёшни кўрган совуқ емас, хонни кўрган ҳаром ўлмас

деганлар. Олдингга биров арз билан келса, сўраганини бермасанг, эл олдида ёмонотлиқ бўласан. Ёмон ном қиличнинг дамидай совуқ бўлади, бахту тахтинг зил кетади. Ўзимиз яхши ният билан хон кўтариб, қонли йўлга отланиб турганимизда...

Унинг сўзини ҳеч ким қайтармади. Қараш бийнинг ўғли Абил бий ўз вақтида Юсуфнинг эътиборини қозонолганди. Ёшига яраша пойгакда ўтирса ҳам, кўзини бекдан сира узмасди.

— Абил,— деди Юсуф эркалатиб, майин оҳангда. Абил ўзини ростлаб:

— Лаббай, бек оға?..— деди.

Юсуф мўйлаби сабза уриб қолган ёш йигитга ик-лос билан қаради.

— Қанча йигитинг бор?

— Юзта эди, тўқсон тўққизта қолди.

Юсуф бош ирғади:

— Раҳмат, ука! Ақлли иш қилдинг. Раҳмат! Юзинчи йигитинг учун миннатдорман.

— Сиз учун отга эгар урадиган йигитим эмас, ҳатто ўз бошимни ҳам аямайман, бек оға!..

— Қайтими қайтиб қолар, укам. Қулоқ сол, сен бу маросимда туғбардор бўлишга арзигулик иш қилдинг. Туғбоши бўл. Қўшиннинг олдида юр. Эшитдингми?..

— Хўп бўлади, бек оға!

Шу йўсинда Юсуф хоннинг номидан ўзининг биринчи буйруғини берди.

— Бийлар, мана хонлик бўлдик, бетўхтов йўлга ҳозирлик кўринглар. Урушда туриш бўлмайди. Отланамиз. Тунда жўнаймиз. Кундузи дам олиб, фақат кечаси юрамиз. Ҳеч бир шарпасиз, тоғ ортидан илонизидай юрилсин. Эшитдингларми?.. Бу Шералихоннинг буйруғи...

Шералихон бўлса бошқа бийлардай анқайиб оғзини очиб ўтирарди.

Эртаси куни кенг майдонда эзгиланган ўт-ўлан, отларнинг тезағи ва кўк пашшаларгина қолди. Тупроғи ҳали қуриб улгурмаган ёлғиз қабр қолди...

* * *

Ногирон набирасини туллаган қизил ҳўкизга миндириб олган қора кўйлакли кампир даладан келарди. Бўлиқ пичанзор оралаб улар янги гўрни қидирарди...

— Қараброқ юр, ўғлим. Мендан кўра кўзинг ўт-кирроқ...

— Қаерга кўмишдийкин?— сўради ҳўкизнинг ус-тидан ориқ бўйнини чўзиб набираси.

— Э... Шўрлик... Пешонасида шўри бор экан. Раҳ-матлик шу орада ётган бўлса керак. Ётмай, қаерга ҳам борарди...

Улар намхуш тезаклардаги кўк пашшаларни тўзитиб, от эзган ўт-ўланларни оралаб, охири қабр-ни топишди. Этик излари тагида оқ гуллар сў-либ, шаҳиднинг янги тупроғига қоришиб ётарди. Яқин келиб тўхташди. Кампир набирасини ҳўкиздан тушириб:

— Ана... Одатимизга кўра, ўкириб йиғлаб қўй, ўр-гилай...— деди кампир ўзини тутолмай. Бола ули тортди.

— Жигарим... Жи-га-рим...

Кампир марсиялардан бирини ихлос билан айтиб йиғларди.

Бола кўз ёшларини кафти билан артиб, бувисининг айтиб йиғлашига қулоқ солди. Кампир қабрга яқин-роқ ўтириб ўксиб-ўксиб йиғларди.

У қора кўйлагининг кенг энглари билан кўзларини артиб, ўзини ростлади. Бола ногирон қўлини соғ қўли билан кўтариб тиззасига қўйди ва ёши қотиб қолган киприкларини пирпиратиб дўппайиб турган қабрга тикилди.

— Буви...

— Ҳа...

— Исми нимайкин-а?..

— Исми нимайкин дейсанми? Исми нима бўларди, қароғим... Бечора, ёлғиз-да... Йўқлайдиган одами йўқ-да, бўлмаса бўри тортган етим улоқдай кенг дала да ётармиди...

Кампир ҳўкизга ортилган хуржундаги дастурхон-ни ёзиб, пишган гўшт, бўғирсоқ олиб, ичида пичирлаб ниманидир ўқиди ва ана шу нарсаларни шаҳиднинг арвоғига бағишлади, марҳумга худодан нариги дунёда раҳм-шафқат сўраб, фотиҳа ўқиди. Кампир билан на-бира ғамгин ўтириб тамадди қилди, саночдаги айрон-дан ҳўплашди...

Қуёш қора булут инган тоғлар ортига оғганда тул-лаган қизил ҳўкизга набирасини миндирган кампир

сўқмоқдан адир ортига ўтиб кетди. Устидан майин шабада эсаётган ёлғиз қабр бўзариб қолди...

III

Юсуф ўн мингдан ошиқ лашкари билан Қўқонни қамал қилди. Шаҳарнинг ўн саккиз дарвозаси бўлиб, у ҳар бир дарвоза олдига кучли ҳимоячи қўйди, йўлларни тўсди, сув келадиган ариқларни бўғдирди, қўрғон деворидан ўқ отилса етмайдиган ерга чодирлар тикдириб, базми жамшид қуриб ётди.

Юсуф ўзидан олдинроқ шаҳарга киритиб юборган қаландарлар эса кўчама-кўча дайдиб, қилинган гуноҳ учун дўзах ўтида куядиган вақт келганлигини айтиб, одамлар юрагига ғулгула соларди. Ташқаридан қамал қилиб турган белгисиз ёвнинг даҳшати билан қаландарларнинг васваси қўшилиб, шаҳарликларни оғир аҳволга солди. Бозорлар тарқалиб, чойхоналар бўшаб қолди. Амир Насруллонинг Қўқонга қўйиб кетган беги Иброҳим Хаёл сипоҳийлар ёрдамида дарвозаларни маҳкам беркиттириб, юрган қаландарларни ҳайдаб, қўлга тушганини зиндонга солиб, элни тинчлантирмоқчи, тўполонни бостирмоқчи бўлди. Афсуски сувдан, ўтдан қийналган халқни овутиб бўлмади. Иброҳим Хаёл қамал қилган душманга зарба бериш, ҳеч бўлмаганда бир оз нарироққа чекинтириш лозимлигини аниқ ҳис қилди.

Гира-ширада Иброҳим Хаёл ўз сипоҳийлари билан бирга шаҳар дарвозаларини, пистирмаларни кўздан кечириб келаётган эди.

— Бек, сиз билан қалаңдар учрашаман деяпти... Узингизга айтадиган муҳим гапи бормиш...— деди кунчиқар томондаги дарвозанинг юзбошиси Иброҳим Хаёлнинг йўлини тўсиб, таъзим қиларкан...

— Қаёқдаги қаландар?

— Менга айтмади...

Иброҳим Хаёл индамай отдан тушиб, навкарлари билан бирга дарвозанинг биқинидан юқорига нарвон орқали кўтарилиб, қўрғоннинг устига чиқди. У эни арава бемалол қатнагудай қалин, баланд девор устидан анча нари-бери юрди. У нимани ўйлаётганини навкарлар билмасди. У ҳеч кимга индамай одимлар эди. Навкарларнинг кўзига гоҳо бекнинг бошидаги ёрлиғи

ялт өтиб ташланиб қўярди. Бирор сўз айтишга ҳеч кимнинг юраги бётламади. Қўқонни қўлдан бериб қўйиш ишига ағалашган бу одамлар амир Насрулло олдида жавоб беришдан қўрқишарди.

Қўқон оловли ҳалқада эди. Кўкдаги юлдузлар шаҳар атрофига тўкилиб тушгандай тонгга қадар гулхан ёнарди. Одамларнинг ғала-ғовури, отларнинг кишнаши тинмасди. Шаҳар ичи қоронғи эди. Фақат сипоҳийлар турган жойлардагина машғалалар ўчмасди. Дову дарахтлар мотам либосини кийган хотинлардай бели букчайиб, уйлар эски қабрлардай бўзариб турарди. Иброҳим Хаёлга бу кўриниш оғир таъсир қилди.

— Қаландарни буёққа чақиринглар.

Дам ўтмай новча бир кишини орқасидан туртиб олиб келишди.

Қаландар салом берди. Иброҳим Хаёл алик олган бўлиб унга энгашиб қаради. Қаландарнинг башараси кўринмади.

— Шам!

Майин шабадада тебраниб ёнаётган шам Иброҳим Хаёл билан қаландарнинг юзини зўрға ёритди. У қаландарнинг афтига қунт билан боқди. Иброҳим Хаёл сийрак киприклари орасидаги қисик кўзларини каттароқ очди.

— Қаландарим, юлдуз санайсизми ёки ром очасизми? — деб сўради бек.

Қаландар жилмайди.

— Бек, бир ҳафта ичида юз берадиган воқеани мен ром кўрмай биламан. Осмондагидан кўра ердаги юлдузларнинг сирини яхшироқ англайман.

Иброҳим Хаёл бошини қуйи солиб, ўкинч билан бош ирғади, ҳузурида турган қаландар қиёфасидаги одамнинг ким эканлигини аниқ тасаввур қилди. У бошини кўтармай анча турди.

— Айт, қайси тарафдан келдинг?

— Нариги томондан...

Қаландар сон-саноқсиз гулхан ёниб турган ёққа ишора қилганида Иброҳим Хаёлнинг юраги шув этди, ранги оқариб, билдирмасликка уринди. Лекин қаландарнинг зийрак кўзлари ҳамма нарсени аниқ уқди.

— Улар кимлар?

— Тоғликлар. Тоғликларнинг чап қаноти. Бугун-эрта ўнг қаноти — водийликлар ҳам келади...

Навкарларнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб, ўзаро шивирлашди.

— Ҳазрат кўзинг билан кўрганмисан? Ҳар бир гулхан атрофида қанчадан одам бор? Айтиб бероласанми?

— Биттадан понсот бор, бек!

Иброҳим Хаёл ўйланиб қолди. Қаландар лабини қимтиб, Юсуф ҳар бир йигитга биттадан гулхан ёқишга буйруқ берганлигини эслади. Иброҳим Хаёл ишонқирамай бошини чайқади.

— Ҳар понсотнинг қўлида беш юздан аскар... Шундайми?..

— Кўриб турибсиз-ку, бек!..

— Ҳим...

Шу маҳал қалъанинг ичидан шовқин-сурон эшитилди. Сўкинган, хириллаган овозлар, темирларнинг жаранг-журунги, кимнингдир оғир инграши... Иброҳим Хаёл сергакланди. Орқасига бурилиб қулоқ солди. Кимдир нарвондан тез-тез чиқиб, чопганича қўрғон четига чиқди.

— Бек қайда?.. Бек қайда?..— деб энтикиб келарди у. Иброҳим Хаёл ва унинг навкарлари нима гап эканлигини билмай туриб қолди. Хабарчи кенг чакмонига ўралашиб:

— Бек!.. Бек!..— дерди нуқул гапиролмай. Иброҳим Хаёлнинг жаҳли чиқиб:

— Нима? Тезроқ гапир! Нима гап?..— деб бақирди.

— Сипоҳийлар жанжал чиқаришяпти, бек!.. Қўқоннинг собиқ сипоҳийларидан иборат юзлар уруғи...

Бу нохуш хабар бегона киши олдида Иброҳим Хаёлга ханжар урилгандек қаттиқ таъсир қилди. У инграб юборди.

— Йўқол, понсот,— деди секин,— қон тўкмай, аста босиб қўйинглар. Уларнинг талабини қондириб, босиб қўйинглар...

— Бек... Улар дарвозани очамиз дейишяпти...— Бек нима дейишини билмай қолди. Навкарларнинг қути ўчди. Иброҳим Хаёл қўлини силтаб: — Жўна, мен ҳозир бораман, мен боргунча дарвозани очманглар...

Понсот югурганича пастга тушиб, отига минди-да, қоронғида чоптириб кетди. Бек отнинг дупури босилгунга қадар қулоқ солиб турди. Нима қилмоқ керак? Куч оз. Бухоро олис. Йўл берк. Келишмовчилик... Жа-

вобсиз саволлардан боши зирқиллаб оғрий бошлади.

— Қани, энди нима қиламиз?— сўради навкарларидан. Ҳеч ким индамади. Бек саволини аниқроқ айтди:— Ҳимоя қиламизми?.. Ёки шаҳардан чиқиб кетайликми?— Яна ҳеч ким жавоб бермади. Иброҳим Хаёлнинг сабри чидамади. У кўзини лўқ қилиб турган қаландарнинг қарашидан кўп нарсани пайқади.

— Хўш! Оғзингизга толқон солганмисиз? Биламан, панада, четда қолмоқчисизлар. Майли, ҳазратнинг олдида ёлғиз ўзим жавоб бераман!— деб пўписа қилди. Навкарлар каламушдай писиб кетди. Иброҳим Хаёл сон-саноқсиз гулхан ёнаётган томондан кўз узмай бўшашиб қолди.

Бек ерга қараб тураркан: «Буларнинг мингбошиси бормикан?»— дея ўзига-ўзи савол берди.

— Мингбошисиз қўшин бўлмас!— деди қаландар. Иброҳим Хаёл бошини кўтарди.

— Уни қаёқдан биласан?..

— Бу худонинг қудрати. Башоратим ҳақ...

— Ҳим...

— Бошлиғи шафқатсиз киши. Шаҳарнинг калитларини ўзлари бир ҳафта ичида олиб келиб қўлимга топширади. Агар топширмаса, уйдан бирорта мангитни тирик чиқармайман, деб қасам ичган...

Иброҳим Хаёл ичида калима келтирди. Унинг кўзи қаландарнинг кўзи билан тўқнашди. Дастлабки учрашувдаги гумонига ишонгандай бўлди. Ўзини тутиб туролмади.

— Ушланглар!

Қурулли кишилар қаландарнинг икки қўлига ёпишди. Жон керак эмасми, у бўздай оқариб кетди ва ўзини эпақага келтириб, Иброҳим Хаёлга тик боқди, тишларини ғижирлатиб, ишшайтирди.

— Сен ўшалардансан. Каллангни оламан!— деди бек. Қаландар бошини сарак-сарак қилди.

— Менинг калламни сал ўйланиброқ олинг, бек!..

Навкарлар ҳам ҳайрон эди. Иброҳим Хаёлнинг пешонаси тиришди. Унда ҳув ўша гулханларнинг тафти бор. Бек жаҳлидан тушди, юзига билинар-билинамас табассум югурди.

— Қўйиб юборинглар... Менга шуни айтиш учун келган эдингми?..

— Ҳа, шунинг учун, бек! Шаҳарни қанчалик тез топширсангиз, ўшанчалик яхши бўлади...

— Ҳим...

Иброҳим Хаёл ёниб тугаётган шамнинг ипига қараб қолди. Ипдан чиққан оқиш аланга аста пасайиб, тобора нурсизланиб, кейин муздай ҳавода қалқиб-қалқиб бир йўла ўчди. Иброҳим Хаёлнинг қовоғи осилиб, гавдаси қоронғи тун қўйнида ғойиб бўлди.

Шу паллада унинг назаридан четроқда турган навкарлар тун пардасига ўрангандай бирин-кетин четлаб кетаётганини аниқ-таниқ кўриб турса-да, ҳеч нарса демади. У айна вақтда бутунлай чорасиз қолганди...

— Эй, қаландар либосини кийган азамат, менга қара...— деди бек бўшашиб.— Бошлиғингга айт, тақдир тақозосига нима ҳам дердик... Айтгин, бизга йўл бериб, қўшинларини дарвозадан тортиб турсин. Илтимосимиз шу...

— Хўп!..

Иброҳим Хаёл нарвондан чаққонлик билан тушиб, дарвозанинг олдида турган юзбошига:

— Қаландарни дарвозадан чиқариб юбор!— деб буйруқ берди ва оқ ёлли отига миниб, елдирганича навкарлари билан кўздан ғойиб бўлди...

* * *

Юсуфнинг гулхани.

Оловнинг сарғиш тиллари зим-зиё тун пардасини ялаб-юлқайди, учқунлар милтиллаб олис юлдузлар каби жимирайди. Юсуф индамай ёнбошлаб, оловга тикилиб ётарди. Шерали безовта эди. Тез-тез Юсуфга қараб қўярди. У шундай онларда тоғ бағрида йилқи боқиб, йилқичилар даврасида улкан гулхан ёқиб ўтирган вақтларини кўз олдидан ўтказарди. Ҳа, ўшанда эркин қушдай эди. Ишлашга ҳам, ўйнаб-кулишга ҳам вақт топарди. Элатнинг бағри кенлиги қон-қонига сингиб кетган Шерали кейинги кунларда атрофи тора-йиб, юраги сиқилаётганининг сабабига тушуна олмасди. Юсуф ҳамон ўша ҳолатда эди. Шералидан баттар хаёли чуваланиб, қачонлардир кўрган тушини эслай бошлади.

...Юсуф ота меҳридан бенасиб ўсди. Эсонбой бий унинг онасини сарқинди қилган эди. Юсуф онаси иккови қишлоқ четидаги ғариб бир кулбада яшаб, баҳо-

ли қудрат тирикчилик қиларди. У ёшлигидаёқ касалликка чалиниб, кал бўлиб қолган эди. Кейинроқ тузалди-ю, аммо сочи бир йўла тўкилиб кетди. Эсон бий ундан номус қилиб, бирор марта боласидан хабар олмади, эркалатмади. Лекин Юсуф кал жуда абжир чиқди. Отасининг хабар олмаганига парво қилмади, қариндош-уруғларининг камситишига асло эътибор бермади... Қайтага уларни ўчакиштириб, тадбирли бола бўлди.

Кунларнинг бирида тонгга яқин ажабтовур туш кўрди ва чўчиб уйғониб, эрта билан қишлоқдаги оқсоқолларни, уламоларни чақирди. Мол сўйиб, ош бериб, меҳмонларнинг баъзисига усти бош, қолганларига белбоғ қўйиб, иззат-икром қилди. Бу нимаси? Ҳеч ким билмайди. Дастурхонга фотиҳа ўқилиш олдида Юсуф пойгакка тиз чўкиб ўтирди-да:

— Сизларни чақиришимдан мақсад... Мен бир туш кўрдим... Шунини йўйиб берсангизлар, деб чақиргандим,— деди. Меҳмонлар Юсуфнинг оғзига қараб қолишди.

— Айт! Айтавер, ўғлим, кучимиз етса йўямиз!— деди қариялар. Юсуф бир оз дудуқланиб тушини айтди:

— Энг баланд тоғларнинг устида юрган эмишман... Бир тоғдан иккинчисига ҳатлаб, хоҳлаган чўққига қўлим етармиш... Бир тоғдан бақирсам, иккинчи тоғнинг кийиги ҳуркиб қочади... Бу нимаси? Бироқ, кўнглим ўрнига тушмади. Тезда уйғониб кетдим... Хўш, бу нимаси?..

Уйнинг ичи сув қуйгандек жимжит. Бундай аломат тушни ким кўрган? Ким йўйган? Юсуф бўлса, юраги ҳовлиқиб, сабрсизлик билан жавоб кутарди.

— Яхши...— деди тўрдаги оқсоқолларнинг бири ўзини ростлаб. Юсуф қариянинг сўзини бўлди:

— Тўхтаган! Яхшироқ йўйиш керак. Чунки, тушни йўйишда, ҳадеганда дудмолланилса, иш чаппасига кетади. Қулоқ солинлар, юксак тоғ — баланд мартаба, бир тоғдан иккинчи тоққа сакраб, чўққиларга қўлим етиши қулочимнинг кенглиги, кийикнинг ҳуркиши — бу амалдорлик белгиси. Демак, хон бўлар эканман... Омин, оллоҳу акбар!— деб фотиҳа ўқиди. Кимдир чин ният билан, кимдир «бу кал айтди-қўйди-да», деб ҳазилга йўйиб фотиҳа қилди. Эл тарқади.

Бу гап жуда тез тарқалди. Қишлоқ одамлари ўзлари билган оҳангга солиб, Юсуфнинг тушини эрмак қилиб юришди. Охири бу нарса унутилиб кетди. Юсуф эса фақат ўша тушининг илинжи билан яшади. Ота бўлиб бирор марта ҳам ёрдам қўлини чўзмаган бийга ўчакишиб, бир куни Эсонбой бийнинг яйловида ўтлаб юрган қирқта байтални ўғирлади, савдогарларга ўтказди ва битта зотдор қора қашқа бедов сотиб олди. Ёл ва қуйруқлари нафис, қизил кўзли бу аргумоқ илондай ихчам, чайир чиқди. Юсуф уни ўз фарзандидай парваришлаб, устига кимхоблар ёпиб, кўзмунчоқ тақиб, қишлоқ ичида кўз-кўз қилиб миниб юрди. Эл гийбат қилди, масхара қилди. Юсуф сира парво қилмади.

Ўша кунларда Эсонбой бий янги қўлга тушган бир қушни хонга совға қилиш учун кетган эди. У ўрдада хийла иззат-ҳурмат топиб, зиёфатларда бўлиб, анча юриб қайтди. Йўлда уриниб, ҳориб келган қари бийни барча қишлоқ аҳли яхши кутиб олиб, ҳолу аҳвол сўради. Эсонбой бий негадир кирган-чиққанлар, келган-кетганлар орасида ўғли Юсуфни учратмади. Хотини кўпчилик қатори келиб, бий билан омонлашиб ўтирган эди. Эсонбой қария чидай олмади:

— Ҳой, ҳалиги қутурган калинг кўринмади-я?.. — деб киноя билан сўради. Аёл жавобга оғиз ростламай, қариндошларидан бири ўкиниб деди:

— Бий, ўша ўғлингиз қирқ байталга бир хачирни алмаштириб... ўзбошимчалик қилиб, эл билан, қариндош-уруғ билан иши йўқ, дайдиб юрибди. Ўзингиз бирор нарса демасангиз...

Эсонбой бий жаҳл билан тиззасини эзгилаб:

— Этагинг орқангга етмагур... Қирқ байталга битта от олишни унга ким қўйибди. Уни нима қиларкин? Ўша оти тезак ўрнига олтин ташлармикин? Бунинг ўрнига анаву шўрлик онасини яхшироқ боқмайди-ми!..— деди.

... Юсуф уйига келса, онаси йиғлаб ўтирибди. У онасидан ҳол-аҳвол сўради:

— Бетавфиқнинг уйига борибсиз шекилли? Келди деб эшитувдим. Яна сизга бирор нарса деганга ўхшайди-а?— деди ўкинч билан. Онаси Юсуфнинг турқидан чўчиди. Ота-бола ўртасида адоват кучаймасин, деган ўйга бориб, гапни бошқа томонга бурди. Юсуф гезариб

ўтириб, бўлиб ўтган воқеадан хабардор бўлгач, отилиб ташқарига чиқди.

— Бу нима деган гап? Бий менга ота бўла туриб, қачонгача таҳқирлайди. Эплаб бир от боқсам... Шунга ҳам кўп кўрсан-я! Қачонгача чидайман?!. Э, тангри! Қачонгача?..

Сабр косаси тўлиб-тошган Юсуф бир нечта дўстлари билан бийнинг қишлоғига кириб борди. Бақириб-чақириб, ҳеч кимга қулоқ солмай отасининг ҳовлисига от солиб, чийдан тўқилган эшикни пўлат шамшир билан бурдалаб ташлади.

— Ҳой Эсонбой, буёққа чиқ! Буёққа деяпман,— деб сўкинди от ўйнатиб. Уйдан бийнинг хириллаган овози эшитилди.

— Ушла! Ушла қутурган кални!

Юсуф зардаси қайнаб, ичкарига талпинди. Тўпланган одамлар унинг тизгинига ёпишиб, қаршилиқ кўрсатишди. Қишлоқда тўс-тўполон бўлиб кетди. Юсуф йиғлагудай бўлиб, бийни астар-аврасини ағдариб ҳақорат қилди.

— Кечдим! Оқ қилдим! Оқ қилдим! Йўқол, кўрнамак! Бетинг қурсин, ота безори! Кўзимга кўринма!— деб қарғади Эсонбой бий. Юсуф унга жавобан:

— Сен мени болалигимдан кечган бўлсанг, мен сени оталигингдан кечдим! Ота бўлиб қачон пешонамни силадинг?— деб бақирди. Оқсоқоллар ўртага тушиб, «ҳой, ука, отангга от солма, қарғишига қолиб кетасан, оёғини ўпиб, кечирим сўра», деб насиҳат қилишди. Юсуфнинг кўзига қон тўлиб, оқсоқолларни жеркиб, отига зарб билан қамчи босди...

Юсуф бундан нари бу ерда яшашга кўзи етмади. Онасини отга миндириб, уйига ўт қўйиб, ёниб бўлгунча кутиб турди ва энг яқин дўстлари билан бирга Толасга бош олиб кетди. Бу ерда Ҳожибой додхоҳнинг хонадонидан паноҳ топди.

Шу тарзда ҳамқишлоқлари узоқ йиллар мобайнида Юсуфдан хабар топилди. Онаси асли толаслик бўлгани учун бу ерга тез кўникиб кетди. Юсуф эса тўй-ҳашамларда Кўкқашқа бедови билан улоқ чошиб, пойгаларда қатнашиб, обрў-эътибор топди. Тўғрисўз, оқкўнгил бўлгани учун уни ҳамма ҳурмат қиладиган бўлди. Онасининг орзуси ушалди. Ниҳоят, Юсуфнинг

шуҳрати бутун Толас водийсига ёйилиб, қадри ошиб, дўстлари кўпайди.

Уша кезларда, Ҳожибой додхоҳнинг қарамоғида юрган вақтида Шералини кўрган эди.

Кунларнинг бирида Сари-Ўзган-Чуй томонда катта тўй бўлиб, бу тўйга Юсуф ҳам ўз дўстлари билан қашқа отини миниб борди. Пойга бўлди.

Пойга охирида от ўргатувчи келиб, Кўкқашқани йўргалатиб кўрди ва кейин чавандозни ўчакиштириб, чопди.

— Бу нима деган гап?.. Бир киши Кўкқашқани қийнаб... Буниси камлик қилгандай, ўрама қамчи билан манглайга уриб юборса бўладими. Бу қандай меҳмондорчилик бўлди?!

Юсуфнинг рангида қон қолмади. Кўзлари аянчли тусга кирди. У чавандоз болага юзланиб:

— Танийсанми?— деб сўради.

— Билмайман, бир қора одам...

— Қидиринглар! Айғоқчи қўйиб топиб келинглари! Маросим тугагунча топиб келинглари,— деб тайинлади йигитларига.

Юсуфнинг йигитлари тезда барзанги бир қора кишини олиб келди. У отининг жиловини тортиб, йигитларга қамчи ўқталиб:

— Хўш, қасдинг борми менда! Шошмай тургин!— деб интилди. Юсуф унгача отилиб чиқди:

— Қимирлама! Жонингдан умидинг бўлса, қимирлама!— деди шиддат билан.— Кўкқашқанинг бошига урган сенмисан?

Қора киши гўлдираб, тили айланмай қолди:

— Мен эмас... Ким кўрибди?..

Юсуф чидай олмай қиличининг сирти билан унинг елкасига бир урди.

— Гирин-пиринг демай жавоб бер. Қилт этиб кўрчи, ҳолинг нима кечаркин.

Қора киши қўрққанидан олдин мушт кўтариб:

— Ҳой, халойиқ, бормисизлар! Мени ўлдиради!— деди.

Юсуф қиличининг сирти билан яна урди.

— Жонингдан умидинг борми?

Қора киши қалтирай бошлади:

— Мен урган эдим... Мен эдим, ака...

— Ҳим... отни таниб урдингми? Кимнинг бедови эканлигини билиб туриб урдингми?

— Басир бўлай, кимники эканлигини билмадим. Кўр бўлайин...

— Мени танийсанми?

— Кўр бўлайин, танимайман... Басир бўлай, билмайман...

Юсуф бир оз юмшаб, қилични қинига солди.

— Яхшиямки, туз-насибанг узилмаган экан... Агар билиб туриб шу ишга қўл урганингда бошингни сапчадай узиб ташлардим... Кўзингни каттароқ оч! Кўк-қашқа бедов Ақси бегиники бўлади.

— Билмабман, ботир... Билмабман...

— Бу ишга сени ким ёллади?

— Узи... Қорабек мирзанинг ўзи...

— Яхши! Менга қара. Энди қилган гуноҳингни ўз меҳнатинг билан оқлайсан...

— Нима қилай, ботир?..

— Унчалик қийин иш эмас. Тўпланиб турганларнинг олдига бориб, бўлган воқеани миридан-сиригача айтиб берасан. Эшитдингми? Қорабек мирзанинг кирдикорини очиқ-ойдин сўзлайсан. Бўйин товласанг, охири ёмон бўлади...

— Маъкул...

Юсуф ўзига келди. Қорабек меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирарди. Ёнида бахшиси мирзани кўкларга кўтариб мақтамоқда:

О, Қорабек бекзода,
Асли бахтинг бор экан,
Ортда қолди олтмиш от,
Сенга омад ёр экан.

Қорабек мақтовдан ўзида йўқ хурсанд, қўшиқ тингларди. Бахши ёқимли овози билан мирзани шарафлаётир:

О, Қорабек шаҳзода,
Қўллаганинг зўр экан.
Ютиб чиқди аргумоғинг,
Қолган отлар гўр экан...

Юсуф йўрғасини йўртдириб, шитоб билан ўртага кириб борди-да, қамчи билан Қорабекнинг бошига тортиб юборди. Унинг сувсар телпаги учиб кетди. Юсуфни кўриб бақариб юборди:

— Ҳой, дайдиган ақсилик кал? Ҳой! Бу нима қилганинг?

Юсуф йўлбарсдай ташланди. Эл уларни қамчилашгани қўймай, ажратиб қолди.

— Бекзода эмиш! Пайт пойлаган қароқчи!

Қорабек бақириб, ўртага тушганларнинг қўлидан юлқиниб чиқмоқчи бўлди. Унинг йигитлари бир тараф бўлиб хезлана бошлади.

— Уятсиз, гуноҳини бўйнига олмайди шекилли. Қани, қараб турманглар! Қўрқадиган одам йўқ! Дайдиликни кўрсатиб қўямиз!

— Бўлди энди, ботирим,— деб соқоли кўксига тушган чол Юсуф минган отнинг жиловидан ушлади.

Юсуф нуроний чолнинг гапини қайтармай, ўзини босди:

— Нима қилай, ота?

— Нима гап ўзи? Бош кессанг ҳам сабабини айтиб кес, ботир... Нимани талашяпсизлар? Яхшиси, айт, чироғим?

— Холисмисиз?

Қария соқолини силади:

— Соқолим ҳурмати... Шу ёшимда холис гапирмасам, гўримда гапираманми?

Юсуфга шугина етмай турувди. Чол ёш йигитлардай чопиб бориб Қорабекнинг нафасини ўчирди. Тўйга келган жамики эл тўпланди. Юсуф ҳаммага эшитдириб баланд овозда сўзлади:

— Э, халойиқ, Қорабек қароқчи менга қўл солди.

— Узинг қароқчисан!— деди Қорабек нариги ёқдан. Унинг ёнида турган кимдир:

— Ҳой, сен биринчи бўлиб қамчи солдинг-ку!

Юсуф унга қулоқ солмади:

— Э, халойиқ! Бу қароқчи бўлмаса, пойгада кетаётган Қўкқашқанинг бошига урадимми? Инсофи борми ўзи? Қорабек қароқчи отнинг йўлини тўсди. Бу нима қилгани?

— Ёлғон! Ёлғон! Даъво қиляпти!

— Қорабек! Эс-ҳушингни йиғиштириб олгин, деб қамчи урувдим. Гуноҳкор бош эгилмади. Афсус: қамчи билан эмас, қилич билан чопишга арзийдиган бошинг бор экан...

Йигитлар ҳалиги қора кишини туртиб ўртага қарди. Юсуф элга кўрсатиб:

— Ҳамма гапни мана бу одамдан сўранглар.
Уртага тушган қария:
— Сен қим бўласан?— деб секин сўради.
— Мен... Мен... Бўрибойман.
— Қани, ўғлим Бўрибой... Жавоб бер! Қандай иш
ўтди? Фақат тўғри гапир!.. Ҳеч кимдан қўрқма...

— Мен тўсган эдим... Мен...

— Сенми?

— Мен... Қорабек мирза буюрган эди...

Юсуф қувонганидан ўзини тутолмади.

— Ана! Эшитдингларми! Ана! Бу элнинг мирзаси
шундай қилгач, бошқаси нима қиларкин?

Қорабек хижолатдан ер ёрилмади-ю, ерга кириб
кетмади. Уртага тушган чол Қорабекка қаради:

— Ҳой Қорабек, мирза бўлмай қуриб кет... Касо-
фатинг уриб, барча элнинг номига доғ туширдинг. Мир-
за бўлмай қуриб кет...

Юсуф йўлга тушди. У мол-дунё учун от чопмас эди.
Тўй эгаси биринчи совринни унинг олдига ташлади,
Юсуф олмади. Учинчи соврин — отни эса чавандоз йи-
гитга совға қилди. Йўлда у ҳеч ким билан гаплашма-
ди. Негадир хафақон эди. Қорабекни-ку шармисор қил-
ди... Бироқ хижиллиги ёзилмади. Ақсилик дайди! Кал!
Шу сўзлар уни илондай чақарди. Аттанг, бегона юрт
шу экан-да... Қалби шилиниб кетди...

Кўп ўтмай Ақсидан келган хабарчи Эсонбой бий
қазо қилганлигини айтди... Юсуф беихтиёр ўрнидан
туриб кетди:

— Бир ёмонлик бўлишини сезган эдим. Кўкқаш-
қанинг бошига беҳуда қамчи тушмаган экан... Нима
бўлса ҳам Эсонбой менга ота эди... Кетганим бўл-
син...

Юсуф қадрдон бедови билан куну тун тўхтовсиз йўл
босиб, Қорабувра довони орқали Ақсига ошиб ўтди.
Эсонбой бийнинг овули Итоқар дарёсининг қирғоғида
эди. У отасининг маъракасига улгуриб, олисдан фарёд
солиб кирди. Удумга кўра Юсуф отасининг қирқи ва
қаъдаларини ўтказди...

Кейинчалик у отасининг ўрнини босиб, Ақсига бий
илиб тайинланди.

Юсуф шундан кейин, ўзича тушида кўрган ишлар
қичи амалга ошди, деб ўйлаб юрарди-ю, лекин бундан
гишгли унча тўлмасди. Ахир бу отамерос! Эртами-кеч-
ни

ми амал деган нарса қўлга тегар эди-ку! Ҳамон бунга ўзи рози эмасди. Орадан анча йиллар ўтиб келди...

Юсуф эндигина жонининг ҳузурини кўзлаб, хотир-жам даврон сураётган пайтда, ўрдада осойишталик бузилиб, яна ғайрат отига минди. Бир тоғдан туриб қий-қирса, иккинчи тоғнинг кийиги ҳуркиб қочиши кўз ўнгидан ўтиб, умид учқунлари аланга олди. Ўрдадаги келишмовчиликлар, ўзгаришлар туфайли халқ кўзғалишини кўриб, Юсуф излаган нарсасини топгандай бўлди. Ҳа, уни топди...

Мана, ёнида Шерали қўлга тушган ўғридай бўшашиб ўтирибди. Юсуф кипригини қоқмай, Шералига синчковлик билан узоқ тикилди. Унинг афт-ангоридан қўрқоқлиги, кўзларидан эса қатъиятсизлиги, юриш-туришидан лапашанг ва латтачайнарлиги яққол кўриниб турарди...

— Бек оға, шаҳардан хушxabар келди...— деди Абил туғбардор ошқиб. Юсуф ҳушёр тортиди:

— Қайси бири?.. Чақир... Қаёқда юрибди?..— деди. Абил орқага қарагани улгурмади. Новча бўйли қаландар пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, бек оға!

— Алайкум ассалом...

— Кел, ботир... Утир.

У хурсанд эди. Иш бароридан келди. Юсуфнинг юрагига ёруғлик тушди.

Қаландар Юсуфдан кейин Шерали билан сўрашиб, тиз чўкди ва бўйнидаги ридони олиб ўтга ташлади...

— Иш ўнгидан келди... Хўжайи Хизр жиловдорингиз экан... Йўлингиз очиқ, эртага Иброҳим Хаёл Қўқонни сизга топшириб, чиқиб кетмоқчи бўлди...— деди у кулиб.

Юсуфнинг юзига қон югурди:

— Ҳа... Кейин?..— деди хабарни тўлароқ эшитиш ниятида.

— Иброҳим Хаёлнинг аскарлари оз. Етти юзта, холос. Мадалидан қолган аввалги юзлар биз тарафга ўтди. Жанжал чиқариб дарвозаларни очамиз, деяпти эл. Билдингизми, бунга босишга Иброҳим Хаёлнинг кучи, ғайрати йўқ...

— Кейин?..

— Иброҳим Хаёлнинг ўзи билан учрашдим.

— Ҳа!.. Ушани гапир,— деди Юсуф.— Сенинг қаландарлигингга ишондимми?

У Иброҳим Хаёл билан қандай учрашганлигини айтиб берди. Юсуф қотиб-қотиб кулди. Шерали кўзларини олайтириб ўтирарди.

— Бечора. Худо етказган қаландарга ром очириб, тақдирини билиб олмоқчи бўлган экан-да! Ха-ха-ха... Зўр иш бўлибди.

— Азамат! Оғир ва шарафли ишни бажарганинг учун раҳмат! Йўлимизни очган тангрига минг марта шукур! Иброҳим Хаёлнинг қандай ўтинчи бор!

— Душманнинг ўзи кетаман, деб турса, нима ҳам дердик.

— Ботир,— деди Юсуф,— йиртқични инидан чиқариб юборсак, ҳатто бурни ҳам қонамаган Иброҳим Хаёл Бухорога бориб амирдан аскар олиб келди дейлик... Шунда нима бўлади? Хўш, нима бўлади?

— Жанг...

— Балли... Жанг бўлади. Шундай экан, фурсатни ўтказмай, душманга зарба беришимиз керак. Тўғрими?

— Жуда яхши бўлади...

— Балли... Ёвни аяган армонда қолади, буни ёдингдан чиқарма.

Шерали гапнинг нима ҳақда бораётганлигига фаҳми етмай ўтирарди. У қандай фикрда эканлиги билан ҳеч ким ҳисоблашмади.

Иброҳим Хаёл эртасига кечқурун минорага чиқиб, гулханлар дарвозалардан анча олисга кетиб қолганлигини кўрди. Новча бўйли қаландар кўз ўнгида гавдаланди. Шу заҳоти йўл тадоригини кўришга буйруқ берди. Айёр Юсуф четга ёлғон гулханларни ёқтириб, аскарларини тўп-тўп қилиб дарвозадан унча узоқ бўлмаган жойларга пистирмага қўйди. Аскарлар жанговар ҳолатда эди.

Тонг ёришганда бухороликлар Бухоро йўлига олиб чиқувчи дарвозадан оқ туғ кўтариб чиқди. Уларнинг орти дарвозадан узилмай туриб, тўс-тўполон бошланди. Кутилмаган ҳужумдан саросимага тушиб қолган бухороликлар қайси тарафга қочмасин, қиличнинг дамига, найзанинг учига тўғри келарди. Юсуфнинг кўп сонли аскарлари душманни тумтарақай қилиб юборди. Алданиб қолган Иброҳим Хаёл юраги ёрилгудай бўлиб, йигирма чоғли йигити билан зўрға қочишга улгурди.

Юсуф оқбўз отда карнай садолари остида ўзига хос салобат, виқор билан Қўқоннинг катта дарвозасидан кириб борди. Ҳурмати юзасидан қалъанинг четида ўрнатилган замбараклардан ўқлар узилди.

— Жаҳонгир Юсуф мингбоши! Жаҳонгир Юсуф мингбоши!

Олдинда бор овози билан бақириб-чақириб жарчи бормоқда эди. Шаҳар аҳолиси бу тантанани кўриш учун деворларга, томларга чиқиб олганди. Кўча ва йўлакларга одам сиғмасди. Халойиқнинг Юсуф шаънига айтган сўзлари қулоқни қоматга келтирарди.

— Жаҳонгир Юсуф мингбоши!

— Жаҳонгир Юсуф мингбоши!

Жаҳонгир Юсуф мингбоши ҳувиллаб қолган ўрдага келиб тушди.

IV

Ҳукмдорга таъзим ва салом қилиб қўйиш учун шаҳарнинг номи кетган бойлари, ўзларини ақлли деб ҳисоблайдиган уламолари совға-саломлар билан бетўхтов келиб турарди. Юсуф келганларни ўзи кутиб олиб, ўзи кузатарди.

Бир кун кечқурун Юсуф шаҳарнинг қозисини чақиртирди. Уртага дастурхон ёзилиб, тансиқ мевалар қўйилди. Иккови холи эди. Юсуф ўрданинг қоида ва тартиблари, шариат қонунлари, ўрда тарихи, хоннинг даражаси, вазирларнинг вазифаси, аскар бошлиқларининг имкониятлари тўғрисида сўраб-сурштирди. Бир маҳалда Мадалихоннинг ҳузурида ҳам худди шундай тиз чўкиб, отаси дон олишиб қўйган қизга шариатдан йўл топиб берган киши ана шу қози эди, ёз ойларида эса диний исломнинг зулфиқори деб амир Насруллони қучоқ очиб кутиб олган ана шу шариат пешвоси ҳозир Юсуфни босқинчилардан қутқазган халоскор, деб вайсаб унинг этагини тавоф қилаётганди. Пихини ёрган қози илондай авраб, Юсуфнинг гапларини маъқуллаб, уни мақтаб ўтирарди. Юсуф қозининг гапини бўлмайдикхлос билан эшитди. Шум қози ҳукмдорга бошқачароқ жавоб қилиши кераклигини фаҳмлади.

— Ҳазрати олийлари... Ўрданинг тартиби даврга қараб ўзгариб турган... — деди у гапни айлантириб. У Юсуфга кўз қирини ташларкан, мулойим оҳангда

сўзга киришди: — Ахир алмисоқдан буён ақл устуворлик қилиб келмоқда. Ҳар вақт, ҳамиша подишоҳнинг ўзи ҳукмдор бўлган эмас. Йўл — ақлники.

Юсуф қозига тикилиб қолди. Қозининг чеҳраси ёришди. Унинг гапи мўлжалга текканга ўхшади. Давр келган пайтда, унга хизмат қилиб, эътиборини қозониб, ном чиқариб қолиш мумкинлигини ўйлади. Йўл бор экан, ҳаракат қилиш керак. Буни бугун у айтмаса, эртага бошқа биров ўзига оғдириб олади:

— Ҳазрати олийлари... Подишоҳ давлатнинг хўжайини... Бироқ... Подишоҳ бордию ёш бўлса, давлатни бошқаришга ақли етмаса, ишнинг кўзмини билмаса, у ҳолда аҳли мусулмонларнинг осойишта яшамоғи учун тажрибали, тадбиркор бирор кишини ўзига оталик қилиб олиши мумкин. Бу албатта мамлакат учун кони фойда. Адолатли томони шундаки, ҳукмдорнинг розилигини ҳам ҳисобга олиб турилса, ёмон бўлмайди... Э, ҳазратим!.. Оталикнинг вазифаси жуда зўр. Оталик тахтсиз подишоҳ, тожсиз ҳукмдор...

— Шундайми, қози? — Юсуф қанчалик уринмасин, қувончини яширолмаб жилмайди. Қози яйраб кетди.

— Шундай ҳазратим... Шундай...

— Масалан?

— Амир Темур! Жаҳонгир амир Темур Кўрагоний замонида Чингизхоннинг уруғи Чигатойнинг қизига уйланса, унинг боласини хон деб тўрга ўтқазиб, давлатни эса ўзи бошқарган. Тилла тангаларга уларнинг суратини, исмларини зарб этдириб, ўзлари ишлатган.

Қози бу ҳақда анча мисоллар келтирди. Аммо Юсуф негадир қунт қўйиб эшитмади. У чуқур ўйга ботиб, илонбоз ҳиндидай ўтирарди.

— Ҳим... — деди Юсуф, сўзи тугаб қолган қозига қараб, — айт-чи, хонимиз ўзингиз ҳозиргина айтган худонинг хоҳишидай қилиб давлатни бошқара олармикин?..

Қози шошиб бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ, йўқ, ҳазратим!.. — деди тили тутилиб, қўллари қалтираб ёқасига ёпишди. — Йўқ, йўқ! Бундай иш унинг бошидан ўтмаган. — У ерга қараганича: — Э, ҳазратим, э ҳазратим! — дер эди.

— Қози! Бошингизни кўтаринг.

— Лаббай ҳазратим... Лаббай... — деди башараси докадай оқариб.

— Бошингизни кўтаринг, қози! Мен билан суҳбат-

лашган одам кўзини олиб қочмай гапиришини истайман.

— Ҳазратим! Бечора қулингиз ҳақиқатни гапириб қўйди. Бир қошиқ қонимдан кечинг... Қўқон ўрдаси фаросатли, ақлда ягона каллага, саховатли қўлга муҳтож...

— Сизнинг фикрингизча ўрдага оталик зарур. Шундайми, қози? — деди Юсуф.

— Қанийди, оталик қилишга арзийдиган ўшандай донишманд одам бўлса?

— Айтинг-чи, ким бор? Ўрдани, бу ердаги кишиларни яхши биласиз. Хўш, сизнингча бунга ким лойиқ?

Қозини салобат босиб, нима дейишини билмай ютинди:

— Э, ҳазрати олийлари! — деди бурролик билан, — сиз адолат учун яратилган, дилингиз пок одам экансиз, ҳазратим! Сўраб нима қиласиз? Сиз ўзингизни ўзингиз билмас экансиз.

Юсуф қозига етарли дегандай қўли билан ишора қилиб, сўзини бўлиб қўйди. Кейин тоғликларнинг энг қимматбаҳо совғаси — оқ туянинг жунидан тўқилган пиёзи чакмонни унинг устига ёпди.

... Душанба куни эди. Шаҳарнинг тагли-тугли бойлари, зодагонлари ўрданинг девонхонасига тўпланди. Амалига, даражасига қараб ҳар ким ўзига муносиб ўрин олиб, эшик томонга сабрсизлик билан қарашаётган эди.

— Ҳазрати олийлари!

Ҳамма эшик томон юзланди. Шивир-шивир бошланди. Энг олдинда Шерали. Одамлар одоб юзасидан қўлини кўксига қўйди. Шералининг ўнг ёнида Юсуф, чап ёнида Мусулмонқул, орқада шаҳар қозиси, шаҳардаги аскарларнинг саркори. Шерали ўша-ўша. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Чамамда, унга ўргатиб қўйишган шекилли, салом берди. Кўпчилик қизгин қарши олди. У яқинлашган сари баъзи бировлар пойига йиқилди. Шералининг бошида эски телпак, устида тўзиб кетган чакмон, оёғида чок-чокидан сўкилиб, минг ямоқ тушган чориқ. Белида қинсиз қилич. Ҳа, шўрлик Аширнинг қони билан бўялган пўлат қилич. Уни ўша ҳолда олиб бориб тахтга ўтқазишди. Ҳамма муборакбод қилди. Шерали қулоғигача лавлагидай қиза-

риб, қўлларини қаёққа қўйишини билмай, шалвираб, довдираб қолди. Девонхона ари инидай ғала-говур эди.

Юсуф бир қарашда девонхонадаги говурни босди. У олдида турганлардан бирининг белидаги учли шамширни қинидан суғуриб, қайтиб эгасига бераркан:

— Қани, мана бу шамширни хоннинг рўбарўсига қоқ-чи,— деб деворни кўрсатди.— Ҳа, ўша ерга....

— Хўп, тақсир! Жоним билан.

Шамширнинг эгаси таъзим қилиб буйруқни бажаришга киришди. Бу нимаси? Ҳамма чурқ этмай ана шу воқеани кузатарди. Юсуфга сирдош бўлган элафнинг вакиллари ҳам бунга тушуниб етмади.

Шамширнинг эгаси оёғининг учи билан туриб, қўли етган жойга уни санчмоқчи бўлувди, Юсуфнинг:

— Тепароққа!— деган сўзидан чўчиб тушди. Қўли етган ер шу бўлгач нима қилсин!

— Кўтаринглар!— деди баланд овозда. Унга яқин турганлар дарҳол кўтаришди.

— Бировинг елканга чиқар!

Улар қалтираб, охири бири уни елкасига чиқарди.

— Бўлди! Худди ўша ерга қоқ!

Шамшир девонхонанинг серҳашам деворига қоқилгач, Юсуф Шералига яқинроқ турганларга унинг оёғини кўтариб:

— Этигини ечинглар!— деди.

Олдинда ўзларини оқсуяк деб ҳисоблаган хўжалар турган эди. Улар соқолини тутамлаб, бир-бирига қараб қўйди.

— Ҳой, оқ саллалилар! Ечинг деяпман, қўлингларга бирор нарса юқиб қолармиди?..

Хўжалар буйруқни тушунгандай бўлишди.

Энгашиб, Шералининг чоригига ёпишди. Юсуф ўзига келди. Агар буйруғи бажарилмаганида уларнинг пайғамбар уруғидан эканлигига қараб ўтирмасди. Жамоатчилик ҳайрон эди. Хўжалар Шералининг минг ямоқ, чанг, отнинг тер ҳиди анқиб турган чоригини ечишди. Сасиб кетган пайтаваларни жирканиб чориқнинг қўнжига солишди. Шерали қизариб-бўзариб йиртиқ чакмонининг бари билан оёғини яширди.

— Камарингни еч!— деди Юсуф унга. Шерали индамай эски қайиш камарини ечиб берди. Юсуф камар билан чориқни жуфтлаб боғлатди.

— Илинглар!

Деворга қоқилган шамширга чориқни олиб бориб илишди. Девонхона осойишта эди. Одамлар Юсуфдан кўз узишмасди. Бу нимаси? Бу қандай сир? У бу жумбоқни айтишга ошиқмади. Аввалдан ҳозирлаб қўйилган қизил кимхоб чопонни унинг устига ташлади. Оёғига кўк булғори гулдор этик кийгизилди. Кейин кўпчиликка эшиттириб:

— Шерали! Қароғим! Мана энди сен чинакам юрт эғаси бўлдинг. Элу юртга, дўсту биродарга жонкуяр бўл! Ақлли кишиларнинг гапидан чиқма!— Чориқли қўли билан кўрсатиб деди: — Анави эски чориқ сеники бўлади... У сенинг ўтган кунинг, Шерали... Ўша ўтган кунингни, хом чориғингни, ғарибона ҳаётингни унутмай, ҳар кун кўриб тургин. Сени олтин тахтга миқдирган қудратли кучни кун сайин хотирангга олиб тургин. Бу сени шишириб юбормасин, ақлдан оздирмасин...

Сокин девонхона бирдан ғовур-ғувурга тўлди.

— Балли! Балли! Минг яша, ота ўғил! Балли!

Сўнг қози қисқа сура ўқиб, Шералига хонлик тожини кийдирди. Хонга оталик даражаси зарурлигини таъкидлаб, шариатдан бир рибоят келтириб, Шералига мурожаат қилди:

— Э, олампаноҳ! Азиз ва қадрли оғангиз Юсуф бий ўрдангизга кўз-қулоқ бўлиб туришига ишонасизми? Унинг ўрдангизга, ўзингизга, давлатингизга оталик вазифасини ўташига розимисиз, э, ҳазратим?..

Шерали бошда ўргатиб қўйилган жавобни айтди:

— Ишонаман... Розиман...— деди қизариб бош ирғаб:

Кейин қози Юсуфга дабдаба билан тизгин (ҳукмдорлик белгиси сифатида икки тизгин ва чилвир) берди. Салавот! Одамлар табриклашди. Айрим кишилар хушомадгўйлик билан кўз ёши қилишди. Мирзасифат бир киши ўралган қоғозни ёзиб қутлов шеърини ўқиди:

Қуш учса қаноти куйган чўлда юрган,
Қаландарлар паноҳ топсин ўзингдан,
Ғариб халқинг даврон сурсин сояғда,
Душманларинг жафо топсин ўзингдан.

18

Тантанали маросим қатнашчилари ушбу мисраларни завқ билан тинглаб, муборақбод этишди.

71

Элат тирикчилиги қон-қонига сингиб кетган Шерали ёшлигиданоқ бўш, ландавур ўсганлиги учун аркону давлатдаги қуруқ шон-шавкат, қуюқ зиёфатлар уни калтафаҳм, уқувсиз қилиб қўйди. У ўрда ишига аралашмай, атрофига тўпланган диндорларнинг пайғамбарлар, авлиёю анбиёлар, дўзах ўтлари тўғрисидаги ҳикоятларидан боши айланиб қолди. Бориб-бориб у кечалари ухламай сўфилар билан зикрхонлик қиладиган бўлди. Ўрдадагиларнинг баъзи бирлари эса шаробга ружу қўйиб, гўзал қизлар билан айшу ишрат қилиш йўлига ўтди, давлатни бошқаришга ҳеч ким аҳамият бермай қўйди.

Амир Насрулло Фарғона водийси қўлидан кетганлиги билан сира келишолмади. Бошқатдан қўшин тортиб, Уратепа, Хўжанд вилоятларини босиб олди ва тезда Қўқон шаҳрини қамал қилди.

Қўқонликлар шаҳарни қаттиқ мудофаа қилишди. Қўшиндан ташқари меҳнаткашлардан иборат исёнчилар ҳам тўпланди. Шаҳарнинг ўн саккиз дарвозаси атрофида душманнинг қаршилиги қайтариб турилди. Шафқатсиз амир Насрулло қирқ кун мобайнида тўққиз марта ҳужумга ўтди. Бироқ ҳужумлар зое кетди. Нима қилиш керак? Амир Насрулло ҳийла ишлатиш йўлига ўтди. Ўрдага элчи юборди. Элчининг вазифаси Қўқон ўрдасининг эгаси қайдаги кўчманчилар эмас, Шерали эканлигини унга эслатиш, шу билан бирга Бухорои шарифнинг одил амири бир гуруҳ ғаразғўйлар қўлидан отамерос бойлигини Шералига олиб бериш учун келганлигини уқтиришдан иборат эди.

Элчи Абдусаттор халифани дарвозада қуролли кишилар кутиб олди. Элчи кирганда Юсуфнинг олдида Абил юзбоши бор эди.

— Қулоғим сенда, элчи,— деди Юсуф. Элчи Шералихоннинг ўзи билан гаплашиш учун юборилганлигини айтди. Юсуф элчининг сўзини чалароқ эшитгандай заҳархандалик билан жилмайди. Бир талай ҳукмдорлар билан мулоқотда бўлган айёр Абдусаттор халифа ичидан зил кетди.

— Қабул қилиб қолар... Кутишга тўғри келади, элчим!

— Хўп, тақсир...

Элчи Абдусаттор халифа таъвим қилиб, аста чиқиб кетди.

У ўрда ичида пешингача кутиб ўтирди. Ҳеч ким чақирмади. Кирди-чиқди кўп. Аскар уст-бошини кийганлар шошиб-пишиб уёқдан-буёққа ўтади. Элчи билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Худди уни эсдан чиқариб қўйишгандек... Пешин намозига чақирган муаззиннинг овозини у бетаҳорат эшитди. Намози ҳам қазо бўлди. Ниҳоят, ғира-ширада хоннинг қабулига киражағи маълум бўлди.

Шерали тахтда эди. Элчи Абдусаттор халифа пешонаси ерга теккудай бўлиб, таъвим билан салом берди. Ҳеч ким алик олмади.

— Ҳа, нимага келдинг?— деди Шералихон қўрслик билан. Элчи зумда атрофда ўтирганларга қўз югуртириб чиқди. Унг тарафида Юсуф ўтирибди. Элчининг юраги шув этиб кетди, аммо сир бой бермай:

— Ҳукмдор!— дея элчи қўйнидан бир ўрам қоғоз олиб, уни аввал ўзи ўпиб, қўш қўллаб узатди.— Бухорои шарифнинг шавкатли амири Саид Насруллохондан гуллаб-яшнаётган Фарғона диёрининг сиздай эгасига, амир Темур Кўрагонийнинг сиздай уруғига ойдай нурили, қуёшдай иссиқ табаррук дуойи салом олиб келдим.

Хоннинг жавобини кутишдими, ҳар қалай ўтирганлар индамади. Шерали ҳам чурқ этмади. Шерали индамай қоғозни чап томонида ўтирган маслаҳатчига узатди. Дарҳол ўрнидан туриб, дуойи саломни ўқимоқ учун баландроқ кўтарди. Элчи шошиб қолди:

— Э, ҳукмдор! Дуойи салом ёлғиз ўзингизга битилган.

Шерали жавоб бергунча бўлмай ҳалитдан бери юпқа лабларини маҳкам қимтиб ўтирган Юсуф жаҳл билан:

— Шоди. Тўхта! Яширинча бўлса, ўқима!— деди.

— Хўп, оталик...— деб Шоди каловланди. Шерали довдиради. Юсуфнинг зардаси қайнаб:

— Яширинчами? Нега ликиллайсан, тулкининг думи? Ўралган қоғозингда нима гап борлигини билман.

Абдусаттор халифа гезариб қолди. У кўпни кўрган одам эди. Бундай қўпол муомалани биринчи марта эшитиши. Ҳеч бўлмаса хон деган номи бор-ку, бирор илиқроқ сўз айтар, деган мулоҳаза билан унга юзлан-

ди. Гапириш қаёқда дейсиз, Шералининг нуқул киприги пирирайди. Абдусаттор халифа сўзга киришди.

— Тақсир! Мен фақат буйруқ бажариш учун келган қулман.

Юсуф сал инсофга келгандай бўлди.

— Ҳим...— деб ниманидир ўйлаган бўлиб, элчига гапирди,— илгари бир ҳовлиқиб кетган ўғил бўлган экан... Эшитиб тур, меҳмон.

— Қулоғим сизда, тақсир...

— Тирикчиликни ўргансин, деб отаси ўғлини ўтинсувга юборадиган бўлибди. Ўтинга борса, дарров ўтин олиб қайтаркан. Бир кун икундан отаси сўрабди: «Ҳа, ўғлим, ўрмонда ўтин кўпмикан? Бугун ҳам анча эрта келдинг?» Шунда ўғли: «Тайёр ўтин меники. Бораману, отга ортиб келаман», деб жавоб берибди. «Ҳой, ўғлим, ўтинни тўплаган эгалари нима дейди?»— «Қизиқ, ота, эгалари дейсиз-а? Менга ортиб беришади. Қани, ортиб бермай кўришсин-чи!» Ўғлининг бу гапини эшитиб: «Ҳим...— дебди отаси.— зўрлаб тортиб олар экансан-да...» Энди буёғини эшит. Кейин ўша ўғил тегирмонга бориб тез қайтибди. Ота: «Ўғлим, тегирмон бўшмикан? Ҳозир эл қишга ун ғамлаб олаётган қисталанг вақтда сенга қандай қилиб навбат тегди?»— деб сўрабди. «Борсам биттаси толқон тортаётган жан, маккажўхорисини чаноқдан олиб ташлаб, бир улов бугдойимни тортиб олдим», дебди. Отаси шунда: «Ўғлим, кўп ҳаддингдан ошма! Ўзинга эҳтиёт бўл! Яна бирорга тўшида ёли борга учраб қолма»,— дебди. Ўғли: «Тўшида ёли борга кўрсатиб қўяман»,— деб тўнғиллаб жавоб берибди. Орадан кўп ўтмабди. Бир кун яна тегирмонга кетган ўғил кечга яқин уст-боши қон, афт-ангорининг дабдаласи чиқиб, сувга тушган мушукдай бўлиб кириб келибди. Отаси: «Ҳа, нима гап? Бирорга тўшида ёли борга йўлиқдингми?»— деса ҳам ўғли жавоб бермабди. Маълум бўлишича, у тегирмонга келиб, яна дўқ билан бугдойини навбатсиз тортоқчи бўлиб: «Тўхтат! Ҳозир мен тортаман», деган экан. Бир азамат: «Машойихнинг ўғли бўлсанг-да, иззатинг битди», деб роса калтаклаган экан. Ушанда отаси шундай депти: «Айтган эдим-ку, ҳаддингдан ошма, деб. Энди эсинг жойига тушгандир». Гапнинг маъносига тушундингми, элчи?

Элчи Абдусаттор халифа чидай олмади.

— Оталик! Диний исломнинг зулфиқори Насрулло-хонга сиз айтган бу масал ўта пасткашлик бўлмасмикин?!

— Нима? Пасткашлик? Сен амиринг кимлигини биласанми? Насрулло амир эмас. Насрулло бир ғаразгўй! Унинг қайси отаси ҳукмдор ўтган? Самарқанду Бухоронинг эгаси ким? Амир Темур. Шерали—амир Темурнинг авлоди. Насрулло қамални, дуойи саломни йиғиштириб, Шералихоннинг олдига бош эгиб келсин. Эшитдингми? Қамчисини бўйнига солиб келсин!

Шерали ҳам калаванинг учини топгандай бўлиб:

— Ҳў, онангни...— деб интилиб қолди. Элчи Абдусаттор халифа сўзини қайтармоқчи бўлди. Юсуф бақирди:

— Оғзингни юм! Гап тамом!

— Бош кесмоқ бору, тил кесмоқ йўқ, тақсир.

Шерали ўрнидан турди:

— Ҳў, онангни... Нега бош кесмоқ бор экану, тил кесмоқ йўқ экан,— деб пойгакда турган иккита йигитга ишора қилди.— Олиб чиқинглар, уни...

Юраги қинидан чиқаёзган Абдусаттор халифа Юсуфнинг оёғига йиқилди. Икки йигит уни икки оёғидан судрай бошлади.

— Тўхтанглар!— Юсуф яқинроқ келиб унга тикилди ва:— Элчига ўлим йўқ.. Тур ўрнингдан,— деди. Элчи дағ-дағ қалтираб ўрнидан қўзғалди:— Насрулло кўп ўзидан кетмасин, кўкрагида ёли борга учрайди. Айтиб қўй, Бухоронинг эгаси Шералихон бўлади. Буни айт! Эшитдингми? Йўқол!

Абдусаттор халифа ерда чуваланиб ётган салласини йиғиштириб, кети билан чиқиб кетди. Иккита қуролли киши уни кузатиб бориб, дарвозадан чиқариб юборди.

Амир Насрулло қаттиқ изза бўлди. Лекин мақсадидан қайтмади. Ўша куни Юсуф шаҳарни ҳимоя қилишни Мусулмонқулга топшириб, ўзи қўшиннинг ярмисини олиб шаҳардан чиқиб кетган эди. У Андижон ва Тўрақўрғондаги сипоҳийларини чақириб, амир Насрулло билан юзма-юз жанг қилишни ўйлаб қўйди. Амир Насрулло фурсатдан фойдаланиб, Қўқонга яна элчи киргизди. Бу сафар аввалги элчи анча яқинроқ кўринган хоннинг маслаҳатгўйи орқали Шерали билан шарт-

нома тузиб, Юсуфнинг оталигини бекор қилишга ҳаракат қилди.

Иккинчи элчи табиатан мулойим Шодига йўлиқди. Бироқ Шерали сира гапирмади. Юсуф йўқлигини баҳона қилди. Охири Мусулмонқулни чақириб: «Чақирилмаган меҳмонни йўқот»,— деди. У сарбозларга тайинлади. Сарбозлар элчини маҳбусдай уриб-туртиб, замбараклар қўйилган майдонга олиб келишди, бухороликларнинг ўликлари ётган ерга ўтқазишди, икки замбаракни унга тўғрилаб, плитасини туташтириб қўйишди. Элчи шу аҳволда титраб-қақшаб кечгача ўтирди. Кейин оқшом чоғи сарбозлар элчининг орқасига бир тепиб дарвозадан чиқариб юборишди.

Насрулло Қўқонни олиш ниятидан воз кечди. Чунки ўша пайтда унинг сафардалигидан хабардор бўлган Хива хони Бухорога қарши уришмоқчи эмиш, деган хабарни эшитган Насрулло қамални бекор қилиб, орқага чекинди. Юсуф бўлса, қўшимча ўн мингга яқин аскар билан йўлларга пистирма қўйишга улгурган эди. Амир Насрулло тўсатдан панд еб қолди. Бухороликлар қуршовни бир томондан ёриб ўтиш мақсадида шиддат билан жангга кирди. Кўп йиллар мобайнида сараланган, яхши қурулланган амир аскарлари бир кундаёқ сафдан чиқди. Насруллохон йигитларининг ярмини зўрга қутқариб, «Бухоро, қаердасан», деб қошиб қолди.

Юсуф ўрдага тантана билан кириб келди.

Шундан кейин ўрда аввалги чегараларни тартибга келтиришга киришди. 1843 йили Юсуф Шералининг иккинчи ўғли Маллабекни олиб Тошкентга юриш қилди. Ўша маҳалда Тошкентга Бухоро амирлиги номидан Машариф деган киши беклик қилар эди. Юсуф Машарифбекнинг аскарларини Шўртепа деган ерда тор-мор этиб, ўзини банди қилиб шаҳарга кирди. Амир томонидан қўйилган барча амалдорларнинг боши олинди. Юсуф Тошкентга янги бек тайинлаб қайтди.

Кўп ўтмай амир Насруллонинг гиж-гижи билан Олимхоннинг Самарқандда юрган ўғли Иброҳимбек аскар тўплади, тахт талашиб, Қўқон хонлигига қутқу солиб, Лайлак қишлоғига келди. Юсуф бу жанжалга аралашмоқни лозим топмай, Толасдан келаётганида Ҳожибой додхоҳ қўшиб берган Сайдалибекни кўп қўшин билан Иброҳимбекка қарши қўйди. Сайдалибек

Иброҳимбек аскарларини тезда бир ёқлик қилиб, ўзини асирга туширди.

Бундай маҳалда нима қилиш керак? Тахтнинг иккинчи меросхўрини сақлаш мумкинми? Юсуф буларни яхши билгани учун ўзи буйруқ беришни эп кўрмади. Нима бўлса-да, Иброҳимбек хоннинг авлоди. Яъни хонлик пойдеворини ўрнатган машҳур Олимхоннинг фарзанди. Уни ўлдириб, товонига қолишга юраги чопмади. «Ўлдирса Шерали ўлдирсин. Одам ўлдиришга буйруқ бериб ўрганмаган Шерали ўлдирмаса нима бўлади? Юраверсин, бир кунини кўриб...» деб ўйлади Юсуф. У бўйнини қисиб хонга: «Ўзинг биласан. Сенинг қариндошинг. Сенинг тахтнингни талашади. Тахт эса битта, ё сенда қолиши, ё бўлмаса сендан у тортиб олиши керак. Сен уни ўлдирмасанг, сени у ўлдириши мумкин. Ўзинг биласан...» Шерали нима қилсин? Аввало, бемаслаҳат иш тутган Юсуф энди унинг ўзини бу ғаламисликка турткилаяпти. Ўрдадаги бошқа кишилар ҳам Иброҳимбекни тезроқ ўлдириш зарурлигини айтишди. Шералининг дармони қуриб: «Бошқа жойда ўлдиришлар. Мен кўрмайин...» — деб буйруқ берди.

Эртасига Иброҳимбекнинг боши Яйпан қишлоғида танидан жудо қилинди.

Шу воқеадан кейин одамлар, ўрдадаги баъзи бир амалдорлар Шералини аввал «ландавур» деб аташган бўлса, энди унинг ёнига «атала» сўзини қўшадиган бўлишди. Бу гап бозорларда, чойхоналарда айтилиб, халойиқ ичида таралиб кетди. Хон сифатида ўрдадагиларнинг бирортасига дадил буйруқ беролмаслиги Юсуфни ёқтирмайдиган айрим аркони давлат эгаларини ташвишга соларди. Хон бўлатуриб, жилловини Юсуфга бериб қўйишини ҳеч ким кечиролмасди.

Юсуф ўзи билганича хонликнинг ички ишларини бошқара бошлади. Чунки кейинги кунларда ички зиддиятлар авж олиб, ўтроқлашган аҳолини талаш ҳамда экин экилмай, савдо-сотиқ ишлари издан чиқиб, умумий қийинчилик бошланган эди. Юсуф ғалла ва савдо-сотиқдан хазина учун олинадиган солиқни маълум муддатга тўхтатди. Хазинани беҳуда талаётган кишиларнинг жилловини тортиб қўйди. Кўплаб даромад эвазига сақлаб турилган аскарларнинг бир қисмини тарқатди, қолганига Абил юзбошини бошлиқ қилиб тайинлади, ўз ёнида юз йигитни қолдирди. Вазият қан-

чалик оғир, хавfli бўлмасин, шундай қилишга тўғри келди. Сабаби, бирор ҳодиса рўй берса, уларни тўплаш ҳеч гап эмас...

Кўпчилик амалдорлар бу ишларга тан беришса-да, аслида, айрим беклар, қозилар хазина ҳисобидан оладиган улушларидан қуруқ қолганликлари, ўрдада тез-тез бўлиб турадиган тунги майхўрлик, айшу ишратларга мутлақо чек қўйилганлиги учун Юсуф билан асло келиша олмасдилар. Оталик ана шу тарзда ўзига кўплаб душман орттирганини яхши билса ҳам, хотиржам ўз ишини қилаверди.

Қўқон ўрдасида Юсуфга қарши кучлар тўнланаётганидан хабар топган амир Насрулло тахт талашиш ниятида Олимхоннинг иккинчи ўғли Муродбекни қайтаради. Уни Иброҳимбекдай ёлғиз юбормади, ўзи биргаликда кўплаб қўшин билан бостириб келмоқчи бўлди. Бу ўрда учун анча хавfli эди... Юсуфнинг оталигини кўролмаган айрим бек ва амалдорларнинг оғиб кетиши ҳам турган гап эди. Бундан фойдаланган Мусулмонқул ҳам Юсуфнинг ишларига бўйин төвлайдиган қилиқ чиқарди. Қаҳри қайнаган Юсуф Маллабекни ёнига олиб, қипчоқларга қарши отланди. Уришиб обрў топмаслигига ақли етган қипчоқнинг эсли кишилари таслим бўлишди. Юсуфнинг жаҳли ёзилмади. У Мусулмонқул тарафига ўтган қирқта бекни асир олиб, уларни жаллод қўлига топшириш мақсадида йўлга чиқди. Бу хабар ўрдага ўзидан аввал етиб келди.

Дастлаб Юсуфни анча-мунча ёмонлаб юрган Шоди иноқ шу воқеадан сўнг, бир йўла авжига чиқди. Қипчоқ бекларининг жазоланиши яхшиликка олиб бормаслигини далиллаб, оталик етиб келгунча Шералининг юрагига гулгула солиб қўйди.

— Э, ҳазратим! Ўзингизга неча марта ўқиб берганман. Амир Насрулло фақат Юсуфга қасдлашиб, шундай қилаётир. Сиз хонлик жиловини ўзга одамга тутқазиб қўйганингиз учун у иккинчи шаҳзодани ҳам ишга соляпти. Бошқасига чидасак ҳам Юсуфнинг қипчоқларга қарши юришини сира кечириб бўлмайди. Оталик Мусулмонқулни ва унинг қирқта йигитини қатл қилади. Ахир қипчоқлар душманингиз эмас, ўз элингиз эди-ку! Балки Юсуфнинг ўчи бордир уларда. Э, шоҳим! Агар Юсуф бу номаъқул ишга қўл урса, барча қипчоқ уруғлари бош кўтариб, сизнинг обрў-

эътиборингизни оёқ ости қилади. Қипчоқлар оз бўлса-ям майли эди... Кейин нима бўлади? Айтишга тил бормайди! Худо унинг юзини тескари қилсин. Э, ҳазратим! Сизнинг ёрқин қуёшингиз ботиб кетмасайди...

Шоди ёлғиз эмасди. Унинг атрофига бошқалар ҳам тўпланиб, Шералини астойдил ишонтира бошладди.

— Нима қиламиз?— деб юраги пўкиллаб сўраб қолди Шерали. Шоди таъзим билан:

— Э, бизнинг соябонимиз! Энг аввало беқларни ўлимдан сақлаб қолиш керак. Юсуфни эса амалдан тушириб, бу ердан олисроқ кетказиш лозим...

Шерали буни кутмаган эди, шалвираб ўтириб қолди. Шоди шунда:

— Бундан бошқа чора йўқ. Иложимиз қанча? Оталикни биз ҳам яхши кўрамиз. Тадбиркор, ғайратли киши. Айниқса сизга кўп яхшилиқ қилган. Бироқ давлатингизнинг келажаги шуни тақозо қилмоқда. Бундан ўзга илож йўқ. Ушанда қипчоқлар ҳам, амир ҳам тинчиб қолади.

Шералининг ҳафсаласи пир бўлиб ўшқирди:

— Ахир қандай қилиб...

— Э, ҳазрати олийлари. Буёғини бизга топширинг...

Юсуф билан Маллабек ўрдага келиб тушганида, девонхонада хон кутаётганлигини айтишди. «Баҳона топилса, бўлди уларга. Бекорчиликда эрмак қилгилари келиб қолгандир», деб Юсуф қамчисини судраб кириб келди. Шералидан бошқа ҳамма гурр этиб ўрнидан туриб, мулойим кутиб олди. Шунчаки ғалаба билан уни қутлаган бўлишди. Юсуфнинг ўрни бўш эди, у ўтирмади. Дарчага яқинлашди. Ташқарида аскарлар маҳбусларни турткилаб зиндонга олиб кираётган эди. Шерали тахтдан туриб келди. Ҳамма дарчага интилди. Юсуф ички бир титроқ билан сўзлади:

— Ана! Энг ишонган кишимиз, Мусулмонқул! Элни йўлдан оздириб...— У ўзини босиб туролмади.— Ҳаммасини! Бирорта қолдирмай! Аёвсиз ўлдирмоқ керак! Аёвсиз!..

Шоди иноқ Шералига қараб, ана, эшитдингми, дегандай имлаб қўйди. Шералининг фақат киприги пир-пирарди. Ҳамма ўрнига ўтирди. Юсуф ўз ўрнига яқинлашар экан:

— Мусулмонқул шундай қилади, деб ким ўйловди!— деб койинди, Шоди унга қўшимча қилди:

— Молнинг оласи сиртида, одамники ичида. Қаттиқ жазолансин! Иккинчи бош кўтармайдиган бўлсин!

Юсуф ялт этиб қаради:

— Нима? Боши олинади! Эртага эл-юрт олдида бош кесилади!

Шоди иноқ мулойим жилмайди:

— Кечиргайсиз, оталик, эрк шаҳаншоҳда...

Юсуф кўкариб кетди. Шоди иноқ аввалгидай хотир-жам ўтирса-да, бу гап оталикка қаттиқ тегди:

— Нима дединг?

— Сизнинг қарорингиз хонга маъқул эмас, дедим, оталик.

Юсуф ҳовлиқиб ўрнидан турди:

— Нима?— деб бақриб юборди.— Нега маъқул эмас? Қашқирдай тинчи йўқ душманини бош эгдириб келганим маъқул эмасми?!

Шерали қовоғини солиб ўтирарди. Шоди иноқ сўзлади:

— Оталик, сиз қипчоқнинг қирқта бегини қатл этмоқчисиз. Майли, шундай ҳам бўлсин, лекин барча қипчоқ халқини бир йўла ҳеч қолдирмай қириб юборолмайсиз-ку. Бегини сўйдирганингиз билан бари бир халқи қолади-ку, оталик. Қолган-қутган эл тинч ўтирармиди. Қайтага ўчакишади.

— Қипчоқлар оз бўлса ҳам майли эди,— деб кимдир Шоди иноқни қўллади.

— Бир томондан Мурод жазавага тушаётган маҳалда бекларни қатл этсак ғалаён кўтарилади. Бир-биримиз билан ўчакишиш ўрнига ақл юритиб иш тутайлик. Балки, ана шуларни ўйлаб Шерали сизнинг фикрингизга қўшилгиси келмай ўтиргандир.

Юсуф тўхтаб, бу маслаҳат сендан чиқдими, дегандай Шералига қараб қўйди. У Юсуфга боқмай, хафақон боладай ўтирарди. Ўтирганларнинг ҳаммаси олдиндан келишиб олгандай жиддий эди.

— Бир жиҳатдан гапинг тўғри,— деди Юсуф,— сизлар, қипчоқ уруғи ғалаён кўтаради, дейсизлар. Уларнинг куни кеча исёнини бостириб, исёнкорларнинг бошлиқларини тутиб келдик-ку ахир?

— Тўғри. Аммо ўз айбларига иқроп бўлганлари-

дан кейин жазо ҳам ўшанга яраша бўлмоғи керак, оталик.

— Иложи қолмагач, бўйин эгишди.

— Ҳақ гап, ўртадаги муносабатнинг яхшиланиб кетмоғи учун, сиёсат учун бўлса ҳам шу сафар марҳаматингизни дариг тутманг.

— Шундай бўлсин, Юсуф оға,— деди Шерали қийналиб.

Ҳамма уни маъқуллади. Юсуф бош ирғади.

— Майли! Беклар озод қилинсин. Фақат бир кишидан бошқаси.

Шоди иноқ:

— Ҳаммаси озод бўлсин. Чамамда Мусулмонқулни қўлдан чиқаргингиз келмаяпти. Ўттиз тўққиз бек бир тараф, Мусулмонқулни ўлдириш бир тараф. Унинг қипчоқлар ўртасида эътибори жуда зўр.

Юсуф ирғиб тушди.

— Сен, Шоди, Мусулмонқулнинг тинч юришига ишонсанми? Менга қараб айт-чи, шунга кафолат берасанми?

Шоди иноқ Юсуфнинг аста сусайиб бораётганлигини пайқаб, ишонч билан деди:

— Қайга борарди?

Юсуф ўртадаги кишилар томонидан биринчи марта қаршиликка учраб, Шерали илк бор унинг измидан чиқди.

— Майли...— деди у.— Сизлар айтгандай бўлсин. Лекин мен Мусулмонқулнинг хотиржам юришига сира ишонмайман. Агар шундан кейин, Мусулмонқул амир билан алоқа ўрнатса ёки бирор шайтонлик қилса, у ҳолда, Шоди, сени ерга тириклай кўмдираман... Эшитдингми?

Шоди иноқ илжайиб қўйди. Юсуф орқасига қарамай девонхонадан чиқиб кетди. Эртасига Мусулмонқул Шералининг этагини тавоф қилиб, Юсуф билан ярашиб, апоқ-чапоқ бўлди. Афсуски, юракдаги адоват ўти ўчмади. Юсуф билан Мусулмонқул ўртасидаги муносабат кескин тус ола борди. Икки ўртада Шоди иноқнинг обрўйи ошди. Бошда у хонга китоб ўқиб, ислом дини ақидаларидан сўзлаб берган бўлса, энди ўртадаги ҳал қилувчи кишилардан бирига айланган эди.

1844 йилнинг баҳори...

Девонхона. Шералихон бир тўп кишилар билан ўтирарди. Ҳамманинг кўзи хонда, уни бир гапга кўндиролмаётганга ўхшашарди. Шоди иноқ, аскар бошлиқлари, қози ҳам шу ерда эди. Яқинда у ўзини шайхулислом деб атаб, мартабасини кўтарган эди. Шералининг пешонаси тиришиб кетганди. У аввалги Шерали эмас, соқол-мўйлабларини яхшилаб қайчиладган, юзлари оқариб, ўзи тўлишиб, кирган-чиққанларга менсимай қарайдиган бўлиб қолган эди. У пешонасини силаб индамай ўтирарди.

— Узингиз ўйлаб кўринг, шоҳим... Биз сизнинг пок ниятли қулингизмиз. Шон-шуҳратингиз тарафдоримиз. Узингиз кўриб-билиб турибсизки, ташқарида душман кўпайиб кетди, амир ҳамон тинчимапти. Вилоятлардаги бекларингизнинг қовоғидан қор ёғпти. Бунга сабаб ким? Юсуф! Унга нисбатан қаршилар ичкарида ҳам, ташқарида ҳам кўпайди. Ростини айтсак, Юсуфнинг нияти ёмон. У ўғлингиз Маллабекка раҳнамолик қилиб, эл танитиб, ишга аралаштириб, йўл кўрсатиб бирор нарсага ҳозирлик кўриб юрибди. Тузингиз кўр қилгур, бир куни сизни тинчитиб, Маллабекни хон кўтариш нияти бор...

Шерали индамасди. Унинг кўзи тез-тез рўпарада илиниб турган чориққа тушарди. Буни пайқаган Шоди иноқ:

— Э, ҳазрати олийлари! Ана, бу унинг иши. Бу билан тангри сизга ато қилган тожу тахтни, улуг даражангизни ерга уриб, оёқ ости қилган.

Хўжа бошини ликиллатди.

— Тавба... Тавба...— деб ёқасини ушлади.— Ё тавба! Бу шарт-шароитга сира тўғри келмайди. Қолаверса, шариат қонунларига хилоф иш.

Шоди иноқ:

— Бу бетавфиқни қаранг, тизгинингизни тортиб олгани озмидики, бу охирати куйгур яна элни бузаяпти...— деб Шералининг пинжига кириб, аридай гингиллар эди.— Шоҳим, ўрдангизни у камбағалнинг уйи билан тенг қилди... Урданинг савлати қани? Бу-хороликларга шарманда бўлди. Хоразмликлар олдида юзимиз шувут. Бир бетавфиқ шундай қилган экан, бунга индамай иложимиз йўқ. Лекин бу хўрлик қачонгача давом этади?

Шерали ҳамон ўз хаёли билан банд эди. Бундай гапларни жуда кўп эшитганди. Шоди иноқ ҳатто тушида ҳам уни ҳол-жонига қўймайди. Нима демоқчи? Нима қилмоқчи? Уларнинг сўзи, савлати хонни босиб қўйганди.

— Ҳазрати олийлари! Рухсат беринг, уни чошиб ташлайин!— деди аскар бошлиқларидан бири қиличига қўл узатиб.

Шерали ялт этиб унга қаради. Ҳаммага бирма-бир кўз югуртирди. Барча унга бош эгиб, ниманидир талаб қилгандай ундан ижозат сўрашаётганга ўхшарди. Шундайми... Унинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Юсуф унинг устидан кулиб, таҳқирлаб, чоригини пешонасига илиб қўйган экан-да? Жиловни тортиб олиб, хор қилган экан-да? Лаби қимтилди. Унинг ҳолатини дарҳол ҳис қилган айёр кишилар:

— Э, ҳазрати олийлари! Урдангизга эски чориқ номуносиб!— дейишиб яна унинг жиғига тегишди.

— Ол!— деди Шерали орияти келиб. Барча уни қўллаб-қувватлади. Шоди иноқ ўша заҳоти бир парча қоғозни унга тутқазди:

— Э, бизнинг дийдори ойдек ёрқин, қуёшдек иссиқ отамиз...

— Бу нима?.. Уқи!— деди Шерали. Шоди иноқ ўқиш ўрнига яқинроқ бориб энгашиб сўзлади:

— Ёрлиқ...

— Чориққами? Ушанга ҳам ёрлиқ керакми? Олиб ташла?

— Э, шаҳаншоҳим...— деди Шоди иноқ, иш энди сўнгги нуқтасига етай деб қолганди, ҳамма унга қараб турарди.— Чориқни худо олсин!.. Худди шуни ўйлаб топган кишининг бошини бир ёқлик қилмоқ зарур, ҳазратим... Чориқни бўлса, худо олсин.

Шерали тушунмай қолди. Атрофидагилар маслаҳат беришди.

— Йўғ-е?!

— Шу зарур. Бундан бошқа йўл йўқ.

Хўжа:

— Бенамоз! Бенамоз бошқарган ўрданинг хосияти бўлмайди... Иши олға юрмайди. Уйла, ўғлим. Яхшироқ ўйлаб кўр.

Қози:

— Йўл шуки, сиз ишониб топширган тизгинни

эплолмаган одамни, сўзингизни икки қилган кишини кимлигидан қатъи назар, ўзингиз жазосини берасиз.

Хўжа:

— Хоннинг жазоси — худонинг жазоси. Бенамознинг гуноҳи бошидан ошиб кетди. Гуноҳга ботган бош-ни бўйнидан жудо қилиш керак.

Шоди иноқ:

— Тақсир, иштонини булғаган қўлини аярмиди? Бўлар иш бўлди. Энди ҳеч ким аямайди. Юз-хотир ер билан яксон бўлмасин.

Шу йўл билан Шоди иноқ Шералини қўрқитиб юборди. Шерали яна аввалгидай ҳаммага кўз югуртириб чиқди. Барча бир тараф. Унинг иложи қолмади.

— Майли, қўлидан тизгинни олиб қўямиз... Кетсин, тоққа бориб тирикчилигини қилсин,— деди.

Шоди иноқ:

— Ҳим! Юсуф сизнинг орқангиздан эргашиб келган бир дайди. Унинг бий деган номи бор. Бордию бугун уни кетказиб юбордингиз. Эртага қўшин тўплаб келиб, азиз бошингизга қора соя солса-чи? Одамнинг кўнглини оғритгач, охир ёмон бўлади. Бундан кўра уни ер билан яксон этмоқ керак. Бу ҳақли талаб.

Хўжа:

— Душманнинг ўлгани яхши. Хотиржам юрасиз.

— Бу кўпчиликнинг талаби... Халқнинг муҳри босилган бирдан-бир нарса,— деди Шерали.— Ҳим... Ҳим... Юсуф ўлдирилса, биз исён кўтармаймиз, деб халқ сўз бердими?— сўради Шерали.

— Э, шаҳаншоҳ!— деб кулди Шоди иноқ.— Э, ҳазрати олийлари, ўлганнинг ортидан ҳеч ким эргашган эмас. Юсуфдан сўнг, ўша уруғ ўрдага яқинроқ келиб, бамаслаҳат иш кўришга мажбур бўлади. Худога шуқурким, элат ичида сизнинг обрўйингиз Юсуфдан зўр. Ёрқинойбегимнинг отаси Тўхтаназар бийнинг фарзандлари, додхоҳ тоғангиз Ҳожибойнинг бола-чақалари сизни қўлламай кимни қўллайди?— Шоди иноқ энг учидан бошқа бир қоғозни олиб Шералига тутди:

— Бу нима?..

— Бу сизнинг буюк ёрлигингиз.

— Яна қандай ёрлиқ?

— Юсуф бийнинг ўғай онасидан туғилган Хўжамурод деган укаси бор. Ўша Хўжамуродни додхоҳ қилиб кўтарган табаррук ёрлигингиз.

Шерали Шоди иноққа оғзи очилиб қараб қолди.

Шоди иноқ:

— Ҳар кимга жон керак. Ҳар кимга фаровон ҳаёт, ҳурмат, шуҳрат керак. Оллоҳ ўз бандаларини шундай яратган. Хўжамуроднинг йўлида битта калтак ётибди. Бир учидан ушласа — ўрда билан қасдлашмоққа тўғри келади. Иккинчи учидан ушласа — дўстлашади. У анча фаросатли. У сўзсиз калтакнинг иккинчи учидан ушлайди. Элат ориятли бўлади. Биз ориятга берилиб кетмаслиги учун унга калтакнинг иккинчи учини ушлатиб қўйишимиз керак. Алақситадиган нарса эса мана бу...

Шералининг авзойи ўзгарди. Юсуфга нисбатан ғазаби ошди. Оталикка қарши яширин уюшган душманлар хонни гижгижляпти. Бир вақтлар Юсуфга шариятдан гап очиб, унга оталик вазифасини топширган иккиюзлама қози энди чопонини тескари кийиб, бошқа бир ривоятни айтяпти. Шоди иноқ қалтираган қўллари билан биринчи ёрлиқни ушлаб турибди. Шерали ёрлиққа қўл узатаётиб, беихтиёр қўлини яна тортиб олди. Шоди иноқ унинг қўлини оҳиста ушлаб:

— Тақсир...— деди у гезариб, Шерали бўшашди. Шоди иноқ усталик билан унинг бош бармоғига сиёҳ суртиб, муҳр бостиришга улгурди.

— Бунга энди қандай қилиб...— деди Шерали гўлдираб.

— Буёғини бизга қўйиб берасиз.

Шерали лабини тишлаб, пешонаси тиришиб қолди. Шоди иноқ муҳр босилган ёрлиқни ушлаб, жавоб қилди:

— Тақсир! Энди ғиринг дейиш йўқ. Гапнинг дангали шуки, бу бир парча қоғоз жаллоднинг қўлига етса, ҳеч нарсадан хабарсиз Марғилонда юрган Юсуфнинг боши кетади. Агар қўққисдан оталикнинг қўлига тушиб қолса, у кунни худо кўрсатмасин, сизнинг азиз бошингиз... Бўлар иш бўлди. Демак, қайсимиз бўлсак ҳам маҳкам турмоғимиз зарур. Пайсалга солиб бўлмайди...

Илгаритдан маслаҳатни бир жойга қўйган ўрдадаги бу заҳарли илонлар Шоди иноқнинг сўзига қўшилиб, бош ирғаб туришди.

Шерали девонхонадан ланж чиқди. Эшмат, Тошмат деган бичилган қуллари уни қўлтиқлаб, олиб бориб

Ўрнига ётқизишди. Бирпасдан кейин унинг ҳузурига Ёрқинойбегим келди.

— Шоҳим... — деди аста Ёрқинойбегим энгашиб, Шерали кўзини очди. Хонзода унинг ўйчан юзига тикилди:

— Ҳа... Нима бўлди?.. Тобингиз қочдимми? Тинчликми? Ё табибни чақирайми?

Шерали бир тўлғаниб олди. Соғ. Ёрқинойбегим ташвишлана бошлади.

— Шоҳим... Нима бўлди? Нега хафасиз?

Шерали гапирмади.

— Девонхонада нима иш қилдинглар? Дарвозабонлар эшикни маҳкам беркитиб туришди. Бирор яширин иш бўлдимми? А, шоҳим?..

Шерали шарт бурилиб қаради. Унинг кўзларидан заҳар томар эди. Хонзоданинг юраги ўйнади. Шу пайт кичкина шаҳзода Худоёр ўйнаб кириб келди.

— Бор... Ташқарида ўйна, — деб Ёрқинойбегим боласини қўярди-қўймай эшикка чиқариб юборди. Ёрқинойбегим эрига эркаланиб боқди:

— Вой, шоҳим, бугун жаҳлингиз чиқиб қолибди. Йигирма йил турмуш қуриб, сизнинг бугунгидай аянчли аҳволингизни биринчи бор кўришим. Ёки сизга ҳам ғайрат киряптими? — Хотини майин табассум қилди. Шерали бақариб юборди:

— Ҳа! Бунга асло ғайрат кирмайди дермидинглар? Шунинг учун хўрлаб юрган экансизлар-да?

Ёрқинойбегимнинг қовоғи уюлди. Юзларига қон тепчиди.

— Тобингиз қочибди, шекилли! Сизни ким хўрлаётир? — деди Шералининг кўзига тик боқиб. — Сизнинг қўлтиғингизга кимдир сув пуркаб юрганга ўхшайди!

— Сув пуркар эмиш?.. Менга садоқатли кишилар айтди...

— Қайси садоқатли кишилар?

Шерали соқовланиб ўгирилиб ётиб олди. Ёрқинойбегим ҳеч нарсага тушунмай серрайиб туриб қолди. Сабри чидамай:

— Ҳой, бу ёққа қараб айтинг-чи. Сизни кимлар хор қилмоқда? Буёққа қаранг?! Юсуф акам Марғилондан келдимми? У нима деяпти? — эрининг устидаги кўрпани тортди. Шерали юлқиниб, тирсагига таяниб ўшқирди:

— Юсуф! Юсуф акангизнинг гуноҳи бошидан ошиб

кетибди. Уша гуноҳкор бошини кесмоқ учун буйруқ бердим. Эшитдингми?

Ёрқинойбегим турган ўрнида қотиб қолди.

— Елғон! Сиз нима қилиб қўйдингиз?

— Ҳа, гуноҳи бошидан ошиб кетган экан...

— Войдод! Вой шўрим! Нима қилиб қўйдингиз, эси йўқ... Унинг гуноҳи сизни одам қилганими? Войдод! Вой шўрим! Агар бугун Юсуфнинг боши олинса, эртага сизники ҳам кетади. Войдод! Сиз ўшанинг ақли билан одам бўлиб юрган эдингиз. Войдод!..

Шерали бўшашиб ўтириб қолди. Кўз ўнгидан Шоди иноқнинг ёрлиқ тутган башараси ўтди. Ташвишга тушиб қолди. Нима қилсин? Шералининг боши ғувиллаб кетди. Қайёққа қарамасин тубсиз жар. Кўрпага ўзники отди.

— Нима қилайин? Нима? — деди тутуриқсиз Шерали ялинчоқ бир оҳангда.

— Ерга кириг! Эшмат! Эшмат!

Ташқаридан қул кириб келди.

— Лаббай, маликам!

— Эшмат! Эшмат! Қоқиндиқ, сен Абил юзбошини биласанми?

— Билаган! Билаган!

— Уша! Уша! Эшмат, уни тез тоғиб келгин буёққа.

— Хўп бўлади. Ҳозир.

— Тез!

Орадан кўп ўтмай Абил Шералихоннинг муҳри босилган ёрлиқни бекор қилиш учун бир тўп йигитлар билан отлиқ Марғилон томонга шитоб жўнаб кетди.

Марғилон. Бекнинг саройи. Юсуф болохона тўридаги якандозда ёнбошлаб дам олиб ётарди. Кейинги маҳалда Марғилондаги аскарлар ўртасида келишмовчиликлар авж олиб, сипоҳийлар бозор кунлари одамларнинг гашига тегиб, ҳар хил жанжал чиқара бошлаган эди. Қимдир ўз йигитлари билан четдаги қишлоқлардан бирини талабди. Марғилон беги ҳамон жинояткорларнинг изига тушмабди. Юсуф шуларни ўйлаб, жини келиб ўтирган чоғида қўрғондан қандайдир шарпа эшитилди. Ҳаял ўтмай шаҳар беги ёнида миршаб билан болохонага чиқиб келди. Юсуф ўрнидан қўзғалмади.

— Тақсир, — деди бек секин, — ўрдадан ёрлиқ келди.

— Қандай ёрлиқ? Ким берибди?— деди Юсуф бепарво, ҳеч нарсани сезмай.

— Бу ёрлиқ ахир бир кун и келиши керак эди. Хайрият, биз зориқиб кутган кун ҳам етиб келибди,— деди овозини баландлатиб.

— Нима экан?

Юсуфнинг ғазаби аланга олди. Ҳозиргина тиришиб ўтирган бек энди унга қаҳр билан боқарди. Ўрдадан келган киши жаллод эди. Юсуф таниди. Маткарим ясовул. Унинг киприклари чанг. Отдан уриниб қолганми, болохонанинг устунига суяниб, унга қарарди. Бек ёрлиқни юқорига кўтариб, жавоб қилди.

— Марҳамати кенг Саид Шералихоннинг ёрлиғи.

Юсуф кимхоб чопонини елкасига тортиб қўзғалди.

— Қани бер-чи?..

Бек масхара қилиб кулди:

— Тақсир олам, оталик! Иложимиз қанча, тақдир дегани шу экан-да, ҳозиргина сиз бизни жаллоднинг қўлига топширмоқчи бўлган эдингиз. Оллоҳнинг ёзмиши шу экан, нима ҳам қилардик. Юсуфнинг бошини олиб ҳузуримга келтир, деб Шералихон менинг номимга ёрлиқ йўллабди...

— Нима?

Бек қўли билан ишора қилди.

— Жанжал кўтарманг! Фойдаси йўқ! Ўзингизни босинг,— деб бек секин жеркиб, ёрлиқни Юсуфнинг олдига ирғитди. Дармони қуриган бий ёрлиқни ердан ололмади. Аммо Шералининг муҳрини таниди.

— Оталик, кимнинг қўрғонида ўтирганингизни билиб қўйинг. Удайчиларингиз аллақачон бир ёқлик қилинган. Ҳар қандай ҳаракатингиз бефойда.— Юсуф ҳеч нарса демади. Ахир ёрлиқ ўйинчоқ эмас. Бу ўртада унга яқин бирорта ҳам одам йўқ. Душманлар қўлида эканлигини яққол сизди. У ерга қараганича Маткарим ясовулдан сўради:

— Жаллод,— деди босиқлик билан.

— Лаббай, тақсир.

— Бу қоғозни қаёқдан олдинг?

— Хон ҳазратларининг қўлларидан.

— Ҳим. Жаллод...

— Лаббай, тақсир.

— Тахт рўпарасига осиб қўйилган чориққа кўзинг тушмадимми?

— Йўқ, тақсир.
— Рост экан. Жаллод?..
— Лаббай, тақсир...
— Девонхонада Мусулмонқул ҳам бормиди?
— Йўқ, тақсир. У киши кўринмади.
— Ҳим... Ишни бошлаган ўша. Энди тақдирни қара. Шу иш амалга ошса, ичида, ошмай қолса, сиртида қолмоқчи.

Бошқа гап айтишга юраги бетламай жим бўлиб қолди. Ёнида турган бекнинг этаги шитир этиши билан у ўзига келди. Душмани олдида мағлуб бўлганини кўриб, гижинди. «Тақдир шу экан-да... Ундан ким қочиб қутулган...» У бошини кўтарди.

— Буйруқни Шералининг қўлидан олдим дегин, жаллодим.

— Шундай, тақсир.

— Ҳа, майли... Тузим кўр қилсин. Эссиз меҳнатим. Мен-ку узлатга кетаман, бироқ мени бўғизлаган қўллар уни ҳам омон қўймайди.

— Тақсир, мени тез қайт дейишган.

— Хўп. Тез қайтасан. Сенда ҳеч гуноҳ йўқ. Майли... Мен икки ракаат намоз ўқиб олайин. Чидасанг, намоз тугагунча кут, ошиқсанг, ўнг томонга салом берганимда кир. Шундай қил. Ишингни битказ...

— Хўп, тақсир.

Юсуф ўрнидан турди. Бек олдини тўсди.

— Тақсирим, ташқарига чиқиш мумкин эмас!

— Йўлимни тўсма, қуёшни бир кўрайин, нодон. Агар ғайридин бўлмасанг, таҳорат олайин.

У болохонанинг эски ёғоч зинапояларини гичирлатиб, ташқарига чиқди. Барча ташвишда эди. Йигирматача қуролли сарбозлар икки тўп бўлиб суҳбатлашиб турарди. Улар Юсуфни кўриб ҳайрон бўлиб қолишди. Оталик уларнинг ичидан Ёрмозор қўшинининг юзбошини таниди.

— Ассалому алайкум,— деб Юсуф салом берди. Сарбозлар сиполик билан алик олиб таъзим қилишди.

Миршабларнинг назорати остида бориб, катта чинор остида таҳорат олди. Кун анча пастлаган эди. Чинор شوҳида бир чумчуқ чириқ-чириқ қилиб «пирр» этиб شوҳдан-شوҳга қўнди. Сарин ел барглари шитирлатиб ўтди-да, тиниб қолди. Юсуф қиблага қаради. Қуёш бар-

каши лов-лов ёниб қўрғоннинг нариги томонидаги узун тераклар учуда илиниб турарди.

— Миршаб! — деди Юсуф. Яқин турган миршаблардан бири югуриб келди:

— Лаббай, тақсир...

— Жаллодга айт! Буёқча келсин... Мен намозни боғда ўқигим келиб қолди.

— Хўп, тақсир...

Юсуф жойнамоz сўрамади. У боғни оралаб бориб, ўзининг опшоқ ўрама белбоғини ёзиб кўм-кўк майса устига тиз чўкди.

Бий гарчанд намоз ўқишни билса-да, одатланмагани учунми мунтазам намозхонликка ҳеч қунт қилмасди. Балки ҳозир шунча вақт ўқимаганлигини гуноҳ билиб, сўнгги марта саждага бош эгмоқчидир. Жавобсиз, чигал хаёллар миясида чарх урарди. У ўрдага нима учун келди? Нима қилмоқчи эди? Нима қилишга улгурди? Кимни ҳақорат қилиб, кимнинг дилини ранжитди? Нега душманлари кўпайиб кетди? Нега? Мақсади тумтарақай бўлиб кетган ўрдани бирлаштириш эмасмиди? Кўнгли бир оз кўтарилган бўлди. Улимга тик боқишим, менинг хатом эмас. Ёдига эски кўрган туши келди. Ҳа, юксак тоғ, баланд мартаба. Бир тоғдан туриб қўл узатсам, иккинчи тоқча етгани — бу шон-шуҳратим. Бир тоғдан қийқирсам, иккинчи тоғнинг кийиги ҳурккани — лавозимим ошгани. Ҳаммаси бўлди. Аттанг, ўшанда тез уйғониб кетмаганимда эди... Кўз олдидан она қишлоғи ўтди. Кўз илғамас баланд тоғлар, кўм-кўк яйлов. Қимиз ҳиди. Ранг-баранг гуллар. Ана қариндошлари. Буларнинг бари Юсуфнинг юрагини ёзиб юборди. Қачонлардир ўлиб кетган онасининг берган оқ сутини эслаб, кўзига ғилт-ғилт ёш келди. Ўзини тутди. Кўздан ёш чиқса, таҳорат бузилади. Ҳой, нега ўйчансан? Сендан бошқа ўлмайдими? Ўзини ўзи койиди. Бўлди! Бу дунёнинг ўйини ҳам поёнига етди. Тамом! Тамом! Бу дунёнинг азоби ҳам тамом...

Намоз ўқишга киришди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар, оллоҳу акбар...

У саждага бош қўйди. Орқасида майса шитирлади. Гўё илон яқинлашиб келаётганга ўхшарди. Ким келаётганлигини сездди. Бадани дир-дир титради. Лекин

юраги у қадар қаттиқ урмади, уни ақл кучи, эрк кучи маҳкам ушлаб турарди... Шарт... Шарт...

...Абил улгуролмади. У қўрғон дарвозасига келиб қора терга ботган отини тўхтатиб, узангига оёқ тираганича туриб қолди:

— Оталик! Ҳой, оталик! Минг афсус!— деб қичқирди. Жаллод боғ ичида Юсуф оталикнинг бошидан қонини оқизиб, қон ҳидига маст бўлиб, кўзлари қизариб турган эди. У овоз келган томонга эътиборсизлик билан қараб қўйди, холос...

VI

Ўрдадан файз кетди. Юсуфнинг ўлими қатор низо ва келишмовчиликларнинг чиқишига сабабчи бўлди. Шерали хон сифатида анча-мунча мустақил иш юритган бўлса-да, янги мингбоши Шоди ҳовлиқиб Шералихонни анча ташвишга қўйди. Натижада ўртада пайдо бўлган ҳар хил чигал масалаларни ҳал қилиш икковининг ҳам қўлидан келмай қолди. Мусулмонқулга Шаҳрихон вилоятининг беқлиги берилган эди. Аммо у бу билан кифояланиб қолмади. Шоди билан мингбошиликни талашиб, унга турли найранглар кўрсата бошлади. Шоди шайтон имкониятдан фойдаланиб, Мусулмонқулнинг бошини олиб келиш ҳақида ёрлиқ ёздириб, жаллодни жўнатди. Бироқ Мусулмонқул буни сезиб, Оқсув томонга қочиб кетганди. Шоди ошкора жангга бел боғлаб, унинг ортидан юриш қилди. Улар Чуст билан Тўрақўрғон ўртасида дуч келишиб, ана шу урушда Мусулмонқул ғалабага эришди ва Шоди иноқнинг бошини қопга солиб, эгарнинг қошига боғлаб, Қўқонга йўл олди. Йўл-йўлакай учраган вилоятлардаги беклар уни қўллаб-қувватлашди. Мусулмонқул тўғри ўрдага кириб, шариат бўйича иш тутиб ўтирмай мингбошилик амалини қўлга олди. Бир оз оёғини силтаб юрадиган, юзлари қип-қизил, ҳамиша одамларга шубҳа билан қарайдиган янги мингбошидан Шералихон зирилларди. Начора, мансаб учун кураш тинмади. 1845 йилнинг ёзида Мусулмонқулнинг ўрдада йўқлигидан фойдаланган Исфара вилоятининг беги Сотиволди додхоҳ тўсатдан ўрдани босиб, Шералихонни ўлдириб, ўрнига Олимхоннинг Иброҳимбекдан кейинги ўғли Муродбекни хон деб эълон қилди.

Муродбек фақат ўн бир кунгина тож кийиш шарафига муяссар бўлди. Мусулмонқул Муродбекни тезда тору мор қилиб, Шералихоннинг ўн тўрт яшар ўгли Худоёрбекни хонликка кўтарди.

Шералихоннинг вояга етиб қолган фарзандлари ҳам бор эди. Лекин Мусулмонқул мингбоши атай Худоёрни танлади. Сабаби, катта ўғиллари давлатни бошқарса, Мусулмонқулга қулоқ солмай қўйишлари мумкин. Мингбоши шуларни ҳисобга олиб жуда эҳтиёткорлик билан иш юритди. Хоннинг ёшлиги унга катта имкониятлар яратди. Бир куни бошоғриқ бўлмасин, деб бошқа шаҳзодаларни ҳам бирма-бир қатл эттирди. Ёлғиз Маллабек Бухорога қочиб кетишга улгурди.

VII

...Уша ўрда. Сиртдан қараганда бу ерда низолар тинчигандай кўринса-да, аслида сипо, тақводор кишилар бир-бири билан чиқишолмай, бир-бирини пойлаб юришарди.

Мусулмонқул мингбоши ошиқ ўйнайдиган ўрда қурдириб, бекларни, лашкарбошиларни иккига бўлиб, мусобақа ўтказарди. Бир томонда ёш хон бошлиқ бўлса, иккинчи томонда ўзининг ўғли Абдурахмон бошлиқ эди. Бу икки ўспирин ошиқ ўрдасининг эркаси эди. Бир ўнакка уч ўйин бўлса ҳам, бу эрка йигитлар хоҳлаганча ошиқ отиб, билган ишларини қиларди. Бунга ўрдадаги кишилар кўникиб қолишганди, ҳеч ким ғиринг демасди. Четда турган бир кишига бу ўйин ёқинқирамади. Ўнакка тенг бўлмаса, ўйиннинг қизиғи қоладими? Тенги чиқадиган ўйнайди. Ёши улғайиб қолган қоп-қора, ўша басавлат киши ошиқ ўйини қондаларини бузиб ўйнаётган шаҳзода томонга юра бошлади. Шу маҳал хушомадгўйлардан бири Худоёрни мақтаб:

— Ҳа, яша! Гир айлантир!— деди. Ҳалиги девсифат киши шаҳзоданинг қўлидан маҳкам ушлаб:

— Тўхта, бола... Мана, бундай қилиб мўлжалга уриш керак... Ўйиннинг шартига чидамаган киши ошиқ ушлаб нима қилади...— деди жаҳл аралаш.

Ёш шаҳзода хижолатдан қизариб кетди. Атрофда томоша қилиб турганлар мулзам бўлди. Катта телпак

кийган, қора басавлат киши бунга парво қилмай, ўз ўрнига қайтиб борди.

— Ўғлим, бу киши тоғанг бўлади,— деди Мусулмонқул шаҳзоданинг кўнглини кўтарган бўлиб.— Булар бизнинг хонлигимизга, оталигимизга қарамай, ишнинг тўғриси тўғри, эгрисини эгри, деб бетга айтишди. Кечириш керак...

Ёш шаҳзода ҳеч нарса демади. Фақат Мусулмонқулдан бошқа кишидан бундай қаттиқ гап эшитмаган Худоёр уялиб, мўлжалга олган ошиғини ҳам уролмади. Шивир-шивир бошланди, ўйиннинг қизиги қолмади.

Эртасига Мусулмонқул ўша алпдай басавлат кишини ёнига ўтқазиб унга миннатдорчилик билдирди.

— Алмамбет ака, кеча мени жуда хурсанд қилдингиз. Баъзи маҳалда шу нарса керак экан...

Алмамбет гапга тушунмади.

— Қачон? Нимага?

— Ошиқ отишни айтяпман. Гап болада эмас, унинг хон деган номини қалқон қилиб мен билан ади-бади айтишиб юрган кишилар бор эди. Ўшаларнинг олдида жуда соз иш қилдингиз,— деб Мусулмонқул хурсанд бўлди.

— Мен бунисини қаёқдан билай,— деди Алмамбет куракдай кафтини силтаб,— бола ғирром ўйнапти, ўйиннинг файзи кетяпти.

— Ҳа, нима бўлса ҳам яхши бўлди. Ҳаммаси серрайиб қолишди. Бола ошиқ ўрдасининг файзини кетказса майли, лекин хон ўрдасининг файзини кетказмаймиз. Ҳозирча эси йўқ. Бўлмаса, анча-мунча маслаҳатли ишларга аралаштириб турар эдим-ку... Яқиндан бери унинг енгидан ўзга кишиларнинг қўллари кўриниб қолаётир...

Ўрданинг қабиҳ ишларига, сиёсатига аралашиб ўрганмаган, бундан буён ҳам аралашини эп кўрмайдиган Алмамбет Мусулмонқулнинг гапини унча тушунмаса ҳам, «ҳа», деб қўйиш билан кифояланди. Мусулмонқул ичида кимлардандир гумонсираб, қийиқ кўзлари ажабтовур тусга кирган эди.

Азалдан Олтинбешикнинг бола-чақалари қирғиз уруғлари билан қиз олиб, қиз бериб, қайчи қуда бўлиб кетишган бўлса, ичкилик қипчоқ беклари қиз олишдан бошқа ё сут бериб, ё сут эмиб қариндош-уруғ

бўлишган эди. Бу ўз навбатида ўзаро ҳамкорликка, сир-бирига ёрдам, кўмак беришга сабаб бўлган эди. Кунларнинг бирида қипчоқ беклари Мусулмонқулни бешиги билан отга ўнгариб келишиб, уни Алмамбетнинг онасига топширишади. Шу-шу Мусулмонқул водийда вояга етиб, кейин ўз овулига кетади. Ана шу йўл билан у қипчоқларга тутинган ўғил бўлиб қолган эди. Сут туфайли тутинган акасини Мусулмонқул қучоқ очиб кутиб олди. Ҳурматини жойига қўйиб, иззат-икром кўрсатди. Ақли бутун, ишнинг кўзини биладиган киши сифатида қадрлади. Бундан қариндош-уруғлар ҳам жуда хурсанд бўлишди.

Мусулмонқул ўрдани, қаттиқ ушлади. Ҳарбий ишларга катта эътибор берди. Қўқон, Марғилон, Наманган, Тошкент шаҳарларида қипчоқлардан иборат қисмларни сақлади. Андижонда Олимбек додхоҳни, Наманганда Гадойбой додхоҳни қолдириб, бошқа вилоятларга фақат қипчоқларни қўйди. Қолаверса Худоёрга ўз қизини бериб, ҳеч кимни оғиз очирмай қўйди. Аммо Худоёрга унчалик⁴ ишонмас эди. У ақлан заиф бўлиб, бунинг устига хотинларга ўч эди. Шунингдек, энг қўрқинчли томони, Худоёр лақма бўлиб, ўзгаларнинг гапига ишонаверарди, шу сабабдан Мусулмонқул ундан ҳаминша хавотир олиб, эл кўзида эркалатиб сўзлаб, ёлғиз пайтида исканжага оларди. Бошқаларга эргашиб кетмаслиги учун унинг қўлига бир мири ҳам олтин танга бермасди. Бегона одамлар билан сўзлашишга йўл қўймасди, давлат ишларига сира аралаштирмасди... Бора-бора айрим кишилар Худоёрнинг пинжига кира бошлади. Дастлаб унчалик қўрқинчли кўринмаса ҳам Мусулмонқул уларнинг ҳисобини олиб борди. Чунки юрагига гул-гула тушиб қолганди.

— Ака, элда пичоққа соп бўладиган йигитлар топиладими?— деб сўраб қолди. Мусулмонқул Алмамбетдан бирор яхшироқ маслаҳат чиқишини ўйлаб.

— Қаёқда дейсан... Ўтган баҳорда ўзинг кўрган Курпулдак сойдаги катта тошимни кўтараман, деб бир йигит шайланибди. Йигит телпагини ерга қўйиб, тошни олиб, ирғитиш уёқда турсин, ҳатто ўрнидан жилдиролмабди.

Мусулмонқул кулиб юборди.

— Нега куласан? Кўрганлар айтишди.

Мингбоши унинг сўзини эшитмаганга олиб, Алмамбетни бошқа савол билан алаҳситмоқчи бўлди.

— Ҳарбий ишга қизиққан йигитлар кўпми?

— Бўлса керак... Лекин қимиз, гўшт кўп. Ким ҳам аскарликка қизиқарди...

Мусулмонқул ўйланиб қолди:

— Қиличчиларни занг бостириб, бамайлихотир ётганинларда, бўрон тўзитган қора булутдай бир томондан қирққа яқин йигит от чоптириб келиб, товоқдаги гўштинларни, саночдаги қимизинларни тортиб кетса-чи?

Алмамбетнинг кўзи чақчайди:

— Қандай қилиб? Ким? Хон турганда, хоннинг отаси — укамиз турганда қирқта отлиқ қаёқдан келади?

Мусулмонқулнинг сабри тугаб тик қаради:

— Ўша хоннинг ўзи чоптирса-чи?

Алмамбет гап тополмай қолди.

— Қанақасига? Олиғини олса, солиғини солса...

Мусулмонқул энди бу ерда ўтиргани эҳтиёж сезмади шекилли, эшик томонга қараб, кафтларини бир-бирига шақ-шақ уриб ўрнидан қўзғалди. Тезда эшикдан қилич таққан новча қипчоқ кириб келиб таъзим қилди.

— Лаббай, тақсир!

— Хазинабон!

Йигит қўлини кўксига қўйиб орқаси билан чиқиб кетди. Мингбоши Алмамбетга кулиб қўйди.

— Ака, қиличларнинг зангини кетказиб туринлар.

Алмамбет укасининг қонли ишларга шайланаётганлигини тушуниб етмай:

— Тошда қайраса занги кетади,— деди.

Мингбоши кескин оҳангда:

— Қиличнинг зангини қон кетказади,— деб юборди.

Хоннинг хазинаси. Чўғдек қип-қизил олтинлар, оқ кумушлар, отнинг калласидай, муштумдай қўйма ёмбилар... Ҳиндистоннинг минг бир хил ёқутлари, оқ-қушларнинг жиғилдонидангина топиладиган гавҳарлар, турли-туман зирак ва тақинчоқлар юлдуздай ёниб, шамдай йилтираб турибди.

Тўққизил духобадан чопон кийиб, яхлит яшил

рангли матодан бошига салла қўндириб олган Худоёрхон ҳам тилла ва кумушлардан кўз узмай ўтиб бормоқда. Мусулмонқулнинг ўнг ёнида Алмамбет. Хазинабон ёши ўтиб қолган одам. У ялтироқ бошини бир томонга қийшайтириб, бу ердаги бойликларнинг қайсиниси қачон, қаердан олиб келинганлигини айтиб, қўлидаги шамни юқори кўтарганча борарди. Алмамбет оғзи очилиб гоҳ тиллаларга, гоҳ хазинабонга қарарди.

— Ака, шаҳзода жиянингиз, тоғам хазинадан қуруқ чиқмасин, деяпти!— дея Мусулмонқул Алмамбетга юзланди. Шу он Худоёр мингбошига ялт этиб, ҳайрон бўлиб қаради. Оталик жим дегандай хўмрайди. Хоннинг дами ичига тушиб кетди.

— А... Раҳмат. А...— деб Алмамбет шошиб қолди. Мусулмонқул жилмайди. Ҳар бири инсон хуни билан баробар бўлган ёмбиларнинг ёнига келиб Алмамбетга зимдан қаради.

Алмамбет хазинанинг тўрида турган тоза қизил тилладан қўйилган бўйи бир қарич келадиған одам шаклидаги олтинни бир қўли билан юқорига иргитиб аста илиб оларкан, унинг йилтирашига, тиниқлигига ҳайрон қолиб, қайта ўрнига қўйди.

— Одамнинг шакли шамойили экан-а?

Мусулмонқул бош ирғади:

— Гап одамнинг шаклида эканлигида эмас, гап унинг хунида,— деди. — Буни бир маҳаллар Амир Темур Ҳиндистондан ўлжа қилиб олиб келган. Бу бутпарастларнинг худоси. Масала бутпарастларнинг шакли шамойилида ҳам эмас, баҳосида. Бу дунё, бу бахт...

Алмамбет ҳайрон қолганидан танглайини тақилла-тиб, яна бир ўгирилиб қаради. Хазинабон уни олиб кетмасайди, деб кўзлари чаноғидан чиққудай қотиб қолди. Алмамбет: «Буни нима ҳам қилардим? Минай десанг от, ей десанг нон бўлмаса бу...» деб ўйланиб, нари юрди. Хазинабон: «Хайрият, худо бир сақлади», деб севинганидан ўшқириб юборди.

Аслаҳахонада қатор тизиб қўйилган милтиқларни, сопига кумуш суви югуртирилган қиличлар ва совутларни бир сидра кўздан кечиришди. Мусулмонқул акасидан ранжигандай бўлиб тўхтади:

— Кўрдингларми, булар ўрислардан келган милтиқлар. Одамнинг бошига олма қўйиб отса бўлади.

— А-а, одамга тегмай, олмани ўзини урадими?— деди астойдил Алмамбет.

— Ҳар қандай жонзотни... Масалан, кийикними, одамними олисдан туриб кўзига урса бўлади.

— Биз кийикни тузоқ қўйиб ушлаймиз. Буни қарсиллатиб, тоғдаги кийикларни чўчитгандан нима фойда?— деб нари кетди. Мусулмонқул акасининг орқасидан юраркан, бош чайқаб қўйди.

Қизил духоба матолар сақланадиган омборхонага киришганида Алмамбетнинг оғзи очилиб қолди.

Турли хил духобалар, хитой шойилари, ўрисларнинг булғорилари, йўлбарс, айиқ ва силовсин терилари. Ранг-баранг кимхоб, қашқар беқасами, Эрон ҳамда Бухоро гиламлари тахи бузилмай турибди.

Алмамбет қашқар беқасамидан ихлос билан тикилган чопонларнинг ёнидан кетолмай, уларни бирма-бир ушлаб қўйди. Унинг тикилиши, қавилиши қойил қолдирди.

— Олинг, олинг, тоға!..— деди Худоёрхон.

Мусулмонқулнинг қийиқ кўзлари, лаблари қисилди. Алмамбет буни сезмади. Хон ол дегач, қараб ўтирмай хазинабоннинг ёрдамида биттасини кия бошлади. Мана, чиройли чопоннинг бир ёқ енги унча сиғмай тарр этиб йиртилди. Алмамбет билан хазинабон бири-бирига қараб қолди. Хазинабон шошиб чопонлардан яна бирини олиб келиб унинг елкасига ташлади.

— Ол!— деди Мусулмонқул бақириб, Хазинабоннинг жон-пони чиқиб кетди. Дарров Алмамбетнинг устидан чопонни олиб, минг букилиб мингбошидан узр сўради:

— Бир қошиқ қонимни...

Алмамбет ҳайрон бўлиб, соқолини бармоқлари билан силаб қараб қолди.

— Хоннинг амри битта. Шунча хазинанинг ичидан теккан бир парча латта ҳам сизга сиғмай йиртилди кетган экан, бу худонинг буйруғи.

Шу-шу Мусулмонқул акасини олдига чақирмади. Ўрдада ўтказилган зиёфатларга ҳам у қатнашмади. Алмамбет қишлоққа қайтадиган куни бир неча дақиқагина мингбошининг ҳузурда бўлди.

Мингбоши хафа эди. У кўп вақт бош кўтармади.

— Ака,— деди у бир маҳал ўқишганнамо,— сизни Наманганга бек қилайин десам, кўпчилик унамади.

Акангиз қўтосдай қўпол экан, у вилоятни эмас, ўзини бошқариб олса ҳам катта гап, деб.— Мусулмонқул шу сўзни айтди-ю, ўзи шошиб қолиб, қийиқ кўзлари билан Алмамбетга синовчан қаради.— Иложим қанча?.. Шундай дейишяпти...

Алмамбет қўлини силтаб:

— Қўй, мени қийнама. Наманганга бек бўлиб, бурга билан искаптопарга таланиб ётгани хушим йўқ. Қўй, бу амални қизиққан кишиларга берақол!— деб тўғриси айтди.

Мингбоши акасини Наманганга бек қилиш ҳақида ҳеч ким билан суҳбатлашмаган, ҳатто ўзи бу тўғрида яхшироқ бош қотирмаган эди. Кечаги анқовлиги учун бир умр армон қилиб юрсин, деб шунчаки гапирди, холос. Алмамбет ўзи айтган жавобдан изза тортди.

— Бўпти ака, сизни бий қилдим!

— Ўзимизнинг элгами?— деб сўради.

— Йўқ, элга эмас,— деб кулди Мусулмонқул.— Ўзингизни ўз бошингизга бий қилдим!..

У тушунмай ўйланиб қолди.

— Қанақасига?

— Худди шундай! Ўз бошингизга ўзингиз хўжайинсиз.

Шу-шу Алмамбет хоннинг ўрдасига қайтиб қадам босмади. Унга «ўзига ўзи бий» деган қўшимча лақаб илашди. Бироқ у бу нарсани парвойига ҳам келтирмади, хафа бўлмади. Қайтага Курпулдак сойда деҳқончилик билан машғул бўлиб, тўқайдан эллик кийик илинтириб, овнинг гаштини суриб юраверди.

1853 йилнинг нотинч баҳори.

Ут-ўланлар отни кўмиб, айиқшашир, қулунчоқлар оқ бош олиб, чорвадорлар яйловларга кўчаётган вақтда Қўқонда яна ғалаён бошланибди, деган нохуш хабарни эшитган одамлар безовта бўлиб, аҳоли тобора тоғнинг ичкари қисмига кўча бошлади.

Алмамбет яйловда қимизга обдан тўйиб, бўлаётган гаплардан беҳабар ўтовда ётганди. Бир бегона киши келиб, уни ташқарига бошлаб чиқиб, қулоғига ниманидир шивирлади.

— Қаёқда?— деди у.

Хабарчи тоғ тарафни кўрсатди.

¹ Ай и қ ш а ш и р, қ у л у н ч о қ — тоғ ўтлари.

— Қачон келди? Ұзи ёлғизми?

— Ұзи ёлғиз эмас...

Бир оздан сўнг, Алмамбет ҳеч кимга ҳеч нарса демай Ұйноқтошга етиб бсрди.

Отдан тушмай, қамчинни буклаганича атрофга кўз югуртирди. Балдирғон от бўйидан ўтибди. Қуврайлар гулга кирибди. Қуриган арча устида ёлғиз укки ора-сира нолиш қилади. Жилғалардан буралиб, шарқираб оқиб тушаётган тиниқ сувлар заргар жило берган кумуш ўмилдириқдай ялтирайди.

Оғир нафас олиб, сувлиғини шилдиратиб чайнаган отнинг қулоғи чимирилди. У бирор шарпани сезгандай, сой томонга қаради. Унгача балдирғоннинг учи қимирлаб, қандайдир товуш қулоққа чалинди. Алмамбет тизгинни бурди. Қаршисида икки киши пайдо бўлди. Қўлларида милтиқ, белларида қилич, салом беришди.

— Салом! Мол-жонингиз омонми?

Алмамбет алиқ олди.

— Буёққа юринг,— деди йигитларнинг бири ғорга бошлаб, улар ғорнинг олдига боришди. Бу ерда қуролланган йигирмага яқин йигитлар ўтирарди. Улар ўзларидан ёши улур кишини кўриб салом беришди:

— Омонмисиз? Мол-жонингиз эсонми?

— Шукур,— деди Алмамбет. У отдан тушиб, ғорнинг ичига кирди. Ичкаридан кимдир:

— Беқ келди,— деди. Биров инграгандай бўлди. Алмамбет салом берди. Тўрда ўт-ўланлар устига солинган тўшакда ётган одам оғир хўрсиниб алиқ олди. Алмамбет секин кўзининг қири билан қаради. Бошида телпак, устида анча уриниб қолган пиёзи чакмон. Қоронғида унинг кимлиғини таниёлмади.

— Мусулмонқул йўқми?— деб сўради Алмамбет ўтирмай. Ҳеч ким индамади. Атрофда турганлар ётган кишига ачиниш билан қарарди. Бир маҳал ҳалиги одам:

— Танимайдиган бўлиб кетибманми? — деди. Ҳа онда Алмамбет энгашиб қараб, ўзини тутолмади.

— Ҳой, сенмисан?— деб қўлини чўзиб, пайпаслаб тўғри келган ерга ўтирганида унинг кенг елкалари ғор оғзидан зўр-базўр тушиб турган ёруғликни тўсиб қўйди. Мусулмонқулнинг қийиқ кўзларини, паришон юзларини Алмамбет энди аниқроқ кўрди. Гапни нима-

дан бошлашени билмай, иккови бўшашиб ўтириб қолди.

— Ҳим... Шундай қилиб қишлоғингизга келиб қолдик, ака!— деди Мусулмонқул кулишга ҳаракат қилиб.

Алмамбет ер чизди.

— Ҳечқиси йўқ, укам... Келсанг келибсан-да...
Ўзинг кўрган, ўзинг ўсган эл...

Бу гаплар Мусулмонқулнинг иззат-нафсига тегди, кўнгли оғриди. Нима бўлса-да, акаси. Бунинг ўрнига: «Қирғиз минган отнинг тақаси қаёқларда из қолдирмаган, ҳали кўрамиз», деб кўнглимни кўтарса керак, деб ўйловди. Сўзга унчалик уқуви йўқ Алмамбет бошқа нима дейишени билмай ўридан турди.

— Хўп бўлмаса... Мен борайин...

Қийиқ кўзлари чақчайган Мусулмонқул «жаллод» деб чақиршига оз қолди, лекин ўзини босди.

— Ўзига-ўзи бий, ўзи билади,— деб шивирлаб яна ётиб олди. Алмамбет ёрдан энгашиб чиқаётганида орқасидан: «Ишонган хўжам сен бўлсанг, қозонда саллангга тупурдим»,— дея ғазабланган Мусулмонқулнинг сўкинишени эшитмай отига қамчи босди.

Алмамбет уйга келгач, нима қилишени билмай, алламаҳалгача хаёл суриб ўтирди. Ниҳоят қариндоши Абилни чақиртирди.

Абил эртасига эрталаб, қария Қорачолни, ўспирин Бекназарни бошлаб келди. Абилнинг йигитлик онлари ўтиб, қирқ ёшларга бориб қолган эди. Гавдаси тўлишиб, қоп-қора мўйлаби ўзига ярашиб турарди. У тўрға ўтиб, уй эгалари билан ҳол-аҳвол сўрашгач, Алмамбетга қаради.

— Ака,— деди илтижо билан,— сиз эшитмадингизми, биз ёққа оталик қочиб келибди дейишяпти.

Алмамбет босиқлик билан:

— Келиб қолибди. Шунинг учун сени чақиртирдим,— деди. Абилнинг кўзлари бақрайиб:

— Қаёқда?— деди.

— Ўйноқтошда ётибди... Нима қиламиз?

— Гаплашдингми? Нима деди?

— Нимани гаплашаман...

Абил оғасининг бу жавобидан хафа бўлиб, сонига кафти билан бир урди.

Булар икки отанинг фарзандлари. Алмамбет ато қилинган кўчини ҳеч нарсага сарфламади. Биргина

қилган иши тойдай қора тошни кўтариб, Курпулдак сойнинг бош томонидаги йўл бўйига келтириб ташлади, вақти келса, катта юмуш бажарган кишидай мақтаниб қўяди, холос. Ешлигидан мол-дунёга кўнгил қўймади. Мана, ёши ҳам ўтиб, соқоли оқарди. Майшат бор ерда чордана қуриб, гўшт бўлиштиришдан бошқани билмайди. Абил бий Юсуф оталикнинг мурдасини яширинча Ермозор қабристонига дафн этиб, ўзига қарашли асқарлари билан ўрдадан қишлоққа қараб йўл тортган эди. У элатни тўплаб Юсуфнинг ўчини олишга шайланди. Афсуски, ўрдада Хўжамурод додхоқ оталикка кўтарилиб, Гадойбойни Наманганга бек қилиб юборди. Мусулмонқул мингбоши яқин қариндоши бўла туриб, негадир ўрдага қатнамай қўйганди. Юсуфнинг ўлимида Мусулмонқулнинг қўли борлигини билиб, Абил кек сақлаб юрарди. Қалбига доғ тушган одам қонхўрга салом берармиди? Абил Мусулмонқулнинг ҳузурига сира бормади. Аммо элат ўртасида Абилнинг обрўси бошқа додхоқдан кам эмасди.

— Ака, энди нима қиламиз?— деди Абил ўйлаиб.— Нима бўлса ҳам бир онани эмганмиз. Бизни қариндош билиб, паноҳ излаб келгандир.

— Тўғри-ку, буёғи қандоқ бўларкин?.. Ахир у Мусулмонқул бўлса...

— Бориб гаплашайлик... Қочишига нима сабаб бўлдийкин? Кейин буёғини кўрармиз.

Улар чошгоҳ пайтида қимиз олиб, бир қўзини пишириб, Қорачол билан Бекназарни эргаштириб Уйноқтошга боришди. Ғордан буралиб чиқаётган тутўнни кўришгач, кўнгиллари ўрнига тушди.

— Бор экан.

Мусулмонқулнинг йигитлари буларни узоқдан кузатиб турган эди. Ғорга яқинлашгач, Абил салом берди. Мусулмонқул ғор оғзига чиқиб турган экан. У айёронга жилмайиб, истар-истамас Абил билан сўрашиб, синчковлик билан унга тикилди.

Абил бирданига ҳол-аҳвол сўрашишни эп кўрмай, чор-атрофига қараб олгач, ҳамдардлик билдириб:

— Ажабо! Ғорга қамалиб...— деди у ўнг қўлини кўксига қўйиб, Мусулмонқулга йўл бўшатаркан.— Қани, бек ога, рўхсатингиз билан тепага чиқиб ўтирайлик.

Мусулмонқулнинг чеҳраси очилди. Абилнинг новча

қадди-қоматига бошдан-оёқ қараб миннатдорчилик билдириб олдинга юрди. Уларнинг орқасидан йигитлар ҳам эргашди.

Дўннга чиқишди. Абил ёзилиб гапирди.

— Бек оға, ўзингиз болаликдан ўсган эл, борини аямай, йўқ бўлса, қайгурмай, ўз ризқи билан яшаб келаётир. Гиламимиз ҳам, пар тўшагимиз ҳам мана шу кўм-кўк майса. Буни қаранг-а, ушбу кўкатлар ҳар қандай тўшакдан тоза, ҳар қандай гиламдан чиройли.

— Албатта, албатта!— деди Мусулмонқул.

— Қани, ўтирайлик, бек оға.

Алмамбет гапга аралашмай, серрайиб турди, улар кўм-кўк майсага ўтиришгач, нортаудай аста чўкди.

Бекназар ёш йигитларга хос эпчилик билан худди Абил тайинлаб қўйгандай югуриб-елиб хизмат қилмоқда. Ихчамгина қўлбола саночда булоқ суви келтиришди, балдиргон бутогини кесиб, саноч оғзига тиқишди, худди қумғондан сув қуйгандай Мусулмонқулнинг қўлига сув берди. Кейин дастурхон ёзишди, оби-тобида пиширилган барра қўзи гўштини нимталаб, унинг калласини мингбошининг олдига суриб, катта мешдаги қимиздан заранг косага расамади билан қуйиб узатди.

Қимиз обдон ичилди. Гўштан тановул қилинди. Суҳбат қизиди. Бироқ икки томон ҳам ҳар аҳтимолга кўра Юсуф ҳақида гапиришни эп кўрмади. Чунки, вазият шунини тақозо қиларди. Марҳум бий ҳақида гапиришнинг мавриди эмаслигини Мусулмонқул ҳам, Абил ҳам аниқ сизди. Ундан бошқа ҳамма гаплар айтилди. Ўртадаги қуруқ сипогарчилик йўқолиб, дил-дилдан гурунглашилди.

Мусулмонқул Бекназарга эътибор билан қараб, бошқаларнинг сўзини қунт билан эшитаркан, кўнглига ёқиб қолди шекилли, қўлидаги ярим коса қимизни Бекназарга тутди:

— Отим Бекназар дедингми, чироғим? Ма, ҳоли танг орангдан қолганини ичиб қўй,— деди. Бекназар косани дарҳол олиб, қимизни ихлос билан ичди. Мусулмонқул бош ирғаб:

— Тўғри йўлдан оғмагин, дейдилар. Юзинг ёруғ, дилинг равшан йигит экансан, чироғим. Умринг узун бўлсин.— Ҳаёти тўкис, безавол ўсган қаттиққўл Мусулмонқулнинг охириги сўзлари ғамгин эшитилди. Қимиз уни тархуш этганди. Армон билан хўрсинди.

— Абил! Бекназар! Сизлар мен Қўқонда турганимда ҳеч йўқлаб бормадинглар,— деди қайғуриб. Бекназар Абилга қаради. Абил Алмамбетга тикилди. Алмамбет ноқулай аҳволда қолиб, елкасини букчайтириб, фиринг демай ўтирарди.

— Тўғри, бормадик, бек оға. Иложимиз йўқлигидан ёки чўчиганимиздан эмас, азбаройи йўл йўқлигидан боролмадик. Биз улуг кишимизни пойгакда қолдириб, ўзимиз тўрга ўтолмаймиз.

Мусулмонқул тушунди. Бош иргаб Алмамбетга қараб ўйланиб туриб:

— Раҳнамосиз эл бўлмайди деган эдим... Афсуски бор экан...— дея кўкрагини кериб, ютиниб олди-да, гапни узоқдан бошлади.— Э-ҳа... Менга жуда кўп киши осилди. Бир марта ўзим қўллаб, Наманганга беқ қилиб юборган Мирзат шумшук Иккисувнинг орасига қариндошлариникига келганимда, яширинча Тўрақўрғондаги аскарлари билан бориб, мени боғлаб ҳалиги итвачча Худоёрни алдаб, ўрдага етказди. Ёрқиной ўртага тушиб ажратиб қўймаганида, ким биларди, нима бўларди. Лекин улар менга ўчакишиб қолган эканми, мингбошилиқдан тушириб, ўрдага иккинчи яқинлашма, деб қишлоққа ҳайдашди. Бир йилга етмай, қўшини тўплаб Қўқонга юриш қилдим. Мирзат шумшукни қўлга тушириб, шаҳардаги дарвозалардан бирининг устига осдириб, ўрдага кирдим...

Алмамбет ерга қараб ўтирарди, Абил Мусулмонқулдан кўзини узмай гапини эшитарди. Мусулмонқул орасира чуқур нафас олиб, сўзини давом эттирарди:

— Душмандан ҳамиша эҳтиёт бўл. Унинг қилмиши аён. Аммо ўз қариндошининг душманлигини бошингга тўқмоғи текканда билар экансан. Утган йили Нормухаммад қўққисдан менга қарши бош кўтарди. Тошкентдаги у ёқда турсин, Чимкент, Сайрам, Туркистон ва Авлиёотадаги сипоҳийларни ўз томонига оғдириб олибди. Мен ҳам ноилож ўрдадаги асосий куч билан ҳалиги итвачча Худоёрни бошлаб, унга юзма-юз бордим. Итнинг боласи ўша ерда итлик қилди. Икки томон юзма-юз келганда кечки маҳал у Нормухаммад томонга қочиб ўтибди... Нима бўлсаям хон деган номи бор эмасми, аскарлар ўртасида ноқулай аҳвол юз берди... Минг қатла шукурким, ўшанда ҳам ўз бахтимга яна бир карра ишондим. Қулай пайтни топиб Нормухам-

мадга ҳужум қилиб, галабага эришдик. Нормуҳаммад қочиб кетди. Ҳалиги итвачча Худоёр сувга тушган мушукдай дилдираб яна олдимга келди. Уни ўшанда тиңчитиб тахтга Бухорода юрган Маллабекни ўтқазсам бўларкан... Бу қасамхўрнинг икки кўзини ўйдириб бирорта масжидга ташлаб кетсам бўларди... Эҳ, пишмаган калла! Дастлаб Мирзатнинг алдовига учганда ёш дегандим, кейингида эса бир ёғи малика Ёрқинойни ўйлаб кечирдим ва қайта уни тахтга ўтқаздик. Ана шу меҳри оқибатим ўз бошимга етди...

Мусулмонқул жим бўлиб қолди. Ҳамма сукутда эди. Бирор нарса деб юпатиш учун сўз топилмасди.

Мусулмонқул саккиз йил мингбошилиқ қилди. Қилич кучи билан давлат бошқарилган ана шу саккиз йил давомида у ҳеч ким билан ҳисоблашмай, шаҳарликлар, савдо-сотик билан машғул бўлган кишиларга ҳаддан ташқари зулм ўтказди. Бу қаттиққўллик элнинг ўрдага нисбатан норозилигини оширди. Бундан фойдаланган Уратепа, Хўжанд, Тошкент беклари мингбошига бош эгмай қўйишди. Кўп ўтмай уларга Марғилон беги Утанбой қушбеги қўшилди. Худоёрхон эса яширин тўп ичида эди. Ниҳоят, бир куни Қўқондаги Қосим гонсот бошчилик қилган гуруҳ Мусулмонқул тарафдорларини ўрдадан суриб чиқарди. У Қўқондан чиқиб, ўз аскарларини Иккисув орасида қолдиргач, беш-ўн йиғити билан тоғ оралаб қариндош-уруғларини излаб, элатни ўз томонига оғдириш учун келди.

— Эҳ, Утанбой! Эҳ, Нормуҳаммад! Бирига Тошкентни, бирига Наманганни бериб қўйсаму, қилган ишини қара-я?.. Кучук эди, боқдим, ит бўлгач, бошқаларга қўшилиб ўзимни қопди...— У титраб, ўзига яқин ўтирган Алмамбетга қўлини пахса қилиб сўзларди.— Шошма ҳали... Шошма... Вақт келади. Ҳисоб-китоб қилишамиз. Ўшанда дарвозанинг устига тўрвадай қилиб бошларини осиб, кейин ўрдага кирамиз. Шошма!..

Алмамбет ҳайрон. Мусулмонқул ўзини ўнглаб бир оз тин олди-да:

Аргумоқ танлаб, от йиғдим,
Улар буудан¹ бўлмади.

¹ Бу у д а н — қаноғли бедов.

Танлаб юриб дўст тутдим,
Улар тууган¹ бўлмади...—

деб чуқур хўрсиниб, Алмамбетга ғамгин қаради.— Бу акамиз бориб турарди. Баъзан мен: «Элда қандай йигитлар бор?» деб сўрасам, «Мендан бошқа пичоққа соп бўлгудайи йўқ...» дерди. Э-э, нимасини айтай, бир куни бутун элу юртга етгудай бойлик олиб кетинг, деб хазинага атай бошлаб кирсам, олтин буёқда қолиб, чирик бир чопонга ўзини урди... Ҳа, ўшанда мен сизнинг уқувсиз, ландавур одам эканлигингизни билган эдим, ака...

Таъна ва дашномлар суягидан ўтган Алмамбет босиқлик билан суҳбатга аралашди:

— Мусулмонқул, гаинг тўғри, ҳар ким ўзига керагини олади. Ошиқча мол-дунё жонингга жафо, ташвиш оширади, дейишган боболаримиз. Ахир шундоқ Юсуф нима бўлди?.. Сен нима бўлардинг?..

Мусулмонқул сергакланди. Бу гап дард устига чипқон бўлди. Нима дейишини билмай сукутга ботди. Яна қимиз қуйилди. Мусулмонқул косани олмади.

— Жуда кўп ичдик,— деди у. Мусулмонқул елкасини учуриб, ютиниб қўйди. «Энди бу маҳмадона укамиз ишни расво қилмасайди», деб хавотирланди. Бироқ, Абил индамади. Гап қовушмай қолди.

Абилнинг кўз олдига Юсуф келди. Унинг иссиқ истарасини аниқ тасаввур қиларкан, юраги эзилиб кетди. Шу дамда Мусулмонқул Абилнинг кўзига хунук кўринди... Кеки ошди...

Ўз навбатида Мусулмонқул ҳам Юсуф оталикни эслади. У: «Ҳали эсдан чиқаришмабди-да...» деб ичидан зил кетиб, ноқулай вазиятни ўзгартирмоқчи бўлди.

— Эсиз Юсуф акамиз! Ақлли, уддабурон одам эди. Униям бошига сотқинлар етди.

Абил ўзини тутиб туrolмади.

— Биламиз, бек оға! Биламиз! Ўзингдан чиққан ёт ёмон бўларкан. Ҳаммасидан хабаримиз бор.— «Булар ҳали унутмаган экан-да», деб Мусулмонқул тилини тишлаб қолди. Қачонгача бундай маломатларга чидайди? Ҳадеб таъна қилаверадими? Қачонгача? Йўқ!

¹ Ту у га н — қариндош-уруғ.

Ҳозирча унинг омади кетгани йўқ. Мусулмонқулнинг жаҳли чиқа бошлади. Ранги ўчди.

— Қариндошларим, сизларни қора тортиб катта умид билан келдим,— деб гапни тамоман бошқа томонга бурди Мусулмонқул,— ҳали-ҳозирча куч-қувватим бор. Ростини айтсам, қипчоқлар аввалгидай аҳил эмас. Нермуҳаммад, Утанбойни айтиб бердим. Эндиликда сизларнинг ёрдамчиларга муҳтожман. Нима бўлса ҳам сут эмишганмиз...

Ҳеч ким индамади. Орадан хийла вақт ўтди. Алмамбет ўзини ўнглаб Мусулмонқулга қараб:

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?— деди.

— Урдани қайта оламан. Душманларнинг тухумини қуритаман.

Алмамбет гапнинг лўндасини айтди:

— Келганинг яхши. Энди тинч юравер, Мусулмонқул. Элни безовта қилма. Урданинг сенга нима ҳожати бор? Сочингга оқ тушди. Мундоқ ўйлаб кўр, бойликнинг сенга нима кераги бор?

Мусулмонқул шартта ёрилди:

— Ҳой ака! Сизнинг соддалигингиз қачон қолади? Ғанимларнинг додини бераман. Битта қўймай қираман.

— Бек ога,— деди ниҳоят ўзини тиёлмай Абил.— Оқсоқолни ранжитманг. Уни ҳеч кимга алиштирмаймиз.

Мусулмонқул Абилга чақчайди.

— Қўйсанг-чи! Нимага қизаришасан?— деди Алмамбет.— Мусулмонқул, ўрдадагилар билан олишма. Улар билан бўйлик таллашиб обрў топмайсан. Тоғликлар билан маҳаллий халқ ўртасида низо чиқаришдан нима фойда бор? Инсоф билан ўйлаб кўр, Мусулмонқул.

Мусулмонқул:

— Улар менинг душманларим бўлади.

— Халқ халққа ҳеч қачон ёв бўлмайди. Фақат элнинг бошида турганлар юрт бузади, Мусулмонқул. Унг қўлоғинг билан ҳам, сўл қўлоғинг билан ҳам эшитиб ол, Мусулмонқул. Тили, дили, қайғуси ва қувончи бир элмиз.

Мусулмонқул гап тополмай қолди. Қийиқ кўзлари олайиб, лаблари титради. Яқин орада у бундай дашномни ҳеч кимдан эшитмаган эди. У ўрнидан туриб,

қимиздан латтадай бўшашиб қолган йигитларига қараб буюрди:

— Қани, отни торт!

Йигитлар қўзғалди. Мусулмонқул отга миниб, Абилга қўл силтаб:

— Кетдим! Сизлардан келадиган ёрдамни пешонамдан кўрдим. Йўлимиз бошқа экан. Эшитиб қўйинглар, бошқа келаман. Менинг қиличим қўш тигли, бири ўтмас, иккинчиси кескир.

Абил унга ўчакишиб жазоб берди:

— Юсуф билан қўша синган дедингизми? Бизнинг қиличимизни икки тарафи ҳам ўткир.

Тимқора аргумоқ ўйноқлаб, бир жойда туролмайд депсинарди. Мусулмонқул қўлини силтаб, узанги билан отни ниқтади.

— Эр йигит бўлсанглар, қиличингларни қайраб туринглар!

— Қайралган...

Мусулмонқулнинг қора аргумоғи ирғишлаб, шамолдай учиб кетди...

— Эҳ, аттанг, қашқир бўлиб қолган экан-ку...— деб Алмамбет оғир хўрсинди.

VIII

...Уша кунларда Қўқон ва Тошкент шаҳарларининг кўчаларидан инсон қони сув бўлиб оқди, десак муболаға бўлмас. Чунки, Худоёрхоннинг қашқирдай очиққан каллакесарлари учраган қипчоқни суриштириб ўтирмай қиличдан ўтказарди. Ҳеч ким оддий халқнинг оҳу фиғонига қулоқ солмади...

Мусулмонқул кеч кузга қадар ўн беш мингга яқин аскар тўплади. Ўрдадаги сотқинлар эса Мусулмонқул мингбошилиқ қилган вақтдаги азоб-уқубатни ҳаддан ташқари бўрттириб, хоннинг номини байроқ қилиб кўтариб, оддий фуқаронинг қипчоқ уруғларига нисбатан нафратини кучайтирди, «Кўринган қипчоқни кўринган ерда ўлдириб, молу мулкани талон-тарож қилган азаматга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам даъво қилинмайди», деган мазмунда хон номидан ёрлиқ чиқартиришди, қисқа вақт ичида махсус жазо гуруҳлари тузилиб, уларга олтмиш минг киши жалб қилинди.

Жазоловчилар экинга тушган чигирткадай ёпирилиб, қипчоқ уруғларининг ватани Иккисув томонга йўл олди. Мусулмонқулни йўқотишда бош-қош бўлган Нормухаммад билан Утанбой қушбеги қипчоқларга қарши хон томонидан қилинаётган бу қабиҳ ишларни кўриб, уни тўхтатишнинг иложини тополмай лол бўлиб қолишди.

Ҳақиқат, адолат қаерда? Ҳеч ким билмасди. Элат уруғлари бу даҳшатли селнинг кучига бардош беролмади. Нима қилишларини билмай, ҳардамхаёл бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши тайёргарлик кўриб қўйишди.

Кутилмаган ердан тўс-тўполон кўтариб, Мусулмонқул ҳужумни биринчи бўлиб бошлаб берди. У бу гал ҳам ўз бахтига, ўз тақдирига, қолаверса, қипчоқларнинг қайсарлиги, жангарилигига ишонди.

Қипчоқлар тамоман қизил уст-бош кийиб майдонга тушди. Қизил кийим тўлиб-тошганлик белгиси. Қизил кийимни ўша вақтда фақат қипчоқлар кийишга ҳақи бор эди. Тоғ тарафдаги элатларнинг эътиборли додхоқлари ҳам қизил кимхоб тўн, қизил телпак кийишарди. Қолганлар сариқ, ола, чипор ва қора рангдаги чопон билан юрарди. Қипчоқ беклари ўзларининг ўжарлигини ана шу тарзда билдирмоқчи бўлиб, ё ҳаёт, ё мамот, деб қатъий, жиддий курашарди.

Лак-лак хон аскарлари бўз адир этагида келмоқда эди. Саф тортган қипчоқлар сўнгсиз дала бағрида яшнаган алвон лоладай қизариб олға интиларди. Зум ўтмай дўллар чалиниб, ҳамма қуро-яроққа ёпишди. Сараланган сипоҳийлар еру кўкни ларзага солиб келатган қипчоқларга қарши юзма-юз чиқди. Одатга кўра, ботирлар яккама-якка ўртада куч синашмоғи керак. Бироқ қипчоқлар гўё қуроли билан эмас, тишлари билан душманни ражиб ташлагудай бўлиб ҳайқириб жангга кирди. Томонлар бир-бирини бешафқат қира бошлади.

Худди кузда тўқайга ўт кетгандай қизил сафлар қора қўшиннинг ўртасидан ёриб ўтиб, қилич дамидан ўтказарди. Оловни сув ўчиради. Буларни фақат ўлим йўлдан тўхтатарди, холос. Қипчоқлар ким дуч келса, ер тишлатиб боришарди.

Тақдир ўртада. Ҳаёт-мамот ўртада. Ким мағлуб? Ким ғолиб? Бир тарафда қизиллар устун. Бир ёқда қораларнинг қўли баланд. Жанг ғайратга ҳам боғлиқ...

Урушда кўпчилик катта аҳамиятга эга. Қисқаси, тақдир билан ҳаёт ўртада...

Иккала томон ҳам ўриб ташланган ўтдай тўп-тўп бўлиб сулайиб ётарди. Кўпнинг иши кўп бўларкан. Хон аскарининг кети кўринмасди. Аста-секин қипчоқларнинг сафлари озайиб, борган сари камайиб, мисоли чўғдай ҳар жой-ҳар жойда ялт этиб қўярди, гоҳо ўчиб, гоҳо милтираб, учқундай сўниб борарди...

Шу кунги жангда қипчоқлардан беш мингдан ошиқ киши қурбон бўлди. Худоёр ўн мингга яқин сараланган аскардан ажради. Мусулмонқул тоғ томонга қочиб кетди.

Текин овқат, мўмай мулкка ўрганиб қолган талончилар ҳар икки томондан ўлган аскарларнинг қурол-яроғини йиғиштириб қолмай, ўликларнинг кийим-кечакларини ҳам ечиб олиб, жанг майдонида яланғоч мурдаларнигина қолдиришарди. Эртасига ҳимоясиз қолган қишлоқларни ваҳшиёна талай бошладилар. Улардан кейин кимсасиз қишлоқларда қон, тутун, кул қолди.

Мусулмонқул буни кўриб эс-ҳуши учиб кетди. Иложи қанча? Нима қилсин? У ночор аҳволда қолди. Ақлу ҳушини йиғиштириб олиш учун вақт керак. Вақт қаёқда? Кўзлаб бораётган томонидан қайтди. У туни билан йўл юрди, қолган-қутган аскарларини бошлаб, Ўтанбой қушбеги билан Нормуҳаммад додхоҳ ҳузурига бориб, ихтиёрий таслим бўлди.

— Бегуноҳ элнинг нима айби бор? Э, қариндошларим, итнинг боласига гапинглар ўтса, айтиб талончиларни тўхтатмайсизларми? Мана мен келдим. Кимнинг ўчи бўлса ўзимдан олсин. Ўз тақдиримга эмас, бегуноҳ бола-чақа, чолу кампирларнинг тақдирини ўйлаб, бош эгиб келдим. Мени сизлар жазоланглар. Мени сизлар ўлдирилинглар. Итнинг боласига топширманглар. Илтмосим шу. Қонимиз бир. Менинг ўлигим оёқ ости бўлса, сизлар лаънатга қоласизлар. Ўзинглар жазоланглар. Мени ўлдириш ҳисобига бегуноҳ элни сақлаб қолинглар. Агар қатл этгинглар келмаса, барча қипчоқ бирлашиб, дўст бўлайлик. Биринг қўлла, биринг йўлла! Мен амал талашмайман. Кетмон борми, кетмон? Кетмонни оловда роса қиздирилинглар. Кетмонни пешонамдан икки энлик нарида тутиб туринглар, мен кўзимни юммайман, майли, оқиб тушсин.

Тамом, шу билан сизларнинг ҳам, менинг ҳам кўнглим ўрнига тушади. Сўнг, тоғ орасидаги ҳеч кими йўқ бирорта бева кампирнинг кулбасига олиб бориб ташланглар. Мен туфайли ёки ўзгалар туфайли жами қипчоқ уруғининг бошига қора кун тушди. Қариндошларим, башарти ноилож қолсанглар, мендан номус қилмай маслаҳат сўраб турунглар. Қипчоқ уруғи йўқ бўлиб кетмасин. Шунга айтмоқчийдим.

Кўпчилик Худоёрхоннинг душмани қўлга тушса, кўнгли тинчиб, қирғинни тўхтатса керак, деб ўйлаган эди.

Ўрданинг куни кеча ақли етук донишманди бугун Қўқон бозори ўртасида, махсус қурилган баланд ёғоч устунга занжир билан чирмаб боғланган эди. Устида иштонидан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Савдо тўхтаган. Бозор одамлар билан лиқ тўла. Ҳамманинг диққати бир кишида. Биров у деса, биров бу дейди. Хуллас, шаҳарликлар учун томоша одатдигидан ташқари эди.

— Нима бўларкин?

— Ўлдирса керак...

— Нима бўлишини ҳозир кўрамиз... Балки шоҳ бир қошиқ қонидан кечар.

Турганларнинг бири бошини чайқади.

— Ҳей, Салимбой, ёш боланинг гапини айтасиз-а? Бир қошиқ қонидан кечирш учун булар қирғин қилармиди?..

— Тўғри,— деб қувватлади бошқа бири.— Хон кечирса ҳам бошқалар кечирмаслиги мумкин. Ҳа, шундай.

— Буларнинг ораси шунчалик бузилганки, уни бир ёқлик қилмагунча тинчимайди. Тўғрими?

Ҳаво дим. Чанг ва тер ҳиди анқийди. Бир қаландар кимнидир излагандай бошини чайқаб одамларни ора-лаб юрарди. Бировдан ҳадиксирагандай тез-тез орқа-олдига қараб, ўзича хониш қиларди:

О, хор банда, хор банда,
Қачон уқиб тургайсан?!
Фарқи кетди отанинг,
Обрўси кетди боланинг.
Кетмасликка не чора,
Яқинми охирзамона?!

Одамлар кўникиб қолганлиги учунми, қаландарнинг мунгли овозига, қўрқинчли сўзларига сира эътибор беришмади. Қаландар ҳамон ўз шеърини ўзича куйга солиб, нари-бери юриб айтарди:

О, хор банда, хор банда,
Қачон беғам юргансан?!
Тинч тирикчилик қилмасдан,
Тўзиб кетди мусулмон...
Тўзмасликка не чора,
Яқинми охирзамона?!.

Карнай овози одамларни ҳушёр торттирди.

— Бахтиёр Саид Худоёрхон! Бахтиёр Саид Худоёрхон!

Эл тинчиб қолди. Ҳамма жарчининг овози келган тарафга қаради.

— Бахтиёр Саид Худоёрхон! Бахтиёр Саид Худоёрхон!

Бозорнинг кунчиқар томонидаги дарвозадан оқ отнинг ўмрови кўринди. Хон! Бу ерга тўпланганлар ерни ўпгудай бўлиб тиз букиб салом беришди. Майдон жимжит бўлиб қолди.

Худоёрхон олдинда келмоқда. Мўйлаби сабза урган, кўзлари чақчайган. Чўчиганиданми рангидан заҳар томиб турарди. Чап қўлида тизгин, ўнг қўлидаги олтин сопли қамчинни буклаб биқинига таянган эди. Ёнида янги мингбоши Қосим, янги маслаҳатгўйи, Ниёз қушбеги, Худоёрхоннинг тоғаси Гадейбой додхоқ бошчилик қилган элатнинг бир талай бийлари орқада келмоқда. Нормуҳаммад додхоқ ўшаларнинг орасида экан.

— Бахтиёр Саид Худоёрхон! Бахтиёр Саид Худоёрхон!

Улар бозорбошининг рўпарасидаги чойхона олдида отдан тушди. Карнайлар ҳамон авж пардада эди. Хон одамларга бир қараб олиб, гилам еолинган ёғоч зина-поя орқали болохонага чиқиб, махсус кишиларнинг кузатуви билан олдиндан тайёрлаб қўйилган баланд сўрига ўтирди.

Бир оз пастроқ ердан Қосим мингбоши, Ниёз қушбеги, чап томондан Гадейбой додхоқ, Нормуҳаммад додхоқ ва бошқа бек, вазиру вузаролар, қозилар жой

олишди. Новча, олакўз удайчи елпиғични хоннинг боши узра бир маромда тебратади. Мушк-анбарнинг хушбўй ҳиди болохонага таралди.

Карнай садолари тинди. Қосим мингбоши қўлини баланд кўтариб кафтларини ёзди. Худоёрхоннинг омонлигини тилаб, «омин», деб юзига фотиҳа тортди. Барча тўпланганлар қўлларини осмонга чўзиб мингбошига тақлид қилиб фотиҳа ўқишди. Худоёрхоннинг ўзи ҳам бақрайган кўзларини занжирбанд кишидан узмай кафти билан юзларини силаган бўлди.

Занжирбанд асир қиров қўнган бошини ғоз тутиб, парво қилмай ўрданинг казо-казоларига тик боқиб турибди.

— Улим! Улим! — деган овоз келди. Эл бўронли тўқай сингари безовта бўлиб, ана шу сўзларни такрорлади.

— Хон ҳазратлари! Бўрига ўлим! Улим!

— Бизга тинчлик керак! Тинчлик бўлсин! Саёқ бўрига ўлим!

— Улим!

Бозорга тўпланганлар астойдил қийқиришарди. Улар гўё ёғочга боғланган одам қатл этилиши билан кўпдан буён халқ осойишталигини бузаётган, юракларни безиллатган жангу жадал тўхтаб қоладигандек бақириб-чақирришарди. Қосим мингбоши атрофга савлат тўкиб қарарди, Худоёрхоннинг афтида рўй бераётган ўзгаришларни зимдан кузатарди.

Жазо бошланди.

Миршаблар зиндондан юзга яқин маҳбусларни ҳайдаб келиб, Мусулмонқул турган ёғоч курсининг қуйи қисмига олиб ўтди. Маҳбуслар Мусулмонқулнинг энг ишончли азамат йигитлари эди. Қора кийимли жаллодлар эса бир чеккадан ошиқмай, чўчимай, маҳбусларни тиз чўктириб бўғизлашарди. Мурдаларини бирининг устига иккинчисини ташларди. Мудҳиш ўлимнингми ёки қонсираган жаллодларнинг салобати босибми жамоатчилик чурқ этмасди.

Навбати етган маҳбуслардан бири чўккалаётиб элга қараб бақирди:

— Гуноҳим нима?! Азизлар!

— Қипчоқсан!

Бу қаҳрли жавоб чойхона болохонаси томондан келди. Халойиқ овоз келган томонга гурр этиб қаради.

Уларнинг қўллаётгани ҳам, норози бўлаётгани ҳам билинмасди.

Ҳаводан қон ҳиди келарди. Яқин турганлар ичларида калима келтирарди, баъзилар бу ердан чиқиб кетишнинг иложини тополмай тепа сочлари тик бўлиб турарди.

Биргина Қосим мингбошининг ўчи тобора аланга оларди. У икки тиззасини мижғиб, олдинга энгашганича нигоҳини бир нуқтадан узмасди. Мусулмонқулнинг оёғига қипчоқларнинг қонларини сачратиб, унинг юрагини эзиб, иродасини синдирмоқчи бўлишди. Мусулмонқул бегуноҳ қариндошларининг ўлмай қолишини сўраб бош эгиб, ер ўпиб, ялинади, деб ўйлаган эди. Лекин унинг боши эгилмади. Ҳамон унинг қарашлари қатъий ва жиддий эди. Қосим мингбоши куч ишлатишга буйруқ берди.

Қон ҳидига маст бўлиб, кўзлари қизаринқираган жаллодлар бир четга чиқди. Уларнинг ўрнига бошқалари келди.

Аввалдан келишиб қўйилганми, қўллари омбурдай бақувват йигитлар Мусулмонқулни секин қўлидан ушлаб, бир оз силаб-сийпалаган бўлиб, бирданига панжаларини қарс-қурс этказиб синдиришди. Мусулмонқул қўлини сал тортган бўлди, кейин тўхтади, аммо овоз чиқармади. Ҳатто унга азоб бераётганларга қараб ҳам қўймади. Юзларига қон югурди. Полвонлар ўчакишиб, қийноқнинг бошқа усулларини қўллади. Уни ётқизиб, яланғоч оёғини қалтис ерга қўйдириб, бири унинг устига чиқди. Суяк эгилди. Суяк ғичирлади. Мусулмонқул лабини тишлади. Бераҳмлар орлари келибми, Мусулмонқулнинг бир қўлини долига қўйиб, қайириб синдирди. Қийноққа одам кўникиб кетадими ёки ҳушидан кетиб қоладими, ҳайтовур Мусулмонқулнинг лаблари кўкарди, кўзларининг нури сўниб, қорачиғи тобора қорайиб борарди.

Бир маҳал кўзини очди. Тўпланиб турган сонсаноксиз одамларга қаради. Лаблари титради. Айрим кишилар, энди иродаси синди, узр айтиб, қийнамай ўлдиришларини илтимос қилади, деб ўйларди.

У қаноти синган бургутдай бир интилиб шундай деди:

— Эй, қипчоқ уруғи! Бормисан?

Овози қалтираброқ эшитилди. Жимжит эл чурқ этмади.

— Борман, ота!

Жимлик бузилди. Одамлар овоз келган ёққа қаради. Ким? Қайда? Халойиқ ҳаяжонга тушди.

Мусулмонқул олазарак бўлиб:

— Кет! Тоғ томонга кет! Эшитдингми? — деб бор овози билан бақирди.

— Эшитдим, ота! Эшитдим!.. — деб акс садо берди боланинг қалтираган овози.

Жамоат чор атрофга олазарак боқиб, девор устида турган кичик бир болани кўриб қолди. Кимдир унга интилди. Бола ирғиб тушди-да, бир зумда қаёққадир ғойиб бўлди.

Қосим мингбоши жаҳл билан ўрнидан турди.

— Буларнинг уруғи ҳали тугамапти-да!..

Худоёрхон қўли билан ниманидир ишора қилиб, Қосимни тинчлантирди. Аччигидан қорайиб кетган мингбошини ич-ичидан қалтироқ босди. Ниёз қушбеги удайчилардан бирини чақириб, бир бош бугдой топиб кел, деб қулоғига шивирлади. Удайчи таъзим билан орқасига қайтди. Кейин Ниёз қушбеги Қосим мингбошининг қулоғига нимадир деди. Мингбоши бош ирғаб, навкарларидан бирини чақириб, бозор қўрғонидаги дарвозаларни ёпиб қўйишни буюрди.

Қийноқ яна давом этди.

Қипчоқ уруғининг овози унга мадад бағишладими ёки сўнгги сўзларини айтиб қолгани учун севиниб кетдими, Мусулмонқул ўзини тетик сизди. Кўзлари равшанлашди, бошини адл кўтариб, одамларга боқди. Қийновчи атай оҳиста келди. Мусулмонқул соғ қўлини ўзи узатди. Қонхўр унинг қўлига қарамай, тўсатдан қиличнинг сирти билан тизза суягига бир урди. Маҳбуснинг оёғи зир этди. У ошиққа қараб серпиди. Мусулмонқул атай оёғини тортиб ҳам қўймади. Жағ суяклари билинар-билинемас қаришиб кетди. Одамлар ҳаяжонланди.

— Илоннинг боласи бўлса ҳам... Нима бўляпти ўзи?..

Кўпчилик ёқасини ушлаб, Мусулмонқулнинг иродасига қойил қоларди. Орадан кўп ўтмай бозор дарвозалари тамбаланиб, қилич ушлаган сарбозлар атрофни ўраб олди:

— Э, тангри... Қандай кунларга қолдик.

Девдай тўртта полвон замбилда сандиқдай қуйма қўрғошинни аранг кўтариб келди. Мусулмонқулни ётқизиб, тахта томонга бошини қўйишди. У кўзини юммай одамларга қараб ётарди. Жаллодлар қўрғошин дўнгатки Мусулмонқулнинг боши узра аста-секин қўя бошлади.

Эл дув этди. Болохонада ўтирган ўрданинг казолари ҳам бир сесканиб тушди. Худоёрхон ўрнидан туриб кетди. Қосим мингбоши Мусулмонқулнинг бақиришини зориқиб кутди. Ниёз қушбеги булбул сайраб турган соя-салқин боғда ўтиргандай, хаёл суриб қўлидаги бир бош бошоқни ўйнади. Гадойбой додхоқнинг юзлари тиришиб кетди.

Бош суяги аста гичирлади... Жағи секин ясси шаклга кирди. Икки кўзи чақчая-чақчая оқиб чиқди. Аммо гиринг деган овоз эшитилмади. Қоп-қора қон соқолларидан чак-чак тома бошлади.

Қашқирдай беаёв, қаттиққўл Мусулмонқул ўлимни ҳам қашқирдай кутиб олди.

— Салавот! Ўч олиш тугади! Салавот! Салавот!

Ўтирганлар елкасидан оғир юк тушгандай енгил нафас олди. Ўч олувчиларнинг ўчи, кекчиларнинг кекки қонгандай бўлди.

— Салавот! Салавот! Ўч тугади! Кек тугади! Салавот!

Ҳамма дув-дув қўзғалди. Аммо болохонада ўтирганларнинг кўнгли ўрнига тушмади. Айниқса Қосим мингбоши душманининг қийноқ пайтидаги мунгли ноласини эшитолмай, ғазабланиб кетди, ўрнидан туролмай қолди. Ўртага жимлик чўкканди. Бозордагилар тиниб қолди. Буни ҳалитдан бери кўриб-билиб турган Ниёз қушбеги қўлидаги бир бош бугдойни Қосим мингбошига узатди:

— Мингбоши... Бу нима?..

Зўрға ўтирган мингбоши биродарига хафа бўлиб қаради. Топган томошангни қара, демоқчи бўлди. Ниёз қушбегининг кўзлари сирли ялтиради:

— А? Бу нима?— дея қайтадан сўради. Бу нима-си? Ҳамма уларга қаради.

— Ҳой, қушбеги!.. Нима демоқчисиз? Бу ахир бугдой-ку! Ё кўрмаяпсизми, қушбеги?— деб Қосим мингбоши гап билан ўйиб олди.

— Раҳмат...— деди қушбеги, кўзларини сузиб. Кейин буғдойни Гадойбой додхоҳга узатди, хоннинг тоғаси эканлиги ёдига тушиб қолдимиз, уни пастроқда ўтирган Абилга кўрсатиб:

— Сиз айтинг-чи, бий, бу нима?

Абил чўчиброқ:

— Буғдой,— деди. Ниёз қушбеги мамнунлик билан бош ирғади. У буғдойни Нормуҳаммад додхоҳга яқинроқ олиб келди.

— Қани, энди сиз айтинг-чи?..

Нормуҳаммад додхоҳнинг жаҳли чиқди:

— Кўриб турибсиз-ку, бу нима?— деди у. Ниёз қушбегининг сабри тугади.

— Мен сиздан сўраяпман, додхоҳ. Сиздан эшитмоқчимиз.

— Бийдай!

— Бийдай...— деб масхара қилди Ниёз қушбеги мийиғида кулиб.— Ҳм. Бийдай... Қипчоқни худди шу сўздан билиб олса бўлади-а, додхоҳ?!

— Яна?

Ниёз қушбеги Нормуҳаммад додхоҳнинг сўзини инобатга олмай, жавобсиз қолдирди. Худоёрхонга эгилиб таъзим қилди-да:

— Мана, ҳазрати олийлари. Шу биргина сўз орқали қипчоқни аниқлаб олиш мумкин. Подишоҳим! Бошингиздаги бахтингиз, давлатингиз зиёда, халқингиз тинч бўлсин, десангиз мингбошига ёрлиқ беринг, ўзингиз эшитдингиз, қипчоқнинг уруғи ҳали ҳам бор экан. Ҳатто шу ергача етиб келибди, ёрлиқ беринг, мингбоши, мана бу турган халойиқ ичидан бегонасини тегиб юборсин...

Гап нима ҳақда бораётганлигига энди фаҳми етган Қосим мингбоши ўрнидан сапчиб турди.

— Э, подшоҳим!— деб юборди.

Худоёрхон бош ирғаб кулди. Кейин Гадойбой додхоҳга савол назари билан қаради. Додхоҳ бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётганда, хон:

— Майли, мингбоши душманларимизни бош кўтартирмай қўйсин. Шундай бўлсинми, тоға? Шундай бўлсин...— деб юборди.

Хоннинг кўнглига қараш шарт. Хоннинг буйруғи икки бўлмайди. Гадойбой додхоҳ бошини қуйи эгиб, тилини тишлаб қолди.

Соқоллари оппоқ, қарашлари мулойим кўринган Нормуҳаммад додхоқ ҳайрон бўлиб, бирдан ёниб кетди:

— Тақсир! Мусулмонқул баджаҳл эди. Мусулмонқул қонхўр эди. Мен унинг қариндошлигига қарамай ўрдадан ўзим қувдим, қонини кўрмоқ истадим, ўзим ҳузурингизга олиб келдим. Буларнинг барчасини адолат, аҳиллик, тартиб учун қилган эдим. Тақсир! Қушбеги шайтоннинг йўлига тушди. Шайтоннинг гапига кирманг, тақсир! Шайтоннинг тили ширин, дили заҳар. Э, тақсир...

— Оғзингни юм, қипчоқ!

Қосим мингбоши тишларини ғичирлатиб шамширига қўл чўзди.

— Ҳой, менинг оғзимга сенинг кучинг етмайди. Уртамизда тақсир ўтирибди. Овозингни пасайтир.

Худоёрхон қовоғини очмай ўтирарди. Ахир у ана шу қари додхоқдан кўп маслаҳат сўраган-ку. Яхшилигини унутмаслик учун ичган қасамлари қаёқда қолди? Бешафқат Мусулмонқул жон таслим қилди. Қипчоқ уруғларининг мурасиси йўқолди, қадри кетди. Энди Нормуҳаммад аввалдагидай додхоқ эмас, Нормуҳаммад—чол. Худоёрхон тоғаси Нормуҳаммад додхоқдан юз ўгирди.

Қосим мингбоши хонга кўпдан-кўп миннатдорчилик билдирди. Энгашиб, этагини ўпиб:

— Э, подишоҳим, душманларимиз бошига маломат тоши ёғсин...— деди.

Шу заҳоти жаллодларнинг қўлида биттадан буғдой бошоғи пайдо бўлди.

Тимқора кийимли жаллодлар саф тортиб, бозор саҳнида тўпланган халойиққа яқинлашиб, бир чеккадан буғдой бошоғини кўрсатиб улардан сўрай кетди:

— Бу нима?

— Буғдой...

— Бу нима?

— Буғдой...

Тўс-тўполон бошланди. Одамларни ваҳима босди. Бир-бирининг панасига ўтиб, ранги рўйи ўчди.

— Бу нима?

— Буғдой.

— Нима? Бошқатдан айт?

— Буғдой.

— Бу нима?

— Буудай...

— Сен?..

Ола чопон кийган, шалвираган бир одам буғдойни кўриб кўрқиб кетди. Саволни тушунмагандай кўзлари олайди. Ёнида турган киши:

— Ҳозир айтдинг-ку, ўша гапни қайтар,— деди кўрқа-писа.— Буғдой-да. Буғдой дсмайсанми, Ҳасанали...

— Сендан ким сўради? Жим тур!— деди жаллод унга. Кейин ҳалиги одамга бақирди: — Тез! Бу нима? Тез?

Ҳалиги киши ўтакаси ёрилиб, орқасига тисарилди.

— Би... Би...

Ҳасанали бир қизариб, бир оқариб қалт-қалт титрарди. Жаллод ундан гумонсираб, бадтар тикиларди.

— Нима?

— Менинг гуноҳим не?.. Нима қилдим?.. А? Мен нима қилдим?

Жаллод унга яқинлашди, қиличини баланд кўтариб, уни қисиб кела бошлади.

— Нима?.. Мен нима...

— Қипчоқ!

— А-а-а...

Пўлат шамшир шарт узди... Тана тупроққа қоришди. Сўроқ давом этди:

— Бу нима?

— Буғдой.

— Бу нима? Тез!

— Буудай.

— Бу?

— Э, тангрим... Буғдой... Буғдой...

Қуёшда қорайиб кетган, юзлари серажин қаландар куйиб-пишиб, тўпдан-тўпга ўтиб хиргойи қилмоқда:

Ўз халқини хор қилиб,
Золим бўлди подишоҳ...
Илож қанча, не чора?!
Яқинми ожирзамона?!

Қаландарнинг ғамгин овози бозорни тутган оҳу воҳни босиб кетганга ўхшарди.

О, ҳор банда, хор банда...

Уни бир жаллод тўхтатди.

— Бу нима?

— Омаднинг кетиши...— деди кўзларини лўқ қилиб. Жаллод хезланди.

— Сен нима деясан? Тўғри гапир!

— Улим,— деди қаландар.

Жаллод қиличини суғурди. Қаландар кулмади ҳам, йиғламади ҳам. Фақат жаллодга мўлтираб қаради:

Қариндошлар бир-бирин

Бўри бўлиб таласа...

Йўл тўсгани йўқ чора,

Яқинми охирзамона?!—

деб шивирлади. Жаллодни унутиб қўйгандай нариги томондан келаётган йиғи-сиғига қулоқ осди. Жаллод бақирди:

— Менга қара!

Қаландар ҳайрон қолди. Кўзларини катта очиб унга боқди.

— Бу нима, деяпман?— деб жаллод буғдойни унинг бетига тақади.— Айтасанми, ё...

Қаландар сира чўчимай жаллод қўлидаги қилич сопи томон оқиб бораётган қонни бармоғи билан кўрсатиб:

— Бу нима?— деди.

Жаллод индамай қолди. Қаландар юзларини аламли тиржайтирди.

— Гуноҳ... Гуноҳ...— деб шивирлади. Жаллод борган сари бўғилиб, бўйин томирлари йўғонлашиб тўхтаб қолди. Нега тўхтади? Қаландар таркидунё қилиб, бўйнига ридо илган банда, уни ўлдириш гуноҳи азим. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кечирилмайди, деган фикр уни ўйлантириб қўйганди. Қаландар қайғу тўла бошини эгиб, яна хиргойи қилиб нари кетди:

О, хор банда, хор банда,

Пешонаси шўр банда...

Иноқ, аҳил яшолмай,

Бир-бирига хор банда...

Халойиқ озайиб бормоқда. Жаллодлар оралаб ўтган ерларда «буғдой» сўзини «бийдай» деб айтган қипчоқларнинг мурдаси қолди. Қўрғоннинг нариги четида

эса қора кийимли жаллодлар ҳамон кишиларни бирма-бир сўроққа тутиб ўртадан ўтказаётир.

Нормуҳаммад додхоҳ кўзларини юмиб, қўли билан қулоқларини беркитди. У мурдадек оқарган, бегуноҳ одамларнинг ноласига чидай олмади. «Мен нима қилдим? А-а-а... Менинг гуноҳим нима? А-а-а... Гуноҳим не? У бу сўзлардан гангиб қолди. Бу фиғонлар қулоғи остида янграб, қулоғини қоматга келтиряпти. «Менинг гуноҳим нима? Садағанг кетайлар, гуноҳимизни айтинг? А-а-а... Ҳа-а-а...» Нормуҳаммад додхоҳ ўзини тутолмай йиғлаб юборди. У туриб, Худоёрхоннинг олдида олпоқ сочли бошини қуйи эгди:

— Э, тақсир... Мен, мен оёғингизга йиқиламан. Мен ялиняпман... Мен узр сўраяпман. Э, ҳазрати олий, қирғинни тўхтатинг! Э, ҳазрати...

Худоёрхон тумшайиб қаради. Нормуҳаммад додхоҳ баттар ерга энгашиб, ялинди.

— Э, тақсир! Қилган яхшиликларини айтиш итнинг иши бўлса ҳам қирғинни тўхтатинг. Мен йт бўлай. Ёмон кунларингизда ёнингизда бўлгандим. Шунинг учун қирғинни тўхтатинг. Бундан буён ҳам бир умр хизматингизда бўлай. Оппоқ бошимни эгиб, ёр ўпиб сўрайман, қирғинни тўхтатинг.

Худоёрхон парво қилмади. Ҳеч бўлмаса, Гадойбой додхоҳнинг ҳурмати учун жаҳлидан тушиб қолар, деб хондан кўз узмай турган Ниёз қушбеги энгил тортиб, чуқур нафас олди:

— Ҳой, ҳурматли додхоҳ! Нима деяпсиз? Сиз билан биз ҳукмдорнинг қулимиз. Палон вақтда палон хизмат қилган эдим, ҳақини бер, дейиш инсофдан эмас. Бундоқ дегани ҳақимиз йўқ, додхоҳ! Ахир сиз нима деяпсиз ўзи? Биласизми, шариятнинг қонунқоидасига хилоф иш қилган киши бу дунёда подшоҳнинг газабига учраб, нариги дунёда дўзах ўтида куяди.

Худоёрхон газабланди. Ниёз қушбегининг сўзларида шубҳа йўқ. Хон ердаги худо. Худо билан тортишмоқ бандага ярашмайди. Кимлигидан қатъий назар, хоннинг амри вожиб бўлмоғи керак. Нормуҳаммад додхоҳнинг яхшилигини эслаш у ёқда турсин, жаҳли чиқди.

— Додхоҳ! Узингиз кимсиз? Кимдан ҳақ талаб қиляпсиз? — деди у қаҳр билан.

Нормуҳаммад додхоҳ жим бўлди. Худоёрхон ўрнидан қўзғалди, Ниёв қушбеги уни қўлтиғидан суяди. Хон кетишга шайланди. Нормуҳаммад додхоҳ шунчаки сипогарчилик учун белига тақиб юрган гавҳар сопли эгри қилични қинидан суғуриб, Худоёрхоннинг олдига иргитди:

— Ол... Менинг уруғим қирилиб, ёлғиз ўзим қолган шу кунда на тирикман, на ўликман... Ўзинг чопиб ташла! Мен ҳам қипчоқман...

Худоёрхон қайрилиб қарамади. Қайтага қиличнинг устидан ҳатлаб ўтиб, йўлида давом этди.

Ўша куни тунда Нормуҳаммад додхоҳ отга минди. Шаҳарнинг ўн саккиз дарвозасини қўриқлаётган юзбошиларга уни шаҳардан чиқармаслик ҳақида яширин буйруқ берилган эди. Дарвоза берклигини олдиндан сезган додхоҳ чавқар аргумоқни минди, кимхоб тўн ўрнига совут кийди, белини пўта билан маҳкам боғлади, дудама шамширини яланғочлаб, қасос олиш учун ўз йигитларини бошлаб кетди.

Назоратчилар кўриб турганди. Юзбоши дарвоза устида туриб бақирди:

— Додхоҳ! Қайт! Ҳукмдорнинг буйруғи шундай...— У гапини ниҳоясига етказмай, шилқ этиб девор қиррасига осилиб қолди. Тўс-тўполон бошланди. Нормуҳаммад тўппончасини белига қистирди.

— Ол! Чоп! Ё, оллоҳ!— дея қичқириб, ўзи биринчи бўлиб ташланди. Тарс-турс! Ёнидаги йигитлардан иккитаси шартта отдан тушиб, қиличбозликка ўтди. Қипчоқлар ўлишига қарамай, олға босиб, назоратчиларни дарвозага қисиб қўйишди.

— Уринглар! Санчинглар! Ё, оллоҳ!

Нормуҳаммад додхоҳнинг овози қўрғоннинг қоронғи бурчагида янада баландроқ янграб, акс садо берарди. Қисқа олишувдан хабар топган бошқа дарвозалардан сипоҳийлар чопиб кела бошлади. Минора устида замбарак гумбурлади. Шовқин авжга минди. Юраги жангу жадалдан тамоман зада бўлган шаҳарликлар ташвишга тушиб қолди. Юздан ошиқ назоратчини доғда қолдирган Нормуҳаммад додхоҳ шамолдай учиб, тун қўйнида ғойиб бўлди. Орқасидан икки-уч марта замбарак отган бўлишди. Зим-зиё тун. Замбарак товуши тун қаърига сингиб кетди...

Мусулмонқул ўлдирилди. Шу билан ўрдадаги келишмовчилик барҳам топдими? Худоёрхон қипчоқ уруғини аёвсиз қирди. Уни бундай қабиҳ ишларга етаклаган кишиларнинг мақсади бошқа эди. Улар қипчоқларни бир йўла қириб ташламагунча ўлкада тинчлик ўрнатиб бўлмайдди, деб хон қулоғига қуйишганди. Натижада вилоятларда парокандалик авж олди, халқ ҳолдан тойди. Бунга жавобан маҳаллий элатлар қипчоқлар билан бирлашиб, 1858 йил Ғулжада қўшин тўплади, элат бийлари Олимбек додхоҳ билан Олимқул додхоҳлар Худоёрхондан бош тортди, Маллабекни чақириб, уни хон деб эълон қилишди. Кейин Норин ва Қорадарё сингари тўлиб-тошиб, ўрда сари юриш бошланди. Худоёрхон Бухорога қочиб кетди.

Худоёрхон тахтдан қулади. Қосим мингбоши, Ниёз қушбеги ўлдирилди. Хўш, ўрдадаги жанжал босилдими?

Маллабек хон бўлгач, атрофига элатдан одамларни кўпроқ тўплади. Аскарлар кўпайди. У барча мангит уруғидан ўч олишга интилган кишиларни инсофга чақириб, уруғ оқсоқолларини, бекларни яраштирди. Ўрдага Бухоро амирининг бошқарув усулларини киритиб, мингбоши ўрнини бекор қилмоқчи бўлди. Фақат расмийат учунгина Олимбек додхоҳни мингбоши қатори кўрса-да, аслида иш юзасидан ундан олисроқ юрди. Додхоҳларнинг қилган ишларини олисдан кузатиб, гуноҳкорлардан вақтида ўч олиб, ҳукмдорликни ўз қўлига бир йўла олди. Орадан бир неча йил ўтгач, Маллахоннинг атрофида ҳам шум ниятли кишилар пайдо бўлиб, унинг пинжига киришди. Олимбек додхоҳ бунга чидамай, бош кўтармоқчи бўлувди, хон уни ўлимга ҳукм қилди. Олимбек додхоҳ қочиб кетишга мажбур бўлди. Маллахоннинг тарафдорлари ўртасидаги келишмовчилик янада авж олиб, фисқи фужур кўпайди. Хон қанчалик ҳийлагар, ҳамма нарсани олдиндан кўра биладиган, иккиювлама, айёр бўлмасин, ўрдадаги келишмовчиликларни босиб қўёлмади. 1862 йили уни яширин равишда ухлаб ётган жойида димитириб ўлдиришди.

Балки ўрда шу билан тиниб-тинчигандир?

Бухоро амирининг ёрдами билан Худоёрхон тахтга

қайта келди. Лекин кўп кунга чидаш бермади. Бухорога иккинчи марта қочиб кетишга мажбур бўлди. Олимбек додхоқ билан Олимқуллар бошчилигида ўрда қайтариб олинди. Улар бош кўтарган ҳамма меросхўрларни жазолашди. 1863 йилнинг баҳорида Маллахоннинг ўн икки яшар ўғли Султонсаидни тантана билан оқ кигизга ўтқазиб, хонликка кўтаришди. Бу гал Олимқул оталикни қўлига олиб, ўрдани ўзи бошқара бошлади.

Ўрдада юз берган алғов-далғовлар, тахт талашувлар, қирғинлар элнинг ўсишига, жамиятнинг олға қараб ривожланишига ёрдам берадиган бирор ижобий таъсир кўрсатдимми? Додхоқлар, хонлар фақат ўзларинигина ўйлаб иш қилишди. Амал учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Хоннинг сўзи ерда қолмасин, деб бегуноҳ кишилар қилич дамига тutilди. Юртларни хонавайрон қилишни қаҳрамонлик деб билишди. Уларнинг хаёли ҳамиша айшу ишрат, шароб, қизларнинг кўнглини овлаш билан банд бўлди. Турмуш қонун-қоидалари шариат билан ниқобланиб, бундан минг йиллар муқаддам ҳаёт кечирган ота-боболаримизнинг эски урф-одатларига маҳкам ёпишиб олишди. Жамият, халқ бундан нима наф кўрди? Етимларнинг ёши, оналарнинг, тул хотинларнинг қайғуси ошди, тақдирга тан бериш, худога сиғиниш, саробдай алдамчи умиди кўпайди, холос.

Балки энди ўрдадаги бошбошдоқликка Олимқул додхоқ чек қўяр? Кўп ўтмай Олимбек додхоқ иккови ўртасида кураш бошланди. Бир йил ўтмай, Олимбек додхоқнинг боши олинди. Келишмовчилик балки энди тугагандир?

Йўқ! Тугамаган экан... Ниҳоят, Олимқул оталикни Тошкентнинг шундоққина биқинида генерал Черняев қўшинларига яқин ерда айгоқчилар отиб ўлдиришди...

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Ҳамиша иссиқ қон чўқиб кўникиб қолган бургут ўлимтикка қаноат қилармиди? Бургут умид билан овчининг овози чиққан томонга талпинарди, қаттиқ қийтқийт қилиб, оғзини кап-кап очиб ялинарди. Яхши кўр-

ган бургути бир ғариб бечорадай овқат сўраб туришига Сарибой овчи бардош беролмай, тескари қараб олди.

— Эртага нима бераман? Индинга уни нима билан боқаман?

У нима қилишини билмай, тинкаси қуриди. Бир иложини топиш керак! Тирмашиш лозим.

Сарибой сабр-тоқати тугаб, қишлоқ устидаги қалин арчазорга чиқди. Бориб, тунов куни қўйиб келган сим тузоқларни қаради. Бари аввалгидек. Ҳатто кўр каламуш ҳам илинмабди.

Олис ва оғир қиш заҳмати чорва моллар тугул, тоғдаги ҳайвонот, жонзотларга ҳам қаттиқ таъсир қилганди. Каклик, қирғовул, чил баҳорга етмади. Бир ёқдан қор, совуқ, бир ёқдан очлик уларни қириб юборди. Турган ерида музлаб, бўри ва тулкиларга ем бўлди. Кийиклар кўзларини жовдиратиб қўраларга, саройларга кириб келиб, кўп қисми одамларнинг қўлида нобуд бўлди. Мана, қор-ку кетди. Ер, олам яшарди. Афсуски, Сарибой оёғи етган ердан бирорта силовсин учратмади. Ёки ернинг қут-баракаси учиб кетдими?

Сарибой тентираб юриб, кечқурун уйига қуруқ қайтди. Эшик бўсағасида уни хотини Суюмхон умид билан кутиб турарди.

— Яхши келдингизми, овчим,— деб хушнуд кутиб олди. Нима ҳам дерди? У ёрилиб кетган лабларини тиржайтириб, қайғули жилмайди.

Кенг уйнинг ўнг бурчагида бўйинини қайириб, тумшуғини жигарранг парлари орасига яшириб ўтирган бургут овчининг овозидан таниб, улкан қанотларини ёзди, ем тилаб қийқилади. Тумшуғида тумоғаси бўлгани учун овчининг қайси тарафда ўтирганини тусмоллаб, талпинарди. Сарибойнинг қулоғига бургутнинг овози тобора сўниб борарётгандай эшитилди. Оч! Очлик унинг қувватини сўриб, ҳолдан тойдирапти. Сарибойнинг юраги ачишди.

— Овчим, шунга увол бўлди. Эртадан-кечгача овоз келган томонга интилади. Унга бергудай егулик бирор нарса бўлса-чи? Умиди узилган сари ёш боладай интиқлик билан қанот ёзади. Шунини қўйиб юборганингиз яхшимасмикин? Пешонангизда бўлса, бургут топилиб қолар. Қўйиб юборинг қийнамай...— деди Суюмхон.— Унга ем излайвериб, чорингиз ҳам тўзиб кетди...

— Эй хотин, бу нима деганинг?

Сарибой хафа бўлгандай тумшайиб қолди. Бўлар иш бўлди. Нима бўлса ҳам у овчи-да. Ўз қўлида ўн марта тулатган олғир, синалган қуши-ку! Ҳатто ўз сонидан бир парча эт кесиб беришга тайёр бўлган одам уни қўйиб юборармиди? Бу бургут тилсиз махлуқ бўлса-да, Сарибойнинг қадрдони, гўё оила аъзоларининг бири қатори. Сарибойни иложсиз хаёллар эзарди.

Суюмхон ошхонадан толқон олиб кираркан:

— Емиш оз қолди,— деди ташвишланиб.— Биргина биз эмас, тўрт уйли қариндошларингизда ҳам ҳеч вақо қолмади. Умиди биздан. Биздаям халтада ярим ойга етадиган толқон қолди. Йилдагидай қиш енгил келганида бемалол пишиқчиликка етиб олардик. Афсуски...

— Бўлди! Мунча мени исканжага олмасанг!— деди бирдан қизишиб Сарибой. У анчагача бўғилиб ўтирди-да, кейин Модилни чақиртирди.

Модил эшиқдан кириб саломлашди. Сарибой ўтирган кўйи бош ирғади.

— Иним,— деди Сарибой,— бургутнинг ғамини мен еяй. Қўлимиздаги бор нарса тугаб боряпти. Кун сайин очарчилик яқинлашяпти. Нима ҳам қилардик, кўпчиликка келган офат экан. Сен овқат ташвишида бўл,— деб Сарибой бургут қўндирадиган ярғоқ қўлқопини Модилнинг олдига ташлади.— Ма, буни олиб яшил ўзан томонга бориб, Тангриберди тоғага салом айт. Бир улов дон берсин. Яхши одам, сени қуруқ қайтармайди. Омонлик бўлса, узармиз.

— Ака, уловни нима қиламиз?

Сарибой кулди:

— Шундоқ боравер. Қараб кўр, буёғи нима бўларкин? Айтгандай, Идин қайда? Уни эргаштириб ол. Икковинг бир улов донни бўлиштириб оласан. Наҳотки уни кўтаролмасанглар?

Модил қўлқопни олиб, ўридан турди.

— Майли, Идинни топиб, ҳозирлик кўрай.

— Шундай қил. Эртага саҳар жўнанглар. Оқ йўл...

Модил хайрлашиб уйдан чиқиб кетди.

Сарибойнинг кўнгли ёришгандай бўлди. У деворда осиқлик турган қўбизни олди. Кўпдан бери уни чалмаганди. Қўбиз торларини тобиға келтириб созлади. Нохун теккан торлар бирин-бирин сеҳрли куй таратаркан, у жон қулоғи билан тинглаб, монанд мақом изларди.

Ҳа, у қўбизни сайратувчи эди. Ота касби бўлганлиги учун яхшигина ўрганиб олганди. Бироқ у шикорга ҳавас қўйгани учунми, қўбизни жуда кам қўлга оларди. Унинг ҳаётида шодлик кунлари оз бўлганлиги сабабли қўбизни ҳадеб чалмасди. Гоҳо ёлғиз қизини, бургутини эркалатгиси келсагина кичик кулбани сеҳрли оҳанг тутиб кетарди.

Сарибой сурнай овозига монанд қилиб машҳур «Кўрўзан» куйини чертди. У ўзига ёққан куйларнинг авжинигина хуш кўрарди. Ана шу йўсинда ўша куйга дардини, ташвиш ва қувончини омихта қилиб юборарди. Сарибой ҳозир бу қадимий оҳангни зўр ихлос билан чалмоқда. Куйда бепоён далалар, кўз илғамас тоғлардан тўлиб-тошиб келаётган сон-саноқсиз эл қораси намоён бўларди. У қаҳрамонлик, шон-шухрат, ўлимни даф қилган иродани олқишлаш билан севимли куйга нуқта қўйди.

Бургут куйни тингламай қўйди. Катта эгри тумшугини очиб, қийт-қийтлаб овоз келган томонга интилади. Сарибой қўбизини қўйиб, бургутига қараб хаёл суриб қолди. У баҳайбат қанотини ёзиб, патларини титар, қайғу билан қийтиллаб ўрма қайиш боғични чўқирди. Уни узолмаслигига кўзи етдими, патларини ҳурпайтириб Сарибой тарафга ташланди.

Сарибой эрта турди.

— Менинг йўлим ёпиқ бўлса ҳам, тозининг йўли очиқдир...

У ҳатто хотини билан хайрлашмай тозини эргаштириб, пилтали милтигини елкага осиб, эрталаб адирга чиқиб кетди.

Таниш арчазорга қуёш чиқмай етиб борди. Сим тузоқларни, қопқонларни кўздан кечирди. Яна ҳеч вақо илинмабди. Сарибой бунга қайғурмади. Сабаби, кўнгли тўқ. Умиди фақат тозидан. Шунинг учун иложи борича унга етиб юришга ҳаракат қилди. Тушга қадар қуруққа чопди. Икки марта шунчаки ўқ узди. Ҳеч нарса кўринмади. Қайдадир чумчуқ чирқиллади. Ўша чумчуқ бўлса-да, қанийди. На кўзга кўринади, на мўлжалга келади.

Олдинда бораётган този шу чоқ тўхтаб, ерга қараб қолди. Сарибой ўзини панага олди. Този тилғини осилтириб, ерда судралиб юра бошлади. Нима бўлдийкин? Сарибойнинг юраги дук-дук урди. Този пойлай-пойлай

кичик бир тешиктан тупроқ сураётган кўрсичқонни кўрди. Бори шуми? Сарибой чор атрофга зеҳн қўйиб қаради. Кўрсичқондан бошқа нарса кўзга илашмади. Аттанг, Сарибойдай овчининг куни шунга қолдими? Кўнгли чўкди. Шу маҳал този пайт пойлаб сичқонга ташланди. Олди! Хайрият! Сарибой чопиб келди, ит янги тупроқни титкиларди. Ҳеч вақо йўқ.

— Сенинг ҳам йўлинг бўлмади.

Този гўё бу гапдан хижолат тортгандай, нари кетди. Сарибой кўрсичқоннинг инини бузиб, хийла уринди. Панжаларининг учи қизариб кетди. Ин тобора чуқурлашиб борарди. У пешонасида пайдо бўлган реза-реза терни енги билан артиб, акса урди. Хаёлга чўмди. Нима қилиш керак? Буёғи қандай бўлади? Ундан сал нарироқда този ётибди. Ун йилдан бери ана шу ит ҳамиша унинг ёнида. Ов вақтида эгасига кўмаклашди, ҳалол хизмат қилди. Сарибой кўзларини тозидан узолмай қолди. Мадори қуриди. Рангидан қони қочди. Мурдадай оқариб зўрға ўрнидан турди.

Эгаси бош томонига келганида ит кўзини эриниб очди ва думини ликиллашиб эркаланиб қўйди. Сарибойнинг қалтираган қўллари унинг бошидан силаб ўтиб, шап тумшугини сиқиб ушлади. Този қимирлашга улгурмади, тулкиларнинг бўйнидан бураб синдиришга одатланиб кетган чайир қўл кўз очиб юмгунча ўз кучини кўрсатди...

Сарибой тайфоннинг терисини шилиб тўрттала сонини, қобирғаларини қопга солди. Шум фалакнинг ишига тан бериб, мунгли бир кайфиятда қоп оғзини бўғди, елкасига ташлади.

Кечқурун хотини одатдагидай эрини очиқ чеҳра билан кутиб оларкан:

— Ҳа, қопингиз дўмпайиб қолибдими?..— деди кулиб ва қопга энгашди.— Эй, худо-ей...

Сарибой очиқ бир нима демади. У жуда ҳориганидан индамай уйга кирди-да, пойгакка қопни қўйиб, бургутга ўшқирди. Шу маҳал қизалоғи Қундузой отам гўшт олиб келди, деб суюниб чопиб келди-да, қоп оғзини очди. Сарибойнинг дили вайрон бўлди:

— Йў-қ... Еб бўлмайдиган гўшт бу... чироғим,— деди гуноҳқорона у, тери қўлқопни шошиб кийди, ориқ този гўшtidан кесиб, бургутига ташлади. Оч бургут ирғиб тушиб емишга ташланди. Қийқиллаб, қизганиб

Сарибойнинг қўлидан гўшти тортиб олди, қора қанотларини қоқиб, узиб-узиб ея бошлади.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Тозининг гўшти тугади. Сарибой яна ем ташвишига тушди.

Чорвага қулай бўлсин учун тошдан тизза бўйи кўтарилган кенг қўра. Ташқарида тош охур. Юқори қисмида билакдай булоқ суви шилдираб оқмоқда. Бу Қорабойнинг номи кетган қишлови. Эртагаёқ эгаси кўчиб кетса, қуруқ тош девору, қўйнинг қийидан бошқа ҳеч нарса қолмайди.

Сарибой узоқдан қараб келаётир: тош қўранинг четида бир-бирига яқин тикилган икки ўтов. Тўғридаги янги бўз ўтов бойники. Ҳеч садо чиқмайди. Атрофда ҳам ҳеч ким кўринмайди. Сарибой эшикка етганида келаётганлигини маълум қилиш учун йўталиб қўйди. Шундагина шарпани сезиб, уй ортидан қора ит чиқиб келди. Сарибой сесканиб кетди. Ит «вов» деб бир марта ҳурди-ю, Сарибойни ўтовдан ювинди олиб чиқди, деган ўйга бордими, қулоғини шалпайтириб, думини осилтириб ўрнига қайтди. Ҳамон уйдан ҳеч ким чиқмасди.

Сарибой бойнинг уйига кириб, бўсағада тўхтади. Тўрда чакмонига ўраниб Қорабой ётган экан. Ошхонада хотини тескари қараб нима биландир банд эди.

— Ассалому алайкум, Қора ака!

Қорабой тиши йўқ жағини ажабтовур қимирлатиб алик олди.

— Э... Сарибоймисан? — деди таниб.

Сарибой бойнинг этак томонига тиз чўкди.

— Шунчаки, ўзим, Қора ака... — деди қопни ечаркан. Бойнинг шилпиқ кўзлари қопга тушди.

— Ҳа, — деди қувониб у, — овчи ўғлим совға олиб келган шекилли.

— Шунга яқин бир нарса...

— Ҳой, хотин! Қайдасан?

Хотини ошхонадан кўриниш берди.

— Овқатингни олиб кел. Совғани одатда овга чиқиб олиб келинарди, мана, мерган укамиз ўзи совға билан келиб қолибди. Шундай пайтда бирга туз тотмасак бўлармиди? Тезроқ бўл...

Қорачадан келган хотин қовоғини солди. Эрининг кўнглидан ўтолмай, ошхонада анча ивирсиб, кейин дастурхон ёзиб, янги пишган иккита илиқ лаҳим гўшт,

ёғли шўрва келтирди. Сарибой эшикдан киргандаёқ хотин гўштни шоша-пиша беркитаётганлигини фаҳмлаган эканми, негадир ундан жирканди.

— Олаверинг, бой ота,— деди у, дастурхон четига қўлини артиб ва қопдаги совғасини унинг олдига суриб қўйди.— Шўрим қуриб, сизга келдим. Улоқ берсангиз ҳам йўқ демайман. Бой отам шу арзимаган совғага лойиқ бирор нарса бериб қолар, деб келувдим.

Қорабой инграб юборишига сал қолди, бироқ кўзини қоплон терисидан узолмади. Сарибой дарров турдида, терисини бош томонидан ушлади, жунларини силаб:

— Бой ота, совғага уни бер, буни бер дейиш одатдан эмас. Нима ҳам қилардик... Ҳаёт шунга мажбур қиляпти. Бу ташвиш ёлғиз менинг бошимда эмас-ку?— деди.

Қорабой нима дейишини билмай, арзибандалик қилди:

— Э, мерган ўғлим... Бойнинг боягидайми, боягидай бўлса, борини аяғудайми, дейдилар. Шундай. Боягидай юз йилқи олдимизда кишнаб турса, қанийди? Устингга тўн ташлаб, от миндирган бўлардим.

Сарибойнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қулоғигача қизариб кетди.

— Ўзинг кўриб турибсан, овчи болам, ўнта туёғим қолди... Юз йилқидан ўнта қолса-я?! Юз йилқидан... Юз йилқидан-а? Э, худо, қандай кунларга қолдик?

Сарибойнинг хаёли чувалашиб кетди, кўзини юмиб, қайта очди. Унинг кўзи бойнинг қизариб бораётган кўзлари билан тўқнашди. Қорабойнинг кўзлари ҳасад олови билан ёнарди, иложи бўлса, дунёни бир олма қилиб қўлига тутқазсангу, у шаппа ютиб, ҳеч нарса бўлмагандай бақрайиб тураверса!

— Ўлик мол бизда ҳам турибди,— деди Қорабой.— У нон билан гўштнинг ўрнини босмас экан. Бу нарсалар тўқчиликда ҳашам учун, борчиликда безак учун керак экан,— у чўккалаб, қўллари қалтираб яна оҳ-воҳ қила бошлади.

— Оҳ, эсиз молим!

Сарибой унинг бу қадар айюҳаннос солишини, оҳ-воҳ қилишини кутмаганди. Бечора овчи бойнинг кўнглини кўтаргудай илиқ бир сўз айтишини ҳам, кулишини ҳам билмай, ҳайрон бўлиб турарди.

Қорабой юз йилқили бой эди. Ҳалиги хотиндан

фарзанд кўрмаганди. Туғиб берадиган ёшроқ бошқа хотин олиш ниятида юрарди. Лекин ёш хотиннинг ўзига яраша азоби бор. Уни эркалатиш, кўнглини хушлаш керак. Бунақа қилишга баданида олов, белида куч-қувват қани? Қарининг хотини — барининг хотини. Дунё кўзига яхши кўринадиган пайтда қариб қолган бўлса, фарзанди бўлмаса, бор меҳрини сон-са-ноқсиз қўй, йилқига қўяркан...

— Майли, майли, Қора ака. Худо бошимизга солган экан, иложимиз қанча? Майли, хафа бўлманг. Сўзимни қайтиб олдим. Менга ҳеч нарса керак эмас.

Қорабой мук тушиб ўтирарди. Сарибой ошиқиб уйдан чиқди. Қоплон терисига қарамади ҳам. Очиққўл ва тантилик билан яшаб ўрганиб қолган очиққўл овчининг эсига бу нарса келармиди?

— Сизлардай қузғунларнинг кўзи тегиб... Сизлардай очкўзларнинг суқи кириб... Эсиз молим. Э-э, фалак!— деб гўлдиради Қорабой.

Сарибой кўра-била туриб, шундай хасис одамдан умидвор бўлиб келганига кўп пушаймон еди, изза бўлди, у эски қабристондай ваҳимали, қўрқинчли туюлган бу ўтовдан тезроқ олислашга ошиқди.

...Авваллари ёнига ёрдамчи олиб, йўрга тўриқ отини миниб, тозисини эргаштириб, дабдаба билан овга бсрадиган овчи бугун бургутини елкасига қўндириб, ҳеч ёққа қарамай, ёлғиз ўзи тепаликка жўнади.

— Този билан менинг ризқим тугаган бўлса ҳам, бургутимнинг ризқи бордир.

Ҳаммаёқ жимжит эди. Ҳатто чумчуқ ҳам чирқил-ләмасди. Атроф кўм-кўк. Баланд қирларда олачалпоқ қор. Бу гўзал оламда жон зоти қирилиб кетгандай. Ғир-ғир шабада эсади. Момақаймоқ олтин тангалардай ял-ял товланади. Намхуш ерлардан билинар-билинимас буғ кўтарилади. Димоғингга майса ҳиди урилади.

Бургут оғирлашиб, Сарибойнинг елкасини толдириб, қобурғасини қайиштирди. У бургутни бир елкасидан иккинчи елкасига ўтказди. Бургутнинг ўткир тирноқлари елкасига ботарди.

Сарибой адир бағрини синчиклаб кўп айланди. Ҳеч нарса йўлиқмади. Жаҳли чиқса-да, кезаверди. Бирон нарсанинг шитир этган овози эшитилмасди. У қора терга ботди. У тинкаси қуриб бир тепаликда тўх-

тади, катта қора тошга бургутини қўндириб, ўзи ўтирди.

Иложи қанча? Сарибой қўлини иягига тираб хаёл сура бсшлади. Қўлоғи шинғилларди. Шамол эндигина барг чиқараётган шувоқларни тебратарди. Сарибойнинг терлари қуриди. Қўйлаги баданига муздек тегиб, сесканди. Қуёш чарақларди. Кун илиқ. Табиат унинг гам босган кўнглини ёритарди. У чопонини ечиб, бир оз ёнбошлади, яна туриб ўтирди. Вужуди зирқирарди. Қўйлагини ечди, қўлтигини қашлади, энгашиб бит қарашга тутинди. Худо урган бит, аҳволи танг кишиларнигина босади...

Бир маҳал бургут юлқиниб, талпинди, шабаданинг эсишига қулоқ солиб, қаттиқ қий-қийлаб безоғталанди. Қайларгадир парвоз қилиб, шабада билан ўйнашгиси, паға-паға булутлар устидан ошиб ўткиси келганга ўхшарди.

— Шарпа сизди шекилли...

Сарибой бургутнинг тумоғасини олди. У қўлдан чиқиб, кўкка отилди. Ови бароридан келсин. Сарибойнинг юраги дукиллади. Дариғ тутма, худо! Берадиганингни аяма, саховатли тангрим! Сарибой яхши ният билан қаердан, қандай ўлжа чиқаркин, деб олисларга боқиб чехраси ёришди.

Бургутнинг қораси кўринмай қолди. Овчи интиқлик билан кутди. Йўқ... Фақат шабада шувоқ барглари тортқилаб ўйнайди. Дараги йўқ... Балки кетиб қолгандир?.. Сарибойнинг юраги эзилди.

— Э, қирон бургутим... Кетиб қолдингми?..

Сарибойнинг кўзлари осмонга қадалди. Уни оғир, даҳшатли ваҳима босди. Оғзини юмишни ҳам унутиб, кўримсиз соқолини селкиллади уёқ-буёққа чопди. Гўё осмон уни ютиб юборгану, энди ҳеч нарса бўлмагандай Сарибойга тикилиб турганга ўхшарди. Сарибойнинг бағри хун бўлди.

— Э, қироним... Мени ташлаб кетдингми? Мен шўрлик сени қаҳатчиликдан олиб чиқолмадим. Э, қирон бургутим.

Сарибой аввалгидай қаттиқ чақиролмади. Бундай қилишга ҳуқуқи йўқдай сизди ўзини. Тили айланмади. У титраб кетди.

— Э, қироним... Сени болам билан баробар кўрардим... Э...

Ана! Қаёқдандир бургутнинг овози келди. Ана! Сарибойнинг юраги ёрилгудай бўлди. Ана! Силовсин кўргандагина у шундай чақирарди. Сарибой ўзини тутолмай, кўйлагини кийишни ҳам унутиб, яланғоч лапанглаб чопди. Овозининг борича бақариб югурди...

— Э, ўргилайин товушингдан. Айланайин!— деб икки қўлини баланд кўтариб қичқирди. Тепа томондан ҳавони ёриб, шувуллаган товуш тобора яқинлашарди. Уша! Сарибой севинганидан бургутга ҳам, худога ҳам ялинди. Сарибой атрофига қаради. Нима учундир шохга беркинган ёки ерда йўрғалаб қочиб бораётган ўлжа кўринмади. Ана! Бургут! Кучли қанотларидан чиққан овоз шабаданинг гувиллашини босиб, ўқдек ўзи томон келмоқда. Сарибой қотиб қолди. Бургут арқон бўйи қолганда, Сарибой ердан калтак олиб, ўзини тўсишга улгурди. Қаҳрли бургут запти билан келиб бир тешиб ўтди, калтак тенг ярмидан шарт синиб кетди.

— В-ой! Бу нима қилганинг, қироним!

Ҳаддан ташқари очиққан бургут ўшанда уч марта айланиб, уч марта човут солиб, ҳеч нарса тополмай юрган пайтда дўнгдаги яланғоч одамга кўзи тушиб, унга ўзини урган эди. У ўз эгасини танимади. Сабаби, яланғоч Сарибой бургут кўзига кийик боласига ўхшаб кўринган бўлса керак.

Бургут яна юксакликка кўтарилди. Сарибой эс-ҳушини йиғиштиришга улгурмади. У темир панжаларини ёзиб, кучли тумшугини очиб, думалоқ қизил кўзларидан заҳар сочиб, ўша онда яна човут солди. Улим! У қўлида қуроли бўлмагани учун қора тошни айланиб қоча бошлади. Улим! Ҳаллослаб қолди. Улим! Шу кезде унинг кўзларига қонга бўялиб, қулғини шалпайтириб ерда ётган қадрдон тазиси кўринди... Алқасосул миналҳақ! Улим!

А-а! У ер титиб, тош отарди. У қўлига тупроқ илашса, тупроқ ирғитиб, хашак илашса, хашак отиб, ўзини ўлимдан ҳимоя қилди, ўлимга пўписа қилди. А-а-а! Жон ҳолатда қилди. А-а-а!

Яшаш учун бўлган умид кишини қўрқоқ ва тортинчоқ қилиб қўяди. Яшашдан умиди узилганда қўрқинччи унутади. Сарибой қўрқувни эсдан чиқариб, бургут билан олиша кетди. Унинг бошини бураб бошишга, оёғидан ушлашга тиришарди. Бургут чап бериб

Сарибойнинг юзу кўзларини чўқирди. Овчи йиртқичнинг икки оёғидан тутиб, тиззасига босишга уринарди. Олишув кескин тус олди. Бургут кўзга ташланди. Сарибой ўзини олиб қочди. Йиртқич бўйинини тўлгаб ҳамон кўзга сапчирди. Овчи бошини тўсиб, кўзини олиб қочиб, пайт пойлаб бургутга ҳамла қиларди.

Сарибойнинг кўзларида ўт чақнади. У кўзларини чирт юмиб, бор кучини тўплаб, қаттиқ курашди. Овчи ниҳоят йиртқичнинг бир чангалини тиззаси билан босишга улгурди ва бўшаган қўли билан бўйинини сийпалаб топиб маҳкам сиқа бошлади, буради, кейин уни босиб олди...

Сарибой қонга бўялиб, ўлиб ётган бургут устидан ағдарилиб тушди. У кўзини очмоқчи бўлди. Кўзи очилмади. Кўзини сийпалади. Қўлига шилимшиқ бир нарса уринди. Қон эди. Сарибой уни пайқади. Қоп-қоронғи. Гўрдай зим-зиё. Ҳозиргина ярқираб турган мунаввар олам қани? Қонсираб, гавдаси оғирлашиб борарди. Эс-ҳушини йиғиштириб олди. Ҳалигидай қўрқоқ, тортинчоқ бўлма. Унда қайғуга, қувончга юзма-юз борадиган қатъият пайдо бўлди. Э, тангри, кўздан айирдингми? У гандираклаб, чалишиб, бургутнинг қорайиб ётган қанотлари ёнига йиқилди...

II

Улмаган қулга наврўз ҳам келди. Қишнинг қаҳридан қутулган кишилар бамайлихотир кўм-кўк майсалар устида ўтириб, тўйиб-тўйиб нафас олади. Кўтарам моллар дийдираб зўрға ўрнидан қўзғалади, ўзини офтобга тоблаяди. Қуёш гўё онадай жамики жонзотга меҳр билан нур улашади.

Эл қишловларни ташлаб, кунгай яйловлар сари кўчиб борарди. Кўчманчининг моли қанча кўпайса, шунча хасис бўлади, элдан олисроққа кетади. Чунки, одам бойиган сари инсонийлик фазилатларини унутади, ўзгаларга муҳтожлик сезмайди, қўни-қўшни бўлиб ўтов тикишни хуш кўрмай қолади. Тангриберди яйловга кўпчилик билан бирга чиқди.

Тирикчилиги асосан деҳқончилик билан ўтадиган беш-олти хўжаликнинг чорва-мол билан унчалик иши йўқ. Сув яқин ерларга ўрнашиб, ариқ очиб, дон-дун экадиган ярим кўчманчи Тангрибердининг тўпига

кирган хонадонлардан қишда толқон, ёзда оқишоқ узилмайди. Камдан-кам кўчиб юришади. Жуда аҳил яшайди. Ёз кунларида ҳам экинларига яқинроқ ерда туришади.

Қуёш олов пуркарди. Қишлоқ ўртасида бир тўп болалар «Чек эчки» ўйнашарди. Эшик олдида Тангриберди билан Гулкиши иккови тариқ экишга тайёргарлик кўриб, тиркиш ясаб ўтирарди. Суҳбат авжида. Ип йигириб ўтирган Санам гоҳида суҳбатга аралашарди.

— Тангриберди оға,— деди Гулкиши.— Сарибой бечоранинг аҳволи қалай экан? Остингда отинг бўлмаса, одам қаноти юлинган қушга ўхшаб қоларкан. Кўрмайсизми, отим бир оз дам олсин, дедиму, сизлар билан бирга боролмай қолдим. Пиёда бир қарич ҳам юролмайман.

Тангриберди ачиниб бошини қимирлатди.

— Нима ҳам қиларди? Баданлари тамом титилиб кетган. Кўзидан ажраган. Ётган бўлса керак бечора.

— Бургутига лаънат-э! Ушани боласидай ардоқлар эди. Зоти йиртқич бўлгач, охири ўзига чанг солипти-да. Эшитишимча, гўр оғзидан қайтган эмиш Сарибой боёқиш?

— Шўрлик хотини қандай кунга қолдийкин? — деди Санам.— Ёлғиз қизи бор эди.

— Кўзидан ажралгани ёмон бўлди. Хотинига нима қиларди? Бир кунини кўради. Улган кишиларнинг ортида ҳам одамлар қолади-ку,— деди Тангриберди.

Уйда Ойзода нимадир ямаб ўтирганди. Бу гаплар кўнгли яримта жувонга ёмон таъсир қилди.

— Ойзода!— деди кампир ташқаридан.— Кечқурун оёғимизни ёқамизми? Кун ботмай чўпчак териб келгин, болам.

Ойзода ташқарида ўтирган қайнонасини кўз олдига келтирди. Бирор нарса деса, балога қолади. У ямоғини кўрпа қатига қистириб, ўрнидан турди. Ҳамиша чаққон бўлишга ҳаракат қиларди. Зора шу билан қайнонасининг кўнгли юмшаса. У тезда арқон олиб ташқарига чиқди.

— Тезроқ кел,— деди Санам кампир.

Ойзода нарироқда ўйнаётган болалар орасидан Пўлатни чақирди.

— Юр, жажжи бола,— деди у,— ўтин териб келамиз, тез бўл, қоқиндиқ...

Пўлат қийшанглаб унамади:

— Ҳали-ги... Йў-қ. Янга, қорним очди-и. Утин тергани бормайман,— деб гайсаллади.

— Уйиндан қорнинг тўядими?

— Тўймайди. Қорним очди. Қорним...

— Даладан ўтин териб келсак, сенга сут пишириб бераман. Қани юр, қоқиндиқ.

Ойзода унинг пешонасидан силаб эркалатди. Пўлат инсофга кирди. Ойзоданинг қўлидан арқонни олиб, сакраб-сакраб олдинга югурди.

Темир шаҳид бўлган йили Пўлат тўққиз ёшда эди. Бу йил ўн иккига тўлди. Бошда ота-онаси анча-мунча пўписа қиларди. Айниқса Темирнинг ўлиmidан сўнг, Пўлатни кўзининг оқ-қорасидай асраб, ўз эркига қўйишди. Боланинг баъзи жиҳатлари Темирга ўхшаб кетарди, Ойзода ўнғайсизланиб, қора кўйлакда ипирилиб, дўмолини тузатмай хаёл суриб борарди.

Қайга ошиқади? Баҳорнинг эрка капалагидай чарх уриб, ёшликка, севгига ташна юраги қаёққа шошади? Қувноқ кулгию илиқ сўз қайда дейсиз. Ма-на, бу йил қайнотаси ўғлига ош бериб, сўнгги маросимни ўтказди. Одатга кўра, қуда-қудағайларини чақириб, хоҳласа боши очиқ, деб рўхсат беришлари мумкин. Анчадан бери тул келинчак шунини ўйлайди. Энди гаму андуҳдан қутулиб, ўз бахтини ўзга ердан қидираётгандай, қандайдир бир илинж билан ўзини овунтиради. Холи қолган вақтида ойна олдида узоқ туриб, ажинларини сийпалаб, юраги қон бўлади.

Ойзода оғир ютинди.

Пўлат эса олдинда чопқиллаб кетяпти. Бола экан-да, қорни очгани ёдидан чиқиб, хушбўй ўт-ўланларни ушлайди, булутларга тикилади, гоҳо арқонни қўлидан тушириб, капалаклар кетидан қувлайди. Капалаклар лип этиб, осмонга кўтарилиб кетгач, бир неча дақиқа ўрнида қотиб қолади. Капалак қайрилиб қарармиди? Пўлат майсалар орасида қолган арқонни қўлига олиб, чўкир ботган сёқларини сийпалаб йўлида давом этади...

* * *

...Кечки пайт эди. Темир қўлини пешонасига қўйиб, узоқ қараб турди. Яшил жилға ичидан, кўм-кўк сувни бўйлаб, тоғ тарафга кетган йўл ёшида тўн-тўн

кишиларнинг қораси кўринди. Бир... Икки... Уч... Орти узилмай қумурсқадай чуваланиб келмоқда. Энг олдидагиси туғ ушлаб олган. Шақир-шуқур, жаранг-журунг овозлар қулоққа яққол эшитиларди. Карвон қўнғироқлари жаранглаб, поёнсиз дала қўйнида тарвақайлаб кетган ёлғиз шотутнинг шундоқ қуйи томонидан ўта бошлади.

Тариқ энди бош тортган эди. Тангриберди бир нечта деҳқонлар билан ўтган йилги қўриқчиларни пайкалларга қайта ўрнатиш билан овора эди. Улар карвонга кўзи тушгач, йўл бўйига югуриб чиқишди.

Кўч юкланган карвон аста ўтиб борарди. Устига гулдор гилам ортилган, қизил ширдоқ юкланган туялар қўнғироқларини жаранглашиб келарди. Оқ докарўмол ўраган кампирлар туя устида зикр тушгандай тебранишарди, бўталоқлари чопқиллаб, қулунлар ёқимли кишнарди.

— Кимларнинг кўчи экан?

— Туғига қаранглар,— деди Тангриберди.

— Ойнинг тасвири бор экан...

— Ҳим, демак, барғи уруғининг кўчи экан.

Тангриберди йўлга яқинроқ бориб, туякаш эркаларга салом берди.

— Меҳмон бўлиб кетинглар, бой акалар!— деди.— Бу — элатнинг удуми.

— Йўлимиз олис, йўлимиз олис,— деб жавоб қайтаришди таклифга жавобан.

— Ҳеч бўлмаса, чой ичинглар, бой акалар!

— Чойми, кейин ичармиз... Норнинг бели толмасин, биз рози.

— Оқ йўл бўлсин, бой акалар!

— Айтганинглар келсин, пири бадавлат бўлинг!

Кўч ортилган карвон қўнғироқларини жиринглашиб, толзор оралаб ўтиб борарди.

Тангриберди оппоқ соқолларини ушлаб, қошларини чимириб хаёлга чўмди.

Элатнинг одати шу. Йўл — ўн икки ой қишлоддан яйловга, яйловдан қишловга қатнайди. Балки минг йиллардан бери шу одат давом этиб келаётгандир. Бошпана бўлгудай битта ўтов, уни кўтаргудай бир улов, миниш учун от, соғин сигир, сўқим учун ўнта жонлиқ бўлса бас. Кўч-кўч бўлиб қолса, хотинини яхши кийинтириб биясига, қизини айғирига минди-

ради, ашқол-дашқолини, чийларини ортмоқлаб йўлга тушади. Тиклаган қўрғони, кўкартирган боғи бўлма-са! Улардан бир тўда қий, ўчоқ учун хизмат қилган учта қора тошдан бошқа нима ҳам қоларди? Доим кўчиб юрган элатларнинг аерлар бўйи туман босган йўлида адирларда дўппайган қабрдан бўлак нишона қолмайди, улар тоғ шамолидай кезиб юради.

Этдан тушган қўлларининг қон томирлари кўкариб кетган кекса чол ана шу нарсаларни ўйлади.

— Меҳмон бўлиб кетинглар, бой акалар...

— Йўлимиз олис, йўлимиз олис...

Карвон ортидан оқ бўталоқли тўп кўринди. Тимқора бия минган аёл юк устидан ширдоқ ёпилган туяни етаклаб борарди. Селкиллаб, лўкиллаб келаётган бўталоқ оппоқ эди. Йўрға той минган бола қамчи билан ниқтаб бўталоқнинг жиғига тегарди. У ўз навбатида болага «бў-ў» деб думалоқ кўзларини ўйнатарди, бўйнидаги қўнғироқчаларни жиринглатиб, бола билан ҳазиллашгандай ирғишларди. Орқада хонадоннинг бўйига етган қизи. Қиз остида кумуш ўмилдириқли қора қашқа бедов. Тўққизил ёпқичнинг шокилалари оша айғир оёқларига уриларди. Қиз шоҳи сўзанага бўз ямоқдек ярашиқсиз катта-кичик арпазор, тариқзорлардан нигоҳини узмасди, пайкал ўртасидаги қўриқчиларни одамларми деб ўйларди-ю, уларнинг қимирламаётганига ҳайрон бўларди, уйқу тўла кўзларини сузиб қўярди. Қундуз телпак устидаги укки пати силкиниб ҳуснини янада очиб юборарди. Қоп-қора сочлари майда ўрилган. Думи кесилган қора ит тилини осилтириб йўл четидаги шувоқлар соясига ётади, кўчни кўздан қочирмай яна югуриб кетади. Жиринг... Жиринг... Кўч олдидаги туя бўзлади...

— Чой ичиб кетинглар, бой акалар...

Юк ортлган ҳўкиз ортида келаётган оқ бўталоқли тўп эгаси отнинг бошини буриб:

— Чойни кейин ичармиз,— деб келиб Тангрибердига салом берди.— Ассалому алайкум, Тангриберди ака, бормисиз?

— Шукур, шукур,— Тангриберди қараб қолди.

— Танимадингизми? Мен Ёмғирман. Барғи уруғидан, Тангриберди ака.

— Ҳим, кўз қурғур илғамай қолибди. Истаранг иссиқ кўринганди. Танимабман,— деб Тангриберди

шошиб қўл чўзди.— Жабай оқсоқолнинг ўгли Ёмғир эканлигиниги энди билдим. Мол-жон омонми, Ёмғирим? Ке, чанқоғингни бос.

— Шукур. Шундай қилиб эл орасида, кўч қорасида ғивирлаб юрибмиз, Тангриберди ака.

Темир йўл бўйига олиб чиқилган саночдан заранг косага тўлдириб қимиз қўйиб узатди. Ёмғир от устида туриб қимизни шимираркан:

— Ҳой, хотин! Бир оз жиловни тортиб, болаларнинг чанқоғини босайлик,— деб кўч томонга қичқирди.— Шундай қил, орқада қолганлар етиб келгунча.

— Ол, Темир, қимизни ўша тарафга олиб боринглар,— деди Тангриберди йигитларга қараб. Эшим саночни елкасига солиб, Темир косани олиб чопди.

— Омон бўлсанг бўлди, Ёмғирим. Ҳамма гап омонлиқда. Қайси яйловга бормоқчисизлар?

— Бу йил Минг Буғида бўламиз, Тангриберди ака, Бийлар ундан нари Таласга мол ҳайдаганмиш, Авлиёотага ўрис савдогарлари қатнаб турган эмиш, ўша Талас орқали ўтиб, мол сотамиз, дейишяпти. Хўп, дедик. Элдан қолмай кўчиб боряпмиз.

— А-а,— деди Тангриберди ҳайрон бўлиб.— Тузук, нафи тегадиган ерга бораётган экансизлар. Урис савдогарлари нима олиб келиб сотишаётган экан? Қу-рол бўлса керак-да, а?!

— Йўқ, улар ҳозир қуро-л сотмаётган эмиш. Қозоқ чўлидан буёққа қараб ўриснинг кўп қўшинлари кел-япти, дейишди. Худо уларнинг бетини кўрсатмасин. Қўқон тўс-тўполон эмиш...

— Ҳа, бу гапинг янги...

Темир билан Эшим оқ бўталоқли тўпга етиб, аёлга қимиз узатишди. Аёл қимиз тўла косани қўлига олиб энди ичаман деганда, йўрға тойни йўрттириб, ўгли келиб қолди. У қимизга лаб тегизмай боласига узатди.

— Ма, ичиб ол, қароғим.

Бола терлаб кетган бурнини пишилла-тиб, қимиз ичди. Аёл кейинги косадан ҳўплади-ю, томоғидан ўтмай:

— Бойми-рза, қоқиндиқ, опангни чақир,— деди.

— Ичаверинг, хола,— деди Темир одоб билан.— Ҳали қимиздан бор.

Аёл косадаги қимизни бир йўла ичиб, биясига

қамчи босаркан, йигитларга. миннатдорчилик билдирди.

— Катта раҳмат. Бахтли бўлинглар, садағанг кетайлар.

Темир қимизни олиб қиз томонга шошилди.

Қорақашқа айғир думини қимирлатиб, пишқириб қўйди ва сувлигини шилдиратиб ўтга энгашди. Темир отга яқин келганида, арғумоқ чўчинқираб бўйин товлади.

— Чанқоғингизни босинг, гўзал қиз!..

Қиз қалдирғоч қанотидай қайрилма қошларини кериб, йигитга зимдан боқди, ўзини сипо тутиб, косага оҳиста қўл узатди. Момиқдай оппоқ билагидаги кумуш билагузуклар жиринглаб кетди. Темирнинг юраги жиз этди. Қизнинг тухум оқидай губорсиз юзидан кўз узолмади. У косани олаётганида қизнинг бир бармоғи учини косага қўшиб ушлади. Қизнинг оппоқ юзлари қизариб кетди, олдида турган кенг яғринли, қора кўзли йигитга ҳайрон бўлиб тикилди. Темир қиз бармоғини секин бўшатди. Қиз сир бой бермай, қимиздан бир ҳўплади-ю, косани узатди.

— Ичмадингиз-а...

Гўзал қиз хурсанд бўлганиданми бошини хиёл эгиб, сузилди ва мулойим жилмайиб, тизгинни силтади. Қорақашқа жўнаб кетди. «Қўлини ушлаб беодоблик қилдим-да, кўнгли ранжиб қолди шекилли», деб Темир ич-ичидан пушаймон бўлди, унинг орқасидан қараб қолди.

— Хайр, оқ йўл, Ёмғирим!

— Хайр, айтганингиз келсин, Тангриберди ака. Айтганингиз келсин.

Ёмғир Тангриберди билан хўшлашди, хўкизни ҳайдаб, Темирнинг ёнидан ўтиб кетди.

— Хайр, йигитлар!

— Хайр, яхши боринг!

Кўч олислаб, қамиш ва дарахтлар панасига ўтиб кетди, қўнғироқнинг жиринг-жиринги олисдан элас-элас эшитиларди...

Тангриберди тариқзорга қайтди:

— Шу ҳафта охирида биз ҳам молларни юқорига ҳайдаймиз,— деди ёнидагиларга.— Элатнинг куни шу. Мундоқ ўйлаб кўрсанг, элатнинг биргина бахтиёр куни кўч билан юриш экан... Бор-йўғини йиғиштиради,

ямоқ тушган бўлса-да, кўйлаклари оқ бўлади, тонг билан уйғонади, яхши ният қилиб эрталаб йўлга тушади. Кўч устида қорин очлиги ҳам, тўқлиги ҳам унутилади. Кўч устида қариндошларининг гина-кудурати эсдан чиқади. Кўч устида қирқ кокил қиз билан бўз ўғлоннинг узанги уриштириб, ёнма-ён юриши айбга саналмайди... Кўчнинг йўлини тўсиб, чойга таклиф қилиш, тушмаса от ёлида чанқоғини бостириш, ҳолу аҳвол сўраш, оғиб кетган юкини ўнглаб қўйиш ота-бобомиздан қолган одат. Ҳеч бўлмаганда, ирим учун, ёнлаб от елдириб ҳов анави бурилишдан ўтказиб қўймадинглар-а? Атай кузатдим, маёлларингга ҳам келмади...

Темир севиниб кетиб:

— Эшим икковимиз кузатиб қўяйлик!— деди.

— Дон ташвиши билан бўлиб, одамгарчиликдан чиқиб кетишингларга оз қолибди. Ёнидан ўтсак, итидан олислатиб қўйишга ярамади, деган иснодга қолмайлик, бориб шундай қилинглар.

Темир чавқар йўргани минди. Йўрға ёлларини селкиллатиб, ўт-ўланлар орасидан елиб борарди. Эшимнинг қора оти йўрғадан гоҳ ўзиб кетарди, гоҳ ортда қоларди. Темирнинг кўзи оқ бўталоқли тўпни қидирарди. У ширин орзу-хаёллардан маст бўлиб, умид қанотида парвоз этарди.

— Ҳорманг, бой ака! Отнинг бели толмадими?

— Бор бўлинглар, йигитлар! Худога шукур, отнинг бели бақувват.

— Темирбек, секинроқ юр-чи...

Темир дўстига бир қаради-ю, тизгинни тортди...

Йигитлар қизил бешик ўнгариб олган келинчакли тўпга яқинлашди. Бешик ушлаган аёл хаёл суриб келаётгани учунми, сезмади. Йигитлар шатирлатиб ўтаётганда, келин минган қора ёлли сариқ от ҳуркиб кетди. Келин чўчиб, отини тўхтатди, рўмолини қия очди.

— Ҳорманг. Отнинг бели толмадими?

— Худога шукур, болаларим!— деди олдинда бия миниб бораётган кампир келини учун.

— Кимнинг кўчи, келинойи?— деб келинга яқинлашиб сўради Эшим. Келин ерга қаради. Кампир удумга яхши амал қиладиган одати борлиги учун келинига қараб:

— Жавоб бер, болам, одобли йигитларга,— деди. Келиннинг болалик нусхи кетмаган сариқ юзлари қизариб кетди. Жавоб беролмади. Уятчан келинни хижолат қилмайлик, деб йигитлар ўтиб кетишди.

Темирлар жилға йўли тор бўлгани учун бурилишдан тиккасига кесиб қирга чиқишди. Қир усти текис ер эди. Кўчнинг олди аллақачон текисликдан ўтиб, қават-қават адирлар орасига кириб бораётганди. Икки чети майсалар билан қопланган сўқмоқ ипдай чуваланиб кетганди. Баландликка кўтарилган сари ҳаво салқинлашиб, оппоқ булутлар ерга яқинлашиб қолганга ўхшарди. Димоққа шашир билан эрман ҳиди уриларди.

— Етолмадик-а?..

Темир от устида қўлини пешонасига қўйиб, олдинда бораётган кўчларни кўздан кечирди.

— Ана... Оқ бўталоқ.

Оқ бўталоқ онасидан қолмай лўкиллаб борарди. Қиз орқасига қайрилиб қарамади. Сочидаги тақинчоқлари қуёшда жимирилди... Темир нафас олмай узоқ тикилди. Қўнғироқнинг ёқимли овозлари ортда қолиб, кўч ортган ўша тўп қатлам-қатлам адирлар орасида ғойиб бўлди...

Ўша гўзал қиз шу Ойзода эди.

Ойзода қизил юзли йигитни иккинчи марта Минг Буғи яйловидаги қизлар ўйинида кўрган эди.

Ўшанда ҳам ана шу қизил юзли йигит умид тўла кўзларини ундан узмаганди. Қизлар ўйинининг ўзгача гашти бор эди. Улар қиз билан куёвни олқишлаб қўшиқлар айтишарди, рақсга тушишарди. Ойзода дугоналарига аралашиб, ўзини алаҳситмоқчи бўлди, аммо йигитнинг нигоҳидан қочиб қутулолмади. Бу ким? У нимага ҳадеб қарайверади? Қиз йигитдан ҳавфсираб қолди. У буёққа кўчиб келишаётган кунни эсладди. Ўшанда коса тагидан қўлини ушлаб ҳазил қилган йигит шу эмасмиди? Юраги ҳаприқиб кетди.

Қизил юзли йигит ўзини вазмин, сипо тутди. Қиз ёшлик шавқи тўла кўзларини сузиб, қўнғироқдек овози билан анча ашула айтди. Йигит эса бу гўзал қизни бир маҳаллар кўч устида кўрганлигини, кейин юраги эзилиб, уни қир, адирлар орасидан излаганлигини куйлади. Мен излаган кишимни, орзу қилган одамимни шу ердан топдим, деб айтиб юбормасайди, деган

хаёлга бориб, Ойзода қизариб-бўзариб, ерга қараб ўтирарди.

Қиз ва йигитлар бу нотаниш йигитнинг нима демоқчи бўлганлигини сезиб қолганга ўхшарди. Ойзодага шундай туюлди. Лекин эслик йигит эмасми, ашулани шу ерда тўхтатди, қиз кўнглидан кечган гапни билгандай, унга зимдан қараб қўйди.

— Қойил! Юракни эритгудай қўшиғинг бор экан, оғайни,— деди йигитларнинг бири. Тўрда рўмолини очмай ийманиб ўтирган қиз ёнидаги куёв Темирга чақчайиб:

— Дўстим, орзу қилганинг шу ердами дейман...— деб қолди.

— Қўрқманг, куёв бола, менинг излаганим бошқа.

Даврадагилар кулиб юборишди. Куёв қулоғигача қизариб, бошқаларга қўшилиб кулган бўлди. Ўшайда Ойзода ҳам яширинча Темирга бир қараб қўйди. Нияти қора одамнинг ранги илондай совуқ бўлади. Дили тоза кишининг чеҳраси гул-гул ёниб туради. Ўтган йили қазо қилган момоси ҳамиша шундай дер эди. Ойзода ҳозир шуни эслади. Ўзини дугонасининг панасига олиб, йигитни яхшигина кузатди. Шу пайт Темирнинг кўзи қизнинг кўзи билан тўқнашиб қолди. Ойзода бу гал кўзини йигитнинг ўтли нигоҳидан олиб қочолмади.

Эртасига қизил юзли йигит қизнинг янгаларидан бирига юрагини ёрди. Ойзода уялиб, нима дейишини билмай қолди. Учрашувга чиқолмади. Эртасига Темир Ойзодаларнинг ўтови томондан вафодор қуш ҳамда садоқатли сайёд тўғрисидаги қўшиқни баланд овоз билан айтиб ўтди.

Эл яйловдан қайта бошлади. Туғида ой сурати бор барғи уруғи яна ўзан бўйлаб Қизилжар томонга йўл олди. Деҳқонлар ҳам аллақачон дон-дунларини йиғиштириб бўлишган эди. Одатдагидек йўлга қимиз кўтариб чиқишди:

— Овқатланиб кетинглар, бой акалар!

— Чанқоқ босиб ўтинглар, бой акалар!

Фақат Темир йўлга чиқмади. Узини босди. Буни Эшимдан бошқа киши билмасди. Бари бир Темирнинг кўзи кўчларда, оқ бўталоқни изларди. Тўп орасидан ё оқ бўталоқ, ё кампирнинг оқ рўмоли кўрингандай

бўлди. Юраги жиз этди. Нигоҳини яширди. Менсимаган одамга қараб бўлармиди. «Ори йўқ йигит экан, яна тиржайиб йўлга чиқибди?» деб ўйламасин. Темирни ер зўрға кўтариб турганга ўхшарди. У сув ёқалаб, қуйи томонга кетди.

Ўз илиқлиги кўнгилни ёритади. Кўнгил илиқлиги одамларни бир-бирига дўст қилади, яқинлаштиради. Ёмғир билан Тангриберди шу боисдан ҳам бир-бири билан жуда иноқлашиб кетган эди. Ёмғир қариндоши Қулботир билан Тангрибердининг қишлоғига яқин ерга юкини тушира бошлади. Тангриберди қувониб, кечқурун икки пақир бўзани кўтариб борди. Ёмғир билан Қулботир ўзларига яраша олачиқ тикиб олишибди. Аслида бу олачиққа одам сиғмаса-да, идиш-товоқ холироқ турса бўлгани. Ёмғир Тангриберди билан сўрашиб, кўчлардан бирини ечди, шоша-пиша кигиз ёзиб, кўрпача солди.

— Келинг, Тангриберди ака, келинг,— деб меҳмонга иззат-ҳурмат кўрсатди.

Салом-алиқдан сўнг, Санам кампир сузган бўзадан бир косадан ичишди, бир оз вақт ўтгач, Ёмғир бўйинни чўзиб чақирди:

— Ҳой, Ойзода! Қизим, Биймирза қаёқда юрибди? Чақир, жонлиқни буёққа ҳайдаб келсин,— деди. Бир қўлтиқ ўтин териб келаётган Ойзода ўтинни ерга қўйиб, Биймирзани чақиргани кетди. Ёмғир қизига қараб қувониб:

— Бизнинг ёмон қизимиз шу,— деди меҳмонларга.

Тангриберди бош ирғаб:

— Бори яхши. Катта бўлиб қолибди...

— Яна битта шўхимиз бор,— деб Ёмғир адир ёққа қараб қўйди.

— Жонлиқнинг орқасида юрибдими? Ўғил болада. Молнинг эгаси.

— Ҳа, ишқилиб омон бўлишсин, фалончининг фарзандлари дейишса бўлди бизга.

— Борига нима етсин. Бори яхши.

Биймирза йигирма чоқли қўй-эчкини ҳайдаб келиб қолди. Терга пишиб кетибди. Бегона кишиларни кўриб, қараб қўйди.

— Ҳа, ўғлим, мунча бўғриб кетмасанг, хўш, нима гап ўзи?— деди Ёмғир.

— Қўйлар ҳеч сўз бермайди. Нариги томонда ўт сероб экан,— деди Биймирза бурнини тортиб.

— Яша, ўғлим. Қани, меҳмонлар билан бир сўрашиб қўйгин-чи.— У уялди.— Ҳой, тортинма! Қўлни узатиб сўраш! Қўлингни бер,— деди отаси.

Тангриберди боланинг қўлини қисиб эркалатди.

— Оббо, азамат-ей! Катта йигит бўлиб қолибди. Курашга тушса ҳам бўлаверади,— деб мақтаб тер босган пешонасидан ўпди. Кейин Санам кампир ўпди.

— Биймирза! Қоқиндиқ,— деди Ёмғир,— энди қўзиларингни семизидан бирини танлаб олиб кел. Тез бўл!

— Оқ совлиқнинг қизил боласини ушлайми? Уша семизроқ.

— Билар экансан-ку. Майли.

Ойзода ўтинни ўчоқ олдига ташлади. Аста келиб меҳмонлар билан сўрашган бўлди. Тангриберди унга қараб:

— Бор бўл, қароғим... Бор бўл...— деб қўйди.

Ойзода гилосдай қизариб, Санам кампир билан ёнма-ён ўтирди. Кампир қизга ҳавас билан боқиб, бурнининг учидан чимчилаб олди ва ўша қўлини ўзи ирим қилиб ўпиб қўйди. Ойзода онасига қарашди. У қизил гулдай очилиб, айна бўйи етган пайти эди. Майда ўрилган сочлари тақимини ўпарди. Юриш-туриши, одоби бинойидек, беозор, ёқимли. Санам кампир ҳавас билан қизга қараб: «Бир уйни обод қилади, омон бўлсин. Бахтли бўлсин», деб қўйди.

Ёмғир ўғли етаклаб келган қўзини чилвир билан боғлаб, меҳмонларга рўпара қилди.

— Қани, Тангриберди ака, шу арзимас жонликка фотиҳа беринг.

— Ҳой, Ёмғир, бу нима қилганинг? Қўйсанг-чи,— деди Тангриберди.— Қўзининг гўшти пишгунча алламаҳал бўлади. Биз шу ердамиз. Сен кўчиб бораётган бўлсанг...

— Йўқ, ундай деманг, Тангриберди ака! От жўнатиб олдириб келадиган одамсиз. Остонамга биринчи марта қадам босишингиз. Жонлиқ сўймасак бўлмайди. Қани, рухсат беринг.

— Об-бо,— деб Тангриберди ноилож фотиҳа бериб, қўллари билан соқолини сийпалаб қўйди. Ёмғир қўзининг туёғини боғлар экан:

— Тангриберди ака, соғ-саломат эканмиз, тўкин дастурхон устида суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин. Кўч кетса, йўқолиб қолармиди? Биз ҳам борармиз...

У қўзининг тўрт туёғини маҳкам танғиди-да, личоғини енгига артиб:

— Аллақанча кун бўлди, аллақанча тун бўлди, сенда ёзиқ йўқ, менда озиқ йўқ, қорин сенга ҳам ёвлик қилди, менга ҳам...— деб нималарнидир пичирлаб, қўзини бўғизлади. Ўз навбатида Тангриберди ҳам ана шу дуоларни ичида пичирлаб ўтирди.

— Ойзода, Қулботир аканг кўринмайди. Қаёқда? Ё чарчаб қолдимикин?— деди Ёмғир қўзининг қўл, сонларини ажратиб. — Чақиринглар, Тангриберди отангнинг суҳбатини эшитсин.

— Улоқларни суғоргани кетувди,— деди Ойзода.

— Ҳа, айтгандай, ўзим жўнатувдим.

— Биз буёққа келаётганда, Гулкиши билан суҳбатлашиб турган эди,— деди Тангриберди.— Балки ўшаникида бўза ичиб ўтиришгандир.

Ёмғир қозонга илик ва гўштни солаётиб кулди:

— Тушунарли! Қулботир кўчишимизни унутиб қўйди чоғимда. Бўза деса бўзлагин, бўсагадан сўзлагин, деган гапни Қулботирга чиқарганми дейман! Биймирза, қароғим, тойни мин. Ҳув қишлоққа бориб Қулботир акангни топ, ўша ердагиларнинг ҳаммасини чақириб кел.

Меҳмондорчиликка кўпчилик келди. Кечаси алламаҳалда дастурхон йиғиштирилди. Тангриберди узр сўради.

— Қани энди, Ёмғир, бизга рухсат бер. Кел демоқ бор, кет демоқ йўқ. Қўзғалиш меҳмондан, қани, фотиҳа ўқийлик.

— Шошиб қайга борасизлар?— деди Ёмғир.

— Йўқ, Ёмғир. Сен ҳам кўп ушланиб қолдинг. Йўлга тушишинг керак.

— Майли, майли, Тангриберди ака. Қани, омин!

— Омин! Ҳамиша Хаста Хизр қўлласин! Кам бўлма!

— Раҳмат! Хуш келибсизлар, меҳмонлар!

— Хушвақт бўлинглар!

Улар кўч-кўронини ортишиб, хайр-маъзур қилгач, Тангрибердилар орқага қайтди.

У кампири билан уйга келса, Темир йўқ. Қаёқда

юрибдийкин? Эл билан бирга бориб шўрва ичмади, деб ўйлаб туришган эди, Темир анҳор томондан чиқиб келди. Ўзини хурсанд кўрсатишга қанчалик уринмасин, бари бир юрагини нимадир ўртарди.

— Ойинг иккаламиз Ёмғирникига йўқлаб боргандик. Қайда эдинг? Кетаётиб сени тополмадик. Қишлоқнинг четига биров қўнса, бориб сўрашиб қўйиш фарз. Одамдан қочиш нодонлик белгиси. Нимага қочдинг? Нега бормадинг?

Темир қулоғигача қизариб кетди. Отасига қараёлмади. Хайриятки, шу чоқ Эшим чақириб, уни оғир аҳволдан қутқазиб қолди. Темир чиқиб кетди.

Эшим унинг энг яқин, дилкаш дўсти эди. Мана, у яна ошнасини кутиб турибди. Унга қаради. Хаёлида нима бор? Уйин-томоша бор. Темирнинг қовоғи очилди.

Темир ёнига келгач, Эшим қўлини орқасига қўйиб:

— Қўлимда нима бор? Топ!— деди.

— Қўйсанг-чи, шу ҳам топишмоқ бўлди-ю. Тунов куни ҳам «буни топ», деб кечгача овора қилиб, қуртнинг ўлигини кўрсатувдинг.— Бошқа маҳал бўлганида-ку Эшим дўстини хўп ўйнатган бўларди-я. Афсуски, бу сафар Эшимнинг ўзи шошиб турган эди. Шунинг учун секин кафтини очди. Унинг ориқ панжалари орасида ихлос билан тахланган шоҳи дастрўмол турарди. Эшимнинг кўзлари ўйнаб Темирга қаради. Темир ҳайрон бўлиб қолди. Кашта тикилган рўмолча. Эшим рўмолчани баланд кўтариб, ўзиям ҳозир кўриб тургандай ҳавас билан Темирнинг юзига яқин олиб борди.

— Бу нимакин?

Рўмолчадан гуп этиб мушк-анбарнинг ҳиди урилиб, Темирнинг юраги ўйнаб кетди. Буни қаёқдан олдийкин? Темир кўзини оҳиста юмди.

Оқ қанотли қуш ҳақида куйлаган йигитни Ойзода унутмаган эди. Қайтага ҳар кун қўмсаб, унинг ҳажрида ёна бошлади, йигитнинг юзидай қизил шоҳига ихлос билан дил дардини битди, қоя остида ўсган ажаб-товур хушбўй ҳидли гул сувига рўмолчани чайди. Бу ўн олти ёшдаги қизнинг нозик ҳис-туйғулари, меҳри нақшланган бир парча шоҳи рўмолча эди.

— Ҳу анави ўртага тушган янгаси бор эди-ку,—

деди Эшим,— кўч бораётган томондан ўтаётсам, мулойим табассум қилиб, «ҳорманг», деди. «Отнинг бели оғримадими?»— десам, «Шукур»,— деб жавоб бердида: «Ҳалиги қўшиқчи йигит кўринмайди? Ёки кўкрагини захга бериб ётибдими?»— деса бўладими. Эртадан бери сени излаб тополмадим. Атай бирор ёққа кетиб қолган бўлса керак бу айёр, деб ўйладим. Билмайману, ишқилиб...

Темирнинг юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

— Кейин қўлини узатди. Э-ҳа, маза бўлди. Қўли шунчалик юмшоқ эканки, бирам юмшоқ...

— Кейин нима бўлди? Қисқароқ қил. Кейин...

— Кейин: «Ҳой тушмагур, шошилганда қўлимни ушлаб нима қиласан? Қўлингни ол тезроқ», деди. Қарасам, кафтимда шу турибди. «Ашула айтган дўстингга бериб қўй», деди. Ҳеч нарса кўрмагандай буёққа чопдим. Бор гап шу.

Темир қувонганидан нима қилишини билмай ҳангу манг бўлиб қолди.

Шу воқеадан кейин Темир билан Эшим барғилар уруғи томонга яширинча икки марта бориб, бир марта Ойзодани кўриб қайтишди. Айтишларича, Қизилжар томонда Ойзоданинг ўтроқлашиб қолган қариндоши бор экан. У қорабағиш уруғидан бўлиб, анча бадавлат эмиш. Ёмғир бозорга ҳар келганида мол ҳайдамай ўша қариндошлариникидан керакли нарсаларни олиб кетаркан. Ўртада анчагина қалин ўтишиб қолганга ўхшайди. Темир тишини-тишига қўйиб юрди.

Кеч кузда Ойзода Тангрибердиниинг остонасини ҳатлади.

Орқасидан Қулботир бошчилик қилган йигирма беш киши Ёмғир билан бирга қувиб келди. Қулданбой уруғи худди шуни кутиб турганди. Қулботир қишлоқнинг уст тарафига келиб, қамчисини тираб:

— Ҳой! Бекназар ботир! Буёққа чиқ!— деди бақириб. Бекназар бошқа чақиртириб ўтирмай, тўғри Ёмғирнинг олдига чиқди.

— Чақирган эдинг, мана чиқдим, қуда.

— Қаёқдаги гапни айтяпсан, ботир. Ким қуда? Мен қизимни излаб келдим. Шишиниб кетибсизлар. Бўлмаса шундай қилармидинглар? Шишмаса ўша йигит унашиб қўйилган қизни олиб қочармиди? Қани, жавоб беринг,— деди Ёмғир хўрланган кишидай.

— Ёмғир ака, қани отдан туш. Гапинг бўлса ҳам, бордию чопмоқчи бўлсанг ҳам отдан туш. Гаплашайлик.

Ёмғир қулоқ солмади:

— Қайда ҳалиги дилозор?!.

— Ҳа, бу бошқа гап. Қани энди юр, бўлган воқеани қизингдан эшит.

Ойзода қиз-келиндар билан тўла хонадонда эди. Уша ердаги бола-чақа, хотин-халажлар уларга қараб қолишди.

— Сўра, Ёмғир. Сўрашга ҳақинг бор. Суяги сеники, танаси эмас. Боши очиқ қизни зўрлаб олиб қочган йигитга жазо — ўлим. Бунга ҳеч ким аралашмайди. Укам уни олиб келди, агар у зўрлаб олиб қочган бўлса, қўл-оёғидан боғлаб бераман. Сўра, агар қиз ўзи рози бўлиб қочган бўлса, ҳеч нарса деёлмаймиз. Моли кетган мол, пули кетган пул олади. Сўраб кўр.

Ойзода чимилдиқда экан. Яқинроқ келишди. Бекназар имлаб, сўра, деди. Одамлар ўзларини панага олиб, кузата бошлашди.

— Ойзода! — деди Ёмғир. У жавоб бермади.

Ёмғир яна қаттиқроқ чақирди:

— Ойзода! Шу ердამисан, нега овозинг чиқмайди? Мен отангман. Жавоб бер.

— Шу ердаман, — деди Ойзода қалтираган овозда. Ҳамма жим бўлиб қолди. Нима деркин? Ешлик қилиб тонса-я?

— Зўрлаб олиб келдими? Уғирлабми?

Ойзода хийла вақт индамади. Қулботир нимадан-дир гумонсираб безовта бўла бошлади. Бекназар хижил бўлди. Яна сўра деб Ёмғирга ишора қилди.

— Ойзода! Қўрқма, қароғим! Бу ерда мен турибман. Зўрлаб олиб келган бўлса, тўғрисини айт, қўрқма, қизим.

Ойзоданинг титраган овози эшитилди:

— Йўқ...

— Алдаб олиб келдими?..

— Йўқ...

Ёмғирнинг етти номуси ерга кириб кетди.

Атрофдаги одамлар келинни дуо қилишди. Ҳамма мамнун.

— Ойзода! Онанг шўрликка нима дейин? — деди Ёмғир жўнаётиб.

— Фотиҳасини берсин, — деди Ойзода.
Ёмғирнинг қўлтиғидан тарвузи тушди...

* * *

Тошлоқни бу ердаги аҳоли Темир дафн этилган жойдай азиз ва муқаддас билиб, унинг номини ҳурмат билан тилга олишарди. Чунки унинг ёшлиги шу жойда ўтган. Худди шу ерда зиёфати, тўйи ўтган, Ойзодани олиб қочиб оғизга тушган. Мана бугун Темирнинг охирги маъракаси ҳам Тошлоқда ўтапти. Аёллар йиғлашиб, қариндош-уруғлари ўтовни айланиб, марҳумнинг руҳига сўнги дуойи фотиҳа қилишмоқда.

Ойзоданинг азаси шу билан тугади.

Ёмғир хотини билан Темирнинг маъракасига келиб кетганди. Унда қизининг тақдири ҳақида қудасига оғиз очмади. Кейинчалик Ёмғир уч-тўрт эркак ва хотин-халажлар билан келди. Ойзоданинг уч йил давомида кийган қора кўйлаклари ўтга ташланиб, ота-онаси олиб келган оқ кўйлак кийгизилди ва бошига оқ рўмол ташланди. Бу азанинг тугаши. Энди қайнота ва унинг қариндошлари келинга рухсат берса бўлгани. Агар қариндошларидан бирортасига никоҳ қилиб қўйишса ҳам йўл ўшаларники. Ёмғир Тангрибердига гарчи очиқ айтмаса-да, юриш-туриши, муомаласи билан шўрпешона Ойзоданинг тақдирини ўйлаётганига, унга ачиниб, куйиб-пишаётганига йўли билан шаъма қилиб юрди. Тангриберди бу ҳақда оғиз очишни истамасди. Буни кўриб Ёмғир бадтар ҳайратланди, фиғони ошди.

Жўнашидан бир кун олдин хотини иккови Тангрибердининг олдидан ўтди.

— Қуда, — деб зўрға гап очди Ёмғир. Хотини ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Тангриберди қандайдир кўнгилсизликни сезиб руҳи сўниқ ўтирарди.

— Қуда... Худо деган қуда эдик. Тақдир экан. Худо бизни айирди. — Ёмғир ўзини босолмади. — Ургилай, қуда. Сен ҳам унинг отасисан. Ахир у ёш, шунисини ҳисобга ол. Шўрлик Ойзодага рухсат бер.

Жавоб бериш ўрнига Тангриберди йиғлаб юборди. Ёмғир ҳам ўзини тутолмай, уни бағрига босиб ўкради:

— Айланай, жон қуда...

Эшикдан Санам кампир кирди:

— Вой шўрим-эй, Темир энди бутунлай ўлар экан-да, вой шўрим...

Тангриберди гапни бўлди:

— Йўқ, қуда. Бу сўзни оғзингга олма. Темирдан-ку айрилдим, лекин келинимдан тирик айрилмайман. Э, қудам! Мунча тошбағир бўлмасанг? Бош боғлари йўқ дейсанми?

— Қуда... Айланай қуда,— деб Ёмғир бошқа гап айтолмай қийналарди.

Буни тинглаб ўтирган Гулкиши ўртага тушди:

— Қудалар, йиғи-сиғи қилмай, бўладиган гапни келишиб олайлик. Ўртада ёш бир келинчакнинг тақдири турибди. Етти ўлчаб, бир кесиш керак. Тўғри, Ёмғир, сен уни олиб кетолмайсан. Тангриберди тоға, бирор ерга унашмай туриб, бошини очмайман, дейшингиз тўғри эмас...

Гулкишининг гапи қудалар қулоғига кирмади. Ўртадаги риоя, андиша, иззат-ҳурмат йўқолиб, аччиқ-тирсиқ гаплар айтила бошлади.

— Қўйинглар, қудалар. Ёмон гапга ўтманглар. Йўқ. Сен, Ёмғир, чакки сўзламадинг. Тўғри айтдинг. Қизинг олдида оталик бурчингни адо этияпсан. Бошқалар ҳам худди шундай қилган бўларди.

Ёмғир мук тушиб йиғлади.

— Сен, Тангриберди тоға, келини олиб қолмоқчи экансан, унинг тақдирини ўйла. Бўлмаса, бахтига зомин бўлма.

Тангриберди Гулкишига ўшқирди:

— Сен-чи! Сен ўйламайсанми?

Гулкиши хижолат чекиб:

— Ўйлайлик. Ҳаммамиз ўйлаб кўрайлик,— деди.

Ташқарида турган Ойзода бу гапларни эшитиб, кўз ёши қилди. Пулат янгасининг йиғлашини унча кўрмагани учунми, ҳайрон бўлиб, унинг сочларини ўйнаб гуларди. Уйда можаро давом этарди.

— Янга, сени олиб кетишадими?— деб норози бўлиб сўради.

— Билмасам,— деди Ойзода. У кўз ёшини 'енги билан артиб, боланинг пешонасидан силади. Бошқа нима десин? Тақдири нима бўлиши ҳали маълум

эмас. Гулкичининг гапларини икки қуда инобатга олмади. Охири улар бу ишни қишлоқ оқсоқолларини чақириб ҳал қилишни лозим топишди.

Эртасига одамлар тўпланди. Гулкиши ҳам келди. Ёмғир бечора кичкина кўкимтир соқолини сийпалаб, илтижо билан бу ерга йиғилганларга бирма-бир қарарди. У қизининг тақдири учун ҳатто қишлоқ итига ҳам ер ўпиб таъзим қилишга тайёр эди.

— Садағанг кетайлар... Ўйлаб кўринглар. Садағанг кетайлар.

Бекназар оқсоқолларнинг ёнига ўтирди. Ҳозир унинг бошқа қариндошларидан фарқи йўқ. Бошида телпак, оёғида кўн этик, шим. Ун икки ўрамасидан бошқа қўлида қуроли йўқ...

— Ёмғир кўпчилик олдида дардини айтди. Қизининг тақдирига ачиниб, инига илон кирган чумчуқдай зорланяпти.

— Аҳли мусулмон, ҳаммангиз биласиз, боланглар қизимни олиб қочиб келган эди. Ушанда қариндошларим билан ортидан қувиб келдим. Бироқ, аввало, қизим, қолаверса Бекназар ботир шаштимдан қайтарди. Ёлгон бўлса Бекназар айтсин? Тизгинимга ёпишиб: «уруғлар ўртаcига совуқчилик солма, тўполон чиқармай, оқ фотиҳангни бер», дегани учун унинг гапини қайтаролмагандим. Начора, Темирнинг умри қисқа экан. Жангда қазо қилди. Менга Бекназарнинг бир оғиз сўзи кифоя. «Кетавер, қиз бизники», десанг, гинг демай йўлга тушаман. Ёлғиз қизимга куяман. Бечора кўнглига ёқмайдиган кишига тушиб, хор бўлмасин дейман...

Ёмғирнинг бу гапларига ҳеч ким лом-мим демади. Ҳамманинг кўзи Тангрибердида эди. У ҳамон диққи-нафас бўлиб ўтирарди.

— Хўш, нима дейсан, Тангриберди? — деди оқсоқоллардан бири. — Айт, келинчак сенга қарашли. Ҳамма нарса сенга боғлиқ бўлиб турибди.

Тангриберди аввалги сўзини яна қайтарди:

— Мен Темиримдан айрилдим, энди келинимдан айрилишга тобим йўқ. Темирим ўлган бўлса Пўлатим бор.

Ўтирганлар бир-бирига қарашди. Ёмғирнинг кўзи ола-кула бўлди.

— Йигит ўн иккида, қиз бола тўққиз ёшда бало-

ғатта етади. Бу йил Пўлат ўн иккига чиқади, никоҳ буюради. Пўлатга никоҳ ўқиттираман...

Ҳамма жим. Бекназарнинг кўзлари Тангрибердига қадалди. Тангриберди ушкириб ўрнига ўтирди.

— Бўлмайди!— деди Бекназар шартта.

Ўтирганлар безовта бўлишди.

— Бўлмайди. Ўғлинг келиннинг ярим ёшида, бўйи ҳам, ўйи ҳам бошқа. Сен икки кишининг уволига қоласан. Ҳой, тоға, худога қараб гапир.

Тангрибердининг ҳам жаҳли чиқди.

— Қайси худога қарай? Менга худо йўл берди. Худонинг шарияти йўл берди.

— Бўлмайди дедимми, бўлмайди!

— Бекназар! Бекназар! Ҳой Бекназар, менинг ишимга аралашма. Темирни эргаштириб кетиб, ўлдирдинг, етар энди. Э, тангрим, қариндошга хор қилгунча, омонатингни олсанг бўлмайдами?

Одамлар у ёқ-бу ёқдан гапириб, Тангрибердининг кўнглини кўтаришди. Баъзилар Бекназардан ранжиган бўлишди. Емғирнинг пешонасида тер доналари пайдо бўлди. Жанжал нима билан туғашига унинг ақли етмай қолди. Гулкиши оғзини очиб:

— Қани, нима дейсизлар?— деди.

Бекназар ўтирганларга разм солди. Бир оқсоқол тамшаниб қўйди. Чамамда, у Тангрибердига қарши, шариятга қарши гапиришни хушламади шекилли.

— Майли. Келин келиб ўзи айтсин. У нима деса ўша!— деди Бекназар.

Аёл кишини эркаклар даврасига чақириш одобданми? Хотин кишининг гапи билан ким иш қиларди? Бу муқаддас одатга хилоф! Хотиннинг ақли нимага старди! Бўлмайди! Бекназар уддаламаган иш борми! Шуларга гапини ўтказа олмаса бу ерда нима қилиб юрибди! У биркесар. Борини бор, йўғини йўқ қилади. Шунинг учун ботир-да...

Бекназарнинг нигоҳига, ғазабига бардош беролмаган одамлар бирин-кетин тилга кирди.

— Майли келсин...

— Ўзи айта қолсин.

— Ўзи ҳал қилсин.

Гулкишининг хотини Ойзодани бошлаб келди. Бу қишлоққа келин бўлиб тушганига уч йилдан ошган

бўлса-да, ҳозиргача кишиларнинг йўлини кесиб ўтмаган Ойзода ҳаё билан оҳиста бир чеккага ўтирди.

Оқсоқоллардан бири аёллар томонга қайрилиб қарашни ўзига эп кўрмай, баланд овозда гапирди:

— Қизим, бу ерда сенинг тақдиринг ҳал бўляпти. Нима гаплиги ўзингга маълум. Ўзи очиқ айтсин, деб сени чақирдик. Қани, нима дейсан, чироғим?..

Рўмолга ўраниб олган Ойзода жавоб бермади. Ҳаманинг кўзи унда эди. Ойзода ҳамон индамай ўтирарди. Гулкишининг хотини чидамай:

— Қоқиндиқ. Эсингни йиғиб ол. Очиғини айтавер,— деди.

Рўмол ичидан оғир хўрсиниш эшитилди.

— Ойзода... Айланиб кетай, Ойзода. Тортинма. Айта қол, қоқиндиқ.

— Ҳа, нимага қистайсизлар? Гапирмаса ихтиёр ўзида,— деди Қобил. Тўпланганлар орасида шивиршивир бошланди. Ёмғир бақариб юборишдан ўзини тийди.

Шу маҳал Ойзода ўрнидан қўзғалди. У йўталиб, сўзлашга шайланган заҳоти одамлар жим бўлиб қолди.

— Мен...— Ойзоданинг овози ғамгин чиқди.— Мен бу хонадонга сотилиб эмас, севган кишим билан ихтиёр келганман. Шу уйда ўсиб, униб, қариб, шу уйда ўлайин деб келгандим...

Ойзода тўхталиб қолди. Йиғи томоғини бўғиб, гапиришга қўймаётганга ўхшарди. Гулкишининг хотини қизга далда берди:

— Садағанг бўлай, гапиравер, тўхтама,— деб шивирлади. Ойзода энтикиб:

— Унинг руҳ, арвоқини ҳурмат қиламан. Отасини, онасини хафа қилиш менга уят. Отам чин дили билан менга рухсат берса, берсин. Бермаса, буларни бўзлатиб кетолмайман...

Тангриберди:

— Ҳа, ўргилайин, қароғим!— деб бақариб юборди.

Ёмғирнинг лаблари кўкариб, зил кетди...

— Бироқ, қайнатам мени кичкина болага никоҳ ўқитиб қўяман демасин. Уша бола Темирнинг укаси, демак, у менинг ҳам укам бўлади-ку? Укамдай, қолаверса боламдай яхши кўрган бир жигаримга никоҳ ўқитиш фикридан қайтсин. Мен кетмайин! Сочимни

турмаклаб, телпак кийиб, Темирнинг ўрнига Темирдай хизмат қилай. Кичик бола ўсар, йигитлик даврига етар. Ўзига муносиб қиз топилса, Пўлатни уйлантирайлик, хизматида бўлайин, акасининг йўқлиги билинмасин. Балки ўшанда отам мени кечирар.

Халойиқ Ойзоданинг гапига ҳайрон қолди. Ёмғир ҳам, Тангриберди ҳам нима дейишини билмасди. Бошқа қариндошларига қараганда, Қобил Тангрибердига ота томонидан яқинроқ эди. У Ойзоданинг турмушга чиқишдан бош товлаётганини фахмлаб гудранди.

— Нима, балоғатга етган қариндошларимиздан бирор лойиғи йўқмиди?

Ойзода рўмолини ҳимариб, юзини очиб ташлади. Одатда эркакларнинг олдида, қариялар ҳузурида келинчақлар юзини очмаслиги керак. Аммо у чидаб туролмади. Урф-одатга қарши иш қилди. Ҳа, атайлаб шундай қилди. Ойзода ҳозирги айтган сўзидан қайтмаслигини шу йўл билан кўрсатди.

— Покдомон келин эдим, нетайки, пешонамда бор экан. Ҳеч кимдан хафа эмасман. Бугундан бошлаб мен шу қишлоқ аҳлининг келини эмас, энг яқин қариндоши бўламан. Агар отам буни эп кўрмаса, мен отамдан хафа бўламан. Унда кетишга тўғри келади... Бошимга қамчи эмас, ўлим келса ҳам тик боқаман. Ўлим бахтли кишининг бахтини, шўрлик одамнинг шўрини қуритади. Ўлим мендай шўрликни тириклик азобидан халос этади.

Оқсоқоллар лом-мим деёлмади.

Бекназар ўрнидан туриб шундай деди:

— Тамом! Унинг сўзи қонун...

III

«Ботир, ушбу қуш тилидай оқ қоғоз орқали борган дуойи саломни улуг оғамиз Абилдан деб билгайсизлар. Кўпдан буён тобим йўқ. Тангриберди акамизни олиб бир келиб кет, ботир. Ўзингга айтадиган, маслаҳатлашадиган гапим бор».

Ишончли йигит Абил бийнинг бу мактубини Бекназар ботирга топширди. Қирқ ўғил уруғининг бийи эсга олиб чақираётган экан, демак, бир гап бор. Тангриберди боришга баҳона тополмаётган эди. «Атай улуг бошини кичик қилиб, маслаҳатга чақириб турса, бор-

маслик одобдан эмас. Ёдингда тут, йўлидан оғиб кетган кишини уруғ безори дейди. Тоби йўқ экан. Э, садаганг кетай, тиригимизда оқибат қилмасак, ўлгандан кейин йиғлашнинг нима фойдаси бор. Отлан! Сизлар бормасангиз, мен бораман», деб Бекназарни қийин-қистовга олди.

Мўлжаллаган куни Тангриберди билан Бекназар бекнинг уйига кириб борди.

Абил бий соғ эди. Ётган еридан туриб, қора бахмал дўпписини кийди, бемор одамдай, кўзларини беҳол қисиб, меҳмонларни қабул қилди. Сўрашиб бўлгач:

— Э-э... Тани жонинг соғ пайтида қариндош уёқда турсин, худо ҳам эсингга келмас экан,— деди у.— Саломатлик катта бойлик экан. Қачон бошинг ёстиққа тегса, олис билан яқиннинг фарқи сезилиб, дўстнинг қадри билинар экан, Тангриберди ака.

Тангриберди чопонининг этаги билан тиззасини ёпиб, тамшаниб қўйди:

— Тўғри гап, бий. Ораси бузилиб кетган тақдирда ҳам қариндош-уруғ бир кунмас бир кун эслайди.

— Ўз қўлингни ўзинг кесиб ташлолмайсан, Тангриберди ака. Ҳали ҳам бўлса, сиз билан биз соқолимизни оқартириб дўстларни излаймиз. Ёш болаларга қаттиқ гапирганимиз, уларни ёмон бўлма деганимиз. Охирзамон яқинлашиб қолганми, ҳайтовур ҳозирги ёшлар анча-мунча гапингга қулоқ солмайди.

Тангриберди ерга қараб, қовушмаган оға-иниларининг ишидан ҳафа бўлгандай, изза тортиб ўтирарди.

Абил бий гапни давом эттирди:

— Иложимиз йўқ, Тангриберди ака, ёш болаларга қариндошнинг қадри бўлмаса, бўлмай қўя қолсин. Бир оёғимиз гўр лабида турганда, касал билан олишиб, толиққан кезларда сизу бизга қариндош куч-қувват. Ахир бизлар ҳам бир вақтларда ёш эдик.

Бекназар индамай, негадир унчалик ёзиллолмай ўтирди. У Абил бийнинг атайлаб шундай ётганини эшикдан кирибоқ сезганди. Бекназар шароитга қараб, ҳар нарсани ақл тарозиси билан ўлчаб иш қиладиган одам эди. Бунчалик келиб суҳбатлашиб ўтиргач, муомалага яраша жавоб қилиш керак.

— Бий ака, эшитмабмиз, чақиргирмасангиз келиб, ҳол-аҳвол сўраш бизнинг бурчимиз эди, кечиринг,— деди.

Абил бий ўкингандай бўлди.

— Уртадан меҳр-оқибат кўтарилган-да!

— Учи айри бўлса ҳам, туби бир,— деди Бекназар.— Биз асли бир уруғмиз. Бироқ, «бийни қул деса кулгиси, қулни қул деса ўлгиси келар», деган гап бор, понсад ака. Шунинг учун биздек фуқарога кўтарилган қамчи қиличдай бўлиб кўринади. Бу эса юракка доғ тушириб, газаб уйғотади.

Бол қимиз тўлдирилган гулдор кумуш коса қўлдан-қўлга ўтиб турарди.

— Гапиравер, ботир, кўйлакнинг кирини ювса кетади, дилдаги губор айтса битади.

— Айтмаса ҳам аниқ-ку, понсад ака. Гапнинг қисқаси, бизнинг бийлар, юрт оғалари дилидагини сўзламаслигида, ўз юртининг ғамини емаслигида...

Абил бийнинг кўзи ярқ этиб очилди. Гапнинг маъносини тушунди, унинг олдини олиб, айёрона кулимсиради.

— Хон барча элнинг боши, кўзи. Элга бошлиқ зарур, шарият йўлини тутган ҳукмдор зарур. Бусиз халқ тўзғоқдай тўзиб кетади. Урдага қилган ҳалол хизматимиз муқаддас тахт олдида қарзимизни узганимиз бўлади. Бизга ўхшаган уруғлар кўп, уларнинг ҳар бири ишқал чиқараверса, оқибати нима бўлади?

Тўғри, ўшандай бўлмасин, деб жуда кўп хизмат қилдик. От бўлиб кўтардик, аскар бўлиб душмани билан олишдик, гўшт бўлиб дастурхонига тузалдик, терчимизни шилиб чопон қилиб кийдирдик. Кўрган кунимиз эса кундан-кунга баттар, сувсизлик, қаровсизликдан қуриб, қақшаб бораётган яйловга ўхшаймиз. Биз-ку муқаддас тахт олдидаги фуқаролик бурчимизни яхши биламиз, аммо нега ўша тахт эгалари фуқаро олдидаги ўз бурчини билмайди? Нима, фуқаро ўлжамики, уни олғир итга қувлатиб, тирноғи ўткир бургутга чангаллатади?..

Абил бий бошини қимирлатиб, косадаги қимизни ичишини ҳам, ичмаслигини ҳам билмай хаёл суриб қолди. Нима деб жавоб берсин? Ҳатто Тангриберди оқсоқол ҳам оғиз пойлаяпти. Гуноҳ Абил бийдами? Бекназардами? Тангрибердининг сира ақли етмасди.

— Сўзингда жон бор, ботир иним,— деди Абил бий.— Элдан аҳвол сўрамаслик, муборак тахтнинг айби

өмас. Ұрдадаги баъзи одамларнинг беғамлиги оқибатидир.

— Хўш, унда ўша қутлуғ тахтнинг эгаси ким?

Абил бий Бекназарга тик қаради, унинг ўзини ҳам шу савол қийнаётганлиги сезилиб турарди.

— Эҳтимол...— деді Абил бий.— Қараб турайликчи, охири нима бўларкин? Элга, юртга эътибор бермаганни худо ўзи жазолайди. Яна ким билади, бу ҳақда ўрдадагилар ўйлаётган бўлса керак. Эси йўқ бош эртаниндин елкадан учиб кетиши мумкин.

Бекназар бу гапга қўшилди:

— Эҳтимол...

Бекназарга нима бўлган? Нега жинини қоқтирган бахшидай мулойим бўлиб қолибди? Абил бий буни кўриб, ҳаракати беҳуда кетмаганлигини аниқ сизди.

Ұрдадан элчи келиб, иш битиролмай кетгани Абил бийнинг кўз олдидан ўтди. Бий ўша кундан бошлаб сиполик билан иш битириш йўлига ўтиб олди. У одамига қараб от миндириб, тўн кийдирганлиги учун ўша вақтда Бекназарнинг атрофига тўпланган йигитлар аста-секин тарқалиб кета бошлаганди. Бекназар уларни тўхташиб ўтирмади. Хон ёки оқ пошшо тарафидан ҳозиргача сафарбарлик йўқ, уларни ушлаб туришнинг нима кераги бор? Эл тинч, юртда омонлик. Аслида Бекназарни ана шу нарса шаштидан туширган эди.

Абил бий кўз қири билан Бекназарга боқди. «Ҳа, ёлғиз жангчи! Қор босган тоғ кийигидай қўрага бош эгиб келдинг-ку?!» Унинг кўнглига шу келди. Жаҳлини босди. Айёр бий яна унга қараркан: «Шошма! Сен ҳали менга кераксан. Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан. Ҳалол гап», деб кўнглидан кечирди.

Абил бий эртасига маслаҳатли ишини ўртага ташлади.

Эл оқсоқоллари, тажрибали беклари унинг уйига шошилинич тўпланди. Бийнинг хаёлида нима гап борлигини ҳеч ким билмасди. У оғриб қолдим, деб шунчаки бошқаларни лақиллатаётгани яққол кўриниб турарди.

— Яхшилар!— деди Абил бий.— Мени кўпдан буён бир қайғу эзади. Бу қайғу шу ерда ўтирган катта-кичикнинг номусидир.

Ўтирганлар нима гап экан деб унга қарашди. Бий

қайғу босган одамдай қовоғини уюб, ҳаммани ўзига қаратди.

— Раҳматли акамиз Жомонқул қандай одам эди?

Нега уни сўраб қолди? Қўплар елка қисди. Тўрда ўтирган оқсоқоллардан бири:

— Бечора Жомонқул мўмин одам эди,— деди ҳеч нарсадан беҳабар. Абил бий бошини қайғули ирғади.

— Уша мўмин акамизнинг дастлабки маъракаси ўтди-ю, шу билан эсдан чиқиб кетди...

Ўтирганлар бийнинг мақсадига эндигина тушуниб етди. Қўпчилик уни қўллаган бўлди.

— Қўй оғзидан чўп олмаган киши эди.

— Болалари ҳам ўзига ўхшаган мўмин чиқди. Уларнинг бу дунёда бор-йўғи билинмайди. Шунинг учун эл кўргудай ош-сув берилмай қолди.

Абил бийнинг кўнгли ўрнига тушди.

— Сизлар билан шу нарсани маслаҳатлашиш учун чақиргандим. Майли, бола-чақалари қилмаса қилмасин. Лекин Жомонқулнинг арвоқини ҳамқишлоқлари, эл-юрт хурсанд қилиши керак. Биздай қариндошлари бор экан, марҳумнинг қолган маъракаларини ҳам ўтказамиз. Ёмон қариндошга яхши ош бериш гуноҳ эмас-ку.

Тўпланганлар Абил бийнинг сўзидан қийнқ топишолмади.

— Тўғри, бий ҳақ гапни айтди,— деди кўпчилик.— Қариндош ёмон кунда ҳам, яхши кунда ҳам асқатади.

— Ош берилса, номи кўпчиликка ёйилади.

Абил бий:

— Жомонқул акамизга душманни куйдиргудай, дўстни суюнтиргудай ош берайлик, у ёғи Олой, Ўзган, Андижон, Марғилон томонларга хабар қилайлик, бу ёғи Ақси тарафдаги аҳли донишларни чақиртирайлик. Бунга сиз, юрт оғалари, нима дейсиз?— Абил бий хўрсиниб, қўшимча қилди:— Айтгандай, Сари-Ўзан-Чуй, Қўл Ёети, Қўчқор вилоятларидан ҳам меҳмон чақирсак бўларди. Нима қиламиз? Ўртамизни ўрислар тўсиб қўйди...

Дастурхон устида ўтирган кишилар Абил бийнинг бу фикрини бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

— Бий,— деди Дўмби сал тутилиб,— агар ундай бўлса, хонни таклиф қилиш керак.

— Эсда бор, эсда бор, Дўмби,— деди Абил бий.—

нима бўлсаям олтин тахтга қуллуқ қилиб турибмиз, унинг олдидан ўтмоғимиз керак.— Абил бийнинг наза-ри Бекназарга тушиб, бирдан тўхтаб қолди.

Бекназар индамади.

Жомонқулни ким билмайди? У Абил бийнинг амакиваччаси эди. Дарҳақиқат, жуда камсуқум, очиқ-кўнгил, ҳўкиз миниб пода боқишдан бошқа нарса билан иши бўлмасди. Тирик вақтида Абил бий унга сира эътибор бермасди. Тиригида асқатмаган Жоманқул ўлгандан кейин нима учун керак бўлиб қолдийкин? Балки Абил бий шу баҳонада ўз шуҳратини ошириб, бирон нималик бўлиб қолмоқчидир? Унга баҳона керак. Кейинги икки йил ичида ўрда учун анча иш битирди. Номи хонга етди. Агар бу маросим кўнгилдагидек ўтса, бийнинг ўрда олдида ҳурмати янада ошади, бу яқин-ўртада унинг сўзини икки қиладиган, жилов талашадиган одам қолмайди. Бунинг учун элатнинг казо-казоларини хон амалдорлари билан бақамти учраштирмоқ керак. Бу ёғи ўз-ўзидан аён. Раҳматлик Жомонқулнинг арвоҳи учун бериладиган ош ана шундай нозик сиёсатни амалга оширишга хизмат қилиши лозим.

Қимиз ичиб анча сархуш бўлган меҳмонлар унинг фикрига бир овоздан қўшилишди.

— Майли, нима бўлса ҳам Жомонқул туғишганимиз. Бўпти, хизматга тайёрмиз.

— Бу бошқа гап, қўлимизда қамчи қолгунча, харажатини бирга кўтарамиз.

— Раҳмат! Раҳмат!— деди Тангриберди.— Арвоҳини шод этганга нима етсин? Улим ҳамманинг бошида бор. Бу дунё кимга вафо қилган? Қанийди бизнинг ортимизда ҳам шундай ақлли кишилар қолса? Мартабанг улуғ бўлсин, чинордай сершоҳ бўл, иним.

Абил бий мақсадига етди. Ҳеч ким, бу ишинг чакки, демади. У маросимнинг қачон, қаерда ўтишини, кимлар меҳмон кутишини айтди, пойга ва курашга тушадиган кишиларга кўпкари пули ажратилиб, тегишли одамларга буйруқ берилди. Кенгаш тугади.

* * *

Сарибой тўрда букчайиб, индамай ўтирарди. Кўзи кўк рўмол билан танғиб қўйилганди. Бир вақтлар донғи доvon ошган овчи қаёқда дейсиз. Бургут тимдала-

ган ерлари битиб, унинг ўрнида доғлар қолганди. У чуқур нафас олиб, эшикка қулоқ солди. Ташқаридан ўйнаб юрган болаларнинг овози эшитилди. Сарибой болаларини товушидан таниб олмоқчи бўлиб, яна эшик томовга қулоқ осди.

— Суюмхон,— деди Сарибой.

— Ҳа, мен шу ердаман. Ёнингизда ўтирибман, дадаси,— деди хотини.

— Менга узат,— деб Сарибой қўлини чўзди. Суюмхон дарров ўрнидан туриб, девордан қўбизни олarkan:

— Дадаси,— деди хотини бир оз хижолат тортиб.

— Ҳа. Қани?..

— Бир оз гаплашиб ўтирайлик, дадаси.

Сарибой сал соғайгач, эрмаги қўбиз бўлди. Ўтиргани-ўтирган. Оёқлари увушиб, бўйни толиб кетади. Гапирмаганидан жағи ҳам қаришади. Юраги қисилиб, дод дегиси келади. Ўтиравериб зерикади, ич-этини ейди. Иложи қанча? Нима қилсин? Алам билан хўрсинади. Шундай пайтда қўбиз унга далда беради.

Сарибой хотинининг сўзига жавоб бермай, қўлини узатиб турар эди. Суюмхон ноилож:

— Мана, овчим,— деди уни эркалаб.— «Кўч жонлар» куйини чалиб беринг.

Сарибой хотинининг раъйини қайтармай қўбиз пардаларини бир қур сийпалади-да, ошиқмай унинг мурватини бураб, чала бошлади.

Суюмхоннинг кўзидан дув-дув ёш тўкилди. Сарибой эшитиб қолмасин, деб нафасини ичига ютди, енгининг учи билан кўз ёшини артди.

Қўбиз нола қиларди. У Сарибойнинг жон-дили. Яйловга кўчишга бағишлаб тўқилган бу куй одатдагидан бир оз мунглироқ эди.

— Ҳой дадаси,— деди Суюмхон хандон ташлаб,— «Кўч жонлар» шундаймиди?

— Нима дединг?

— «Кўч жонлар» шундаймиди? Сал ғамгинроқ чалдингизми?

У ютиниб олиб:

— Шунақа бўлдимиди?

— Ҳа, мунглироқ чиқди.

Сарибой елкасини қисиб, ўйланиб:

— Қундуз қаёқда? Овозини эшитмаяпман,— деди.

— Қизлар билан майдонга кетган.

— Ҳа, ўйнашяптими?

— Сув олиб кел дегандим...

Сарибой олисдан шарпа сезган қушдай бошини қийшайтириб:

— Суюмхон, — деди аста.

— Ҳа, дадаси.

— Яна йиғлаяпсанми?

— Йўқ, дадаси...

— Ёлгон гапирма. Басир одамга ёлгон сўзлаб бўларканми? Ана, овозинг сўник эшитиляпти. — Сарибой қўлини узатди. — Менга яқинроқ кел-чи.

Суюмхон сурилди. Сарибойнинг муаллақ турган қўли Суюмхоннинг манглайига тегди. Сарибой сийпа-лаб:

— Айтмадимми? Яна йиғлаяпсан-ку, — деди бўша-пиб. Суюмхон Сарибойнинг қўлини бетига босиб, ўзини тутолмай ҳўнграб юборди. Илиқ ёш томчилари Сарибойнинг чандиқ кафтига тушарди. — Суюмхон, — деди у қўлини ўз ҳолига қўйиб. — Мен сени эсли десам... Айб ўзимда. Пешонамда бор экан. Сен бунга кўникишинг қийин. Нима ҳам қилардим, оллоҳнинг иродаси экан. Йиғлама. Йиғласанг, мен қийналаман... Менга оғир...

Суюмхон бурнини тортди.

— Бўлди... Бўлди, энди йиғламайман, дадаси. Туриб-туриб сира чидолмаяпман...

— Сабр-тоқат қилишимиз керак. Менинг аҳволим бу бўлса, сен ҳадеб йиғлайверсанг, ёлғиз қизимизнинг ҳоли нима кечади? Унга оғир бўлади. Қундузни эҳтиёт қилайлик. Менинг кўрар кўзим ҳам, сўзлар сўзим ҳам ўша.

Суюмхон ўзини босиб, ёшини артган бўлди. Сарибой далда берди:

— Шундай қил. Белни маҳкам боғла. — У хотинининг кўнглини кўтармоқчи бўлди шекилли, қўбизни яна қўлига олиб, шўх куйлардан бирини чала бошлади. — Сўқир бўлсам ҳам ўзимни ғариб демайман, Суюмхон. Чунки, бахтимга сизлар борсизлар.

Сарибой илгари қашқа тўриғини улоқ ва пойгаларда минарди, тез-тез овга чиқиб турарди. Баъзан пойгаларда ортада қолса, унчалик куйинмасди. У отини ардоқлаб бир текис минарди. Кўзидан айрилгач, итини

ҳам, бургутини ҳам унутди. Отини тирикчилик учун укаси Модил ишлатарди.

Сарибой ҳозир ўйланиб ўтириб пешонасида тумордай қашқаси бор тўриқ отини кўз олдига келтирди-да, ўрнидан қўзғалди. Суюмхон қўлтиғидан суяди. Ташқарига чиққанда:

— Қуёш ботяптими?— деб сўради Сарибой.

— Ҳа.

Сарибой:

— Қуёшнинг тафти кетиб қолибди,— деди шивирлаб.— Ҳозир тоққа ёнбошлаб қолгандир-а? Тўриқ қашқа қаерда?

Суюмхон етаклаб, тўриқ қашқа боғланган қозиқ олдига олиб борди. Жонивор эгасини танидими ёки хашак сўрадами, кишнаб юборди. Сарибой икки қўли билан отини сийпалаб: «Эсиз тўриқ қашқа... Аҳволинг қалай? Тинчмисан?..»— деб қулоғидан ушлади ва сағрисини силаб қўйди:

— Ориқлаб кетибди-ку...

Сарибойнинг укаси Модил ҳам:

— Ҳар йилгидан кўпроқ минилди. Начора, тирикчилик экан-да,— деди.

— Ориқ бўлганда нима-ю, семиз бўлганда нима?!— деди Суюмхон.— Илгаригидай пойгага чопмасаларинг, уловлик хизматини ўтаса бўлди-да.

Сарибий мийиғида кулиб:

— Ҳм,— деб хўрсиниб, думидан тортиб қўйди.— Ҳали бақувват экан. Мен уни пойгага чопсам деб турибман. Нега чопмас эканмиз? Тўриқ қашқа кўп соврин олган.

Модил ямаб ўтирган чоригини ерга қўйиб, яланг оёқ югуриб келди.

— Қандай қилиб чопади? Қилтиллаб турибди. Пойга қаёқда? Қишдан эсон-омон чиқса ҳам катта гап.

— Модил,— деди Сарибой юмшаб,— менга қўйиб бер, ем билан боқаман, кузгача ҳали анча бор. Жомонқулнинг ошида таваккал қилиб бир чопиб кўрамиз. Астойдил худодан тилаймиз, зора...

Модил акасининг бу сўзларидан қувониб кетди. Сабаби, у анчадан буён Сарибойни бу кунгидек хурсанд кўрмаган эди. Модил ҳам эски овчининг аввалги шуҳратини ўйлаб, унинг кўнглини кўтариб:

— Тўғри айтасиз. Тўриқ қашқанинг ҳунарини яна

бир кўрайликми, а, ака?— деди. Уни хаёл олиб қочди, бир пойгада Сарибой сувсар телпак кийган эди, у: «Тўриқ қашқанинг ҳақини олиб, орқароқдан кел», деб тайинлаганди, ўзи бир тўп кишилар билан отланиб кетиб, кўпкаридан қулунли бия етаклаб келган эди, у шуларни ўйлаб, куздаги маъракада ҳам зора шундай бўлса, деб ютиниб қўйди.

— Шундай қил. Яхшилаб боқ. Тоблашни менга қўй. Бунинг учун кўз бўлиши шарт эмас!

Модил тўриқ қашқани астойдил боқа бошлади. Унча-мунча хизматга Идиннинг чавкарларини сўраб турди. Ем, сувини вақтида бериб, парваришини жойига қўйди. Бир ойда у ўйноқлаб қолди.

Сарибой келиб, уни сийпалар экан:

— Ҳа, тузук. Ёл битиб қолибди. Энди секин етаклаб ташқарига олиб чиқ. Еталаб суғор. Икки кундан кейин кун оралатиб уч марта тонгда чоптириб терлатамиз, ана шундай совутамиз. Сўнгра яна бир ой боқасан. Кейин худо хоҳласа, обдан совутиб, катта маъракага тоблаймиз.

Сарибой ўша кунларда кўзини унутиб, эртаю кеч тўриқ қашқанинг ташвишида бўлди. Модил акасининг шунчалик бўлиб қолганига қувониб, от боқишнинг ҳамма машаққатларига чидади.

Бир куни турғармида кимдир от чоптириб ўтди. Сарибойнинг ўраги шир этди. Ит жон-жаҳди билан ҳурди. Сарибой безовталаниб ўрнидан турди. От дупури олислаб кетди.

— Ҳой, хотин,— деди қичқириб Сарибой.— Олиб кетди. Аттанг!..

— Ҳай-ҳай,— деди хотини пайпаслаб Сарибойнинг этагидан тортиб.— Қаёққа кетяпсиз, дадаси?

— Модил қани? Модил?!.

— Вой, ўлмасам. Ярим тунда уни нима қиласиз? Модил уйғониб кетди.

— Нима гап, ака?— деди қўшни уйдан Модил.

— Тур тезроқ!— деб қичқирди Сарибой эшикми пайпаслаб.— Тур, отни қара...

— Тургандир... Турган бўлса керак,— деди Модил йўталиб, эринчоқлик билан уйдан чиқаркан. Бу пайт от дупури хийла олислаб, ортидан чопган ит қайтиб келаётган эди. Модил отхона бўш турганлигини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди.

— Ие! От йўқ. Бўшалиб кетган бўлса керак,— деб ҳовлини айланди.

Сарибой эшикка чиқиб, ер муштлаб, ўтириб қолди.

— О... Тамом, ундан айрилдик. Биров ўғирлаб кетди... Шўримизга шўрва тўкилди. Юрагим билган эди.

— Тўхта-а! Ҳой, кимсан, тўхта-а!— деб Сарибой бақириб от кетган томонга югурди.

Қариндош-уруғ оёққа турди. Биров тушунса, бошқаси талмовсираб:

— Нима гап, тинчликми?— дерди.

— Тўриқ қашқани ўғри олибди...

— Вой, шўрим, энди нима бўлади?

Модил лапанглаб тўқайзорда чопиб борарди.

— Ҳой, ҳазилингни қўй! Ким бўлсанг ҳам тўхта-а!

Ҳеч ким жавоб бермади. Тўқайзор жимжит. Модилнинг овози қирдан-қирга урилиб сўниб кетди.

Гаплашаётганларнинг бирини овозидан таниб:

— Идин!— деб чақирди Сарибой. Идин югуриб келди.

— Тўхтат! Модилни тўхтат. Бўлар иш бўлди. Ўғри уни ҳам бир бало қилиб кетмасин.

Чавкарини чоптириб кетган Идин бир маҳалда Модилни топиб келди. У энтикиб куйинарди:

— Ўғри кўзимизга чўп тикди. Шундай қилиб қолаверамизми? Эҳ, аттанг,— деб гоҳ ўтирарди, гоҳ туриб кетарди.

Сарибой ўзини босиб олганди.

— Қўй энди,— деди у,— йиғлаганинг билан ўғри қайтиб олиб келармиди? Ёлғиз отнинг дупури ҳамон қулоғим остида. Атай келиб пойлаган бўлса керак. Тўриқ қашқа яхши бедов эди. Ўғрининг ақли бўлса, сўйиб емайди. Таласдан ошириб қозоқларга ўтказио юбормаса, бир куни дараги чиқади. Ундан кўра бориб бийга бўлган воқеани айт.

Ўша туни Модил ухламади. У тонг бўзариши билан Идиннинг чавкарини йўрттириб Абил бийнинг олдига борди. Бўлган гапни айтди. Бий чинакам қайғурди.

— Аттанг, ҳа, бўйнинг узилгур, ким ўғирладийкин-а? Сарибой бечоранинг ташвиши озмиди? Отнинг харидори кўплигини билар эдинг-ку. Унга яқинроқ ерда ётмайсанми?

— Ҳар куни ёнида ётардим. Аяган кўзга чўп тушар, дегандек, ўша куни уйга кирувдим...

Абил бий кулди:

— Эркаклигинг қўзиб кетгандир-да?!
Модил нима дейишини билмай, ерга қаради.

— Кўзим кетиб... Кўза кунда синмас экан...

Абил бий хўрсиниб бошини чайқади:

— Узингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, деб беҳуда айтишмаган. Бўлар иш бўлибди. Энди кимдан ҳам кўрардик? Сарибойга салом айт, буюрган бўлса топилиб қолар. Сўраб-суриштирамиз... Дараги топилса, оллоҳнинг бергани...

Модил хурсанд қайтди.

Абил бий белгили ўғриларни суриштирди. Дараги чиқмади. Чотқол, Кетмонтепа томонларни ҳам суриштирди. Ўз отим деб қидиртирди. Лекин тўриқ қашқа сувга тушган тошдек изсиз йўқолди.

Қўбизини қўлига олиб чумчуқ чирқиллашига тақлид қилиб, Сарибой кулиб қўйди:

— Хаҳ, қизиталоқ,— деди бошини чайқаб.— Тўриқ қашқанинг қадрига етмаган бир номард ўғирлаган экан-да. Тишингга тош теккур сўйиб юборган экан.

— Гўрингда тўнғиз қўпгур ким бўлди экан-а?!— деб қўйди Модил.

— Ҳа, бўлар иш бўлди.— Сарибой қўбизини чертди,— хонасаллотга ош бўлсин,— дея шўх куйлардан бирини чала башлади...

* * *

Қизилжарнинг бепоён даласи ястаниб ётарди. Кеч куз эди.

Дов-дарахтга бурканган қишлоқни ортда қолдириб, бир талай отлиқ тоғ тарафни кўзлаб келарди.

Энг олдинда, ўртада маълум масофани сақлаб, туғбардор отда савлат тўкиб ўтирарди. Туғбардор орқасидан келаётган ранги заҳил ёш йигит йўрғасида қилт этмасди. Унинг эғнида зардўзи қизил кимхоб тўн, оёғида булғори этик, бошида ёрлиқсиз яшил салла. Бу ёққа биринчи марта келаётгани учунми, атрофга аланглайди. Белига уч марта ўралган фўтанинг чап томонида Дамашқ қиличи, ўнг тарафида биротар рус тўпшончаси.

Бу Худоёрхоннинг тўнғич ўғли Насриддинбек. Ёни-

да Абдурахмон. Устида қора кимхоб чопон, бошида усти бахмал телпак. Элчилик вақтидагига қараганда анча оғир-босиқ.

Қирқ сипоҳий тўрттадан сафланган эди. Адир эа-тида қатор-қатор тикилган бўз ўтовлар кўзга ташла-нарди. Ҳар бир ўтов олдида тўп-тўп одамлар, эгарлан-ган отлар турарди. Насриддинбек чодирларни санаётиб янглишиб кетди.

Буларнинг қораси кўриниши билан ўтовдан бир тўп отлиқ шитоб билан от қўйди. Асов отларини елдириб желаётганлар ичидан икки киши ўзиб чиқди.

— Шаҳзода, булар тоғаларингиз бўлади. Сизга юк-сак ишонч билдириб, ҳурматингиз учун улоқ чопиб чиқишди,— деди Абдурахмон.— Бу катта эътиқод рамзи.

Насриддинбекнинг чеҳраси ёришди. Индамай улоқ-чиларни кузатди. Кўпқари чопганларнинг бири кўз очиб юмгунча меҳмонларни бир айланиб ўтиб, Насриддинбекнинг қаршисига келганда, тизгинни тортиди. От тўхташи билан тақимидаги бузоқни бошидан ошириб, чипор йўрғанинг туёқлари остига ташлади. Шаҳзо-данинг бедови чўчиб бузоққа тикилди. Улоқчи бук-ланган қамчисини кўкрагига босиб таъзим қилди.

— Раҳмат, ука, раҳмат!— деб алқади Абдурахмон. Насриддинбек белидаги Дамашқ қиличинини ечиб:

— Ботир, ушбу яроқ мендан эсдалик бўлсин,— де-ди.

Йигит қилични қўш қўллаб олиб, баланд кўтариб, муздек пўлатга лабини тегизди, кейин қинидан суғу-риб осмонга ирғитди-да, яна сопидан ушлаб олди.

— Раҳмат, тақсир!— деб отнинг тизгинини бир сил-таб, чопиб кетди.

Унгача бир тўп отлиқлар меҳмонларга пешвоз чи-қишди. Абил бий олдинда эди. Унинг оғзи қулоғида эди:

— Шаҳзода жиянимизга бошимиз садқа бўлсин. Хуш келибсиз!— деб салом берди. Насриддинбек бир қараб қўйди. Абдурахмон энгашиб ниманидир шивир-лади. Шаҳзода сиполик билан жилмайиб, Абил бий билан сўрашди.

Шу заҳсти сипоҳийлар икки томонга бўлиниб йўл берди, туғбардор илгарилади. Абил бий отдан тушиб,

ерда ётган бузоқни кўтариб, Насриддинбекнинг олдига ёппа ташлади. Шаҳзода бузоқни эгарга босиб, зўрга тўхтатиб қолди, сўнгра бедовга қамчи босиб, туғбардор орқасидан отни елдирди.

Сипоҳийлар:

— Насриддинбек! Насриддинбек! — дейишиб шовқин-сурон билан от қўйишди. Абдурахмон билан Абил бий бузоққа қўшилиб оғиб кетмасайди, деган мулоҳаза билан шаҳзоданинг ёнида боришарди.

Абдурахмоннинг ишораси билан Насриддинбек баланд тепаликка тикилган икки оқ ўтовга отини бурди. Одамлар қий-чув қилишарди. Ўтов эшиги олдида кўпдан бери кутаётган уч-тўрт қария ҳавас билан унга қараб туришарди. Улар Абил бий томонидан атай қўйилган уруғ оқсоқоллари эди.

Оғир улоқ ерга гурс этиб тушди. Унгача уйдан элачак ўраган Қорақош оғим чиқди. Абдурахмон дарров уни таниди:

— Ҳа, Қорақош янга! Совға! Совға! — деб шаҳзодани одатга кўра таништирди.

Қорақош оғим севинганидан икки юзи нақш олмадек қизариб, шошиб қолди:

— Вой, ўлмасам, жиянимиз шаҳзода шуларми? Жиян ҳақини бермасак, кўпга тушиб юрмайлик, — деди Қорақош оғим нозу истиғно билан. Уйга кириб дарров қайтиб чиқди. Қўлида ихлос билан тикилган қундуз ёқали ичик турарди. Қорақош оғим кўзларини ёш қизлардай ўйнатиб:

— Қани, шаҳзода, отдан тушинг. Жияннинг боши осмонга етса ҳам тоғасининг эшиги олдида от солиб турмайди, — деб ҳазиллашди. Абдурахмон бош ирғади. Насриддинбек отдан тушди. Қорақош оғим ичикни шаҳзоданинг елкасига ёпди. Қишлоқ ичик унинг бўйи бастига монанд бўлиб, Насриддинбекни яна ҳам салобатли қилиб юборди.

Дўмбу бошчилик қилган аҳли донишлар таъзим билан ҳол-аҳвол сўрашди. Насриддинбек атрофдаги кишиларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Тўпланган кексаю ёш меҳмонга нисбатан ҳурмат бажо келтириб салом беришди.

— Ассалому алайкум, шаҳзода!..

Кўпчилик бир йўла берган саломга Насриддинбек лабини қимтиб, суст алик олди.

Жомонқулнинг оши Насриддинбек ташриф қилган куни бошланганди. Ундан бери бир ҳафта ўтди. Унинг қачон тугаши белгисиз. Ҳар куни томоша. Ошга борсанг, оч боргин, дейди тоғликлар. Сабаби, ош берган одам маросим ёки маърака тугагунга қадар қишлоқ аҳлини боқиши керак. Агар шунда бир киши бу маросимда хафа бўлиб қолса, барча уруғ лаънатга қолади. Удум шундай. Абил бий шунинг учун қаттиқ тайёргарлик кўрган эди. Ақси билан Қизилжар атрофидаги қариндош-уруғлар қамишдан бел боғлаб югуриб-елиб хизмат қиларди.

— Ҳайат арғумоқни, Ҳайат! Эр йигитни онаси шундай ишларга туққан! Ҳайат!

— Ҳа-айт! Девқалб бўлса чиқаверсин!

— Ҳайт! Ҳайт-ҳайт! Ҳайт-ҳайт! Ҳайт!

Даврани кенг олиб турган отликлар шамолдай учиб, сурон билан олға интилди. Ўртадаги текис майдонда бошини қизил белбоғ билан танғиган Бекназар қора қашқа арғумоқнинг жиловини сал тортиб, қиличини серпиб рақиб қидира бошлади.

— Ҳо-ой! Ким бор?

— Эр йигит топилади!

— Ким чиқади? Чиқарадиган бўлса тезроқ чиқармайдами, чиқармаса, ошбоши пойга совғасини атасин...

— Нега шошилсан? Тўхта. Анавиларни кўрмайсанми? Шаҳзода атай қирқ йигитини бошлаб келган.

— Шундай дегин. Кўрсак кўрибмиз-да, томошасини. Улар гўшт егани келган дейсанми?..

— Ким билади дейсан?

Бийлар тепаликдан туриб атрофни кузатишарди. Абил бий гоҳ овоз келган томонга қараб қўяди. Насриддинбек ўртада от Ҳайатиб турган йигитга ҳавас билан боқарди.

— Ана! Тоға, ана!— деб қолди узангига оёқ тираб шаҳзода.— Бизга улоқ ташлаган азамат. Ана!

Унгача улар турган тепаликка бир йигит от чоптириб келди.

— Тақсирлар! Беллашувга одам чиқмаса, ботирга пойгани беришин дейишяпти.

— Ким?— деди Абил бий бўйинини чўзиб.

— Оқсоқоллар!

— Бориб айт, шошилмайлик. Рақиб чиқмай туриб пойгани бериб қўйсақ, эл гапиради. Сабр қилайлик...

Абил бийнинг сўзини Абдурахмон қўллади. Бий анча эриб турган эди. Бекназарнинг майдон ўртасида от ўйнатиб, аргумоғини икки оёғида тик турғизишининг ўзи даврага файз киритиб турарди. Бий хушнуд бўлиб Насриддинбекка юзланди.

— Жияним... Бизнинг ботирга тўғри келадиган йигит чиқмади. Нима дейсиз?— Улуғ меҳмонга иззат-икром кўрсатганлигини билдириш мақсадида Абил бий бу томошани бошқаришни Насриддинбекка топширган бўлди.

— Рухсат берингиз!

Унинг ёнидаги йигитлар саркори Тошқалла шаҳзодага тиз чўкиб таъзим қилди.

— Рухсат беринг, бек?..

Насриддинбек ҳайрон бўлиб:

— Сизга нима бўлди?— деди.

— Рухсат беринг, бек!— Тошқалланинг овози титраб чиқди. Агар бек рухсат бермаса, у юлқиниб майдонга тушгудай кепатаси бор эди. Абдурахмон офтобачи майин жилмайиб қўйди. Бу унинг розилиги эди. Насриддинбек кафтини очди:

— Йигит пири Шоҳимардон қўлласин, Тошмат ботир... Омин!

Куч синаш ниятида кўзлари ёниб турган ботир уч марта шаҳзодага таъзим қилди, кўпчиликнинг фотиҳасини олгач, майдонга йўналди. Йигитлардан бири қора байирни етаклаб олдинга югурди. Насриддинбекнинг ортида турган сурнайчи мусобақага мос куй чалди. Гурс-гурс дўллар урилиб, давра ажабтовур бўлиб кетди. Насриддинбек ўрнидан турди. Беҳисоб томошабинларнинг дўппи, телпак ва оқ қалпоқлари ҳавода қалқиди.

— Ё, тавба! Бу нимаси? Интилиб чиқиб қолдику,— деди кимдир. Тўпланганларнинг турли-туман гаплари, сўкинишлари ҳаддан ошди.

— Ана!

Сипоҳийлар от чоптирди.

— Ҳой, нима қилиб турибсизлар?

— Бошинглар тарвуздай қўлингларга тушиб қолса, уйқинглар очилади шекилли.

— Мана, бу бошқа гап.

— О, халойиқ, аста-аста! Ош тинчроқ ўтсин. Майдонга ҳамма ҳам тушавермайди.

— Ажабо! Сопи йўғонроқ қамчи олиб келмабмизда, булар энди иш кўрсатмаса кошкниди.

— Лаънати! Ҳа, лаънати! Оғзингга қараб гапир,— деди Дўмбу катта телпакли одамга қамчи уриб.

Ҳалиги одамнинг телпаги думалаб кетди.

— Тўхтат, хоннинг тоғаси. Айбим нима?

— Овозингни ўчир. Шу топда овозингни қаттиқ чиқарсанг гуноҳга қоласан. Жим ўтирсанг марра сеники. Қоч нари!

Дўмбу эл оралаб қий-чувларни босди.

Оқ кийимли жарчилар отларини лўкиллашиб, атрофдагиларга мусобақа шартини айтишарди.

— Э, халойиқ! Азаматлар номус учун бел боғлашадди. Отни чопиш, тиззага уриш ҳақ. Ўлганнинг хуни тўланмайди. Ғолибга сийлов ва мукофот. Такрор айтаман, шарт шу, хун тўланмайди, ютганга катта соврин берилади.

Бир томонда Насриддинбекнинг йигитлари, иккинчи тарафда эл саф тортган эди. Тўпланганлар ажабланиб, бу курашнинг нима билан тугашини сабрсизлик билан кутишарди. Одамлар юзма-юз турган икки йигитдан кўз узишмасди.

Тошқалла Қўқон, Марғилон томонларда уришгани одам тополмай, ҳар кимга ўқталиб юрган барзанги полвон йигит эди. Ҳеч ким унинг мушугини пишт деёлмасди. Сабаби, Тошқалла Насриддинбекнинг эркаси эди. Асли исми Тошмат. Курашда, муштлашишда бу ўртада унга ҳеч ким бас келолмасди. Бир неча йилдан бери у шаҳзоданинг йигитларига қиличбозликни ўргатиб келарди. Бугун ана шу полвон орият қилиб элатнинг бўз ўғлони билан куч синашишга чиқди.

Қайсар Тошқалла дастлабки тўқнашувдаёқ рақибининг осонликча жон бермаслигини сизди. Бундай оқишувларнинг кўпини кўрган барзанги бошқача усул қўлламоқчи бўлди.

Чақ-чақ... Шарақ-шуруқ... Қиличларнинг дамидан ўт чақнайди. Арғумоқлар бир-бирига ташланиб, кўкка ирғишларди. Рақиблар гўё азалдан ўчи бордай бир-бирига ҳамла қилади.

— Эй, кажрафтор фалак! Номус учун ўртага туш-

ган йигитларни ўзинг асра.. Йигит пири Шоҳимардан,
ўзинг қўлла!

— Ҳай... Қара, қара... Шу ҳолда қиличини шарақ-
латиб тураверса, кеч киради-ку.

— Ҳой, оғайни, олдимни тўсма! Қандай инсонсан!
Сендан бошқа томоша қилмайдими?

— Бу ёққа тур!

— Шарақ-шуруқ! Буни ёғи чиқармиди?

— Шартта битта чоп! Тамом, вассалом.

— Ёнига келтиролмапти. Кўрмаяпсанми, пайт
пойлаяпти.

— Улар қулай пайтини топса, аяб ўтирмайди.

— Қилични ҳар ким ҳам тақаверади, аммо уни
фақат азамат йигит чопади.

— Ундай бўлса, сен чиқақол ўртага.

— Қўйсанг-чи, бунақанги ўпкаси йўқларни кўп
кўрганмиз.

Майдондан кўз олмай, тикилиб турган эл бирдани-
га жимиб қолди.

— Эҳ, эссиз йигит! Нобуд бўлди!

— Қайсиниси йиқилди?

— Йиқилди эмиш, калласи сапчадек учиб кет-
ди-ю...

Бўз тупроқ устида калла думалаб, қон ерга сингиб
кетаётганди. Қора аргумоқ тайсаллаб четланди. Шу
пайт тана шилқ этиб ағдарилди ва оёғи узангига или-
ниб қолди. Бундан ҳурккан от танани судраб чопиб
кетди.

— Вой, шўрим, Бекназар!

— Нафасингни совуқ қилма. Жим бўл!

Зум ўтмай голиб йигитнинг қўлидаги қилич кўкка
ирғиб, қуёшда ялт этди. Бекназар!

— Ҳамма ботир йигитни олқишлаш учун ўша
ёққа ошиқди.

Дўнгликдан томоша қилиб турган казо-казоларнинг
нафаслари ичларига тушиб кетди. Хусусан, Абил бий
қотиб қолди. Ҳаммаёғини муздай тер босиб, кўзлари
ола-кула бўлиб кетди. Шундай мартабали кишининг
ишонган йигити-я?.. Қилни қирқ ёрадиган Абил бий
гангиб қолди. «Э, тангри... Бу нима гап? Шайтон Бек-
назар! Э, қон қусгур!» Насриддинбек тўсатдан бир тар-
саки еган одамдай серрайиб турарди. Дўллар чалиниб,
сурнай оҳанги юрак-бағрини эзарди... Сипоҳийларнинг

қўллари қиличга чўзилди. Насриддинбек шуни кутиб турганга ўхшарди. Бийнинг пешонасидан тер қуйиларди.

Олқишлаган эл олдида Бекназар келарди. Насриддинбекнинг кўзлари олайиб, қўли қалтираб, белидаги тўппончани ушлади, уни аста суғурди. Абдураҳмон унинг қўлини тутди.

— Бу ер Қўқон эмас.

Чавкар йўрға қулоқларини чимириб, ирғишлаб оломон ўртасида Бекназарни олиб борарди. Насриддинбек мулзам бўлиб турарди.

Бекназарни ўртага олиб келган тўп ўтовлардан бирининг олдига келиб чақирди:

— Ким бор?

— Ким бор, садағанг кетай?

Уйдан дока рўмол ўраган бир кампир чиқди. Ярим ойдан бери меҳмон кутиб, туни билан ухламаган кампирнинг анча уриниб қолганлиги шундоқ сезилиб турарди. У қўрқиб кетдими ёки ҳайрон бўлдими, киртайган кўзларини зўрға очиб:

— Келинлар, келинлар... Йўлинглар бўлсин, ботирлар,— деди.

— Лашкарбоши! Садағанг кетай, мома! Лашкарбоши! Номусга қолмадик...

Кампир ҳеч нарсага тушунмай, бош ирғаб:

— Яхши... яхши... — дерди нуқул.

Кўпчилик Бекназарни от устидан кўтариб олди. Кампир қучоғини ёзиб:

— Яхши... Яхши... Қоқиндиқ... — деб ҳаллослаб ўтовга кирди, бир коса сув олиб чиқиб, ирим қилиб Бекназарнинг бошидан уч марта айлантирди ва ниманидир пичирлаб, лов-лов ёниб ботаётган қуёшга қараб сочиб юборди. Одамлар дарҳол оқ улоқни бўғизлаб, қўлтиғини ёриб, ўпкасини кампирнинг қўлига тутказишди:

— Онадан табаррук, онадан улуғ бу дунёда нима бор? Келинг, яхши ният билан, енгил қўл билан ботир ўғлингизга ўпка чопиб ташланг.

Кампир икки букчайиб, Бекназар атрофида айланди, қўлидаги қон томиб турган ўпка билан ботирнинг бошига, елкасига, қўлига, тиззасига уриб шундай деди:

— Оч назардан сақла... Оч назардан сақла. Кўзла-

ганни кўзига, сўзлаганни сўзига кир! Ота арвоҳи қўллаб, йигит пири жиловдор бўлсин! Ўз элингга содиқ, тоғдай мадад бўлгин, ўғлим...— Ўпка урилган сайин қорайиб бсради. Унинг қорайиши ирим — яъни ёмон сўз, ёмон кўзнинг далили эди. Ўпка қоп-қора бўлгач, кампир: — Ёмонлик қўл билан қўша чиқиб, кун билан қўша ботсин,— деб қуёш сўнгги нурларини сочиб ботаётган томонга иргитди.

Жарчи бор овози билан бақириб-чақирди:

— Эшитмадим деманглар, эшитганлар қолманглар! Бир кунлик ерга пойга ўтказилади. Судралган отга соврин йўқ. Ҳозирдан бошлаб отларнинг чилвирини ечиб ташланглар. Чилвирли от пойгага қўшилмайди. Бу — томошани бошқараётган Насриддинбекнинг хоҳиши. Бир човғун чой қайнагунча чопқир отлар йўлга чиқсин. Йўл олис. Пойга Қизилровотдан бошланади. Э, халойиқ, эшитмадим деманглар, эшитганлар қолманглар.

Пойга мухлислари ташвишга тушиб қолди. Баъзи бировлар отларини четга тортиб, дўст ва қариндошлари билан маслаҳатлашиб, ўз аргумоқларининг бахтини худодан тилаб, фотиҳа олишарди.

Модилнинг хаёли тўриқ қашқада эди. Зора бирор ердан дараги чиқиб қолса, деб чор атрофга қарарди. Модилнинг юраги туздай ачишарди. «Минг қўйлига қашқир текса, бир қўйлик пичоқ олиб югурар, дегандай, ёлғиз отимизни ўғри олганини қарамайсизми?»

Бир дўстининг ўғли отасининг отини миниб, у ёқдан-бу ёққа юраркан, бирдан Модилни чақириб қолди:

— Ҳой, Модил ака! Модил ака! Ҳой, бу ёққа қаранг, ана тўриқ қашқангиз! Ана, ана!

Модил «тўриқ қашқа» деган сўзни эшитди-ю, юраги дук-дук уриб, кўзи атрофга аланглади. Ўғли гизиллаб етиб келди:

— Тўриқ қашқа!.. Бизнинг отимиз!..

Модилнинг тепа сочи тикка бўлди:

— Қани? Тўриқ қашқа-я? Ростданми? Эй худойим-эй!..

— Ҳув, ана. Кимдир пойгага кўшгани олиб чиқди.

Модил бола кўрсатган томонга лапанглаб югура кетди. Ҳамма ўша ёққа қаради. Модилнинг ўпкаси тўлиб:

— Э, худоё худовандо, бор бўлсанг, шафқат қил!— деб ҳарсиллаб ҳеч кимга қарамай югуриб борарди.

Ростдан ҳам чеккароқда бир чавандоз бола кимхоб ёпқич ёпилган отни нари-бери юргизиб турарди. Қамиш қулоғи, ёпқич попуғи очилса, пешонасидаги тумордай қашқаси ярқ этиб кўзга ташланарди. Думи яхшилаб тугилган. Роса тобига келган от типирчилаб, ўзини қушдай сезарди.

Модил бақриб юборди:

— Худди ўзи! Тўриқ қашқам... Ҳа, ўзи! Қашқасини кўринглар! Юриши, тумшуғи, киприғи ўзгинаси.

Отга яқинлашаркан, оғзидан боди кириб, шоди чиқди.

— Туш отдан, ўгрининг боласи, онангни учқўрғондан кўрасан,— деб тизгинга ёпишди. Чавандоз отга қамчи босиб ушлатмай кетди.

— Ҳа? Ким ўғри?

— Тўхта!— деди Модил орқасидан югуриб.— Тўхта, ким ўғри эканлигини сенга кўрсатиб қўяман.

— Мана сенга,— деб чавандоз бола эгарнинг қошини кўрсатди.

Одамлар тўпланди. Бир оқсоқол ўртага тушди:

— Эй, бола, бу ёққа кел,— деб чақирди.— Кимнинг оти?— Чавандоз бола бир оз чўчиб:

— Дўмбуники,— деди.

— Хоннинг тоғаси Дўмбуми?

Чавандоз бош ирғади. Одамлар ўртасида гап-сўз бошланди.

— Ё, тавба, Сарибойнинг тўриқ қашқаси унинг қўлига қаёқдан тушиб қолди?

Унгача, бедовни пойгага қўшиш олдидан кўриб қўйиш учун беш-олти киши билан Дўмбу келиб қолди. Отни ўраб турган одамларни кўриб, Дўмбу мийиғида кулиб қўйди.

— Бизнинг от! Э, садағанг бўлай, аҳли юрт, бу бизнинг тўриқ қашқа,— деб Модил ҳаммаёқни бошига кўтарди. Ҳалиги оқсоқол:

— Ана, Дўмбунинг ўзи. Бақирмай тур, аниғини билайлик. Чиндан сеники бўлса...— деб юпатди.— Ўғирланган уловни аниқлаш қийин эмас...

Дўмбу гап нима ҳақидалигини билиб ранги қув ўчганди.

— Ҳа, нима гап? Тинчликми,— деди заҳархандалик билан.

Модил бориб отни тизгинидан ушлади:

— Уғри! Бий бўлмайтми ўл! Уғри... Отни бер! Отни!..

Дўмбу қорайиб кетди:

— Эй... Оғзингга қараб гапир, ялангоёқ,— деди.— Қайдаги от? Уни танийсанми? Қасам ургур!

Оқсоқол ўртага тушди.

— Бий, Сарибойнинг тўриқ қашқа отини ўғри олган. Буни сиз, қолаверса барча билади. Отни эгаси таниди.

Дўмбу:

— Бери кел,— чақирди чавандозни.— Отни боғлаб қўй!— Кейин оқсоқолга қаради.— Соқолингизни ҳурмат қилдим, акс ҳолда терисини шилдириб, ўзига шойи кўйлак кийгизардим. Ана, ўртага боғлаб қўйдим. Ҳар ким ўз молини танийди. Башарти таниса олсин...

Модил:

— Танийман! Таниганим учун айтяпман,— деб тутақиб отга югурди.

— Уни ушланглар,— деди Дўмбу қаҳр билан. Икки йигити Модилни отга йўлатмай чеккага судрашди.

Модил хижолат бўлиб, Насриддинбек турган ерга жўнади.

— Зўрлик! Муттаҳамлик бу... Борадиган ерга борман, арз қиламан. Индамаса зўрлик экан-да, а?!.

— Борсин,— деди Дўмбу кўзларини олайтириб,— қўлидан нима келарди?!.

Жамоатчиликнинг бир қисми Модилнинг ёнини олишса, иккинчи қисми, «тагин янглишиб балога қолмасайди», деб хавотирга тушишди. Холислик қилаётган оқсоқол ҳам Сарибойнинг отини таниб, жанжал нима билан тугашини кутарди.

— Майли, бий, бориб келсин-чи,— деди Дўмбуга.

Дўмбу отнинг ёнига ҳеч кимни йўлатмай қўйди. Борган сари одам тўпланарди. Нариги тарафда отларни ажратаётган пойгачилар ҳам тўхтаб қолди.

Бир талай отлиқлар кўринди. Абил бий билан бир неча киши бирга келаётган эди. Модил куйиб-пишиб, Абил бийнинг узангисидан ушлаб гапириб келарди:

— Садағанг кетай, эл оғаси! Тўриқ қашқанинг ўзи.

Наҳотки ўз уловимни танимасам? Зўрлик ҳам эви билан-да? Бу Дўмбу деган зот нима қияпти ахир?

— Ассалому алайкум,— салом бераркан, жанжал-га сабабчи бўлган от қаёқдайкин, деб атрофга кўз югуртирди Абил бий.

— Бий! Мени ўғри қилишяпти. Ўзинг холис бўл. Хон қариндошини бундан ортиқ ҳақорат қилиш мумкинми?— деб атай кесатиб гапирди.

Абил бий сезиб, босиқлик билан сўраб-суриштирди:

— От қани?— деди-ю, нарироқда боғланиб турган отни кўрди. Унинг қулоғи ва туёғидан бошқа ери ёпқич билан ўралган эди. Бий Сарибойнинг тўриқ қашқа отини танигани учун зеҳн билан қаради.

— Эй, хон тоғаси, ўғри бўлсанг тугиласан. Топиб олганман десанг, таниб олганга берасан,— деди Абил бий истеҳзо билан.— Қоида ва удум шундай.

Дўмбу бўш келмади.

— Танимаса-чи? Бу туҳмат бўлса-чи?— деди айёрлик билан.— А? Очиқ айт? Абил бий! Мени бундай таҳқирлашларига йўл қўймайман, Абил бий!..

Бу намуноча ҳовлиқмаса! Ёки ростдан ҳам Модил адашдимикин? Абил бий отга яна бир қараб олди-да, у бечора Сарибойники эканлигига тўла ишонди.

— Туҳматчи жазосини олади. Ялангоёқ бўлса ҳам бари бир,— деб масалани кўндаланг қўйди.

— Қўлингдан келса осмонни ташлаб юбор, Абил бий!— деди Дўмбу ва йигитларидан бирига буюрди.— Ёпқични олиб ташла.

Йигит дарҳол отнинг эгари билан ёпқичини олди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Одамларнинг кўз ўнгида қизил чавқар арғумоқ турарди. Икки кўзидан тинмай ёш оқиб турган Модил ҳанг-манг бўлиб қолди. У ўз кўзларига ишонмасди.

Дўмбу:

— Бу ёққа етакла! Нариги томонга бурил. Эл кўрсин. От йўқотганлар таниб олсин!— деб киноя қилди.— Ана, таниб ол, Абил бий!

Келишган қулондай қизил чавқар арғумоқ ўртада нари-бери юргизиб кўрилди. Ғала-ғовур бўлиб кетди. Холислар ҳам, Абил бий ҳам лом-мим дея олмай қолди.

Модил дудуқланиб:

— Тўриқ қашқа... Тўриқ қашқа,— деган сўздан бошқа ҳеч нима дея олмасди.

— Кўзингга қараб даъво қилмайсанми, ҳой?— деб Дўмбу Модилни қамчи билан бошига икки-уч туширди.— Мана сенинг жазонг. Мен бировни айблаб даъво қилмайман.

Ҳафсаласи пир бўлган Модил атрофга қаролмай, бошини қўли билан беркитиб ўтириб қолди.

— Буям сенга кам! Ҳе, уяти йўқ, тухматчи,— деди кимдир. Айримларнинг кўнглидан: «Дўмбунинг қаерда чавкари бор эди? Улоқчи от сотиб олганлиги тўғрисида ҳеч қандай сўз тарқалмаган эди-ку?» деган гумонлар кечди.

Абил бий Дўмбунинг қора ният билан қилган ишини дарҳол пайқаб, индамай аста кетди...

Дўмбу ҳамиша киши билмас ўғрилиқ қиларди. Бир куни тунда Сарибойнинг боқувдаги тўриқ қашқа отини қўлга тушириб, қил арқонни қозонда обдан шарақлатиб қайнатдирди, сўнг иссиқ арқонни отнинг бўйнидан сағрисиғача мақкам айлантириб боғлади. Арқон теккан жойлар қизариб куйди, тўриқ қашқа чинқириб кишнаб, йиқилди ва бир нави омон қолди. Совугач, арқонни олиб ташлаб, бошқатдан боқувга қўйди. Натижада отнинг куйган ерлари тулаб, кўп ўтмай арқон изларининг ўрнидан оқ жун ўсиб чиқди. Қарабсизки, уч ой деганда тўриқ қашқа қизил чавкар аргумоққа айланди-қолди. Ушандан бери Дўмбу ҳеч кимга сездирмай, от устидан ёпқични олмай совитиб, катта маъракага олиб чиқди.

Қани тўриқ қашқа? Дўмбунинг бўйнига ким айб қўёлади? Абил бий бир ёғи ўзи бу тантанани ўтказаетганлиги учун турли мулоҳазага бориб тишини-тишига қўйди, иккинчи томондан, Дўмбу хоннинг тоғаси бўлгани сабабли гинасини юрагига тугиб қўйди.

Жарчи эса қизил чавкарни мақтаб, қўшиқ айта бошлади:

Қизил чавкар аргумоқ,
Хўп келишган яхши от.
Қулундайин ирғишлар,
Ҳавас қилар одамзот.
Қамиш қулоқ аргумоқ,
Икки кўзи шамчироқ.

Чопсанг кўзлар юлдузни,
Унинг тенги йўқ, бироқ...

Дўмбу эриб кетиб, эл олдида мардлигини кўрсатмоқчи бўлди.

— Мана, бахши йигит, — деб ўзи миниб турган отидан тушиб, унинг жиловини маддоҳга ирғитди-да, қамчинини судраб кетди. Маддоҳга от мақтаниш учун керак, холос.

Чопқир отни, гўзалларни, ботирликни, мардлик ва адолатни азалдан хуш кўрадиган фуқаро қарсак чалиб юборди.

— Балли! Йигит бўлса, сендай бўлар! Балли!

Маддоҳ совгадан руҳланиб, Дўмбунинг орқасидан юриб, уни кўкларга кўтарди.

Асли ботир Дўмбу бий,
Насли ботлар Дўмбу бий.
Тўрт томонни тўрт чопган,
Ҳеч ўйланмай кўп чопган.
Чўнг бобоси қипчоқдир,
Жангар хоннинг боласи.
Душманини дол қилган,
Элу юртни лол қилган,
Бамисоли Ҳотам той,
Тенги йўқдир ҳойнаҳой.

Дўмбу қайрилиб қарамай, терисига сигмай борарди. «Абил эшитиб ёрилиб кетмасайди», деб қўйди ичида.

Уша уч юздан ошиқ арғумоқ чопилган куни қизил чавқар пойгада биринчи келиб Дўмбунинг донгини олисларга етказди.

Отини кўзидан таниган, юраги ўртанган Модил эса ёруғ дунёдан зор қақшаб, пойгадан кечиб уйига кетди.

— Юриш-туриши, кўзи, киприклари худди ўзи! — деди Модил тутақиб Сарибойга. — Ёпқиси бор экан, уни олиши билан... Қизил чавқар...

Кўпни кўрган Сарибой чуқур хўрсиниб, Дўмбунинг ҳийласини тушунди-да:

— Оббо, уйинг куйгур-эй... — деб сўкинди: — Майли, бўлар иш бўлди, ортиқча ташвиш қилма, — деди укасига. — Яна бирор кори ҳол бўлмасин. Худодан қўрқмагандан қўрқ. Бунга ақлли одамлар айтишган.

IV

Худоёрхон бир минг саккиз юзу олтмиш саккизинчи йили Тошкентга генерал-губернатор ҳузурига саломга борди.

Абил бий амакисига ош бериб, шу баҳонада ўрдадагилар билан элат ўртасидаги ўзига бардам кишилар муносабатини яхшилади. Кейин у ўрдага совға-салом билан келганида хон унга зарбоф чопон кийдирди, додхоқ атаб, генерал-губернатор ҳузурига жўнаш олдида уни навкарлари сафига қўшиб олди.

Ўша пайтларда қалқон бўладиган қандайдир баҳона зарур эди. Генерал-адъютант фон Кауфман хон ва у билан бирга келган кишиларга иззат-икром кўрсатгани ошиқди. Ўрдадагилар қонли тўқнашувларни, урушқоқ генералларнинг тобора қисиб кириб келишини икки орадаги нияти қора кишиларнинг ғаламислиги оқибати деб тушуниб, бу аҳволни музокаралар орқали ҳал этишга умид боғлаётган эди. Фон Кауфман хоннинг гапларини ихлос билан тинглаб, у билан бирга қайғуриб, бундан нари қонли тўқнашувларни худо бизга раво кўрмасин, деди. Шу билан бирга Россия императори кичик бир Қўқон хони билан урушиш ниятида эмаслигини тушунтириб, қайтага ўрдани ички ва ташқи душманлардан сақлашда ҳамиша ёрдам беражагини айтди, хон тинчгина давр-даврон суриши мумкин, деб ишонч билдирди. Бордию хонга қарашли вилоятларда ўрдага қарши қўл кўтарилгудай бўлса, ёки шунга уриниб кўрилса, бутун Россия императори қараб турмаслигини уқтирди. Томонлар тезда шартнома тузишга муяссар бўлишди. Шартномага кўра Қўқон хонлигининг Тошкентга қадар бўлган ери, суви, эли Россия империяси ихтиёрига ўтказилди. Хон ҳамда унинг беклари Фарғона водийсига илмий мақсадларда келган қуролли кишиларнинг йўлини тўсмаслик, рус бойларининг эркин савдо-сотик қилишлари тўғрисида келишиб олинди. Ниҳоят, қўшни мамлакатлар билан алоқа қилинадиган бўлса, у ҳолда ҳар икки томон маслаҳатлашиб иш юритиши керак. Генерал-губернатор Худоёрхоннинг давлат бошқаришини, олий даражасини ҳар доим қадрлаяжагини билдирди.

Шу билан Худоёрхоннинг кўнгли ўрнига тушди. Гўё ўз ўлкасининг ички-ташқи ташвишларидан қутул-

гандай, фақат ўрдани бошқариш эрки ўлжа бўлиб қолгандай енгил қайтди.

V

Бирдан ит ҳуриб, отнинг туёқ товушлари эшитилди. Модил ўзи билан ўзи овора бўлиб, атрофга қарамади.

— Эй, гуноҳкор банда, кўтар бошингни.

Модил чўчиб кетди. Бошини кўтарсаки, рўпарасида қора отли киши кўзларини чақчайтириб турибди. Ошиқиб ўрnidан турди:

— Э, келинг. Хон тоғаси, келинг, — деб терт ёпишган қўлларини ёнбошига артди, отни жиловидан ушламоқчи бўлди.

— Сенинг афт-ангорингни кўргани келдик.

— Қани отдан тушинглар.

— Қани бешта от?

Модил каловланиб қолди.

— Узингиз биласиз, қўлимиз қисқа... Бўлса қараб турмасдик.

Қора отлиқ депсиниб, бақирди:

— Мен қаёқдан билай? Қачонгача кутамиз?

Модил ўзини четга олди.

— Бўлса-ю, бермасак бошқа гап эди...

Қора отлиқ сўкиниб яна интилди. Модил бу гал қочмади:

— Етар! От солманг! — деб гўлдиради. — Камситиш ҳам эви билан-да. Худонинг кўрсатган хўрликлари каммиди? Эплаб-сеплаб қутуламиз...

— Эплаб-сеплаб эмиш?.. Бешта отни сизлар отамнинг ошига бермайсиз. Бу хоннинг солиғи. Отлар хонга керак. Сен эплаб-сеплаб топгунингча хон қараб турадими? А?

Пичоқ бориб суякка етган эди. Модил тилини тийиб туролмади.

— Қаердан топай? Туғиб берайми?

— Нима? Бу ялангоёқ нима дейди?

— Ким ялангоёқ? Хоннинг тоғасини яратган худо ялангоёқни яратмаганми?

— Ушланглар уни, — деди Дўмбу. — Тилини буранглар.

Орқада турган бешта йигит отдан дарҳол тушиб, Модилга ёпишди. Лекин Модил ҳам қараб турмади. Ер-

да ётган сўйилни олиб ура кетди. Лекин улар кўпчилик қилиб Модилни босиб тепишди.

Модилнинг хотини зор қақшаб, эрининг устига ташланди. Йигитлардан бири уни олиб ирғитди. Хотин ўрnidан тура солиб, тушаётган қамчилардан эрини ҳимоя қилмоқчи бўлди. Йигитлар эр-хотинга барабар ёпишишарди. Кўйлаги тамом йиртилиб кетган заифа ургочи қашқирдай зўравонларнинг юз-кўзига чанг солар, қўлларини тишлаб олар эди.

Хотин кишининг чинқирган овози ва тўс-тўполондан кўрқиб, оналарининг пинжига кириб олган болалар йиғисидан овул оёққа турди. Модил то ҳушидан кетгунча олишди. Кейин уни йигитлар қўлини орқасига боғлашди.

Эркак зотидан фақат Сарибой бор эди. У ташқаридаги қий-чувни эшитиб, ўрnidан турмоқчи бўлди. Бироқ Суюмхон ўзи йиғлаб турган бўлса ҳам эрини алдаб, эшикка чиқармади. Охири тоқати тоқ бўлган Суюмхон деворда осилиб турган силовсин терисини елкасига ташлаб эшикка чиқди.

— Жонимиз садаға, кечирим сўраймиз,— деб хунибийрон йиғлаб Дўмбуга илтижо қилди.— Йўқчилик экан, хоннинг солиғини вақтида беролмадик. Тинчлик бўлиб турса, беш хўжаликка бешта от ҳеч гап эмас.

Қора отлиқ Суюмхоннинг гапини эшитаётган бўлсада, кўзини ялтиллаб турган силовсиндан узолмасди.

— Бечора солиқдан қутуламан, деб эртаю кеч жабдуқ ясаб, ором нималигини билмайди.

У силовсинни қўлига олиб ёзар экан, думи ерга тегди. Қора арғумоқ теридан ҳуркиб, қулоқларини чимирди.

— Овчининг сўнгги ўлжаси эди. Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўриб, шуни олиб кетинг. Бечорага шафқат қилинг,— деб Суюмхон ўзини тутолмай ҳўнграб юборди.

— Сизлар жабдуқ ясаб сотгунингларча хон қараб турадимми?

Қора отлиқ Суюмхонга қараб бостириб келди. У қамчи тушишини кутиб, ерга қараб турди. Дўмбу аёл кишига қамчи уришдан ҳайиқдимми, жим бўлди. Суюмхон бошини кўтарди.

— Ботир! Қамчи кўтарманг. Хотин кишига қамчи кўтарганнинг бошидан давлати учади,— деди ҳайиқмай.

— Астағфурилло!

Қора отлиқ узр сўрагандай, Суюмхонга боқиб сўради:

— Бургути кўзини жароҳатлаган овчининг хотини сенмисан?

— Мен.

— Ҳой, зоти паст! Мана шу аёлнинг ҳурмати учун кечирдим. Эшитдингми? Жонинг омонатга қолди. Бир ҳафтадан кечикмай солиқни тўлайсан. Эшитдингми? Агар шундай бўлмаса, овулдагиларнинг уволига қоласан.

Модил бу сўзларни эшитмади. Унинг қулоғи шангиллаб, ўзи билан ўзи овора эди.

— Эшитдингми? Кулингни кўкка совураман.

Сўнг қора отлиқ изига қайтди. Нимагадир силовсинга қарамади. Номус қилди шекилли. Йигитлари ҳам унинг ортидан йўлга тушди.

Хотинлар Модилнинг бошини кўтаришди. Модилнинг ити эгаси учун гўё қасос олмоқчидай жон-жаҳди билан вовиллаб, қора арғумоқ орқасидан югурди. У отини шартта тўхтатиб бурилди-да, биротар тўппончанинг тепкисини босди. Қора қанжиқ ванг деди-ю, йўлда сулайиб қолди.

* * *

Абил бий Модилнинг арз-ҳолига яхши тушунди. Шўрликнинг юз-кўзлари қамчи зарбидан шишиб кетганди. Лаби юмилмайди.

— Қим?— сўради Абил бий.

— Дўмбу...

Бу номни эшитгач, бийнинг кўзлари бошқача тусга кирди. Дўмбу? Хоннинг тоғаси-я?..

— Қайси гуноҳинг учун?

Модил чўк тушиб, Абил бийнинг этагини ўпиб, йиғлаб юборди.

Беш хонадондан иборат нўйгут уруғининг аҳволи беш қўлдай аён. Бири овчи, бири жабдуқ ясайди, яна бири заранг косалар устаси. Сарибойни бўлса, бургут кўр қилди. Бунинг устига тирикчилигининг мазаси йўқ. Хон томонидан солинган бешта от ўлганнинг устига тепган билан баробар. Ака-укаларнинг мақсади — ўзлари ясаган анжомларни сотиб солиқдан қутулиш.

Бундан ўзга чора бўлмагач, нима қилишсин? Аслида одамлардан солиқ ундиришни Абил бий Дўмбуга топширганди.

Абил бий хўрлангани учун чидамай йиглаб ўтирган Модилнинг аҳволини яққол ҳис қилди.

— Ким бор!— деди Абил бий ташқарига қараб. Бўсағада турган йигит кириб, қўлини кўксига қўйди.

— Ҳеч ким кирмасин... Ўзинг ҳам бўсағадан олисроқ тур,— деди Абил бий.

— Хўп бўлади, бек оға!

Бийнинг нигоҳи Модилнинг йиртиқ елкасига, қон қотиб қолган кўйлагига тушди.

— Садағанг бўлай, эл оғаси, у янгамга қамчи кўтарди. Бу ҳам етмагандай, итимни отиб кетди.

— Қутуриб кетибди. Хўш, энди нима қилмоқчисан, Модил?

— Нима қилайин, эл оғаси?

— Оббб, охирати куйган-ей.

Модил бу дудмал гапга тушунмади. Абил бий чап қўлини Модилнинг елкасига қўйди. У кўнгли кўтарилганиданми, яна йиғлади.

— Нима қилай, эл оғаси?

— Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, дейишади. Ўч ол, Модилим! Охиратгача нима бор, нима йўқ, кутиб ўтирмай, қасос олишинг керак.

— Қандоқ қилиб... эл оғаси,— деб жавдиради Модил.— Яхшилигингизни унутмайман, ўчимни олиб беринг. Мендан қайтмаса, худодан қайтар.

— Ўзинг оласан.

Модил ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Модил, овчи акангни милтиғи бормиди?

— Бор-бор... Акам бургут билан овора бўлиб, милтиғи унчалик уринган эмас. Янгигина.

Бий милтиқни сўраб қолди, агар иш ўша билан битса, яраси енгил экан, ўйлади Модил. Ҳозироқ югуриб бориб келтириб бериши мумкин.

— Ҳеч милтиқ отганмисан?

— Йўқ, қаёқдан дейсиз. Ҳозир олиб келайинми, эл оғаси?

Абил бий уни тинчлантирган бўлиб, қўлига уриб қўйди.

— Ихлос билан йиғласа, кўр кўздан ҳам ёш келур.

Отишни билмасанг, ўрганасан. Қулоқ сол. Ўша милтиқни ўқлаб йўлини тўсасан.

— Кимнинг?

— Мендан яхшироқ биласан.— Абил бий Модилга тикилди.— Чўчима. Мен сени эркак деб айтяпман. Азбаройи раҳмим келганидан... Милтиқни ўқлаб, па-нада пойлайсан.

Модил ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Тўсатдан отасан, у отдан қуласа, ўзингни яшир. Енидаги йигитлари тумтарақай қочади. Фурсатдан фойдаланиб, изингни яширасан. Ҳеч ким билмасин. Ҳатто хотинингга ҳам айтма. Бу ёғини менга қўйиб бер! Эшитдингми? Мен бор эканман, хотиржам бўл.

Модил энди тушунди. У Абил бийга разм солди. Бий унинг дилидагини уқиб, бошини ирғади.

— Мен тайёрман!

— Ахир бировнинг хотинига қамчи ўқталса, итингни отиб кетса, қутургани шу эмасми? Ўзинг бир ўйлаб кўр. Шундай қил. Ўчни шу дунёда олганинг дуруст, Модилим.

— Хўп бўлади. Ўлдираман,— деб ўрнидан қўзғалганди, Абил бий уни босиб қўйди.

— Энг сўнгги сўзим, унинг йўлини деҳқонларга яқинроқ ердан тўс!

Модил гапга унча тушунмаса ҳам қайтага руҳланиб миннатдорчилик билдирди.

— Гап битта! Деҳқонларга яқинроқ жойда ишни битир. Сабабини сўраб ўтирма. Башарти сени Дўмбу ўлдирса, мен куяман. Бунни билиб қўй. Жўна энди.

— Хайр бўлмаса!— Модил ошиқиб чиқиб кетди.

Модил Абил бий бизга азбаройи жони куйганидан шундай қиляпти, деб ўйлаб хурсанд бўлди.

Абил бий яқинда ўрдага борганида Дўмбуни ҳам бирга олиб борган эди. Чунки у хоннинг бобоси Тўхта-назарга узоқ қариндош бўлса-да, Худоёр уларни илиқ кутиб, Дўмбуни бийга солиқчи қилиб берди. Шу боисдан Дўмбу ҳовлиқиб, кун сайин янги бир ҳунар чиқариб, Абилнинг сўзини гоҳо инobatга олмай қўярди. Тобора эл ўртасида солиқчига нисбатан норозилик кучайди. Ҳар иккисига ҳам бир хил кучга эга бўлган ёрлиқ берилгани бийнинг ғашини келтирарди. Хуллас, Абил бий унинг пайини қирқиш учун қулай вақт изларди. Назарида, ўша фурсат келди. Модилнинг кели-

ши эса унга айни муддао бўлди. У хамирдан қил сургандек иш битишига кўзи етиб, енгил нафас олди.

— Ким бор?— деди Абил бий кафтларини бир-бирига уриб.

Эшикдан хотини Қорақош ойим кирди.

— Ҳалиги шўринг қурғурга нима бўлибди?

— Ҳа, Дўмбу аҳмоқ... Бечора нўйғут уруғи солиқни вақтида тўламаган экан, уни калтаклабди.

— Қўй, деб айтмайсизми? Фуқароларингизни бир чеккадан калтаклатмай...— деди Қорақош ойим қошларини чимириб.

Абил бий кулиб қўйди.

— Хоннинг тоғаси-да...

— У хоннинг тоғаси бўлса, сиз элнинг оғасисиз. Эл сизга бош эгади.

Абил бий кўз қирини ташлаб, бирдам индамай бошини қимирибди.

— Ҳечқиси йўқ, бундайларнинг жазосини худо беради. Ойимча, ундан кўра, эшикдаги йигитларга чиқиб айтинг, нўйғутлар номидан бешта отни солиқ тўпланаётган ерга тезроқ етказиб беришсин. Кейин, ўзингиз менинг номимдан салом айтиб, нўйғутларга солиқдан қутулганлигини хабар қилдиринг.

— Хўп, додхоҳ. Бу савоб иш.

— Шундай бўлсин.

* * *

— Так! Так!— деди Гулкиши тойни болалардай эркалатиб, чилвирни узунроқ қўйиб.— Так, так, тўриқ тойим. Оббо, тентак-ей, мени судраб ўлдирмоқчимисан?

Семиз тўриқ той қулоғини чимириб, йўл четига қаради. Чангалзор орасидан кимнингдир боши кўринди. Гулкишининг юраги шиғ этди.

— Ким бор?

— Мен, Гул ака.

— Ҳа, судралмай қол, Модилмисан?

Гулкиши уни имлаб чақириб, салом-алик қилди. Модил ранги ўчиб, бу ерда нима қилипсан, деса қандай жавоб беришини билмай турди. Лекин оқсоқол ундан гап сўрамади. Бугун Гулкиши жуда хурсанд. Сабаби, узоқ ва оғир йўлни қисқа муддат ичида босиб ўтганди. У енгил тортиб, йўл ёқасига ўтирди.

— Бугун Бўзбунинг нариги томонидан йўлга чиққан эдим,— деди қувониб у.— Худо ёрлақаб тойим бўш-баёв экан.

Модил ундан қандай қилиб ажраб кетишини билмасди. Гарчанд унинг қулоғига гап кирмаётган бўлса ҳам Гулкиши бундан беҳабар тойининг ёлларига қараб сўзида давом этди:

— Буюрса, ёмон от бўлмайди. Қарагин-а, Модил, қадди-қоматини, суяги бузуқ... Нима дейсан? Кўмир ташигани эмас, жангга минадиган бўлади.— Уларнинг кўзлари тўқнашгач, Модил шунчаки бошини ирғаб қўйди.

— Келгуси йилга минишга ярайди. Йўқ, минмайман. Ёшлигидан минилса, пачоқ бўлиб қолади.

Модил чумчуқ пир этса, чўчиб кетган тойга тикилиб, юраги безовталанди, чолга зимдан қараб қўйди. Модилнинг муомаласидан Гулкишининг кўнгли тўлмади.

— Минишга яраса бўлди биздай бечораларга.

Модил индамади. Гулкиши ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳей, нега рангинг бир аҳвол? Бу ерда нима қилиб юрибсан? Қаёққа кетяпсан?

Бу савол Модилни гангитиб қўйди. У кўзини юмди.

— Шундоқ, Гул ака. Шу томқидан келаётиб, анаву ерда ўтириб ухлаб қолибман.

— Тунов кунги калтакдан ҳали ҳам ўнглиниб кетмабсан-да?

Модил ерга боқиб, «ҳа», деб қўйди. Гулкиши уни юпатгудай бошқа гап тополмай, яна ўз дардини айтди:

— Эсиз отим. Одамдан ҳам эслик эди, роса миндим. Афсуски, Жомонқулнинг ошида зўриқиб кетди-да... Буюрса, бу ҳам ундан қолишмайди. Текисроқ ерда миниб кўрдим, ёмон эмас. Етовда қийнамади. Омон бўлсак бўлгани. Бўйинини қара, нақ бир қулоч келади-я!

Модилнинг ҳаваси келиб:

— Сотиб олдингизми?— деди.

— Қаёқда. Бу ўша сариқ отимнинг тўлови. Модил, от чарчаганда бир мункиса ўрнидан турмас экан. У йиқилди-ю, қайтиб турмади. Бошини қучоқлаб ўтиравердим. Кейин орқадан бир тўп ҳўкиз ҳайдаган кишилар келиб қолди. Мен нима дейишимни билмасдим. Чунки, нотаниш одамлар. Улар пойгада қатнашмоқчи

бўлганимни билишдими ёки раҳми келдими, бирови уни бўғизлади. Яхшигина гўшт чиқди. Бўлишиб олишди. Менинг умидвор бўлиб турганимни пайқаб: «Келгуси кузда Бўзбу тоғнинг кунботар томонидаги қишлоққа бориб, Ақабой деган одамни сўрайсан. Ушанда шу дўппини берасан», деб ҳалиги одам дўпписини менга қолдириб кетди.

— Бу нимаси?

— Мен қаёқдан билай. Ҳайрон бўлиб қолдим. Худди шайтон дўпписини ушлатиб қўйиб, ўзи ғойиб бўлганга ўхшарди.

— Дўппини нима қилдингиз?

— Бир бошдан айтиб келяпман-ку. Тунов куни кампир ямоқ халтасини титкилиб ўтириб, бир дўппини олди-ю, уни ювиб катта ўғилга кийгизиб қўймоқчи бўлди. Шунда ялт этиб ўша воқеа эсимга тушди. Бу ахир бултурги дўппи-ку. Тавба, ёдимдан кўтарилган экан. Худди ўзи-я. Бир куни таваккал деб йўлга чиқдим. Бу ҳақда хотинга ҳам айтмадим. Борсам, уни қишлоқдагилар яхши таниркан. Ақабой улоқ сўйиб меҳмон қилди. Нима дердим? Ўлган отни даъво қилиш инсофдан эмас. Бир маҳал, қани менинг дўппим, деб сўраб қолди. Бердим. Кейин: «Отингни тўртта улоқ қилдим, уларни эса тойга алмаштирдим. Сен хотиржам бўл, бизнинг элимиз азалдан бир-бирига дўст, ҳамкор. Ора йўлда қолдиришмайди», деб чилвирни қўлимга тутқазди.

Модил Гулкишининг гапини тинглаб ўтириб, Дўмбунни эслади. У занҷалишнинг қилган ишини ўйлаб янада қаҳри қайнади. Гулкиши эса Модилдан кўнглини кўтаргудай бирор сўз айтар, деб умидвор бўлди.

— Рангинг сарғайиб кетибди, — деди Модилга энгашиб қараркан, сабри тугаб Гулкиши. — Ғарибни шунчалик хўрлаш инсофданми?

Модилнинг юраги эзилди. Ич-ичидан Дўмбуга нисбатан ғазаби ошди. Абил бийнинг гаплари унга далда берди. Худонинг хоҳишисиз ҳатто чўп синмайди. У хўрсиниб деди:

— Гул ака, бир кам дунё экан. Бойга кенгу, камбағалга тор экан.

— Э, Модилим... Қўлимиздан ҳеч иш келмайди. Нима ҳам қилардик? Ундан кўра биз томонга бор, бирикки чакса дон қилиб бераман. Гўшт билан қулчатой-

га тўйиб, беш-олти кун ўзингни парвариш қилмасанг, ҳолинг хароб...

Модил бурнини тортиб, кипригини пирпиратиб жим ўтираверди.

— Ҳеч гап эмас, бир-икки чакса донни узишиб кетармиз,— деб унинг қўлидан тортди.— Хижолат бўлма, Сарибой билан яхшигина борди-келди қилиб турардик. Унинг аҳволи нечук?

Модил зил кетиб, «ёмон эмас», дегандай бошини ирғаб қўйди.

— Шундай қил. Юр, бир эмас, уч чакса дон топиб бераман.

— Раҳмат, Гул ака! Яхши сўз—жон озиғи.

— Эй, ишонмаяпсанми? Юр, топиб бераман. Бекназарга учраймиз. Дўмбудан ўчингни олиб беради. Биласанми, у Дўмбунинг оғзига қайноқ темирни босиб олади.

Модил унамади. Унинг ёдига Абил бий тушди. Бийга берган сўзини бажариши керак.

— Узинг биласан,— деди Гулкиши.— Ҳеч бўлмаса бир оз толқонлик олиб келасан.

— Уйга бориб, улов олиб борарман, Гул ака. Оҳ,— дея у афтини буриштириб ўрнидан турди.

— Майли, улов-ку топиларди-я. Узинг биласан. Хайр бўлмаса.

— Хайр!

Гулкиши тойини етаклади. Нўйғутларга раҳми келди. Ҳа, уларга ёмон бўлди. Агар Бекназар бўлмаса, беш-ўн уйли деҳқоннинг ҳоли хароб бўлишини кўз олдига келтирди.

Гулкиши бир оз юриб ортига қаради. Модил ўрнида серрайиб турарди. Буни пайқаб у юра бошлади. Сўнгра чангалзор томонга бурилиб, ерга энгашди. «Бечора суянгани таёқ оляпти шекилли», деб ўйлади Гулкиши. Модил кўздан ғойиб бўлди. Гулкиши узоқ тикилди. У кўринмади. «Шўрлик ўлиб-нетиб қолмасайди...» деб Гулкиши йўлга тушди.

VI

Уфқ лолагун. Тегирмон гувилларди. Ойзода юзини тиззасига қўйиб, ботиб бораётган қуёшга боқарди, сувнинг шовиллашига қулоқ тутарди. Новдан зарб билан

— Ахир сен эркак кишисан, ўзинг сўзлаб бер.

— Менми?— Эшим хаёлга ботди.— Ҳим, мен нимани айтсамикин?

— Ҳой йигитча,— деди Ойзода,— ҳозир бекинмачоқ ўйнаса борми?

— Ёруғ-да, кўриниб қолади-ку?

— Кўрингани яхши. Тезроқ топиб олади. Шуниси зўр... Чопқиллаб... Етиб олиб... Эҳ, у кезде қирқ кокил қиз эдик...

— Ҳозир ҳам қирқ кокил қиздайсиз, янга.

— Ҳазиллашма.

— Менга шундай кўриняпсиз.

— Эҳ қайним...— Ойзода чопонга ўраниб аста гапирди.— Уша пайтлар умрнинг баҳори экан. Уйинкулги, ширин орзу... Ёруғ дунёда булардан бошқа азоб, айрилиқ, заҳарханда гап, ўлим борлиги ҳеч ёдимизга келмаган эди.

Ойзоданинг сўзлари Эшимни ўйга толдирди. Кўз олдида қундуз телпак кийиб, жиға таққан, қадди-бас-ти баркамол Барчин намоен бўлди. У кўзини очиб, ёнида бахтини олтин тангадай қўлидан тушириб юборган, чопонга ўраниб ўтирган гўзал қизни кўрди.

— Янга, сиз бекинмачоқни яхши кўрар экансиз. Менга эса дўппи беркитар ўйини бўлса.

— Бало экансан... Ёмон ўйин эмас,— деди Ойзода.— Агар шум йигитлар дўппини излаб қизларнинг қўйнига қўл солишини ҳисобга олмаса...

— Уйиннинг қизиғи шунда-да!

Ойзода кулиб қўйди. Улар алламаҳалгача чурқ этмай ўтиришди. Тобора салқин тушиб, майсаларга шудринг ина бошлади. Тегирмон бир маромда гувилларди. Ой оғиб, анҳордаги сув қорайиб қолди.

— Йигитча, совуқ емадингми? Ма, чопонингни ол. Мен тегирмонга кириб ўтираман.

— Йўқ. Ёпиниб ўтираверинг, янга.

— Юрагингда ўтинг бор-да!— деб Ойзода хандон отиб, чопоннинг бир учини Эшимнинг кўкрагига ташлади. Эшим яқинроқ сурилиб қўлини унинг кўкрагига узатди. Ойзоданинг қўл-оёғи қалтираб, қаршилиқ кўрсатолмади. Эркак кишини соғиниб қолгани учунми, бир муддат тек қўйиб берди. Ёшлиқ ғайрати тўлиб-тошган Эшим маҳкам қучоқлаб, ўпиб-ўпиб олди. Эркак кишининг тер ҳиди уни маст қилган эди...

— Йи-гит-ча... Ургилиб кетай...— Ойзода қўллари толиб кетган бўлса-да, Эшимга астойдил чирмашиб, бўйнидан тўйиб-тўйиб ҳидлади. Кейин ақли ҳушини йиғиштириб, ўзини қўлга олди ва Эшимни ағдариб туриб қочди. Эшим ҳам унга осилиб ўрнидан турди.

— Қоч нари!

Эшим изза бўлди. Ойзода ўтириб йиғлаб юборди. Эшим хижолат бўлганидан ҳеч нима деёлмай турарди. Ойзода ерда ётган рўмолини олиб, кўзини артди.

— Ёмон йигит экансан, болакай,— деб ой ёруғида кулгандай бўлди. Эшим кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмасди.

— Одамни мол қатори кўрар экансан,— деди Ойзода.

Бу гапдан у ерга кириб кетгудай бўлди. Тегирмон гувиллаб, сув шовқини тун бағрига сингиб борарди. Ой нурсизланиб, ариқдаги шуълалар ўрнини қора парда боса бошлади...

* * *

— Эшитдингларми, хоннинг тоғаси Дўмбуни отиб қўйишибди.

— Оббо, ким?

— Кимлигини ҳеч ким билмайди. Дўмбунинг укаси Тултемир отган одамни ўласи қилиб калтаклаб, отга судратиб Абил бийнинг эшигига олиб келибди.

Бу гап атрофга яшин тезлигида тарқалди. Хоннинг тоғасини ўлдирган кишини кўриш учун одамлар Абил бийнинг қишлоғига кела бошлади. Бий ҳовлисида келди-кетдининг кети узилмасди. Ўртага бир киши боғлаб қўйилганди. Яланғоч банди кўзини очмай ўқтин-ўқтин ихрарди.

— Сув,— деди у. Ҳеч ким сув бермади. Келганлар уни томоша қилиб ўтиришарди. Унинг башараси дабдала эди. Ҳозиргина отдан тушган одамлар ўзаро шивирлаша бошлашди:

— Эй, бу... Бекназар ботирнинг қариндоши Гулкиши эмасми?

— Тўғри, ўша. Дўмбуда уларнинг қандай қасди бор экан?

Ўша куни Гулкиши тойини ўтлатиб юрганди. Йўл томондан қарс этган милтиқ овози эшитилди. Атрофда

Худди шу ерда сени ўлдириб, ҳамма гуноҳни бўйнимга оламан.— Тултемир қочиб бораётган эди, Бекназар қилич серпиб чопонининг икки этагини узиб ташлади. У Абил бийнинг олдига зўрға қочиб кирди.

Турганларнинг капалаги учди. Абил бий эшикка чиқмади. Бекназар ўзини босиб, салом бериб уйга кирди. Бий шунчаки алиқ олди. Бекназар пойгакка чўккалади.

— Бий,— деди у шошилмай,— менинг қўй оғзидан чўп олмаган қариндошим ҳузурингизга келиб қолибди. Агар айби бўлса, аниқлаб бўйнига қўйсанглар. Бўлмаса, беҳуда азоб берганлар билан ўзим ҳисоблашсам, деб келдим.

— Тўрға ўтир, ботир,— деди Абил бий. Бекназар ўрнидан қимирламади. Бий ҳам уни бошқа қистамади.

— Ботир, Дўмбунни кимдир ўлдириб кетибди. Шунга Гулкишини гумон қиляпмиз. Тултемирнинг айтишига қараганда, қотил Гулкиши экан. Нима қиламиз? Бошим қотди. Ишонмайин десам, хоннинг тоғасидан ажрадик...

Бекназар энди ўзини тиёлмади.

— Дўмбунни ўлдирган бошқа одам. Уни ўзингиз яхши биласиз. Борди-ю, биров менга қасд қилиб шу ишга қўл урган бўлса, бунга Гулкишини аралаштирмай, мени гуноҳкор қилсин. Дўмбунни бошқа биров ўлдиргани аниқ. Бизнинг эса у билан талашиб-тортишган еримиз йўқ эди!

Абил бий аҳволнинг бу даражага бориб етишини билмаганди. Шунинг учун қийин аҳволда қолган бий жанжални босиш йўлига ўтди.

— Тултемир, бўлар иш бўлди. Кўриб-билиб турибмиз, Дўмбунни ўлдириб кетишди. Аммо ким отганини аниқ кўрган гувоҳ борми? Ҳозир дала-тузда тентиган одамдан кўпи йўқ.

— Бекназар, сен ҳам ўзингни бос. Тўғри, Гулкиши кўп калтак еди. Бу албатта жон аччиги. Ўзинг яхши биласан, одам аламзада бўлса, нималар қилмайди? Ҳечқиси йўқ. Семизроқ қора қўйни сўйиб, терисига Гулкишини ўраб қўй. Соғайиб кетади.

Ўтирганлар бийнинг гапини маъқуллашди. Бекназар раҳмат айтиб, ишнинг бу қадар енгил кўчганидан хурсанд бўлди.

— Ўлганга қийин экан,— деб мингирлади Тултемир.

— Нафасингни ўчир!— деди Абил бий.— Дўмбу биргина сенинг эмас, ҳаммамизнинг энг яқин қариндошимиз эди. Илож қанча? Ундан кўра сен маъракасига тайёрлан. Эсон-омон марҳумни жойига қўяйлик, кейин қотилни излаб топамиз.

Тултемир жим бўлди.

Бекназар Абил бийга миннатдорчилик билдириб, ўрнидан турди. У эшикка чиққанда, икки-уч киши югуриб олдига пешвоз келди. Бекназар индамай қилич билан арқонни кесиб, Гулкишини бўшатди.

— Чакмонга ўра,— деди Эшимга. Гулкишини чакмонга ўрашди. Бекназар қора қашқа арғумоққа минди. Гулкишини унга ўнгариб беришди. Бемор инграрди. Бекназар ҳеч ким билан хайр-хўшлашмай отга қамчи босди. Эшим йўл-йўлакай Гулкишининг этакларини ўраб кўмаклашиб борди. Ҳамма оғзини очиб қолаверди.

— Қариндош бўлсанг, шундай бўл! Яша, Бекназар,— деди шу маҳал кимдир.

— Бекназар шундай қилмаса, эртага бошқаларга гани ўтармиди? Мана энди Гулкиши ҳам Бекназар ботирнинг айтганидан чиқмайди. Қариндош-уруғ деган сундоқ бўлибди!— деди яна биров.

Бекназарлар анча олислаб кетишди...

VII

Кеч куз...

Насриддинбек қирқ сипоҳийси билан тасодифан Абил бийнинг қишлоғига келиб тушди. Ким чақирди? Абил бий ҳайрон. У тезлик билан майдонга ўнга яқин ўтов тиктириб, йигитларини жойлаштирди. Насриддинбекни ўзининг уйида қадрли меҳмон сифатида иззат-икром билан кутди. Лекин бу гал шаҳзода негадир келган-кетганларга очилиб-сочилиб гапирмасди.

Салом-аликдан кейин шаҳзода жиддий сўради:

— Абил бий, менинг жонажон тоғам қайда?

Ўтирганларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди. Бий бошини қуйи эгди.

— Хўш, бий, менинг тоғам кўринмайди?..

— Шаҳзода,— деди Абил бий ғамгин.— Сизнинг

тоғангиз, бизнинг энг яқин қариндошимиз, Дўмбу раҳматлик бу дунёдан юз ўгириб, бизни ташлаб кетдилар.

Ўтирганлар бир қимирлаб қўйишди. Бу Дўмбунинг ўлганига ачинишдан эмас, балки Насриддинбекка гап топиб айтганлиги учун Абил бийга тан берганларидан эди.

— Шундайми?— Насриддинбек ўтирганларга қараб қўйди. У олдинги йилларга нисбатан анча тўлиқганди, қора мўйлови уни янада савлатлироқ қилиб кўрсатарди. Унинг чап ёнида сопига гавҳар қадалган, қини учига кумуш пойнак ўрнатилган эгри қилич бор эди.— Айт-чи, бий, ўз ажали билан ўлдими?

Шаҳзоданинг бу қадар сўраб-суриштириши Абил бийни бир оз чўчитди.

— Жиян! Дўмбу тоғангиз худонинг ажали билан қазо қилди. Карамни кенг тангри ажални бировга ўқдан, бировга ўтдан, бошқага эса ёстиқдан буюрар экан. Афсуски, тоғангиз дайди ўқдан ўлди. Худонинг буюргани шу экан, нима ҳам қилардик?

Ўтирганлар кўнгил кўтарган бўлишди. Насриддинбек гапирмоқчи бўлган эди, кекса маслаҳатгўйи қўли билан ишора қилиб, уни босиб қўйди. Абил бий сир бой бермай сўзида давом этди:

— Севимли кишимиздан айрилиб кўп йиғладик, куйдик. Аммо ўлганни қайтиб тирилтириб бўлмас экан. Иложимиз қанча? Жўйи жаннатда бўлсин.

Хон ва унинг эрка фарзандлари халқ бошига қанчалик жабру жафо солганини Абил бий яхши биларди. Яхши билгани учун ҳам Дўмбунинг ўлимини хаспўшлашга мажбур бўлди. Ана шу йўл билан тахтдагиларда бошқача фикр туғдирмасликка ҳаракат қилди. «Э, охирати куйган бандалар, Норбўта бий ўзбек, қирғиз, қипчоққа бошпана бўлсин, деб тиклаган иморатни ёндириб юборишади, бу эсипаст хотинбозлар»,— бий заҳархандалик билан хиёл жилмайди. Нафсиламрини айтганда, Дўмбу ўлгандан сўнг Абил бий ўрдага чуқур қайғу билан хабар йўллади, элни тўплаб, марҳумнинг мол-мулкани ўрда хазинасига ўтказди, хоннинг номига доғ туширмаслик учун барча чорани кўрди.

Бирор тугўннинг ечилиш-ечилмаслиги қари маслаҳатчига боғлиқ эканлигини Абил бий энди аниқ ҳис қилди. Чунки, бу айёр одамнинг вазифаси қилич би-

лан ботирлик қилиш эмас, балки жуда эҳтиёткорлик, мулойим муомала, шариат қонун-қоидалари билан фуқароларнинг оёғини тушовлаб қўйишдан иборат эди.

— Хафа бўлманг, бий,— деди маслаҳатчи,— жиянингиз жонажон тоғасига куйгани учун қаттиқроқ гапириб қўйди шекилли. Еш-да... Кечирасиз. Нима ҳам қилардик? Улган ўлиб кетди. Сиз билан биз тириклар осойишталигини ўйламоғимиз лозим.

Абил бий ўзига келди.

— Бу бошқа гап.

Насриддинбек Абил бийнинг уйида кўп турмай, йигитларининг олдига бориб: «Қотилни қаердан бўлмасин топасизлар!»— деб буйруқ берди.

Қишлоқда дув-дув гап тарқалди. Эл Абил бийга бирор кор-қол бўлмасайди, деб турли-туман гапларни тўқиб-бичишарди. Узоқ-яқиндаги овуллардан бойлар, оқсоқоллар келиб, бийдан ҳол-аҳвол сўрашарди. Аммо Абил бий сир бой бермай, ҳаммага бир хил муомалада бўларди.

Насриддинбек кун ора келиб, йигитлари ҳолидан хабар олиб турарди. Меҳмондорчилик ўз йўли билан борарди. Ҳар куни қўрбоши беш-олти йигити билан қишлоқ айланиб, қотилни излашарди, агар топилмаса, овулни хонавайрон қилишларини айтиб, от ўйнатиб қайтишарди.

Бекназар қўшни қишлоқда юз бераётган ишлардан хабар топиб, Эшимни Абил бийнинг олдига юборди. Бий Эшимнинг сўзларини эшитиб кулимсиради. Қария маслаҳатчи қимиз элитгани учун қўш ёстиққа ёнбошлаганича мудрарди. Абил бий Эшимга деди:

— Бекназар ботирга айт, у бор экан, мени чумчуқ ҳам чўчитолмайди. Сизлар менинг суянган тоғимсизлар.

Эшим яна нимадир демоқчи бўлди, Абил бий бунни пайқади.

— Айтавер, бегона одам йўқ.

— Насриддинбекнинг барча йўли тўсилди. Керакли жойларга пистирма қўйдик. Бекназар фақат сизнинг розилигингизни сўраяпти.

Абил бий ўрнидан туриб кетди. Эшимни ўзига яқинроқ тортиб:

— Жиннилик қилмасин! Тўхтатсин, тўхтатсин,— деб оҳиста шивирлади.

— Бий тўғри айтди.

Абил бий билан Эшим сесканиб кетди. Айёр мас-лаҳатчининг нурсиз кўзлари кулча бўлиб ётган заҳар-ли илон кўзларидай совуқ йилтирарди.

— Ҳим, бий тўғри айтди,— деб шошилмай ўрни-дан қўзғалди маслаҳатчи.— Яхши йигит, ботирларга айтиб қўй, бўрининг инини қўзғаб, тоғликлар балога гирифтор бўлмасин. Шундай дегин, яхши йигит.

Абил бий Эшимнинг орқасидан бақирди:

— Ҳой! Айтиб қўй! Тангрибердига айт, тентакни тийсин. Эшитдингми? Тийсин!..

— Эшитдим.

Уша куни Абил бий оқсоқолларни шошили-нч ча-қиртириб, уларни Бекназарнинг хатти-ҳаракатидан огоҳ қилди. Кимда-ким унга ён босса, қаттиқ жазога тортилажагини уқтирди. Эртасига Наманган беги-дан қирқта йигит Насриддинбекка ёрдамга келди. Қўрбо-ши ҳовлиқиб, овул ва қишлоқларни ков-ков қилиб, йўл тўсиб, пистирмалар қўйиб, эл ҳаловатини буза бошла-ди. Агар қотил топилмаса, шаҳзода қишлоқнинг барча йигитларини банди қилишини айттирди. Бундай хўр-ликка, бундай зўрликка ким чидайдми?

Оқсоқоллар, кекса маслаҳатчининг олди-га келиб, Насриддинбекнинг мақсади нима эканлигини суриш-тиришди. Айёр чол шу нарсани зориқиб кутиб турган эди:

— Тушунаман, тушунаман,— деди маслаҳатчи.— Сизларга оғир. Гап шуки, мен шаҳзода билан гапла-шиб кўраман. Хунни беришга тўғри келади. Одат шундай. Насриддинбекка, бечора тоғаларинг-ни қийин-қистовга олма, дейман. Зора худо унга инсоф берса...

Буни зўрлик дейишади. Оқсоқоллар сукутда эди. Сукунатни Абил бий бузди. Чунки, сих ҳам куймасин, кадоб ҳам.

— Майли, олиши хун бўлса розимиз,— деди у.— Зотан уйингга илон кириб қолса, сут сепиб чиқарасан. Майли, олсин.

Насриддинбекнинг йигитлари эса тобора қутура-ди, кўринган итни отиб, учраган молни сўйиб, овулда-ги аҳолининг оромини бузарди. Бу иш от бериб, кимхоб чопон кийдириш билан тинчиса-ку майлия!.. Насриддинбек хун ҳақини оғзига сиққанича сўради. Одамларни бир жойга тўплаб, мингта от, минг танга

тилла берасизлар, деди. Айтишга осон. Буни қайдан олишади? Ким беради? Бермай кўринг-чи? Бўри қузган мо ідай халойиқ нима қилишини билмай қолди. Абил бий Бекназар атрофига йиғилган одамларни тарқатиб юборди. Энди ким бош кўтаради? Ким элни тўплайди?

Абил бийнинг қишлоғи ўн беш кундан буён тўс-тўполон эди. Қишлоқ бойлари, оқсоқоллари Насриддинбекнинг маслаҳатчисига қатнайвериб тинкаси қуриди.

— Эй мусулмонлар, шаҳзода менинг гапимга кирмаяпти. У тоғасининг меросхўри. Нима қилса, ўзи билади: Менга қолса, сизларни безовта қилмагани маъқул эди.

— Ҳой, вазир, худога қараб гапирсанг-чи. Шаҳзода қанақасига меросхўр бўлар экан? Бу шунчаки ҳукмини ўтказиш эмасми? Дўмбу ўзимизнинг оғамиз-ку?!

— Э, тангрим, ўз туққанинг учун ўзинг хун тўлаб турсанг...— деди кимдир.

— Мусулмонлар! Э, мусулмонлар! Шаҳзода Насриддинбек бу ёққа жўнашидан аввал Каломуллои Шарифни биздан ҳам мукамал биладиган покиза уламолардан йўл-йўриқ сўраб чиққан...

— Шарият қўлингда вазир,— деди чоллардан бири.— Бор, билган ишингни қилавер.

— Билган ишни қилиш осон, аммо мушкул аҳволдан қутқазиш хийла машаққатли, мусулмонлар. Бундан нима фойда? Ўйлаб кўринглар, ўйлаб кўринглар.

От дупури эшитилди. Эл тарқалди. Йигитларини эргаштириб Насриддинбекнинг қўрбошиси келди. Отини ўйнатиб сўради:

— Қани, тоғамизнинг хуни тугадими, йўқми?

Абил бий сипо жавоб қайтарди:

— Шаҳзода хотиржам бўлсинлар. Битмаган ишни битирамиз.— Қўрбоши кекса маслаҳатчининг ишораси билан от устида туриб таъзим қилди ва йигитлари билан ортга қайтди.

— Бий,— деди Бекназар,— булар бизни нега оёқ ости қилишади? Нега қутуради? Бундай хўрликка қачонгача чидаймиз? Хушомад қилмоқдан бошқа ишимиз йўқми?

Абил бий икки ўртада тинкаси қуриб суҳбатга аралашди:

— Э, ботир, тушунаман. Ҳукмдор бор жойда зўрлик бўлади. Зўрлик бор жойда хушомад ҳам бўлади. Баъзан, иложсиз қолган маҳалда хушомад қилишга тўғри келади. Айрим ишларни унингсиз битириш мумкин эмас. Сабр қилайлик, ботир. Сабр таги сариқ олтин...

— Сабр. Сабрнинг таги сариқ олтинми? Бий, узоқ сабр қилишга тоқат қилолармикинмиз? Ахир инсоннинг умри қисқа,— деди Бекназар.— Мана, биз сабр қилиб нима топдик? Олтин эмас, нуқул ташвиш торг-япмиз...

Одамлар безовта бўлиб, ўрnidан тура бошлади. Бу этагингга ўт тушгандай гап, олдини олмасанг, ўзинг ҳам куйиб кетасан. Абил бий безовталанди. Буни сезган оқсоқоллар отланаётганларнинг йўлини тўсишди.

— Ҳей, бир оз сабр қилинглар.

— Бу иш биргина сизларнинг бошингизга тушгани йўқ-ку. Шошилманглар.

— Бўлинганни бўри ер, отдан тушинглар.

— Хотинталоқ, дунёга бир марта келасан. Қачонгача кутамиз?

— Қани тушинглар, иложи борича битиришга ҳаракат қилайлик, битмаса яна кўрамиз.

Хийла тортишувдан кейин, Бекназар ботирнинг ортидан жўнамоқчи бўлганлар отдан тушди. Яна мунозара бошланди. Лекин айёр маслаҳатчи пинагини бузмади. Уз кучига ишонмоқчи бўлганларга эътибор бермади. Гўё Қўқоннинг чорпоясида чой ичиб ўтиргандай ўзини хотиржам тутини, беғам ва парвойи фалаклиги атрофдагиларни ҳайрон қолдирди.

Йигин бу сафар ҳам бир битимга келолмай тарқалди.

Абил бий ўтовда ёқилган катта гулхан ёнида ўтирарди. Тоқати тоқ бўлгани учун анчадан бери гапирмай, оловдан кўзини узмайди. Кекса маслаҳатчи ёнбошлаганича кўзини юмиб, киприклари орасидан кузатарди. У элнинг бугунги қаҳрини кўриб, сал хушёр тортиб нафасини ичига ютди.

— Бий,— деди у,— эл сизники, бу қабоҳат сизни анча ташвишга солди. Улуғ сардор Абдураҳмон сиз ҳақингизда жуда яхши фикрда. Ўзингизни дадил тутинг. Олтин тахтга кўрсатиб келаётган ҳалол хизматингизни ўрдадагилар ёдидан чиқармайди. Агар сиз

бўлмасангиз, бу бебошвоқ, югансиз халқ нималар қилмайди? Бу ишни битиришда ўрда фақат сизга ишонади...

— Авлиё! Бугўдай тошни эркин ушласанг, у сеники, сал қиссанг кафтингга ботади. Шунга ўхшаб элни қанча исканжага олсанг, норозилик шунча авжига чиқади. — Анча жаҳли чиққан Абил бий сўзида давом этди: — Қасамхўр Дўмбунинг ўлими бошимизга бало бўлди. Шаҳзодангиз халойиқ олдида обрўйимни туширадиган бўлди. Унинг катта бобоси Ҳожи қачон ҳукмдор бўлганди? Унинг умри тоғда қувғинда ўтмадимиз? Буларга Норбўта бийнинг болаларидан сон текканмиди? А? Насруллохон ўлжа қилиб кетган тожни отаси Шерали аталанинг бошига биз кийгизган эмасмидик? Еки ёлғонми?

— Рост, бий. Рост...

Абил бий ерни муштлади.

— Халойиқ олдида ҳурматини қилиб индамасам, ўзидан кетяпти-ку, ҳалиги зумраша хотинбоз! Мен, Норбўта қурган уйда аҳиллик, қут-барака йўқолмасин, деяпман. Бу тоғдан ўт чиқса, мен ўчирмасам, ким ўчиради? А? Ким?

Суҳбат очиқчасига ўтгач, айёр маслаҳатчи кемшик оғзини очиб, ҳиринг-ҳиринг кулди:

— Жиянларингиз ҳеч кимни ёлчитгани йўқ, бий. Барчамиз давлатимиз салтанатини ўйлаб юрибмиз. Ҳа, Абил мирза... Ҳазратим, деймиз. Ҳазратингизни сиз билан биз кўтариб турибмиз. Бирортамиз қийшайсақ, тахт ағдарилиб, устидаги бурни билан ерга тушади.

Гап қовушиб, улар яхшигина дардлаиди.

... Дўмбу орқасидан даъвогарлар келгандан бери Модилнинг ороми йўқолди. Уйқуси қочиб, юрган-турганини билмайди. Шайтон йўлдан оздириб, элни ташвишга қўйгани учун ўзини-ўзи койийди. Қотил мен деб тўғри борса-чи? Нима қилади? Бир куни оқшом чоғи боши оққан ерга бормоқчи бўлди-да, у Абил бийнинг қишлоғи томонга йўл олди. Дунёнинг барча лаззатидан юз ўгириб, қишлоқ четидаги қиров босган муздек хашак устига ўтирди.

Сутдек ойдин. Сўнгсиз адирлар уйқуда. Тоғлар бошидаги оппоқ қорлар ой нурида ялтирарди. Қаёқдандир айғирларнинг кишнагани эшитиларди. Қишлоққа

кираверишдаги қайрағочда сутоқ нола қиларди. Модил ўзини қўйгани жой тополмасди.

Абил бий шу паллада меҳмони билан ташқарида эди. Улар нари-бери юриб, осмонни тенг иккига бўлиб турган сомон йўлига қараб туришарди. Қишлоқ четидан турли овозлар эшитилди, итлар ҳуриб олдинга югурди. Унгача иккита соя кўринди. Ўз йигитлари экан. Абил бий бирининг овозидан таниди.

— Ким бу? Бемаҳалда юрган?

— Сарибой овчининг укаси.

Абил бий шошилиб:

— Модилмисан? Ҳа, қаёқдан?

Жавоб бериш ўрнига у Абил бийнинг оёғига бош урди.

— Садағангиз кетай, бий,— у йиғлаб юборди.

— Бу ким?— қари маслаҳатчи гумонсираб сўради.

— Ўзимизнинг фуқаро. Авлиё, сиз хафа бўлмай, уйга кириб дам олаверинг, мен бу шўрликнинг арзини эшитайин-чи.

Айёр маслаҳатчи калима келтириб уйга кириб кетди. Абил бий Модилни анча нарироққа етаклаб борди. Бой бегона одам олдида гаплашишни сира хуш кўрмасди. Чунки тил бесуяк... Модилни ўзига яқинроқ тортиб сўради:

— Ҳа, яна нима бўлди? Битта-яримтага гуллаб қўйдингми?

— Садағангиз кетай, бий...

— Садаға бўлмай ерга кир!— Абил бий Модил тавоф қилиш учун ушлаган этагини силтаб юборди.— Тур, ҳароми. Кимга айтдинг?

— Йў-қ...

— Қасам ургур...

— Сиздан бошқа кимга айтардим, кимга ёрилардим? Одамларнинг қарғишига қолмайини. Мени ушлаб беринг. Мен ўлайин..., Ушлаб беринг...

— Ўлмай, гўрингда тўнғиз қўпгур, сенинг қонингга ҳеч ким муҳтож эмас. Сени деб нўйғут уруғи қирлиб кетади. Бола-чақаси, мол-мулки ўлжа бўлади. Шуни ўйлаб кўрсанг бўлмайдими?— Абил бий сал жаҳлидан тушган бўлиб, кулиб қўйди.— Хоннинг тоғасига бошма-бошга розиман деган эмишсан? Бўпти, жим бўл, бўлар иш бўлди.

— Бундай бўлишини билганимда... э, худойим-ей...
Юзим қаро бўлди...

— Овозингни ўчир,— деди Абил бий жеркиб.—
Яна қасос олмақчимисан?

— Йўқ-йўқ, бий! Ундай қилгандан кўра...

Абил бий бир оз ўйланиб, Модилга таскин бера
бошлади:

— Ўзингни бос. Бундай бўлишини ким ўйлабди
дейсан. Сарибой акангни қадрлайман. Яхши одам.
Айтишларича, унинг қизи бор эмишми?

Модил йиғламсираб:

— Бир қизалоғи бор...

— Ёши нечада?

— Ун бешга кирди.

— Ҳм, балоғатга етиб қолибди.— Абил бий бошқа
гапга ўтишни лозим топмади шекилли, Модилнинг ел-
касига қўлини қўйди.— Жаҳл келса, ақл қочади. Сен
нўйғутларнинг тақдирини ўйла.

У кетди. Модил ўрнидан туролмай хийла вақтгача
ўтирди.

Эртасига йиғинга кўнгли ёришиб кириб келди.

— Халойиқ!— деди Абил бий бийрон овозда.—
Қирқ йил қирғин бўлса ҳам куни битган, ажали етган
ўлади. Дўмбунинг ўлими туфайли хонимиз қаҳрига
учраган эканмиз, бу албатта тангрининг хоҳиши. Бун-
дай маҳалда жондан кечишга тўғри келади. Улимдан
бошқани тез бўлгани яхши...

— Ўзинг биласан. Битиришни ўйла, бий!— деди
ўтирганлар илтижо қилиб.

— Тўғри, сих ҳам куймаслиги, кабоб ҳам куймас-
лиги керак. Шаҳзодани ҳурмат қиламиз, қадрлаймиз,
эркалатамиз. Аммо, рост гапни айтиш лозим, сариқ
чақага арзимайдиган нарсани рўкач қилиб, хун
ўрнига мингта от, минг тилла танга сўраши инсофдан
эмас.

— Бу зўрлик!

Абил бий овоз келган томонга бир қараб олиб, сў-
зини давом эттирди:

— Узинглар мундоқ ўйлаб кўринглар. Тўшимизни
очиб, бекордан-бекорга гап сотишимиз, ўзимизни гўл
қилиб кўрсатишимиз яхши эмас. Қизининг сири она-
сига маълум, дейишади. Халойиқнинг аҳволи менга
беш қўлдай аён. Майли, шаҳзоданинг оғзидан чиқиб

кетибди. Мингта от эгар-жабдуғи билан бўлсин. Минг тилласи ҳам ўша бўйича қолсин.

Одамлар Абил бийни азбаройи ҳурмат қилгани учун тишларини-тишларига қўйиб ўтиришди. Айёр маслаҳатчи бийдан хурсанд эди. Бу битим кечқурун гулхан атрофида икковининг ўртасида ҳал қилинганди. Шу боисдан ҳам у ҳар икки томонга холис туриб, ишни жуда эҳтиёткорлик билан битираётган Абил бийдан миннатдор бўлди. Маслаҳатчининг олма қоқидай тиришиб кетган юзларида ўзгариш сезилмасди. Бошини бир ёққа сал қийшайтириб тасбеҳ ўгирарди. Абил бий тўпланганлардан битимга розилик сўраган чоғида, у ўзини ўнглаб, кўзини очди.

— Мингта от, минг танга тилла, — деди рангига қон югуриб маслаҳатчи, бу сафар шаҳзоданинг олдига ўтиш қари тулкининг хаёлига келмади. У иш ниҳоясига етганини билди-да, тасбеҳни бўйнига илиб, ўр-нидан тура бошлади.

Битим тугади. Ҳамма ҳайрон.

Зўрлик ўзини кўрсатди. Чорвадор аҳоли мингта отни тўплашда унчалик қийналмади. Аммо ота-бобоси умрида тилла нималигини билмаган тоғликлар минг тангани топишда хийла қийналди. Бозорма-бозор кезиб, молу мулкани, бўри, айиқ, қоплон терилари, гилам, ширдоқ, эгар ва жабдуқларни сотишга мажбур бўлди. Шаҳар халқи элатнинг бошига тушган бу оғир савдони юмшатишда қўлидан келган кўмагини аямади. Энг яхши нарсалар тилла баҳосига чақилиб, бошма-бош алмаштирилди.

Шундай қилиб, икки ҳафта ичида минг танга тўпланди. Отларнинг туёғидан чиққан чанглар тумандай қуёш юзини тўсди. Онасидан ажралган тойчоқлар зир чопиб, айғирлар мотамсаро кишнади. Қутурган сипоҳийлар отларини алмаштириб, гўё ёвга қарши шайлангандай йилқиларни ҳайдаб жўнашди...

— Хароб қилди, бетавфиқлар!..

Кимдир юзтубан йиқилди. Халойиқ ич-ичидан зил кетди. Лекин ҳеч ким ўрнидан жилмади. Овул ва қишлоқларнинг аҳолиси қаноти қирқилган қушга ўхшарди, кўзларидан нафрат учқунлари сочарди.

Тепаликда Абил бий билан Насриддинбек, қари маслаҳатчи ва қишлоқнинг бир неча ҳурматли киши-

лари турарди. Бекназар бешта йигити билан уларнинг қошига келди.

— Мана, Насриддинбек, тешигингни шу билан би-тириб ол,— деб от устида туриб, оғзи бўғилган қопни шаҳзоданинг оёғи остига ирғитди. Насриддинбек билан кекса маслаҳатчининг нигоҳи қонга кадалди.

Бекназар тўпдан бепарво чиқиб кетди. Бекназар ҳали икки йўл кесишган жойда учрашармиз, деб қон ютиб борарди.

Масала ҳал бўлди. Одамлар ўрнидан қўзғалиб, Абил бийга тақлид қилиб, юзига фотиҳа тортиди.

— Аллоҳу акбар! Салавот Салавот!

— Хун ва даъво тугади!.. Салавот! Хун ва даъво тугади.

Ўдатда салавот айтилгандан сўнг, хун ва даъво тугади демакдир. Шариат бўйича салавотдан кейин, яъни хун даъво қилган кишининг ичган оши макруҳ, хотини эса талоқ деб таъриф берилади. Халойиқ тарқала бошлади. Бечора фуқаро оғир юкдан, уйқусида босган алвастидан қутулгандай энгил тортиб тарқалди.

... Модил ғамгин ўтирарди. Бирор нарса дейишга ҳоли йўқ эди. Суюмхоннинг олдида қамчи турарди. У қамчидан унчалик сесканмаса ҳам Суюмхоннинг қаҳрли кўзларига бардош беролмасди. У бошини кўтаролмади. Хонадондагиларнинг бирортаси Модилни ёқламади. Сарибой жим эди. Унга укаси бор гапни бошдан-оёқ тушунтирган бўлса-да, нима учундир индамасди.

— Бермайман!— деди Суюмхон чинқираиб. У бетини қўллари билан тўсиб, гўдаклардай ҳўнграб йиглади.

Абил бийни қарангки, далланинг қўлига бошқа нарса эмас, фақат йўғон қамчи тутқазибди. Иш энгил кўчмайдиган бўлса, ўртага қамчи аралашади. Бу ёғи чакки. Илон билан дўст бўлган эканман, деб Модил ичидан зил кетди. Бечора нўйғутларнинг уволига қолгунча, ўлимни афзал кўрди.

Абил бийнинг далласи Модилни қасди-бастига олади.

— Бир қизни деб, қариндош-уруғнинг ораси бузилиб кетмасин. Уйлаб кўринглар. Бунинг сабабини биргина Абил бий билан Модил билади. Менга ишонинглар. Ишни пайсалга солиб бўлмайди. Тезроқ битсин,

деб бий ўз қамчисини бериб юборди. Уни бошқалар танимаслиги мумкин, бироқ Модил уни яхши билади.

— Бермайман,— деб ўксиди Суюмхон.

— Йиғлама, онаси,— деди далла юпатган бўлиб.— Абил бий қизингни пойгада соврин қилаётгани йўқ. Уни ҳурмат қилиб ўрдага гилам тўқишга юборди шекилли. Бунинг нимасига йиғлайсан?

— Бермайман! Ёш!— деб йиғлади Суюмхон.

Хон ҳарамига ва мансабдорлар учун гўзал қизларни совға қилган маҳалда вилоятлардаги вакиллар сир тутиб, «ўртага гилам тўқишга боришади», деб бу қабилликни хаспўшлашарди. Кўзининг оқу қораси, ёлғиз қизининг ўрдага юборилишига қандай розилик берсин? Ахир она эмасми? У чумчуқдай чирқиллаб, кўринганга ялинарди. Аммо ҳамма ундан ўзини олиб қочарди. Ҳеч ким жонига ора кирмасди.

Қундуз сувга кетган эди. У обкашда сойдан икки челак сув олиб келди. Ташқарида турган хотинлар қиз уйга яқинлашгунча кутиб туришди. Тўғри, Қундуз балоғатга етиб қолган эди, эркакларга тик боқмай, ўзини ҳамиша сипо тутишга ҳаракат қиларди. У эрка ўсанлиги учун кўринишдан анча-мунча нарвани назар-писанд қилмайдиганга ўхшарди. Қош-кўзлари тимқора эди. Икки қўлидаги қўш билагузук ҳар замонда шириқлаб қўярди. Қулоғидаги тилла зирак пақирдаги сув юзида ялт-юлт қилиб ўйнайди. Қундуз пақирларни ерга қўйиб, эшиклари олдида тўпланиб турган хотин-халажга, болаларга қаради.

— Э, бадбахт,— деб бир хотин йиғлаб юборди.

Ўкинч, алам тўла юзлар, нажот излаган ёшли кўзлар Қундуз томон боқарди. Шундоққина эшик ёнида онаси уввос солиб ўтирарди. Бу нима? Уйдагилар унинг олдида гуноҳкордай илтижо билан қарашарди. Атиги беш хонадондан иборат бўлган нўйғут уруғининг етти ёшидан етмиш ёшигача шу ерда эди.

— Онажон! Она!— деб Қундуз йиғлаб юборди. Гап нима ҳақдалигини тушунмай, у онасига ташланди. Худди икковини биров судраб кетаётгандай, Суюмхон қизини бағрига босиб, роса йиғлади.

— Бермайман! Мени ўлдирсанглар ўлдиринглар, бермайман. Тош юраклар. Муттаҳамлар. Тирик туриб ундан ажрамайман.

Қўни-қўшнилар уни қандай қилиб юпатишларини

билмай, қўшилиб йиғлашарди. Ҳамма серрайиб турарди.

— Иложимиз йўқ, хотин,— деди Сарибой синиқ овозда.— Нўйгут уруғи чопилгандан кўра, бир қизни берсак берибмиз.— Сарибой шундай деди-ю, ётиб қолди.

Далланинг буларга раҳми келдими, бийга бирор баҳона қиларман, деган ниятда отланмоқчи бўлди. Хотинлар қий-чув қилиб, Қундузнинг қолганига суюнишиб, унинг бошидан бир коса сувни айлантириб сочишди ва Суюмхонни қутлашди.

Далла кетиб улгурмаганди. Қуйи томондан ясатилган бир байтални етаклаган хотин киши ҳамда беш йигитни эргаштирган Абил бийнинг Қорачол ботири чиқиб келди.

— Айтмадимми бийнинг буйруғи қаттиқ деб. Энди отланмай илож йўқ. Бир қиз учун балога қолманглар. Қани, тезроқ бўлинглар, вақт қисқа,— деди далла.

Суюмхон қизини уйига киритиб, эшикни тамбалаб олди. Ҳеч кимни йўлатмай, қўл чўзганни тишлаб, юлиб, жон аччиғида фиғон чекарди. Хотинлар ули тортарди. Болалар ҳайрон бўлиб дам аёлларга, дам эркакларга қараб, битта-биттадан тарқалиб кетишди. Модил эса ҳовли ўртасида қаққайиб турарди.

— Ҳой, қизни тезроқ отлантинглар!— деди Қорачол.— Битмай қолган иш борми? Нега серраясанлар? Қизинг ўлимга боряптими?

Ҳеч ким индамади. Чорпаҳилдан келган Қорачол отидан тушди, қамчисини судраб йигитларга бақирди:

— Қани, тезроқ! Қизни олиб чиқинглар!

Барзанги йигитлар эшикка ёпишди. Суюмхон чинқириб уларнинг қўлларини тишлаб, дод солди:

— Бермайман! Бермайман! Бермайман!— деб гавдаси билан ошхона эшигини тўсди. Бераҳм йигитлардан бири унга яқинлашди, яхши гапирган бўлиб, маҳкам қучоқлади. Суюмхон айюҳаннос солиб, йигитнинг қўлини тишлади, юз-кўзларига чанг солди. Йигит Суюмхонни итариб юборди. Суюмхон ўрнидан туриб яна ошхона эшигини тўсди.

— Бермайман! Бермайман!— Суюмхоннинг сочлари тўзиб, кўйлаги йиртилиб кетганди.— Бермайман!..

Қорачолнинг жини қўзиб, Суюмхонга тарсаки тортиб юборди. У йиқилди.

— Ҳўргилайин она! Онажон! — деб ошхонадан Қундуз югириб чиқди ва онаси устига ўзини отиб ялинди: — Урманглар, урманглар! Ойимни урманглар, ўзим бораман.

Қундузни ташқарига олиб чиқишди. Йўрға байтални ушлаб турган йўлбошловчи хотин Қундузни қўлтигидан ушлаб юпатган бўлди:

— Қўй, қоқиндиқ, йиғлама! — деб алаҳситди. — Ахир мен турибман-ку. Хоннинг ўрдасига гилам тўқишга бормаисан. Бу иш сенинг қўлингдан келмайди. Абил бийнинг овулида тўй бўляпти, ўшанга бориб қайтиб келасан. Қани, байталга мин-чи, садағанг бўлай... У ерга бориб, гилам тўқишни билмайман, десанг сени қўйиб юборишади. Чоғимда, сени битта-яримта гилам тўқишни биледи, деб айтган бўлса керак. Мин, садағанг кетай, ўзим келтириб қўяман. Қўрқма...

— Ҳа, шўринг қурғур-ей... Пешонангда бор эканда... — деб бир хотин кўз ёши қилди. — Ҳўргилиб кетай, қоқиндиқ...

Ичкарида Суюмхонни маҳкам ушлаб туришганидан унинг дод-фарёди, эркак кишиларнинг сўкингани, шапати овози эшитиларди.

— Онажоним! Она! Ноинсофлар! Урманглар. Онамни урманглар, деяпман. Мен розиман. Онамни урмасанглар бораман... Ҳўргилиб кетай, ойижон!

Қундуз атрофдагиларга ёлбориб қаради. Ўзини тутолмай тўлиб-тошиб йиғларди. Иложи қанча? Осмон йироқ, ер қаттиқ. Хотинлар юпатган бўлишиб, унинг кўз-ёшларини артишди, тўзиб кетган сочларини тузатишди, бошини қизил рўмол билан маҳкам танғиб, отга минишини кутишди. Йўлбошловчи хотин тизгинни ушлади. Улар йўлга тушишди...

Суюмхон хириллаган овозда бақириб, эшикка чиқди ва олислаб бораётган отлиқлар орқасидан гандирак-лаб югуриб, йиқилди. Ҳўридан туриб яна дод солди:

— Бермайман! Бермайман! — деб икки қўлини кўтариб осмонга қаради. — Қундуз! Қундуз! Қ-о-ч... Қашқирдан қ-о-ч!.. — Ҳзи ҳам нимадандир қўрқиб, адир томонга қараб югурди. — Қ-о-ч. Қаш-қир!..

Суюмхоннинг устида кўйлагининг ёқасигина қолганди, у қаёққадир ошиқиб югураркан, устида кўйла-

ги йўқлигини сезмасди, атрофда нима бўлаётганини пайқамасди, фақат даҳшатли овози тоғу тошларни ларзага соларди...

Эртасига Насриддинбек отланди. Абил бий Қундуз-ни гулдай ясантириб, бошига оқ ҳарир қашқар рўмо-лини ўраттирди, уни шаҳзодага инъом қилди.

Уша куни оқшом пайтида қип-яланғоч бир аёлнинг адирдаги эски қабристонда, «Қ-о-ч», деб бақириб юрган-ини кўрганлар бор...

ТУРТИНЧИ ҚИСМ

I

Бир минг саккиз юзу етмиш учинчи йилнинг баҳор-и...

Тоғ тараф нотинч, ҳамон безовта эди. Ўрдадаги қув ва айёр кишилар бўри қулоғи овда бўлиб, бир-бирини пойларди, пайтавасига қурт тушиб, бир-бирининг пайини қирқишга ҳаракат қиларди.

Худоёрхон жаҳл билан:

— Қираман! Ўт қўяман!— деб бақирарди, бир оз ўзига келгач, латтадай бўшашиб қоларди. Ўзидан ақлли гап чиқмаган, ўзгага ишонмаган Худоёрхон нажот истаб атрофга алангларди, раҳнамо изларди. «Буни қарангки, бари ўғри, бари сотқин, бари нонтепки!..» деб тумшайиб оларди. Нима қилиш керак? Илож қанча? Бир вақтлар дамларига ош пишган маслаҳат-гўйлар энди чурқ этмай, барча жавобгарликни хонга юклаб, томоша қилишяпти. Нима қилиш керак?

Кун сайин янги хабарлар келиб турибди. Тўрақўрғондаги Саранчи понсад беш юз сарбозни эргаштириб, исёнкор элга қўшилиб кетди. Чортоқ беги Гадойбой додхоқ билан Наманган беги Шамило ҳаш-паш дегунча тору мор этилиб, бутун Наманган вилояти исёнкорлар қўлига ўтди.

Худоёрхон кенгаш ўтказди. «Нима қилиш керак?» деган масала ўртага ташланди. Ишни осонроқ битиришни кўзлаб, генерал-губернатордан ёрдам сўраш зарурлиги айтилди. Бунга бош вазир Қулназар парвоначи етакчи бўлган томон қарши чиқди. Генерал фон Кауфман билан ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шарт-

нома замирида катта мажбурият бор. Ана шундай мажбуриятлар кўпайган сари бу ўлканинг инқирозга юз тутаётганлиги тобора аён кўрина бошлади. Худоёрхонга бари бир эди. Шу шинам қўргон, ҳарам омон бўлса, отасидан қолган тахт кўз олдида турса бўлгани. Халқнинг, бу ўлканинг қандай кўйга тушиши, кимнинг қўлида бўлиши уни қизиқтирмасди. У ярим подшо билан тузилган шартнома — бўйинга солинган бўйинтуруқни вақти келганда бошдан соқит қилса бўлади деб ўйларди. Мақсади шу. Аёллар туфайлигина силласи қуриган бу қотма, қорачадан келган кишининг юзаки мулоҳаза юритишини Абдураҳмон офтобачи биларди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Худоёрхон ярим подшодан аскар чақириниш фикрига тушиб қолганди.

— Амирим,— деди Абдураҳмон офтобачи оҳиста, илтифот билан,— ўз шалтоғимизни ўзимиз тозаламаймизми?..

Худоёрхон бўғилиб кетди:

— Ўзимиз?! Қандай қилиб?!

Абдураҳмон парвойи фалак эди, Худоёрхоннинг қаҳри келиб, унга тикилиб турарди.

— Ўзимиз тозаламаймизми дейди?! Олиб қўйди! Ялангоёқ Пўлат Наманганни олиб қўйди!..— деб Худоёрхон қичқирди, титраб нари-бери юра бошлади. Ҳеч ким лом-мим демади. Ҳамма бош эгиб турарди. У энтикиб, титраб турган қўлини уқалаб, панжаларини қисирлатди, «Ўзимиз тозаламаймизми», деб нимага айтди?.. Отасининг кеки ҳақида унинг қулоғига биров шипшитиб қўймадимикин?..» деб ёшликдан бирга ўсган тенгдоши, сирдоши, офтобачига гумон билан қаради, бирор нарса дегани ботинолмай, алам билан пешонасини ушлади.

— Майли...— деди у тушкун оҳангда.— Нўъмон понсотни чақир.

Нўмон понсад ғизиллаб келди. У ҳукмдор ҳазратларининг хуфиёна буйруқларини ижро этиб, бировнинг дўпписини ол деса, бошини кесиб юрган, жуда ишончли аскар бошлиқларидан бири эди.

— Лаббай, олампаноҳ...— деб икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

Худоёрхон:

— Понсад, қилич дамани синайдиган фурсатингиз етди,— деди.

Нўъмон понсад атрофга аланглади. Новчадан келган, қорамағиз башараси ажиб тусга кириб, қоп-қора соқоли селкиллаб, ола кўзларига қон тўлди.

— Тайёрман, ҳазратим! Кимга қилич қайрайин?..

— Буюрамиз! Сиз, Нўъмон понсад, қанча аскар керак бўлса, олинг, у дунёда оллоқ олдида, бу дунёда бизнинг олдимизда кечириб бўлмас гуноҳга ботган қорабағиш, қатай, қутлуғ-сейит, найман, қурама уруғларини қонга белаб, уларни қайтадан табаррук тахтимиз олдига тўплаб келгайсиз.

— Сизнинг хоҳишингиз худонинг хоҳиши, олам-паноҳ!

Девонбегида ўтирғаңлар шоҳ фикрини қўллаб-қувватлади, Нўъмон понсадга беш юзта сараланган сипоҳий бериб, уни тоғ тарафга йўллашди...

Ҳар икки тараф Хонобод қишлоғида учрашди.

Нўъмон хийла пухта понсадлардан эди. У дастлаб исёнкорларнинг сони, сардорлари, қайси уруғданлиги, қуроли ҳақида, башарти уларга ёрдам зарур бўлиб қолса, қайси тарафдан келиши, борди-ю, чекинса, қайси томонга қочиши мумкинлигини аниқлаб олди. Ҳар эҳтимолга кўра ўз ортидаги қишлоқларни қаттиқ кузатиб турди. Шу билан бирга жанг қилишга муносиб жойни танлади, юз сипоҳийни орқага, юз сипоҳийни олдинга қўйди, юз сипоҳийни ўнг, юз сипоҳийни эса чап қанотга юборди, қолганини эргаштириб, чанг-тўзон кўтариб олдинга юрди.

Исҳоқ ҳам майдон четига келди. Кумуш ёлли чавкар арғумоқнинг тизгинини бир оз тортиб, қамчи тутган қўлини пешонасига соябон қилди, ўрда лашкарларининг ҳолатини, орқа-олдини кўздан кечирди. Унинг соқоли сийрак, мўйлови қора, юзини билинар-билинемас сепкил босган, кўзлари қийиқ эди, у ҳамиша лабини қимтиб юрарди. Ёнида фақат икки киши: ўнг қанот сардори Мўмин, чап қанот сардори Саранчи бор эди.

— Урушда туриш йўқ...

Сардорлар бесаранжом бўлишди. Исҳоқ чап қўли билан олға ишора қилди. Уша заҳоти Саранчи от ўйнатиб:

— Ё, йигит пири Шоҳимардон, ўзинг қўлла!.. Ур! Ур!..— деб қилич силкитиб, йигитларини ҳужумга

бошлади. Кўз очиб юмгунча тўс-тўполон бўлиб отлар туёғининг зарбидан ер титради.

Исёнчилар:

— Қи-й, қу-в,— деб қичқиришиб сарбозларга ташланди. Саранчи йигитлари қиличлашаётганда бир томондан тўлқиндай тошиб, тўп-тўп бўлиб Мўминнинг беш юз аскарлари от қўйди.

Бу жанг муҳим синов эди. Исҳоқнинг ранги гоҳ оқарарди, гоҳ қизарарди, аламзадалиқ билан узангига оёғини тираб, қўлини пешонасига соябон қилиб, урушнинг боришини кузатиб турарди.

Нўъмон ошиқмади. Дастлабки тўсиқларни қилич дамига кўндаланг қилди, қолганларини тезотар милтиқ ўқиға учирди, исёнчилар кучли зарба бераётган томонда эса қилич билан яқиндан қаттиқ жанг қилди. Халқ қасоскорлари эса ўчакишиб янги-янги кучлар билан сарбозларга ташланарди. Нўъмон ўз сипоҳийларига зарба етказмай, баъзан олдга юриб, баъзан ортга чекиниб исёнчилар йўлини кесиб, бўлиб-бўлиб тиғ дамидан беаёв ўтказарди. Понсад сарбозларнинг сафи тобора камайиб бораётган бўлса-да, унга эътибор бермади. Узи ўртада туриб олиб:

— Ё, йигит пири Шоҳимардон, ўзинг қўлла!— деб нафратомуз қаҳ-қаҳ отиб, сипоҳийларини руҳлантириб турди.

Йигит пири қуроли беками кўстларни, урушнинг йўл-йўриғини билганларни қўллади.

Кечга бориб жанг тўхтади. Бу жангда Исҳоқ понсад уч юз йигитидан ажради. Нима қилиш керак? Давом эттириш керакми? Давом эттирса-ку, Нўъмоннинг сипоҳийларини қириб, ғалабага эришиши ҳам мумкин. Хўш, бундан нима фойда? Шу билан ўрданинг аскарлари тугайдими?.. Қайтага ўзининг асосий кучидан ажрайди. Кейин бу жароҳат осонлик билан битмайди. Исҳоқ қош қорайганда тоғ томонга — Олабуқага қараб чекинди.

* * *

Исҳоқ Олабуқа қишлоғида тунаб, кенгаш ўтказди. Аввалгидай мақтаниш, ҳовлиқиб гапиришлар қаёқда дейсиз? Бунга ҳеч ким ботинмайди. Исёнчилар ўз хаёли билан банд эди. Сардорларнинг ҳам нафаслари

ичларига тушиб кетганди. Исҳоқ сардорларнинг дами кесилиб қолганини билиб турарди. Ҳзи ҳам ўйга чўмиб ўтирарди, у чойни ҳўпларкан:

— Қани, ботирлар, — дея ўтирганларга бир сидра кўз югуртириб, сўзга киришди, — қани, гапиришиб ўтирайлик, энди бундан буён нима қиламиз?

Савол аниқ бир кишига қарата айтилмаганлиги учун ўтирганлар зимдан бир-бирига қараб, сукут сақларди.

Ўртадаги жимликни Мўмин бузди:

— Бегим, — деди сал каловланиб... — биз ҳали-ҳозир курашга яроқсизга ўхшаймиз...

Исҳоқ бош ирғади:

— Ёмонлигини яшириб, ўзига бино қўйган алданар. Ёмонлигини бўйнига олган хатосини тузатишга шайланар.

Ҳақ гапдан зил кетган кишилар яна анчагача чурқ этмай қолишди.

— Тўғри, кечаги жанг бизнинг гўр эканлигимизни кўрсатди. Бу лаёқатимизга мезон бўлди. Оғир синовдан ўтдик. Энди бундан тегишли хулоса чиқариб, сафимизни тўлдириб, чинакам курашга шайланамиз, шоввозлар! — деди Исҳоқ ишонч билан.

Қамбар сардор ижирғанди:

— Бегим, ҳолимиз шу бўлса, бундан буён қўлимиздан нима келаркин?..

Исҳоқ унга юзланди, жаҳлини зўр-базўр босиб, сиполик билан шундай деди:

— Майли, Қамбар, ланжлигингни бошдаёқ сезгандим. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Ҳозироқ йигитларингни отлантириб, қишлоғингга қайтишинг мумкин.

Ҳамманинг кўзи Қамбарда эди. Нима дейди? Сардор одатдагидек қовоғини уюб ўтирарди. Исҳоқнинг лаби қимтилиб, юзидаги сепкили ажиб тусга кирди, авзойи ўзгарди.

— Тур, — деди жеркиганнамо, — яхши кунингда, яхши ишингда ошна бўлиб, ёмон кунингда тескари қараган ҳамтовоқнинг бизга кераги йўқ.

Қамбар бўшашиб ўрнидан турди, қамчисини судраб уйдан чиқиб кетди. Исҳоқ ҳаммани бирма-бир кўздан кечириб:

— Қани, яна кетадиганлар борми? — деб сўради. Уртага жимлик чўкди. Бирорта одамдан садо чиқ-

мади. Қамбар билан ёнма-ён ўтирган, азалдан у билан иноқ бўлган тўртта юзбоши ўрнидан қўзғалди. Уларнинг йўлини ҳеч ким тўсмади. Ўтирганлар чурқ этмай қолаверди.

— Кўрдингларми, — дея сўзида давом этди Исҳоқ, — ўрда сарбозлари урушга қобилиятли, қуроли соз экан. Бизнинг фарқимиз эса улардан кўплигимиз, холос. Аммо биз қанчалик кўп бўлиб, ўққа пешвоз чиқмайлик, жангда тобланган эмасмиз, яхши қурол-яроғимиз йўқ. Орамиздан Қамбар сингари нифоқ солувчилар чиқиб турса, аҳилликка рахна тушади, кеча-гидай ишимиз чаппасига кетиб, баримиз қирилиб кетамиз...

Мўмин:

— Бошлигимиз ҳам, кўрар кўзимиз ҳам ўзингсан. Бирор ақлли гап айт. Хўш, нима қиламиз?

— Бизга курашмоқдан ўзга чора борми? Жангу жадални энди бошлаймиз, — деди ўтирганлар. Исҳоқ мамнун бўлиб деди:

— Энг аввало ўзингларга ишонинглар. Ботир жанг-да синалар. Кетмоқчи бўлганларнинг йўлига тўғаноқ бўлманглар. Ўз элига садоқатли йигитлар қолган тақдирдагина сафимиз темирдек мустаҳкам бўлади. Гап шундай, Чотқолга чекиниб, қурол-яроғ, ўқ-дори гам-лаймиз. Тилла топишимиз керак. Чуй воҳасига элчи жўнатиб, ўрислардан ёрдам сўраймиз. Сўнгра жарчи билан эл оралаб, улуғ жангга сафарбарлик эълон қиламиз...

Халқ хизматига бел боғлаган юзбошилар бу таклифни бир овоздан қўллашди. Бу бирдан-бир тўғри йўл эди. Шу билан кенгаш тугади.

Исҳоқбек элга паноҳ бўлсин, деб Эшим полвонни Олабуқада қолдириб, ўзи Чотқол томонга кетди.

* * *

Ўтган аср ўрталарида Англия бутун дунёга ҳукмронлик қилиш ниятида Ҳиндистонни бўйсундириб, Афғонистон, Эрон ва Туркияни назорат қилиб туришга эришди. Бу илан чекланиб қолмай, Туркистон ва Ет-тисувга кўз олайтира бошлади. Бу ерлар Англия учун арзон хом ашё олиш ва ўз молларини қиммат баҳода сотишга катта бозор бўлиб қолмай, келажакда Россия-

га кунчиқар томондан зарба бериш учун жуда муҳим плацдарм ҳам бўлар эди. Россия эса ўз навбатида қандай йўл билан бўлмасин, Туркистонга Англиядан аввалроқ кириб олиб, биринчидан, арзон бойлик, қимматбаҳо бозорга эга бўлиш ва иккинчидан, ўша тарафдан келадиغان хавф-хатарнинг йўлини тўсиб, лозим бўлган тақдирда инглизларни Ҳиндистондан суриб чичаришни ўйларди.

Худди шу кезларда маҳаллий бойларнинг истибодидан эзилган меҳнаткаш эл руслардан паноҳ излаб, бир ёғи ўз ихтиёри билан Россия қўл остига ўта бошлаган эди. Умум Россия императори Александр II: «Қўқонликларнинг Россияга бош эгамиз деган илтимосига — борди-ю ана шундай илтимос бўлиб қолса, дарҳол рад жавобини бериши керак», деб бир минг саккиз юзу етмиш биринчи йилдаёқ генералларига кўрсатма бериб қўйган эди. Бунинг учта сабаби бор эди. Биринчидан, Виктория дипломатлари «Россия Ҳиндистонга нисбатан хавф туғдираётганлиги» ҳақида жанжал чиқарди, Европадаги Россияни қизиқтирган масалалар бўйича бошқа мамлакатларнинг элчиларини бир-бирига гижгижлаб, исканжага ола бошлади. Умум Россия императори Англия билан муомалани Европада ҳам, Шарқда ҳам бир қолипга солиш ниятида «арзларни қабул қилишни» вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Иккинчидан, ўзаро муносабати чатоқлашган майда-чуйда хонликлар Россия империясига тўғаноқ бўлиш у ёқда турсин, қайтага уларни қўллаб-қўлтиқлаб турган бир пайтда қайси бир уруг ёки манапларнинг илтимосини ижро этиш зарурати қолмаган эди. Учинчидан, Капал қалъаси билан Орол портидан бу ёғида ястаниб ётган бепоён ерларни мустақкамлаш ҳамда мустамлакага доир ишларни саранжом-саришта қилиш лозим эди.

Подшо ҳукумати Худоёрхонга «ҳазрати олий» деган унвон бериб, уни гавҳар юлдузли биринчи даражали Станислав ордени билан тақдирлади. Худоёрхонни унвон билан орден унча қизиқтирмасди. Унга ўз эли ўртасида кун сайин авж олаётган норозиликларни, исёнларни раҳм-шафқатсиз босиб турадиган беқиёс куч, аскар зарур эди. Бу ёрдам ярим подшо томонидан берилишини сезган Худоёрхон исёнчиларни қувғинга ола бошлади.

Хукмдорнинг илтифот ва мукофотига сазовор бўлган Нўмон понсаднинг жазаваси тутиб кетди. Исёнчиларга кетма-кет аёвсиз зарба бериб, йўл-йўлакай қишлоқ-овулларни талайверди. Бундай хўрликларга бардош беролмаган меҳнаткаш халқ мол-мулкани ташлаб, боши оққан тарафга йўл олди. Нўмон понсад Чортоқ, Шўркан, Пишқўрғон, Ҳазратишо, Мамай, Нанай қишлоқларини талаб, тоғ этакларидан Олабуқага етиб келди.

Қимир этган жон зоти кўринмасди. Қишлоқ эски қабристонга ўхшарди. Бирданига кириб боргани Нўмоннинг юраги дов бермади. Йигирма бешта сипоҳийни айғоқчиликка юборди.

Жимжит тоғ салобат билан юксалиб турарди. Чанач суви эгилган самбиттол новдаларини ўйнаб оқарди. Ҳаво салқин эди. ўркач-ўркач оқ булутлар қаёққадир шошарди. Осмонда бир бургут оҳиста учиб юрарди.

Сипоҳийлар эҳтиёткорлик билан келишарди. Отлар гоҳида шитир этган қандайдир товушдан чўчиб, сувлиқларини чайнарди. Ундан нари боришга уларнинг юраги дов бермади. Этак томони сув, уст тарафи қоя, икки томони эса қалин тўқайзор эди.

Адашиб қолган бузоқ кўчада ўтлаб юрарди. Уни ушлаб сўйишди. Оловни баланд қилишди. Сипоҳийларнинг йўғон, барваста бошлиғи бузоқ буйрагини олдириди-да, ёриб сихга тортди, ўзи ўтга товлаб, обдан оби-тобига етказиб пиширди. У кабобни сўлаги оқиб оғзига олиб бораркан:

— Оҳ-оҳ, маз-за!— деди. Шу пайт милтиқ овози варанглади. Барваста киши гулхан устига йиқилди. Варанг! Яна бири чалқанча тушди. Сипоҳийлар бошларини беркитиб, бир ерга гуж бўлди. Бири тепаликка синчиклаб қараб қулоқ солди. Ҳеч бир шарпа йўқ. «Ёлғиз мерган шекилли. Энди қочиб кетганга ўхшайди», деган хаёл кўнгилларидан ўтди. Шу он:

— Қимирламанглар, қўрқоқлар!— деган овоз эшитилди. Говур-гувур босилди. Варанг! Яна бир сипоҳий юзтубан тушди.

— Жонимиз садақа! Жонимиз садақа!— деб сипоҳийлар бақриб юборишди.

Пакана арчанинг нариги ёнидан қора телпакли ки-

ши чиқиб келди. Эшим экан. Икки этагини бар урган, оёғида чориқ, белида садоқ. Қўлида қора милтиқ, пилтаси тутаб турибди. У яқинлашди. Сипоҳийларнинг бири:

— Ҳой, ёлғиз экан. Уринглар!— деб интилган эди, тол орқасидан узилган ўқдан йиқилди. Қолганлари қалт-қалт титрарди.

— Жоним садақа! Ҳой мусулмон боласи. Жоним садақа.

— Жон керакми? Қуроолларни ерга ташланглар. Тез! Тез! Бундоқ туринглар...

Милтиқлар, қиличлар ерда ётарди. Эшим қора соқол икки кишини милтиқ учи билан туртиб четга чиқарди. Уша заҳоти толзордан икки марта гумбурлаб ўқ узилди ва ҳалигилар ер тишлади.

Бир вақтлар маҳаллий аҳолининг анча-мунча ерига эгалик қилиб, туркча лаҳжа билан гапириб юрган беш-ўнта форслар эндиликда душманларга йўл кўрсатувчи бўлиб ёлланишганди. Ҳалигилар ўша сотқинлардан эди. Сипоҳийлар тинчиди-қолди.

— Бери кел!— деди Эшим бирини чақириб. Сипоҳий дағ-дағ титраб:

— Раҳминг келсин, оғайни! Раҳминг келсин, ёш хотиним бэр,— деди.

Эшим кулиб юборди.

— Қўрқоқ сорт...

— Йў-қ, мен сорт эмасман,— деди сипоҳий.— Мен қўнғиротман. Тўқсон уруғ ўзбекнинг бир уруғи.— У ҳозиргина ўлдирилган икки форснинг ўлигини кўрсатди:— Булар сорт.

— Майли,— деди Эшим.— Сизларга рухсат. Эшитдингларми? Энди орқага қарамай жўнанглар. Бориб Нўъмонга айтинглар, қўл кўтармаган элга озор етказмасин. Эшитдингларми?

Сипоҳийлар хурсандчиликдан қичқириб юборишди.

— Эшитдик, раҳмат, эшитдик!

— Бўлмаса, қани тезроқ йўлга тушинглар.

Сипоҳийлар отларига миниб қочишар экан, Эшим бақирди:

— Эй-эй,— дейиши билан қайта тўхташди.

— Улжа қолдирмайсизларми?

— Ол, ботир, ол,— дейишиб, отларини қолдириб кетишди.

Сипоҳийлар чопонларини елкаларига ташлаб бирдан-бири ўтиб, оёғи ерга тегмай боришарди. Атроф ваҳимали, ҳар туп арча хавфли туюларди. Бургут буларнинг кулгили ҳолатини томоша қилаётгандай кўк бағрида оҳишта қанот қоқиб айланарди. Тоғ тинч...

* * *

Бундан тўрт йил илгари, тоғликлар хон тоғаси хунидан жабр тортган кеч кузда Эшимнинг ўз овулидан туз-насибаси узилганди.

Уша куни ҳам яшил ўзанни кесиб ўтган анҳор одатдагидек шовуллаб оқар ва кишининг аллақандай нозик ҳис-туйғуларини чертиб ўтар эди. Эшим муздек хашак устида чалқанча ётарди, Ойзода унинг ёнида ўтирарди. Ой увада булутлар ортига яширинди.

— Боласан. Ҳеч нарса билан ишинг йўқ. Хаёлингда ўйин. Кеч кириб тонг отса ҳам сенга бари-бир.

Ойзоданинг эркалатиб айтган мулоийм гаплари, елкасини силаётган момиқ қўллари уни эритиб юборди шекилли, унинг камзулини ечиб, кўкрагига бошини қўйди.

— Нима қилайин? — деди Эшим келинчакнинг тўлишган кўкрагини искаб. — Нима қилайин, эркам?..

Ойзода пирқ этиб кулди.

— Оббо! Эркам эмиш?

Эшим бошини кўтариб, Ойзоданинг юзига боқди. Хумор кўзлар парпираб ёнарди. У шоҳи рўмол билан чирмаб боғланган қорнини сийпалатиб:

— Бу нимаси, эркатойим? Қачонгача шундай юрман? Ахир гўдак увол эмасми?

— Никоҳ ўқитаман, — деди Эшим.

Ойзода анчагача индамай ўтирди, ниҳоят ёрилди:

— Шу билан иш битарканми, ўргилай?! У ёғи нима бўлади? Никоҳдан кейин уч ойга етмай бола туғилса, эл нима дейди? Кимнинг фарзанди деб суриштиради.

— Ҳа, мендан бошқа билан ҳам учрашганмисан? Эшимнинг боласи дейишмайдими?

Ойзода кулиб:

— О, ўргилай! Ой-кунидан олдин туғилган болани ҳароми дейишади. Икковимиз кимга тушунтира ола-

миз? Кимнинг оғзини ёпамиз? Никоҳдан олдин қўши-
лиш шариатга тўғри келмайди. Бу одобдан эмас, гуноҳи
азим.

— Ҳзим билсам бўлди. Шариат билан ишим йўқ.

Ойзода хаёлга чўмди.

— Майли, буни ўзимиз биламиз, севгимиз туфайли
топганмиз. Бироқ, шариатга хилоф иш тутдик. У ҳаро-
ми. Тенгдошлари олдида руҳан эзилиб юради.

Эшим жавоб тополмади. Анчадан кейин сўради:

— Хўш, нима қилайлик?

Ойзода Эшимнинг бўйнига осилди.

— Кетайлик, кўздан, сўздан олисроққа кетайлик.

— Қаёққа?

— Тоғ қўйнидан бизга лойиқ жой топилиб қолар.

— Нима деяпсан?!— Ойзоданинг қўлини бўйнидан
олиб ташлади.— Ҳз элимни, киндик қоним томган
еримни ташлаб қаёққа бораман?

Ойзода айтган гапига минг пушаймон бўлди. Эшим
унга қўрқа-писа қаради. Дарҳақиқат, униб-ўсган қиш-
логини ташлаб кетишни сира хаёлига келтирмаганди.
Ойзода ўзини босиб, Эшимга юзланди.

— Ҳргилиб кетай. Ҳз билганингдан қолма. Бу ерни
ташлаб кетиш сенга осон эмас. Сен эркак кишисан,
элингга кераксан.— У йиғидан аранг ўзини босди.—
Мен энди бу ерга сигмайман. Нима ҳам қилардим, ўз
айбим ўзимда. Кўзимни чирт юмиб, бошим оққан ёққа
кетаман.

У ўрнидан туриб, «хайр», деб шивирлади. Эшим
унинг қўлидан ушлади. Ойзода қўлини тортиб олмага-
ни билан унга ўнг қарамади. Эшим уни бағрига босиб,
ҳидлай бошлади. Ойзода кўз ёшларини артмай унинг
қучоғида эркаланарди. Улар ўзларини тутиб туролмай
хашаклар устига ағанаб кетишди...

Анҳор ҳамон шовуллаб оқарди. Табиат сеҳрли тун
оғушида эди. Увада булут ҳарир парда каби ой юзини
тўсди.

Эшим таҳорат олди. Ойзода булут ортидан сузиб
чиққан ойга қараб ҳузур қилиб ётарди.

— Кетолмайман,— деди Эшим ерга қараб.

— Ихтиёринг ўзингда. Сени йўлдан оздирмайман,
шунқорим,— деб Ойзода ўрнидан турди, ғижимланган
кўйлагини тузатиб, камзулининг тугмаларини қадади,
рўмолини танғиб, йўлга тушди.

Эшим ўрнидан турмай, икки тиззасини қучоқлаганича қолди.

Бир маҳал Ойзоданинг гингиллаган овози эшитилди. У ўксиб йиглаб бораётганга ўхшарди. Бу садо кузнинг тоза ҳавосига сингиб борарди.

... Ойзода яшил ўзан бўйлаб ўз йўлида давом этди. У яланг оёқ, рўмоли қўлида, маржон-маржон қуйилган терларини артиб борарди. Кенг водий, атроф сокин.

Қандайдир шовқин эшитилди. Ойзоданинг бадани жунжикиб, тиззаси қалтираб тўхтади. У ўзининг дук-дук ураётган юрагидан бошқа шарпани сезмади. Энтикиб ерга ўтирди. Ногаҳон шундоққина устидан «шувшув» қилиб бойўғли учиб ўтди. Ойзода икки қўли билан бошини беркитди. Яқин орадан ғувиллаган овоз эшитилди, Ойзода ўрнидан турди. Шамол экан. Ҳуштак чалиб, қора бурганни тортқилаб ўйнапти. У олғадим отиши билан ортидан товуш келди. Қароқчи! Ойзоданинг юраги ўйнади.

— Ой-зо-да-а.

Бу овоз худди ер қаъридан келаётганга ўхшарди. Шўрпешона келинчакнинг яна қанақа кўргилиги бор экан? Беркинишга бирор пана жой тополмаган Ойзоданинг кўзига бу ёруғ жаҳон қоронғи ва тор кўринди. Товуш ҳамон яқинлаб келмоқда эди.

— Ой-зо-да-а.

Ойзода калхатдан қочган какликдек юраги дук-дук уриб, жонсараклик билан атрофга кўз югуртирарди. Қичқирган ким? Кимнинг овози?

Сувори юқоридаги йўлдан отини елдириб ўтиб кетди. «Ой-зо-да-а!» Овоз бу гал олисроқдан келди. Ойзода дик этиб ўрнидан турди. Эшим экан! У бурганзорни оралаб югурди.

— Э-ш-и-им!

Ойзода ўз овозини ўзи таниёлмай, йиглаб чақирарди.

— Э-ши-и-им!

— Ой-зо-о-да-а.

Бепоён далада акс садо янграрди.

Эшим отдан сакраб тушди.

— Қаердасан? — деб қучоқ очди. Ойзода энтикиб келиб, унга ўзини отди. Ҳеч нарса гапиролмай тўлиб-тўлиб йиглади.

— Кетамиз, қуёшим! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган

томонларга кетамиз,— деб Эшим Ойзоданинг терлаган томоқларидан ўпди.

— Бахтим, қувончим!— деди Ойзода энтикиб.— Орқамдан келдингми? Бахтим, давлатим!

Улар ширин орзу-хаёллар билан ўз бахтларини ўзга элдан, ўзга ердан топиш учун кунботиш ёққа, Тошкент тарафга қараб йўлга тушишди. Улар кунни кун демай, тунни тун демай йўл босишарди. Ойзода отда, Эшим эса этагини бар уриб олдинда яёв борарди. Довонга яқинлашганда Ойзода безовта бўла бошлади. Балки, олис йўлда отда уриниб қолгани учун шундай бўлаётгандир? Улар сув бўйида тўхтаб дам олишди. Ойзода тобора оғирлашди. Ҳадеб «қорним» деб тўлганарди. Эшим нима қилишини билмай гангиб қолди.

— Нима қилайин?— сўради Эшим.

→ Бирор эл яшайдиган жойга борсакмикин?— деди Ойзода кўзлари косасидан чиқиб.

— Биров таниб қолса-чи?— деди Эшим. Кейин жавобини ҳам кутмай отни етаклади.

Улар бир оз юргач, итнинг ҳургани эшитилди, олисда қўра кўринди. Улар тош қўрага етиб келишлари билан, эшик олдида турган киши: «Кет-е, баттол», деб итни ҳайдади. Ит жим бўлди қолди.

Эшим икки қўлини кўксига қўйиб салом берди:

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!— деб қироат билан алиқ олди уй эгаси.

Эшим истараси иссиқ чўққи соқол қарияга нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Чол от устидаги бетоб аёлга қараб:

— Қани, уйга киришлар,— деди Эшимга.— Тортинма, ботир. Келинни отдан тушир.— Ҳой, меҳмон келди,— дея оқсоқол ичкарига қаради.

Эшим Ойзодани отдан туширди. Утовдан ўрта ёшлардаги аёл чиқди. У меҳмонларга бирров қаради-да, Ойзодани қўлтиғидан суяди.

— Бечоранинг тоби қочибди...

Уйга киришди. Ҳеч ким йўқ. Арча ўтин чирсиллаб ёнарди. Қозонда гўшт қайнарди. Кампир Ойзодани тўрға, юмшоқроқ ерга ўтқазди. Эшим пойгакка чўкди. Чол индамади. Эшимнинг кўнглидан: «Таниб қолма-сайди, хўш, таниса нима қилибди?» деган гап ўтди.

ҳақи эмас, Оқ Эркамнинг ойда бир кулиб боқиши катта давлат эди.

— Яна эски гапларни кавлаштиряпсизми, чол? — деди кампир кулиб. Оқсоқол ўзининг товонидан ўт чақнаган ёшлигини хотирлаб, сўзида давом этди:

— Қозоқлар бағри кенг, бир сўзли эди. Шунинг учун совчи қўйгани ботинмадим. Беришмасди. Оқ Эркамнинг ишқига, бахтимга ишондим. Маслаҳатни бир ерга қўйиб, йилқилар ичидан икки отни яширинча совутдик. Вақти соати етганда Оқ Эрка йигитча кийиниб чиқди. «Э, худо, ўзинг шарманда қилма», деб қочдик. Тошкент орқали овулга келдик, мени ўлдига чиқариб, ҳатто йилимни ҳам ўтказишибди. Уз севганинг билан бўлсанг, барча қийинчиликларни енгасан. Қорнимиз очмади, кийимимиз тўзмади. Яратганга минг қатла шукур. Оллоҳ бизни биргина фарзанддан қисди, холос.

Оқ Эрка кўз ёшларини кўйлагининг енги билан артди.

Эртаси куни Эшим:

— Яхшиликларинг учун раҳмат. Ўзларингга яраша тирикчиликларинг бор. Ошларингга шерик, бошларингга юк бўлмайлик, — деди қарияларга.

— Банданинг боши — оллоҳнинг тоши, дейдилар, болам. Бандаси қаерда бўлса ҳам бир бурда нонини топиб ейди. Агар лозим кўрсанг, бизникида қола қол. Уз уйинг, ўлан тўшагинг бўлади. Ўзинг ўғил, хотининг қиз бўлсин. Бирга тураверамиз. Йўқ, бахтимизни бошқа ердан излаймиз, десанг, ихтиёринг, от бераман. Тоғ тоғ билан учрашмайди, аммо одам одам билан учрашади, — деди қария.

Эшим севинчини яширолмади:

— Розимиз, отахон.

Оқсоқолнинг чеҳраси ёришиб, эшикка қараб чақирди:

— Ҳой, Оқ Эркам...

Эшикдан кампир кирди. Чол хотинига синовчан қараб:

— Қарами кенг худо иноят қилди, кампир... Қаранг, сен билан мен қирқ йил зориқиб кутган фарзандни бугун ўзи етказди.

— Нима гап, чол? — деб сўради Оқ Эрка тушунмай Эшимга қарар экан.

— Оқ Эркам, — деди қария, — тушимда чиғаноғим-

га ипи узун, қўнғироқли лочин келиб қўнганди. Мана, тушим ўнгидан келди. Бу йигитни ўғил қилиб оламиз, кампир.

— Чол,— деди Оқ Эрка йиғламсираб.— Сиз нима десангиз шу. Қирқ йилдан бери фарзанд доғида куямиз. Афсуски... Ростини айтиш керак, элда: «Уйирини танимаган от, элини танимаган эр бўлмас», деган гап бор. Бир кун қариндошларингиздан бирортаси буларни «асранди» деб юзларига солишса, унда нима қиламиз, айланай чол?

Оқсоқол нима дейишини билмасди. Остонада турган Ойзода турли ўй-хаёлга бориб, Эшимдан кўзини узмай йиғларди. Эшим бундан анча йил аввал оламдан ўтган отасини эслади, юраги алланечук бўлиб, чолнинг кўксига бошини қўйди. Қария уни бағрига босди. Қариянинг яктагидан тер ҳиди анқирди. Сўзлашга икковининг ҳам мадори етмасди.

— Ота...

Эшим бошини кўтарди. Оқсоқолнинг серажин юзларидан ёш думалаб мошкичири соқолини юварди.

— Асрадим, болам! Асрадим!— деди ҳиқиллаб.

Оқ Эрка ёқасини ушлади, худога шукрона айтиб йиғлаб, юрагини бўшатди.

— Туғмасам ҳам тутиндим. Эмиздирмаган бўлсам ҳам эмиздиргандан ортиқ кўраман, болам. Тутиндим, тутиндим,— деб ийиб, кўксини Эшимга тутди...

Овулнинг ана шу ҳурматли оқсоқоли Султонмаҳмуд худо йўлига атаб ош берди, ўғил-қизли бўлганлигини элга билдириб, Эшимни одамларга таништирди.

— Э, қурама уруғи. Кўриб қўйинглар, худо менга ўғил берди. Туққандан тутинган афзал дейдилар. Садағанг кетай, халойиқ, менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларинг. Яна уни ўғайлатиб юборманглар, хафа қилманглар.

Султонмаҳмуд бошқа гапиролмади. Худодан шафқат, элдан фотиҳа сўради. Чолнинг кўз ёшлари фўтасига томар эди. Ёнида турган Оқ Эрка ҳам севинч ёшларини тиёлмасди.

— Қутлуғ бўлсин! Ўғил муборак, Султонмаҳмуд? Келин қутлуғ бўлсин, Оқ Эрка,— деб овулдошлар муборакбод қилишди.

Соқоли кўксига тушган чол икки қўлини ёзиб, осмонга қараб:

— Э, жамоат! Султонмаҳмуд муродига етсин, тутинган ўғил-қизининг роҳатини кўрсин,— деди. Ҳамма қўлини кўтарди:

— Омин! Эшим Султонмаҳмуднинг ўғли. Эшим қурама уруғининг ўғли. Омин, бегонасан, деганнинг кўзига тупроқ тўлсин! Омин! Омин!

Оқ Эрка Эшимга ўз қўли билан тиккан янги сариқ чолвор, оёғига булғори этик, қизил камзул, бошига қурама элига хос бўлган тепаси сербар, қайирмасига энсиз қундуз териси қадалган телпак кийгизди. Эшим худди куёвлардай очилиб кетди.

Мол оласи сиртида, одам оласи ичида. Бир четда ўтирган икки киши фисқ-фасод қиларди. Улар Султонмаҳмуднинг бу ишидан куйиниб, ўзларини қўйишга жой тополмасди.

— Бу келгиндини қайси шамол учирди?

— Худо билади. Чол бекорга овора бўляпти.

— Ҳа, тўғри айтасан.

— Бу яхши йигит эмас. Турқи тароватини қара.

Бир куни кетади-қолади.

— Тўғри. Шўрлик Султонмаҳмуд боланинг тирноғига зор бўлиб ўтди-да. Хотини элликка чиққан бўлса-да, қизлардан сира қолишмайди.

— Балки...

— Ха-ха-ха... Бир кўриб бермайсанми?

— Ҳи-ҳи-ҳи...

Шундай қилиб Эшим қурама Султонмаҳмудга тутинган ўғил бўлиб, Эр Эшим деган ном олиб, ўша овулда қолиб кетди. Хонга қарши халқ исён кўтарган пайтда, у тек туролмай, йигитларни ёнига олиб, келиб Исҳоққа қўшилди.

* * *

Нўъмон пэнсад Эшим юборган дуойи саломдан даргазаб бўлиб кетди. Турклашиб кетган форслардан яна бешта йўлбошловчини қўшиб, «Жинни юзбоши» номи олан юзбошини сараланган юзта сипоҳий билан жўнатди.

Жинни юзбоши бешта йўлбошловчи билан тоғ орасидан юрмай, адир ошиб борарди. Улар икки ерда аҳолиси кўчиб кетган овулга дуч келишди. Ёлғизоёқ йўл билан қоялар остидан ўтаётиб исёнчилар бузиб кетган

тор кўприкка келиб тўхташди. Ноилож орқага қайтиб, сайхонликка тушишди. Олдин келган сипоҳийлар худди шу ерда қўлга тушганди. Тупроқ ва хашаклар қон. Уликлар бир жойга дафн этилибди. Отлиқларнинг бадани сесканди. Ундан нари анча юрилди. Ҳеч ким йўқ, тоғ жимжит эди.

— Бари Чотқолга ошиб кетган шекилли,— деди форсларнинг бири,— шу жойларда қумурсқадай ўралашиб юрарди.

Бу хилватда одам яшашига кўзи етмаган Жинни юзбоши яна ичкари киришдан чўчиб, ортга қайтди.

Улар хавfli туюлган ҳамма жойларни кўздан кечириб чиқишди. Атроф сув сепгандай жимжит эди. Варанг! Олдинда бораётган сипоҳий от бўйнига ортилиб қолди. Сипоҳийлар шоша-пиша отдан тушиб, панага ўтишди. Варанг-варанг! Рўпарадан бетўхтов ўқ узиларди. Жинни юзбошининг йигитлари кўпикланиб оқаётган сув атрофида ўралашиб қолди. Отлар ғизиллаётган ўқ овозидан кишнарди. Кимдир узангида судралиб борарди. Гумбур-гумбур! Милтиқларнинг овозлари қояларга урилиб, тоғда акс садо берарди.

Бир сипоҳий ўқ чиққан томонга қараб бақирди:

— Ҳой, мусулмонлар! Жонимиз омон қолсин. Жонимиз омон қолсин!

Варанг-варанг! Омон қолдириш йўқ. Сипоҳийлар: «Ё олло, ё олло!» деб отларининг ёлига ёпиша бошлади. Қуйи томондан ҳам ўқ ёмғири атрофни ларзага солди. Қуршовдан фақат бир-икки эгасиз от чиқиб кетди.

Ўқ товушлари тинди. Мерганлар сайхонликда ётган мурдаларни бир чеккага олиб чиқишди, қурол-яроғларни, отларни ўлжа қилиб, икки йигит Жинни юзбошини Эр Эшимнинг олдига келтиришди.

— Ярадорми?

— Соппа-соғ.

— Отдан ўзингни отибсан-да, а? Жон ширин эканми, юзбоши?!

Жинни юзбоши индамади.

— Уруш қандай бўлишини кўрдингми? Энди жўнаб қол. Нўъмонга айт, ўзи келсин.

Юзбошининг тили калимага келмади.

Мерганлар зум ўтмай тўқайзорга кириб ғойиб бўлди. Порох ва тутун ҳиди анқирди. Тепада қузғунлар айлана бошлади. Яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди...

Нўъмон юз сипоҳийнинг қирилганини эшитиб, ўрнидан туриб кетди.

— Чақир!— деди понсад.— Чақир бу ёққа ҳалиги аблаҳни!

Бир йигит тезда Қамбар саркорни бошлаб келди. Саркор қути ўчиб салом берди. Нўъмон понсад алиқ олмай унга қаради:

— Сен қатайман деганмидинг?

— Ҳа, қатайман, бек.

— Сен ўз уруғингни жонига куясанми?

— Уз уруғимнинг фароғатини кўзлаб сиз билан юрибман, бек. Исёнчилар билан бизнинг ишимиз йўқ.

— Майли, Қамбар, қатайларни кечираман. Маълумки, сизларнинг ҳосилдор ерингизни ўзларини турк деб юрган форс-сортлар босиб олмоқчи. Ўзинг биласан, қиличимни серпсам, улар бир кунда жуфтакни ростлайди. Эшитдингми?

— Эшитдим! Минг яшанг, понсад.

— Менга икки минг йигит керак. Эшитдингми? Шунга арзийманми?— у адоватини яширолмай, захрини саркорга сочди:— Эшитган бўлсанг, менга Эр Эшимни тутиб келасан. Бу сенинг қатай уруғингга қилган яхшилигим бўлади...

Қамбар саркорнинг гангиб қолганини сезган Нўъмон дағдаға қилди:

— Эртага водийдаги қатай уруғлари қиличдан ўтказилади. Тухумини қуритиб юбориш мақсадида бўғоз хотинларнинг қорни ёриб ташланади.

Қамбар саркор иложсиз қолди. Нўъмон понсаднинг юзи заҳиллашиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетганди.

Эртасига Қамбар саркор қатай уруғининг барча йигитларини отлантириб, Эр Эшимга бориб қўшилди. Уч кунгача сир бермай араллашиб юрди. Кейин қулай пайт топиб, ўн чоғли йигити исёнчилар бошлигини банди қилди, фурсатни бой бермай отга ўнгариб Олабуқага олиб келди, оёқ яланг, бош яланг Эр Эшимни Нўъмон понсад ҳузурига етказди.

— Ҳой, Эр Эшим, келдингми?— деди Нўъмон понсад. Эр Эшим индамай, лабини қимтиб ғазаб билан бекка тикилди.

— Ёш экансан, ботир! Ёш экансан, ўйлаб кўр!

— Нимани ўйлай?

— Ўйлаб кўр,— деди понсад.— Ёшгина жонингни

биргина нарса сақлаб қолади. У ҳам бўлса: «Нўъмон понсад сизларни кечирди, урушни тўхтатинглар», деб тоғдаги қолган-қутган тўполончиларга айтсанг бас.

Эр Эшим инграб юзини ўгирди.

— Бу гапни имонсизларга айт! Қамбарга айт!

Қамбар бир тўлганиб қўйди. Нўъмон понсад унга бир оз тикилиб туриб деди:

— Майли, ўзидан кўрсин... Қозиққа ўтқазинглар!— дея буюриб, ўзи тескари қараб кетди.

* * *

Урда ҳамиша тоғликлар билан ҳисоблашиб иш тударди. Сабаби, тоғликлар билан шаҳарликлар, қишлоқликлар бирлашиб кетгудай бўлса, қонли жанжаллар кўтарилиб, хонлар дўппидай алмашмоғи тайин эди. Ҳозир эса давр бошқа эди. Худоёрхоннинг ортида ярим подшолик турибди. Шунинг учун хоннинг эски ўч, адовати тугён уриб, исёнчиларни шафқатсиз жазолашга вилоятлардаги понсадларга, мингбоши ва юзбошиларга эрк берганди, «Қўзғолончиларнинг молу мулкани ўзинглар бўлиб одинглар», деб руҳлантириб юборганди.

Халқнинг тинчи бузилди. Наманган, қадимий Ақси шаҳри атрофида, Шаҳанд ҳамда Косонсой шаҳарларида истиқомат қилувчи ерлик меҳнаткашлар, қорабағиш, қатай, қатаган уруғлари хон ёвузлигидан чўчиб, осуда ҳаёт кечириш учун тўғри келган томонга тарқалиб, кўчиб кетди. Худоёрхон Сирдарё соҳилидаги ҳосилдор ерларни, ёзлик ва қишлик яйловларни форсларга, тожик, араб ва яҳудийларга ижарага бериб ўтқолаштирди.

Аммо исёнчилар шаштидан тушмади. Исҳоқ ёзги ҳужумга тиш-тирноғи билан тайёргарлик кўрди. Иккинчи томондан рус чиновниклари билан алоқа ўрнатишга уринди. «Ёрдам беринглар, дўст бўлайлик», деб кўплаб совға-салом билан Тўқмоқ уездига элчи юборди. Уезд бошлиғи майор Эллер элчини яхши кутиб олиб, ёрдам беришга ваъда қилди. Маслаҳатлашиб мақсадида у генерал-губернатор фон Кауфманга хат ёзди. Фон Кауфман ёрдам тугул исёнчилар билан ҳатто суҳбатлашишни ҳам қатъиян ман қилиб, элчиларни Тўқмоқ шаҳридан тезроқ чиқариб юборишни буюрди.

Элчилар ҳориб-чарчаб кеч кузда Талас орқали етиб келишди.

Бошқа иложи қолмаган исёнчилар бутун қиш давомида бўлажак жангга қаттиқ ҳозирлик кўриб, ўқ-дори, қурол-яроғ ғамлашди. Эрта баҳорда жарчилар думлари қонга бўялган отларда овул ва қишлоқларга чиқиб кетишди.

— Отланинглар! Отланинглар!— деб жарчилар эълон қилди.— Э, халойиқ, хон айниди. Ўз халқини, ўз шаҳрини қароқчидай таламоқда. Аҳли мусулмонлар, отланингиз! Хонни инсофга келтириб бўлмайди. Ўзидан кетди. Тақдиримизни қилич билан ҳал қиладиган вақт келди. Отланинглар! Отланинглар!

Юки вазмин бўлса нортуя ҳам бўкириб юборади. Эл қайтадан қўзғалди. Исёнчилар сафи турли элат, уруғлар ҳисобига ошиб борарди. Элчилар отларини елдириб, элдан-элга, ердан-ерга хабар етказишарди.

— Отланинглар, халойиқ! Отланинглар!

Бир минг саккиз юзу етмиш тўртинчи йил баҳорида арғумоқлар туёғидан ўт чақнаган, обдан қуролланган уч мингдан ошиқ қўшин Наманган сари юрди. Катта йўл бўйидаги дўнгликка яқин келишганда Исҳоқ отидан тушди-да, тизгинни йигитлардан бирига ушлади, дўннга кўтарилди. Ёлғиз қабр дўмпайиб турарди. Барқ уриб очилган лолақизғалдоқлар шаҳиднинг қони билан бўялгандай. Исҳоқ қибла томонга қараб, қабр этагига ўтирди.

Бу Эр Эшимнинг қабри бўлиб, қонхўр Нўъмон понсад кетгач, тўзиб кетган эл қайтиб келиб, ботирнинг мурдасини қозикдан олиб, шу ерга дафн этишган эди. Қўшин отдан тушиб, дўнгликка чўкди. Исҳоқ бошини қуйи эгиб, хийла вақт жим ўтирди ва ниҳоят қироат билан қуръон ўқиди. Қироат билан ўқиладиган қуръон қабр атрофида ўтирганларни сеҳрлаб қўйгандай эди.

— Омин!— деб қўлини ёзди Исҳоқ. У шивирлаб ўз эли саодати учун жонини қурбон қилган ботир арвоғига бағишлаб фотиҳа ўқиди.

Ҳамма қўл кўтариб омин қилди. Исҳоқ бошини кўтармай узоқ ўтирди. Ҳеч ким ундан олдин туришга ботинолмади.

Мўмин сардор аста унинг чиғаноғига туртди.

— Тақсир...

— Ҳа?— Исҳоқ қаттиқ уйқудан уйғонгандай қўз-галиб, чуқур хўрсинди.

— Бу ер мозор бўлсин. Қадамжо бўлсин,— деди секин.

Жиловдор кумуш ёлли чавкарни Исҳоқнинг олди-га етаклаб келди. Қўшин бирин-кетин отга минди.

Олабуқа, Оқтом, Кўкёр, Нанай, Мамай, Сафед Биллол қишлоқларининг аҳолиси халқ қўшинини иззат-икром билан кутиб олди. Оддий меҳнатқашлар одил замон, оқил ҳукмдор учун ҳеч нарсаларини аямасликларини айтишди, исёнчилар учун мол, қўйларини сўйишди, чодир, ўтовлар тикиб, меҳр-оқибат кўрсатишди, ҳар бир қишлоқ паҳлавон йигитларини қўшиб отлантиришди.

II

Энди нима қилмоқ керак? Урдада зиддият кучайди. Йўл айри бўлса, дайди ит ҳам гангийди, деганларидай, кимнинг сўзига киришини билмай Худоёрхоннинг боши айланиб қолди.

Уша кезларда Россиянинг «Санкт-Петербургские ведомости» газетаси саҳифаларида ана шу исён ҳақида: «Аввал маълум қилинганидай, қўзғолон ҳамма элни ўзига бирлаштирди. Ўзбек, қипчоқ, қирғиз ва ҳатто ўтроқлашган фуқаролар исёнчилар томонга ўта бошлади. Шубҳасиз, яқин орада Худоёрхон бошидан ажрайди ёки хонликни топшириб, руслар томонга қочишга мажбур бўлади», деган мазмундаги хабарлар босилиб турди.

Исён кун сайин авж олиб, Сирдарё, Қорадарё соҳилларига, кейинчалик Кугарт, Ўзган тарафларга ёйилди.

Девонхонада шошилинич кенгаш ўтказилди.

— Қани офтобачи? Хўш, нима қиламиз? Ўзимиз тинчитамиз, деб шу кунларга қолдик,— деди Худоёрхон жаҳлини зўрға босиб.— Саёқ Пўлат келиб ўрдани бўшат дегунча қўлни қовуштириб ўтирамизми?

Бу очиқдан-очиқ кесатиш эди. Хоннинг айғоқчилари унга йўл-йўриқ кўрсатишгани билиниб турарди. Лекин Абдураҳмон офтобачи парво қилмади. У ўзининг қадр-қимматини биларди. Бундай оғир дамларда хоннинг ундан ўзга суянадиган одами йўқ эди. Қолаверса,

Мусулмонқулнинг ўғли қипчоқларни ёқлаши шубҳасиз.

— Фақат ўзимиз бостирамиз, тақсир.

— Сиз бостириб келинг,— деди Худоёрхон зуғум қилиб.— Сиз уларнинг дилидагини биласиз. Майли, ўз қариндошларингизни ўзингиз тинчитиб келинг.

— Бош устига, шоҳим.

Эртасига Абдурахмон офтобачи сараланган мингта сипоҳийни олди-да, Нўъмон понсадни ўзига ёрдамчи қилиб, Наманган вилоятига кетди.

У исёнчилар бош кўтарган ерлардан паналаб ўтди, Сирдарё бўйлаб Қизилжарга йўл олди. Олдиндан хабар берилгани учун уларни Абил бий йигирма беш минг аскар билан кутиб олди. Иккови отдан тушиб, қучоқлашиб кўришди.

— Эл-юрт омонми? Ўзингиз бардаммисиз, бий оға?— деб Абдурахмон офтобачи Абил бийдан ҳол-аҳвол сўради. Абил бий ҳам сидқидилдан:

— Худога шукур, ука!— деб жавоб берди.

Отланиб ёнма-ён кетишди.

— Ҳукмдор ҳазратлари қалай? Соғ-саломат даврон суриб юрибдиларми?— деб сўради Абил бий.

— Эҳ, бий оға, бу бандаси тушмагур ношукурлигига борар экан-да. Қачон бошига бирор иш тушса, боши айланиб қолса, дўстларини ёрдамга чақирар экан...

Абил бийнинг бу гапдан вақти чоғ бўлди.

Адирлардан ўтишгач, Бўзбу тоғи кўринди. Ўзга тоғлардан фарқи шундаки, ёз ойларида унда қор турмайди, бир парча булут эса устидан қишин-ёзин кетмайди. Бу аслида Фарғона водийсининг эл айтгандай она тоғидир. Чўққисида шинамгина кўли бор. Уни Тулпор кўли дейишади. Абил бий ўша Тулпор кўли қирғоғига қирқта бўз ўтов тикдириб қўйган эди. Ҳар бир ўтовни иккитадан соқчи қўриқларди. Абил бий меҳмонларни ўша холи ерга жойлаштириб, хизмат қилди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Шер додхоқ бошчилик қилган қутлуғ-сайид, найман, черик, қатай, қорабағиш ва мундуз уруғлари бийларидан иборат элликка яқин вакил, иккинчи ёқдан ёнида етти сипоҳийси билан Абдурахмон офтобачи тушиб келди.

Абил бий эҳтиёткорлик билан иш тутди. У кейинроқ олдинги гина-кудуратни унутиш учун Шер додхоқни

ўнта бийи билан ўз ўтовига меҳмонга чақирди. Дастурхонда қўзи гўштидан тортиб, майиз қўшиб тобига келтирилган қимизгача муҳайё эди. Меҳмонлар овқатга қўл урди. Абил бий суҳбат қўққисдан тескарига айланиб кетмасин деб, гап бошлади.

— Қани, яхшилар, бу шайтоннинг бўйни узилганидан ишора бўлсин,— деб зарбоф чопонни Қорақош ойимнинг қўлидан олиб Шер додхоҳнинг устига ёпди.— Қадрли додхоҳ, бу совғани Худоёрхон ҳазрат олийлари шахсан сизга юбордилар...

Абдурахмон офтобачи Қўқондан чиқишида иккита хачирга қимматбаҳо кийим-кечаклардан юклатган эди. Ҳозир у ўрнидан туриб бийларга ўзи кимхоб чопон улашди.

Шер додхоҳ зарбоф чопонни эгнидан сидириб ташлади:

— Юпун қолганимиз йўқ. Қайси хизматларимиз эвазига тўн кийдирыпсизлар?

Уни кўриб, бошқалар ҳам кимхоб чопонларини суриб қўйишди.

— Ога, кечирасиз! Буни менинг совғам деб билинг. Қўлимни қайтарманг,— деб Абдурахмон офтобачи чопонни ўзи қайтадан ёпди.— Сиз отамни кўрган одамсиз.

— О, Мусулмонқул! Эсиз оғамиз,— деб юборди Шер додхоҳ.— Хайрият, отангни унутмабсан, ука. Биласанми, ноаҳиллигимиз туфайли ундан ажрадик. Унинг бошига шу хотинбоз етди...

Шер додхоҳ Абдурахмоннинг юрагига туз сепди. Абил бий суҳбатни бўлди.

— Э-э, додхоҳ, ўзимиз тиклаган ўрдани бузмайлик деймиз-да. Билмайди дейсизми?

Шер додхоҳ сўкинди:

— Ҳе, ўша, тинчимаган, қутсиз мамлакатингни... Иссиғи йўқ тўнингни...

Абдурахмон офтобачи қизариб кетди. Қари додхоҳ йиғлагудай бўлса-да, бу гал чопонни олиб ташламади.

— Э, яхшилар,— деди Абил бий.— Нима қилса ҳам ўзимизники. Худоёрхон бош эгиб, узр сўраб, Бухоро вазирлари киймайдиган чопонларни юбориши катта иш. Ҳақ гап, Худоёрхон кўп хатоликларга йўл қўйди. Биз кечирдик. Майли. Энди бу ёғига нима деймиз? Уйлаб кўрайлик.

Шер додхоҳ заҳархандалик билан кулиб қўйди:

— Масхаравоздай шу чопон билан бизнинг кўзимизни боғламоқчи бўлибди-да?!

— Қадрли додхоҳ,— деди Абил бий,— гап чопонда эмас.— Буни яхши биласиз. Куни кеча отасини Худоёр ўлдирган шу Абдурахмон билан мен хоннинг қанақалигини билмаймизми? Уни яхши биламиз. Бизни ташвишга солган нарса элатлар ўртасидаги бирлик, ҳамкорликнинг йўқлиги. Тортишиб юриб кўп нарсани барбод бердик. Чуй, Талас, Тошкент қани?

Шер додхоҳ кесатиб деди:

— Тилинг ширин, Абил... Худоёрхон бизни оёқ ости қилди. Кимга ишонади, билмайману, йилдан-йилга ҳаддидан ошиб кетяпти. Сен билан менга ҳеч нарса эмас. Закот олса, солиқ олса, чидаймиз. Аммо бева-бечораларга оғир бўлиб кетди. Сенга қандай, бундан хабарим йўқ, бироқ менга бу зарбоф чопонни Худоёр ўз элимнинг терисини шилиб устимга ёпганга ўхшайди.

Гапга чечан Абил бий жавоб тополмай, Дўмбунинг тақдири кўз олдига келди.

— Қолаверса,— сўзини давом эттирди Шер додхоҳ,— сал тўполон бўлса, ўрдадан сарбоз юбориб, йигитларни қозиққа ўтқазади, иккиқат хотинларнинг қорнини ёриб, норасидаларни ерга улоқтиради. Бу нима? Бу ўз элига хоннинг кўрсатган марҳаматими?— Чол қалтираб кетди:— Қозиққа ўтқазади! Топган қилигини-я...

Абдурахмон офтобачи қариянинг сўзларини эшитар экан, халқнинг нафрати кун сайин ошиб бораётганлигини, элнинг тинкаси қуриганлигини аниқ ҳис қилди. «Бунга ким айбдор? Албатта, тутуриғи йўқ, беномус Худоёрхоннинг ўзи».

Шер додхоҳ:

— Яқинда қишлоқларни кул қилиб, чолу кампир, ёшу ялангларни зор қақшатиб кетган Нўъмон бугун яна ҳеч нарса билмагандай келиб ўтирибди. Хўш, бунга нима дейсизлар?

Абдурахмон офтобачи ғазаби қайнаб, Нўъмонни чақиртирди:

Нўъмон понсад кириб келди.

— Ассалому алайкум!— ҳеч ким алик олмади. Абдурахмонга савол назари билан қараб, бош эгиб таъзим қилди.

— Қулоғим сизда, лашкарбоши... .

Унинг бу сўзидан Абдурахмонни унча менсимаётганлиги билиниб турарди. Хонободдаги ғалабадан кейин Худоёрхон уни ўзига яқин олиб, анча ихлос қўйганди. Бу уни ҳовлиқтириб юборди. Нўъмоннинг қўполлигини кўриб Абдурахмоннинг жони чиқди.

— Менга бер тўппончани!— деб Абдурахмон қўлини узатди. Нўъмон офтобачига гумонсираб қаради ва гап нимадалигини тушунмай ҳайрон бўлди. Буйруққа бош эгишдан бошқа иложи қолмаган понсад рус пистоллини пешонаси тиришиб, чор-ночор узатди. Абдурахмон яна Нўъмонга кўзларини тикиб:

— Еч қилични!— деди. Понсад қилич сопидан ушлаб ижирганиб тўхтади. Абдурахмон пистолни унга ўқталиб:

— Қани!— деди жиддий.

— Нима бўлди, офтобачи?— Нўъмон қилични ечиб ирғитди.— Тушунолмайд қолдим?..

— Сен ҳомиладор келиннинг қорнини шу қилич билан ёрганмидинг?

— Нима бўпти? Ҳукмдорнинг буйруғи шундай эди.

— Ҳукмдор бундай буйруқ берган эмас. Берган эмас. Сен шунчаки қилич дамани синагансан. Мана,— у қилични бийларнинг олдига ирғитди.— Энди бу қиличнинг дамани сенинг эсипаст бошингни кесиб кўриб синашсин-чи?

Нўъмон понсад гоҳ оқариб, гоҳ кўкариб:

— Кўзингга қара, Абдурахмон! Мен ҳам сенга ўхшаган одамман. Ҳукмдорнинг олдида жавоб бериб юрмагин. Сеням ажал тортиб қолди, чамамда?

Абдурахмон унинг сўзига қулоқ солмади.

— Хонни элга, элни хонга ёмонотлиқ қилиб юрганларнинг бири мана шу. Ундан ўч олиш ўзингларга ҳавола,— деди бийларга қараб.

Бийлар гангиб қолишди. Шер додхоҳ бақрайиб ўтирарди. Абил бий ютиниб, ҳар қандай шароитда ҳам ўрдани ҳимоя қилаётган Абдурахмонга тан берди. «Оббо, тулки-ей», деб қўйди ичида ундан хурсанд бўлиб.

Йигитлар Нўъмонни эшикка судрашди. У тихирлик қилиб:

— Хўп яхши! Тақдир бир куни сенинг бошингда

ҳам қиличнинг дамани синаб кўради, Абдурахмон!
Шошма! Ҳа-ҳа!— деди.

Абдурахмон юз ўғирди:

— Бетинг қурсин!..

Нўъмон понсаднинг ўлдирилиши, йўл қўйилган камчиликни бўйнига олиш, элдан узр сўраш билан тенг бўлди. Шунингдек, бу билан Абдурахмон қариндошларига ҳар қандай вақтда ёрдамга тайёр эканлигини кўрсатди.

Абил бий ҳозиргина юз берган воқеани тилидан асал томиб шарҳлаб, буни эътиборга олиш зарурлигини уқтирди.

Уша кунги йиғин шу билан тугади.

Эртасига пешин намозидан сўнг, Шер додхоҳ қўнган ўтовда тўпланишди, бир пиёла чой устида суҳбат давом эттирилди. Шер додхоҳ туни билан ўйланиб, ҳамқишлоқларини безовта қилмаслик учун дурустгина баҳона тополмади.

— Қанийди, сен айтгандай, ҳамма нарса тинч йўл билан ҳал қилинса, Абил. Ҳали кўрасан, қон тўкишга мажбур бўламиз, — деди куйиниб Шер додхоҳ.

— Кўрайлик-чи, додхоҳ оға! Яна ўзимиз хатога йўл қўймайлик, — деди Абил.

— Майли, биз урушни тўхтатайлик. Худоёр қасоскорликка чек қўйсин. Ижарага бериб юборган сувли ерларимизни қайтариб берсин. Урушда нобуд бўлган болаларимиз учун хун тўласин. Беш йилга қадар солиқ олмасин.

Бийлар уни бир овоздан қувватлашди.

— Сўзимиз шу. Бунга кўнмаса, ўзи билади. Биз эса билиб ишимизни қиламиз.

— Билиб турибман, оға, — деди Абдурахмон. — Агар сизнинг ўрнингизда бўлсам, мен ҳам шундай деган бўлардим. Бунга шубҳа йўқ. Майли, рози бўлсанглар, бирга Худоёрхоннинг олдига бориб барча гапни унга айтайлик. Агар унга ўлка, хонлик керак бўлса, тушунади. — У Худоёрга бўлган нафратини яширолмади. — Кўнмаса, сатқай сар, ўзидан кўрсин.

«Кўнмаса, сатқай сар... ўзидан кўрсин...» Абил бий бу ерда Худоёрхоннинг тақдири ҳал қилинганлигини сизди-да, ичида: «Гап ниҳоясига етди», деб қўйди.

— Э-э, додхоҳ, — деди у очиқдан-очиқ. — Ёш бола

эмасмиз-ку, худога минг қатла шукур, бундан ортиқ сўз бўлмайди.

Шер додхоҳнинг ёдига қурама Абдумўминбек, иёнчилар етакчиси Исҳоқ келди. Улар нима дейди? Паймонаси тўлган юрт нима дейди? Ўртада оёқ ости қилинган номус, кек бор-ку?! •

— Абдураҳмон ука, шунчалик азият чекиб келибсан, бу ўтовда битирадиган енгил-елпи иш эмас. Иложи бўлса, жабру жафо тортган халқнинг ўзи билан ҳал қилайлик.

Айёр Абил бий қариянинг қўлдан чиқиб бораётганини фаҳмлаб:

— Додхоҳ, элга тинчлик, тўқчилик, ҳукмдорнинг адолати керак. Урданинг ўзи халқнинг ана шу талабларига кўнаётган экан, эл нима ҳам дерди? Осойишта меҳнат қилиб, тирикчилигини яна йўлга қўяди. Хўш, шундай эмасми, яхшилар?

— Бу-ку, тўғри. Бироқ...— деб бийлар чайналиб қолишди...

Абил бий гапнинг худди шу ерига ўзгача маъно берди:

— Ҳа, балли! Демак, хон тинч бўлса, у Худоёр ёки Пўлат бўладими, элга бари бир. Ҳозир икки йўл турибди. Айтайлик, халқ исён кўтариб, қон тўкиб, Пўлатни хонликка кўтарди. Эл мақсадига етди дейлик. Ёки Худоёр халқнинг талаб ва истагини ҳисобга олиб, қон тўкмай элга эркинлик берди, деб фараз қилайлик. Шу икки йўлдан қай бири мақбул?

— Худоёр биз орзу қилган кенгчиликни бериши гумон. Унинг эшшағи лойдан ўтгунча, — деди бийлардан бири.

Абил бий шоша-пиша:

— Унда мен ҳам қўзғолон қиламан.

Ўтирганлар Абил бийнинг бу гапига ишониб индамай қолишди.

Шу кунги суҳбатга ана шу жойда нуқта қўйилди. Эртасига Абдураҳмон офтобачи қўнган ўтовда тўпланишди. Ҳар икки тарафнинг кўнгли ёришгандай бўлди. Қора майиз обдан тобига келтирган қимиздан ичиб ўтириб, урушни тўхтатмаган ҳолда, ҳар бир уруғдан биттадан вакил олиб, Шер додхоҳ ўрдага борадиган бўлди, шу билан кенгаш якунланди.

Э, отаси ўгай билан овга чиқиб бўлармиди?! Балки

яна алдаб қўйишар?! Нима бўлса-да, бийларнинг ўрдадан келган вакиллар билан тил топиб кетиши кутилмаган зарба бўлди. Исён тўлқини тезда босилди. Шер додхоқ ортидан эргашган уруғларнинг йигитлари қўшиндан ажралиб, қишлоқларига тарқалишди. Аҳиллик, бирликка рахна тушди. Исхсқ нима ҳам қила оларди? Кўнгли чўкиб, Нўъмоннинг тақдири энди унинг бошига тушаётгандай туюлди.

Қайга кетиб боряпсан, ҳой йигит,
Гул ҳаётга ва тақдирга бўйламай,
Лола каби чорлагайми умидлар,
Ё чиқдингми гўзал ёрга сўйламай.
Дўстларинг ким, от чоптирган сен билан,
Танийсанми, қайга кетди ўйламай?

Исхсқнинг хаёлига алмисоқдан қолган ана шу мисралар келди. У кўз илгамас тоғлар чўққисини чулғаган булутлардан кўз узмай, ўзи билан ўзи сўзлашиб борарди.

...Қўқоннинг биринчи хони Олимдан уч ўғил қолганди. Умархон тахтга ўтиргач, укаси Шоҳруҳни ворислик-талашмасин, деб ўзи уни гумдон қилдирган эди. Шоҳруҳнинг Иброҳимбек ва Муродбек деган фарзандлари онаси билан қоратегинлик тоғалариникига бошпана излаб кетишга мажбур бўлишганди. Иброҳимбекдан эса Шоҳойим деган қиз билан Пўлатбек исмли бир яшар ўғил сағир қолганди, қизини самарқандлик Аҳрорхўжага турмушга узатишганди. Аҳрорхўжа ёш Пўлатбекни ўз тарбиясига олиб, эртаю кеч диний ақидаларни ўргатади, зикрларда қатнаштириб, риндфеъл қилиб ўстиради.

Ўтган йили қутлуғ-саид Шер додхоқ уч кишини эргаштириб, Худоёрхондан ва Тошкентдаги генерал-губернатор фон Кауфмандан яширинча Самарқандга келганди. Аҳрорхўжага билдирмай Пўлатбекни топиб, омади кетиб турган Худоёрхонга қарши курашда исёнчиларга бошчилик қилишни таклиф этишганди. Бу дунё фароғатидан бутунлай юз ўгирган девонасифат Пўлатбекнинг ранги қув ўчиб, юраги пўкиллаб:

— Бормайман,— деди бошини чайқаб.

Шер додхоқ нима қилиб бўлса ҳам уни кўндиришга уринди.

— Жамики Наманган вилояти, барча қутлуғ-саид,

қурама қўллайди... Иш ўнгидан келиб, эл шуни кутиб турибди,— деди додхоҳ.

Девонанинг қулоғига «қутлуғ-саид, найман, қурама» деган сўзлар қароқчиларнинг исмидай ёқимсиз эшитилди. Поччаси Аҳрорхўжа ўзбек, қирғиз ва қипчоқларни унинг онгига бир балойи азим деб сингдирган экан.

— Бор-май-ман!.. Одамхўрлар!— деди Пўлатбек бурчакка тиқилиб. Сўнг кўзини юмиб, «Ё олло! Ё олло», деб бошини силкиб, тупукларини сочиб, зикр туша бошлади.

Шер додхоҳ бош чайқаб, Олимхоннинг зурриёти шу қадар бачканалашиб кетганига ич-ичидан ачинди.

Уша куни тунда вакиллар Самарқанддан чиқиб кетишди, бир неча кун йўл юриб, ҳориб-толиб, озиб Тошкентга келишди ва қурама Абдумўминбекнинг уйига тушишди.

У чидамсизлик билан кутарди. Салом-аликдан олдин:

— Ҳа, ишларингиз қалай, додхоҳ?— деди киноя билан.

— Э, иши қурсин!..— деди тинкаси қуриган Шер додхоҳ.

Шундан кейин суҳбат кечқурун дастурхон атрофида давом эттирилди. Шер додхоҳ Пўлатбекни қандай топиб, қай йўсинда гаплашиб, нима жавоб олганлигини бир бошдан ҳикоя қилди. Энг охирида:

— Э, парвардигор, қудратингни-я! Олимхоннинг зурриёти, дейишга тилинг бормади,— деб хўрсиниб бошини чайқади.— Қайдаги бир иприсқини овора бўлиб излаб борибмиз-а?

— Худо урган-ей,— деб Абдумўминбек ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

— Қани, чойдан ичинглар, додхоҳ ота.

Шер додхоҳ хаёлга ботиб кетган эканми, чой қуйиб ўтирган йигитга тикилди, «Самарқанднинг ёмон девонаси!» — деган фикр келди. «Манавини кўзида ўти бор эканми?.. Қайдан келиб қолди у?» Додхоҳ чойни йигитнинг қўлидан олди. «Ё, худоё, тавба!»— деб йигитни сира ажратолмай чойдан ҳўплади.

— Э, бу бизнинг хизматкор,— деди Абдумўминбек.— Хотиржам бўлинг, додхоҳ, уларга темир қиздириб боссангиз ҳам ғиринг демайди.

Шер додхоқ ўзини ўнглаб:

— Ажабо, шунчалик ўхшаш бўладими-а?

Самарқандга бориб келган вакиллардан бири:

— Оғзим бормаётган эди, бек,— деди.

Абдумўминбек сўзга тушунмай ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

— Бу йигит,— деди Шер додхоқ,— бояги мен айтган девонанинг худди ўзи-я?!

Абдумўминбек кулди:

— Бу худонинг қудрати экан. Бандаи мўминлар ичида ўхшашлари кўп. Сирти ўхшаса-да, тақдири, пешонаси бутунлай бошқадир.

Новча, важоҳатли, юзини сал сепкил босган йигит додхоқга тикилди.

— Хаёлингга бир гап келиб турибди, азамат,— деди Шер додхоқ эркалатиб.— Қайси уруғдан бўласан? Кимнинг ўғлисан?

— Бўстон уруғидан, додхоқ ота. Мулла Ҳасаннинг ўғлиман.

— Э-э, мударрис мулла Ҳасаннинг ўғли экансан-да. Отинг нима?

— Исҳоқ.

— Яхши. Омон бўл, ўғлим...

Шер додхоқ «Яхшидан от, ёмондан дод қолади» деган мақолнинг мағзини чақиб, хаёлга чўмди.

Мулла Ҳасан элатнинг ичкилик деб аталувчи бўстон уруғидан эди. Бир минг саккиз юзу қирқ тўртинчи йили мулла Ҳасан ўғил кўриб, исмини Исҳоқ қўяди. Ёлғиз ўғилни тарбиялаб, саводини чиқаради. Кейин уни Қўқондаги Тунқатор мадрасасига ўқишга беради. Исҳоқ эртаю кеч зах ҳужрада мутолаа қилишдан зерикиб, бир минг саккиз юзу олтмиш еттинчи йили мадрасани ташлаб, Ўхна қишлоғидаги қариндошлариникига кетиб қолади. Бу ерда Исҳоқ инсонийликни ўрганиб, деҳқончиликдан тортиб, улоқ чопишгача бўлган барча ишларни қунт билан ўрганади, меҳнатда ва ҳаётда тобланади. Исҳоқ яхши билан ёмон, ўғри билан тўғри, меҳнаткаш билан текинхўр, зиёли билан зиёсиз ўртасидаги фарқни яхши айирадиган ақли етук киши бўлиб ўсади. Кейинчалик у қишлоқнинг фаросатли, илмли кишиларидан бирига айланади. Исҳоқ кўп ўтмай шаҳар кезгани чиқиб кетади, фалакнинг

гардиши билан у Тошкентга келиб, Абдумўминбек билан танишиб қолади...

Эртасига Абдумўминбек Шер додхоҳ билан холи қолиб:

— Додхоҳ, кечаги назарингиз тушган йигит, «Мен хон бўлайми?» — деяпти, — деди.

— Наҳотки? — деб юборди Шер додхоҳ.

Абдумўминбек бош ирғади:

— Шундай деди шоввоз! Рост гап.

Шер додхоҳ тикилиб:

— Кўкрагида ёли борга ўхшайди, — деди. — Ҳа, ўйлаб кўрсак бўлар экан...

— Бир таваккал қилсак-чи, додхоҳ?

— Борди-ю, эртага Самарқанддан ҳалиги девона чиқиб қолса, шарманда бўлмаймизми?

Абдумўминбек қўлини силтади:

— Уч кишининг боши бириккан ерда бундай даъво бўлиши мумкин эмас. Элда овоза бўлиб кетгач, девонангиз бошини тошга урса ҳам ҳеч ким ишонмайди.

Шундай қилиб, Исҳоқ Шер додхоҳ бошчилик қилган вакилларга қўшилиб, Пўлатхон деган ном билан бир ҳафтадан кейин Чотқолга етиб келди.

* * *

Бош вазир Холназар парвоначи исён кўтарган тоғликлар номидан таниқли Шер додхоҳ қирқ вакил билан келганлигини Худоёрхонга маълум қилди.

Худоёрхон ўрнидан турди.

— Абдурахмон қани?

— Уша ёқда қолибди.

— Нима учун?

— Исён кўтарган эл баъзи бир шартларни қўйибди.

Шунга кўра сизнинг олдингизга келган вакиллар ўз талабини бир ёқли қилиб боргунча, офтобачи жонини гаровга қўйибди.

Худоёрхон масхара қилиб кулди ва дарча томонга юз буриб:

— Шарт? — деди у. — Қандай шарт?

Холназар парвоначи бир бошдан тушунтирмоқчи бўлувди, хон қўлини силтади.

— Ҳеч қандай шартни эшитмаймиз. Ҳеч қанақа шарт қабул қилинмайди. Эшитдингизми, парвоначи?

Холназар парвоначи тилини тийди. Худоёр эса авжга чиқди:

— Уйиндан чиқмоқчи бўлганларга биз шарт қўямиз. Биз ҳукмдормиз. Агар найман билан қутлуғ-саид уруғлари ғавғони босмаса, тез орада ҳалиги саёқ Пўлатни боғлаб, бу ерга олиб келмаса, эшитяпсизми, парвоначи?

Холназар бошини қимирлатиб, кўзларини пир-пиратди.

— Агар ўша исёнчи найман билан қутлуғ-саид ўз жанжалини ўзи босмаса, Пўлат саёқни бўйнидан боғлаб ҳузуримга олиб келмаса,— деб чайналиб такрорлади Худоёрхон,— кулини кўкка совурамиз. Эшитдингизми? Қипчоқларнинг кунини уларнинг бошига соламиз.

Холназар парвоначи лабини тишлаб турарди. Бу сафар у бош ирғамади. Негаки, парвоначи ҳам қипчоқ эди. Худоёрхон:

— Вакиллар ҳозир қаерда?

— Шу ерда, ҳукмдор.

Худоёрхон кафтини кафтига тарс-тарс урди. Қопқора, ориқ удайчи кириб келиб, хонга таъзим қилди. Худоёрхон жаҳл билан у ёқ-бу ёққа бориб келди:

— Қирқ! Қирқ уруғнинг бийлари йўқ қилинса, элатлари қаёққа ҳам боришарди?— деб Холназарга юзланди. Парвоначининг ранги қув ўчди.

— Э, ҳукмдор!— деб юборди.— Ўчиб бораётган оловни қайта алангалатган бўлармикан?..

Худоёрхон:

— Олов? Ўчиб бораётган оловга сув қуйган билан тенг бўлади, билдингизми? Эшитиб қўйинг, парвоначи? Учди! Бутунлай!

Холназар парвоначи ночор ғўлдиради:

— Хўп бўлади, шоҳим.

Худоёрхон удайчига буюрди:

— Қирқ сотқиннинг дарҳол калласи олинсин. Бирортаси қолмасин. Узим санайман. Агар бирорта кам чиқса, бошингни оламан. Эшитдингизми?

Удайчи:

— Хўп бўлади, ҳукмдор!

— Худоёрхон билан Холназар анчагача бир-бирига индамай ўтирди. Тўғри қилдимми, деб хон сўрай олмади. Сиз ҳақсиз, деб парвоначи қувватламади.

— Ярим подшолик билан нега дўст бўлдик? А?— деб Худоёрхон гап бошлади.— Кўрсатаман! Додини бераман! Ҳаммасининг онасини Учқўрғондан кўрсатаман...

«Сенинг ҳам онангни уч марта Учқўрғондан кўрсатишган эди», деб Холназар ичида ўйлаб қўйди.

Удайчи ўша куни кечқурун ўрда остидаги эски хилватгоҳда қирқ вакилнинг калласини олиб бир жойга тўплади, энг устига Шер додхоҳнинг бошини ўрнатиб қўйди.

Худоёрхон бир тўп аъёнлари билан хилватгоҳга тушди. Шер додхоҳнинг оппоқ соқоли қонга бўялиб, икки кўзи очиқ қолганди. Худди ўзи билан учрашгандек, Худоёрнинг бадани жимирлаб кетди.

— Шер-ку!— деди у.

— Уша, бадбахт,— дейишди хушомадгўйлардан бири.

Худоёрхон бошқа гапирмай орқасига қайтди. Ўрданинг казо-казолари узун этакларини шалвиратиб, унинг орқасидан тез-тез одимлашди.

...Абдураҳмон бир талай элат бийлари билан бемалол қимиз ичиб ўтирарди. Ташқаридан от дупури эшитилди ва юзбоши чолиб кирди. Абдураҳмон:

— Ҳа, намунча ҳовлиқмасанг,— деди бир нимани сезгандай.

— Бек,— деди юзбоши,— вакилларни ўлдиришибди.

Ўтирганлар ўринларида қотиб қолди. Абдураҳмоннинг қўлидаги коса тушиб, қимиз тўкилди. Икки кўзи чақчайиб, қизғиш тусга кирди.

— Эҳ! Бефаросат, хотинбоз! Ишни расво қилибди,— деб ўрнидан турди.— Отларни ҳозирланглар.

Юзбоши югуриб чиқиб кетди.

Кўп ўтмай карнай чалинди, дам олиб ётган сипоҳийлар оёққа турди.

Элат ҳам, Исҳоқ ҳам эс-ҳушини йиғиштиришга улгурмади. Абдураҳмон отланди. Ҳеч жойда тўхтамай уч кунда Қўқонга кириб борди.

Уч марта замбарак отилди. Бундай ҳурмат одатда ёвни мағлуб этган ботирлар учун кўрсатиларди. Абдураҳмон от жиловини тортди:

— Эй,— деб бақирди. Замбаракчилар бошлиғи тепадан энгашиб Абдураҳмонни таниб қолди:

— Лаб-бай, ҳазратим!

— Ҳой, эси йўқ! Нега бекорга отасан?

— Шаҳаншоҳнинг буйруғи. Ҳурматли жаҳонгир Абдурахмон парвоначи ботирни тантана билан кутиб олинглар деган.

— Жаҳонгир!— деб у ичида ўзини-ўзи масхара қилди. У шунча ҳаракат қилиб, энди эпақага келтирилган ишни расво қилган Худоёрхонни сўкиб келарди. Энг ёмони, элатга ёлғончи бўлди. «Буни Худоёр атай қилди. Эл билан алоқаси мустаҳкамланиб кетмасин, менга ҳалол хизмат қилсин, деган ниятда ана шундай қабиҳликка борди...»

Бир вақтлар Юсуф оталик Шералининг чоригини осдириб қўйган девонхонада аркони давлат тўпланиб ўтирарди. Абдурахмон тартиб бўйича қуролини ташқарида қолдириб кириши лозим эди, лекин у белида тўппонча, ёнбошида қилич ва қўлида қамчин билан ташриф буюрди. Бу одобсизликни биров эркаликка, бошқалар менсимасликка йўйишди. Абдурахмон тахтга яқин келиб таъзим қилди. Худоёрхон ўрнидан турди:

— Йўлбарсим,— деб қучоқлашиб кўришди. Бошқаларга бу қаттиқ таъсир қилди. Айрим хушомадгўйлар кўз ёши тўккан бўлишди.

Илиқ сўз ийдирар. Тантанали кутиб олиш, ҳурмат Абдурахмоннинг юрагидаги эски доғларни ювиб кетди. Уша куни Худоёрхон Абдурахмон парвоначини Қўқон қўшинларига лашкарбоши қилиб тайинлаб, фармони олийга муҳр босди. Шу билан Абдурахмон парвоначи ўрдада ҳукмдордан кейинги даражага эришди.

Исёнкорлар эса қайтадан бирлаша олмай, кузга бориб бир йўла тинчиди.

Генерал-губернатор ана шу йили саккизинчи октябрда Худоёрхонга мактуб ёзиб: «Ўлкангиздаги тўстўполон, чамамда, бир йўла тинчиб кетди шекилли. Бу менинг учун энг ёқимли хушxabар бўлди. Энди, худо асрасин, бундай нохуш воқеа юз бермаслигини чин юракдан иштайман», деб табриклади.

III

Қизидан ажралгани камлик қилгандай, Суюмхоннинг ақлдан озиб, Сарибойни ёлғиз ташлаб кетиши

дaрд устигa чипқон бўлди. Фақат Модилгина унинг иссиқ-совуғидан хабар оларди. Сарибой қўбизини эрмак қилиб дардини енгиллаштирарди.

Илгари қариндош-уруғлари қўбиз тинглагани чиқарди. Ҳозир негaдир оёқлари тортилиб қолди. Болаларига, «чиқма, касри тегади», деб тайинлаб қўйишганми, овқат-озиқ олиб кирган ёш-яланглар индамай Сарибойнинг қўлига косани берарди-да, аста чиқиб кетарди. Сўнгги кунларда Сарибой одамлар билан сўзлашгани юраги тўкилиб турса-да, бироқ ҳеч ким яқинига йўламасди, на ўтириш-туришида, на ётар-турарида, на уйқусида ҳузур-ҳаловат бор эди. Аммо кеча қизиқ туш кўрди...

...Сарибой хотини билан ям-яшил тўқайзорда юрганмиш. Улар шарқираб оқаятган сувларни кечиб ўтишармиш. Чумчуқлар чирқиллаб, енгил қанот қоқиб елпирмиш. Кимдир тоғ чўққисидa ўтириб, қувноқ куйни қўбизда чертармиш. Қўбизнинг тилини тушунган Сарибой очилиб-сочилиб: «Мен ўлиб, жаннатда юрган эканман... Қаранг, худо у дунёдаги азоб-уқубатларни ҳисобга олиб, бу дунёда жаннатдан ўрин берибди. Ҳа, беҳишт шу экан-да», дермиш ва тўймай атрофга завқ билан боқармиш...

Шу пайт беҳосдан ит ҳуриб, уни уйғотиб юборди. Сарибой тиззасини қучоқлаб ётганини пайқаб ҳафсаласи пир бўлди.

У бошини кўтариб, телпагини кийди, чопонини елкасига ташлади. Тапқаридан болаларнинг овози, улоқнинг маъраши эшитилди. Қорни очгани учунми, тонг отибди, деб ўйлади. Идининг уйдан гала-ғовур, эркакларнинг гаплари қулоғига чалинди. Қизиқ, нима янгилик рўй бердийкин? Билгиси келади! Афсуски... У яна қўбизини олиб созлади, юракни ларзага солади-ган ғамгин куйлардан биричи бошлади.

Баҳор келгани учунми, ҳар қалай Сарибойнинг қариндошларидан уч хўжалик Созсой яйловига кўчмоқчи бўлишиб, хайр-маъзур қилгани келишди. Сарибой уларга: «Майли, қариндошларим, қаерда бўлсанглар ҳам омон бўлинглар. Озмай-тўзмай, кўпайишиб юринглар, ёдингларга тушганда, мендан ҳам хабар олиб туринглар», — деб фотиҳа бериб хайрлашди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтарди. Бир куни Модил овулдан хушхабар топиб келди:

— Тунов куни Худоёрхон биз ёқдан борган қирқ бийнинг бошини олган экан. Одамлар бунга чидамай исёнга шайланаётган эмиш. Буни жарчилардан эшитдим Аттанг, қариндошларимиз кўчиб кетмаганида мен ҳам урушда қатнашардим.

— Ҳовлиқма, уруш сен айтгандай ҳайитда бўғирсоқ ейиш эмас. Уруш қиргин, қанчадан қанча одамнинг ёстиғи қуриydi,— деди Сарибой.— Қундузнинг ўчини оламиз деб, сендан ҳам ажраб қолмай.

— Майлийди, мен ҳам бир қилич ўйнатиб, каззобларни додини берсам, армоним қолмасди.

— Ўзингнинг ишларинг қалай?

— Ўн саккизта зарағ пиёла, ўттизта коса тайёрладим.

— Бунчани нима қиласан?

— Тирикчиликка керак бўлиб қолар.

— Йўқ,— деб хўрсинди Сарибой.— Ҳунарманд қанчалик шошмай ишласа, ясаган буюми шу қадар жило топиб, қўлма-қўл бўлади. Сен сонига эмас, сифатига эътибор бергин.

— Унчалик ёмон эмас.

— Сувда яхши қайнатиб, бўёққа тўйдирдингми? Отамиз раҳматлик ҳеч эринмаган уста эди-да...

Модил ўзи ясаган ёғоч буюмларни хуржунга солиб, вақти-вақти билан қишлоқларга чиқарди, кўтарганига сотиб, баҳоли қудрат тирикчилик қиларди.

...Модил хотинини хўкизга миндириб, қайнонасиникига жўнатаётган эди, ит ҳуриб, катта йўлдан бир отлиқ шу томонга бурилди. Юраги безовта бўлиб:

— Хотин,— деди у,— тезроқ кел. Уйда бирортамиз турмасак бўлмайди. Бу ёғини ўзинг биласан.

— Ётиб олармидим? Икки-уч кунда қайтаман. Онам касал бўлганига бир йилдан ошди. Борганим йўқ...

Хотини кетди. Унгача отлиқ етиб келди. Бийнинг йигити экан. Отдан тушмай саломлашди.

— Модил,— деди отлиқ йигит.— Сени бий чақиряпти.

— Қўйсанг-чи, хотиним онасиникига кетди. Уйда бошқа одам йўқ. Акамни ташлаб кетолмайман.

— Унисини билмадим. Менга чақириб кел, деган. Кечгача қайтасан.

Буни эшитиб турган Сарибой ичкаридан овоз берди.

— Бий атай чақирган бўлса, мендан ташвиш қилмай бориб кел.

Модил хуржуннинг икки кўзига тўлдириб идиш-товоқ солди-да, елкасига ташлаб йўлга тушди.

Абил бий уйида экан. Модил хуржунни остона олдида қолдирди ва эгилиб бийга қўл узатди. Абил уни яхши кутиб олди.

— Келдингми?..— деди бий сўрашгач. Модил тиз чўкиб ўтирди ва зум ўтмай ўрнидан туриб:

— Бу йил ясаган идишларимнинг яхшиларидан олиб келувдим,— деди ва хуржундаги заранг пиёла, косаларни олиб Қорақош оймага узатди.

— Эҳе, ҳунаринг чакки эмас,— деди Қорақош ойма идишларни ҳавас билан кўздан кечириб.— Яхши! Жуда соз!

Пиёзи чакмонини елкасига елвагай ташлаб ўтирган Абил бий:

— Хотин, Модил сенга совға олиб келибди-да,— деди.

— Йўқ, бий! Янгамизнинг остонасини қуруқ ҳатламай, дедим.

— Э, Модилим! Сен қуруқ ёғочни эмас, ҳунарингни совға қиляпсан. Совға жавобсиз қолмайди. Бу эскидан қолган одат.

Қорақош ойма косаларнинг бирини чайқаб қимиз қуйиб, эрига узатди.

— Ризқ-рўзимизга ҳамиша шерик бўлсин бу буюм,— деб бий қимизни симирди. Сўнг косани айлан-тириб у ёқ-бу ёғини қаради:— Отанг, бизнинг оғамиз Қулан ака машҳур усталардан эди. Айниқса ёнғоқдан ишлаган буюмлари харидоргир бўларди. Хайрият, ота касбини олган экансан, Модилим.— Қани, хотин, Модилга ҳам қимиздан қуй.

Модил ўзини қўйгани жой тополмай, қувониб қимизни ичди.

— Гапириб ўтир, Модил. Ҳол-аҳволинглар қалай? Сарибой дурустми?

— Ётибмиз, бий оға, худо бошимизга солган кунни кўриб.

— Шукур қил, Модилим! Яхшиямки, бахтига сен борсан. Яхши парвариш қил. Кам бўлмайсан.

— Ҳаммасидан ҳам кейингиси бизга қимматга тушди. Бунни ўзингиз яхши биласиз, бий оға...

— Вой, қўйсанг-чи,— деб бидирлаб сўзга аралашди Қорақош ойим.— Қизинглар ёмон бўлмади. Ўрдага бориб, ҳеч камлик кўрмади.

Модил юзини ўгириб, «Ҳе, ўрдангни... Ўт тушсин ўрдангга!» деди ичида. Қорақош ойим яна гапирмоқчи бўлиб оғиз ростловди, Абил бий бош чайқаб тўхтатди.

— Тўғри, ёмон бўлди,— деди бий.— Бироқ ўзинг ўйлаб кўр, бу эл бошига тушган иш.

Абил бий ҳам, Модил ҳам анчагача хаёл суриб, ўтирди. Модил бир йил ичида юз берган қўрқинчли воқеаларни эслаб, юраги орзиқиб кетди. Абил бий эса «иштонсизнинг ҳадиги чўпдан», деганларидай Дўмбунинг ўлимини бировга оғзидан гуллаб қўймадимикан, деган ўй билан ўтирарди. Ниҳоят оғиз жуфтлади:

— Тангриберди билан борди-келди қилиб туриб-сизларми? Сарибой билан илгаритдан алоқаси дуруст эди.

— Зарур бўлганда, ошлиқ учун дон-дун олиб турамиз.

— Тузук. Тангрибердидан ошлик, биздан сўйиш учун мол олиб тур. Қариндош-уруғ шундай маҳалда бир-бирини қўллаб туриши керак.

— Худо ёрлақасин, бий.

Улар бошқа гапга ўтишмади. Абил бий Модилни гўшт билан қимизга роса тўйдириб, кетишида битта бияни совға қилди.

— Ҳол-аҳволингларни билайин деб чақиртирдим. Ўзингча келмайсан. Мана бу бирор кунингга яраб қолар, Модилим. Сарибойга салом айт.

Модил қандай қилиб раҳмат айтишини билмай, биянинг дам у ёғига, дам бу ёғига ўтди. Ёлидан силамоқчи бўлувди, ҳуркиб кетди. У худди биров: «Миниб кетолмасанг ташлаб кет», дейдигандай шоша-пиша:

— Етаклаб кета қолай?— деди.

Абил бий ёнида турган Қорачолга ишора қилди:

— Эгар-жабдуқни уриб, кузатиб қўй.

Атрофида парвона бўлиб юрган боласини кўриб:

— Қўявер,— деди Абил бий.— Тойчоқ онасидан айрилмасин. Бу Қорақош ойимга олиб келган заранг косаларинг учун.

— Ҳожати йўқ, бийим,— деди Модил.

— Қуруқ сипогарчиликнинг нима кераги бор?—
Абил кулиб қўйди.

...Модил ўша куни уйига қайтмади. Сарибой кута-
кута, ётиб қолдимиз, деб пайпасланиб, ошхонадан бир
сиқим ёрма топиб тамадди қилди ва қайтиб келиб
ўрнига ётди. Анчагача ухлаёлмади.

Атроф жимжит эди. Шу яқин ўртадаги тўқайзор
қамишларининг учи гўё шамолга интиқдай оҳиста
қимирлайди. Сарибойнинг бадани увушди. Эшикда
Модилнинг ити вовиллади. Сарибой бошини кўтарди.
«Модил келди шекилли», деб юраги таскин топди.
Йўқ, шарпа эшитилмади. Бир маҳал Оқтўш гингшиб,
Сарибой ётган уй остонасини тирмалади.

— Эй, Оқтўш, сенга нима бўлди?— деб қўйди
Сарибой. Ит бетоқатлик билан яна гингшиди. Сари-
бойнинг юраги шув этди. Миясига «қашқир» деган
фикр келди. Ит жонҳолатда вангиллади. Модилнинг
ташқарида боғлоғлик турган ёлғиз моли бўкириб
пишқирди. Сарибой ўрнидан ирғиб туриб, эшикка
интилди.

— Ҳ-о-о-ой!— деб бақирди, ўзича қаттиқ-қаттиқ
гапирди. Сарибой чиққач, ит дадилланиб жон-жаҳди
билан ҳура бошлади. Сарибой ташқарида анча ўтир-
ди. Ҳаммаёқ сув сепгандай бўлиб қолди. Мол хотир-
жам кавш қайтара бошлади.

Куз совуғи суягидан ўтган Сарибой уйга кирди-да,
тимирскиланиб жойини топди, калима келтирди. «Мо-
дил нега кечикдийкин?» деб ўйлаб ётиб ухлаб қолди.

«Тишим! Вой, тишим-эй!» деб ингради Сарибой.
Ўттиз икки тишидан фақат битта курак тиши қолибди,
у ҳам зирқираб оғрийди. Кўз олдида чайқалиб турган
кўл пайдо бўлди. Суви шўр. Кўл қиргоғидан тошиб,
Сарибойнинг бошидан ошиб кетяпти. Сарибой қочай
деса қочолмайди, дармони йўқ. Сарибой «тишим, ти-
шим!» деб яна ингради. «Кел, суғуриб ташлайин», деб
қоп-қора, кўзлари оппоқ биров пайдо бўлди. «Ёлғиз
тишим, буни суғуриб ташласанг, қандай тирикчилик
қиламан?» Ҳалиги киши кўзи чўғдай қизариб, Сари-
бойнинг оғзини очиб, бир силтаб тишини суғуриб
олди. Ёлғиз курак тиши қонга аралашиб, Сарибойнинг
кафтига тушди.

Сарибой чўчиб уйғонди. Туши экан. «Модил ҳа-
лиям келмабди», деб пайпасланиб ташқарига чиқди.

Шамол эсяпти. Урмондан зағизғоннинг шақ-шақи эшитилди. Сарибойнинг юрагини ваҳима босди.

— Модил!— деб чақирди. Ҳеч ким жавоб бермади. Нимадир шитирлади. Ҳа, келяпти шекилли. Хашаклар чирс-чирс қиляпти. Ана, ана келди. Сарибой орқасига бурилди.

— Ҳалима!— деди бор овози билан. Жавоб бўлмади. «Айтгандай, Модилнинг хотини кеча кетувди. Бугун келмагандир. Уч-тўрт кун тураман деганди», деб ўйлади.

— Берироқ кел, садағанг кетай,— деди Сарибой қўл-оёғи қалтираб.— Сен кимсан? Модил?

У анчагача серрайиб турди. Модилнинг ити Сарибойнинг олдига келиб, қўлини ялади. Думини ликиллатиб, нимадандир умидвор бўлди. Оёқларига сурканди. Сарибой ўтирди. «Қандай кунларга қолдим,— ўйлади у.— Наҳотки ёнимда итдан бошқа жонзот қолмаса?» У анчадан кейин ўрнидан туриб чақирди:

— Оқтўш! Оқтўш! Қайга кетдинг? Оқтўш!— Ит ҳам кетибди. Унинг юраги қисилди.— Оқтўш! Уз овозини ўзи танимай чўчиб кетди, пайпаслаб ўтовга кирди.— Оқтўш, сен ҳам мени ташлаб кетдингми?!

Оқтўш адирда қўнғиз териб еб юрган эди. Сарибойнинг чақирганини эшитиб, думини жилпанглатиб етиб келди. Сарибой уни қочиб кетмасин, деган ўй билан эркалатиб, бошини силади. Кейин мунгли халқ куйларидан бирини гингиллаб хиргойи қилди. Сал энгил тортди...

Шу тарзда орадан уч кун ўтди. Сарибой учун ана шу уч кун уч йилга тенг бўлди. Укасини мижжа қоқмай кутди. Афсуски, ундан дарак йўқ эди. Одатдагидек ташқарига чиқиб Модилни, унинг хотини Ҳалимани чақирди. Жавоб бўлмади. Соғ бўлса келарди! Соғ бўлса келарди! Ёлғиз инисидан ажралса-я? Диққати ошди. Умид учқунлари сўниб бораётганга ўхшарди. Узгаларга қилган яхшилик ва ёмонликларини ўйлади. Ёмонлик эмиш, шу ёшга кириб бировга тик қараган эмас. «Нега шундай азоб-уқубатга қолдим? Айбим нима? Гуноҳим-чи? Ёки бир умр овчилик қилиб тоғдаги жониворларни қийратганим учунми? Ундай бўлса, э, худо, ўша жонзотларни нега яратдинг? Охири бу бандангни хор қилиб, ора йўлда нечун ташлаб кетдинг? Эй, танграм!»

— Оқтўш! Оқтўш!— деди Сарибой. Ит сакраб эргеланди, Сарибойнинг қўлини илиқ тили билан ялади.

— Оқтўш!.. Оқтўш! Хўш, энди нима қиламиз? Модилни излайликми? Ё бошимиз оққан томонга кетайликми? Ҳеч гап эмас. Сенда тил бўлмаса ҳам кўз бор. Менда тил бору кўз йўқ. Майли, йўл топиб, Модилни қидирамиз. Қани, йўл бошла.— Ит Сарибойнинг мақсадини тушунмай атрофида айланди. Кейин Сарибой ҳассасининг учи билан ерни уриб, катта йўлга бурилган эди, Оқтўш фаҳмлаб олдинга тушди.

— Модил!— Сарибой ит бошлаган томонга кетаверди.— Модил!

Сарибой гўё бирор нарсани кўраётгандай, гоҳ оққасига қараб-қараб қўярди.

— Модил!..

Ит Сарибойдан олис кетмай йўл бошлаб борарди.

— Модил!

Сарибой йўл-йўлакай йиғлаб кўп юрди. Қулоғига шариллаб оқаётган сувнинг товуши эшитилди. Ўша томонга бурилди, сой қирғоғига бориб, қўлини ювди, муздек сувдан икки ҳовуч ичди. Сарибой чарчаганини энди билди. У ҳассани атрофига дўқиллатиб уриб кўрди. Ҳасса нимагадир тегди. Тош экан, пайпаслаб унга ўғирди...

Оқтўш тўсатдан вовиллади. Сарибойнинг юраги шиғ этди. Ит эгасини айланиб ҳурарди.

— Сарибой, бу ерда ит нима қилиб юрибди?— деган овоз қулоғига чалинди. Сарибой аланглаб:

— Модил,— деб интилди, ўрнидан туролмай йиқилди.

Бу тирикчилик кўйида юрган Гулкиши эди. Таниб қолди:

— Сарибоймисан?— деб югуриб келиб қўлтиғидан суяди.— Хўш-хўш! Қаёқдан?

Сарибой жавоб бериш ўрнига тўлиб-тўлиб йиғлади...

...Эртасига бир сойдан Модилнинг ўлигини топишди, Модилнинг қони қотиб қолганди, қорни шишиб кетганди. Хуркак бия қочиб, ўз уюрига бориб қўшилган экан. Абил бий уни ушлатиб, Модилнинг ўлигини юклатиб юборди. Тахмин қилишларича, Модил бияни миниб йўлга тушган. Йўлда бия ҳуркиб Модилни олиб

қочган. Модил эплотмасдан йиқилган, бир оёғи узангига илиниб қолгану, кейин уни бия судраб ўлдирган.

Сарибойни таниган узоқ-яқиндагилар тўпланди. Яшил ўзандан Тангриберди, Теменесувдан Абил бий, Тултемир ва бошқалар келиб бел боғлаб турди, биров гўр кавлади, бошқаси мол сўйди. Сарибойга тасалли бериб маросимнинг барча кам-кўстини ўз зиммаларига олишди.

Сарибой Модилнинг мурдасига яқинлашди. Ориқ қўллари билан унинг қони қотган юзларини силади. — Узингни бос! Шукур қил, Сарибой,— деб Тангриберди уни турғизиб, четга етаклади.

Мурда ювилиб, кафанга ўралди, сўнг тобутга солиниб, устига чопон ёпилди. Тобутни уйдан қариялар кўтариб чиқишди. Қариндош-уруғлар уввос солди. Модилнинг хотини Ҳалима ҳам сочини юлиб йиғларди. Бекназар тобутни ушлаб:

— Э, халойиқ,— деди.— Модилнинг хотини— Ҳалима янгамизнинг бўйида уч ойлик гумонаси бор экан. Э, эл, эшитиб қўйинглар.

— Яхши! Жуда соз! Бечора. Модилдан зурриёт қолгани яхши бўлибди,— дейишди.

Тобуткашлар холироқ жойга чиқишгач, тобутни тоза ерга қиблага қаратиб қўйишди, таҳорати борлар жанозага ўтишди. Жаноза ўқилиб бўлгач, тўрт йигит тобутни елкасига олди. Шу тарзда одамлар тез-тез алмашиб, тобутни қўлдан-қўлга, елкадан-елкага олишиб кетишди. Тангриберди Сарибойни отга миндириб етаклаб борарди. Қабристонга келиб, тобутни янги тупроқ устига қўйишди. Гўрковлар бир чеккага ўтишди. Тангриберди қабрга тушиб, лаҳадни кўздан кечирди:

— Тузук! Тиригида уйи кенг эди. Ўлганида гўри ҳам кенг бўлибди.

Кейин мурдани тобутдан олиб, Тангриберди бош томонидан оҳиста ушлаб:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,— деб гўрга энгашди. Икки-уч киши мурдани пастга тушириб, бошини қиблага қаратиб ётқизишди. Гулкиши чопонининг барини тутиб, жанозага келганлар бир ҳовучдан ташлаган тупроқни гўрга олиб тўкди. Тангриберди лаҳад оғзига эҳтиёт-

корлик билан чим босиб беркитди ва қўлини қоқиб тепага чиқди:

— Қани, тупроқ тортинглар...

Одамлар қўлларига кетмон, курак олиб қабрга тупроқ тортишди.

— Э, халойиқ!— деб мурожаат қилди Бекназар.— Модил қандай одам эди?

Абил бий шошилиб:

— Яхши одам эди,— деб қўйди.

Бекназар:

— Э, эл! Қадрдонимиз Модил қандай одам эди?

— Яхши одам эди. Яхши одам эди.

Учинчи марта ҳам одамлар Бекназарнинг сўзига ёппасига жавоб қайтаришди.

Бекназар урф-одатга кўра иккинчи саволни ўртага ташлади.

— Э, халойиқ! Модилда кимнинг оладигани бор? Қарз бўлиб кетмасин! Айтинглари. Башарти бўлса, мана биз тўлаймиз.— Бекназар бу саволни ҳам уч бора қайтарди.

— Йўқ! Қақимиз йўқ!— деган овозлар эшитилди.

Бекназар:

— Ҳой, яхшилар! Модилга берадиганларинг борми? Айтинглари, яна бўйнингларда қиёмат қарз бўлиб кетмасин.

— Йўқ! Йўқ!— деб жавоб қайтарди одамлар.

Абил бий:

— Тултемир!— деди ғамгин. Ҳамма Тултемирга қаради.— Мана, қабр устида турибмиз. Жон бор жойда ўлим бор! Модилни ҳозиргина дафн этдик. Ҳаммамизнинг келадиган жойимиз шу ер. Орамизда Дўмбу ҳам, Модил ҳам йўқ. Модилнинг тўриқ қашқз отини аканг Дўмбу устига иссиқ арқон боғлаб, чавқар қилиб олгани эсингда борми? Ушани бўйнингга ол.

Тултемир лоладек қизариб кетди:

— Бий... Бий... Нега Дўмбунинг тириклигида ўзига айтмадингиз?

Утирганлар ҳаяжонга тушди.

— Бошқа гапни қўй, Тултемир,— деди Абил бий.— Дўмбу отилган куни ўша от чилвирини судраб Модилнинг эшигига келибди-ку. Бу нимаси? Имонинг бўлса, бўйнингга ол! Бўлмаса, ўзинг биласан. Тўриқ

қашқанинг қандай қилиб чавкар бўлиб қолганлигини сен яхши биласан, уни ўзинг тусини ўзгартиргансан.

Тултемир хижолатдан ерга киргудай бўлди-да, четда турган отини етаклаб келди ва эгар-тўқимини олиб ташлаб, чилвирини Сарибойнинг олдига иргитди:

— Акам гўрида тинч ётсин... Менинг қулоғим ҳам тинчисин...

Ҳеч ким билмай қолди. Бир бола орқадан келиб Тултемирнинг бошига қамчи билан туширди. Одамлар ҳай-ҳайлаб қолди. Тултемирнинг телпағи учиб кетди. У орқасига қараб, қамчи ўқталиб келаётган, Модилникидай кўзи чақнаб турган ўспиринни кўрди. Унгача бир киши:

— Ҳай-ҳай, бу ёққа тур,— деб болани ушлаб қолди.

Гулкишининг юраги дук-дук уриб, ичида хурсанд бўлиб, нима дейишини билмай қолди, у бундан икки-уч йил аввал бир ошнасининг ана шу ўспирин билан ҳазилнамо қилган суҳбати ёдига тушди. Ушанда ошнаси: «Ҳой, йигит, Тултемирни нима қиласан?»— «Қайси Тултемир?»— «Отангни урган Тултемирни-да?» Қандай жавоб олишини чол неча марта эшитган бўлса-да, қайтиб-қайтиб сўрарди: «Уними? Бармоғидан қайиш билан боғлаб, шифтга осиб роса савалайман». Хайрият, болакайнинг эсида бор экан, Гулкиши ўгли Тултемирни қамчи билан урганидан ўзида йўқ қувонди.

— Қўй деб айтмайсизлар-а, беадаб бола экан,— деди Тултемир изза бўлиб.

— Одоби йўқмикан, Тултемир?— деди Гулкиши.— Ҳали сенга булар оз. Кўриб қўй, у менинг болам.

— Ҳой, Гулкиши, қўйсанг-чи. Ўтган ишни қўзғама.

— Нега қўярканман,— деди Гулкиши.— Қирғизнинг кеки қирқ йилдан кейин ҳам кетмайди.

Тупроқ тортилиб бўлди. Тангриберди қуръон ўқиди. Фотиҳа қилинди. Эски удумга кўра етти қадам юришиб яна ўтиришди. Бу сафар қуръонни Сарибой ўқиди. Ҳамма дуо қилиб ўрнидан қўзғалди. Тарқалиш олдида Сарибой от чилвирини Бекназарга ушлатиб шундай деди:

— Энди бизга отнинг кераги йўқ. Замон чалкашиб

боряпти. Кўнглингга олма, бу аргумоқ еенга қанот бўлсин.

Уша куни жанозага келганлар марҳумнинг ошини ейишиб, тарқалди. Тангриберди билан Гулкиши Сарибойнинг олдида қолишди. Кейин жонлик учун мол сўйиб, Модилнинг еттисини ўтказишди.

Шундан кейин Тангриберди билан Гулкиши Сарибойни ўз қишлоқларига кўчириб келишди. Лекин Сарибой қаттиқ учиниб ётиб қолди. У сира гапирмасди. Оғир қайғу, бевақт айрилиқ қаттиқ таъсир қилган эди. Тангриберди унинг ёнидан жилмади. Роса бир ой деганда у тузалиб, ўрнидан турди.

Бир куни Сарибой қўбизини сўраб қолди. Тангрибердининг ўғли Пўлат унга янги парда ўрнатиб қўйган эди, дарров олиб берди. У қўбизни созлади, кўрган-кечирганларини кўз олдига келтирди. Инсон умрининг ғоят қисқалиги, дунёнинг бебаҳо ва бебақолигини ўйлаб «Сен дунё» деган машҳур қўшиқни куйга солди:

Сен, сен дунё, сен дунё...
Бир бетига кун теккан,
Бир бетига тун теккан,
Аввал қизиқ, сўнг ўкинч,
Алғов-далғов сен дунё...
Беданани қирғийга
Ем қилгансан сен дунё,
Қўш эгизнинг бирини,
Кам қилгансан сен дунё...

Бундан анча йил олдин Модил иккови аргумоқ миниб, бир талай пул билан бозор қилгани Андижонга боришганди. Ушанда бир қаландар шу қўшиқни айтиб, бозор айланиб юрганини кўрганди. Сарибой унга бир танга пул садақа қилувди. Қаландар танганинг оз-кўплигига эътибор бермай, худди бадавлат одамлардай нари кетгани ҳамон ёдида. Унда Сарибой ўзига тўқ эди. Энди эса бу дунёдаги зулм, адолатсизлик, шафқатсизлик, азоб-уқубатни, хорлик-зорликни ўзи бошидан кечиряпти.

Сен, сен дунё, сен дунё.
Кимлар етган тубингга?

17

Еруғ олам дегизган,
Ўғиз сутин эмизган,
Онам қайда, сен дунё?
Олтин бешик тебратган,
Ҳақ-ноҳақни ўргатган,
Отам қайда, сен дунё?
Ҳар кун қувнаб, ўйнатган,
Вафо қайда, сен дунё?

Қўбиз тобора авжга чиқиб, ғам-андуҳлардан нола чекарди:

Сен, сен дунё, сен дунё,
Кимга вафо қилгансан.
Шоҳ, гадони бир қилиб,
Найзанг билан илгансан.
Ранги рўйдан оздирган,
Бор бисотни тўздирган.
Ёлғиз ўзинг полвонсан...
Гўзал ҳаёт — нур, ёлқин,
Ўта қисқа, эт талқин,
Худди тошдай ёлғонсан...

IV

«Эй, ҳудо ургур, эсипаст, ҳеч жаҳонда шундай аҳмоқчилик ҳам қиладими?! Бирданига қирқ уруғнинг қирқта бийини сўйдирадими? Ўз бийидан ажраган элатлар нима қиларкин, деб ўйламадимикин бу расвои радди маърака?!» Халқ бўронда тўлқинланиб, борган сари қутураётган денгизга ўхшарди. Ўрдага борган қирқ элчининг ўлдирилиши ҳаммани бениҳоя ғазаблантирди. Энди жанг қилишдан бошқа илож йўқлигига одамларнинг кўзи етди.

— Э, Бекназар! Бир қўлимизни бураб, кундага қўйиб болта билан чопаётган бўлса-ю, иккинчи қўлимизни қўйнимизга тиқиб, қараб тураверамизми? — деб қишлоқ оқсоқоллари Бекназарнинг олдидан ўтишди. Абил бий ғазаби қайнаган оломонни кўргач, қўйинлар, деб уларни қайтаришга кўзи етмади.

— Отланамиз! — деди Бекназар. Ботирнинг бу сўзи гўё буйруқ бўлиб олис-олисларга тарқалди. Ҳаш-паш дегунча мингга яқин киши отланди. Бекназар уларни ўзи бошлаб Сафед Билолга йўл олди.

Исёнчилар: «Бирлик зарур. Бир ёқадан бош чиқар-
сак, бизни енгадиган куч борми?» — деб дадил йўлга
тушди, йўл-йўлакай кўпайиб борди. Беклар пайғамбар-
нинг кўк туғи қолган Сафед Билол мазориди оқ туя
сўйиб, ис чиқариб, куну тун сифинишарди. Исхоқ эса
Чотқолдан ошиб ўтиб, Олабуқадаги Эр Эшим қабрини
зиёрат қилгани тўхтаган эди.

Бекназар Тупроқбелга етганда тизгинини тортди.
«Мана, олдинларда икки йўл, — деди у. — Бири чапга,
Сафед Билолга, ўнг қўлдаги йўл Олабуқага олиб бора-
ди. Пайғамбарнинг кўзга кўринмайдиган кўк туғи ос-
монда тура турсин, — деб Бекназар тизгинни ўнгга
бурди. — Биз Эр Эшимнинг арвоҳига сифинайлик. У эл
учун жон берди». Қўшин ботирнинг кетидан йўлга
тушди.

Исхоқ «Мозор бўлсин, табаррук қадамжо бўлсин»,
деб айтган сўзига амал қилиб, Эр Эшимнинг қабри ат-
рофини ғишт билан кўтартириб, гумбаз шаклига келти-
риб қўйганди. Эл иши учун сафарга отланганлар доим
шу ерга келиб сифиниб кетиши одат тусига кириб қол-
ганди. Бекназар тўғри Эр Эшимнинг қабрига борди.
Гумбаз ёнида бир қария юрарди. Индамай келиб қуръ-
он ўқиди. Ҳамма фотиҳа қилди. Бекназар ўрнидан
туриб, гумбазга борди, унинг ёзувларини ўқиди.

Ҳалиги чол анча қариб қолганди. Думалоқ қилиб
черттирган оппоқ соқоли, тепаси узунчоқ, қайирмасига
ингичка қундуз тери ёпиштирилган телпаги ўзига яра-
шиб турарди. Унинг эғнида сурп ятак; устида сидирга
беқасам чопон бор эди.

— Ассалому алайкум, оқсоқол, — деди Бекназар, —
қайси элдан бўласиз?

Қария алик олгач, энтика-энтика жавоб берди:

— Эй, эр йигит!? Қурама бўламиз. Эр Эшим зори-
қиб топган ёлғиз ўғлимиз бўларди.

Бу исм Бекназарнинг қалбини ўртаб юборди. Боши-
ни қимирлатиб, чолга далда берди:

— Эр йигитнинг номи ўчмайди. Уғлингиз элга жон
фидо қилганлиги учун ҳам ботир. Қайғурманг. Уғлин-
гиз йўқ бўлса ҳам ўғлингиз севган эл омон.

— Унинг ғами мени қаритиб юборди. Келганимга
кўп бўлди. Бу ерларга чинор, терак, сада экдим. Кел-
ганларга соя-салқин бўлсин деб.

— Ота!

Гумбаз ортидан беш ёшлар чамасидаги бир бола югуриб келди. Бола келган томонда қора кийинган бир аёл туриб яна ўтирди.

Бола қариянинг бўйнидан қучоқлаб эркаланди. Қария: «Э, қоқиндиқ. Яхшидан қолган туёгим», деб унинг қўлини силкитиб қўйди. Бола қариянинг қулоғига ниманидир шивирлади. Ота секин, «ҳозир», деди.

— Набирам,— деди чол.— Ёлғизимдан қолган ёлғизим.

— Мана, ўринбосари бор экан!— деб далда берди Бекназар.— Сира хафа бўлманг. Белингиз бақувват экан.

— Яхши гапинг учун минг раҳмат. Олгин, олдирмагин, ботир,— деб қария фотиҳа берди, набирасини етаклаб, гумбаз ортига ўтди.

Икки йигит Бекназарнинг отини етаклаб келди. У йўл-йўлакай Эр Эшимни, ундан қолган ёлғиз фарзандни, сувга тушган олтин узукдай ўз фарзандини, от етаклаб бораётган Султонмахмудни эслади...

Ўша куни Бекназар ботир мингта йигити билан Исҳоққа бориб қўшилди.

Бир минг саккиз юзу етмиш бешинчи йилнинг эрта баҳоридаги қўзғолон тоғ тарафдан бошланиб, Норин, Қорадарё, Кўгарт, Узган ва Олой томонларга ёйилди. Бу исёнда ўзбек, қирғиз, қипчоқ уруғлари фаол қатнашди. Исҳоқ урушсиз Андижонни эгаллади...

...Соя-салқин боғ. Шинам ҳовузчадаги балиқлар сувни шалоплатиб ирғишлаб ўйнарди. Каттакон чинорнинг аллақаетида булбул хониш қиларди. Боғдаги ранг-баранг гуллар очилиб, мевалар ҳил-ҳил пишганди.

Бахмал дўппи, узун якак, қизил булғори кавуш кийган Абдураҳмон энсиз йўлакда у ёқдан-бу ёққа юрарди. Хаёли паришон эди. «Яна халқ қўзғалиб, баҳорги тошқиндай босиб келяпти. Ким айбдор? Худоёрхон. Битган ишни ўзи бузди. Узининг шўри!» Абдураҳмон қўлини орқасига қилиб боққа қаради. Узи ҳафсала қилиб, ўн икки пахсали қўрғон олдирганди, олди айвондангиллама беш хонали уй қурдирганди. У вақти-вақти билан шу ерга келиб, дам олиб кетарди. «Раҳматли отам «Темирни қизигида бос, ҳар ишни ўз вақтида қилгин», деб беҳуда айтмаган экан.— Узоқ йиллардан бери қалбининг қаърида ётган кек, ўч аланга ола бош-

лади. — Келди, мен зориқиб кутган фурсат энди келди», — деб Абдурахмон ўзига-ўзи шивирлади.

Бир ҳафтадан сўнг Абдурахмон ишончли кишилар билан Андижонга яқин Бўтақора қишлоғига келиб, олдиндан келишиб қўйилган қовунчи чолнинг қўрғонига тушди.

— Келинг!.. Келинг! — деб мулозамат қилди уй эгаси.

Абдурахмон сал чўчиб қадам босди. Чотқол, Бўзбу томондан келган лашкарбошилардан Мўмин, Бекназар, Ўзган, Олой қўшинларининг етакчиси Абдуллабек хан далак еб ўтиришар эди. Абдурахмон доврўғи ўрдани титратган одамни тахминан таниди. У кўнгил учун бўлса-да, ўрнидан туриб сўрашмаган ҳалиги одамдан ранжиди. Қилинадиган иш тенг бўлгач, ҳар икки томон ҳам тенг эгилмоғи даркор!

— Ассалому алайкум, — деб суст салом берди Абдурахмон.

Исҳоқ бамайлихотир бир қараб:

— Алайкум ассалом, — деди-да, ўрнидан турмай Абдурахмоннинг қўлини олди, рўпарасида ётган тошни кўрсатди. — Келинг, ўтиринг. Ўз уйимиз, ўлан тўшагимиз эмас, кечирасиз.

Абдурахмон ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ҳеч қачон бунчалик ҳурматсизликни кўрмаган офтобачи гижиниб қўйди. Бироқ сир бой бермади. Исҳоқ ҳамма нарсани сезиб ўтирарди. Ўзини гўлликка солиб ҳандалакдан бир тилим узатди.

— Қани таъмини кўринг.

— Бисмилло, — деб Абдурахмон ҳандалакни олди.

— Қалай? Ташвишдан ташқари юрибсизларми, бек? — деб сўради Исҳоқ.

— Худога шукур, шаҳзода!

— Бегим инидами, қиличи қинидами? Худо ёрлақаб, қайси шамол иккиннинг бири, ўрданинг суянчиғини бу ерларга учуриб келганини билсак бўладими?

Абдурахмон ҳандалак пўчоғини ерга ташлаб, қўлини артди, шошилмай мўйловини силади, Пўлатхон номи билан юрган шахс чакана одам эмаслигига тан берди.

— Қайси шамол учуриб келгани шаҳзодага маълум. Қилич қинида экан, худо йўлимизни очса, бирга синаб кўрсак. Дилимни билган аввало худо, сиримни

билган банда гувоҳ, шаҳзода. Шу элнинг хуни, шу ўлканинг куни деб юрган кишиман. Ўз элига, ўз ерига вафо қилмаган мансабнинг боридан йўғи. Урдадаги эсипаст ҳаммаёқни хонавайрон қилди.

Исҳоқ кулди.

— Эсипастлигини энди билдингизми?

— Э, шаҳзода, бош эгмай илож қанча?

Уларнинг суҳбатига ҳеч ким аралашмади.

— Майли, сиз айтгандай бўлсин. Сизни элнинг хуни, ўлканинг куни деб юрган азамат дейлик, айтингчи, унда мен кимман?

Абдураҳмон гангиб қолди.

Исҳоқ:

— Мен шаҳзодаманми? Йўқ! Шу халқни эргаштириб, «Тахтимни, бахтимни олиб бер»,— деб юрибманми? Йўқ. Мен оддий одамнинг ўғлиман. Сиз буни жуда яхши биласиз. Кўриб турибман. Менинг олдимга келиб таъзим қилиш беглик бошингизни ерга уриш билан тенг.

Абдураҳмоннинг аъзои бадани қалтираб, нима дейишини билмай қолди.

Исҳоқ:

— Менга нима керак? Олтин тахтми? Йўқ,— у бошини чайқади.— Давлатми? Йўқ! Ростини айтсам, мен халқни эмас, халқ мени олдига солиб юрибди. Демак, бегим, мен халқ қўлидаги байроқман. Мен халқ тутган дами кескир шамширман. Менга бош эгиб келганингиз, бу халққа бош эгганингиз демакдир.— Абдураҳмон Исҳоқнинг дангал гапига қойил қолди.

— Жасоратингга тан бердим, ботир!— деб юборди Абдураҳмон.— Эртанги кунни худога топшириб, бугун бизни ўзингга қўшиб ол, ботирим!..

Орадан кўп ўтмай, Абдураҳмон ўзининг сараланган аскарлари билан, Исо авлиё, Холназар додхоҳлар Андижон ёнида исёнчиларга келиб қўшилди.

* * *

— Абдураҳмон! Абдураҳмон! Қилган ишинг шу бўлдимми?— деб ранги қув ўчган Худоёрхон ҳужрада у ёқдан-бу ёққа юрарди.— Қўйнимда илоннинг боласини сақлаган эканман-а? Ҳа, туз кўр қилгур!

Шу чоқ шошиб Султонмуродбек кириб келди. Унинг

тили калимага келмасди. Худоёрхон яна бир кор-ҳол бўлганлигини сизди.

— Шаҳзода Насриддин,— деб дудуқланди Султон-муродбек.

— Нима бўлди, айт? Шаҳзода омонми?

— Кетиб қолибди,— деди зўрға. Худоёрхоннинг кўзи чаноғидан чиқаёзди.

— Тўрт минг аскар билан Абдурахмоннинг орқасидан кетибди.

Худоёрхон қўл-оёғи қалтираб ўтириб қолди.

— Бундан кўра, ўлди деган сўзни эшитсам бўлмасмиди...— деб пешонасини ушлади.

Исёнчилар Марғилонга келганида шаҳзода Насриддинбек олдидан чиқиб, Абдурахмонга қўшилди. Шаҳзоданинг аниқ бир мақсади бўлмагани учун бундай пайтларда иккиланиб ўтирмай, қўли баланд томонга оғиб кетишга ўрганиб қолган эди.

Худоёрхон ўз ёғига ўзи қовурилиб, бошини чайқайди.

— Иложимиз қанча, бек? Буям бўлса, кўргилик. Қўқон атрофидаги сипоҳийларнинг руҳи қалай? Замбарак-чи, сарбозлар-чи?

— Худога шукур, бари жойида.

— Яна бир карра кўздан кечириб чиқ. Нияти бузуқларни кўпчилик олдида сотқин деб дарҳол бошини кес. Аяб ўтирма!

— Хўп!

— Тезроқ бор! Бир кўзимиз иккинчисига ёв бўлиб турибди. Муҳаммадамин қайда? Айт, олдимга кирсин.

Худоёрхоннинг ўпкаси тўлиб, ўзини зўрға босди. Дарча ёнига бориб, тўнғич ўғли—Насриддинбекнинг қилган номардлигини эслаб ғазаби тошди. Шу онда ҳузурида одоб билан бош эгиб турган иккинчи ўғли Муҳаммадаминбекка нигоҳи тушди. Ёш, хипча, оддий кийимда.

— Ўргилайин ўғлим,— деб Худоёрхон фарзандининг икки елкасидан ушлаб,— ювиндихўрлар ташлаб кетишди. Меросхўр эса ҳали ёш. Сизлар йигит бўлиб қолган эдинглар. Мендан кейин Ўрмонбекни кўтариб, бир чинор остида иноқ яшанглар, деб юрардим. Афсуски, аканг Насриддин мени шармандаи шармисор қилди.

Муҳаммадаминбек учун бу гап янгилик эмасди.

Унинг хаёли тамоман бошқа ёқда эди. Нега отаси тўн-
гич ўғли Насриддинбекни ёки Муҳаммадаминни мерос-
хўрим демай, нуқул эркатой, ўйиндан бошқа нарсани
билмайдиган зумраша Урмонни меросхўрим дейди?
Муҳаммадаминнинг бошини ана шу саволлар кўпдан
бери қотирарди.

— Ўғлим, суянчиғим,— дея Худоёрхон ўғлини эр-
калатди.— Урмонбек ёш, аканг бўлса, иблислик қилди.
Энди меросхўрим, ишонган тоғим сён. Бугундан иборат
меросхўримсан. Урислар билан алоқани мустаҳкам-
лайлик, бир амаллаб исённи бостирайлик.— Худоёрхон
ўғлига синовчан қаради.— Сўнг ўлкани, ўрдани ўзинг-
га топширай, менинг охиратимни ўйлаб иш қилинг-
лар. Мен Маккаи мукаррамга ҳажга кетаман...

Муҳаммадаминбек отасининг сўзига ҳайрон бўлиб,
бақрайиб қаради.

— Ҳайрон бўлма, ўғлим, жонимдан тўйдим. Етар
энди.— Кўзларида ёш ҳалқаланди.

Ота, чамамда, фурсат ўтди. Давлат жилови қў-
лимиздан чиқиб кетди...

Худоёрхоннинг ғазаби қайнади:

— Нима?! Нима дединг?!— деди-ю, томоғига нима,
дир тиқилиб, бошқа гапиролмади. Кейин ўзини ўнглаб!

— Қўрқма, ўғлим. Қўрқма. Нималарни кўрмадик.
Фон Кауфман ҳазрати олийлари бор экан, биз осонлик-
ча жон бермаймиз. Бир оз сабр қилайлик. Ё Тошкент-
даги, ё Хўжанддаги ўрис аскарлари ёрдамга келиб
қолади. Сабр қилайлик...

Отасининг бу таскинлари Муҳаммадаминбекни
юпатолмади. У паришон ҳолда чиқиб кетди.

Дарвозабон кирди:

— Хон ҳазратлари, Вей подшо ташриф буюрдилар.
Худоёрхон сакраб ўрнидан турди ва қувониб кетди.

— Айтмаганмидим! Ҳа, улар мени ташламайди.
Тез чақир...— Генерал Вейнберг татар тилмочи билан
эшиқдан кирар экан, Худоёрхон икки қўлини кўтариб,
уларга томон юрди.— О, олий ҳазратлари...

Генерал Вейнберг бўшашиб сўрашди. Худоёрхон
ўзини қўлга ололмай, ҳасрат қила бошлади:

— Бошимизга даҳшатли кунлар соя солмоқда.
Олий ҳазратим, сиз қандай маслаҳат берасиз? Биз
нима қилайлик? О, ҳурматли зот!

Татар тилмоч гоҳ хонга, гоҳ генералга қараб, гап-

ларни таржима қиларди. Генерал Вейнберг индамай гапга қулоқ солиб ўтирди, хоннинг аҳволидан хабардор бўлгач, унга юзланди.

— Да, кўриб турибмиз, тақсир. Ўлкангизда сиёсий аҳвол чатоқ.— Тилмоч таржима қилди. Худоёрхон генералнинг хотиржамлигини кўриб, фиғони ошди.

— Кўриб турибсиз. Ҳаммасини кўряпсиз. Қандай кунларга қолдик? Мен сизларга ишонган эдим? Сизларга таянган эдим-ку?!

Тилмоч таржима қилди. Генерал Вейнберг ўйланиб қолди. Нимагадир у яна хонга узоқ тикилди-ю, бироқ индамади. Худоёрхон саросима бўлиб қолди: «Бу ғайридин нимани ўйлаяпти? Булар ҳам менинг тахтдан қулашимни кутишяптими? Мен уларга нима қилувдим? Ёки ўрисларга оғиб кетганим учун беқларим мени ташлаб кетишяптими?!»

— Қани, очиқ айт! Яна нима қилишим керак?!

Тилмоч таржима қилди. Генерал Вейнберг пинагири бузмади. Худоёрхон минг хил ўй-хаёлга борди.

— Битта чораси бор, тақсир,— деди генерал Вейнберг.— Бу ҳам бўлса расмий мактуб ёзиб генерал-губернатордан аскар сўраш. Агар илтимосингиз инобатга олинса, тамом, тахтингиз омон қолади.

Тилмоч таржима қилди. Худоёрхон ўйга толди.

— Янглишмасам,— деди Худоёрхон,— ярим подшо билан бизнинг ўртамизда бир минг саккиз юзу олти миш саккизинчи йили тузилган шартнома бор. Уша шартномага кўра, башарти уруш чиқиб қолгудай бўлса, ўзаро ёрдам кўрсатиш қайд қилинган эди.— Тилмоч таржима қилди. Генерал Вейнберг боши ирғади:

— Хабарим бор. Лекин, тақсир, бу рус аскарлари тўғри келаверсин, деган мазмунни аниқлатмайди. У қурол-яроғ ва бошқа нарсалар билан чекланади. Ўзингизга маълумки, агар шундай қилинса, бошқа чет мамлакатлар «Россия босиб олаётир», деб бўҳтон қилишади. Сизга ана шундай ёрдам керак экан, у ёки бу давлатга расман мактуб битиб, муҳр босишингиз шарт. Шундагина иш силлиқ битади.

Тилмоч таржима қилди. Худоёрхон: «Яна сиртмоқ солишмоқчимми? О, тангрим...» деб ўйлади. Генерал кўм-кўк кўзларини ундан узмаётганлигини пайқаб гўлдиреди:

— Нима қилсамикин? Шундай бўлса, яхши бўлармикин? Тўғри бўладими?

Тилмоч таржима қилди. Генерал Вейнберг хоннинг чеҳрасида юз бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатарди.

— Афсуски, европаликлар сўздан кўра, ёлгон бўлса ҳам қоғозга кўпроқ ишонишади.

Тилмоч таржима қилди. Худоёрхон бошини қимирлатди.

— Хўп... Хўп...— деб кафтини бир-бирига урди, эшик оғаси кўринди.— Мирзани чақир...

Тилмоч тушунтирди. Генерал Вейнберг гапга аралашди:

— Тақсир, бу хатни биргина сиз билан мен билишимиз керак. Шундай қилмасак, бўлмайди. Чунки, ўрдадан ташқаридаги аҳвол ўзимизга тайин.

Таржимоннинг гапидан Худоёрхон ҳамма нарсага тушунди.

— Хўп, хўп...— деб мирзани изига қайтарди. Мирза таъзим қилиб орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шундан кейин генерал Вейнберг ўрнидан туриб қўлини орқасига қилди, нари-бери юрди, тилмочга, «ёзинг», деб буюрди. У дарров портфелидан оқ қоғоз олиб ёзишга тутинди:— «Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман олий ҳазратларига...»— деб донадона айта бошлади. Худоёрхон генералнинг гапларига тушунолмай мунғайиб ўтирарди.

«Бошимга оғир кун тушиб турган бир пайтда, ишончли кишиларим мулла Исо авлиё, Абдурахмон офтобачи, Холназар парвоначи барча сарбози билан душманларим томонга ўтиб, менга қарши уруш очмоқчи бўлиб турган маҳалда, мен Сизга ёрдам кўрсатишингизни сўраб мурожаат қилмоқдаман. Ўз ҳаётимни, Қўқон мамлакатининг тақдирини сиздек улуг императорнинг қўлига топшираман, шояд исёнчиларнинг ғаразли мақсади амалга ошмаса. Сиздан рус аскарларининг кўплаб замбараклар билан Қўқон шаҳрига тезроқ отланишига буйруқ берсангиз деб илтимос қиламан. Олий ҳазратлари, менинг бу илтимосимга рози бўлишингизга ишончим комил!»

Худоёрхон «нима деб ёздирётган экан?» деб ўйланди. Генерал Вейнберг тилмоч сўнгги жумлани ёзиб бўлиши билан:

«...Сизга чексиз ҳурмат билан Худоёрхон Шермуҳаммад Али ўғли» деб тугатди. Тилмоч нуқта қўйди.

— Таржима қилиб ўқиб беринг,— деди генерал Вейнберг тилмочга. Ўзи оппоқ рўмолчасини олиб бурнини қаттиқ қоқди-да, аста дарча томонга юрди. Худоёрхон бурнини жийириб: «Одамнинг олдида ҳам бурун қоқадими?!» — деб ундан жирканди.

Тилмоч эркин таржима қилиб берди. Мактуб тугагач, Худоёрхон илтимос қилди:

— Ҳалиги ерини қайта ўқинг, абзий...— Худоёрхоннинг пешонаси тиришди.— Ҳалиги ўз ҳаётимни, Қўқон мамлакатининг тақдирини нима қиламиз, дедик? Худди ўша ерини...

Тилмоч такрор ўқиди.

«-- Ўз ҳаётимни, Қўқон мамлакатининг тақдирини сиздек улуғ императорнинг қўлига топшираман...»

— Ҳим... Буни қандай тушунмоқ мумкин? Топшираман? Қай тарзда?

Тилмоч дарров Худоёрхоннинг гумонсирашини Вейнбергга тушунтирди. Генерал мактубни Худоёрхоннинг олдига суриб:

— Олампаноҳ, бу сизнинг энг сўнгги имкони-гиз,— деди.

Тилмоч таржима қилди. Худоёрхоннинг оёқларига-ча зирқираб кетди. Ҳар ҳолда мусулмон фарзанди-ку, деб татар абзийга қаради. Тилмоч ҳам чурқ этмай, бепарво турарди. Худоёрхоннинг ҳафсаласи пир бўлиб мактуб охирига муҳр босди.

* * *

Қўқон шаҳри нотинч эди. Шаҳарликлар қўлига нима илинса, шу билан қуролланаётганди. Қурол-яроғ дўконларидан бошқа барча дўконлар ёпилганди. Даҳшатли пўртана тобора яқинлашаётганди.

Генерал Вейнберг Қўқондаги полковник Скобелев бошчилигидаги рус-казак отряди ёрдамида Худоёрхонни ҳимоя қила бошлади. Бир куни тунда шаҳзода Муҳаммадаминбек тўрт минг аскарни бошлаб чиқди-да, исенчиларга қўшилиб кетди. Бу ўрдадаги кучнинг ярмиси эди. Энди Худоёрхон билан генерал Вейнбергга шаҳарда туриш хавфли бўлиб қолганди.

Эртасига Худоёрхон барча оила аъзолари, аркони

давлати билан хазинасини 80 аравага юклатиб, Скобелев аскарлари ҳимоясида ўрдадан чиқди ва Хўжанд дарвозаси сари йўл олди. Улар билан бирга генерал Вейнберг ва унинг бир неча чиновниклари ҳам бор эди. Шаҳар аҳолиси кўчама-кўча юриб, қочиб кетаётган хонни масхаралаб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишарди.

— Ҳа! Сичқоннинг ини минг танга бўлибди-да! Ҳа!

Худоёрхон генерал Вейнберг билан битта аравада эди. Генерал одамларнинг тўс-тўполонига унча эътибор бермасди. Худоёрхон эса терга ботиб кенжа меросхўри Урмонбекни бағрига босиб яшириниб олганди. Шу маҳал муштумдай кесак ғувиллаб келиб арава гупчагига тегди-да, майдаланиб кетди. Худоёрхон ўглининг бошини беркитди.

— Эҳ, лаънати! Ҳа, қон қусгур!— деди кимдир яқин ердан. Худоёрхон нима қилишини билмай боши айланиб, кўзи тиниб, одамларнинг бу қадар юз-хотирсиз бўлиб кетганлигининг сабабига тушунмай йиғлагиси келди. Аммо ёш чиқмади. У бунинг боисини ўйлаб ўтирмай одам зотидан қаттиқ ранжиди. Одам кўплигидан йўл ҳаддан ташқари торайиб кетганди. Халойиқ хонни қўриқлаб бораётган рус-казак аскарларига қарата қичқирарди:

— Утинглар! Утинглар! Қонимизни сўрган зулукни сизлар ҳимоя қилиясизлар? Худо хоҳласа хон у ёқда турсин, сизларнинг ҳам жазонгизни берамиз.— Одамларнинг гапидан жаҳли чиққан аскарлар ўқрайиб қарар экан, бир чол ўзини тўхтатолмади:

— Эҳ, яна қарайди-я?!

Бир солдат қиличини суғуриб, қарияга дағдага қилди. Полковник Скобелев бақирди:

— Тўхта! Нима жин тегди?

Атрофдагилар тўпланиб, жанжал чиқишига оз қолди. Шундай қилиб, хон эртасига не машаққатлар билан рус-казак отряди ёрдамида Россия қўл остига ўтган Хўжанд шаҳрига аранг етиб келди.

* * *

Ўрдада карнай чалиниб, янгиликдан дарак берди. Исёнкор эл ғалаба қилди. Ҳамма ўрдага ошиқди. Кўп ўтмай оқ туяга қизил гилам тўшаб олган жарчилар пайдо бўлди:

— Кимнинг, кимнинг замони? Насриддин хоннинг замони! Кимнинг, кимнинг замони...

Жарчиларнинг сўзини эшитган одамлар музтар бўлиб, серрайиб қолишди. «Балки, худонинг хоҳиши шудир?» «Бечора эл шунинг учун қўзғалган эдими?» «Оқ ит, қора ит, бари бир ит», деб ҳар ким ўзича мулоҳаза қиларди.

Шу кезде қуролсизлантирилган Исҳоқ икки оёғи от айилига маҳкам боғланган ҳолда сипоҳий ўртасида борарди. Девонхонада ўзгача шодиёна эди. Абдурахмон Насриддинбекка хонлик тожини кийгизиб, ўзи Шайхулисломдан фотиҳа олиб, мингбошилиқ даражасига эга бўлди.

Жарчиларнинг оғзи қулоғида, кўчадан-кўчага, маҳалладан-маҳаллага ўтади:

— Кимнинг, кимнинг замони? Бахтиёр Саид Насриддинхоннинг замони!

Ўзи нима бўляпти? Уч йилдан буён белидан белбоғини, оёғидан чоригини ечмай юрган эр йигитлар қани? Сарбозлар ўртасида ҳам, одамлар ичида ҳам норозилик давом этарди. «Пўлатхон тахтдан ўзи воз кечибди. Маккаи мукаррамга зиёратга борармиш», деган гаплар тарқалди. Ҳамма ҳайрон эди.

Абдуллабек ўрдага келиб отдан тушди: бошида қундуз телпак, устида кимхоб чопон, белида қини фил суягидан жило бериб ишланган, шамшир, оёғида қизил ҳошияли кўк этик, қўлида сопи элик туёғидан ясалган қамчи.

Ўрда эшигида турганлар Абдуллабекни таниб, таъзим билан йўл беришди. У ҳеч кимга эътибор бермай ичкарига қараб юрди.

Дарвозабон унинг келганини хабар қилди. Абдурахмон Абдуллабекни кўриб, тавозе билан кутиб олди:

— Э, келинг, келинг, бекзода!

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом,— деб Абдурахмон Абдуллабек билан илиқ сўрашаркан, айёр мингбоши: «Бу яхшилик билан келган эмас», деб кўнглидан ўтказди.

— Хуш келибсиз? Қулоғим сизда, бекзода?

— Келишимизнинг боиси ўзингизга аён. Исёнчилар байроқдори Пўлатхон қайси Маккага кетди? Шу элга қоронғи бўлиб қолди?

— Дайди бўлса ҳам озми-кўпми Исҳоқнинг меҳна-

ти бор эди. Бироқ худонинг хоҳиши эканми, уни қонун-қоида, шариат кўтармади. Меросхўр бошқа экан...

— Шунча меҳнат қилиб, қон тўккан элнинг топган фойдаси шуми?

— Э-э, бекзода! Ўзингиз кўра-била туриб яна гапирасиз-а? Ахир ярим подшога алданган Худоёрхоннинг тақдири нима бўлди? Ошиқча ташвишдан кимга фойда бор? Ҳадеб тахт таллашиб жанжал чиқаравермай, тахт эгаси атрофига жипслашиб, ўлкамизнинг осойишталигини ўйласак бўлмайдими?

— Бу тўғри гап,— деди Абдуллабек.— Аммо халқ Худоёрхоннинг кучуги учун курашгани йўқ. Халқ уларсиз ҳам ўлкани ҳимоя қилади. Уларнинг қадр-қиммати қолмади-ку? Хафа бўлиш йўқ, лекин халқ бизга ишонган эди. Элнинг байроқдори Пўлатхонни қаерга беркитдингиз? Эл шунини сўраб, норозилик билдирапти.

— Нима?! Эл?! Қайси эл?!— деб бақириб юборди мингбоши.— Ҳа, сон тегмай қолдими? Сен, болакай, ўзинг норози бўлсанг керак? Сенга амал бўлса, элни назарингга илмас эдинг!

Хом сут эмган банда эмасми? Дарҳақиқат, Абдуллабек мингбоши бўлишни орзу қиларди. Айниқса, болакай деган сўз уни ниҳоятда ранжитиб юборди.

— Ҳай! Ҳай! Сизнинг амалингиз менга ярашмай-дими? Сиздан менинг қаерим кам? Сиз Мусулмонқулнинг боласи бўлсангиз, мен Олимбекнинг ўғлиман,— деди Абдуллабек пичинг аралаш.— Эсингизни йигинг, яна қон тўкилади-я?! Қўлингизга тизгин тегиши билан ҳамма нарсани унутиб юборибсиз-да, а?!

Абдураҳмон мингбоши сўз тополмай, жаллодни чақиршига оз қолди. Абдуллабек ўрнидан турди:

— Хўп, энди биз қайтайлик. Халойиқнинг талаби шуки, Пўлатхонга зомин бўлманг. У тақдирда ўрда ёнгин остида қолади. Сизга маслаҳатим шу, Пўлатхонни озод қилганингиз маъқул.

Абдуллабек кетига қайрилиб қарамай чиқиб кетди. Мингбоши муздай тер босиб қотиб қолди.

Беклар, манаплар бирлашгандан кейин исённинг йўналиши ўзгариб кетди. Абдураҳмон исёнчилар бошлиғи Исҳоқ билан ёнма-ён юриб, Қўқонга бостириб кирди ва қулай фурсат топиб Исҳоқнинг қўл-оёғини боғлатди, жияни Насриддинбекни хон қилиб кўтарди. У Пўлат-

хон номи билан юрган дайди Исҳоқни йўқ қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлди. Аммо халқ буни билиб қолди, шов-шув кўтарилди. Бунинг устига хон даражасидаги обрў-эътиборга эга бўлган Қурбонжон Додҳоқнинг ўғли айни туш пайтида ўрдага келиб, Абдураҳмонни талвасага солиб кетди. Нима қилиш лозим? Мингбоши гаранг.

Унинг олдида биргина йўл бор эди. Чекиниш мумкин эмас. Бунинг устига тезроқ газот эълон қилиб, туғни қўлга олиш ҳамда Тошкентдан ярим подшоликни қувиб юбориб, халқ эсидан ҳалиги дайдини чиқариш мумкин.

Маҳрам қалъаси Хўжанд шаҳридан 45 чақирим олисда жойлашган эди. Қалъанинг бир томони Сирдарё билан туташган, икки томони юксак қўш девор билан ўралганди. Ўқ-дори, озик-овқат, замбарак билан тўла таъминланган йнгирма минг сарбоз шу ерда эди.

Исҳоқ бу ерга келтирилиши билан миршаб уни миноранинг энг чуқур ва қоронғи зиндонига ташлади. Бу ерда ўлимга ҳукм қилинганлар ётарди. Ўрдадан буйруқ келмагунча ҳеч ким билан учратмаслик буюрилди. Уни қўлдан чиқармай сақлаш қалъа беги Исо авлиёга топширилган эди.

«Нега мени ўлдиришмайди?» — деб Исҳоқ зиндоннинг зах деворига суяниб ўйланарди. Ҳеч нарса кўзга кўринмайди. Қоп-қоронғи. Уч қадам юриб яна деворга урилди. «Гўр дегани шумикин? Мени тириклай кўмишмоқчимми?» — деб ўз-ўзидан сўрарди.

Тепадан оёқ товуши эшитилди. Бу посбон. Ким бўлса ҳам у тириклик нишонаси. Шарпа тинди. Чарчади шекилли.

У пайпаслаб деворга суянди, кўзини юмди. Кўз олдига Абдураҳмон, Абдуллабек келди. Қопқонга тушиб қолганлигини ўйлади. Исёнда бош-қош бўлган Мўмин, Валихон, Бекназар, Эшмат саркорларни эслади. «Менга Абдураҳмоннинг удайчилари ҳамла қилганда, ёнимда Отақул бор эди. Унга нима бўлди? Ўлди ми? Ёки менга ўхшаб зиндонда ётибдими?» — ўйлади Исҳоқ.

Исҳоқ тепага кўз югуртириб, юраги ҳовлиқиб кетди. Чунки юқоридан игнанинг тешигидай жойдан нур тушиб турарди. У кафтини тутди. Еруғлик мошдеккина. Нима ҳам қилсин? Энди унинг кимга кераги бор?

Ким дўст, ким душманлигининг фарқига боролмасди. Қаноти қайрилган қушдай нажотсиз. «Қаердасиз қадрдонлар, ёр-биродарлар, жафокаш ҳамроҳлар? Қаёқларда қолдингиз узангидош дўстларим?» Кимга ҳасрат қилсин? Исҳоқ ноилож аҳволда эканлигини яққол сезиб, деворга суяниб қолди. Уни уйқу элитди.

Кўзига яна ўша ипдай ингичка нур кўринди. Атроф сокин. Қоронғилик ўз қаърига ютгудай. Атай бирор шарпа эшитгиси келдими, йўталиб:

— Вақт қайси маҳал бўлди?— деб ўзидан-ўзи сўради.

— Мен қаёқдан билай? Сен ўтирган жойда мен ҳам ўтирибман,— деб кимдир зиндонни бошига кўтариб кулди.

Иўқолган нур бирдан пайдо бўлди. У кафтини тутди. Ипдай нозик ёруғлик тугаб бораётган умрига ўхшади. У кафтини нурга тутиб, икки-уч марта юзига сурди. «Ёруғлик... ҳамма нарса ёруғликка интилади...»

Тепадан шарпа келди. Исҳоқ бошини кўтариб қаради. Темир қопқоқ очилиб, ёруғлик тушди. Кўзи тиниб кетди. Исҳоқ юзини беркитди. Ёнига нимадир тушди. Нон экан. Кейин у ипга осилган мис чойнакни олди. Атрофга зеҳн солди. Бурчакда соч-соқоли ўсиб кетган бир киши қараб турарди.

— Ассалому алайкум,— деди Исҳоқ. Ҳалиги одам ўзини четга олиб қочди. Темир қопқоқ шарақлаб ёпилди. Яна ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди.

— Эй! Э-эй!— деб бақирди Исҳоқ. Ҳеч ким жавоб бермади. «Бугун ҳам гаплашмади! Нега? Унга мен нима ёмонлик қилибман? Ким бўлдийкин?»

Бир пәрча нон билан сувни тамадди қилди. Бир оз дармонга киргандай бўлди. Кунлар кетидан кунлар ўтарди...

Олис-олислардан гумбурлаган акс садо келди. Исҳоқ қулоғини тутди. Яна бир неча овоз янгради.

— Замбарак! Замбарак отилди,— деб у ўрнидан турди. Яна гумбурлади. Унинг назарида Мўмин, Бекназар, Эшмат исёнчилар билан бирга қалъага бостириб келаётганга ўхшади.

— Ҳой! Ҳой!— деб тепага қараб бақирди Исҳоқ.

Шарпа эшитилди. Зиндоннинг темир қопқоғи кўтарилиб, қоронғилик нур билан алмашди. Ёруғликдан

Исҳоқнинг кўзлари қамашди. Серсоқол посбон энгашиб қаради:

- Нима? Калима айтиб қўяйми?
- Йўқ, калимам оғзимда, — деди Исҳоқ.
- Бақирмай, худо деб ётмайсанми?
- Ҳой биродар!

Қоровул жим бўлди.

— Ташқарида нима гап? Замбарак отиляптими?
— Сени нима ишинг бор? Умринг тугаб турибди-я, яна сўрайсан-а. Ёруғ дунё тўс-тўполон. Ғазавот...

— Ким бошлабди?
— Ким норози бўлса, ўша бошлайди-да...
— Ўрда бошлабди. Абдурахмон эл бошига яна ташвиш солмоқчи шекилли, — деди Исҳоқ ғазабланиб.

Қоровул ҳайрон бўлиб: «Ўзи нима аҳволда-ю, халқни ўйлаганини қара-я. Ақлдан озибди бечора», — деб ўйлади.

— Эй, ботир, — деди Исҳоқ, — Исо авлиёни чақир, тез келсин, унга айтадиган гапим бор.

— Қўй, алжима, сўзлашиш мумкин эмас, ҳадеб гашимга тегаверсанг, қопқоқни ёпиб қўяман, — деди зиндонбон.

Ёпиб қўйиши ҳеч гап эмас. Исҳоқ жим бўлди. Бешолти қадам юрди. Қоровул энгашиди:

— Эй, сен кимсан? — деб сўради. Исҳоқ соқол босган бошни кўрди. — Ҳамма нарса остун-устун бўляпти. Ҳой, оғайни, мени сўраб нима қиласан? Сени эса терингни Абдурахмон шилиб олади.

— Шилса, шилсин. Исён нима бўлди? Исён?

— Қайси исён? Лашкарбоши ҳазратлари кўтарган исёнми?

— Йўқ, халқ қўзғолони?

— Ҳа-ҳа... Пўлатхон бошлаганми? Пўлатхон ўзи Маккатиллога зиёратга кетибди. Қўшиннинг ярми ҳозир Абдурахмонга қарши чиқаётган эмиш.

Исҳоқнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Тақсир, сизга уларнинг нима дахли бор? — деб масхара қилди қоровул.

Исҳоқ ўрнидан туриб:

— Мен ўша Пўлатхонман, — деди.

Посбон оғзини қийшайтириб, роса қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ҳи-ҳи-ҳи... Ҳазрати Абдурахмон эмасмисан?!

— Нодон!— қичқириб юборди Исҳоқ.— Ишон-
маяпсанми?

Посбон яна кулди. У ишонмади. Кулиб, то Исҳоқ
гапиргунча қопқоқни ёпди.

— Эй! Эй, тўхта?— деди Исҳоқ. Жавоб бўлмади.
Шарпа олислади. Олисдан замбарак овози эшитилди.

Зиндон гўрга ўхшаб кетди. Кўз ўнгидан қадрдон
қишлоғи, Бекназар, кўм-кўк яйлов, нуроний онаси
ўтди... Шу тарзда кунлар ва тунлар ўтиб борарди.

— Ҳей, ким бор?— деган овоз зиндонда акс садо
берди.

— Ҳой, бу ёққа чиқ!— деб шоширди бегона киши-
нинг овози.

Исҳоқ нарвонга тирмашди. Оёқлари қалтираб тепа-
га интилди. Кимдир зиндон оғзида уни қўлтигидан
олди.

Исҳоқ сергакланди. Ҳаво бегубор эди. Кўзига икки-
та давангирдай сарбоз, осмон кўринди. Сарбозлар
ҳеч нарса демай, уни ўртага олиб, бек ҳузурига жў-
нашди.

Мош-гуруч соқолли, зангори бахмал дўппи кийган,
қора чопонли Исо авлиёнинг ўзи ўтирарди. У маҳбуста
тумшайиб қаради. Мумдан тайёрланган шам хира нур
сочарди. Исҳоқ тўғри Исо авлиёнинг рўпарасига бориб
тўхтади. Салом бермади. Авлиё қошини чимирди.

— Келинг, шаҳзода,— деди қария мулойим. Исҳоқ
юзини шартта ўгирди. Унга «шаҳзода» деган сўз оғир
ботди. Авлиё қора чопонининг енгини тузатиб:

— Ўғлим,— деди аста,— ўтир, бафуржа гапла-
шайлик.

Ориқлаб кетган Исҳоқ деворга яқинроқ бориб суя-
ниб ўтирди.

— Ҳай, майли, ўғлим, шаҳзода сўзи қулоғингга
ёқмаган бўлса, айтмай қўя қолай. Гапнинг индаллоси
шуки, ўғлим... Тахт учун ўзаро қиргин, олишувнинг
ҳозир фойдаси йўқ экан. Хусусан, ярим подшо кун
сайин этагимиздан тортиб, бўйнимизга солган сирт-
моқни тобора қисмоқда. Бир ёқадан бош чиқармасак,
динимиздан, еримиздан, бойлигимиздан ажраб қола-
миз шекилли...

Исҳоқ ҳамон пинагини бузмай ўтирарди.

Авлиё давом этди:

— Насриддин умидни оқламади. Нимани ҳам

яширардик? Бу эсипаст, довдир отасининг изидан бо-
риб, ярим подшоликни қўллаб, мингбошини менсимаё-
тир.

Исҳоқ гапга аралашди:

— Бу қарғиш теккан ўрдани йўқотмагунча тинч-
лик бўлмайди, деган эмасмидик? Бу уруғинга ўт туш-
гур очкўз бўлиб кетди. Фақат ўзини ўйлади. Ўлка
билан мутлақо иши йўқ. Улар илдизи билан қуритил-
магунча ўрданинг жамиятга сира нафи тегмайди.

Нима деб жавоб бериш керак? Исо авлиё хаёл су-
риб кетди...

Абдурахмон ўрдани қўлига олгач, барча вилоятлар-
даги бийларга қуйидаги мазмунда хат ёздириб жўнат-
ган эди. «Эй, мусулмонлар! Боболаримизнинг қабрлари
оёқ ости қилинди. Мозорларимиз топталди. Эй, аҳли
мусулмон! Деҳқон, савдогар, чорвадор бир-бирининг
қонига забун бўлмоқда. Турли уруғларнинг уруши
муросанинг кетганлигидир. Бир ёқдан ярим подшолик
юртимизга хавфу хатар солаётир. Биз бегона ҳокимдан
қутулмоғимиз керак. Отланинглар! Эй, мусулмонлар,
пайғамбаримизнинг кўк туғини баланд кўтарайлик».
Ерни, элни қутқазиш ҳақидаги бундай баландпарвоз
гаплар барчани оёққа турғазди.

Абдурахмон зудлик билан ишга киришди. Ҳамал
ойининг бошларида чегара ҳисобланган Аблик қиш-
лоғига кириб боришди. Ун минг қўшин Тошкент — Хў-
жанд алоқа йўлини эгаллаб, рус аскарлари турган
уездга ҳужум бошлашди. Хўжандга қараб ҳужумга
ўтган қўшин эса йўл-йўлакай бир қанча пунктларни
қўлга киритиб, шаҳарга ўн икки чақирим ердаги Диг-
май қишлоғини озод қилди. Курашга отланганлар Сир-
дарё бўйлаб Чилмаҳрам, Сангар, Нов, Паркент қиш-
лоқларини бўшатишди, Тошкентга қирқ чақирим қол-
ди. Шу куни Хўжанд томондагилар Хўжанд — Урате-
па алоқа линиясини ишдан чиқариб, Манап Исаевнинг
ойна заводини ер билан яксон қилишди, Хўжанд шаҳ-
рини қамал этишди.

Тўқнашувга баҳона тополмай турган генерал-губер-
натор фон Кауфман генерал Головачёв бошчилигида
тезотар милтиқ, замбараклар билан қуроолланган бир
минг беш юз кишидан иборат аскар жўнатди. Хўжанд
шаҳридан полковник Скобелевнинг рус аскарлари
халоскорлар йўлини тўсиб чиқишди.

Фон Кауфман Тошкентда тинч турмади. У Насриддинхон билан зимдан алоқа боғлаб, уни Абдурахмонга қарши отлантиришга эришди.

Генерал Головачёв Оҳангарон яқинида Зулфиқор бошчилик қилган олти минг қўшин билан тўқнашди. Зулфиқор ярим аскаридан ажради. Полковник Скобелев Хўжанд атрофида ғалабага эришиб, Паркент қишлоғини қайта қўлга киритди.

Шундан сўнг ўрдадан Насриддинхон тарафдорлари оғир аҳволдан фойдаланиб, Қўқонга рус аскарларининг киришини лозим топишди, шу баҳонада Абдурахмондан қутулишни кўзлаган хон Тошкентдан ёрдам сўраб, яширинча хат юборди. Ўлканинг чинакам эгаси Насриддинхон илтимосига биноан Кауфман рус аскарларини чегара қишлоқлари орқали Фарғонага туширганди.

Ана шундай оғир пайтда Исо авлиё ярим тунда Исҳоқни зиндондан олдириб, жуда мулойимлик билан суҳбатлашди ва унинг гапига қўшилган бўлди.

— Шунга ўхшайди, ўғлим, энди нима қиламиз? Бирор чорасини топиш керак. Гап шундаки, элимиз ҳардамхаёл, кучимиз икки тарафда қолди. Ғазотга чорлаб, уларни бириктирмасак бўлмайди. Минг уруғи ерга кирсин. Мингбоши ҳазратни қўллайлик.

Исо авлиёнинг табассум ўйнаб турган юзлари Исҳоққа Бўтақорадаги қовунчи чолни эслатди. «Бу тулки нима қилмоқчи? Ўз домига илинтирмоқчими?» — деб ўйлади Исҳоқ.

— Ўғлим, эслик йигитсан, ўйлаб кўр. Она юрт учун, эл учун, дин учун ғазотга чиқиб, мингбоши ҳазратнинг амрига кўнинглар. Мен шунга розиман, деб Бекназарга мактуб ёз, ўғлим.

Шу маҳал хизматкор кумуш патнисда пиёла, шароб тўла идиш кўтариб кирди.

— Аввал чанқоқни босайлик, — деб уни хизматкорнинг қўлидан олди. — Ўзимиз қуйиб ичамиз, — деди. Бу, хизматкорга «чиқавер» деган ишора эди, хизматкор эшикка қараб юрди. Тақводор авлиёнинг сўзига қараганда шароб гуноҳи азим, мусаллас айни муддао эмиш. Олтин суви юргизилган пиёлага мусаллас қуйилди. Шароб экан, ҳиди атрофни тутиб кетди. У гулгун қадаҳни бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, деб қулт-қулт ютиб, худога шукр қилди.

— Қани, марҳамат,— деб навбатдаги пиёлани Ис-
ҳоққа узатди. Исҳоқ бир кўтаришда пиёлани бўшатди.
Чанқоғи қонмаганлигини сезган авлиё яна қуйиб бер-
ди. Исҳоқ икки бўлиб ичди.

— Раҳмат, худо хайрингизни берсин,— деди Исҳоқ.

— Раҳматни худога айт, ўғлим, энди бу ёғини бир
ўйлаб кўргин. Шундай қилсанг, эл-юртни жонига ҳам,
ўз жонингга ҳам ора кирган бўласан.

Шаробдан ширакайф бўлган Исҳоқ бошини кўтар-
ди.

— Ўзингга ўзинг сотқинлик қил, демоқчими-
сиз?!— деди кулиб.— Вазият шуни тақозо этаётган
бўлса, йўл меники бўлади, бек, ўзингиз биласиз,
менинг амру фармонимга кўниб, менинг туғим остига
тўпланасизлар!

Исо авлиёнинг аъзойи бадани титраб кетди. У Ис-
ҳоқнинг сўзларидан ҳали у шаштидан тушмаганлиги-
ни, ҳеч балодан тап тортмаслигини пайқади. Авлиё-
нинг тили курмалиб қолди. Ниҳоят, кўзини ердан
узиб:

— Бебошлигинг бошингга етади, болам!..— деди
авлиё ва елвагай чопонини судраб, ҳужрадан чиқиб
кетди.

Ўша куни полковник Скобелев қалъани қамал қил-
ди.

Кайфи ошган Исҳоқ зиндонда ухлаб ётарди. Бир-
дан ер қаттиқ титради. У кўзини очди. Визиллаб уча-
ётган ўқ товушларидан ҳушёр тортди. Исҳоқ қулоқ
солди. Милтиқ, тўп овозларидан ер ларзага келарди.
«Ҳа, ўрислар келибди»,— деди у. Исҳоқ нари-бери юр-
ди, сўнг зиндон ўртасида тўхтаб бор овози билан ба-
қирди:

— Ҳо-ой?! Ким бор?!

Унинг овозини ташқаридаги шовқин босиб кетди.
Ўша онда ташқарида томлар ағдарилиб, қамишга ўт
кешиб, ҳаммаёқни тўзон қоплаганди. Замбарак бети-
ним гумбурларди. От кишнарди. Зиндон атрофидан
кимдир чинқириб гапирди.

— Бақирма, ҳой онаси талоқ!— деб жеркиди
биров.— Ўтни ўчир. Сув сочинглар. Кигиз бос, ҳой
онаси талоқ!

Исҳоқ таниди. Бу Абдурахмон эди. «Аҳволинг шу
экан-ку, хонасаллот», деб қўйди у ва тескари бурилиб,

зиндоннинг гишт деворига суянди. Ер силкиниб, бир-иккита гишт тушди. Зиндон ичига қуюқ дуд, чанг кира бошлади. Яқин ерда кимдир ингради. Исҳоқ ялт этиб қаради ва қўлини юқорига чўзди.

— Кимсан? Ҳой, оғайни,— деб овоз берди.— Яна инграган овоз эшитилди. Шу пайт нимадир томчиларди. Исҳоқ қўлини тутди. Қон экан. У икки қўлини чўзиб яна бақирди:

— Ҳой, оғайни, менга қара!

Инграган овоз тинди. Дуд ва чанг унинг нафасини бўғди. У кафтидаги қонни кўриб, «Балки бу душманнинг қонидир? Бекнинг қонидир?» деб қўлини ялагиси келди.

Замбараклар яна гумбурлай бошлади. Ҳаммаёқни тўзон босди. Нимадир гумбурлаб ағдарилди. Қалъа девори бўлса керак. «Ҳаммаси тамом! Ҳаммаси...» деди Исҳоқ. У зиндоннинг зах бурчида юз-тубан ётарди. Отишма тинди. Зиндон қопқоғи гичирлаб очилди.

— Ҳо-ой, ким бор?

Исҳоқ бошини кўтарди. Чанг аралаш ёруғ тушиб турарди. Олдига гуп этиб арқон тушди. Тепадан овоз келди:

— Ҳо-ой, бормисан? Арқонни ушла, тезроқ бўл.

Исҳоқ арқонни белига боғлади, оёғи ердан узилди. У зиндон оғзида турган одамни танимади.

— Нима бўлди?— деди Исҳоқ ҳайрон бўлиб.

— Дамингни чиқарма, худо ёрлақагур,— деб шивирлади нотаниш киши.

Иккови бузилган деворлар оралаб, қалъа тепасига олиб борувчи зинапоя тагига етиб тўхташди. Исҳоқ атрэфга қаради. Қоп-қоронғи. Анча-олисида мезана кўзга чалинди. Қалъанинг четроғига чиқишди. Қуйидан сувнинг шилдирагани эшитилди.

— Ҳалимга шошилма, тақсир, мана буни ушла...

Исҳоқ арқонни белига боғлади, баланд девордан осилиб тушди. Оёғи ерга тегиши билан, қаёқдандир куч пайдо бўлди. У калима келтириб, муздек сувда бетини ювди ва тўйиб-тўйиб ичди, сўнг анҳор бўйлаб югурди. Олдидан кимдир чиқди. Исҳоқ энтикиб тўхтади.

— Сен кимсан? Тўсма йўлимни!— деб қичқирди.

— Исҳоқ? Э, азизим, бормисан?!

Исҳоқнинг юраги қаттиқ ура бошлади. Бекназар!

Исҳоқ латтадай бўшашиб кетди, оёқлари чалишди. Бекназар лўкиллаб етиб келиб, уни бағрига босди.

— Исҳоқ, э қадрдоним, тирикмисан?

Исҳоқ тили калимага келмай, бошини Бекназарнинг кенг кўкрагига қўйди. Унгача йигитлар етиб келиб, бир чеккадан сўраша бошлади.

— Қани, тезроқ!— деди Бекназар. Йигитлар дарров бўз арғумоқни Исҳоқнинг олдига келтиришди. Бекназар уни суяб отга миндирди. Исҳоқ ўзини қушдай енгил сезиб, тунда қорайиб турган Маҳрам қалъасига қайрилиб қаради.

— Бекназар ака, мени қутқазган ким эди?— деб сўради.

— Хотиржам бўл, Исҳоқ. Ўзимизга қарашли одам.— Бекназар икки қўлини ёзди.— Қани! Омин, худо оқ йўл бериб, отамиз арвоҳи қўллаб, қоронғида шамчироқ бўлсин. Оллоҳу акбар!— деб фотиҳа ўқиб, арғумоққа қамчи босди. Йигитлар Бекназар билан Исҳоқ кетидан отларини елдириб, Фарғона томонга йўл олишди.

Улар туну кун йўл юриб, тонг ёришганда улуг тоғ Бўзбуга етиб келишди.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

I

Ун икки минг кишисидан ажраган Абдурахмон офтобачи қаршиликка тоб беролмай, беш юзга яқин йигити билан Исо авлиёни эргаштириб, қочишга мажбур бўлди. Фон Кауфман бўлса кўп қўшин билан Қўқон сари келмоқда эди. Насриддинхон дарвозаларини маҳкам беркитиб, Абдурахмоннинг қайтиб келишига йўл қўймади. Қайтага дарвозадан пиёда чиқиб, фон Кауфманни кутиб олди.

Насриддинхон билан учрашган фон Кауфман шаҳзодага зўр ишонч билдириб, музокара олиб боришга розилик берди. Қисқа вақт ичида ҳар икки томон шартномага имзо чекди. Шартномага кўра ўлканинг шимол томони — Норин дарёсининг ўнг қирғоғи, стратегик аҳамиятга эга бўлган Наманган шаҳри Россия

империясининг қарамоғига ўтди. Бу вилоятнинг халқи зиммасига олтин баҳосида олти юз минг сўм миқдорида контрибуция солинди. Хон деган номни сақлаб қолиш учун Насриддинхон ҳамма нарсага бажонидил рози бўлди.

Фон Кауфман ёнида тилмоч билан кутиб ўтирарди. Адъютант бир дилдирган девонани олиб кирди. Кауфман қизиқсиниб қаради.

— Шуми?

— Ҳазрати олийлари шу киши!

Фон Кауфман жилмайди.

— Келинг,— деди девонага. Тилмоч таржима қилди. Девона чўчинқираб: «Э, оллоҳ... Кофир юзини кўрсатгунча жонимни ол!» деб калима келтирди. Фон Кауфман тилмочга қаради.

— Ҳазрати олийлари, у ўлими олдидан худога сизиниб, дуо ўқиди,— деди.

Фон Кауфман: «Ҳм...» деб хўрсиниб қўйди. Тилмоч жимликни бузди.

— Шўрлик бу дунё лаззатидан воз кечганга ўхшайди, ақлдан озган шекилли...

Фон Кауфман маъқуллади:

— Ҳа, кўриниб турибди. Ну, исмингиз нима?

Тилмоч таржима қилди.

— Меними? Худога шукр, исмим Пўлат. Алҳамдулилло, мусулмонман, худонинг бир бандасиман. Муҳаммад пайғамбарнинг умматиман,— деди бўлиб бўлиб.

Тилмоч орқали девонанинг гапига тушунган фон Кауфман кулиб юборди.

— Башарти, сиздан бошқа биров сўраб қолса, худди шундай жавоб берасизми?

Тилмоч таржима қилди.

— Сўрасин, майли, сўрайверсин...

Тилмоч таржима қилди. Кауфман ўрнидан туриб, девонани адъютантга топширгач, ювинтириб, шаҳзода кийимини кийдиришни буюрди.

Эртасига сафар олдидан унинг ҳузурига девонани яна олиб келишди. У ўша ҳолатда эди: эгнида эски бўз чопон, бошида кир салла. Кауфманнинг аччиғи келди. Чунки, уни эл олдида кимлигини айтиш ва шармисор қилиш учун атайлаб Самарқандга одам юбориб олдириб келган эди...

— Оббо, шаҳзодамиз шуми?

— Олий ҳазратлари, у кийинишдан, овқат ичишдан бош тортди.

Фон Кауфман ўз аскарлари билан Марғилонга келди. Бозор куни эди. Жарчилар бозор айланиб, халойиқни тўплаб, шаҳзода Пўлатни кўриб олинглар, деб жар солди. Одамлар «Наҳотки шу шаҳзода бўлса? Йўғ-е, бу бир қаландар-ку!», «Бечора қувғинда юрган бўлса, нима қилсин?!» деб ўзаро тортишарди. Тилмоч одамларнинг гапини таржима қилди. Фон Кауфман:

— Қадрли оқсоқоллар! Унинг кимлигини ўзидан сўраб кўринглар,— деди.

Тилмоч халойиққа қараб таржима қилди. Салла ўраган бир чол ўртага чиқди.

— Ассалому алайкум,— дея девонага салом берди. Девона ўз одатига кўра дик этиб туриб, тавозе билан алиқ олди.

— Э, аҳли мусулмон! Мени кофир банди қилиб олди. Уни қўлидан мени бўшатиб олинглар!

— Ўзинг кимсан?— сўради ҳалиги қария.

— Исмин Пўлат, тақсир. Худонинг қули, Муҳаммад пайғамбарнинг умматиман.

— Қайси Пўлат?

— Иброҳимбекнинг ўғлиман, тақсир.

— Қайси Иброҳимбек?

Девона бурнини тортиб, пишиллаб жавоб берди:

— Энди, тақсир... Иброҳимбек, худо раҳмат қилгур, бизнинг отамиз эди. Минг авлоди, жаҳонгир Олимхоннинг ўғли бўлган, тақсир...

Халойиқ ўртасида шовқин кўтарилди. «Ёлғон айтади», «Қизиталоқ девона», «Унга биров ўргатиб қўйган», деб одамлар ҳар томондан луқма ташларди. Тилмоч фон Кауфманга таржима қилиб берди. Фон Кауфман кимгадир ишора қилди. У билан юрган ўрда вакилларида бири қўйнидан қуръонни олиб чолга узатди. Қария уни ўпиб, пешонасига суртгач, кейин:

— Э, нотавон банда, сен: «Мен Олимхоннинг ўғли Пўлатбекман», деб худони ёд қилиб, бу дунёю у дунёни эсинга олиб, Каломуллои Шарифни ушла-чи?!— деб ранги бўзариб китобни девонага узатди.— Ўйлаб жавоб бер, табаррук китоб уриб кетмасин!

Девона сира ўйлаб ўтирмай, қуръонни олиб, ўз одатига кўра тавоф қилди.

— Ёлгон гапирсам, Каломулло Шариф урсин!.. Тонг-ла маҳшарда пайғамбар жамолидан бенасиб бўлайин... Иброҳимбекнинг ўз ўғлиман,— деб кўзларида ёш айланди.— Эй, мусулмон фарзандлари, мени бўшатиб олинглар. Кофирлар банди қилди. Намозим қа-зо бўлди. Эй, мусулмонлар...

Тўпланган халқ жим бўлиб қолди. Одамлар орасидан: «Ажабо, ўзи экан», «Худо йўлига тушиб кетган экан-да, боёқиш?!», «Буни кимга зиёни бор?!» деган гаплар эшитила бошлади. Тилмоч дарров таржима қилди. Фон Кауфман яна ниманидир буюриб, ишора қилди. Тилмоч ёнида турган Султонмуродни туртди.

— Иҳе...— деб Султонмуродбек ўрнидан турди.— Эй яхшилар, кўриб турганингиз худо раҳмати шаҳзода Иброҳимбекнинг ўғли шаҳзода Пўлатбек бўлади. Барчангизга маълумки, Исҳоқ исмли дайди бир зот Пўлатхон номи билан яшириниб, хонга, ўрдага қарши халқни гижгижлаб, бесабаб қон тўкмоқда. Бундан буён ёмон фикрда юрганлар нотўғри йўлдан қайтиб, хондан узр сўрасин. Хон ҳазратлари уларни кечиради. Худо хоҳласа, тез кунлар ичида ярим подшоҳимизнинг ёрдами билан сохта шаҳзода Исҳоқ қўлга туширилиб, жаҳаннамга жўнатилади.

Ҳеч ким чурқ этмасди. Айримлар даврадан чиқиб кета бошлади. Баъзилар ўртада турган Пўлатга ажабланиб қарарди.

Фон Кауфманнинг ишораси билан ён тарафда турган бир киши ўрнидан қўзғалди. Қамчисини буклаб, одамларга менсимай қаради. Эл безовталанди. «Ҳой, бу Отақул ботирбоши-ку?» «Э, э, Исҳоқни сотган шуми?» деб тўпланганлар очиқ-ойдин гапирарди. Фон Кауфман одамлардан кўзини узмасди.

— Эй, халойиқ!— деди Отақул.— Ҳайрон бўлманглар, мени кўпчилик танийди. Мен Отақул ботирбошиман. Мен икки йил давомида сохта шаҳзода орқасидан юриб, ўз элимизга қилич кўтардим. Шариатга, ўрдага қарши чиқдим. Ниҳоят кўзим очилди. Бундай алдамчидан тезроқ қўлингларни ювинглар. Қанча тез бўлса, шунча яхши!

Фон Кауфман Отақул ботирбошининг гапини маъқуллаб бошини қимирлатиб ўтирди. Отақул гапириб бўлгач, фон Кауфман тилмочга нимадир деди. Ўз навбатида тилмоч Султонмуродга ҳазрати олийларининг

гапини тушунтирди. Султонмурод ўрнидан туриб, девона Пўлатни қўлидан етаклаб, даврани айлантирди.

— Мана, кўриб олинглар! Чинакам шаҳзода мана бу бўлади. Таниб қўйинглар.

Давра аста-секин сийраклашиб, одамлар кета бошлади.

— Э, халойиқ! Мана, шаҳзода Пўлатбек...— деб Султонмуроднинг овози хириллаб чиқарди. Отақул ботирбоши тарқалаётган кишиларнинг йўлини тўсиб бақирди:

— Эй, айёр чол, қаёққа? Ҳой деяпман, қўрадан қочган қўйга ўхшайсан-а?

Унинг ҳаракати зое кетаётганди. Одамлар ўз билганларидан қолмай тарқаларди. Девонани етаклаган Султонмурод куйиб-пишиб фон Кауфманнинг олдига келди. Ҳазрати олийнинг қовоғи осилди. Султонмурод ўз хўжасидан таёқ еган итдай бўшапти. Отақул ботирбоши ҳамон йўл тўсиш билан банд эди.

— Ҳай-ҳай! Қулоғинг борми?— дерди у. Дўппи кийган новча одам мулойимлик билан:

— Ҳа, эшитдик, яхши йигит,— деди.

— Эшитсанг, қайга кетяпсан?!

— Шу ерга, ҳозир келаман...

Отақул ботирбоши сўкинди.

— Келасан-а? Келасан, аҳмоқ!

Тилмоч гўё танга ҳисоблагандай бу сўзларни тез-тез фон Кауфманга таржима этди.

Фон Кауфман отга минди, оти ўйноқларди, у жаҳл билан:

— Ҳой!— деб қичқирди. Ҳамма жим бўлди.

— Ҳой, ўзбеклар!— деб ярим подшо қўлини пахса қилди.— Сўнги марта эслатиб қўймоқчиман. Бузғунчиларга ишонманглар. Кимки исёнчиларга қўшилса, мол-мулкидан, боғ-роғидан айрилади. Сизлар кўчманчиларнинг гапига ишонманглар.

Тилмоч генерал-губернаторнинг сўзларини татарча лаҳжада қийналиб юриб айтди. Ҳеч ким индамади.

— Эшитдингларми?— деб қичқирди фон Кауфман. Тилмоч таржима қилди. Эл чурқ этмади.

Уша куни фон Кауфман Отақул ботирбошини Марғилон шаҳрига бек қилиб тайинлади, «Жами қишлоқ ва овулларнинг маҳаллий аҳолисидан кимки исёнга қўшилса, уй-жойи мусодара қилиниши, ўзи қаттиқ

жазога тортилиши» тўғрисида фармон берилди, бу фармон жарчилар орқали кўчама-кўча, қишлоқма-қишлоқ маълум қилинди.

Тоғ дарёси тўлиб-тошиб оққан маҳалда ҳар қандай тўсиқ ғовни бузиб, ўз оқимини, юз йиллаб оққан ўзанини ўзгартириб юборади.

Халқ тоғ дарёсидай тўлқинланиб, пойдеворининг путури кетиб, нураб қолган ўрдага, субутсиз хонга қарши оғлана бошлади. Улар ярим подшонинг даҳшатидан чўчимди.

Фон Кауфман мудофаа министрига: «Насриддинхон кураш учун аскар ҳам, маблағ ҳам тўплай олмади. Унинг Андижон, Шаҳрихон ва Балиқчига тайинлаган беклари истеъфо беришга мажбур бўлди. Қурол-яроғ халқ қўзғолончилари қўлига ўтди. Қўзғолончилар бошлиғи ўша эски Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғлидир», деб шошилинич хабар йўлади.

Исҳоқнинг номи яна бирлик, озодлик байроғига айланди. Халқнинг кўпчилик қисми, катта-катта шаҳарлар Насриддинхоннинг ҳукмига бўйин эгишдан бош тортди. Хон бир ҳовуч кишилари билан Қўқонда шунчаки яшаб турарди.

Фон Кауфман Мудофаа министрига қайтадан ҳисобот йўлади ва: «Ишни ўз қўлимизга олиб, ўлкада тартиб ўрнатмасак бўлмайди. Ўзбек, қипчоқ, қора қирғиз уруғлари қўзғолон кўтараётган ерларни тозалаб, маҳаллий аҳолини уларга қарши қўйиш керак, ўз қуролли кучимиздан фойдаланиб, ҳар қандай уринишларга зарба беришимиз зарур», деб тўғридан-тўғри аралашиниш учун рухсат сўради.

Халқ Бўтақора қишлоғида Исҳоқни эски удумга кўра оқ кигизга ўтқазиб хон қилиб кўтарди.

II

Исҳоқ бўз арғумоғининг тизгинини сал тортиб, Андижон қопқасини хаёлчан кўздан кечирди: оёғида кўк булғори этик, белида кўк фўта, ёнбошида рус пистоли, бошида оҳори тўкилмаган қалпоқ. Бир ёғида Бекназар, бир ёғида Абдуллабек. Орқасида сон-саноксиз қўшин.

Исҳоқ ниқташи билан остидаги арғумоғи ирғишлади. У дарвозага яқин келганда одан сакраб тушди, ёнидаги саркорлари, беклари бир-бирига қарашди.

Исҗоқ отини етаклаб олдинга юрди. Уни кўриб саркорлар, беклар ҳам отдан тушишиб, шоша-пиша унинг кетидан жўнашди, одамлар қўлларини кўксиларига қўйиб, таъзим қилди.

Исҗоқ ҳеч ким билан иши бўлмади, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...» деб пичирлаб калима келтирди, дарвозадан ўтган ҳамон, ерга чўккалади, тупроқни ўйиб, тавоф қилди ва кети кўринмаган халойиқ билан саломлашди:

— Ассалому алайкум қадимий шаҳрим, қадимий юртим.

Халойиқ гулдураб алиқ олгач:

— Хуш келибсиз, эл оғаси!— деб кутиб олди. Исҗоқ қарилар билан қучоқлашиб сўрашди.

— Өй, тангрим, яратган ҳам, олган ҳам ўзингсан. Бечора халқ бошига энди кулфат тоши ёғмасин, ўз паноҳингда сақла,— деб кимдир йиғлаб юборди.

Қопқа устида турган карнайчи икки лунжини шишириб, карнай чала бошлади. Олдинда жарчи от едириб бораркан:

— Пўлатхон! Пўлатхон!— деб жар соларди.

Тантана муносабати билан уч марта замбарак отилди. Одамлар кўчага сизмасди.

— Пўлатхон! Пўлатхон!

Катта дарвозадан бошлаб, бек саройигача бўйра солинганди. Кўк туғ олдинда ҳилпирарди. Бўз арғумоқ бўйра устидан ўйноқлаб борарди. Исҗоқ сал энгашиб, тизгинни хиёл тортиб, атрофни кўздан кечирарди. Бекназар ботир билан Абдуллабек бир оз орқароқда келарди.

— Жаҳонгир! Жаҳонгир!

Урф-одатга кўра оқсоқоллар илиқ мулозамат қилишди:

— Марҳабо, ота ўғли! Омон бўл!

У эл-юртга нима беради? Қўлидан қандай яхшилик келади? У бошига кўтараётган халқ ишончини қандай оқламоқчи? «Ҳа, уларни минг уруғнинг азобидан, зулмидан қутқараман». Бир талай йигит Исҗоқнинг ортидан чопди. Улардан абжирроғи:

— Тақсир,— деб бўз арғумоқ узангисига ёпишди. Исҗоқ йигитга қўл чўзди. Йигит ҳансираб, қоп-қора, қалин қошларини кериб, кўзлари ўйнаб:

— Бизни ҳам қўшинга олинг, тақсир,— деди Исҳоқнинг қўлини қўйиб юбормай.

— Исминг нима, азамат?

— Эшмат, тақсир...

— Юз йигит тўпласанг, юзбочисан, беш юз йигит тўпласанг, понсадсан. Эшитдингми, Эшмат ботир?

— Эшитдим, тақсир,— деб ғўлабирдан келган йигит ҳансираб четга чиқди. Халойиқнинг қий-чуви, карнай-сурнайларнинг ват-вати ер-кўкни ларзага келтираётган садолари унинг қулоғига кирмасди.

Исҳоқ шаҳар бегининг қўшхонасига келиб тушди.

* * *

Маҳрим қалъасида қаттиқ зарбага учраган Абдурахмон ўз навкарлари билан Қўқонга келди, бироқ Насриддинхон уни ўрдага киритмади. Абдурахмон ноилож тақдирга тан бериб, Исҳоқ билан қайтадан ярашиш ниятида ўртага одам қўйди. Лекин Исҳоқ ҳам бу масалани узил-кесил ҳал қилолмади, чунки ҳар иккала томоннинг мақсади бошқа-бошқа эди. Ниҳоят ўртага тушган одамларнинг ҳаракати билан Исҳоқ музокара олиб боришга кўнди ва Абдуллабек билан Абдумўминбекни олиб Бўтақора қишлоғида қовунчи чолнинг ўша эски ҳовлисида Абдурахмон билан учрашмоқчи бўлди.

Исҳоқнинг энг яқин кишилари тўпланганди. Унинг ўнг тарафида Абдуллабек, чап тарафида Бекназар, орқароқда таниқли мирзаси қурама Абдумўминбек ўтирарди. Деворнинг йиқилган ерларига шох-шабба, қамиш тўсиб қўйилганди. Қўрғон ўртасидаги ўша қари ўрик ғўласи устида Исҳоқ кўча томонга қараб ўтирарди.

Абдуллабек: «О, офтобачи, шўрлик Мусулмонқулнинг ўғли! Қўй терисига ўраниб келиб, қўрадаги қўчқорнинг қорнини ёриб қочган бу қашқирни қўра эгаси нима қиларкин?!» деб кўнглидан ўтказди. Абдумўминбек эса соқолини силаб, Исҳоққа қараб қўяркан ичида: «Адашганинг айби йўқ, қайтиб тўпин топгунча...» деб қўйди. Бекназарнинг юзи тундлашиб, «ушла» деган буйруқнигина кутарди.

Ҳеч ким Исҳоқнинг дилидаги гапни билмасди. У жуда кўп кишилардан маслаҳат эшитса ҳам, бирорта одамга юрагидагини ёрмади.

Эски қўрғоннинг эшиги «ғийт» этиб очилди. Мушт-деккина бўлиб қолган Нормухаммад додхоҳ, унинг ортидан басавлат, қовоғи солиқ Абдурахмон кўринди. Ҳеч ким чурқ этмади. Сувга тушган мушукдай шумшайиб Исо авлиё ҳам кириб келди.

Ҳасса таянган қари додхоҳ салом берди:

— Ассалому алайкум, юрт халоскори!

Абдурахмон ҳам қари додхоҳ ёнида туриб, таъзим билан сўрашди. Исҳоқ чолнинг соқолини ҳурмат қилиб, қалтироғини аранг босди.

— Ваалайкум ассалом,— деб алик олди у ва қўш қўллаб кўришди. Бундай раҳм-шафқатни кутмаган қари додхоҳнинг кўзида ёш ҳалқаланди.

— Раҳмат, ўғлим! Кам бўлма,— деб қалт-қалт этиб зўра гапирди.

Исҳоқ чолни қўлтиғидан олиб, ўрик гўласига ўтқазиб, мулозамат қилди.

Учрашув навбати Абдурахмонга келганда, Исҳоқнинг авзойи бузилди. Абдумўминбек кўзлари чақчайиб: «Мардлик қилиб қўй сўйиб, итлик қилиб сон ўрнига сўнгак қўймасайди...» деб кўнглидан кечирди.

— Келдингизми? — деди Исҳоқ пичинг аралаш.

— Тақдирнинг ёзмиши шу экан,— деди Абдурахмон хотиржам.

Давлат қўнса гар чивиннинг бошига,
Семурғ берар таъзим-ла салом қошида!

Нима ҳам қилардик, келиб турибмиз.

Исҳоқ Абдурахмонга обдан тикилиб, бош ирғаб шундай деди:

Япасқи укки мақтаниб,
Жарликдан сичқон олдим дер...
Ёмон дўстинг мақтаниб,
Яхшини йўлдан чалдим дер...

Абдурахмон офтобачи ҳеч қачон бундай сўзни эшитмагани учун хўмрайиб қаради. Исҳоқнинг сепкил босган юзи оқариб, кўзлари чақнади.

— Мен ким эдим? Тўғри айтдингиз, мен ким эдим? Элнинг ўзи давлат қўндирган чивини, халойиқ қўлидаги найза учи эмасмидим?! — деди овозини баландлатиб. — Мен билан тахт талашдингиз, ўзингизни

яқин тутиб қўйнимга кирдингиз, илон бўлиб бўйнимга ўралдингиз. Йўл бўлиб ёстаниб, қопқон бўлиб оёғимдан чалдингиз. Уйлаб кўринг, сиз мени эмас, элни оқсатдингиз. Оловдай ловиллаб, дарёдай тошиб турган қўшинлар қани? Қопқали шаҳарлар қани?

Абдурахмон чурқ этмасди. Нима ҳам дерди?

Нормухаммад додхоқ ўртага тушди:

— Э-э, ўғлим,— деди чол.— Мусулмонқулнинг бу ғўр фарзанди ўша хатосини тузатиш учун бу ерга келди. Эл-юртни бирлаштирайлик, хатоларимизни тузатайлик, деб шу ерга тўпландик. Э, ёр-биродарлар! Биз онадан мана шу туриш-турмушда туғилган эмасмиз. Сочимиз бир кунда оқармаган. Биз ҳам юрт бошида турганмиз.

Қирни қирдай кезганмиз,
Душманам тушиб қолсин деб —
Қирга чуқур қазганмиз.
Ўзимиз қазган чуқурга —
Тушиб, ўлиб қола ёзганмиз.

Эшитгансизлар, хабаринглар бор, биз олишган маҳалда барча қипчоқ уруғи тугаб кетишига оз қолган, э яхшилар,— у энтикиб, хир-хир йўталиб. Ўрик гўласи устида ўтираркан, давом этди:

От бошига иш тушса,
Сувлиқ билан сув ичар.
Эр бошига иш тушса,
Этик билан сув кечар.
Эл бошига иш тушса,
Қиш куни уйдан кечар.

Эл бошига иш тушиб турган шу кунларда эски гапларни қўзғаш халқ ғамидан ҳам зарурми? Унинг ўрнига тўшни тўшга босиб ярашинглар.

Гап эгасини топди. Исҳоқ шаштидан тушди. Абдурахмоннинг қовоғи очилди, иккови қучоқлашиб, ярашди.

— Бек,— деди Исҳоқ,— майли, ўтган ишларни кечираман, аммо сиздан хафа бўлишга ҳақимиз бор эди. Сабабини ўзингиз яхши биласиз. Бундан буён шарт бошқача, ҳуқуқ бошқача бўлади.

Абдурахмон гапнинг мазмунига тушунди.

— Ҳа, албатта, олампаноҳ,— деди ноилож икки букилиб.— Биргина худонинг ўзи севиб бахт берган, эл-юрти севиб тахт берган одамга ҳар банда жони билан хизмат қилиб, уни қони билан оқлашига имонимиз комил,— деб тавоф қилди.

Иш яхшилик билан битгани учун ҳамма қувонди. Қовунчи чол уларни чорпоёга чақириб, ширин кўкчадан сўйди.

Уша куни тунда Исҳоқнинг тушига аждаҳо кирди.

* * *

Исҳоқ чўчиб уйғонди, ўрнидан турди ва хона ичида у ёқ-бу ёққа юриб, бундан буён қилинадиган ишларни чамалаб кўрди. «Мана, эл-юрт сенга ишониб хон кўтарди, қўлингга тизгинни тутқазди. Энди сен ҳукмдорсан. Халқ гами зиммангга тушди. Хўш, нима қиласан?» У нима қилишини ўйлади. Тонг аста ёришиб келарди. Кўп ўтмай муаззиннинг эрталабки намозга чақирган овози эшитилди.

Эрталабки намоздан сўнг, Исҳоқ ўзига яқин навкарларини, навкар бошлиқларини чақириб кенгаш ўтказди. Исҳоқ уйқусизликдан толиққан кўзларини юмиб, ўртага биргина савол ташлади:

— Бизнинг асосий душманимиз ким?

Ўтирганлар бир-бирига қараб қолди.

Абдумўминбек қўзғалди:

— Тақсир, шу кунга қадар юз берган воқеалар шуни кўрсатдики, бизнинг асосий душманимиз ғайридин ярим подшо экан. Уларни бир ёқлик қилмай туриб, халқнинг орзу-истагини амалга оширолмаймиз. Ҳозир қўлингизда барча куч, имконият бор экан, мусулмонларнинг эрки учун ярим подшога қарши пайғамбаримизнинг кўк туғини баланд кўтарсангиз яхши бўларди.

Навбат Бекназарга келди:

— Эл бошига ким кулфат соляпти ўзи? Шаҳарларни ўз номи учун алмашаётган ким? Ярим подшонинг аскарини ичкарига киритган ким? Йўқ, биз дастлаб ўрдани тугатишимиз керак?

Исҳоқ ҳар икковининг гапини диққат билан тинглади, ўтирганларга зимдан боқиб, ҳар бир гапни ақл тарозисида ўлчаб кўрди.

Тўғри, унинг олдида иккита йўл бор эди. Биринчи-

си, ўрдани олгач, ярим подшолик билан муносабатни яхшилаб, вақтинча уларнинг айтганига кўниб, ваъдалар бериб, ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш. Худоёрхон шундай қилди, хўш, нима топди? Насриддин ҳам отасининг изидан борди, хўш, нимага эга бўлди? Иккинчиси Абдурахмон тутган йўл. Ярим подшоликни Тошкентдан қуваман, деган Абдурахмон нима бўлди? Исҳоқ учинчи йўлни — ўзининг йўлини излади.

— Аҳли донишлар,— деди Исҳоқ,— Қўқонга юриш қиламиз. Шу бугундан иборат ўрис билан урушмаймиз. Чунки, улар бизга қарши урушни тўхтатмоғи учун ўрдани олиб, минг уруғни ҳукмдор сифатида ҳуқуқидан маҳрум этиш керак, шартномасини бекор қилиб, ярим подшоликка элчи юбориш зарур. Эртадан иборат шундай қилишимиз керак.

Абдумўмин тарафдорлари, «Ихтиёр ўзингизда», деб розилик беришди. Бекназар ботир бир тўлғаниб қўйди. Исҳоқ аввалгидек гапини давом эттирди:

— Бир кун икки йўловчи келаётиб, бири иккинчисидан: «Ҳой, нариги қирга қандай чиқамиз?» деб сўрабди. Шериги унга: «Аввал олдимиздаги қирдан ошайлик-чи, унисини кейин кўрамиз!» деган экан. Менинг жавобим ҳам шу. Дастлаб ўрдани олайлик, ишимиз ўрисга тушгач, у ёғини кўрармиз,— деб кенгашга яқун ясади.

Исҳоқ ўз қўли билан фон Кауфманга хат ёзиб, уни топшириш учун элчи тайинлади.

Исҳоқ қўл остидаги қўшиннинг ҳисоб-китобини қилди. Икки йилдан буён синовдан ўтган навкарлар сони йигирма минг экан. Абдурахмон етакчилик қилгани эса ўн минг. Андижон, Ўзган, Уш, Марғилон атрофидан қўзғолонга қўшилганлар — ҳаммаси бўлиб етмиш мингдан ошиқ экан.

Ҳужум олдидан ҳарбий кенгаш бўлди.

Уша пайтларда Қўқоннинг ўзидан чиқадиган насталиҳ деган сариқ қоғоз гулдор тахта устига ёзилди. Исҳоқ пича ўйланиб, кейин пат қаламда қоғознинг бир бурчига учта доира чизиб, теварагини пардозлаб, ўртасига битадан чизиқ туширди. Атрофида тўпланганларнинг кўзига қоғоздаги шакл ҳар хил нарсани эслатди.

Исҳоқ қоғознинг бошқа бурчагига катта доира чизиб, ичини бўяб қорайтирди.

— Кўрдингларми?— деб сўради у.

— Ҳа, тақсир... кўрдик...— дейишди ён-веридагилар. Биргина Абдумўминбек: «Ё худо, ўзинг сақла. Қоғозга сурат чизиш гуноҳ-ку! Каломуллои Шарифдан хабари бор мусулмон будпарастрларнинг ишини қилса қалай бўларкин?» деб ташвишланарди.

— Мана бу бургут!— деди Исҳоқ қалам учи билан кўрсатиб. Абдумўминбек «Ё тавба» деб ёқасини ушлади. Исҳоқ буни пайқаб, кўз қири билан қараб қўйди ва давом этди:

— Ўхшайдими? Бургут! Булар эса,— у учта доирани кўрсатди,— бургутнинг ошиёни, юксак қоялар. Анави,— қоғоз четидаги катта доирани кўрсатди.— Бу катта ин. Уни қарғалар макон қилишган. Манови полопон бургут етилиб, қарғаларни қувиб чиқариш учун парвоз қилди.

Ҳамма кулди. Ҳукмдор ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйлашганди. Бироқ Исҳоқ пинагини бузмади. Шу заҳоти кулги тинди.

— Шу бургут бизнинг қўзғолон бўлади,— деди Исҳоқ.— Юксакдаги ошиёнлари — Наманган, Ўзган, Ўш, Андижон. Улкан ошиён эса ўлканинг ўрдаси — Қўқон.

— Омон бўлинг, тақсир!

— Бу нима, десак бу ёғида гап бор экан-да...

Исҳоқ бамайлихотир гапирди:

— Биринчидан, бургутнинг ўз ошиёни маҳкам бўлсин. Наманганга беш минг. Ўзганга уч минг, Ўшга беш минг қўшин ажратилсин.— У Шомирза додхоқ билан Ёрмат додхоқга қаради.— Сизлар, муҳтарам зотлар, бирингиз элнинг беги, иккинчигиз лашкарбоши. Сараланган навкарлардан беш минг, исёнчилардан ўн беш минг одам олиб, ҳаммамиз учун табаррук бўлган Андижон шаҳрини ҳимоя қиласизлар.

Додхоқлар таъзим қилди. Исҳоқ:

— Бургутнинг ўнг қаноти сараланган беш минг навкар, Вали, сиз бошлиқсиз. Чап қаноти беш минг, Бекназар ботир, сиз етакчи.

Саркорлар таъзим қилишди. Исҳоқ:

— Қуш қаноти билан учиб, қуйруғи билан қўнади. Ёрдамчилар қувват бўлади, Абдумўминбек оға, сиз ўз йигитларингиз билан раҳбарликни олиб бора-

сиз. Сиз Абдурахмонбек оға, шу қўшин билан бирга борасиз.

Беклар рози бўлишди:

— Амри подшо вожиб.

Исҳоқ:

— Бургутнинг тумшуғи — беш минг сараланган сипоҳий, беш минг қўзғолончи, булар сизнинг ихтиёрингизда бўлади, Абдуллабек.

Абдуллабек мамнуният билан бу таклифни қабул қилди.

— Энди бургутнинг чангали қолди,— деди Исҳоқ.— Бунга сараланган минг сипоҳий, бир юз эллик замбарак. Ер тор деманг, Абдуллабек, сиздан бир оз орқада, чангалда биз борамиз. Қани, бунга розимисизлар?

— Жуда яхши,— дейишди кенгаш иштирокчилари.

Исҳоқ яна давом этди:

— Унг қанот дарё бўйлаб, Балиқчи орқали Марғилоннинг этак томонидан ўтиб, тўғри Қўқонга йўл олади. Чап қанот Қувасой орқали Марғилон устидан ўтади-да, Қўқонга яқинлашади. Қўқонга етганда ҳар икки қўшин бирлашиб, шаҳарни икки томондан қамал қилади. Тумшуқ эса тўғри Марғилонга ҳаракат қилади. Икки қанот кўмагида Марғилонни олиб, тўғри Қўқонга юриш қилади. Хўш, қуйруқ нима қилади? Қуйруқ эса ортда туриб вазиятни кузатади, зарур ерга ёрдамлашади, душмanning бўлинган қисмига зарба беради.

— Э, жуда яхши! Ҳар томонлама пухта ўйланган экан!— деб мақташди. Исҳоқ:

— Қанотлар, тумшуқ, қуйруқ ва чангал ўртасида алоқа мустақкам бўлсин. Буйруқни чопар орқали бериб тураман. Буйруқнинг бажарилиши қатъий!

Боядан бери кўзлари чақчайиб ўтирган Абдурахмон: «Ажабо, бунча ақлни қаёқдан олдийкин?!» деб Исҳоққа тан берди.

— Энди, дўстларим, тепамизда учиб юрган қарғаларни йўқ қилишдан ташқари, уни ўз ҳимоясига оладиган бошқа қорақуш ҳам бор. Биз иложи борича ўшандан эҳтиёт бўлишимиз керак.

— Ярим подшо!— деди кимдир.

Исҳоқ давом этди:

— Бунинг учун жуда усталик билан курашиш, қарғаларни улардан ажратган ҳолда иш юритиш керак.— Шу пайт эшикдан Исҳоқнинг чопари югуриб кириб келди. У фон Кауфманга юборилган элчини бирга олиб келган эди.

— Ҳукмдор!— деди чопар энтикиб.— Ярим подшо элчини ушлаб қолди.

Саркорлар, беклар Исҳоққа қарашди. У аввалгидай сир бой бермай гапираверди:

— Ҳечқиси йўқ. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб, фаросат билан ҳужумни бошламоғимиз керак. Улкан ошиёни қарғалардан тортиб олсак, қорақуш биз билан алоқани йўлга қўйишга мажбур бўлади. Биз шуни унутмаслигимиз лозим.

Ҳеч ким Исҳоқнинг гапини икки қилмади. Фақат Абдумўминбек ичидан зил кетди, холос. Оллоёрга таҳсинлар айтишди. Ҳужумга ўтиш куни белгиланиб, кенгаш ўз ишини тугатди.

* * *

Кенг Фарғона водийси худди гилам тўшалгандай товланарди, Ҳар жой-ҳар жойга тикилган оппоқ ўтовлар худди дўпнига ўхшаб кўринарди. Ям-яшил дарахтлар орасида катта-кичик қишлоқларнинг иморатлари кўзга чалинарди...

Арпа аллақачон ўрилганди. Буғдойи ўрилиб, чети-га гарам қилинган анғизлар оқариб турарди. Ҳали ўрилмаган буғдойзорлар олтиндай товланиб, шабадада оҳиста мавж урарди. Шолিপояларда шולי ўримга келиб қолганди. У ер-бу ерда пахта очила бошлаганди. Бедалар фарқ гуллаганди. Қаердандир бедананинг «Битбилиқ, битбилиғи» эшитиларди. Полиздаги серширалигидан ёрилган қовунларга қовоғариларнинг бири қўниб, бири учарди. Йўл бўйларида анжир, анор, оппоқ шафтолилар, қуриб остига тўкилган ўриклар... териб оладиган киши йўқ.

Файғиобод қишлоғининг ҳувиллаган кўчасида ёлғиз бир ит дайдиб юрарди. У бузилган девор устида турган мушукка бир сапчиди-ю, яна йўлига қараб кетди. Бир ёқдан ўрда сарбозлари, бир ёқда: қўзғолончилар келгани учун қишлоқ аҳолиси қаёққадир ғойиб

бўлганди. Саратон офтоби гўё тандирдай олов пуркарди.

Урда сарбозларини Султонмуродбек бошлаб келаётганди. Ёнида Абдулазиз ясовулбоши. Туялар оғир замбаракларни кучаниб судради. Туғ ҳилпираб, сипоҳийлар қўлидаги қурол-яроғлар қуёш нурида ялтирарди. Кимсасиз қишлоқ билан уларнинг иши йўқ. Абдулазиз ясовулбоши Султонмуродга яқинлашиб:

— Бек, қўшин тушлик қилиб олса бўлармиди?— деди.

— Майли,— деб бек от бошини соя-салқинга бурди.

Тушликка рухсат олган қўшин бир зумда қовун полизига ёйилиб, эгасиз ётган қовун, тарвузлардан узиб, қамшзор орасига кириб кетди.

Олдига дастурхон ёзилиб, Султонмуродбек билан Абдулазиз тўрлама қовунни сўйган ҳам эдики, кимдир чоғиб келиб, отдан ирғиб тушди ва таъзим қилди.

Султонмурод оғзига олиб борган бир тилим қовунни тишламай, савол нигоҳи билан ҳалиги сарбозга қаради. Абдулазиз ўқрайди:

— Нима гап? Тилинг танглайингга ёпишиб қолганми?!

— Тақсир, ёв келмоқда...

Султонмуродбекнинг қўлидан қовун тушди. Абдулазиз ясовулбоши ўрнидан ирғиб:

— Ур!— деб бақириб, кийина бошлади.

Дўл чалинди, ҳар томонга ёйилиб кетган қўшин ари уядай тўзиб, бири отга югурарди, бири милтиғини изларди, бошқа бири шоша-пиша кийинарди. Султонмуродбек саросималик билан атрофга алангларди. Абдулазиз ясовулбоши тўпчилар юзбошисини чақириб, тўпларни қаерларга ўрнатиш тўғрисида кўрсатма берди:

— Борди-ю, буйруқни бузиб, аввал ўт очсангиз, ўзингиз асфаласофилинга жўнайсиз.

— Хўп, ясовулбоши,— деб таъзим қилди юзбоши.

— Хўп бўлса, жўнанг энди.

Султонмуродбек ҳамон безовталаниб, икки кўзини ёв келаётган томондан узмасди. Негадир қўзғолончилардан дарак йўқ эди. Абдулазиз ясовулбоши нозик қилиб чертилган қора соқолини сийпалаб, Султонмуродбекка қаради.

— Бек, қочган ҳам, қувган ҳам худо дер экан. Энди иложимиз қанча, худога сиғиниб, жангга кирамиз. Сиз яна қандай маслаҳат берасиз?

— Нима ҳам дердим? Сизнинг билганингиз — менинг билганим, Сизнинг буйруғингиз — менинг буйруғим.

Шу маҳал қийқириқ эшитилди. Улар шошиб олдинга қарашди. Икки отлиқ бир-бирини қувлаб, ёв келиши мумкин бўлган томонга кетди. Ҳозир қийқирганлар ўша сипоҳийлар экан. Абдулазиз ясовулбоши қўлини пешонасига қўйиб, икки отлиқ кўздан йўқолиб кетгунча қараб турди-да:

— Ҳим! Яқинлашиб қолибди,— деди.

Ҳар иккови атрофга олазарак бўлиб, анчагача индамай қолди. Бир оздан кейин қулоққа от дупури чалинди. Қўшин ўша томонга юзланди. Қуюқ тўзон кўтарилиб келарди. Султонмуродбек пичирлаб калима келтирди: «Э, худо, ўз паноҳингда сақлагин...»

Ҳаял ўтмай, қарши томон қўшин билан тирбанд бўлди. Нина тушгудай жой йўққа ўхшарди. Дўнг устига кўк туғ ўрнатилди. Туғ олдида оти депсиниб турган одам Султонмуроднинг назарида йўлбарс миниб тургандай туюлди. Бекназар фўтасини ушлаб, ўртадаги масофани чамалади, олдинда саф тортиб турган ўрда сарбозларига разм солиб: «Яхши жой танлабди», деб кўнглидан ўтказди. Бекназар ботир ёнида турган икки айғоқчидан сўради:

— Ўрда сарбозларининг сони қанча тахминан?

— Беш мингдан ошиқроқ.

— Ундай бўлса, бу турганлар беш минг чиқмайди. Чоғимда, бошқаси қамишзорга яширинган. Замбараги қаёқда бўлдийкин?

У ўйланиб туриб, ўнг томонига қаради. Ўнг томонга борадиган йигит чопиб келди:

— Лаббай, ботир оға...

— Урушда туриш йўқ. Ҳозир биз уларнинг ғашига тега бошлаймиз. Вали саркорга айт, олисдан айлашиб ўтиб, душман йўлини тўссин.

— Хўп, ботир оға!— йигит отини чоптириб кетди.

Бекназар тўп қаердан отилса, ўша ерга ўқ узинлар, деб юзта мерганга махсус топшириқ берди.

Абдулазиз ясовулбоши ҳам ўз навбатида юзбошиларга зарур буйруқларни бериб: «Кўзғолончиларнинг

сони қанчайкин? Қандай қуроли борикин? Кўпида ёғоч найза, чўқмор бўлса керак», деб кўнглидан кечирди. У ярим подшо томонидан берилган юзта тезотар милтиқдан умиди катта эди.

Қуёш тикка келганда қўзғолончилар ҳужумни биринчи бўлиб бошлашди. Мингдан ошиқ сараланган ботир ўн қават бўлиб, дўл садолари остида бостириб келарди.

Султонмуродбек: «Яратган эгам, ўзинг асра», деб типирчилаб қолди. Абдулазиз ясовулбоши унинг афтини кўриб, жеркиб ташлади:

— Бек, сизнинг табаррук бошингиз учун у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам сўроқ бергим йўқ. Сиз пистирмага ўтиб, у ердаги сарбозларга қош-кўз бўлиб туринг. Мен хабар қилишим билан удайчилардан бошқасини олиб ёрдамга ўтасиз.

— Бўпти,— деб Султонмуродбек отини бурди.

— Бек! Галавачи пошшога одам жўнатиңг!— деб бақирди ясовулбоши. Сабаби, улар билан орқама-орқа генерал Головачёв билан генерал Троцкий ўз аскарлари билан келаётган эди. Султонмуродбек ясовулбошининг гапига тушуниб етмай: «Бўпти», «Хўп», деб отини чоптириб кетди.

Исёнчилар тўс-тўполонсиз олға бостириб келаётганди. Энг олдинда чавкар арғумоқ қамиш қулоқларини чимириб, йўртиб келарди. Абдулазиз ясовулбоши тақдирга тан бериб, бошини кўк салла билан танғиди, эғнига дубулға кийди. Икки томонида ўрданингни сараланган сипоҳийлари жангга шай турарди.

— Карнай чалинсин!— деди ясовулбоши.

Карнай, дўллар овози ҳаммаёқни тутиб кетди.

— Ё, оллоҳ!— деди Абдулазиз ясовулбоши.

Чавкар арғумоқ икки олдинги оёғини кўтарди.

— Ё, ота арвоҳи!— деди Бекназар.

Томонлар ҳужумга ўтди. «Ур!» «Чоп!» «Улдир!» деган овозлар бетиним янграйди. Қиличлар офтобда ялт-юлт қилади. Қимдир отдан оғади, бировнинг бурни йўқ, бошқасининг оёғи узангида. «Ё, оллоҳ!» «Ота арвоҳи қўлласин», деб икки томон йигитлари бир-бирига ҳамла қиларди, қичқирарди.

Бир маҳал замбараклар гумбурлаб, атрофни тўзон босди. Бекназар ботирнинг буйруғига биноан юзта мерган тўпчиларни нишонга олди. «Гум!» «Гум!»

«Тарс!» «Тарс!» «Ур!» «Сол!» деган овозлар қулоқларни қоматга келтирарди. «Айлантириб ур! Айлантриб...» — деди Бекназар. Ясовулбоши мақсадни тушуниб, тўпчиларга ёрдамга яна юзта одам жўнатди. Лекин вақт ўтган эди. Бекназарнинг йигитлари тўплар ўрнатилган дўнгни икки томондан исканжага олиб ер билан яксон қилганди.

Тарс! Тарс! Тўсатдан отилган ўқ ҳар гал бештадан ботирни отдан ағдарарди. «Тарс! Тарс!» Бекназар пистирмадан кузатиб. «Тушунарли, ўрис милтиғи», деб ўйлади Бекназар. Дарҳол уддабуронлик билан вазиятни ўзгартирди. Қалин қамишзор ортидан ҳужумни кучайтириш керак.

— Мўмин! Мўмин!

— Лаббай, ботир оға!

— Қамишзорга от сол, ўрис милтиқ!

Мўмин саркор отига қамчи босди. Ортидан беш юз аскар чанг-тўзон кўтариб, отларини елдириб кетди. Мўмин саркор қамишзорни тўрт тарафдан ўраб олди. Кўз очиб-юмгунча масала ҳал бўлди. Қуюндай бостириб келаётган отлиқларни кўрган мерганлар жонини ҳовучлаб тумтарақай бўлди. Мўмин бир сарбозни қува кетди. Сарбоз қайрилиб мўлжалга ола бошлади. Мўмин ёнбошлаб, ўзини от панасига олди. Тарс! Тарс! Саркор ўзини ўнглади-да, қувиб бориб сарбозни қўлтиғидан кўтарди ва тақимига босди.

Абдулазиз ясовулбошининг ҳафсаласи пир бўлиб, пистирмадаги Султонмуродга чопар юборди, ўзи эса жангни иложи борича давом эттирди. Султонмуродбек олисдан қирғинни кузатиб турганида орқадан Вали саркор исёнчилар билан босиб келиб қолди, Султонмуродбек қочибдан бошқа чора тополмади. Ясовулбоши ҳамон Султонмуродбекни кутиб, қолган сарбозлари билан қаршилик кўрсатарди. У оловли ҳалқа ичида қолди. Пистирма келиши керак бўлган томонда ҳар хил нарса билан қуролланган қўзғолончилар пайдо бўлгач, ўрда сарбозлари талвасага тушиб жонларини қутқариб қолиш пайдидан бўлишди. Гарчи Абдулазиз ясовулбоши: «Ё оллоҳ! Бўшашманглар, аяманглар!» деб далда бераётган бўлса-да, бироқ сарбозларнинг аҳволи чатоқ эди.

Уруш кечга қадар давом этди. Ниҳоят исёнчилар устун келишди. Абдулазиз ясовулбошининг калласи

танасидан жудо қилинди, омон қолган сарбозлар ўзларини исёнчилар ихтиёрига топширди...

Эртасига чопар Исҳоқнинг йўлини кесиб чиқиб, ғалабани хабар қилди. У қувониб чопарни ўпди. Чопар эгар қошига боғлаб олган қопчиқни Исҳоқнинг олдига ташлади.

— Бу нима?— деди у чўчиб.

Чопар қопни ечиб, бошни кўрсатди.

— Тақсир! Ботирлар сизга совға қилишди!

Абдуллабек энгашиб:

— Э, дуруст совға экан! Абдулазиз ясовулбошининг калласи,— деди.— Тамом! Бу ўрданинг охирига тажрибали лашкарбошиси эди. Тамом! Энди ҳеч ким йўлимизга гов бўлолмайди...

* * *

Икки генералнинг мағлубиятидан Насриддинхон оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди: «Энди нима бўлади? Бу дайди шу қадар қутуриб кетганми?» У бу оғир аҳволдан қутулиш чорасини изларди, бироқ дардига даво тополмай, аламини чилим, мусалласдан олар эди.

Бир куни оқшомда эшик оғаси:

— Ҳукмдор... Ҳазрати Султонмуродбек...— деб хабар қилди.

Насриддинхон кўзлари қизариб, бурқитиб чилим тортаётган эди, майли, кирсин, деб ишора қилди. Кўзлари қаърига тортган, озиб-тўзиб, фақат сурати қолган Султонмуродбек ҳукмдор ҳузурига кириб келди. Насриддинхон унинг афт-ангорини кўриб бир чўчиб тушди, унга раҳми келди.

— Ҳа? Ажал қувдими?

Бу сўз бекнинг қулоғига ҳақоратдай эшитилса ҳам ўлганининг кунидан бош эгиб, таъзим қилди.

— Ҳукмдор...— деди бек ўзини оқлашга уришиб.— Худонинг ўзи гувоҳ, дайдининг қароқчилари билан бирга азроил юрганга ўхшайди. Худо уларнинг юзини тескари қилсин, худди қутурган қашқир. Ё алҳазар! Ҳим... Кейин...

Насриддинхон еб юборгудай тикилди. «Ҳовлиқма, нон тепки!» деди ичида. Ахир уни Абдулазиз ясовулбоши билан бирга Галавачи подшога ёрдам бериш

учун юборган эмасмиди? Уша дайдини тутиб кел, де-мабмиди? Мана ишонган одами... Султонмуродбек киприкларини аранг пирпиратиб ўтирибди. Хонни ичкилик элитдими ёки бошқа хаёлга бордими, кафтини бир-бирига урди. Эшик оғаси кўринди. Насриддин унга қарамай:

— Дутор,— деди аста. Эшик оғаси орқаси билан юриб чиқиб кетди.

— Ҳар қандай иш худонинг продаси билан бўлади,— деди бек.— Имкони бўлса, ярим подшо билан алоқани йўлга қўйишимиз керак, ҳукмдор.

Хон индамади. Султонмуродбек давом этди:

— Ёш бўлсангиз ҳам бошсиз. Тезроқ бирор чорасини топсангиз...

Унгача эшикдан ўрта бўйли, сипо кийинган, қора-чадан келган йигит дуторини қўлтиқлаб кириб келди-да:

— Ассалому алайкум, ҳукмдор!— деди.

Сархуш бўлиб ўтирган хон саломга жавобан бош ирғаб қўйди. Дуторчи тиз чўкди.

— Қани, чалинг!..— деди Насриддин.

Дуторчи йигит пардаларни бирин-кетин созлади, ҳукмдорнинг кўнглини кўтариш учун унга ёқадиغان куйлардан бирини чалди. Султонмуродбек: «Роса учраган эканмиз-ку, ҳукмдорга. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб турса-ю, бунинг кўнглига дутор сиққанини-я!..» деди ичида. Афсуски, ҳеч нарса деёлмасди. Дутор овози тобора ўзига мафтун этарди. Унинг садолари ҳукмдорнинг юрак торларини чертиб, замон ташвишларидан хориж қилаётган бўлса, Султонмуроднинг қулоғига отларнинг дупури бўлиб эшитилаётган эди.

Куй ниҳоясига етмай туриб, хон кафтини бир-бирига урди. Дуторчи йигит ҳайрон бўлиб хонга қаради. Эшик оғаси кўринди.

— Тўн кийдилинг,— деди Насриддинхон. Дуторчи ўрнидан туриб таъзим қилди. Эшик оғаси дуторчига кимхоб тўн кийдирди.

— Раҳмат, ҳукмдор... Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин,— деб дуторчи эшик оғаси билан бирга чиқиб кетди.

— Тантанавор куй! Хўш, нима учун?! Қайси галабамиз учун?!— Хон кўзларида ёш айланиб,

чуқур хўрсинди.— Нимамизга тантанали куй эшитдик-а?

Ичида сўкиниб ўтирган Султонмурод хонга ачинди. «Ҳа, хонга ҳам қийин!»

— Мени ҳукмдор дейсизлару, вақти келганда ҳамманг ишни менга ташлаб қўйганинг қизиқ?— деди Насриддинхон.— Ҳаммаси барбод бўлди. Ҳукмдорлик ўрисларга, элимиз бир дайдининг қўлига ўтди. Иложимиз қанча? Сизлар, шаҳзодалар, беклар, тақсирлар, нима қилиб юрибсиз?.. Отамерос мулк қани? Халқ қани? Халқ тож кийган кишига керак, холосми? Не сабабдан Худоёрхон бош бўлиб, бир дайдини жиловлай олмадик?

Хон яна дуторчини чақиртирди. Эшик оғаси ҳозир келиб кетди-ку, дегандай остонада туриб қолди.

— Дутор!— деди жаҳл билан Насриддинхон. Эшик оғаси отилиб ташқарига чиқди. Ҳукмдор томоғига тиқилиб келаётган йиғисини зўрға босди.— Мана, сиз асилзода аскарбоши Султонмуродбек! Тайини йўқ дайди Исҳоқдан қўрқиб, думингизни қисиб ўрдага қочдингиз. Мен нима қилай? А? Яна: «Ярим подшо билан маслаҳат қилиш зарур», дейсиз!..

Султонмуродбекнинг аъзойи баданидан тер чиқиб кетди. Эшик оғаси дуторчини қайта олиб келди. Хоннинг чеҳраси очилиб, шаробдан ҳўплади.

— Кел, биродар, бу вафосиз дунё ҳақида, армон тўғрисида чал.

Дуторчи пардаларни созлай бошлади. Султонмуродбек ўрнидан турди.

— Мен борайин. Менга қандай буйруқларингиз бор, олий ҳазратлари?— деб сўради бек. Хон эътибор бермади. Лашкарбоши оҳиста юрди. Хон ҳатто унга қарамади ҳам.

Тонгга қадар дутор овози тинмади. Пар ёстиққа ёнбошлаган хон пинакка кетган эди. Ташқаридан қий-чув эшитилди. Кимдир қаттиқ сўкинди. Дуторчи хонни уйғотмоқчи бўлди-ю, аммо юраги дов бермади. Шу пайт эшик қарсиллаб очилиб, эшик оғаси кириб келди.

— Тақсир!..

Дуторчи ўзини четга тортди. Насриддинхон биротар рус pistolsини қўлига олиб, ирғиб турди:

— Ҳа?

Кўзлари қизариб кетган хон ҳеч нарсага тушунмади. Эшик оғаси ҳовлиқиб гапирди:

— Тақсир... Тақсир...

Хон ҳаллослаб дарча олдига борди. Урдани оломон ўраб олибди. Биров эшакда, бошқаси отда. Халқ бетиним бақирарди:

— Бу ёққа чиқ! Бўрининг боласи, чиқ, лаънати!

Насриддинхон барча гапга тушунди. Иложи қанча? Қўрқувдан дағ-дағ титрарди. Удайчилар эшикларни маҳкам тамбалаб, одамларга қаршилиқ кўрсатарди. Нима қилсин? Кўзига ёш келди. Эшик оғаси буйруқ кутиб, таъзим қилди.

— Урис элчихонасига одам юборинг.

— Ҳеч кимни ўрдадан чиқаришмаяпти. Урис элчиси ҳам хонасида қамалиб қолди.

— Уларнинг аскарлари бор эди-ку?!

— Нимагадир отишмаяпти, тақсир!

Насриддинхон кўксидан ўқ егандай ингради, кўзини юмди, хўрлиги келди.

— Ўрдадагиларни тўпланг. Хазинани юклатинг. Хўжанд дарвозасига қараб юрамиз. Текинхўрлардан бирини ташқарига чиқаринг. Халққа айтсин! Хон ўз жонини сизлардан сўради, ҳозир кетади, десин...

Эшик оғаси эшикка равона бўлди. Хон яна уни чақирди.

— Қирғиз ойим бу ёққа кирсин...

— Хўп, тақсир...

Хоннинг ранги мурданикидай оқариб кетди. Қўли титраб, тишлари ғижирларди. Эшикдан баланд бўйли, юзлари қизил ёшгина аёл кириб келди: эгнида оқ ҳарир кўйлак, устидан кимхоб камзул кийган, бошида жиға, сочини икки ўрим қилиб орқасига ташлаган, қўлида эмизикли бола.

— Ҳорманг, шоҳим, — деди аёл.

— Қирғиз ойим...

— Қулоғим сизда, шоҳим...

— Совғага келган эдингиз. Ўз ақл-ҳушингиз билан ўрданинг эркаси, никоҳли хотиним бўлдингиз. Ташқарида нима иш бўлаётганлигини билмасангиз керак. Уруғларингиз бўлмиш — қипчоқлар, ўзбек ва қирғизлар тахту бахтимдан айирдилар. Биргина мени эмас... Сиздан илтимос, болани эҳтиёт қилинг, у хон авлоди...

— Сўзингиз икки бўлмасин, шоҳим. Тарбия қила-

ман, шоҳим. Мени талоқ қилинг, ўз кунимни кўрай.
Эркин бўлай.

— Майли, Қирғиз ойим. Мен розиман. Сиздан сўн-
ги илтимосим шуки...

— Раҳмат, шоҳим. Ота-боболари хон бўлиб нима
топди? Кимга фойдаси тегди? Майли, отаси бошқа, зо-
ти бошқа дейман, исмини бошқа қўяман. Эл ичида бир
кунини кўрар...

Хоннинг кўзи олайиб, лаби титради, тили калима-
га келмади.

Аёл болани икки қўллаб хонга тутди:

— Шоҳим, агар бошқа ўйлаганингиз бўлса, ўзин-
гиз биласиз.

Бошқа учта хотинидан туғилган болаларини сақ-
лай олса ҳам катта гап. Ноилож қолган Насриддинхон
боланинг пешонасини силади:

— Хайр!.. Насиб бўлса кўришармиз.

Аёл эгилиб таъзим қилди, болани бағрига босиб,
орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бу хоннинг тўртинчи хотини, Сарибойнинг қизи
Қундуз эди.

— Эшик оғаси! Эшик оғаси!— деб бақирди хон.
Жавоб бўлмади. Қўрғон ичида милтиқлар отила бош-
лади. Бақириқ-чақириқ кучайди. Дарчадан ўқ-дори
ҳиди кирди. Хон калима келтириб, бир қўлида қилич,
бир қўлида пистол ушлаб ўзини четга олди.

— Тақсир! Қутурган эл орқага сурилди. Қон тўкил-
моқда,— деб кириб келди қоровулбоши.

— Қиринглар! Бирортаси қолмасин!— деди Нас-
риддин.

— Хон ҳазратлари, куч бўлса қанийди?!— деб
тутақди қоровулбоши.

Хон шартта бурилди. Дарчадан дайди ўқ келиб
девордаги гиламга тегди. «Қарс!» «Қарс!» Қоровул-
боши ташқарига югурди. Эшик оғаси хон ҳузурига
югурди.

— Хазина юкландими?

— Юклатишмаяпти, тақсир!..

Яна қоровулбоши шошиб кирди.

— Тақсир, эл шаҳар дарвозасини очиб, Пўлатхон...

Насриддин жаҳл билан пистолни унга ўқталди.

— Оғзингни юм, шумғия! Қанақа хон? Дайди де-
майсанми? Ўғри демайсанми?

— Скин, тақсир! Куч, омад кимда бўлса, ўша хон,— деди қоровулбоши.

— Ҳм!— деб ингради хон, унинг боши айланиб, гандираклаб кетди;— Хазина қани? Хазина?

Эшик оғаси йигламсираб, хоннинг қўлтиғидан олди-да:

— О, яратган эгам! Хазина жонга ора кирарми-ди?!— деди.

Қоровулбоши эшик оғаси билан хонни етаклаб хонадан олиб чиқишди.

Уша тўққизинчи октябрь куни Насриддинхон бир ҳовуч одамлари билан ўрдадан чиқди, халойиқ қий-қириб, йўл-йўлакай ортидан кесак, тош отиб, уриб Қўқондан ҳайдаб юборди. У бор-йўғидан ажраб, Хўжанд шаҳридаги отасининг ҳузурига борди.

Оломон иккинчи дарвозадан исёнчилар йўлига бўйра тўшаб:

— Жаҳонгир! Жаҳонгир!— деб карнай-сурнайлар билан Исҳоқни кутиб олди.

III

Исҳоқ сал нафасини ростлаб, эс-ҳушини йиққач, ўрда кишиларини тўплади. Қурама Абдумўминбек ноиб, қидирша Сулаймон хазина бошлиғи, Умарбек додхоқ парвоначи, ўз уруғи мулла Муса маслаҳатчи, қутлуғсаид Мўмин эшик оғаси, энг ишончли одами Абдулла Қўқон шаҳрига бек, қипчоқ Вали билан Бекназар ботир қўшиннинг икки қанотига лашкарбоши, Эшмат эса сарбозларнинг қоровулбошиси қилиб тайинланди.

Қўқондаги ички зиддиятлардан фойдаланган Қоратегин вилояти ажраб чиқиб, алоҳида бўлиб олганди. Унинг беги Райимшо акаси Музаффаршодан ҳокимиятни тортиб олиб, ўзини қувғин қилди. Музаффаршо Қўқонга қочиб келди, ўрдадагилар ўртада туриб, унинг балоғатга етган гўзал қизини Исҳоққа никоҳ қилишди. Шундай қилиб, қочоқ Музаффаршо ўрданинг эътиборли кишиларидан бирига айланди.

Янги ҳукмдор «Исҳоқ хон» деб ўзига муҳр ўйдирди. Исҳоқ биринчи кундан бошлаб эски ўрданинг бек ва шаҳзодаларини аёвсиз жазолади.

Икки сарбоз маҳбус унтер-офицерни ўртага олиб келарди. Одамлар томоша қиларди. Биров: «Ўриснинг бетини кўрмайин», деб тескари қараса, бошқаси: «Тавба, ўрис ҳам одамга ўхшаркан», деб аста чўзилиб мўралайди.

Уни қизил кимхоб тўн кийиб, бошига тўқ, кўк салла ўраган оқ соқолли киши олдига олиб келишди. «Пўлатхон шу бўлса керак», деб ўйлади унтер-офицер. Ҳалиги киши эрмак учун чой ичиб ўтирарди. Гиламнинг этак қисмига сап-сариқ, бурни узун ўрис ўтирди.

— Исминг нима? — таржима қилди тилмоч. «Ланати крешин... — деди ичида унтер-офицер, — фойдаси бўлса, шайтонга ҳам хизмат қиласан!..» Тилмоч саволни қайтарди. Унтер-офицер:

— Данил, — деди. Ўтирганлар ўзаро шивирлашди.

Йўлда арава синиб, Данил уни тузатаман, деб орқада қолган эди. Бирдан бостириб келишди. У ўқ узди. Биров йиқилди... Фақат «ярим подшо», «ярим подшо» деган гапларни тушунди, холос. Кейин уни боғлашиб, ўз аравасида Марғилонга олиб келишди. «Ўқ узмасам бўларкан», деб ўйлади Данил. Тилмоч сўзга киришди:

— Бу киши Пўлатхоннинг ноибни бўлади. Хондан кейинги иккинчи ўринда мана шу Абдумўминбек туради.

Данил: «Хоннинг ўзи эмас экан-да», — деб кўнгли тўлмади. Тилмоч уқтирди:

— Азизим, Данил, улуғ ноиб сени мусулмон динига кирсин деяпти.

Данил унга қаради. Тилмоч бошини қимирлатди.

— Мусулмон динига кирсанг, жонинг омон қолади. Бунинг устига, уй, от беради. Гўзал қизлардан бирига никоҳлаб, ўз ўғлидай кўради.

Данил бош чайқади. Басавлат ноибнинг юзидаги табассум ўрнини ғазаб эгаллади. Кўзини Данилга қадади.

— Эсингни йиғ, Данил, — деди тилмоч, — беҳуда ўлиб кетма! Ўйлаб жавоб бер, Данил.

— Нимани ўйлайман? Онам қайси динга чўқинтирган бўлса, ўша динимга содиқ қоламан.

— Ўз динингда ўлиб кетгандан, мусулмон бўлиб омон қолганинг яхшимасми? Уй, от, гўзал қиз.

Данил тилмочни жеркиб ташлади.

— Уларни сенга бердим. Менга керак эмас.

Тилмоч бошқа гапирмади. У ноибга шартга кўнмаганлигини айтди. Абдумўминбек газаб билан бақирди. Сарбоз чопиб келди. Нимадир деди. Сарбоз югуриб чиқиб кетди.

— Бекор қилдинг, Данил,— деди тилмоч,— диннинг нима кераги бор, жонингнинг ҳузурини кўзламайсанми?

— Сен жонингни эҳтиёт қил. Осмонга устун бўласан.

Ноибнинг буйруғига биноан Данилни икки сарбоз ҳайдаб бориб девор остига қўйишди. Унбошининг топшириғи билан йигирма чоғли сарбоз пилтали милтиғини туташтирди. Хийладан сўнг, Абдумўмин ёнида иккита нуфузли киши билан келди. У шерикларига бирор нарса деди шекилли, улар Данилга чақчайиб қарашди. Ноиб тилмочга шивирлади.

— Данил,— деди тилмоч,— гапга кўн.

Данил унамади. Турганлар хижил бўлди.

— Сўнгги марта сўрашяпти, Данил, ҳозир отиласан.

Данил бошини кўтариб бақирди:

— Эшит, аблаҳлар! Мени онам қайси динга чўқинтирган бўлса, ўшанга содиқ қоламан! Эшитдингларми, лаънатилар!

Абдумўмин отишга буйруқ берди. Унбошининг ишораси билан йигирма киши бир йўла ўқ узди. Ҳаммаёқни тутун қоплади. Данил шилқ этиб йиқилди. Басавлат одам юзини буриб тез юриб кетди. Бу воқеа Исҳоққа дарров етди.

Шошилинич мажлис чақирилди. Девонхонага тўпланган беклар, саркорлар гап нима ҳақдалигини билмасдилар. Эшикдан Исҳоқ кирган ҳамон барча ўрнидан туриб таъзим қилди. Бекназар ботир қуролли удайчиларни эшик олдида сафга қўйиб, ўзи ҳам у ердан жилмади. Нима гап? Мажлисга тўпланганлар алланечук бўлиб туришарди.

— Ассалому алайкум, яхшилар,— деди Исҳоқ. Унинг овозидан хаёли паришонлиги билинди.

Ҳамма алик олди. Тахтнинг ўнг томонида Абдумўминбек, чап томонида Умарбек турарди. Исҳоқ тахтга ўтирмай ҳозир бўлганларга бир сидра қараб

чиқди. У қаҳрини босолмай, чимирилиб турган Абдумўминбекка юзланди.

— Бек!..

— Лаббай ҳукмдор,— деди Абдумўминбек.

— Бугун нариги дунё учун қандай савоб ишлар қилдингиз?

Бек саволга тушунмай, кичик, сариқ кўзларини жавдиратди-да, деди:

— Худонинг бандасимиз, беш вақт намоз, хайр-садақа деганларидай...

— Бир кофирни мусулмон қилиш қанчалар савоб эканлигини мендан кўра яхши биласиз. Афсуски, қизиталоқ Данил бунга кўнмай ўлимни афзал билибди. Аттанг, дўзах ўтида куйган етти пуштингизни беҳиштга олиб чиқишингизга бир баҳя қолган экану, бек?!

Одамлар гап нимадалигини дарров тушунишди. Абдумўминбекнинг савоб излагани Исҳоққа ёқмабди. Бек изза бўлиб, атрофга аланглади.

— Энди ҳукмдор, баримиз мусулмон фарзандимиз...— деди Абдумўминбек шариатга таяниб.

— Сиз мусулмон фарзанди эмассиз! Сиз шайтонсиз!!!— деб қичқирди Исҳоқ. Бу гап Абдумўминбекнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Исҳоқ тахтга ўтирди. Қўлини шоп қилиб, қайта ўрнидан туриб кетди.

— Сиз, ўлкамиз одамларига ҳеч бир ярашмайдиган иш қилдингиз. Эшитдингизми, сиз шайтоннинг ишини қилдингиз. Биз томон оқаётган денгиз йўлини тўсдингиз, душманларимизга баҳона топиб бердингиз! Шайтон! Сотқин!

Турганлар чурқ этишмади. Абдумўминбек терлаб кетди.

— Бу сизнинг шайтон эканлигингизнинг исботи эмасми?

Бек ўзини оқламоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, Исҳоқ кесди:

— Энди баҳонанинг ҳожати йўқ. Узингизни оқламанг!

Бек ўзини орқага тортди. Абдумўминбекнинг салласи учиб кетди. У эшик томон йўл олди. Исҳоқ унинг ёқасидан бўғиб оладигандай интилди.

— Шайтон! Сотқин! Айғоқчи!

Салласи учиб, чуваланиб кетган Абдумўминбек

Бекназарнинг олдига бориб қолди. Бекназар уни елка-сидан босиб, Исҳоққа рўпара қилди. Бек қалтираб тиз чўкиб, Исҳоқнинг этигидан ўпмоқчи бўлди. Исҳоқ оёғини тортди.

— Ифлос!—у лабини тишлаб, қонга тўлган кўзларини четга бурди:— Ҳа, тузингизни ичгандим, жонингиз ўзингизга сийлов,— деб эшикка қараб ишора қилди.— Чиқиб кетинг!

Абдумўминбек чиқиб кетди.

Ҳеч ким чурқ этмади. Исҳоқ сал жаҳлидан тушди, ерда ётган саллани босиб, тўрға қараб юрди...

* * *

Тошкент шаҳри...

Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг кутиш залида икки киши ўтирарди, кенг фойенинг ўнг қанот девори остига қўйилган катта, қизил булғори диванда ўтирган бу икки кишининг бири ўрта ёшлардаги чўққи соқол, саллала киши бўлиб, салласининг ўнг томонида хоннинг ёрлиғи бор эди. Иккинчи кишининг эғнида қора кимхоб чакмон бўлиб, остидан кийган қизғиш нимчаси кўкрагида биринчи даражали Станислав ордени ярақларди... У ёқасини атай очиб ўтирганга ўхшарди.

Генералнинг эшиги очилиб, қўнғир сочли штабс-капитан кўринди. Штабс-капитаннинг кўм-кўк кўзи тиниқ эди. Диванда ўтирганлар, қай биримизни қабул қиларкин, деган андиша билан иккови баравар ўрнидан турди.

— Тақсирлар,— деди штабс-капитан,— олий ҳазратлари бугун бўш бўларкан.

Ҳалигилар бир нима демоқчи бўлишувди, штабс-капитан сўзни илиб кетди:

— Айтдим-айтдим, биринчи даражали Станислав орденининг кавалери, Қўқоннинг собиқ хони Худоёр ва у билан бирга хон Насриддин кутаётир, дедим,— штабс-капитан ўз хонасига кириб кетди.

Шу пайт эшикдан Отақул ботирбоши кирди. У фойенинг беағи билан қизиқди, юқорида турган Александир II суратини кўрди-да, «Э, оқ подшо шу эканда», деб оғзи очилиб қолди. Кейин айланиб ўтиб, диванда ўтирганларга унча эътибор бермай, шунчаки

саломлашди. Худоёр бошини кўтариб, алик олганида ботирбоши чўчиб, тисарилди. Худоёр тутақиб деди:

— Ҳа, ботир йигит. Илон кўрдингми?

Отақулнинг кўзи Насриддинга ҳам тушди. Ўзини ўнглаб олди:

— Ия, чақадиган илон десам, тили суғурилган сасиқ илонлар экан-ку!..

Насриддин ўзини тутолмай, ўрнидан сакраб турди.

— Жим, ўрнингга ўтир. Кимга дағдаға қиляпсан?

Штабс-капитан хонасидан чиқди. Ёжиллашиб турганларни кўриб, яқин келди ва Отақул ботирбошининг бошидан оёғига разм солди.

— Сиз кимсиз?

Отақул шошиб қолди.

— Мен... ҳурматли тўра... Ботирбоши Отақулман...

— Ҳа, Марғилоннинг бегиман, денг... Ўзгариб кетибсиз.

Отақул бошқа ҳеч нарса демади. Штабс-капитан уни тўхтатмай хонасига бошлади.

— Юринг, олий ҳазратлари сизни кутяпти.

Отақул ботирбоши орқасига бурилиб, уч кундан бери навбат кутиб ўтирган икки хонга — Худоёрхон билан Насриддинга «кўриб қўй» дегандай писанда билан қараб қўйди.

Генерал-губернатор фон Кауфман истараси иссиқ одам эди. У катта стол ортида юмшоқ креслода ўтириб, қоғозларни кўздан кечирарди. Деворда подшо Александр II нинг улкан портрети. Отақул бундай катга суратни биринчи бор кўриши эди. Фон Кауфманнинг ялтироқ боши, хаёл суриб ўтириши уни ўйлатиб қўйди.

Адъютант:

— Марғилон беги, Отақул ботирбоши,— деди.

Губернатор сийқа бошини кўтариб, кириб келган кишига разм солди, сўнг қаламини столга ташлади-да, сал чеҳраси очилди.

— Ассалому алайкум, улуғ тўра... ярим подшо ҳазрати олийлари...— деди Отақул овози титраб.

Губернатор алик олиш ўрнига:

— Яқинроқ келинг,— деди.

Туркистон генерал-губернатори ботирбошини илиқ қабул қилди. Унинг эсидан Худоёр ҳам, Насриддин ҳам чиқди.

— Ишлар қалай? Яхшими? Яхши бўлсин. Сохта

хон қандай? Сизга қаттиқ тегмадими? Тегиб кўрсинчи! Яқинда у ғаразгўй йўқ қилинади. Сиздай ботирларнинг ёрдами керак.

Тилмоч таржима қилди.

— Ҳазрат олийлари...— деб тутилиб гапирарди Отақул.

Фон Кауфман буни фаҳмлаб, «майли, бемалол гапирсин», деб тилмочга қаради. Отақул бор гапни айтди:

— Ёмон фикрга бориб юрманглар. Агар рози бўлсангиз, Исҳоқ сиз билан учрашмоқчи. Урис билан отабола бўлайлик, деяпти. Менда бошқа гап йўқ. Рости шуки, у Худоёрхонга, унинг авлодига ўчакишиб шундай қилди. Исҳоқ элга яхши хон бўлади, шунинг учун халқ унга эргашяпти. Худоёрхондан анча яхши....

Тилмоч таржима қилди. Фон Кауфман ўйлади: «У ўғри, ўғрилигича қолади! Исҳоқ оғзидан тушмай қолибди, демак, бир гап бор. Худоёрхондан яхши хон бўлармиш. Ҳа, биз сизларнинг яхши хонга эга бўлсин деб келибмизми?!»

— Марғилоннинг беги, сизни сохта хон исканжага оляптими? Қўрқманг. Унинг саноқли куни қолди. Бизга унинг кераги йўқ. Зарур бўлиб қолса, хон уруғидан бирортасини топармиз. Бизга ялангоёқларнинг кераги йўқ.

Тилмоч таржима қилди. Отақулнинг оғзи очилиб, савол назари билан қараб қолди.

— Сиз ботир одамсиз,— деб мақтади губернатор.— Сизнинг хизматларингизни яхши биламиз. Шу зайлда ҳалол ишласангиз, оқ подшонинг назаридан четда қолмаслигингизга ишончим комил. У тақдирда сиз шаҳар беги эмас, Қўқоннинг нуфузли, қадрли одамларидан бири бўлиб қолишингизга шак-шубҳам йўқ.

Тилмоч таржима этди. Отақул ютиниб қўйди. Кўнглига ҳар хил гап келди. Уҳ, шундай бўлса қанийди-я?! Исҳоқнинг ўзи ҳам шон-шухрат деб юрган бўлса керак?! Ўлгандан сўнг жаннатнинг нима ҳожати бор? Губернатор Отақулнинг фикрини сезиб қолдими, ҳайтовур оч қушга барра гўшти узатиб, талпинтиргандай яна сўзлади:

— Худо буюрса, келгуси йилнинг бошида олий ҳазратлари — оқ подшонинг туғилган куни нишон-

ланади. Ана шу тантанага Россиядан, тобе мамлакатлардан, чет эллардан меҳмонлар чақирилиб, катта тўй ўтказилади. Бу дайдининг тўс-тўполонидан тезроқ қутулсак, ўша куни оқ подшонинг ўзи билан учраштираман.

Тилмоч таржима қилди. Отақулнинг кўзлари ҳасаддан ёнди.

— Бу бетайинлар ўзини хон қилиб кўтариб олди. Уни қандай қилса босилади? Тахт эгаси — хоннинг гапи боласига ўтмайди, боласиники отасига. Ит-мушук бўлса. Нима қилиш керак? Бундай чоқда мен сизга ўхшаган кишиларга ишонаман. Қадим шарқ доноларининг мақолга айланиб кетган шундай гапи бор: «Жамики ўлкага, ялпи элга бирдай фойда келтирадиган воқеа қайси?» — деб сўрашганида, «энг ёмон, энг нотинч хоннинг кўзини ўйиш», деган экан. Жуда ўринли гап.

Тилмоч таржима қилди. Отақул бу гапларга тамоман маҳлиё бўлиб қолди. Фон Кауфман нари-бери юраркан, Отақулдан кўз узмай тамаки чекди, ўрнига ўтириб, ботирбошига қаради.

— Сизга оғир бир вазифа топшираман. Бу сизнинг қўлингиздан келади. Сабаби, хоннинг яқин кишиларидан бири бўлиб қолибсиз. Фақат олдида ҳеч ким бўлмай қолган тақдирдагина ишлатасиз. — У тортмадан бир пистолни олиб, стол устига ташлади. — Албатта, бу иккинчи даражали иш. Умуман, ишни унга қарши кишиларни тўплашдан бошламоқ даркор. Бу ҳақда бизни хабардор қилиб турасиз. Иложи бўлмай қолса, мана бу нарсага ишонинг, — деб бармоғи билан пистолни кўрсатди.

Тилмоч таржима қилди. Буни олдиндан пайқаб ўтирган Отақул ўрнидан туриб кетди.

Генерал-губернатор пистолни олиб унга узатди. Отақул тортинди. Фон Кауфман бўзарди. Отақул ерга қараб тураркан, қўл узатди.

— Тошкент бўсағасида Олимқул оталиқ қандай отилганини биласизми? — деб сўради генерал-губернатор.

— Ҳа.

— Жуда соз.

Отақул фон Кауфманнинг олдидан сувга тушган нондай бўшашиб чиқди. Ҳеч қаёққа қарамай, катта

эзлик сари юрди. Худоёр ўғли билан ҳамон зориқиб кутиб ўтирарди. У Отақулнинг кетидан юриб, секин аския қилди:

— Ҳа, баччаларга ўхшаб паришон чиқдинг?!

— Бачча бўлиб бошидан ўтказган билади,— деди Отақул Насриддинга қараб. Худоёр қизариб кетди.

Уша куни Отақул ҳеч ерда тўхтамай Тошкентдан жўнаб кетди. У рус аскарларининг кузатув бекатига келди. Фон Кауфманнинг ўзи қўл қўйиб, тасдиқлаган ҳужжатни кўриб, унтер-офицер уни ҳурмат билан ўтказди.

У Қўқон сипоҳийлари қўриқлаётган ерга келди. Қоровулбоши Исҳоқнинг муҳри босилган қоғозни кўриб, таъзим билан кузатиб қўйди.

Унинг юрагига қил ҳам сизмасди. У йўлда учраганларга салом бермай, салом берганларга алик ҳам олмай, эзилиб борарди.

«Ярим подшо мендан нима талаб қилмоқда? Мени дили пок одам қатори, бек қатори кўрса, жанг майдонида ботирларча жон бер деса, бошқа гап эди. Йўқ. У одам ўлдир деяпти. Хилват қилиб от деяпти. Менинг баҳом шуми?..» Отақул икки томонлама эзиларди. Ишонч ва қотиллик. Қайси томонига эгилсин? Мана, Исҳоқнинг тўпи дейлик. Яқинлари чиқиб кетишди. Ораси яқин. Отақул пистолни олди. Аммо қўли қалтираб отолмади. Шу кезде Исҳоқ ялт этиб унга боқди... «Йўқ, йўқ, менинг номимни айтгани ҳатто болам ҳам уялади. Бари бир қўлга тушаман...»

«Нима деб бораман? Ярим подшони кўндирмоқчи эдим. Исҳоқ нима дейди? Ишонч ва қотиллик. Қайси бири маъқул? Менинг баҳом шу қадар арзонми? Сотқиннинг боласи. Ярим подшодан қандай қутуламан? Бир бошга бир ўлим...»

Ерлар сап-сариқ, дарахтлар яланғоч эди. Тоғлар сокин. Изғирин суякдан ўтади. Отақулнинг орқасидан келаётган йигит ботирбошининг нима учун хафалигини билолмай гаранг эди.

Қарс! Йигитлар чўчиб кетди. Отақул ботирбоши отидан оғиб борарди. Нима бўлди? Уқ қаёқдан чиқди? Икки томонни қарашди. Қуролларини ўнглашди. Тинчлик. Йигитлар чошиб кетди. Бири тизгинни босиб, отни ушлади. Қолганлари ботирбошини суяшди. Уқ чакка-

сига теккан. Биротар рус пистолининг оғзи тутаб ёнида ётарди.

* * *

Исҳоқ хаёл суриб пар ёстиққа ёнбошлади. Ёнида эти бориб устухонига ёпишган эчки соқолли, оқ салла ўраган бир чол хижил бўлиб ўтирарди.

— Бу нима деган гап?! Бир кофирни ўлдирдинг, деб энг яқин дўстингни шундай маломатларга қўясанми?

Исҳоқ аста қўзғалди.

— Биз бу ёқда ярим подшо билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қилиб турганда, бу нотавон ишни расво қилди. Аҳмоқ бўлмаса шундай қилармиди?

Чолнинг эшитгиси келмай, ўз гапини маъқуллади:

— Нима бўлса-да, бу ишинг бошқаларга ҳам маъқул бўлмади. Ғайридинни тўғри йўлга солиш учун уринган экан. Унга балли. Лекин бекни чакки қилдинг, дейиш гуноҳ. Дўст ачитиб айтади, душман кулдириб. Мен сенинг дўстингина эмас, отангман...

— Худо нечта?— деб сўради Исҳоқ.

Ҷария: «Эй, бу ақлдан озганми? Астағфурилло! Худо иккита деган мусулмон эмас. Агар буни мусулмон айтса, шу заҳоти диндан чиқади. Бу нима деб алжираяпти?»— деб ўтириб қолди.

Исҳоқ:

— Худо битта. Исо ким? Пайғамбар. Муҳаммад ким? Пайғамбар. Урис Исо пайғамбарнинг уммати, биз Муҳаммад пайғамбарнинг умматимиз. Тўғри айтдимми?

Чол, яна диндан чиқиб кетмайин, деган ўйга бориб, индамади. Исҳоқ давом этди:

— Бир худонинг, икки пайғамбарнинг йўлини бир-бирига қарши қўйиш, бир-биридан юз ўгириш, қон тўқдириши тўғри эмас. Кимки шундай қилаётган бўлса, у аниқ кофир. Исо пайғамбарнинг йўлини тутадими, Муҳаммад пайғамбарнинг йўлини тутадими, нияти холис, юраги пок бўлса, ҳисоб.

Ҷария қўрқиб кетди.

— Тавба қил! Тавба қил...— чол терс қараб калима келтира бошлади. Исҳоқ оқсоқолнинг аҳволини кўриб раҳми келди.

— Ота,— деди мулойимлик билан,— бундан буён ўртага тушиб менинг ишимга аралашманг, олдимга келманг. Ҳалиги сўз шу ерда қолсин.

Чол ҳеч нарса демай этагини қоқиб чиқиб кетди. Исҳоқнинг ғазаби қайнаб, ўзини зўр-базўр босди.

Ана шу қария Исҳоқнинг ўз отаси мулла Ҳасан эди. Ўғли ўрдани қўлга киритгач, беклар чолни олиб келишганди. Узоқ йиллик айрилиқдан кейин отаси билан учрашиш Исҳоқни қувонтирди. Бироқ оқсоқол ўглининг хонлигига ишонибми, тўғри келган ишга аралашадиган бўлиб қолганди. Бу қора ниятли кишиларга қўл келиб, оқсоқолни ишга солишарди. Кеч-қурунги воқеа эса Исҳоқни баттар хафа қилди. «Нима қилай? Бу худо урган ўз отам...» деб ўксинди.

IV

— Яна бир қаландар рухсат сўраяпти?

— Қандай қаландар?

— Билмадим, бир чол.

— Майли, кирсин. Ким экан...

Мўмин қаландарни олиб кирди. Усти боши юпун, ранги бир аҳвол, бироқ боқишлари дадил. Исҳоқ ўрнидан турди.

— Э-э, ҳазрати ҳофизми?— деб қучоқ очди.— Бор-мисиз? Қаёқлардан сўрайлик?

Қучоқлашиб сўрашди. Исҳоқ қаландарнинг қўлини тавоф қилди.

— Келинг! Тўрга ўтинг, ҳазратим.— У ҳайрон бўлиб турган Мўминга ишора қилди:— Мўмин ака, ўрдамизга файз кирди, чақиринг, ҳазратга келиб қўл беришсин...

Мўмин буйруқни бажариш учун чиқиб кетди.

— Э, ўғлим, ўрдага бош бўлганингни эшитиб, тожтахтингни, бошинга қўнган бахтингни муборақбод этгани атай келдим,— деб қаландар қаерга ўтиришини билмай турувди, Исҳоқ қўлтигидан олиб тўрга ўтқазди.

...Бу киши билан Исҳоқ кўп йиллар муқаддам учрашганди.

— Қаёққа бораман дединг, йигит?

— Тошкентга, тақсир.

— Салт туя бор, миниб ол, мусулмон фарзанди

экансан. Айтгандай, кира ҳақи қандай бўлади, яхши йигит?

— Манзилга етгунча хизматингизни қиламан.

— Ҳай, майли, Марғилонга боргач, бу юкларни тушириб, бошқасини юклаймиз. Кейин Андижонга, ундан Наманганга қўниб, сўнг Тошкентга йўл оламиз. Юкларни тушириш, ортишда қарашасан, майли, юравер...

Исҳоқ меҳмон билан ҳол-аҳвол сўрашиб ўтираркан, кўз олдида ўша олис сафар гавдаланди.

Карвон кеч учган турналардай чувалиб, Сирдарё бўйидан рўпарадан эсанг изгиринга юз тутиб шимолга борарди. Карвонбоши олдинда кўк хачирнинг узун қулоқларидан кўз узмай, узангини ниқтарди.

— О-оой... хотиним қолди-и-и-и Қашқарда-а-ё-ё... — деб қария осмонга қараб қўйди.

— Ашуласи шунақа, — деб кулиб қўйди кейинда келаётган малай Исҳоққа қараб. Сўкишдан бошқани билмаган карвонбошидан ўзга қўшиқ кутиш мумкин эмасди. У ҳар доим шу бир сатр қўшиқни айтиб, узоқ Қашқарда қолиб кетган хотинини гоҳо эслаб қўярди.

— Қани, тезроқ, — деб чол кўк хачирни тўхтатиб, орқада қолганларни шоширди. — Тез! Ёйилмай, тез-тез юринглар.

Малайлар «чуҳ-чуҳ»лаб уловларни қисташди. Гўё илон инга кириб бораётгандай, карвон ортини, орти эса олдини кўрмайди. Муюлишдан муюлишга қайрилиб сойга кириб борди. Кеч кириб қолди. Соини дарров қоронғилик босди. Карвонбошининг қистаганича бор экан. Чунки бу ер қароқчилар макони экан. Жойнинг номлари ҳам «Эгри сув», «Ўғрисой».

Карвон «Ўғрисой»дан чиқаётганда ён тарафдан шовқин келди. Исҳоқнинг қулоғига отнинг дупури эшитилди. Кейин нимадир ихраб-сихради, гингшиди. Карвон тўхтади. Икқита соя олишаётганга ўхшади. бири «инграб» йиқилди. Ёнидаги соя серрайиб турарди. «Қашқир экан», деди Исҳоқ. Қашқир сал нарида тилини осилтириб турарди. Кўзи ёнарди. Исҳоқ туяни чўқтирди, арқонни қаландарга ушлатиб, тилсиз ёвни кўрқитмоқчи бўлди. Қашқир ғам емай ириллаб қўйди. Ерда ётган шарпа «вой» деб ингради. Исҳоқ қичқирди:

— Эй! Одам экан!

Исҳоқ энгашиб қаради, жабрланган кишининг ичаги чуваланиб кетганиди, ўзи ҳадеб ингради.

— Ҳой, кимсан?— деди Исҳоқ.

У қорнини чангаллаб:

— Э-э, тирикчилик-тирикчилик,— дерди инграб.—
Уроқчилик қилиб ишдан қайтиб...

Исҳоқ билан малай унинг бошини кўтаришди.
Қашқир ҳамон тумшугини ялаб турарди.

— Пешона терим билан ўн чорак буғдой тўп-тўп-
ловдим. Ура кавлаб хирмон бо-ши-га...

Қаландарнинг раҳми келиб деди:

— Оббо, шўрлик-э...

— Бу бало сенга қаёқдан йўлиқди?— деди Исҳоқ.

— Анчадан бери, во-ой, эргашиб юрибди. Қўлим-
да калтак билан ўроқ бор эди. Калтакни мўлжаллаб
иргитсам тегмади. Во-ой, во-о-ой. Кейин у калтакни
тишлаб, ҳу олисга элтиб ташлади, яна изимга тушди.
Унга даф қилмоқчи бўлувдим, ўроғим қўлим-
дан чиқиб кетди. Вой... Воо-ой... Кейин, кейин шу
аҳвол...

— Сабр қил, ўзингни тут. Олиб кетамиз,— деди
Исҳоқ.

Шу пайт карвонбоши бақириб қолди:

— Ҳо-о-ой! Нима бўлди? Тезроқ, тезроқ...

— Қани энди кетайлик,— деди малай.

Йиртқич ҳамон кўзлари ёниб, тумшугини ялаб
ўтирарди.

— Туяни чўктир,— деди Исҳоқ малайга.

— Йўқ, мен бари бир ўламан,— деди ҳалиги киши.

Яна карвонбоши бақирди.

— Майли, кетаверинглар. Йўлда бир кулба бор,
кириб, беш етимчани пешонасини силаб ўтинглар.

— Ҳой, биз сени ташлаб кетолмаймиз.

— Хайр, мен бари бир ўламан,— деди ажал сирт-
моғи бўйнидан қисаётган одам.— Кетаверинглар. Агар
малол келмаса, бошимни чолоним билан ўраб қўйинг-
лар. Йиртқичнинг тиши бегуноҳ юзимга тегмасин.
Во-ой...

Исҳоқ, қаландар ва малай учови жон бераётган
одамнинг охирги илтимосини бажариш учун ерда
йиртилиб ётган чопон билан унинг бошини маҳкам
ўрашди. Улар уловга минишлари билан қашқир ирил-
лаб деҳқонга ташланди, уни кўтариб ерга урди, бир
вой деган овоз эшитилдию жим бўлиб қолди, қашқир
тишлаб, тортиб узиб ея бошлади...

Мол аччиғи, жон аччиғи. Молларини манзилга эсон-омон етказиб олишдан бошқа нарсани ўйламаган карвонбоши тутақиб кетганди, у Исҳоқ келиши билан бўралатиб уни сўкиб кетди:

— Эй, онаси талоқ! Нега тўхтадинг? Отангни қариндошими? Онаси талоқ!

— Мусулмон фарзанди экан,— деди Исҳоқ.— Қашқир қорнини ёриб кетибди.

— Улган бошқа! Уни менга нима дахли бор? Мунча раҳмдил бўлмасанг. Мени қароқчилар талаб кетсинми?— Исҳоқнинг орқасига мингашиб олган қаландарни кўрган карвонбошининг ғазаби яна авжига чиқди.— Энди орқангдаги сўлақмонга бало бормиди? Индамасам бошимга чиқиб оласан шекли?

— Хўжайин, қари киши экан...

— Туш! Икковинг ҳам туш! Бошимга бало бўлдинг,— деб буюрди карвонбоши. Қаландар билан Исҳоқ туядан тушди. Карвонбошининг қўполлиги Исҳоқнинг нафсониятига тегди.

— Эй, тўхта,— деб хачирнинг тизгинига ёпишди,— мен хизматингни қилиб келяпман. Ваъда Тошкентгача эмасмиди?

Кўк хачир тизгинига етказмади. Карвонбоши қамчи ўқталиб:

— Хизмат эмиш? Эҳ, эси йўқ дайди. Қашқирга қўшимча ем қилиб ташлаб кетмаганим учун хурсанд бўл.

Исҳоқ куйиниб кетди.

— Кел, ўлдириб қўяқол!— деб орқасидан югурди. Қаяқда, кўк хачир югуриб туялардан ўтиб кетди.

— Қўй, хафа бўлма,— деди қаландар Исҳоқни юпатган бўлиб,— мол-дунё ортидан юрган савдогар экан. Худога сол. Худо холис...

— Сизни деб...— Исҳоқ тутулиб қолди.— Иложимиз қанча? Худога солдим. Қўлимдан келса боплаб, ҳисоб-китоб қилардим.

— Бу кўр бандани кечир, ўғлим,— деди қаландар.— Ҳеч қачон ёмон ният қилма. Ҳалол ва покдомонликка нима етсин? Кимки кечирса, дили равшан тортади. Бировга ёрдам бериш ўрнига, фақат ўз айшини, ўз нафсини кўзлаганлар ҳақида донолар қуйидаги байтни тўқишган:

О, кўр банда, кўр банда,
Уйга толдим кўрганда,
• Сағир бола ер топар,
Тул хотин-чи, эр топар.
Чивиндай жон чирқираб,
Ахир қайдан жой топар?!

Этаги йўқ, энги йўқ,
Энли кўйлак киярсан.
Эшиги йўқ, тўри йўқ,
Холи уйга кирарсан...
О, кўр банда, кўр банда,
Не қиларсан ўшанда?!

Икки йўловчи йўлда давом этишди. Қаландар чол суҳбат жиловини қўлига олди:

— Бу худонинг буйруғи, мана бу тоғ ортида қурама уруғи яшайди. Бориб, туз тотиб кетармиз.— Исҳоқ рози бўлди. «Шошиб қайга борардим? Тошкентда соғиниб кутаётган бирор кишим бўлмаса»,— ўйлади у.

Улар қоронғида бир-бирини етаклаб, туртиниб-суртиниб кўп йўл юришди. Исҳоқ чарчади. Қария унга далда берди:

— Шунақа, ўғлим, бошга тушса кўз кўради. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам билиб, иш юрит. Тўсатдан келган омадга унча қувонма. Ногаҳон ёмонликка дуч келсанг, эсанкирама. Бу дунё шундай. Гоҳ туя минасан, гоҳ яёв юрасан...

Эртасига улар бир қишлоқдан ўтишди. Итлар тинмай ҳуларди. Четдаги бир уйдан қизил кўйлак кийган аёл чиқиб, «Ия, девоналар экан», деб ўзича гапириб, пича томоша қилган бўлди ва «Кет-кет», деб итларни ҳайдаб юборди. Эшикка яқинлашганда қаландар ўз одатига кўра ёқимли овозда хониш қилди:

Бу дунёда не бўлмас?
Пирн бўлмас эл бўлмас,
Феъли яхши кам бўлмас,
Қалампир асло туз бўлмас.
Хотин ғингшиб қиз бўлмас,
Жар қуласа сув бўлмас,
Ғариб ўлса башарти,
Унчалик ғулу бўлмас...
Давлат кетса қўлингдан,

Келмоғи қийин қайтиб,
Утар-кетар умринг ҳам,
Сомондайин сарғайиб.
Толнинг шохи синса гар,
Чинор бўлмаз у қайтиб.
Ўтган умр — учган қуш,
Қоласан аттанг айтиб?!

Еш аёл қўшиқдан таъсирланганидан кўзида ёш халқаланиб, уйга кирди-да, нон олиб чиқди. Исҳоқ нонни тўрвага солди.

— Кам бўлма, қизим, кам бўлма...— деб қаландар дуо қилди.

Сал нарироқдаги катта қўрғон эшигида басавлат бир киши икки қўлини кўксига қўйиб турарди.

— Э, ҳазратим... Келинг, келинг,— деб кутиб олди.

Исҳоқ хурсанд бўлди. Уй эгаси меҳмонларнинг ҳурматини жойига қўйди. «Булар эски таниш шекилли, яхши дам олиб, қоринни ҳам тўйдириб оладиган бўлдик»,— деб кўнглидан ўтказди Исҳоқ.

— Сен ким эдинг, қадрдоним?— деб сўради қаландар уй эгасидан.

— Менинг отим Қулбароқ, ҳазратим,— деди у.— Сизни бундан уч йил аввал Наманган бозорида кўрганман. Мени танитайсиз. Ушанда олтинга тенг сўзингизни эшитганман. Мана, биз ёққа келиб қолибсиз, уйимизнинг тўри сизники.

— Илтифотингиз учун раҳмат,— деди қаландар.

Эшикдан икки ўспирин кириб келди-да, салом бериб пойгакда туриб қолди.

— Қани, отанг билан сўрашинглар-чи.

Улар бир оз тортиниб, қарияга қўл чўзишди.

— Ҳа, яхши, барака топинглар, умрларинг узун бўлсин,— деди қаландар.

— Шунга фотиҳа беринг, ота,— деб бир бола қаландарга юзланди.

Қўзини сўйишга рухсат берилди. Уй эгаси ўғлидан хурсанд бўлиб:

— Тезроқ бўлинглар, меҳмонлар кутиб қолма-син,— деди.

Ўша куни тонгга қадар мурувватли хонадондан чироқ ўчмади. Яқин орадаги ёшу қарилар, қизу жувонлар тўпланди. Қаландар чарчоқни ҳам унутиб,

ажойиб-гаройиб саргузаштларни ҳикоя қилди, ўрни келганда қироат билан қуйидаги мисраларни ўқиди:

Кенг кўнглимиз чақмоқларнинг ўтидан,
Кўз ёшга-чи шўрхок кўлдан қўшилган.
Чопиб юрмоқ тимсол эрур шамолдан,
Юракларга қизил йўлбарс қамалган,
Сўрагайлар инсон ўзи недан деб,
Яралганмиз номи улуг «одам» деб,
Оз эрур ичар суви, кўрар куни,
Тирикчилик дейдилар ахир буни...

— Э-ҳе, одам дегани шу-да,— деб ўтирганлар қаландарга таҳсинлар айтишди.

Ҷария суҳбатга алоҳида файз киритиб, «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун» дostonларидан айтди, ўхшаши йўқ эр Манас ҳақида ҳикоя қилди. Қўни-қўш-нилар эрталаб тарқалди. Меҳмонлар пича мизгиб олишгач, йўл тадоригини кўришди.

— Раҳмат, сизлар келиб хонадонимга қут-барака киргандай бўлди,— деб уй эгаси икковига биттадан чопон кийдирди.

— Эй, қадрдоним, бизга чопонинг эмас, холис ниятинг керак,— деди қаландар.

Улар уй эгаси билан хайрлашиб, ташқарига чиқишди. Эшикда икки ўспирин икки отнинг тизгинидан ушлаб турарди.

— Энди ҳазратим,— деди уй эгаси,— оз бўлса кўп ўрнида кўриб, миниб кетинглар.

Иккала от минишга тахт, қамчиси эгар қошида, Исҳоқ: «Оҳ, азобдан қутуладиган бўлдим», деб қувонди. Қаландар уй эгасини ва икки ўспиринни дуо қилиб олқади.

Улар йўлга тушди. Қўшни қишлоққа кираверишдаги кулбадан бир хотин югуриб чиқди. Ҷария ундан ҳол-аҳвол сўради. Хотин бор гапни айтди:

— Ҳа, айланай, бу бир бечора камбағалнинг оила-си. Жўжабирдай жон. Эри бугдой ўргани кетувди. Икки кундан буён дараги йўқ... Хотини тўлғоқ тутиб, қийналяпти...

Исҳоқнинг юраги шув этди. Кўз олдига кўк ёлли қашқир ва у билан жон талвасасида олишган деҳқон келди.

— Мана,— деди қаландар.— Менинг ҳассамни ушлатиб, қўлтиғидан суяб, бир оз юрғизинг, бечорага ёрдам беринг.

Хотин қаландарнинг ҳассасини олиб, уйга кириб кетди. Кўп ўтмай «Инга!» «Инга-а!» деган овоз эшитилди. Қаландар пичирлаб «Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар»,— деб дуо ўқиди. Анчадан кейин ҳалиги хотин югуриб чиқди:

— Суюнчи, ҳолва...

— Умри билан бўлсин,— деди қаландар ва киссасидан бир мири кумуш танга чиқариб узатди.

Улар уйга киришди.

— Қани энди гўдакка от қўйиб беринглар,— деди доя хотин.— Ёки кўпнинг ичида омон юрсин деб Адаш қўяйликми?

Қаландар кўнмади.

— Болага яхши ният билан исм қўйиш керак. Хаёлга келган нарсани, кўзга кўринган буюмни исм қилиб айтиш яхши эмас. Менимча, қизим, янги меҳмоннинг оти Бахтбиби бўлсин.

— Оғзингизга мой, ота, айтганингиз келсин,— деди кўз ёрган аёл.

Қаландар чақалоқнинг бетини сал очиб, меҳр билан:

— Бахтбиби, ҳо, Бахтбиби, Бахтбиби,— доя расм-русмга кўра уч марта қулоғига азон чақирди.

Уйда улардан бошқа беш бола кўзлари жавдираб ўтирарди. Каттаси ўн икки ёшларга бориб қолган ўғил эди. Қолганлари бири-биридан ширин, мунчоқ каби кизалоқлар. Исҳоқ нигоҳини ўғил боладан узмай:

— Исминг нима, йигит?— деб сўради.

— Бойтўғон...— деди бола бурнини тортиб.

Исҳоқ бош ирғади. Хаёлига, «йўлда етимлар учраса, бошини силаб қўйинглар», деган гап келди. Доя хотин дастурхон ёзди. Меҳмонлар тамадди қилишди. Фотиҳа ўқилгач, қаландар болани пешонасидан ўпиб, қўлига қамчи тутқазди.

— Ол, азамат йигит. Энди эшикдаги от сеники бўлди. У Бахтбибининг суюнчиси, миниб юр.

— Бобоси ҳазиллашяпти,— деди кўз ёрган аёл. Боланинг қўлидан қамчин тушиб кетди. Чол хафа бўлди.

— Ҳазил эмас, олавер. Болани уялтирманглар. Мендан совға, эслаб юрар. Ноумид шайтон.

Хотинлар, «хизр деганлари шу эмасмикин», деб хайрон бўлиб қолишди. Қаландар йўлга тушди. Исҳоқ отининг тизгинини ушлаганча унга ажабланиб қараб турган болани чақирди:

— Эй, Бойтўғон,— деди Исҳоқ. Бола чопиб келди.

— Мана бу отни ҳам ол. Отанг эсон-омон келса, «Бир қиёматлик дўстингиз сизга ташлаб кетди», деб айтарсан.

Исҳоқ отнинг тизгинини болага тутқазиб, қаландарнинг орқасидан жадал кетди. У йўлдошига етганида қаландар шундай деди:

— Олишнинг бериши бор, деб шунга айтишади.

Исҳоқ қаландарнинг тўрвасини кўтариб, ундан турли ҳикоятларни жон-дили билан эшитиб борарди. Йўлдошинг яхши бўлса, олис йўл ҳам билинмайди. У шундай қаландар билан ҳамроҳ бўлганидан мамнун эди. У чолдан тасбеҳнинг ёқут доналаридай қадр-қимматга эга бўлган рубойларни, байтлар, мақол ва маталларни эшитиб, йўл-йўлакай ёдлаб борарди. Исҳоқ умрида биринчи марта жаҳонга машҳур Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Мир Алишер, Аҳмад Ясавий каби шоирлар номини эшитиб, уларнинг дурдоналаридан ана шу қаландар туфайли баҳраманд бўлди.

Икки йўловчи қаерда бўлмасин, учраган одамлар эски қадрдонлардай «Ҳазрати қаландар ҳофиз», деб ҳурмат билан қарши олишарди. Исҳоқ уст-боши тўзиб, чориқлари йиртилиб, кеч кузда Тошкентга етиб келди. Аммо у йўлда озиб-тўзган бўлса-да, ақли тўлишди, ўзини босиб олди, ҳаётнинг паст-баландини ўрганди, тушунди.

Ҳозир ўша қаландарнинг дайди бир ҳамроҳини йўқлаб келиши Исҳоқнинг ақлига сиғмасди. Бундан бир оз олдин отаси Ҳасаннинг пойинтар-сойинтар гапларидан кейин бу қариянинг ташрифи нур устига аъло нур бўлиб, тахт эгасининг кўнглини тоғдай кўтарди.

Янги ўрданинг казо-казолари тўпланди. Дастурхон ҳам Исҳоқнинг кўнглидай тўкин-сочин бўлди. Суҳбат одатдан ташқари қизиди. Қария қаландар ажойиб-ғаройиб воқеалардан, қизиқ ҳикоятлардан сўзлаб берди.

— Бир вақтлар Ҳиндистонда ватандошимиз, маш-

ҳур шоир Муҳаммад Заҳриддин Бобирнинг набираси Акбар шоҳ ўтган. Бу ерда тили бошқа, дини бошқа, мазҳаби бошқа жуда кўп эл яшаган. Шунда султонга мамлакатни бир йўсинда бошқаришга тўғри келади. Акбар шоҳ донишмандлик билан иш тутиб, ҳар бир диндан биттадан уламо чақириб, худонинг ягона эканлиги, Мусо, Исо, Муҳаммад каби пайғамбарлар бирига душман эмаслигини тушунтириб, бандаларнинг бурчи, ахлоқи, одоби тўғрисида атрофлича гапиради. У турли миллатдан уйланган бўлса-да, ожизаларини ўз эркига қўйган, мусулмон бўл, деб мажбур қилмаган. Ана шундай йўл билан қадимий Ҳиндистонни бириктирган, халқлари тинч-тотув яшаган.

Ўтирганлар ҳайратдан ёқа ушлашди.

— О-о!..

— Зап ақлли экан-да!

— Ақли бўлмаса Ҳиндистонга султон бўлармиди?!

Хусусан Исҳоқ жуда қувонди. У ўрислар билан алоқани яхшилашга интилиши беҳуда эмаслигидан руҳланди.

— Бу шайтоннинг васвасаси,— деди кимдир баланд овозда.

Исҳоқ қаради. Отаси Ҳасан эди. Барчанинг фикри бўлинди. Баъзилар зимдан хонга қаради. Исҳоқ хижолат бўлганидан қизариб, «Тилинғизни тийинг», деб отасига дакки бермоқчи ҳам бўлди, лекин қаландар уни босиб қўйди:

— Майли, зиёни йўқ,— деб ўтирганларни тинчлантирди. Мулла Ҳасан титраб-қақшаб яна гапирди:

— Шариатга хилоф сўзни айтди. Қадим замонларда ўтган ғайридинларнинг кечмишини ҳикоя қилди. Э, мусулмонлар, бутхона билан табаррук масжид ён-ма-ён бўлмайди. Мусулмон фарзанди ғайридин хотин билан бир ўринда ётмайди. Бу шариатга сигмайди.

Қаландар пинагини бузмай, бамайлихотир бир масал айтди:

— Айтишларича, бир замонлар ўра тубида ётган бир қурбақа билан бургут дўст тутинган экан. Бургут бир куни кўкда парвоз қилиб бўлгач, ўра қирғоғига қўнибди. Қурбақа пастда туриб сўрабди: «Эй, ошна, қаёқларда қолиб кетдинг?»— «Булутлар оша кенг оламни кезиб, қуёшга яқинлашдим, ойни бир айланиб ўтдим»,— деб жавоб қайтарибди бургут. Қурбақа уни

бир синаб кўрай-чи, деб савол берибди: «Қуёш нечта? Ой-чи? Юлдузлар-чи?» Бургут жавоб берибди: «Қуёш битта, Ой ҳам битта. Юлдузлар эса жуда кўп экан, санай олмадим». Ушанда қурбақа уни мазах қилиб роса кулибди: «Елғончи», «Алдамчи», «Ва-ҳа-ҳа»... Бургут эса: «Етган еринг ўра туби бўлгач, сенга битта юлдуздан бошқа нима кўринарди?» — дебди-ю, учиб кетибди...

Дастурхон атрофидагилар гур этиб кулишди.

Мулла Ҳасан ёқасини ушлаб, калима келтирди, этагини қоқиб, даврадан чиқиб кетди.

Ширин суҳбат бузилмади. Қаландар Исҳоққа бағишлаб қасида ўқиди:

Қулоқ солгин, юрт эгаси, ҳукмдор,
Бевафодир бу даврон, ушбу бахтинг.
Кўрган кунинг бетиним оққан дарё,
Дарё узра кўпикдир тожу тахтинг...

Янги ўрданинг аҳли донишлари қимир этмай ўтиришарди. Илгари бу хил ишларни кўрмаган Бекназарнинг оғзи очилиб қолди. Исҳоқ хаёлга чўмиб ўтирарди.

Бечорага ризқи рўз бер, жўмард бўл,
Шафқат нурун таратгин кундай ёрқин.
Дунё боқий, эллар яшар, эр яшар,
Халқ оғзида бир умр номинг қолсин.
Юрт эгаси, эсли йигит ўшанда,
Номинг қолур азрў-азал, ўлмассан.
Кўк тоқида юлдуздайин ярқираб,
Сен абадий нур бахш этиб, сўнмассан.

— Балли! Балли! — деб жамоат тасанно айтди.

Исҳоқ қаландарнинг қувваи ҳофизасига тан бериб, этагини тавоф қилди.

— Ҳазрат, — деди Исҳоқ суҳбат охирида, — саройимизда бизга бош-қош бўлиб, ўғит ва пандингиздан дариг тутмасангиз. Илтмос, ўрдада қолинг.

— Ҳукмдорнинг сўрови буйруқдир. Майли турайн, бироқ бошингга юк, ошингга шерик бўламан. Бошқа фойдам тегмайди. Мана, нимаики билсам, айтдим. Иложим йўқ...

У бир сўзли одам эди. Қаландарни на Хоразмшоҳ

ва на Бухоро амири саройда олиб қололганди. Қариянинг илҳом манбаи, қувончи, ташвиши фуқаро эл билан бирга эди. Исҳоқ бошқа гапиргани ботинмади. Чол мол-дунёдан, от-уловдан, шоҳона кийим-кечакдан кўра фақирликни, ростгўйликни, бағри кенгликни ҳамиша устун қўяжagini яна бир марта исботлаб, эрталаб хайр-маъзур қилди.

Исҳоқ:

— Бизни унутманг, ҳазратим,— дея олди холос.

* * *

Уша куни Марғилонда бозор куни эди, қаландар расталарни айланиб, Исҳоқнинг исми зарб этилган олтин тангаларни чўнтагидан олиб бева-бечораларга улашарди.

Бу дунёда не ғариб?
Ййдоқ дала, бўз ғариб.
Айтилмаган сўз ғариб,
Ўз тенгдоши қолмаса,
Йигит қолгай тез ғариб.
Янгаси сирдош бўлмаган
Қиз ғарибдир, қиз ғариб.

— Балли! Яшанг, ота!

Қаландар бозордан чиқди-да, дарвоза ёнида ўтирган гадога Исҳоқ совға қилган дўппини кийдириб, чойхонага кирди ва тамадди қилиб олгач, йўлга тушди.

Бу дунёда ким армонли?
Тўртов тугал бўлмаган.
Нафсиз ётган кўлда армон,
Оққуш келиб қўнмаган.
Шоҳ донишманд бўлмаса,
Халқ овора, элда армон...

Қаландар оқшом чоғи олисга сафарга чиққан қашқарлик карвонбошига сўнгги олтин тангасини ҳадя қилди-да, эшагига миниб, ўз йўлида давом этди...

V

Улканинг ички сиёсати билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Негаки, бир ёқдан Худоёр қурама аскарлари билан тез-тез ҳужум қилиб, яқин орадаги қишлоқ-

ларга хавф-хатар солиб турарди. Бир ёқдан ярим подшо Наманган билан Хўжандни қайтадан босиб олди. Исҳоқ шошиб қолди. У қишлоқларга, шаҳарларга элчилар юборди, элчилар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, халқ билан гаплашди, ярим подшо билан муносабатни яхшилашни уқтирди. Афсуски, фон Кауфман Исҳоқни хон сифатида тан олмади. Қайтага уни «дайди», «ўғри» деб камситиб, хуружни кучайтирди.

Фон Кауфман собиқ хонларнинг ҳуқуқини кўтариб, Исҳоққа қарши тўғридан-тўғри рус аскарларидан фойдаланишга қарор қилди. У ёш, қайсар генерал-майор М. Д. Скобелевни етакчи қилиб фронт очди. Генерал Скобелев дастлаб Вали билан Балиқчи қишлоғининг ёнида тўқнашди ва унинг ўн мингдан ошиқ кўшинини тор-мор этиб, Балиқчини эгаллади. Айниқса Вали саркорнинг таслим бўлиши Исҳоқни таҳликага солди.

Исҳоқ Марғилонга қайтди. Ўзига ишонган кишиларни бир кунда тўплаб кенгашди. Ғазоват ҳақида, руслар нима учун Худоёр билан Насриддинни ҳамон қўллаб-қўлтиқлаётгани, уларнинг меҳрибонлиги янглиш экани борасида сўз юритиб, энди нима қиламиз, деб ўз яқинларига мурожаат қилди.

Маслаҳатгўй мулла Муса, парвоначи Умирбек додхоҳ, удайчи Сулаймон, дўсти Абдуллабек, Бекназар ботирлар ҳукмдорга қандай жавоб беришларини билмай қолишди.

— Тўғри, — деди Бекназар, — Сари-Ўзан-Чуй томондан келган дўстларимиз ўрисларнинг шафқатли эканлиги тўғрисида айтишган эди. Ким билади, бу Тошкентдаги ярим подшо ўрис эмасмикин? Айтишларича, тошмеҳрроқ миллатдан эмиш.

— Қизиқ, нега у бизни ўз эркимизга қўймайди? Нима ҳақи бор? Нега аралашади? — деди Абдуллабекнинг ғазаби қайнаб.

Кўпни кўрган Умирбек додхоҳ хўрсинди.

— Нима ҳақи бор деймиз. Чунки, кучли! Азалдан кучли одамнинг айтгани-айтган бўлади. Кучлини куч тўхтатади.

Тўпланганлар «Нима қиламиз?» деган саволга жавоб топишолмади. Исҳоқ сўзлади:

— Биз ҳаддан ошдикми, нотўғри йўлдан юрдикми? — деб сўради-ю, ўзи жавоб қайтарди: — Йўқ, биз

иложи борича ўрис билан алоқани мустаҳкамлашга, улар билан урушмасликка ҳаракат қилдик. Ёки ёлғонми?

— Тўғри, меҳнатимиз беҳуда кетди,— деди Абдуллабек.

— Нима қилайлик?— деди Исҳоқ,— ярим подшо ҳаракатимизни кўра-била туриб, кўнмади. Бизга нима қолди? Бизга ўз еримиз, ўз элимиз учун ўт кечиб, сув кечиб жанг қилишимиз қолди. Бошқа қулайроқ йўл бўлса айтинглар, токи биз ўша йўлда азоб чекмайлик...

— Бошқа йўл йўқ, Исҳоқ!— деди барча.— Қочиб қаерга борамиз? Яна ялиниб-ёлбориб нима топамиз?

Исҳоқ кенгашга яқун ясаб:

— Баҳодирлар,— деб буйруқ қилди.— Қайси биримизнинг отамиз тахтда туғилиб, тахтда ўлган? Бизга тахтдан кўра киндик қонимиз тўкилган она-Еримиз қиммат. Зотан шундай экан, аҳли дониш оғалар, беклар ва саркорлар, асл мақсадимизни оддий халққа бориб айтинглар.

— Бош устига, шоҳим!

— Хўп бўлади, ҳукмдор!

Исҳоқ навкарларининг бу сўзларидан на қувонди, на қайғурди. У ўз халқининг озодлиги учун курашаётган кўзғолончилар бошида турганлигидан руҳан бардам, бақувват эди.

* * *

Арзим бор деб бир қора соқол киши Исҳоқнинг олдига кирди. У сўрашиб чўккалади. Исҳоқ қизиқсиниб сўради:

— Ҳеч ким йўқ, айтавер. Андижондан қачон чиқдинг? Ишлар қалай?

Меҳмон тамшаниб олди.

— Ўлаётган бўлса-да, бизнинг халқ «яхшиман» дейди.

Исҳоқнинг кўзлари чақчайди:

— Иш ёмонми? Очиғини, ростини айт...

— Сен ишонган бекларингни берган тузинг урадиган бўлди. Сенинг шон-шавкатингга шак келтириб, «қаёқдаги бир дайди, саёқ», деб, ўз ёнларига шубҳали кишиларни тўплашмоқда.

Исҳоқнинг қути ўчди.

— Чамамда, Искобил пошшо билан яширин алоқа ўрнатмоқчи...

Исҳоқнинг ҳар бир шаҳар ва вилоятга қўйган ишончли айҳоқчилари бўлиб, улар фақат ҳукмдорнинг ўзига ҳисобот бериб туришарди. Бундай қуйма қулоқлар Абдуллабекни, Бекназар ботир, ҳатто хамирдан қил суғургандай иш битирадиган Абдумўминбекнинг орқасида ҳам бор эди.

— Тўхта, тўхта...— ғазабдан Исҳоқнинг овози титради.— Бу ёғини менга қўйиб бер. Минган отинг дурустми? Ёмон бўлса, яхшисига алмаштириб, Андижонга тез жўна.

Исҳоқ шундан кейин қўли қалтираб: «Ушбу хатни кўрсатган кишининг барча талаби зудлик билан амалга оширилсин!» деб аранг ёзди-да, пастига муҳрини босди ва қора соқолли кишига берди. Қора соқолли киши ёрлиқни қўйнига солиб изига қайтди.

Шу кунни кечқурун Исҳоқ аркони давлатни чақириб, мажлис қилди.

— Ҳа, Шомирза! Ҳа, Ёрмат!— деб Исҳоқ ишонган дўстларидан хафа бўлиб, фиғони фалакка чиқарди.— Уларнинг терисини шиламан. Сотқинлар! Чақимчилар!

Урда аҳли ҳангу манг. Нима гап?

— Мана!— деди Исҳоқ турмакланган қоғозни ўртага иргитиб, ўзи дарча олдига кетди.

Ҳаг-саводли кишилардан бири қоғозни ёзиб, тутиб ўқий бошлади: «Ҳурматли бек, бу иссиқ дуойи саломни биродарларингиз Ёрмат ва Шомирза додҳоқлардан деб билгайсиз. Ҳазратим, сизнинг қуш тилидай номаъғиз бизга етиб келди. Кўп хурсанд бўлдик. Ёлғиз оллоҳ қувват берсин. Сизнинг уйингиз бизнинг уйимиз, сизнинг йўлингиз бизнинг йўлимиз. Тезроқ хабардор қилинг, Искобил пошшо яқинлашиб қолди, не маслаҳат бергайсиз?..» Утирганлар бир-бирига қараб қолди. Исҳоқ ҳамон дарчага қараб турарди.

— Ие, бу нима деган гап?— деди биров. Утирганлар бош чайқашиб, шивирлашиб қолишди. Исҳоқ яқин келди-да:

— Эшитдингларми, кунни кеча бир одам менга, «бекларинг бу Исҳоқ дайди, саёқ деяпти», деб айтганди. Мен кўп ўйладим. Аммо бу гапга ишонмовдим.

Бугун эса бекларнинг хати қўлга тушди. Бу Абдурахмоннинг номига ёзилган мактуб. Муҳрини қаранглар.

Қоғоз қўлдан-қўлга ўтди. «Худди ўзи! Ёрмат» деб қўйибди. Ғазабдан Бекназарнинг кўзи қонга тўлди, тили тутилиб қолди.

Исҳоқ Бўстон уруғидан бўлмиш Амал деган эшик оғасини элбеги этиб, Бекназар ботирни аскар бошлиғи қилиб ўша куни сараланган тўрт минг қўшиқ билан Андижонга жўнатди.

— Ботир, соғ бўл. Андижон бизнинг бешигимиз, — деди Исҳоқ хайрлашаётиб. — Қўлдан чиқиб кетмасин. У ёғини ўзинг биласан.

...Исҳоқ тунда энди ётмоқчи бўлиб турувди, ташқаридаги уйдан шивир-шивир товуш эшитилди. Исҳоқ биротар пистолни қўлига олди. Таниш овоз эшитилиб, Мўмин кирди.

— Тақсир, отангиз...

Исҳоқ рухсат берди. Эшикдан мулла Ҳасан кўринди. Исҳоқ қоғоғини солди. Отаси ҳам хафа эди.

— Келинг, шу бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?

Мулла Ҳасан жаҳл билан тез-тез гапирди:

— Барча доно кишиларни қириб, ялангоёқлар билан қолмоқчимисан?! Қора халқнинг қўлидан нима келади? На пули, на моли бор?

— Худди ўша сиз тарафини олаётганлар сотқинлик қилиб давлатимизга раҳна солмоқда.

— Бас қил! Бас қил, болам! Шомирза додхоҳ яхши одам, Ёрмат додхоҳ дин учун жон куйдирапти. Эшитдим, кимдир ёмонлаб келибди. Жаллодларингни йўлдан қайтар. Ўзингга ёмон бўлади.

— Қайдан биласиз менга ёмон бўлишини? Ким айтди? Йўқ, сўзимдан қайтмайман. Иккови ҳам сотқин. Тузим кўр қилсин. Уларга биргина жазо...

Мулла Ҳасаннинг авзойи ўзгарди, зардаси қайнаб гўлдиреди:

— Пайғамбаримизнинг кўк туғини кўтариб, кофирларга қарши туради, деб сендан қувонган эдим. Абдурахмон офтобачи билан Абдимўминбек обрусини тўкканингдан кейин сендан ихлосим қайтган эди. Энди элдан ҳам, диндан ҳам чиққанингга аниқ ишондим.

— Етар! — деб бақирди Исҳоқ. У ўз отасидан

бундай гапни кутмаганди. Иккови бир-бирига қарамай жим бўлиб қолди. Ота боладан, бола отадан беҳад норози эди.

Исҳоқ кафтини кафтига урди. Шу заҳоти эшик оғаси кириб таъзим қилди.

— Тўхтанг, ота, юзбоши келсин, нима қилай, менинг мақсадимга тушунмадингиз. Кеч бўлиб қолди, сизни кузатиб қўйишсин.

Мулла Ҳасан эски одатига кўра индамай, Исҳоқни ранжитиб чиқиб кетди. Шундан кейин ота-бола юз кўришмади...

Бекназар тўрт минг сипоҳий билан Андижонга яқин бир қишлоққа қўниб, оқилона иш тутди, иккала додхоҳга: «Ҳурматли Шомирза додхоҳ ота, қадрли Ёрмат додхоҳ оға, ушбу хушхабарни сизларга хизмат қилгувчи Бекназар укангиздан деб билгайсизлар. Тақсир Оллоёр Баҳодир Исҳоқхон мени, мен билан тўрт минг қўшинни сизларнинг қарамоғингларга юбордилар. Шаҳардаги аскарларни ташқарига олиб чиқиб, биргаликда томоша ва кўнгилхушлик қилишни табаррук ёрлиққа биноан лозим деб топдик», деб мактуб ёздирди. Мактубга муҳрни босиб, чопар орқали Андижонга жўнатди. Айш-ишрат устида ўтирган ҳар икки додхоҳга бу таклиф ёқди. «Тўрт минг аскар чакана эмас», деган маънода улар кўз уриштириб олишди. Андижоннинг четида икки қўшин учрашди.

Бекназар Шомирза билан Ёрматни банди қилиб, «чақимчи», «сотқин экан»лигини эълон қилдирди, халқ бошқача гумонга бормаслиги учун махфий ёзишмани кўрсатиб, ҳукмдорнинг фармонини ўқиттирди. Қўшин уларни бир овоздан ўлимга ҳукм этди.

Исҳоққа хабар еткизган қора соқол киши ўртага отилиб чиқиб, икки сотқинни обдан калтаклади, сўнг-ра йигитларга тепкилатди.

Бекназар ботир икки қўшинни бирлаштириб Андижонга кирди.

Бир минг саккиз юзу етмиш олтинчи йилнинг иккинчи январиди генерал Скобелев Андижонни қамал қилди.

Шаҳарнинг бир томонидан генерал Троцкий, бир ёғидан генерал Куропаткин, бир ёғидан барон Витгенштейн, барон Миллер-Закомельскийни ёнига олиб, генерал Скобелев ўзи ҳужум бошлади. Кунчиқар

томондаги дўнглик тарафдан генерал Головачёвнинг ўн олти замбаракдан иборат артиллерияси икки қанот қилиб тизилди.

Еттинчи январь куни эрта билан Андижонга дастлабки ўқ отилди. Барча артиллерия кечгача тинмади.

Шаҳар дуд-олов, чанг-тўзон ичида қолди. Сарбозлар хитойча замбараклари билан ерни тўқмоқлагандай «Гурс!» «Гурс!» қилдириб жавоб беришарди. Ўқ мўлжалга бориб етмасди. Генерал Скобелев шаҳарни оёққа тургазанидан қувониб, дурбин билан Оқчақмоқ дўнглигидан кузатиб турарди.

Кутилмаганда орқадан отлиқ исёнчилар ҳужум қилиб қолишди. Ҳар эҳтимолга қарши бир томонга полковник Машин бошлиқ уч ракета, уч замбаракчилар бирлашмаси ажратилган эди. Тинимсиз ўқ ёмғирлари отлиқларни тумтарақай қилди.

Исҳоқ ўзи бош бўлиб, орқада жойлашган қўшинни кузатиб, пистирма билан танишиб, кўприқдан ўтаётганда замбарак гумбуради. Кўприқ ҳам, отлиқ Исҳоқ ҳам ўчиб сувга тушди. Қўш ариқнинг суви фонтандай отилди. Анчадан кейин оқ от ва Исҳоқнинг чакмони кўзга илашди.

Уни судраб чиқишди. Жони бор эди. Ўқчиб сув қусди. Бетиним замбарак отилиб еру кўкни ларзага соларди.

— От, отни торт, — дер эди Исҳоқ.

У ўрнидан туролмади. Бир оёғи синганди. Оғриқ кучидан кўзидан ўт чақнади. Навкарлар унга далда беришиб, этикни қўнжидан тилишди, бир балолар қўйиб синган оёқни боғлашди. Исҳоқ яна турмоқчи бўлди:

— Отни олиб келинглр...

Бошқа от келтириб, мингизишди. Пешонасидан тер қуйиларди. «Кўза кунда эмас, кунида синади деганлари шу экан-да», деди ичида. Инграмасликка ҳаракат қилди. У Оқчақмоқ дўнглигига қараб алам билан деди:

— Атанг, шу ердан ёпирилиб тушган бўлардик. Ҳамманг! Ҳамманг! Дўннга!

Сараланган отлиқлар уч марта дўнгликка ҳужум қилиб, уч марта тутдай тўкилди. Халқ қасоскорларининг шаштини замбараклардан отилган ўқларгина

қайтарарди. Исҳоқнинг оёғи шишиб кетди. От юрган сари зирқираб оғрирди.

У кечқурун Асакага келди. Уша тунда Оқчақмоқдаги артиллерия тонгга қадар тинмади.

Эртасига эрталаб шаҳарга ҳужум бошлади, генерал Скобелевнинг аскарлари Андижон қопқасидан шаҳарга кирди. Кўча-кўйларда, маҳаллаларда кураш кескин тус олди. Ниҳоят душман Абдурахмон турган дарвозани ёриб ўтди. Абдурахмоннинг қўшини бардош беролмади, у тўрт юз сипоҳийси билан кутилмаган ердан чиқиб кетди. Шаҳар аҳолиси, сарбозлар, сипоҳийлар қўлларига нима тўғри келса олиб, душманга қадам-бақадам қаршилик кўрсатишди.

Қош қорайганда Бекназар жангни тўхтатишга мажбур бўлди. У йигирма минг аскардан ажраб, қон ва тутунга беланган Андижонни ташлаб, Асакага чекинди.

Генерал Скобелев Андижон шаҳрини эгаллади. Шаҳарга юз минг тилла миқдорида контрибуция солди. Бундан ташқари аскарлари учун шаҳар аҳолисидан кўплаб нарса йиғдириб олди.

Умумроссия императори Александр II ўз аскарлари Андижонни қўлга олганини эшитиб, фон Кауфманнинг ихтиёрига енгилганлар ҳисобидан саксон саккиз минг олти юзу ўн бир сўм ажратди ва: «Худо бериб, экспедициянинг иши бундан буён бу қадар кўп қон тўкмасдан ҳал қилинса эди», деб табриклади.

VI

Кўп ўтмай, Андижондан саккиз чақирим олисдаги Инди қишлоғида Абдурахмон генерал Скобелев билан учрашиб, ихтиёрий равишда таслим бўлди.

Жуда оғир маҳалда Абдурахмоннинг таслим бўлиши Исҳоқни эзиб юборди. Ёлғиз ўзи кетса майлийди, унинг орқасидан эргашиб йигирма бек, улар ортидан эса сон-саноксиз эл кетди. Қасоскор халқнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Исҳоқ энди нима қилишини билмай қолди. Узидан бошқа кимга таянади? Кўп савдоларни бошидан кечирган халқнинг юраги зада бўлиб қолди. У қадимий бир масални эслади. «Кунлардан бирида ўрмонда болта деган ёв пайдо бўлибди. Болта кўзига нима кўрин-

са, бир четдан чопар, ёрар экан. Аҳвол тобора кеский тус олибди. Қийма-қийма бўлаётган дов-дарахтлар қоча бошлабди. Иттифоқо минг йил турган арча бундан хабар топиб, дарахтлардан сўрабди: «Уша болганинг сопи нимадан экан?» «Ёғочдан», дебди қарагай. «Ана, кўрдингларми, ўзимиздан чиққан ёв ичида бўлмаса, сиримизни билмаган ёлғиз болта нима ҳам қиларди?» деб жавоб қайтарибди кўпни кўрган арча!., Дарҳақиқат, сотқин ўз ичимиздан чиқмаса, душман ҳеч нарса қилолмасди». Исҳоқ халқ масалини фикран ана шундай шарҳлади.

Исҳоқ шошилинич Марғилонга отланди. Шаҳар аҳли иззат-икром билан кутиб олди. Бироқ Исҳоқнинг кўнглига қил сиғмасди, чироқ ёқса ичи ёришмасди.

Кўп ўтмай генерал Скобелев Марғилонга юриш қилди. Исҳоқ шаҳардан кўра она юртнинг кенг майдонида далада жанг қилишни лозим топди. У қирқдан ошиқ хитойча замбаракларни судратиб, беш минг аскар билан Марғилондан ташқарига чиқди, Хўжамағиз мазорида тўхтаб кенгаш ўтказди. Кенгашда ҳар хил фикр айтилди.

Абдуллабек:

— Тақсир, барчамизга аёнки, шаҳар деб, ўрда деб курашадиган бўлсак, сўнгги қўшинлардан ҳам ажраимиз. Менимча, Уш томонга чиқиб, тоғ оралаб кетишимиз керак. Хўш, бу қандай натижа беради? Озиб-тўзган қўшинларимиз дам олади. Бир оз ўзимизни тутиб олгач, сафимизни тўлдириб, янгидан ғазот бошламай-мизми?

Исҳоқнинг қайнотаси Музаффаршо:

— Иншоолло, бекнинг гапида жон бор. Бироқ, Уш бува тараф, нариёғи Олой, Узган, Кўгарт тоғлари яқин; ўз элимиз, ўз юртимиз. Менимча, Қоратегин музофоти дуруст. Негаки, бир вақтлар у ер Қўқон хонлигига қарарди. Бетавфиқ укам Раим бемаъни иш қилди. Бу ҳеч нарса эмас. Беш минг баҳодир билан Қоратегинни олиб, қишни чиқарамиз ва ол қулим деса, бекзода айтганидай, йигирма беш минг қўшин билан Фарғонага бостириб кирардик. Шундай қилганимиз маъқул эмасмикин?

Мадамин иноқ:

— Майли, Уш бувадан нари тоғ орқали кетайлик.

Лекин, кечирасиз, Қўқонни ташлаб Қоратегинга кетиш инсофдан эмас. Урда Қўқонда экан, ўша ердан туриб душманга зарба бермоқ лозимдир. Худди ўша жойдан қонхўр Насриддинга, ярим подшога қарши курашамиз.

Исҳоқ бу маслаҳатлардан қай бири маъқуллигини мулоҳаза қиларди. «Улардан қай бири сотқин? Қайсиси? Абдуллабекми? Йўқ, Қурбонжон додхоҳнинг ўғлидан гумон қилсам, унда нима деган одам бўламан?» Нигоҳи Музаффаршога тушди: «У мен билан тирик». Мўмин саркор билан Бекназарга қаради: «Йўқ! Йўқ! Иккови икки кўзим». Мадамин иноқни ўйлади: «Нега ҳовлиқиб гапирди? Бир жиҳатдан қараганда у ҳақ. Сабаби, халқ тақдири қил устида турганида ўрдани ташлаб қочиш инсофданми?» Исҳоқ шайтонга ҳай берди. Лекин бари бир «Қайсиси сотқин экан?» деган фикр миясига ўрнашиб қолди.

Исҳоқ кенгаш охирида шундай деди:

— Иноқ, тўғри айтдингиз, халқ тақдирига бепарво қараб, ташлаб кетиш яхши эмас. О, карами кенг, тангри! Нетайлик, бошқа чора йўқ, ўчакишсак, бекзода айтгандай, қўшиндан жудо бўламиз.

Мадамин иноқ лавлагидай қизариб кетди. Кимдир суҳбатни бўлди:

— Қирқ йил қирғин бўлса, куни битган, ажали етган ўлади дейишади. Бари худодан...

— Майли, унда Қоратегинга кетайлик, яхшилар,— деди Исҳоқ.

Музаффаршо ҳозиргина Қоратегин қўлига теккандай ич-ичидан қувониб ўтирарди. Ҳеч ким индамади. Исҳоқнинг хаёлидан «қайсиниси экан-а?» деган ўй яна ўтди.

Исҳоқ Абдуллабекни бош қилиб, ўзига қарашли қўшин билан Уш томонга йўл олишни буюрди. Мақсад Ғўлжага бориб, бутун қиш давомида дам олиб, ҳозирлик кўришдан иборат эди. Мадамин иноқ етакчилик қилган қўқонликлар бўйнидан боғлангандай, чор-ночор кўниб, Исҳоқ билан бирга жўнамоқчи бўлди.

— Худо ёр бўлсин, Исҳоқ! Биздан ташвиш қилма, баҳорда хабарлашамиз,— деб Абдуллабек Исҳоқ билан қучоқлашиб хайрлашди.

Исҳоқ икки мингга яқин қўшин билан, уч юз нор

туяга лаш-луш, замбаракларни юклатиб, Қоратегинга йўл олди.

Исҳоқни йўл-йўлакай ўй-сано босди. «Қоратегинга жўнаб тўғри қилдимми? Тўғри бўлиши керак. Қоратегинликларнинг бағри бутун, уруш кўргани йўқ. Унда нега Ўшга Абдуллабек билан бирга кетмадим? Йўқ! Абдуллабекнинг ўзи етади. Қўқонга бориб ўрдага ўтириб олса-чи? Мутлақо мумкин эмас! Сабаби, Худоёр билан Насриддин шаҳар атрофида оч қашқирдай изғиб юрибди. Бунинг устига Искобил подшонинг замбарагига ўрда девори бардош бероладими?— Исҳоқнинг юраги шув этди, отнинг тизгинини тортди.— Тўхта, Мадамин нимани таклиф қилувди?»

У йўлдан четга чиқиб, Мадаминни кутди. Сараланган саркорлар отдан туша бошлади. Исҳоқ индамади. Бошқалар нима гап деб қизиқмади. Мадамин иноқ хотиржам келарди. Ниҳоят у отдан тушди.

— Ҳой, сен! Тезроқ бу ёққа кел!— деб бақирди. Мадамин иноқ тўхтаб қолди. Нима дейишини билмай тили курмалади. Исҳоқ ишора қилди:

— Ол, Эшмат!

Учинчи маслаҳатни у сотқинлик деб ҳисоблади. Мадаминни йигирма йигити билан Исҳоқнинг олдига олиб келиб, ечинтиришди ва иштончанг қорга ётқизишди.

— Иноқ,— деди Исҳоқ отнинг ёлига ёнбошлаб,— Қўқонга олиб бор деб ким маслаҳат берувди сенга? Жонингдан умидинг бўлса, тўғриси айт.

Мадамин иноқ совуқдан титраб-қақшаса-да, ўлимни афзал билиб, индамади. Эшмат қорга булаб савалади. Мадамин иноқ ингради-ю, бироқ чурқ этиб оғиз очмади.

— Бу нима?!— Исҳоқ тинтув вақтида кимнингдир чўнтагидан топилган, Абдурахмоннинг муҳри босилган қоғозни кўрсатди.— Уқи! Кимнинг муҳри?

Мадамин иноқ қон тупуриб, юзини тескари бурди. У ўлимни бўйнига олганди.

— Мана, айтган эдим-ку!— деди Исҳоқ қониқиб.

Тезда йигирма кишининг боши танасидан жудо қилинди. Оппоқ қор қизил рангга бўялди.

Қўшин бамайлихотир йўлга тушди. Қор бўралаб ёға бошлади. У «Эшагига яраша тушови» мақолининг мағзини чақиб, қисқа давр ичида рўй берган кажраф-

тор фалакнинг ишларини эслаб мунгайиб борарди... Йўлда уларни Учқўрғон эли кутиб олди. Исҳоқ олдиндан тайёрлаб қўйилган бекнинг иссиқ уйига тушди. У ҳали-ҳозир расмана тузалиб кетмаган оёғини авайлаб, қўлтиқтаёқ ёрдамида остонадан ўтиб, эгнидаги қорларни қоқиб, уйга кирди. Бекнинг уйида бошқа одам йўқ эди. Хонадон эгаси югуриб-елиб хизмат қилди. Кейинроқ саркорлар келишиб, сандал атрофидан жой олишди. Иссиқ чой ортидан овқат келди. Ҳамма тамадди қилди. Йўл чарчоғи ва иссиқ уй меҳмонларни лоҳас этдими, кўпчиликнинг уйқуси кела бошлади. Аммо, дам олиш тўғрисида Исҳоққа айтишга ботинолмади.

— Тақсир энди дам олсин,— деб Мўмин ўтирганларни оғир вазиятдан қутқазди.

— Майли, майли,— дейишди саркорлар бир овоздан.

— Назоратни кучайтиринглар! Қўшин дам олсин, сахар жўнаймиз,— деди Исҳоқ.

— Хўп, тақсир.

— Хўп, ҳукмдор.

— Хўп бўлади.

Навкарлар, саркорлар хайрлашиб чиқиб кетишди.

— Бекназар ака,— деди Исҳоқ бир маҳал,— энди кимга ишонамиз? Бир кўзимиз иккинчисига ёв бўлиб, қандай кунларга қолдик?

— Хотиржам бўл, Исҳоқ! Хотиржам бўл,— деди Бекназар ботир.— Мен ҳозир йигитлардан бир хабар олиб келаман.

Бекназар қўшиннинг тўрт томонига қоровул қўйиб, назоратга қўшимча кишиларни чиқариб, қайтишида саркорлар тўпланган уйга кирди. Барра қўзи сўйилиб энди қозонга солинган экан. Саркорлар гур этиб ўрнидан туриб:

— Келинг, ботир оға,— дейишди.

Бекназар тўрдан жой олди. Ўтирганларга бир-бир қаради. Саид Мавлонбек йўқ. «Айтгандай, қишлоқ четидаги кузатув бекатига ўз илтимоси билан қоровулбоши бўлиб кетган эди. Кечикиброқ келармикин?» деб ўзини тинчлантирди.

Тунда Мавлонбек сергак соқчилик қилди. Бекназар уч марта айланиб, уни ўз ўрнидан топди.

— Соғ бўл, Саид,— деди Бекназар сўнги марта.

— Хотиржам бўлинг, ботир,— деб жавоб қайтарди Саид Мавлонбек.

Нимагадир Мавлонбек четдаги кузатув бекатларини қайтадан кўздан кечира бошлади. Тонг ёришиб борарди. Бир отлиқнинг қораси кўринди. Саид Мавлонбек унга яқинлашаркан:

— Кимсан?— деди. Ҳалиги отлиқ тўхтаб:

— Саид Мавлонбекман...— деб жавоб қайтарди.

Саид Мавлонбек ўз номини эшитиб, унинг олдига бориб ниманидир пичирлаб гапирди ва тез орқага қайтди.

Саид Мавлонбек шошилиб кузатув бекатларини текширди, ухлаб ётган қоровулларни атай уйғотмади. Уйғоқларини «пича исиниб ол, мен қараб тураман. Худога шукур, ҳаммаёқ тинч», деб бирма-бир жўнатиб юборди. Бекназарнинг уйқуси келмай яна бир карра атрофни кузатиб келарди. Нимадир шитир этди. Оти пишқириб, қулоғини чимирди. Юраги сесканди. Отларнинг дупури эшитилиб, итлар ҳурий бошлади. Милтиқлар ишга тушди.

— Ё, олло!..

Ҳамма нарса кўз очиб юмгунча юз берди. Қўшин оёққа турди. Бекназар от ёлига энгашиб, Исҳоқ ухлаётган уйга қараб чопди. Исҳоқ биринчи ўқ товушидан уйғониб, бошига қўйиб ётган пистолни олиб ўрнидан кўзгалди.

— Ҳой! Туринглар! Туринглар!— деб қичқириб, синган оёғи ҳам эсига келмай, пистолдан ўқ узиб ташқарига интилди. Оёғи майишиб деворга суянди. Эшик тўс-тўполон эди. Икки томондан тенг отишарди.

— Панага! Панага қоч!— бақирарди Бекназар.— Чекин! Тоғ тарафга! Тоққа!..

Бекназар отини елдириб келди-да, Исҳоқни ердан азот кўтариб отга миндирди. Чавкар арғумоқ қамчи босмасданоқ олға интилди. Отлар чанг-тўзон кўтариб қуюндай борарди.

Сирасини айтганда, Исҳоқ Қоратегинга йўл олганида иши ўнгидан келарди. У Қоратегинни қўлга киритарди, ўзига келиб, нафасини ростларди, одам тўпларди, қуролланарди, баҳорда тоғ селидай ёпирилиб ҳужум қиларди... Энди-чи? Иложи қанча? Абдурахмон қўқонлик Мадамин иноқ, марғилонлик Саид Мавлонбек орқали Исҳоқнинг юриш-туриши ҳақида

маълумот олиб турарди. Бу гал ҳам Абдурахмон Скобелевга шошилинч хабар етказган эди, у дарров Миллер-Закомельский бошчилигида отлиқ казак полкини юборди, Насриддин билан Абдурахмоннинг аскарларини бошловчи ёрдамчи куч сифатида қўшиб жўнатди. Полковник барон Миллер-Закомельский Андижондан чиққач, ҳеч ерда тўхтамай, туну кун йўл босиб, тонг ёришганда Исҳоқ қўшинини ўраб олиб ҳужум қилди. Оқибатда Исҳоқ қўшини, бир юзу йигирма туяга ортилган замбарағи ва юки душманга ўлжа бўлди.

Исҳоқнинг йигитлари чошгоҳ Исфайрам дарасида, тўпланишди. Бор-йўғи ўттизга яқин йигит қолибди. Исҳоқ ўкинч, аламдан ўзини қўйгани жой тополмасди.

— Аблаҳ, Саид Мавлонбекнинг иши,— деди Бекназар.— Кузатув бекатларига ўз одамларини қўйиб, бизни гафлатда қолдирди, бу зангар.

Исҳоқ чуқур нафас олди:

— Э, ботир оғам, нимасини айтасиз? Мен энди ким нима деса ишонаман. Сизни сотқин десалар ҳам ишонаман... Чунки донишмандлар беҳуда:

Қорамуғнинг¹ дони бўлгунча,
Оқ буғдойнинг сомони бўл!
Ёмон элнинг яхшиси бўлгунча,
Яхши элнинг ёмони бўл!..

дейишмаган. Бу байт биз ҳақимизда тўқилганга ўхшайди, Бекназар ботир.

Кўп тўхтаб туриш мумкин эмасди. Орқадан қувиб келаётганлар етиб келиши мумкин эди. Улар Исфайрам сувини ёқалаб кетишди, ҳеч ерда тўхташмади. Қиш ҳамон қаҳридан тушмасди. Музаффаршонинг йўл азобини кўрмаган эрка қизи отда юролмай қийналарди. Бошда у туя устига ўрнатилган айвонли кўшкда келаётганди. Энди унга бундай шароит қайда? Бурни кўкариб, совуқдан дилдираб:

— Исҳоқ ака...— деб ҳўнг-ҳўнг йиғларди.— Мени ўлдириб кетинг, жон ака-а...

Музаффаршо бўғилиб, қизига тожикчалаб нимадир деди. Уришди шекилли, қиз баттар йиғлади.

¹ Қ о р а м у ғ — жавдар дони.

Исҳоқ индамади. «Бу тантиқ, ўйин-кулгида» баъзи
қа ишга ярамайди», деб ичида хафа бўлиб бе-
рарди.

Чаувай ғорига келиб тўхташди. Энди отдан туша-
ётганида Исҳоқ орқага қараб, бировни замбилда кўта-
риб келишаётганини кўрди-да: «Биров нобуд бўлиб-
ди?» деган қайғули фикр хаёлидан ўтди.

— Маликам...— деди Бекназар. Исҳоқ бошини
чайқаб:

— Оббо сортнинг қизи-ей,— деб қўйди. Уни Бек-
назар отдан кўтариб олди.

Ўша куни отнинг бирини сўйиб, овқат қилишди.
Эртасига эрталаб йўлга тушишди, чиллада довол
ошиб, Дараутқўрғонга келишди, учар бу ерда нафас
ростлаб, аскар тўплашди, сўнг уч юздан ошиқ киши
от жоловини Қоратегинга буришди.

Акаси Музаффаршонинг куёви Исҳоқ билан бирга
келаётганини эшитган Раимшо уларнинг яхшилик
билан келмаётганига ақли етиб, сараланган мингта
сипоҳийси билан пистирмада кутди. Озиб-тўзиб бор-
ган қочоқларни Раимшо қилич билан кутиб олди.
Олисдан қилич ўйнатиб, ўқ ёғдириб чиққан кишилар-
ни кўрган Исҳоқ Қоратегиндан бошпана топилишига
кўзи етмай, орқага қайтишга буйруқ берди.

Исҳоқ яна Дараутқўрғонга қайтиб келди. Қасос-
корларнинг силласи тамоман қуриганди. Шерюрак,
толмас билан йигитларнинг ҳа дегани ҳоли қолмаган-
ди. Ҳеч бирининг хаёлига энди нима қиламиз, деган
фикр келмасди.

Бир куни Дараутқўрғонга узуқ-юлуқ хабар келди.
Абдуллабек ярим подшо аскарларини Ғўлжага кирит-
маётганмиш. Фарғона атрофида қолган-қутган аскар-
лар халқ билан биргаликда озми-кўпми тўқнашиб тур-
ган эмиш. Исҳоқнинг умиди яна аланга олди. Қони
қайнаб, ўрнидан турди.

— Қани, бунга нима дейсизлар? Эл курашни
давом эттираётганмиш-ку?!

— Борамиз!— дейишди бир овоздан.— Қачонгача
қочиб юрамиз?

— Сиз, Бекназар ака,— деди Исҳоқ,— Сўфиқўрғон
орқали Ғўлжага боринг. Додхоқ оғим онамизга учраб,
бор гапни яширмай айтинг, додхоқ аҳволимизга
яраша йўл кўрсатар. Биз бу томондан Фарғона билан

алоқа боғлашга ҳаракат қиламиз. Кейинроқ ўзингиз хабар қилинг.

Бекназар индамай рози бўлди. Хайрлашув чоғида Исҳоқ ўрnidан қўзғаларкан, Мўмин уни суяб турғизди. У Бекназарга қараб:

— Қани,— деб қучоқ ёзди.

— Хайр, қадрдон иним, таянчим...

— Хайр, она юртнинг бургути,— деди Исҳоқ уни бағридан чиқармай.— Биз ўзимизни-ўзимиз алдамаслигимиз керак. Эсон-омон учрашсак, қувончимиз чексиз, учрашмай қолсак, имонимиз саломат бўлсин. Мен сиздан у дунёю бу дунё розиман. Ё билиб, ё билмай, гоҳо бевафо давлат соясида ҳовлиқиб қаттиқ-қуруқ гапирган бўлсам кечиринг...

— Э, қадрли иним,— деди Бекназар,— кечиргудай нима бор? Сендай паҳлавон йигит билан бирга кечган умримга асло ўкинмайман. Бошимда дубулға, қўлимда қилич, мен ҳам билиб-билмай буйруғингни икки қилган бўлсам, сен ҳам кечир...

Исҳоқ бошқа сўз айтолмай қўлтиқтаёққа суяниб қолди. Бекназар руҳан сўник, қўш қаноти қайрилган Исҳоққа кўзи тушаркан, ўзини сира тутолмади. Тез бурилиб, отга минди. Орқасидан чиққан Мўминга қарамай:

— Эҳтиёт қилинглар, эҳтиёт...— деб кўз ёшини кўрсатмаслик учун аргумоқни йўрттириб кетди.

VII

Исёнчилар иллизини бир йўла қирқиб ташлаш мақсадида генерал Скобелевнинг буйруғига биноан «Зимняя экспедиция» деб номланган команда қошида жазоловчилар отряди тузилди. Бу сони жиҳатдаи отряд эмас, балки ўша замон қуроллари билан тўлиқ таъминланган бутун бир қисм эди. Унга бир оз йигити билан Насриддин ҳам кўмакчи бўлиб кирди.

Қор икки кун бўралаб ёғиб, эндигина тинган эди. Гўзал Фарғона водийси оқ ҳарир кўйлак кийган келинчакка ўшарди. Ҳаво муздек. Отряд оппоқ қорда қора илондай чуваланиб келарди. Уларни Найман қишлоғининг аҳолиси қўлларини кўксига қўйиб кутиб олди. Холис ният белгиси сифатида ҳамма оқ белбоғ боғлаб олибди.

Генерал Скобелев Насриддин билан ёнма-ён туриб тўпланган халойиқни кўздан кечирди. Аламзада Насриддин зориқиб «қир» деган буйруқнигина кутарди. Соқоли кўксига тушган оқсоқол қорга тиз чўқаркан, таъзим қилиб:

— Раҳм қилинглар, одамзотнинг фарзандлари, — деди. Тилмоч таржима қилди. Генерал мазах қилиб кулди. Чол ўша ҳолатда жавоб кутарди.

— А-га! — деди Скобелев. — Нима? Урушиб бўлдингларми?

— Кесатяпти, — деб тилмоч таржима қилди.

— Қуруқ ердан ўт чиқмайди. Нима қилайлик, ҳаёт тақозоси экан. Мана, тиз букиб, кечирим сўраяпмиз. Қишлоқда чолу кампир ва ёш болалардан бошқа одам қолмаган. Эгилган бошни қилич кесмайди, — деди оқсоқол.

— Нима? — деб бақирди Насриддин. У Скобелевнинг тек турганини кўриб, шаштидан тушди. Тилмоч чолнинг гапини генералга аста тушунтирди.

— Бузуқиларни кечириш йўқ, қириб ташланглар, — деб буюрди генерал Скобелев.

Бир ёқдан солдатлар, бир ёқдан Насриддиннинг йигитлари халойиқни ўртага олди. Одамлар ўзини ҳар томонга ура бошлади. Шунда ҳалиги оқсоқол ҳам-қишлоқларини инсофга чақирди.

— Фойдаси йўқ. Жон талашманглар. — Барча жим бўлди.

Насриддин биринчи бўлиб қиличини суғурди. Ҳаш-паш дегунча қор қонга бўялди... Навбат соқоли кўксига тушган оқсоқолга келди.

— Унга тегма! — деди генерал Скобелев. — Мен уни бу ерда тирик қолдираман. Энг яхши жазо шу...

Қишлоқ тўрт томондан қуршалиб, хотинларнинг нолиши, гўдакларнинг йиғиси ҳаммаёқни тутди. Зўравонлар қўлларига нима илашса олишди. Қочиб қорайганда уйлар ҳувиллаб қолди, итлар ули тортиб, гингшиб изғишга тушди.

Энг охирида генерал Скобелев қишлоқда бирорта тирик жон қолмаслигини, уйларга, молхоналарга ўт қўйишни буюрди. Қишлоқда на ит қолди, на ёнғиндан қочиб дарахтга тирмашган мушук қолди.

Ҳазоловчилар отряди ўлжани юклаб, молни ҳайдаб йўлга тушди. Қишлоқдан бурқсиган куюнди ва қон

ҳидию бир чеккада оппоқ соқолидан қон аралаш ёш сизаётган ёлғиз чол қолди.

Найман қишлоғида юз берган воқеадан бошқа қишлоқлардагилар хабар топгани учунми, одамлар қишнинг қировли кунларига қарамай уй-жойи, мол-қолини ташлаб, бошларини олиб қор босган тоғларга қочиб кетганди. Жазо отряди ҳувиллаб қолган қишлоқларга кириб борарди.

Отряд Мосси қишлоғига кириб келди.

Бир уйдан уч бола чиқиб отрядни кўрди-да, тирқираб адир томонга қочди. Хонадонда биргина аёл бор экан. Ё бемор; ё у бошқалар билан кетишга улгурмаган. У ўзича ҳадеб:

— Кетди! Кетди!— деб болалар ортидан чопди. Жазоловчилардан бири от қўйди. Аёл ялиниб жиловга осилди. Насриддиннинг бир йигити ҳалиги хотинни қилич билан чопди. Аёл юзтубан йиқилди. От унга қоқилиб ўтди.

— От! От!— деди Насриддин.

Жазоловчи болалар кетидан қувиб борарди. Икки ўсмир етказмай дўнгдан ўтиб кетди. Уларнинг орқасидан уввос солиб бораётган ёш бола қорга ботиб қолар ва яна чиқиб олдинга интилар эди. Охири тинкаси қуриб, бола қорга йиқилди. Отлиқ ерга тушиб:

— Тур! Мусулмоннинг уруғи,— деб мушукнинг боласидай елкасидан кўтарди. Бола сувга чўкиб бораётгандай:

— Ойим! Ойим!— деб антикарди.

Жазоловчи қаҳ-қаҳ уриб кулаётганида бола унинг қўлини тишлаб олди.

— Ух!..— сўкинди.

— Эй! Кривонос! Эй...— деб орқасидан кимдир қичқириб чошиб келарди. Кривонос чақирган киши шарқшунос эканлигини кўриб, ўзини тийди. Қонхўр Насриддин: «Ёр! Бошини тарвуздай ёриб ташла», деб лўписа қиларди. Шарқшунос етиб келиб:

— Эй, бу нима аҳмоқчилик? Кривонос? Ёш болаларни қувиб...

Нима бўлса-да, шарқшунос ўқимишли, ҳурматли одам бўлгани учун жазоловчи болани қўйиб юборди.

— Ҳурматли... Ахир йўқ қилишимиз керак-ку?!

— Қайт!— деди шарқшунос қатъий буйруқ бериб.— Йўқ қилиш керак эмиш! Ботирлигини қаранг?!

— Ҳа, майли,— деб Кривоносов, гўё силовсини қўлдан чиққандай болага бир қараб қўйиб отига минди.

Насриддин шарқшунос билан ғижиллашиб қолган Кривоносовни кўриб: «Бу чулчутларга нима бўлди?»— деб уларнинг орқасидан эргашди.

Мосси қишлоғи ҳам ортда қолди.

Отряд тоғ этагидаги беш хонадондан иборат бўз ўтовли, тошқўра ва бостирмали қишловга келди. Хонадонлар ё эшитмаган, ё қочолмай қолган, ё бошқа бирон сабаб биланми, ҳар қалай қишловдагилар шу ерда эди. Бир йигитнинг белида осилиб турган пичоқни кўрган унтер-офицер:

— Ну-у! Бу ёққа! Судраб келинлар!— деди.

Дарров йигитнинг қўлини орқасига боғлашди. Бирпасда қишловни дод-вой босди. Йигитнинг ота-онаси уввос солиб йиғлашди.

Генерал Скобелев қашқир терисидан ичик кийган бўлса-да, от устида совуқ еди. Таржимоннинг илтимосига кўра бир уйга кириб, нафас ростламоқчи бўлди. Генерал намат тўшалган, ўртадаги уч оёқли темир чамбарак остида тезак тутаб турган ўтовга кирди. У атрофга кўз югуртирди, олов ёнида бурни оққан бир бола ўтирарди. Генерал боладан жирканиб тескари қаради. Тилмочнинг гапи билан кимдир кириб, болани судраб эшикка олиб чиқди. Ўтин ташланиб, олов баландлатилди. Скобелев эгарга ўтириб, қўлини ўтга тобларди.

Эшикдан унтер-офицер, кетидан оғзи қулоғида Насриддин кириб келди. Унтер-офицер:

— Ҳазрати олийлари, яроғи бор қора қирғиз қўлга тушди...— деди. Генерал уларга қарамай:

— Жазосини беринглар,— деди.

Шарқшунос қуролга қизиқиб, уни қинидан суғуриб қаради. Оддий пичоқ.

— Михаил Дмитриевич,— деди шарқшунос,— бу тирикчилик учун ишлатиладиган жўн пичоқ. Уни яроғ дейиш кулгили-ку.

Генерал ўз сўзини қайтиб олишдан ор қилдими, ҳар қалай:

— Бари бир кесадаган нарса-ку,— деб қўйди. Шарқшунос Насриддинга еб юборгудек тикилиб жеркиб берди:

— Уялмайсанми? Худди замбарак топгандай ҳовлиқасан-а?

Насриддин уялиш у ёқда турсин, қайтага:

— Йўқ, ҳазратлари, бунда одам ўлдирса бўлади,— деди. Шарқшунос, «Сатқан одам кет-е», дегандай ундан жирканди. Унтер-офицер билан Насриддин йигитни жазолаш учун чиқиб кетди. Шарқшунос чидай олмамай исиниб ўтирган генералга сўз қотди:

— Михаил Дмитриевич, қуролсиз одамларни қириш, ёш болаларни қувиб юриб отиш тарбияли, цивилизация кўрган одамнинг иши эмас-ку?

— Раҳмдил одамсиз, Иван Васильевич, бу менга тушунарли,— деди генерал лоқайдлик билан.— Меҳроқибат яхши фазилат. Бироқ, уруш — уруш-да.

— Барча цивилизациялашган халқ олдида шармисор бўламиз. Ёш болани силовсиндай қувиб отиш нима деган гап? Йўқ, казак Кривонос жавобгарликка тортиясин. Шундай қилмасак, Михаил Дмитриевич...

— Нима демоқчисиз ўзи, Иван Васильевич, Россияга бош эгишни хоҳламаган бир ёввойи осиеликнинг жазосини бергани учунми? Казак крест тақишга арзийди, Иван Васильевич. Сиз шунга розимисиз?

— Рози эмасман. Маҳаллий халқ нима дейди? Бизни эртаю кеч кузатиб турган Европа нима дейди?

Генералнинг кўк мунчоқдай ялтираб турган кўзларидан учқун чақнади.

— Кимнинг нима дейиши билан бизнинг ишимиз йўқ, Иван Васильевич. Россия татар-мўғулларнинг истилосидан озмунча жабр чекдими? Эндиликда ўша мажруҳ Россия буюк мамлакатлардан бирига айланди. Сиз билимдон одамсиз. Ҳозир Европада Россия билан тенглашадиган фақат қартайган Викториа империясигина қолди. Демак, Россия империясининг келажаги порлоқ. Сиз билан биз, муҳтарам Иван Васильевич, Туркистонни эгаллагандан кейин Афғонистонни Англиядан олдинроқ забт этиб, Помирга чиқиб олсак, буюк мамлакатимизнинг таъсир кучи бутун дунёда бир неча юз йил давом этади. Россия олдида икковимизнинг бурчимиз ана шундай юксак!— Генерал Скобелев роҳатланиб кулди.— Сиз бўлса, арзимаган ишлар билан оворасиз.

Шарқшуноснинг қовоғи очилмади.

— Туркистон Осиедаги цивилизациялашган халқ-

ларнинг бешиги. Ҳозир бўлса диний ва тарихий шарт-шароитларнинг салбий таъсири остида бу ўлкада од-мларнинг дунёқараши бир оз орқада қолди. Чингизхондан кейин ҳеч ким ичкарига от бостириб кирмади. Темирлангдан сўнг бирор киши ташқарига от суриб чиқмади. Оқибатда мамлакат ўз қобигига ўралиб қолди. Эндиликда ана шу халқ бошқа халқ билан яхши муомалада бўлиши зарур. Бошқача цивилизация, бошқача тартиб, ҳаётга бошқача муомала, бошқача кураш бу халқ кўзини очади. Қўшилган бошқа халқнинг яхши урф-одатларини ўзлаштиради, унга ҳам нафи тегеди. Шундагина эл ва юрт янгиланади, яшаш тарзи ўзгаради. Ана шу йўл билан Россия сиз айтгандай, ҳалиги келажакда шу халқ билан биргаликда мустақкамлайди. Мана, Михаил Дмитриевич, мен билган Россиянинг тарихий миссияси...

Генералнинг мўйлови тикрайиб, жим бўлиб қолди. Шарқшунос давом этди:

— Рост, қон тўкмай уруш бўлмайди. Аммо бегуноҳ аёллар ва ёш болаларни қириш ақлга сиғмайди, бу ваҳшийликдир. Биз Европа цивилизациясининг вакили сифатида, ақли расо рус сифатида яхши муомала билан иш битиришимиз керак. Албатта Кривоносос сингари йиртқичлик билан эмас.

Генерал Скобелев дудуқланиб, қўл силтади:

— Бу гапларингизни, қадрли олим, Санкт-Петербург қаҳвахоналаридаги айниган давраларда сўзланг. Ўша ерда оғзи кўпиргунча талашиб-тортишадиганлар, ёқловчилар топилади. Ёки Россиянинг ташқи душманларига...

— Мен кетаман!— деди шарқшунос.— Ваҳшийликка шерик бўлгим келмайди. Биз бир-биримизни туншунмас эканмиз.

— Хоҳлаган ишги қилиш, кўнгил тусаган жойга кетиш икковимизга ярашмайди. Биз Умумроссия императорининг олдинги фронтдаги аскарлари эканлигимизни унутманг!.. Ҳа, айтгандай, сиз, штабс-капитан, бугунги жанг қаҳрамони казак Кривонососга барча отряд олдида менинг раҳматномани айтиб император номидан крест тақиб қўясиз. Эшитдингизми?..

Бу, юраги пок, чинакам демократ олимга жазо эди.

Ташқарида солдатлар, Насриддиннинг йигитлари ҳалиги йигитни шампол, қамчи билан савалашарди. Оппоқ сочлари тўзиган кампир йигит атрофида чирил-лаб, дод солиб парвона бўларди.

— Айланайин қулуним, кўзимнинг оқ-қораси...

— Ойижон! Ойи, менга қараманг. Ойимни олиб кетинглар,— деди йигит ниҳоят инграб. Оппоқ соқолига дув-дув ёш қуйилаётган чол «қўй» дегандай кампирга ишора қилди. Йигит ҳушидан кетди. Солдатлар уни судраб бориб, тол бутоғига осиди. Йигит сўнгги марта чираниб жон берди. Унтер-офицер кулиб, осилган йигитнинг иштонини қилич билан сидириб оёғига тушириб қўйди... Солдатлар, сарбозлар қотиб-қотиб кулишди. Қашқирлар ўртасига кириб қолган кўзидай титраб турган қишлоқ аҳолиси юзларини беркитиб олишди.

— Кўриб қўйинглар! Бизга, улуғ оқ подшога ким қўл кўтарса, шундай бўлади. Кўриб қўйинглар...— деб қичқирарди Насриддин.

Солдатлар тўпланганларни дўқ-пўписа билан тарқатди.

Генерал Скобелев бир оз исиниб, пича ароқ ичиб, овқатлангач, ташқарига чиқди. Ҳовли ўртасида юз бераётган воқеани кўриб, бошқа ёққа шартта бурилиб кетди. Назарида шарқшуноснинг кўзлари унга тикилиб турарди. У бошқа қабиҳликка ўтмади. Шарқшуноснинг гапи таъсир қилдими ёки ўзининг одамшавандалигини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, у ҳар қалай қишлоқни ўз ҳолига қўйиб, жўнаб кетди.

Йўл-йўлакай уни шарқшунос олим билан бўлган гортишув хаёлга толдирди. Казак Кривоносков шаънига айтилган гап унинг ўзига тегди. Кечқурун эса дам олиш вақтида пойтахтдаги сирдош дўсти, «Санкт-Петербургские ведомости» газетасининг редактори Марвинга мактуб ёзди: «...Дўстим Марвинг! Бу ёқдаги ишлар шунақа. Бироқ буни сен газетангга чиқармагин, мен жаҳон лигаси кўзига ёввойи йиртқич бўлиб қолмайин. Менинг принципим шу — Осиёдаги тўполонни бостириш, бу ердаги халқнинг қирилишига боғлиқ. Зарба қанчалик кучли бўлса, душман шунчалик тез босилади». Генерал ўзини-ўзи оқламоқчи бўлиб, фикрини аниқ, ошқора ёзганди.

Чаувайга қайтиб келишганига бир ҳафта бўлди. Келган куниёқ Мўмин водий томонга тушиб кетган эди. Сувга чўкиб кетгандай дараги йўқ.

Исҳоқ ғор тўрида, остига қамиш тўшаб, иссиқ чопонини ёпиниб, хандонписта илдизидан тушган чўққа товланиб ўтирарди. Йигитлари отиб келган ўлжаларини оловда кабоб қилишарди. Мўмин нега бедарак кетди? Бекназар-чи? Уларга нима бўлди? Исҳоқ кўзини очмай, мудраётгандай ана шуларни ўйларди.

Мирзақул юзбоши кирди. Гулхан атрофида ўтирган йигитлар ўринларидан туришди.

— Ҳеч хабар борми? — деди Исҳоқ бошини кўтариб. Мирзақулнинг кайфиятидан зерикканлиги аниқ кўриниб турарди.

— Йўқ... — деб совқотган қўлини ишқалаб оловга тутди.

— Мени Қоровултепага олиб боринглар...

— Шундай совуқда, — деди Мирзақул, — Қоровултепада нима бор?

Исҳоқ индамай ерга таяниб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Йигитлар суяшди. Уни замбилда кўтариб, аста олиб боришди.

Қоровултепа номига яраша экан. Ҳаммаёқ кафтдек кўзга ташланарди. Бу ер анча баланд бўлиб, бу ёғи Фарғона водийси, нариёғи Ўш воҳаси аниқ кўриниб турарди.

Олд томонда қорга бурканган Чотқол тизма тоғлари қад кўтариб, этагида Тошкент ёстаниб ётарди, бош тарафи Сусамир, ундан нари ўнгда Тўғизтўра, Узган. Олойқув, Олой тоғлари тутшиб кетганди. Чапда эса Улуғтоғ уланиб, Қирғиз ота, Олтинбешикка туташганди, бир учи Сариктоғларига тақалганди, бир учи Хўжандни қуршаб тугаган эди. Ҳар икки тизма тоғларнинг тугаган жойи гўзал Фарғонанинг тош дарвозасига ўхшаб кетади...

Осмон беғубор. Ҳаво совуқ. Йигитлар совуқ кучидан нари-бери юришарди. Ниҳоят улардан бири:

— Тақсир, совуқ ўтиб қолмасин, — деб ўзларининг ҳам чидай олмаётганликларини айтди. Исҳоқ индамади. Йигит куф-куфлаб, ер тепиниб, жавоб кутиб турди.

— Ботир, сизлар горга бораверинглар. Мен бир оз ўтирай-чи...

— Майиб оёгингизга зарар етмасмикин?

— Э, ачинадиган оёқ қолдими? Ўзингларни эҳтиёт қилинглар, бирпасдан кейин олиб кетарсизлар...

Йигитлар горга тушиб кетишди. Исҳоқ шавқ билан водийга тикилди. Гўзал Фаргона. Сирдарё билан Қорадарё бу тенги йўқ воҳанинг қон томирлари. Тупроғи олтин, суви кумуш бу диёрнинг қаерига нима эксанг кўкаради. Сўлим боғлари жаннатга бергусиз, минг хил мева етишади. Ота бағридай кенг, онадай меҳрибон, сахий ўлка.

Улуғтоғ бағридан бургут айланиб чиқди. Исҳоқ қизиқиб қаради, йўлбарсга чанг солган қуш тош устида ўтирган ёлғиз одамни кўрдими, ҳайтовур бир-икки айланиб Исҳоқнинг ёнидаги қояга қўнди, ўқтин-ўқтин тикилиб, талпиниб, тумшуғини шақиллатди. Қаҳрамонликнинг рамзи бўлмиш бургутнинг тумшуғини шақиллатиши унга: «Кел, паҳлавон, мен билан олисларга, қабиҳлик, ифлосликлардан холи бўлган ерларга уч», дегандай бўлди. Яна «шақ» этказиб қанот ростлаши эса хайрлашгандек туюлди. Исҳоқнинг чеҳрасида пайдо бўлган табассум ўрнини ғамгинлик ғаллаб, қиров босган киприкларини қоқмай хаёлга толди...

...Тўрт йигит қайтиб келди. Исҳоқ улардан:

— Ҳеч хабар борми?— деб сўради.

— Келди, тақсир.

— Борайлик...

Йигитлар Исҳоқни замбилга солиб олиб келишди. Уларнинг рангидан аҳвол яхши эмаслиги кўриниб турарди. Одамлар гор олдида уймалашганди. Отлар эгарланиб, қамчилар эгар қошига осилганди. Нариги ёқда кимдир сўкинди. Исҳоқ овозидан Мўмин эканлигини таниди. Уни кўриб турганлар ўз ўрнида қотиб қолди.

Бир бурчакдан Мирзақул юзбоши қўлида биротар пистол билан, иккинчи бурчакда эса дудама қилич ушлаб Мўмин саркор турарди. Ғазабдан ҳар иккисининг ҳам чакка томирлари бўртиб кўкариб кетганди, кўзлари қинидан чиқай дерди. Исҳоқ уларнинг бир-бирига хезланиб турганини кўриб ҳайрон бўлди.

Мўмин:

— Сотқин! От! Нега қараб турибсан?— деди. Унинг сарғиш кўзлари сакрашга шайланган йўлбарсникидай ёнарди. Мирзақул ҳам пистол тепкисини босишга тайёр эди. Улар Исҳоқни кўришса ҳам пинакларини бузишмади. Йигитлар уларнинг ўртасини ёриб ўтиб, замбилни тўрга қўйишди.

— Сизларга нима бўлди?— деди Исҳоқ маъюслик билан.

— Бу итни қарамайсанми?— деди Мўмин,— ўзига ёқмаган йигитларни боғлатиб ташлабди. Эшикдан киришим билан бу сотқин менга даф қилипти. Сени бош қилармишу, баримизни боғлатиб, отга ортиб бориб Искобил пошшодан мукофот олармиш...

Исҳоқ нима дейишини билмай қолди. Йигитларнинг қовоғи солиқ эди. Мирзақулнинг юзи шувут, нияти қора бўлгани учун қарашга ботинмасди.

— Қачон келдинг, Мўмин?

— Келганим қурсин!..— деди Мўмин.— Нимасини айтай, аҳвол танг. Вабо теккандай қадам боссанг, ўликка қоқиласан, ҳамма ерга ўт қўйилган. Искобил пошшо билан Насриддин бизни излашаётганмиш.

Шўрлик халқни қийратиб, бор-йўгини талаб, тинкасини қуритаётганмиш.

Исҳоқ совуқ егандай титраб кетди.

— Шундайми? Излагани биз бўлсак, бизнинг тирик юрганимиз эл бошига жафо экан-да?..

Тўғрилигини ҳамма бўйнига олгандай, ҳеч ким чурқ этмади.

— Қонга бўялган кўйлагимизни халқ кўрмагунча умидини узмайди, душман ўчи тугамайди, кўнгли жойига тушмайди,— деди Исҳоқ.— Ташла қиличингни, Мўмин ботир! Ўзинг менинг қўлимни боғла.

О, эр йигит, ҳеч ўйланмай отдан туш,

Ўз элингга ортиқча бўлган чоқда.

Ёнингдаги қилични ҳам ечиб бер,

Сотиб олгин, ўлимни сотаётса!..

Едингда борми, Мўминжон, қаландар бизга шундай деган эди?!

Мўмин ҳам, Мирзақул ҳам, бошқалар ҳам ўйланиб қолди.

— Мен қўлга тушмайман!— деди Мўмин.— Менга

рухсат беринг, Исҳоқ ака! Ҳзимни ўрданинг итларига талатиб қўймайман. Бошим оған томонга кетаман, Исҳоқ ака.

— Бор, Мўминжон, боравер,— деди Исҳоқ овози титраб, хириллаб.— Мен сенинг қонингга зомин бўлмайин, оғайним. Майли, боравер, қиёматда кўришармиз...

Мўмин хайрлаша олмай, Исҳоққа бир қараб қўйди-да, қиличини яланғоч ушлаганича ёрдан чиқиб кетди. Ҳеч ким индамади. Мирзақул ҳам унинг йўлини тўсмади. Исҳоқ бургути тўсатдан қўлидан учиб кетган овчидай сўррайиб қолаверди.

...Марғилон.

Қорлар кетиб, ердан буғ кўтарилиб, ҳаво исиб қолган эди. Ҳша бир минг саккиз юзу етмиш олтинчи йилнинг I мартада Марғилон ўрдасининг кенг майдонига ҳаддан ташқари кўп одам тўпланганди. Ҳртада дор, чор тарафда замбараклар тутатилиб, отишга ҳозирланаётганди. Барон Миллер-Закомельскийнинг батальони, сарбозлар ўрдани ичдан ҳам, сиртдан ҳам зич ўраб олганди.

— Ана! Ана!— деди дарахтга чиқиб олган бир киши.

— Ярим подшо-ку,— деб юборди шериги. Одамлар ўртасида шивир-шивир бошланди, ҳамма ўрда томонга тикиларди.

Ўрда томондан бир тўп одам кўринди. Ярим подшо деса арзийди. Умумроссия ҳукмдори томонидан чексиз ҳуқуқ берилган, «Кауфман I» деб ном қозонган шахс. Ёнида генерал Скобелев, барон Миллер-Закомельский ва бошқалар. Орқароқда Худоёр, Насриддин, Абдурахмон, Саид Мавлонбеклар келарди, энг охири исковуч итдай эргашиб келаётган Мирзақул кўринди.

Фон Кауфман бошчилигида казо-казолар махсус ясалган ўриндан жой олишди. Ярим подшо халойиққа қараб гапирди:

— Кўп йиллардан буён сизларнинг оромингизни бузиб, тирикчиликдан қолдирган юрт бузуқи, ўғри Исҳоқ қўлга тушди.

Татар тилмоч таржима қилди. Худоёр сир бермай, Насриддин ўзини тутолмай ўтирарди.

Тирбанд бўлиб кетган халойиқ ичида соч-соқоли ўсиб кетган, ўй-хаёлдан кўзлари қизарган бир девона

айланиб юрарди. У Мўмин эди. Ҳеч ким унга эътибор бермади. Мўминнинг муддаоси ўзи учун қадрли бўлган одамни сўнгги марта кўриб қолиш...

Дўмбиралар чалинди. Халқ зиндон ёқдан келаётган тўрт отлиққа юзланди. Отлиқларнинг иккитаси казак, иккитаси сипоҳий. Дўмбира ва дўл бетиним чалиниб, одамларнинг қалбини увуштирарди. Ана, турқи таровати таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган Исҳоқ сқсоқланиб келмоқда. Оёғини силтаб босган сари кишанлар шалдирайди. «Пўшт!», «Пўшт!» деб сипоҳийлар йўл очиб келаётир. Исҳоқ сира ғам емай, ўлимга тик қараб, қафасга тушган бургутдай гоҳ-гоҳ атрофга лоқайд боқиб қўяди.

Дор остига етгач, отлиқлар Исҳоқни солдатларга топшириб қайтишди. Жазони амалга ошириш вазифаси полковник барон Миллер-Закомельскийга топширилганди. Бароннинг буйруғига биноан дор остида солдатлар Исҳоқнинг қўл-оёғини ечишди. Худоёр ундан юзини ўғирди, Абдурахмоннинг негадир руҳи сўник. Фақат Насриддингина кулиб, тез-тез фон Кауфманга қараб, сўнгра оғиз жуфтлади:

— Ҳой, ўғри Исҳоқ, таги паст дайди! Энди ҳолинг қалай?! Энди борар жойинг тайин!

Исҳоқ оқсоқланиб бораркан, қайрилиб:

— Ҳа, ювиндихўр! Ҳуриб турган сенмисан. Сен бу дунёга устун бўлмоқчимисан? Итдай судралиб... орқамдан борасан...— деди.

Халойиқ кулиб юборди.

— Тез!— деди полковник Миллер-Закомельский. Солдат милтиқ қўндоғи билан Исҳоқни туртди. Исҳоқ бурилиб:

— Қаёққа шошасан?! Улгурасан!— деб дор зинасига оёқ қўйди. Гарчанд майиб оёғи азоблаётган бўлса-да, сир бой бермади.

Мўмин ёш ҳилқиллаб турган кўзларини Исҳоқдан узмасди, йнғи бўғзига тиқиларди, туғишганидан ортиқ бўлиб қолган Исҳоққа юраги туздай ачишиб, энтикиб турарди. У ғойибона хайрлашаётган эди.

Фон Кауфман Исҳоқни «Туркистон халқининг душмани», «юрт бузуқи», «ўғриларнинг бошлиғи» сифатида айблаб, уни дорга осиб ўлдириш ҳақидаги ҳукмни ўқиди.

Исҳоқ одамларга боқаркан, хаёлидан шундай фикр

ярқ этиб ўтди: «Қувонганлар бўлиши мумкин. Наҳотки йиғлаётганлар ҳам бўлса?!» У мовий осмонга, тоғларга бош қўйган тўда-тўда булутларга қараркан, ичида: «Хайр она юртим... Хайр элим... ёмонлигимни кечир, яхшилигимни айтиб юрарсан», деди.

Дўмбира тинимсиз тарақларди. Исҳоқ шивирлаб калима келтириб, кўзини юмди. Муздек сиртмоқ қора илондай тўлганиб бўйнига ўралди. Сарбоз унинг оёғи остидаги курсини тепиб юборди. Исҳоқ шилқ этиб осилиб қолди. Ҳамма жим. Дўмбира авжида. У сўнгги марта чираниб, жон таслим қилди. Дўмбира овози аста тинди.

— О-о!.. Ботирдан қолиб нима яхшилик кўрардим!.. Нима топардим...— деган овоз жимликни бузди. Бу нима? Бу ким? Халойиқ ҳайрон. Мўмин экан!

— О-о, ботирдан айрилиб нима топардим?— деб фиғон чекиб келарди Мўмин.

Тепада ўтирган фон Кауфман, Худоёр, Абдураҳмон қанг-манг бўлиб қолди. Мўмин бақариб, Исҳоқнинг оёғидан қучоқлади. Одамлар жунбишга келди. Бироқ милтиқ овозлари элни босди. Фақат Мўминнинг нолиши эшитиларди.

— Ушла! Тут қароқчини!— деб бақирди Насриддин. Икки сарбоз, икки казак Мўминни тутиб, қўлини қайирди. У қаршилиқ кўрсатмай энтикиб гапирди:

— Осинглар! Қўша осинглар! Ботирдан кейин қолиб яшагандан кўра ўлганим афзал.

Полковник барон Миллер-Закомельский тўпланганларга қараб:

— Адолатли жазо амалга ошсин!— деди гердайиб.

Тилмоч таржима қилди. Халойиқ оғир сўлиш олди...

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

I

Абдуллабек тиккасига қувиб келаётган Витгенштейнни йўлда адаштириб, ўттиз йигити билан Сарикўл тоғлари оша Афғонистонга ўтиб кетди. Атроф бийдай дала эди. Юлгунзор шамолда увилларди.

Жарлик ва қуриб қолган сой қирғоғидаги ажриқлар саргайиб кетганди, чигирткалар ўшаларни ҳам қўймай бир чеккадан еб битираётганди.

Абдуллабек бегона юртдаги бу ҳолни кўриб, жаннатдай Фаргонанинг нон-тузини, шираси тилни ёрадиган қовунларини, ширин-шакар меваларини эслаб ўкинди. Унинг ҳасрат-надомат косаси тўлиб-тошди.

Ўзан бўйидаги яйдоқ ерга иккита чодир тикишиб, нафас ростлашди. Абдуллабек бир неча кундан бери отдан тушмай толиққан бўлса-да, кўзи негадир илинмади. Уйқуси қочиб, пиёзи чакмонини елвагай солиб, эшикка чиқиб хийла айланиб юрди. Посбонликда турган йигитлар мизғий бешлабди. Ҳаммаёқ жимжит. Тонг ёришиб келмоқда. У чодирга қайтиб кирди-да, ёнбошлаб ётиб кўзи илинди. Ташқаридан гангур-гунгур овоз келди. Абдуллабек уйғониб кетди. Қуёшнинг заррин нури чодир бурчидан тик тушиб турарди.

— Йўл бўлсин? — деди кимдир туркчалаб.

— Қўқон томондан, — деди Абдуллабекнинг йигити Оқполвон. — Афғон пошшосига келяпмиз.

Нотаниш кишилар ўзаро форс тилида сўзлашиб қолди. «Ажабо, амирникига меҳмонга келяпмиз дейди-ку? Бегона одамлар экан. Ёлғон. Шу қароқчиларга амирнинг кўзи учиб турибдияканми? Шунчаки баҳона. Эртага бирор ташвиш орттириб кетмасайди?» — деди иккинчиси. Форс тилини яхши тушунган Абдуллабек: «Ё, худо, энди бу кўргилик, бу таъналар бормиди?» — деб маъюс жилмайди.

Ёши ўтинқираб қолган одам бўлса керак, шундай деди:

— Майли, мусулмонлар, бу ер қўриқ, бугунча ҳордиқ олиб, эртага худо буюрган ерга кетарсизлар, — деди. Оқполвоннинг овози эшитилмади, бошини иргадди шекилли, чуқ деган овоз эшитилди, бир оздан кейин икки отнинг дупури тобора олислаб борарди. Оқполвон чодирга кирди.

— Удайчини чақиргин, — деди Абдуллабек.

Сал ўтмай, Оқполвон билан бирга булғори кавуш кийган, бош яланг, кимҳоб чопонини елвагай ташлаган Сулаймон удайчи кириб келди.

Сулаймон удайчи Учқўрғондаги тўс-тўполонда жазоловчи отрядга чап бериб, Сарикўл тоғларидан ошиб қочиб келаётганида йўлда тасодифан Абдулла-

бекларга учраб қолганди. У қопқонга тушиб, оёғи юлиниб чиққан қашқирдай аламзада эди.

— Кезинг, удайчи,— деди Абдуллабек. Удайчи сариқ кичкина кўзларни йилтиратиб «келдим» дегандай бошини қимирлатиб пойгакка ўтирди.

— Бу ёққа ўтинг,— деди Абдуллабек. Сулаймон ўзини эшитмаганга олиб, пешонасини тириштирди.

— Сулаймон оға, тақдиримиз шу экан, бегона юртга келиб қолдик.

— Ҳа, нима қилай?— деди удайчи томдан тараша тушгандай.

— Сиз хазиначи эдингиз. Ҳалиги, отинг ўчкур, ялтироқдан анча-мунча борми, Сулаймон оға?

— Хўш, нима қиласан?

— Ўзингиз биласиз. Афғон амирининг олдига қуруқ бормайлик. Иккимиз ҳам бир вақтлар катта элнинг нуфузли одамлари эдик. Бегона одамлар олдида, ўзингиз биласиз...

— Сенда энди қанақа амалу савлат қолди? Ҳеч нарса йўқ, бўлса ҳам бермайман.

— Бўлса нега бермайсиз? Ўрда барчамизга тенг эмасмиди? Эртанги тақдиримиз ҳам ўхшаш-ку? Ўйлаб кўринг. Мен уни бир ўзим учун сўраялманми?

— Сен мени суриштираверма! Сен мени сўроққа олма? Онаси байтал...

Абдуллабек ўз қулоқларига ишонмади. Удайчи эса тўхтамай оғзига келган гапни айтарди:

— Сен менга бунчалик қарама, онаси байтал. Сенинг онангга ўхшаганлар сотиб, азамат кишилар дорга осилди. Яна эртанги куннинг гамини ермиш. Ҳайф сенга, сенга ўхшаганларни йўқ қилиб бошқатдан иш бошласак бўлар экан! Мен ўйлаб кўрдим...

Абдуллабек кўкариб кетди:

— Эсингни йиғ, удайчи!..

Удайчи этагини қоқиб туриб:

— Тамом! Энди сенинг ҳукминг менга ўтмайди!— деди.— Тақдиримни ўйлармиш-а?!.

— Тўхта!— деди Абдуллабек. Сулаймон удайчи қайрилиб белидаги биротар рус пистолини олиб мўлжаллаётганида Оқполвон қўлига бир урди. Қарс! Уқ Абдуллабекнинг бошидан ошиб ипак чодирни тешиб ўтди. Йигитлар бир зумда удайчининг қўлини қайиришди.

— Қўйиб юборинглар,— деди Абдуллабек.— Уни қайтишда худди шу ердан Қўқонга кўпқари қилиб тушаман.

— Кўрамиз ўшанда!— дея Сулаймон удайчи сўкиниб чиқиб кетди.

Абдуллабек ота меросидан бебаҳра қолгани учун ўзини сира кечиролмасди. Шунинг учун Ғўлжада аскар тўплаб, бўлғуси жангга қаттиқ тайёргарлик кўрди. Баҳорда генерал Скобелев юришини «Алайский поход» деб атаб, кўплаб аскар билан қисиб келди. Абдуллабек Жонғириқ деган якка, тор жилғани тўсди. Афсуски шу ерда ҳам сотқинлик юз берди, Имонқул деган бир кимса Ғўлжага ўтувчи яширин йўлни кўрсатиб, душман аскарларини улар устидан олиб тушди. Иложи борича курашиб, қўшиндан ажраб, тақдир тақозоси билан Абдуллабек Сарикўл тоғлари оша шу ерга келиб қолди.

...Афғон амири Қобул шаҳрининг четидаги кошонали саройида Абдуллабекни қочқин шаҳзода сифатида ҳурмат билан кутиб олди. Ўз навбатида Абдуллабек ҳам афғон халқига, унинг ҳурматли амирига миннатдорчилик билдириб, таъзим бажо келтирди. Амир ўрнидан туриб Абдуллабек билан сўрашиб, кўнглини кўтарган бўлди ва махсус қабулхонага меҳмонни етаклади. Вазирлар, навкарлар, удайчилар амирнинг қочқинга қилган меҳру шафқатини кўриб ҳайрон бўлишди.

Шарқ мамлакатлари урдаларининг одатига амал қилган амир турк тилида назм билан савол берди:

Қайси боғнинг гулисан?
Қайси бекнинг ўғлисан?
Йўл юрибсан кеча-кундуз,
Шоҳона тўн, телпак қундуз,
Ўзбексанми, сортсанми?
Элни севган мардсанми?
Қаёқлардан келурсан?
Не деб жавоб берурсан?..

Ўшанда Абдуллабек қуйидаги жавобни айтди: \

Сирдарёнинг наҳридан,
Машҳур Қўқон шаҳридан,
Мингани дулдул бўлиб,

17

Тиллари булбул бўлиб,
Бекнинг ўгли, Бек Абдулла,
Қўлда қилич, бошда салла,
Шоҳим, аён ўзингизга,
Паноҳ излаб келдик Сизга...

— Шоҳ олийлари,— деди Абдуллабек ўтирмай,— баҳодир афғон халқининг сиздек донишманд соҳибига арзимаган совға қилиб, ўз арғумоғимни олиб келдим.

— О-о,— деб юборишди турганлар.

Амир кичик сарғиш кўзларини сузиб:

— Раҳмат ўғлим... Раҳмат,— деб сал бошини эгиб, қайта тахтига ўтирди.— Ҳим, ўтир, ўғлим. Муҳтарам додхоҳ ойим саломат юрибдими?

— Шукр, тақсир...

— Элу юрт тинчми?— Амир нима деркин, деб унга қаради. Сабаби Фарғона водийсида юз берган воқеалар унга беш панжадай маълум эди. Абдуллабек буни тушуниб:

— Тинчлик бўлса, шундай тентираб юрармидик, ҳазрати олийлари?!

— Ҳим, хабаримиз бор.

Дам ўтмай ҳинд қуллар оҳиста юриб дастурхон ёзишди, баркашларда ноз-неъматлар, кўзачаларда шароблар келтиришди. Бир гуруҳ рубобчилар супачадан ўрин олиб, соз чалишди. Куй оҳангига мослаб бешта гўзал қиз товусдек хиром этди.

Амир меҳмонлар хурсанд бўлсин деб шаробдан қуйдириб, вазирлар билан ҳазил-мутойиба қилиб ўтирди. Абдуллабекни на мулозамат, на раққоса қизларнинг қош учирishi ва на шароб овутиди.

Зиёфат охирида Абдуллабек асл мақсадга кўчиб, қатағон турк уруғларини сўраб-суриштирди. Бу Афғонистондаги қатағон турк уруғларидан иборат аскар тузиш, яъни ёрдам сўрашнинг бир тури ҳисобланарди. Амир гапга дарҳол тушунди. Вазир ва навкарлар лаб тишлаб қолишди, Амир бир ишора билан рубобчи ҳамда раққосаларни чиқариб юборди.

— Қийин... Сизларга қийин бўлди, ўғлим,— деб ўрнидан туриб дарча сари юрди. Қадимий Қобул шаҳрининг бир қисми кўзига ташланди. У қайтиб, Абдуллабекнинг олдига келди. Абдуллабек ҳурмат қилиб ўрнидан қўзғалди.

— Ўғлим,— деди амир мулойимлик билан,— жуда толиқибсан, сал дам олиб, Маккаи Мадинага бориб, Каъбани зиёрат қилиб келмайсанми? Бу бевафо дунёнинг тапвиши қайга ҳам қочарди? Қайтиб келганингдан сўнг гаплашмаймизми, ўғлим?

Айёр навкарлар амирнинг шундай дейишини олдиндан сезиб ўтиришарди. Сабаби, бошидан бахт қуши учиб кетган хонлар, амирлар таркидунё қилиб, Маккага ҳажга кетиши одат тусига кириб қолган эди. Абдуллабек ҳам буни тушуниб, ранги бўздай оқариб, нақшинкор қўш равоқдан кўз узолмай қолди.

Амирнинг бундан ўзга чораси йўқ эди. Чунки, Англия Ҳиндистонни босиб олиб, шимолга қараб ҳужумни кучайтирганди, Афғонистоннинг чегарага яқин шаҳарларининг бекларини ўзига оғдириб, амирга қарши қайраб турганди. Уша кунларда Россия география жамиятининг бир экспедицияси Афғонистон ерларининг картасини чизиб юришарди. Амир мамлакатни Англиядан муҳофаза қилиш учун рус шарқшуносларини ўлка ичига эркин қўйиб юбориб, Россия билан қандайдир бир шартнома тузиб, унга таянмоқчи бўлиб юрган эди.

— Ўғлим, менимча шу йўл қулайроқ,— деди амир сир бой бермай. Навкарлар уни қўллашди:

— О-о! Бундан яхши маслаҳат борми? Йўлинг очилади, ботир йигит!..

— Тақсир... Яхши маслаҳат... тақсир,— дейишдан нарига ўтолмади Абдуллабек.

Қабул маросими тугади. Амир кетиш олдидан аргумоқни Абдуллабекнинг олдига келтиртириб:

— Ўзинг зўрға юрибсану, отингни мен олиб қолсам, кўкда учган шунқорнинг қанотини қийган бўламан. Ўзингга сийлов. Менинг сенга мингизганим шу бўлсин...— деди.

Абдуллабек на севинди ва на хафа бўлди. Сипо хайрлашиб жўнаб кетди.

Унинг сўнгги умиди ҳам чилпарчин бўлди, дарё қирғоғидаги чодирга келиб, етти кун ётди. Саккизинчи кун ирридан туриб, ўз ёнига ишончли дўстларидан иккитасини олди, беклик кийимини мусофир чопони билан алмаштириб, Арабистонга жўнади.

Оқполвон ва қариндоши Ботирбек бош бўлган йигитлар уч кунгача бирга бориб кузатишди. Уч кунга

қадар Абдуллабек бирор оғиз сўзламади. Ниҳоят, йўл айрилишидаги серсоя бир туп тол остида тўхташди, семизроқ отдан бирини сўйиб, тамадди қилишди. Абдуллабек туз тотмади. Бир маҳал у кўзини очиб:

— Эй, Оқполвон, қайдасан?— деб қолди.

Оқполвон энгашиб қарасаки, бек кузги япроқдай сарғайиб, икки кўзи косасига сигмай ранги сўниб борарди.

— Ўз Ватанимдан ажраб, ўзганинг Маккасидан нима топардим?!— деди Абдуллабек. Йигитлари:

— Қайтайликми?— деб севиниб кетишди. У титраб-қақшаб, бош чайқади:

— Сизлар қайтинглар...

Йигитлар жим бўлиб қолишди. Оқполвон меҳрибонлик билан:

— Сиз-чи, бек? Қайтсак, ҳаммамиз қайтайлик...

— Мен ўламан,— деб Абдуллабек шивирлади.

— Улимнинг бети қурсин. Уни оғизга олманг,— деди кимдир.

Абдуллабек икки муштумини бошига тираб:

— Йўқ... Йўқ, менинг ўлганим афзал. Қайтиб боролмайман...— деди.

Йигитлар Оқполвонга қарашди. Ботирбек йиғлаб юборди:

— О, акажон, нималар деяпсиз?!

Абдуллабек ҳеч нима бўлмагандай бошини кўтариб:

— Ботиржон,— деди эркалатиб,— ажабланидиган жойи йўқ. Бу тақдирнинг ҳукми, пешонамга ёзилгани.

Бошқалар ҳеч нимага ақллари етмай, бошлари қотиб қолди.

Ё тоби қочдимикин? Оқполвон чора излаб нарибери юрарди. Ниҳоят у яқин орадаги қишлоққа бориб, боши билан белига оқ мато ўраб олган бир ҳинд табибини топиб келди.

Оқполвон отдан тушди, табибни бек олдига бошлаб келди, йиғила бошлаган йигитларни қўлини силтаб тарқатиб юборди, сўнг Абдуллабекка энгашиб:

— Бек...— деди.

Абдуллабек бошини кўтарди. Ёнида бегона одамни кўриб ўзини ростлади. Ҳинду икки кафтини жуфтлаштириб:

— Салом, бекзода,— деб эгилиб таъзим қилди, тимқора кўзлари мунчоқдай ялтирарди.

— Кўрсин-чи,— деди Оқполвон,— табиб экан...

Абдуллабек кулди:

— Ха-ха-ха! Табиб дегин. Майли, касалимни билсин-чи,— деб қўлини узатди.— Томир кўрасанми? Ёки ром очасанми?

Ҳинду Абдуллабекнинг панжасидан ушлаб, томир кўрмай жилмайиб, унинг кўзига тикилди, кейин қўлининг устини силаб туриб:

— Бекнинг киприги қотиб қолибди. Ўй-хаёл касалига мубтало бўлибди,— деди оппоқ тишларини кўрсатиб.

Абдуллабек кўзларини катта очиб, бошини чайқайди. Табиб яна бир қарра тикилиб:

— Вой, тавба! Ўй-хаёл одамни ўлдиришини бек билмайди шекилли,— деди.

Абдуллабек бир қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, чуқур хўрсинди, чап қўлидаги гавҳар кўзли узукни табибга узатди:

— Билар экансан, табиб! Рози бўл.

Табиб узукни олиб синчиклаб қаради, чинакам гавҳар эканлигига ишонгач, оғзи қулоғига етиб:

— Раҳмат! Раҳмат!— деб ўрнидан турди. Бир оз юргач, орқасига қайрилиб:— Бек хаёл суришни ташласин. Кўнглини кўтарадиган нарса бўлмаса ҳам, ўзини бошқа нарса билан овутсин,— дея жадал юриб кетди.

— Кўнгил қандай кўтарилсин? Иложи йўқ-ку?— деди Абдуллабек мўлтираб.— Жон қаерда чиқса, тана ўша ерда қолади. Бир илтимосим шуки, қариндошларим, қон кечишган дўстларим...

Сқполвон тахта бўлиб қолди. Йигитларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди.

Абдуллабек:

— Жон узилгач, кўкрагимни ханжар билан ёриб, юрагимни олинглар... Танамни шу ўртага кўмиб, юрагимни оқ кигизга ўраб, отнинг тизгинини буриглар. Насиб этса, ота-боболаримизнинг умри кечган ерга борсанглар... гул билан қопланган дўнгликка дафн этинглар. Юрагим хорижда эмас, киндик қоним тўкилган ўз Маккаи Мадинамда ётсин...

Ботирбек ҳўнграб йиғлади. Абдуллабек уни юпатмади.

Тўртинчи куни тонгга яқин Абдуллабек бошини икки муштуми орасига олганича тўнкарилиб ётиб қазо қилди. Оқполвон тобора тафти кетиб бораётган жасадни қиблага қаратиб авайлаб чалқанча ётқизди, қўлини тўғрилаб, устига чакмонини қия ташлади, ўзини туюлмади:

— О, эсиз бек... О-о, жигарим...— деб ўкириб юборди.— О, азаматдан айрилдик-а...

Йигитлар унга қўшилиб уввос солишди. Ботирбек ўксиб-ўксиб йигларди. Оқполвон энтикиб:

— Тўхтанглар...— деди овози титраб, кўз ёшларини артиб ўзини қўлга олди.— Бегона юртда бақириб ўтирмайлик...

Эртасига Оқполвон бош бўлган йигитлар Кушкани мўлжаллаб, «ўз ватаним, ўз элим қайдасан», деб йўлга чиқишди. Аргумоқнинг туёғини тулатган олис йўл. Йигитлар тобора озайиб борарди. Негаки, бировининг оти ҳориб қолса, иккинчиси йўл азобига бардош беролмай қолиб кетарди. Чўлда қароқчилар икки марта ҳужум қилди, ўнта йигит қурбон бўлди. Ниҳоят, Жайхуннинг боши Урганчга Оқполвон, Ботирбек ва яна бир йигит эсон-омон етиб келди.

Бир ой деганда Фарғона водийсига етишди. Тоғ тарафга отни буришиб, хилват ерга, бир тўп кўм-кўк арча тагига Абдуллабекнинг юрагини дафн этишди. Отини марҳумнинг арвоҳига атаб сўйиб, калласини қайнатишди, гўштини сидириб ташлаб, қуруқ суякни арчанинг айрисига қистириб қўйишди. Шундан кейингина озиб-тўзиб кетган йигитлар ўзларини енгил ҳис қилиб, ўз манзиллари сари йўл олишди...

— Отланинглар! Отланинглар! Бошимизни бирлаштирган ўрда бузилди. Отланинглар!

II

Энди Абил бий кутилмаганда қишлоқма-қишлоқ жарчи жўнатиб отларнинг думини қонга бўятиб, халқни оёққа турғизди:

— Етти ёшдан етмиш ёшга қадар кишилар отланиб, қизлар сочларини турмаклаб йигитлар билан бирга қўлига қурол олсин. Ҳо-о-о! Халойиқ, отланинглар-р!

Абил бий шу тарзда ўрдадан келаётган хабарга қўшиб-чатиб, свул ва қишлоқларнинг аҳолисини ё отлан-

тирмай, ёки тинч қўймай тез-тез безовта қилиши ҳам-манинг жонига тегди. Халқ бойлик деса ўзини томдан тақлайдиган Абил бий тўғрисида турли мулоҳазага борарди. Балки бий ҳақдир? Еки шу йўл билан бирор наф олмоқчидир?

Исхқнинг қатл этилиши Бекназарга қаттиқ таъсир қилди. Унинг барча ишонч ҳамда умиди пучга чиқди. Узи ёлғиз нима қилиши мумкин? Ҳариндош-уруғ деб нима обрў топти? Жангу жадал элнинг турмушини ўнгладими? И, қ! Бекназар тақдирга тан бериб, арғумоқ билан қиличдан воз кечди; беш вақт намозини ўқиб, Тангриберди билан Гулқиши сингари астойдил тирикчилик ғамига тушди.

— Э-э, халқ тақдири қил тарозига тушди, бош ай-ланиб, кўз тинадиган довсига келди. Энди бунга ким чора топади? — деб қолди Тангриберди. Бекназар бо-тиё бораётган қуёшга, доларанг уфққа ўйчан боқиб, қадимги бир ҳикоятни сўзлаб берди:

— Илгари замонда Ажо деган қаҳрли уруғ бошли-ги бўлган экан. У: «Қуёш чиққан ердан токи ботган ергача юрн қиламиз. Йўлда бешга сало бўлади, ол-тиндан ошган қари қолмасин», деб буйруқ берибди. Буйруқ тўла бажарилибди. Ушанда бир ўғил отаси-нинг яктагига улоқнинг қонини суркаб Ажога кўрса-тиб қутулибди. Сафар тадориги тугагач, қарнай-сурнай билан йўлга чиқишибди. У вақддаги юришда оила аъзолари қатнашар экан. Бояги отасини улимдан ас-раб қолган йигит чолни сандиққа солиб, туяга хазина сртгандай кўпчилик қаторида жўнабди.

Ўқушин йўл юрса ҳам мўл юриб, бир кунни катта чўшга дуч келиб, сувсизликдан қирила бошлабди. Ажо сув топинлар, деб буйруқ берибди. Одамлар у ерни кавлаб, бу ерни кавлаб, бир қатра ҳам сув тополмабди. Шунда кимдир: «Эҳ, аттанг, орамизда бирер қари ки-ши бўлганида бизга сув топиш йўлини айтарди», деб-ди. Боланинг ёдига отаси тушиб, тунда сандиқни очиб, бўлган воқеани унга айтиб берибди. Стаси: «Оббо лаъ-нати-ей, сигир борми? Сигир бўлса уни нари-бери қув-лаб, роса чанқат. Кейин бирпас ўз ҳолига қўйиб, қараб тур. Чанқаган сигир сув излаб кетади. Сигир қаерга бориб, бошини эгиб, ерни титса, ўғлим, ўша ерни кав-ла, сув чиқади...» дебди. Жангчи отасининг айтганини қилиб, одамларни ўлимдан сақлаб қолибди.

Қўшин сувсизликдан қутулиб, узоқ йўл юрибди. Кунларнинг бирида улар икки дарё қўшилган жойда дам олишибди. Жангчилардан бири чўмилгани бориб, дарё туташган жойда, сув остида гавҳар кўриб қолибди. Бу хабар очкўз Ажонинг қулоғига етибди. У аскарларини гавҳар олиб чиқиш учун туширибди. Лекин бировни сув оқиздириб кетса, бирови гавҳарни тополмай, аранг қайтиб чиқибди. Ажо кўриниб турган гавҳарни тополмайсанми, деб қайтиб чиққанларнинг бошини олдираверибди. Яна ҳалиги жангчи тунда сандиқни очиб бўлган воқеани отасига айтибди. «Оббо лаънати-ей,— дебди отаси,— ўша сув бўйида бирорта дарахт бўлиши керак. Сен, ўғлим, дарахтнинг бошига қара, гавҳар сув остида эмас, ўша дарахтнинг устида бўлиши керак»... Эртасига жангчи сув бўйига борса, катта чинор бор экан. Сувга қараса, гавҳар ярақлармиш. Тепага боқса, чинор шохида қушнинг эски ини бор эмиш. Дарҳол чинорга чиқиб ундан гавҳарни олибди. Уша гавҳарнинг акси сувга тушиб турган экан. Йигит гавҳарни топшириб, Ажонинг қаҳридан кўплаб кишиларни омон сақлаб қолибди.

Ажо эртасига жангчини чақиртириб сўрабди: «Икки мартагача ҳам мушкулни сен осон қилдинг. Шунча ақлни қайдан олгансан?» дебди. Ушанда йигит: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман», деб жавоб берибди. Ажо рози бўлибди. Жангчи: «Ақлни сандиққа яширганман» деган экан, навкарлари бориб очиб кўришса, сандиқда оппоқ соқолли нуроний бир чол ўтирганмиш. Ажонинг олдига етаклаб келишибди. Ажо ота-боланинг қонидан кечибди ва чолга: «Икки ақлли гап айтдинг, энди учинчи ақлли гапни ҳам айтгасан», дебди. Қария: «Улуғ Ажо, қулоқ сол, ўзингда ақл бўлмаса ёки ёнингда бирорта эсли-қушли, кўпни кўрган одам юрмаса, йўлга чиқма, ишинг ўнгидан келмай, одамларинг қирилиб, охирида ўзингга қийин бўлади», деган экан. Ажо кўп ўйланиб, оқсоқолга бош эгиб, «қари билганини пари билмас», деб қўшинни бошлаб, ўз юртига қайтган экан...

— Ҳа, бу қадимда ўтган қариялар-да, — деб қўйди Гулкиши.— Ҳозирги кексаларга йўл бўлсин!..

Яшил ўзан ёқдан ёлғиз отлиқ кўринди. У тез келатган эди. «Бу Абилнинг жарчиси», деб ўйлашди. У

Бекназарлар томонга юрди. Тўғри келди-ю, отидан ҳам тушмай:

— Бекназар ака,— деди чопар,— Теменесувда одамлар тўпланяпти, сизни келсин дейишди.

— Қанақа йиғин? Тўпнинг бошлиғи ким?— деб сўради Тангриберди.

— Бошлиғи Абил бий. Бироқ масала ечилмаяпти. Шунинг учун халойиқ сизни кутяпти.

Бекназар гангиб қолди. Бориб нима дейди? Хўш, нима қилсин? Чопар отига қамчи босиб кетди. Бекназар жазоловчилар отрядидан тортиб, токи Абил бий элни овора, сарсон қилаётган кунгача бўлиб ўтган ишларни кўз ўнгидан ўтказиб, юраги безиллаб ўрнидан турди:

— Йўқ, яхши кунда ботир бўлиб, ёмон кунда ётиб олиш инсофдан эмас?! Борайин...

Теменесувда халойиқ тирбанд. Ит эгасини танимайди. Биров отда, биров ҳўкизда, бошқаси эшакда келиб, жой олмоқда. Деҳқон дон эккан даласини, чорвадор мслини, овчи эса қопқон билан бургутини ташлаб, шу ерга ошиқмоқда. Гулкишини бошлаб Бекназар ҳам тўпга яқинлашди. Уни олисдан кўриб турган Абил бий отини йўрттириб келди-да, сўрамай-нетмай Бекназар минган от жиловидан ушлаб етаклаб кетди:

— Мана! Мана! Ўзи келди. Бекназар ботир!

Бекназар ё эргашишини, ё тизгинни тортиб олишни билмай ҳайрон бўлиб қолди. Одамлар: «Ҳой! Ботир келди!» деб шов-шув кўтариб юра бошлади.

Бекназарнинг кўзи бирдан замбил кўтариб келаётган тўрт кишига тушди. «Замбилдаги ким экан?» деб узоқ тикилди. Чор атрофдан «Бекназар! Бекназар!» деган овозлар янграб турарди. Бекназар тизгинни Абил бийнинг қўлидан чиқариб, отини буриб замбил олдига борди. Қарасаки, Алмамбет! Соч-соқоли қордай оппоқ чол одамларга нурсиз кўзларини тикиб, қартайган арслондай ўтирибди. Бекназар отдан тушиб, замбил ёнига борди:

— Ассалому алайкум,— дея салом берди. Замбилни кўтарган Алмамбетнинг набиралари эди. Уни танишиб, йигитлар замбилни ерга қўйишди. Бекназар уни қўлидан ушлади.

— Ким бўласан?

— Бекназар акам,— деди набираларидан бири чолнинг қулоғига қаттиқ овоз билан. Алмамбет:

— Ҳа, тузук!.. Бекназармисан? Исмингни эшитиб юраман, укам. Кам бўлма,— деб дуо қилди. Замбил ердан узилиб, элни оралаб кетди.

Теменесувнинг ўртасидаги дўппидай дўнгликдан аҳли дониш ва маслаҳатгўйлар ўрин олди. Абил бий кўпчиликни оралаб келиб ўртага ўтирди. Жамоат жам. Баъзилар: «Бийнинг ҳоли танг шекилли, ҳатто бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда турган Алмамбетни ҳам олдириб келибди», дейишарди. Ҳолбуки Абил бий номини олгандан кейин, Алмамбет унга йўл бериб, ўзи Курпулдаксойда тинч ҳаёт ўтказарди. Бугун орқаворатдан бу йиғилишни эшитиб атай замбилда набиралари билан келган эди. Абил бий эса қайтага унга қараб қўйгани ҳам йўқ.

— О, қадрли юртдошларим,— дея сўз бошлади Абил бий. Ҳамма жим бўлди.— Юртимиз бошига оғир қайғу тушди. Бола отасиз яшамаганидек, биз ўрдасиз тирикчилик қилишимиз қийин. Ўша биз суянган тоғимиз, ишонган боғимиз — ўрда хавф-хатар остида қолди.— У диққинафас бўлиб ўтирган Бекназарга қараб қўйди.— Тўғри, хонимиз номардлик қилиб, халқни кўп ташвишга қўйди. Лекин нима бўлса-да, буни унутиб, тақдиримиз қил устида турган шу кунларда сиз, қоракўз, ширинсўз ҳамқишлоқ, овулдош ака-укалар, ёрдам беришингиз лозим.

— Ёрдамга куч қаёқда?— деди кимдир.

— Куч дейсанми? Куч мен билан сен. Қолаверса, мана шу ўтирган халойиқ. Барчамиз бир ёқадан бош чиқарсак бўлгани.

Кимдир писанда қилди:

— Худо уриб, минг уруғнинг сасиган этагини яна ўпамизми? Ўрда деб юриб...

— Кўрамиз,— дея илиб кетди Абил бий,— минг уруғ эмиш. Минг уруғ ерга кирсин! Ўрда қайта тикланса, ўзимиз биламиз.

— Бий,— деди Бекназар,— чириган ўрдани қайта тикламоқчимисиз? Овора бўлманг, худо ярлақагур. Гапингиз ўша эски гап. «Бирлик», «Ҳамкорлик» деб халқни сувдан олиб, ўтга солиб, кўп овора қилдик. Урдангиз одамларга нима берди? Аслида, халқ кўйлагини қонига бўяб, неча марта қўлига тутқазди...

Абил бий бақириб юборди:

— Ҳой, сен айтган гап тўғри дейлик. Аммо бир томондан жазо отряди қисиб келяпти. Нима қил дейсан? Томоғимизни қўйдайд пичоққа тутиб берайликми?!

Ана шу паллада иккови ҳам ҳақ эди. Шунинг учун Абил бийни ҳам, Бекназарни ҳам тўпланганлар ёқлаб туришди. Бий жавоб кутди. Бекназар нима дейишини билмади.

— Мана шунақа, қоракўз юртдошларим, сизларга биргина тўғри йўлни кўрсатяпман, холос. Эл оғаси бўлган яхшилар, эшитмадим деманглар, чорвадор, деҳқон, савдогар — баримиз бирикиб, қўлимизга қуръон ушлаб, қасамёд билан бир туғ остига тўпланамиз. Бу маслаҳат аллақачон пишиб етган. Биз биринчи бўлиб отланамиз. Эшитдингларми? Тез кунда Намангандаги ўрис аскарлари билан тўқнашамиз.

Ўтирганлар бошини сарак-сарак қилишиб, «Қандай кунларга қолдик? Ўриснинг замбарагига қамчи ёс келармиди? Бало босди-ку?» деб ташвишга тушиб қолди. Бошқа илож йўқлиги одамларнинг шаштини қайтарди. Ҳеч ким қарши сўз айтолмади. Абил бийнинг буйруғи ўз кучида қоладиганга ўхшарди.

— Курашамиз, қириламиз, худо ёр бизга! Ўз ўрдамизни, ўз обрўйимизни кўтарамиз! Смин...

Алмамбет эшитмай қолган гапларини набирасидан уқиб ўтирарди. У гапирмасқчи бўлиб нафасини ростлади. Алмамбетни кўриб Абил бий тўхтади.

Юз ёшни уриб қўйган қария нор туядай бўйинини чўзиб, ютиниб:

— Ҳа, эшитдим аҳволингларни. Аттанг, бошимизга ёмон кунлар тушиб қолибди-ку? Эй, Бекназар, қаредасан?

Бекназар: «Мен нимага керак бўлиб қолдим экан?» деб Алмамбет томонга бўйлаб қўйди.

— Алмамбет ака, Бекназар шу ерда ўлирибди... — деди кимдир.

— Ҳим, менинг исмим Алмамбет. Қузғуннинг ёшини ёшадим... — деди энтикиб. — Бекназар, менга қулоқ сол.

— Қулоғим сизда, отахон!

Ҳамма уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ солди.

— Бу қизиқ экан-ку? Шунча ёшга кириб, дунёда

тўқсон уруғ ўзбекдан бошқа эл борлигини билмаган эканман. Сен у ёқ-бу ёқда кўп бўлгансан, бояги бостириб келаётган ўрис деганни ўз кўзинг билан кўрганми-сан, болам?

Бекназар нима дейишини билмай қолди. «Оқсоқол буни сўраб нима қиларкин?» деган хаёлга келди. Қария кўз қирини ҳамон Бекназардан узмасди. У жавоб берди:

— Кўрганман...

— Қанақа бўлади?— қизиқди чол.

Абил бий қараб: «Эй, худо, бандангни намуноча алжитмасанг?! деб мийиғида кулди. Бекназар жавоб берди:

— Думалоқ бош, оёғи айри.

— Ҳа-ҳа, гаплашадими?

— Гаплашади. Ўзларининг тилида.

— Қовоғини соладими?

— Солади...

— Куладими?

— Кулади, отахон. Ўз кўзим билан кўрдим.

Халойиқ бу ғаройиб савол-жавобни эшитиб, қотиб-қотиб куларди. Кўпчилик чолнинг гапини эшитмай олдинга интилди.

Алмамбет:

— Бекназар, алжиган бобонгни сўзига эринмай жавоб айтгин. Ўрис овқат ерканми?

Бекназар жилмайиб:

— Нега емаскан!— деди.

Алмамбет терлаб кетди. Набираси рўмонча билан унинг пешонасини артди.

— Ана холос,— деб астойдил ҳайрон бўлди Алмамбет,— бу ўрисинг думалоқ бош бўлса, гапирса, у ҳам бизга ўхшаган одам экан-да?! Қовоғини солса — қаҳрли, кулса — раҳмдил. Тирикчилик қилса — алдаркан, алданаркан. Бундан чиқдики, ўзимиздай бир бандани мўмин экан?!— Утирганлар ўртасида гуррос кулги кўтарилди. Эшитмай қолганлар ён-веридан сўраб-билиб завқланишарди. Бир аср умр кўрган оқсоқолнинг сўзидан маъно ўқишни истаган халойиқ яна жим бўлди.

— О, шўринг қургур қоракўз халқим,— деди Алмамбет,— қирилишнинг нима яхшилиги бор?! Ўрда дейсизлар, ўрда кимнинг пешонасини силади?! Ўрислар биздай одам экан, одамзодни яхши гап отдан ту-

ширади. «Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқади», деб беҳуда айтишмаган. Дўстлик чопонини кийиб, ўша ўрисларни ҳурмат билан йўлда кутиб олинса нима бўлади?..

Одамлар қариянинг гапини диққат билан тинглаб, бироқ ҳеч ким ҳеч нима демади. Бу бирор кишининг тушига ҳам кирмаган фикр эди.

— Одамзод,— деди Алмамбет сўзини давом эттириб,— бир-бири билан сирлашгандан кейин дўстлашди. Ризқ оқар, ақл юқар, деганлар. Қадрдонларим, қўлинглардан келса, ўрис билан топишиб кетганга нима етсин? Ҳали кўрасизлар, тақдиримиз бирлашиб, ёру биродар бўлиб кетамиз.

Ҳурматли кишилардан бири:

— Э, худо! Мана бу «ўзи ўзига бий» зап гапни айтди-да,— деб қолди.

Абил бийнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Элнинг бийи мен! Ҳой, ўзи-ўзига бий, сенга нима етишмаяпти?— деб ўрнидан туриб кетди.

Ўтирганлар энди унинг сўзини инobatга олмай қўйди.

— Бу бошқа гап. Буни ақлли маслаҳат дейдилар.

— Нега кутиб олмас эканмиз? Ўрис ҳам бизга ўхшаган эл экан!

— Э, ўша ўрданг бошингдан қолсин, қизиталоқ! Ўрдадан нима ҳузур-ҳаловат кўрдик! Ўрисга қўшила-миз. Дўст бўламиз!..

Абўл бий:

— Шошма! Ҳой, қутурган халқ!— деб қичқирди.— Ҳой қутурган халқ!

Ҳеч ким эшитгиси келмади.

Бий лой бўлиб ўтириб қолди. Ён-верига қаради. Уни қўллайдиган одам йўқ. Ҳозиргина унга қулоқ солиб турган одамлар бирдан чопонини тескари кийиб олса-я? Аттанг, қилич олиб бир четдан қириб юборгиси келди-ю, қаҳри қаттиқ, забардаст Бекназарни кўриб ичидан зил кетди, аъзойи баданини тер босди.

Алмамбет:

— Бекназар!

— Лаббай, қулоғим сизда.

— Сендан бошқа ишончли одам йўқ. Қадрингни кўтар, ўрисни сен кутиб оласан!

Бекназар ўрнидан туриб келиб, қариянинг қўлидан ўғиб, кўзига суртди:

— Отахон! Бошқа биров сайлансин... Мен бунақа ишларга қўл силтаган эдим.

— Шундай қил, болам,— деди чол ботирнинг гапни эшитмай қолдими ёки эшитган бўлса ҳам ади-бади қилишни эп кўрмадими, сўзида давом этди,— ўрис ўқ отса, биринчи бўлиб йиқил, гапга юрса, йўлини топ. Хуллас, халқнинг оғир кунда малҳам бўл. Сенга ўзга йўл йўқ, чунки сени бекорга ботир дейишмайди!

Нима қилсин? Бекназар ҳайрон бўлиб қолди. У хонавайрон бўлган, тинкаси қуриб, рамақда жони қолган ўз халқининг тақдирини ўйлаб ерга тикилиб турарди.

— Бўшашма, ботир!

— Э, бу ишга сен ярамасанг ким ярайди?!

— Ҳа, шунақа бўлсин, Бекназар ака...

Халойиқ бир овоздан маъқуллади. Даврадан олисроқда отлик йигитлар «Бекназар!», «Бекназар!» деб қичқиришаётганди. Булар Абил Сий тўплаётган қўшиннинг бир қисми эди. Бекназарнинг аввалги ғайратга жўшиб, олқишлар унга куч-қувват қўшиб, ўрнидан қўзғалди:

— О, қоракўз юртдошларим!— деди Бекназар.— Майли, бор десанглар бориб, ўрисларни кутиб олай... Энди менинг илтимосим шуки, тўпланган йигитлар ўз қишлоқларига тарқалиб, деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ўз ешини, ўз тирикчилигини қилсин...

— Бўлди!.. Айтганинг айтган, Бекназар ботир!— деди гуриллаб халойиқ.

Шундай қилиб, юз ёшли Алмамбетнинг гапи кўпчиликка манзур бўлди.

Алмамбетни набиралари замбилга ўтқазишиб, елкага олишди. Оғзи қулоғига етган Гулкиши чавқар арғумоқни Бекназарнинг олдига етаклаб келди. Темесувга тўпланган одамлар баҳорнинг тошқин сувидай шошиб, хурсанд бўлиб уй-уйларига тарқала бошлади.

Абил бий ўтирган жойидан туролмади, биров уни юр демади. У тепаликда қузғундай шумшайиб қолди...

III

Исҳоқ дорга осилгандан кейин Худоёр билан Насриддин ҳар қайсиси ўзича: «Ярим подшо энди мени хон қилади», деб ўйларди; бир-биридан қизганарди, хонликка кўтаришда керак бўладиган оқ кигизни туяга ортиб, ярим подшо атрофида гирдикапалак бўлиб юрарди. «Ваъдага биноан Қўқоннинг донишманди мен бўлишим керак»,— деб Абдурахмон бир ёқдан умидвор эди. Ярим подшо буни кўра-билатуриб, уларга унча рўйхуш бермай қўйди. Нега деганда бу чириган ўрда йўқ қилинмагунча халқ қўзғолони босилмаслиги аниқ эди. Хонларга ҳамиша ён босилса, Россиянинг маҳаллий халқ олдида обрў-эътибори кетиб қоларди. Тадбиркор фон Кауфманнинг буни кўзи етганди.

Кўп ўтмай ён-веридаги аҳолига сўзи ўтадиган Қурмонжон додхоқ оғим Ушга келиб, генерал Скобелев билан учради. Улкадаги бошқа шаҳарларнинг ҳам калити топширилди, деган маънода (қирғизларнинг ёши улуғ аёллари расм-русмга кўра, сочларига кумушдан, мисдан тақинчоқлар ясатиб, бир неча калит ҳам осиб юришади) бир шода калитни рус генерали олдига ташлади, уруш тўхтаганлигининг белгиси сифатида белидаги олтин сопли ханжарни ечиб берди. Шу йўл билан тадбирли аёл оналик хизматини ўтаб, ўрданинг тугатилишига розилик билдирди, юртнинг Россия ихтиёрига ўтишини қўллаб-қувватлади, халқнинг бундан буён тинч-тотув яшашига кафил бўлди.

Шундан сўнг фон Кауфман Қурмонжон додхоқнинг «Олой маликаси» деган қуруқ шуҳратини ўчирмай, унинг ёнига полковник деган номни қўшиб қўйди, Насриддинни дворянликка ўтказди, Абдурахмонга ҳам полковник уивони бериб, уларни бир ёқли қилган бўлди.

Ушанда ҳам «онадан хон бўлиб, бек бўлиб турилганман», деб юрган кишилар тиниб-тинчимасди. Туншунмаган Насриддин «дворян» деганга рози бўлмади, қўлида бирорта солдати йўқ Абдурахмон полковник мундирини кийиб юришни эп кўрмади, уларга Худоёр раҳнамо бўлди, зимдан ўрдани қайта тиклаш ҳаракатига тушиб қолишди.

Аммо уларнинг вилоятлардаги Абил бийга ўхша-

ган ишончли кишилари ҳеч жойда иш чиқара олмади. Халқ ўзи танлаб, уруш йўлидан тинч ҳаёт йўлига ўтди. Сир фош бўлгач, Худоёр «жаноб олийлари», Насриддин «дворян», Абдураҳмон эса «полковник» «унвони»дан четлатилиб, Оренбург губерниясига сургун қилинди. Орзуси халқ орзусига сира тўғри келмаган, омманинг қўллаб-қувватлашидан тамоман ажраб қолган эски ўрда қулаб, унинг қонли қиличи синди...

IV

— Раҳмат, ботир, нима бўлса ҳам туққанам экансан, чақирсам сўзимни ерда қолдирмай келиб, туз тоғиб ўтирибсан,— деди Абил бий аламзадалик билан...— Шу кунга қадар қаттиқ гапирган бўлсам, барини ўрда номидан айтиб, ўрданинг қамчиси билан савалаганман. Бундан фақат менга элнинг гина-кудурати ортди. Амри подшо вожиб, қўлимдан нима келарди? Айтгани айтган, дегани деган. Илтимосим шу, халқ сенга ишониб қолди, омад сеники. Менинг бошимдан бахт, қўлимдан куч кетди, кечиришни лозим топсанг, мени кечир...

Дўнгда яккамохов бўлиб қолиши Абил бийга ўтиб кетган эканми, ўзини анча олдириб қўйибди. Қорақош ойим гўё ҳеч нарса бўлмагандай меҳмон кутиб, «Келинг, ботир йигит... қимиздан ичиб ўтиринг...» деб нозу карашмалар билан қимиз узатарди.

Меҳмон икки киши эди.

Бекназар йўл бўйига ўтовлар тикдириб, ёш-қариларни тўплаб, рус отрядини кутиб олишга тайёргарлик кўраётганидан хабар топган Абил бий ўзидан, меросидан чўчиб, ярашса ярашар, ярашмаса эл кўзига ботирнинг кўнглини олиб қўяй деган ниятда хотини Қорақош ойимни Бекназарни меҳмонга чақириб келиш учун юборди. Ботир ҳам, «кўпни кўрган одам, бирор маслаҳати бўлса керак», деган мулоҳаза билан Гулкишини олиб бу ерга келди.

— Мен энди сенинг йўлингга тўғаноқ бўлмайман, Бекназар. Энди элни ўзинг бошқар. Ҳар ким ўз йўли билан юргани яхши. Кейинги авлод ё меникини, ё сеникини тўғри дер...

— Абил ака, бий бўлиш мақсадим йўқ. Гап бунда эмас-ку? Ўрис катта халқ экан, отган ўқи олисга етар-

кан. Муросаи мадора керак! Ишончли кишилардан эшитдик, Эдилнинг қуйи қисмидаги саҳройи қозоқни, Сари-Ўзган-Чуй атрофидаги қирғизни улар ютиб юборгани йўқ-ку? Қайтага аҳил-иноқ яшаапти. Уларни қайси биримиз кутиб олмайлик бари бир.

Шу пайт Қорақош ойим бошқаларга сездирмай эрига зимдан қараб қўйди. Абил бийнинг хаёли чарх урарди. «Бу бола бало экан-ку, бунчалик ақлу фаросатни қаёқдан олди?» деб тан бериб, «майли, икковимиз кутиб олайлик», ёки, «майли, мен кутиб олақолай, ёшим улуғ», деб юборишига оз қолди. Йўқ, бундай қилиши тўғри эмас. «Бу кўнса ҳам халқ кўнмайди» деб юраги эзилиб кетди.

— Қўй, Бекназар,— деди қари тулки,— халойиқ йўлни сенга бердими, ўзинг кутиб ол, ботир! Менинг олдимдан ўтиб қўйганинг учун бошим осмонга етди...

Бекназар эса қилаётган ишлари, тайёргарлиги ҳақида сўзлади. Абил бий ўз хаёли билан банд эди. Нияти қора Абил бий ўргимчакдай фисқи фужур тўрини тўқиб, кўнгли ниманидир тусарди. «Бу кўнса ҳам халқ кўнмайди. Бекназар ҳаёт экан, ҳеч ким мени назарписанд қилмайди», деб адовати кучаярди.

Тойнинг гўшти, болдайн қимиз дастурхоннинг гули бўлди. Қорақош ойим меҳмонларни беҳад яхши кутди.

Гулкиши ич-ичидан хурсанд бўлиб:

— Энди Абил ака, бу ёғини кўрармиз,— деб оғзини тўлдириб гапириб, Абилга тақлид қилиб роҳатланиб ўтирарди. Қорақош ойим овқат ҳазм бўлсин учун кўк чойдан босиб-босиб қуярди.

— Бий, бизга руҳсат беринг,— деди Бекназар зиёфат учун Қорақош ойимга раҳмат айтиб. Уй бекаси ҳам меҳмонларга миннатдорчилик билдириб:

— Ўтган-кетган ишларни кўнглингга олмай, келиб оғангни уйдан туз тотганинг учун раҳмат, қайним! Буни қўриб дўст суюнди, душман куйинди. Хурсанд бўлдик,— деб ўрнидан турди ва сепи устида турган оқ пиёви камзулни Бекназарнинг елкасига ёпди.

— Қутлуғ уйдан қуруқ чиқмайди,— деди Абий бий.

Камзул ихлос билан тикилган эди. Оқ бўталоқ жунидан тўқиб тикилган, авра-астари бежирим, чоклари ипак камзул Гулкишининг кўзини ўйнатиб юборди.

— Оғаннинг тўплаган дунёсидан эмас, буни ўзим эринмай тикканман, ёмон бўлса ҳам эслаб кийиб юрарсан, қайним, — деди Қорақош ойим.

Одат шу. Бекназар йўқ деёлмади. Кўпдан-кўп раҳмат айтди. Гулкиши камзулнинг енгидан ушлаб:

— О-о-о! «Ёмон бўлса ҳам», дейсиз-а?! Қўлингиз дард кўрмасин, янга! — деб қўйди.

Негадир Абил бийнинг ранги ўчди, ўйга толди, йигитлар меҳмонларнинг отларини тайёрласин, деб Қорақош ойимга тайинлаган бўлди. У кетиши билан дарров ўрнидан туриб:

— Энди, меҳмонлар, — деб қўшни хонадан бежирим саночни олиб чиқди, — ёдимдан кўтарилибди. Ёмон одатим бор, мен қимизни алоҳида ачиттириб ичаман, баъзан сал маёридан ўтиброқ кетади-ю, бироқ ичсам чанқоғимни босади.

У саночни шилқиллатиб бир-икки чайқаб, заранг косага тўлдириб қўйди-да, Бекназарга узатди. У қулоқ қоқмай олди. Абил қимиздан Гулкишига ҳам қўйди.

— Ичинглар, меҳмонлар...

Бекназар қимиздан бир симирди-ю, нимагадир тамшанди, ўша заҳоти бошини кўтариб, Абилга ўқрайди. Абилнинг кўзи олайиб, ранги қув ўчди. Гулкиши косани энди лабига олиб борувди, Бекназар унинг қўлини силтаб юборди, қимиз тўкилиб кетди. Гулкиши нима қилишини билмай қолди. «Отлар тайёр», деб эшикдан кирган йигит ичкаридаги аҳволни кўриб, Абил бийга жавдираб қаради.

Бекназар қўлидаги коса билан Абилнинг башарасига бир уриб, индамай эшикка йўналди. Гулкиши срқасидан чоғиб чиқди. Бошидан қимиз оқиб тушаётган Абил қимир этмасди. Йигити меҳмонлар ортидан чиқмоқчи бўлувди:

— Чиқма, — деб жержиб берди Абил. Ташқаридан шошиб Қорақош ойим кирди.

— Нима бўлди?

Абил чурқ этмади.

Бекназар отга минди-ю, чоптириб кетди. Гулкиши нима бўлганини тушунмай, айбни Бекназарга қўйиб изма-из борарди. Айри довонга етганда соя-салқин, серсув яшил ўзан кўзга ташланди. Бекназар тизгинни тортди. У от устида қаддини тиклолмай қалқиди. Гулкиши етиб бориб уни суяб қолди. Бекназарнинг ранги

кўкариб, кўзи шилпиқланиб кетибди. Бу азоб белгиси эди.

— Ҳой, садағанг бўлай, нима гап ўзи?— деб Гулкишининг капалаги учди. Бекназар бошини чайқади. Ҳарорати баланд. Ҳариянинг кўнглини ваҳима босди.

— Афсус! Э, афсус, Абил бошингга етибди, болам.

Бекназар икки марта ўхчиб, от ёлига қон қусди. Гулкишининг жон-пони чиқиб кетди. Белидаги белбоғини ечиб, ботирнинг кўкрагини, оғзини артди. Бекназар яна ўхчиди. Бадани увишди. Бир вақтлар тол ходани сиқиб, сувини чиқарган полвон энди икки букланиб эгар қошига ёпишиб олганди.

— Гул ака,— деди у аранг.

— Ҳа, садағанг бўлай, Гул аканг сендан ўргилсин.

— Гул ака, илтимосим шу... Энг охириги илтимосим...

— Хўш, садағанг бўлай, Гул аканг сендан ўргилсин.

— Бўлар иш бўлди, кўриб турибсиз, Гул ака. Ёш бола эмассиз, заҳар ичдим... Илтимосим шуки, буни ҳеч кимга айтманг, Гул ака... Чайқалиб юриб тўкилдик, чопишиб юриб тугадик! Мендан олдин ҳам, мендан кейин ҳам одам ўлади. Юрагимда биргина армоним қолди. Халқнинг сўнгги топшириғи эди, ўрисларни кутолмай кетадиган бўлдим... Ўзинглар чиқиб кутиб олинглар...

Гулкиши нима дейишини билмай хўнграб йиғларди. Бекназар тўлганиб, кўзлари сузилиб, от устида жон берди...

«Нима бўлдийкин? Бўлар иш бўлди. Улса ўкирик, ўлмай қолса қийқириқ. Иккисидан бири...» деб Абил тонг отгунча кўз юммади. Ташқаридан шитир этган товуш келса ёки ит ҳурса, олазарак бўлиб эшикка қарарди. Ҳеч ким билан гаплашмасди! Қорақош оёғим гаранг эди. Абил борган сари қош-қовоғидан қор ёғиб, қуритилган балиқдай тиришиб ўтирарди. Хотини гапни нзмадан бошлашини билмай, унинг ёнига ўтирди:

— Додхоҳ, табиб чақиртирайми?— деди.

Абил ё ҳа демади, ё йўқ демади. Унинг миясида битта гап айланарди: «Улса ўкирик, ўлмай қолса қийқириқ».

Ташқарида кимдир от чоптириб келиб тўхтади. Абил кимхоб чопонини елвагай ташлаб ўрнидан турди.

Қорақош ойим эшикка чиқди. Йўлга қўйилган қоровул экан. Ранги рўйи ўчган. Абил ундан «Ўлса ўкирикни, ўлмай қолса қийқириқни» кутди.

— Бий, ботир қазо қилибди,— деди қоровул ҳовлиқиб. Қорақош ойим додлаб юборди. Абил гоҳ оқариб, гоҳ қизариб, юпқа лаблари титраб қоровулга қаради:

— Нима деб ўлибди? А, бирор узр-маъзурини айтибдими?

— Билмадим, бий, Кўлмозорга гўр кавлагани келган одамларни кўрдим...

Бий ўзига келди. Пешонасидан тер чиқди. У эшиттириб «Худо раҳмат қилсин»... деди-да, кафтларини юзига сурди. «Э? Гўр қазигани келишган бўлса, менга атай хабар юборишмаган экан-да?.. Мендан гумонсирашмаганмикин?» деб талвасага тушди.

— Эсиз ботир! Шундай пок, йўлбарсдай паҳлавон, юз ёшга чиққан чоллардай донишманд эди,— деди Абил қоровулнинг кўзи олдида, хотинининг рўпарасида туриб, қувонганиданми ёки ачинганиданми йиғлади.— Худо раҳмат қилсин! Жон бор жойда ўлим бор. Ҳаммамиз бир куни ўша ерга борамиз.

Қорақош ойим сидқидилдан кўз ёши тўкди.

V

Полковник Машин Наманган шаҳридан чиқиб Сафед-Билол қишлоғи орқали келаётганди. Қутурган уч юз казак-рус отряди Сафед-Билолдан ўннга бурилиб, Бўзбу тоғининг ости билан Норин дарёси бўйига чиқди.

Тоғ оралаб, дурбин билан гоҳо атрофни кузатиб эҳтиёткорлик билан келишарди. Отряд баъзан экин экилмай қолиб кетган майдонлар, қаровсиз қолган қишловларга дуч келарди. «Қора қирғизлар кўчманчи халқ,— деб тилмоч тушунтира бошлади полковник Машинга,— кўрмайсизми, улар шундай жойларга экин экиш, боғ қилиш ўрнига яйловма-яйлов кўчиб, мол боқиш билан овора бўлади. Кузда кўчиб келишади. Бу ерларга ўшанда бўз ўтовлар сиғмайди». Машин индамай, жилғаларга гумонсираб қарарди. «Балки қочиб кетишгандир. Пистирмада ётган бўлса-чи?» деб отини елдиради.

Икки сув қўшилган ерга келишди. Полковник Машин тўриқ қашқанинг жилловини тортиб тўхтади. Сувнинг бири кўм-кўк, иккинчиси оппоқ эди. Қирғоғида самбиттол новдалари қизларнинг сочидай осилиб

турарди. Теракларнинг япроғи майин шивирларди. Асал ҳиди анқирди. Ёввойи ўриклар пишган эди. Ҳеч ким йўқ. Ҳавода бўз тўрғай чулдирайди. «Беҳишт», — деди ўзича Машин. Юзбоши унинг ширин хаёлини бўлди.

— Ҳазрат! Маҳаллий кишилар...

Полковник қовоғини солди ва қалин ёнғоқзордан бир оз олдинга чиқиб турган ўн чоғли одамни кўриб:

— Тайёрланинглар, — деди.

Бир зумда отряд сафга тизилиб, ёнғоқзорни ўраб олиш учун ҳозирланди. Машин тилмоч билан бирга борди. Атроф жимжит. Урушгудай ҳолат сезилмади.

Қўрқа-писа турган ўн кишининг ичидан саллалли, кимхоб чопон кийган бир киши отлиқларга пешвоз чиқди. Орқасидан қолганлар эргашди. Белларига сқ белбоғ боғлаган ёш йигитлар. Қўллари кўксиди. Кимхоб чопонли киши чўк тушиб, таъзим қилди.

— Ассалому алайкум, Одам Атонинг иқболли фарзандлари!

Тилмоч таржима қилди. Полковник мўйловини бураб, кўзлари кулиб бош ирғади. Кепатаси ўрданинг қўлга тушган донишмандларига ўхшаган одам майин овозда кўп гапларни айтди.

— Нимага қараб турибмиз? Булар билан ади-бади айтиб ўтиргунча ўрикни шохига илиб кетмаймизми, — деди юзбоши бетоқат бўлиб.

— Улгурамиз, — деди Машин.

Тилмоч таржима қилди:

— Шу атрофдаги қора қирғизларнинг бир бийи, русларга тарафдорман, нияти холис одамман, дейди. Қадрли меҳмонларнинг келишини эшитиб, совға-салом билан кутиб турибмиз, туз тотиб кетинглар, деяпти. Исми Ибн Қараш Абил бий экан...

— Э, шундайми? — деди полковник.

Абилнинг кўзи тилмочга тушди. Тилмочнинг кўзи унга танишдай туюлди. Ўзини ростлади. Булар билан муносабатимни яхшироқ йўлга қўярмикин, деб ўйлади. Уни ўзидан бошқа кишиларнинг тақдири мутлақо қизиқтирмасди.

— Келинглар... Тўрга ўтинглар, — деб бий энгашиб келиб, Машиннинг узангисини тавоф қилди. — Келинглар.

Полковник, «бу нимаси», деб тилмочга қаради. Тилмоч «бўйсинганлик белгиси...» деди.

— Улуглар, Одам Атонинг иқболли фарзандлари, Хўжаи Хизр жиловдор бўлган бандалар, менинг элиманда ҳазрати оқ пошшонинг ҳурмати учун ярим пошшонинг муҳтарам тўрасига ҳеч қандай ёмон ниятимиз йўқ. Келинлар, иззатли меҳмонимиз бўлинглар...

Тилмоч таржима қилди. Полковник отини ниқтаб:

— Ҳечқиси йўқ, гаплашамиз, меҳмон бўламиз...
Бу қизиқ,— деди.

Абил олдинда борарди. Йўлда турган йигитларига: «Бўлинглар, дастурхонни ёзинглар», деб тайинлади. Ёнғоқзор остига етгач, Абил бош эгиб таъзим қилди.

— Келинлар, азиз меҳмонлар. Йўл азоби ёмон, толиқиб чанқагансизлар. Мана майдон, мана соя-салқин жой,— деб гирдиқапалак бўлди.

Тилмоч таржима қилди. Машин отдан тушди. Абил адъютантдан олдин бориб отни ушлади.

— Тушунган одам экан,— деди полковник. Буни муғамбир Абил дарров сизди: «Ҳа, бу ҳам банд экан. Иззат-ҳурмат худонинг қайси бандасига ёқмайди?» деб юзига табассум югурди.

Йигитларнинг қўли қўлига тегмай дастурхонларни ёзиб, гўштларни лаганларга солиб, салқинда турган қимиз тўла саночларни олиб келишди. Солдатлар салқинлаб, сувда чўмилишарди.

Полковник Машин хавф-хатарга асос йўқлигини кўриб, бир оз айланиб, сувда ювениб келди. Тўкин дастурхон унинг чеҳрасини очиб юборди.

— Қани меҳмонлар... Қани дастурхонга,— деб Абил пой-патак бўлди.

Полковник негадир ўтирмай Абилга гумонсираб қаради. Абил буни билиб дастурхондаги гўшдан, қимиздан олдин ўзи татиди. Буни кўриб турган аскарлар қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Полковник Машин Абилнинг елкасига қоқди:

— Исминим ким дедингиз?

Абилнинг кўзи ўйнаб тилмочга қаради.

— Э, ўзимиздан экансиз-ку?! Тахлитинг ўрис, тилинг қовоқчалиш нўғайга ўхшайсан, қариндошим?

— Ўз исмингни айт!— деди тилмоч қовоғини солиб,— менинг ким иканимда сурап нима қиласан? Ўзинг жувап бир!

Абил бошда ҳовлиқиб гапириб, совуқ муомаладан кейин хижолат бўлиб полковникка қаради.

— Менинг исмим Абил... Абил бий,— деди.

Дастурхонга ўтиришди. Машин тўрға, юзбоши билан тилмоч ўртасига ўтирди. Уларга Абилнинг ўзи хизмат қилди.

Туш оғиб кетгунча ўтиришди. Ҳар хил гап-сўз бўлди. Икки томон анча тил топиб қолишди. Полковник қопчиғидаги идишдан ароқ олдириб юзтадан қуйдирди.

— Ну, қадрли бий,— деди Машин ароқни уза-тиб,— энди сиз биз билан ичасиз.

Тилмоч кулиб таржима қилди. Абил тиниқ суюқликни кўриб, тилмочга қаради. Тилмоч:

— Сизлар ароқ дейсизлар,— деди. Абил ичида калима келтириб, «Э, худо, энди нима қилдим?» деб гангиб қолди.

— Улуғ тўрам,— деди зўрға каловланиб,— бизнинг худо ароқ ичишга рухсат бермайди. Гуноҳ бўлади. Кечирасиз...

Тилмоч таржима қилди. Машин мўйловининг бир ёғини учуриб, мовий кўзларини тикиб:

— Бизнинг худо ҳам сизлар билан бирга ўтиришга рухсат берган эмас. Мана биз, ўтирибмиз-ку?!— деди. Тилмоч таржима қилди. Абилнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб: «Э, худо, ўзинг кечиргин! Пошшоинг кофир бўлса ҳам амрини тут, чўлоқнинг эса охирини кут, деб уламолар бекор айтмагандир»,— дея пиёлани қўлига олди-да, бир тамшаниб, қулт этиб ичиб юборди. Ўтирганлар завқланиб кулишди.

— Бу бошқа гап!— деди полковник ва ўзи ароқни ҳеч сесканмай маза қилиб ичди.

Айниқса аскарлар қимизни ҳузур қилиб ичишарди. «Во! Яхши кумис!» деб қўйишарди. Абил чиндан ҳам ҳайрон қолди.

— Э, мусулмон нўғай,— деди Абил,— булар ҳам қимизни биларқанда-а?

— Алаша¹ итин ошамийлар. Сутун-да ишмийлар. Кунуп алишти просто! Буткул казак даласинан утуп келишти. Кунуп алишти, просто,— деб тушунтирди кўзлари ароқдан қизариб кетган тилмоч.— Барина кунар, барина кундурар. Шуниси билан кийин булар...

Нарироқда солдатлар қирғиз йигитлар билан ўз-

¹ От (ред. изоҳи).

ларича тил топиб гурунглашарди. Полковник сал кайфи ошдими, амалини, руслигини унутиб, анақа-мунақа гапга қулоқ солмай, ўзиникини маъқуллатишга тушди.

Шу пайт нариги бетдаги адирдан Қулмозор ёққа одамлар чуваланиб ўта бошлади. Машин ўша тарафга юзланди. Тилмоч ҳам қўлини соябон қилиб қаради.

— Э,— деди Абил ранги бўзариб,— бу одамлар қабристонга ўлик кўмгани кетишаётир. Улуғ тўрамизнинг иқболи бўлса керак, бир ёвуз душманинглар бор экан, кеча қон қусиб қазо қилибди. Ушани кўмгани кетишапти. Хавотир бўлманглар, энди бу халқ сизларнинг ихтиёрингизда...

Тилмоч тушунтиргач, полковник кўнгли ўрнига тушиб, дурбин билан томоша қилди.

Энг олдинда тўртта полвон йигит тобут кўтариб боришапти. Марҳумнинг оти туёғига қадар ёпқич билан ўралган, эгари қсшига қинсиз қилич осиб қўйилганди. Маросимга келганлар тобутни қўлма-қўл қилиб қабристонга яқинлашаётгандилар.

Одамлар қабрга етиб келгач, гўрковлар тобутни йигитларнинг елкасидан олишиб ерга қўйишди...

Полковник Машин яна қаради-да, ўридан турди.

— Ну, раҳмат, бий.

Меҳмоннинг кетмоқчи бўлганлигини тилмочсиз тушунган бий:

— Эй... Қорачол,— деб орқасига ўгирилди.

Қорачол ҳам худди кутиб тургандай кумуш лаганда пишган ғозни кўтариб келди. Машин ғоздан кўра давангир Қорачолга қизиқиб қараб қўйди.

— Шуни еб отланинглар. Булар парранда гўштини хуш кўришини ўзингиз биласиз, абзий. Биз ғоз боқмаймиз. Шунинг учун буни атай шаҳардан олдириб келдик,— деди Абил. Тилмоч таржима қилди. Полковник Машин:

— Э, бу нимаси, дўстларим?!— деди, у, буни қаримизга еймиз, дегандай афти буришди.

Абил:

— Йўқ... Олинг, тўрам, олинг,— деб полковникнинг таъби тортмаганига қарамай қистади.— Оғайни, сен айт, ҳеч бўлмаса сонини айириб, татиб кўрсин.

Тилмоч тушунтирди.

Полковник мезбоннинг шинавандалигидан хурсанд бўлиб, кумуш лагани олдига тортди, ғознинг қорни

каноп билан тикиб қўйилганини кўрди-ю, жирканиб бошини чайқади, ноилож ғознинг бир оёғидан тортган эди, ҳил-ҳил пишган гўшт титилиб, ғоз қорнидан мойга аралашган олтин тангалар думалаб туша бошлади. Полковник ҳанг-манг бўлиб Абилга қаради. Уларнинг кўзи тўқнашди. Абил бошини аста қимирлатди. Тилмоч ўзини кўрмаганга олди. Полковник ё қўлини артишни, ё ичига олтин тўлдирилган ғозни нари суриб қўйишини билмай турарди.

— Якши киргиз,— деди у раҳмат айтган бўлиб. Абил бий таъзим билан:

— Озиқли от ҳоримас... — деб ғозни кумуш лагани билан дарҳол дастурхонга ўраб полковникнинг чарм қопчиғига солди, тўриқ қашқанинг эгари қошига ўзи боғлаб қўйди.

Полковник Машин Абилга қараб:

— Якши киргиз,— деди билган гапини қайтариб.

Улар отланишди. Полковник Абил билан хушчақчақлик билан қўл олишиб хайрлашди. Абил унинг қўлини қўйиб юбормасдан:

— Оғайним абзий,— деди тилмочга,— ўзинг тўрага тушунтириб айтгин, менга бирор нарса деб гувоҳнома ёзиб берсин, ўзинг биласан, бизнинг халқ ўжарроқ, ҳар хил гап чиқиши мумкин, мен уларга далил кўрсатгудай бўлай. Қолаверса, сизлардан кейин бошқа тўралар ҳам келиб қолиши мумкин. Улар қай тарзда келиб, қай тарзда кетишини билиб бўлмайди. Уша гувоҳномаси менга асқатиб қолса ажабмас...

Тилмоч илонни ёғини ялаган бийга қойил қолиб, илтимосини таржима қилди. Полковник Машин чўнтағидан қоғоз олиб, от устида ёза бошлади: «Биз тоғ оралаб келаётиб, қора қирғизлар билан учрашдик. Бийи Ибн Қараш Абил бизни яхши кутиб олиб, чинакам дўстона муомалада бўлди. Шунинг учун бу элнинг, унинг бийини рус ҳукуматига ёмон фикрда эмаслигига гувоҳ бўлиш билан бирга, биздан кейин келадиган экспедиция аъзоларининг буларга яхши муносабатда бўлиши зарурлигини эслатамиз!» деб имзо чекиб Абилга узатди. Абил эгилиб, хатни қўш қўллаб олди.

Отряд йўлида давом этди. Абил эса рус маъмурлари келгунга қадар бу хатдан худди подшодан олган ёрлиқ сингари фойдаланди, қора халқни бошқариб туришга ҳуқуқ берган ўша «табаррук» қоғозни анчага-ча кўзига суртиб, тавоф қилиб юрди...

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ	3
ИККИНЧИ ҚИСМ	36
ҮЧИНЧИ ҚИСМ	123
ТҶРТИНЧИ ҚИСМ	210
БЕШИНЧИ ҚИСМ	278
ОЛТИНЧИ ҚИСМ	351